

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Тошкент темир йўл муҳандислари институти**

**О.С. Турдиматов**

## **ЮК ВА ТИЖОРАТ ИШЛАРИНИ БОШҚАРИШ**

фанидан

### **МАЪРУЗА МАТНЛАРИ (1-2-семестрлар учун)**

Билим соҳаси: 500000-Муҳандислик, қайта ишлаш ва қурилиш соҳалари;  
800000-Хизматлар соҳалари.

Таълим соҳаси: 520000-Муҳандислик ва муҳандислик иши;  
810000-Хизмат кўрсатиш.

Таълим йўналиши: 5521200–Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш (темир йўл транспорти);  
5811400-Сервис (темир йўл транспорти).

**Тошкент-2011**

УДК 656.225.04

### **Аннотация**

Маъруза матнларида Ўзбекистон Республикаси темир йўл Уставига ва темир йўл транспорти қонунчилиқ хужжатларига мувофиқ юк ва тижорат ишлари бошқариш асослари баён этилган.

Маъруза матнлари бақлавриятнинг: 5521200 – Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш (темир йўл транспорти), 5811400 – Сервис (темир йўл транспорти) ва 5840300 – Ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (транспорт турлари бўйича) йўналишларига мўжалланган.

Тузувчи: О.С. Турдиматов т.ф.н., доц.

Тазричлар: Тўйчиев Э.Т. ТошТЙМИ ЮТИТ ва С кафедраси доценти,  
техника фанлари номзод;  
Абдулхаиров Н. Ўзбекистон – Россия қўшма орхонаси  
“Азиятранс” бош директори.

© Тошкент темир йўл муҳандислари институти 2011 й.

## **1-маъруза. Муқаддима**

**Режа:**

- 1. Умумий ҳолат;**
- 2. Темир йўл транспортида техник ҳамда юк ва тижорат операцияларни;**
- 3. Темир йўл транспорти ички ва ташқи фаолияти;**
- 4. Темир йўлининг ташкилотлар ва жисмоний шахслар билан ташқи алоқаларининг шакиллари;**
- 5. Юк ва тижорат ишлари глобалъ логистик тизимнинг қисми;**
- 6. Юк ва тижорат ишларининг муаммоли масалалари.**

Темир йўли давлатимизнинг асосий транспорт турларидан бири ҳисобланади. Темир йўл транспорти муҳим давлат, халқ хўжалик ва мудофаа аҳамиятига эгадир. Умумий узунлиги 4123,6 км, шундан 3613,6 км бир изли ва 512,0 км икки изли бўлган мамлакатимиз темир йўллари турли хил техник қурилма ва воситалардан, яъни темир йўл излари, ҳаракатдаги состав (локомотив ва вагон)лар, локомотив ва вагон хўжалик иншоотлари, сигналлар ва алоқа қурилмалари ва жиҳозлари, электр, сув таъминоти хўжаликлари, темир йўл станциялари ва узелларидан иборат.

Ўзбекистон темир йўл транспорт тизимининг рақобатлашув қобилиятини ошириш ва уни жаҳон транспорт тармоғига тезроқ қўшилишида, интеграциялашувида энг асосий омил эркинлаштириш жараёнларини кучайтириш ҳамда бозор воситалари ва механизмларидан янада тўлароқ фойдаланиш ҳисобига унинг самарадорлигини кўтаришдан иборатдир. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Темир йўл транспорти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни темир йўл соҳасида ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда бу йўналишда қўйилган муҳим қадам бўлди. Шу билан бирга 2001 йил 2 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Темир йўл транспортини монополиядан чиқариш ва акциядорликка айлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди, 3 март куни эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон темир йўллари Давлат акциядорлик темир йўл компанияси бошқарувини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида” Қарор қабул қилди. Унинг натижасида “Ўзбекистон темир йўл назорат давлат инспекцияси” тузилди ва “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акционерлик темир йўл компанияси (ЎТЙ ДАТК) хўжалик юритувчи субъект сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида транспортнинг, айниқса, юк ташиш ишларининг ярмидан ортиғини бажараётган темир йўл транспортининг аҳамияти янада ортиб бормоқда. Халқ хўжалиги эҳтиёжини юк ташишлар бўйича тўлароқ қондириш учун ташиш

воситалари - вагонлардан ва контейнерлардан самарали фойдаланиш, вагон айланишини жадаллаштириш, вагонларни меъеридан ортиқ тўхтаб туришларига барҳам бериш, юкларни ўз муддатида ва тўла асраб етказиб бериш, темир йўл шохобча йўллари ишини самарали ташкил этиш, вагон ва контейнерларнинг юк кўтариш қобилиятидан максимал фойдаланиш ва шу каби техникавий - технологик ва ташкилий чора-тадбирлар қўллаш керак бўлади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортини ривожлантириш учун жуда катта материал ресурслари сарифланмоқда. Шунинг учун техник воситалардан самарали фойдаланиш ва халқ хўжалигини ташишга ўсиб бораётган эҳтиёжларини энг кам транспорт харажатлари билан қондириш биринчи даражали вазифалардан бўлиб турибди.

Темир йўл транспортида юк, йўловчи, багаж ва юк багажларни ташишда **техник** ҳамда **юк** ва **тижорат** операцияларни маълум кетма-кетликда ёки биргаликда бажариш оқибатида, уларнинг макондаги жойлари ўзгартирилади - юклар ишлаб чиқариш доирасидан истеъмол доирасига, йўловчи ва унинг багажи тайинланган манзилга етказиб берилди.

Бу операцияларни меъерий ҳужжатларда белгиланган муддатларда, аниқ, тўла-тўқис ва лозим даражада бажариш юкларни тайинланган манзилларга ўз вақтида ва тўла асраб етказиб беришни, йўловчиларга эса сифатли хизмат кўрсатишни таъминлайди.

Техник операциялар мажмуаси ташиш жараёнидаги темир йўлининг **ички фаолияти** ҳисобланиб, уларни бажаришни темир йўлининг мутаъсадди корхоналари амалга оширадilar. *Техник операцияларга: станциядаги маневр ишлари, вагонларни ортиш – тушириш жойларига олиб кириб бериш ва олиб чиқиш, вагонларни саралаш, поезд ва составларга ишлов бериш, поездларни станцияга қабул қилиш ва станциядан жўнатиш, составни тарқатиш ва шакиллаш ва шу каби операциялар мансуб бўладилар.*

Юк ва тижорат операциялари ташиш жараёнидаги темир йўлининг **ташқи фаолияти** ҳисобланиб, улар мажмуаси темир йўл транспортининг давлат корхоналари, ташкилатлари, бошқа турдаги транспортлар ва жисмоний шахслар билан бўлган **тармоқлараро технологик алоқаларини ва юридик муносабатларини** тавсифлайди. *Юк ва тижорат операцияларига: жўнатувчилардан юкларни қабул қилиб олиш ва олувчиларга юкларни топшириш, юкларни тортиш, ортиш ва тушириш, йўл сафариди юкларни саралаш ва қайта юклаш, омборларда юкларни вақтинчалик сақлаш ва тахлаш, ташиш билан боғлиқ бўлган юк ҳужжатларини расмийлаштириш, юк ташиш учун кира ҳақларини ва йиғимларни ҳамда заруриятли ҳолатларда жарималарни ундириш, темир йўл шохобча йўлларига вагонларни топшириш ва улардан вагонларни қабул*


*қилиб олиш ҳамда бу операцияларни лозим даражада расмийлаштириш, ва шу каби операциялар мансуб бўладилар.*

Темир йўл транспортининг тармоқлараро муносабатлари саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини транспорт ташкилотларига, ташишга топшириш пайтида пайдо бўлади. Ушбу топшириш пайтида муҳим юридик акт - **маҳсулотни юкка айланиши** (ўзгариши) содир бўлади. Кейинчалик юкни товар, хом-ашё ёки ярим фабрикат сифатида истеъмол қилиш мақсадида фойдаланиш мумкин бўлишлиги учун, уни иккиламчи – **юкни товарга айланиши**, темир йўли юкни юк олувчиларга топшириш пайтида содир бўлади. Товар-моддий бойликларнинг номини бундай ўзгариши, уларни қандайдир технологик қайта ишлов беришдан ёки қўшимча ишлов бериш жараёнидан ўтишидан дарак бермайди. Транспорт ҳеч қандай янги шакилдаги маҳсулот яратмайди, балки транспорт товарни истеъмол хусусиятини ўзгартирмай товар ишлаб чиқариш жараёнини давом эттиради ва тугатади. Бу ишлаб чиқариш жараёнида фақат товарнинг ўрни ўзгаради ва шу билан бир қаторда товар истеъмол баҳосига эга бўлади. «Маҳсулот-юк-товар» схемасидаги бундай ўзгаришларда юк ташиш бўйича жавобгарлик билан боғлиқ бўлган комплекс операциялар ва юридик тартибли ҳаракатлар (процедуралар) вужудга келади. Темир йўлининг тармоқлараро алоқалари дастлабки ва сўнги операцияларни бажаришда ва юк ташишни режалаштиришда намаён бўлади. Тармоқлараро муносабатлар темир йўлининг энг муҳим фаолият тури бўлган **тижорат ишларини** келтириб чиқаради.

Бозор муносабатларига тўлиқ ўтиши натижасида темир йўл транспортини тижорий фаолияти биринчи даражали аҳамиятга касб этди. Темир йўл транспортини тижорий фаолиятини, халқ хўжалик юкларини ташишда ва фуқароларни сафарларида **темир йўли ҳақ эвазига кўрасатадиган кенг қамовли сервис хизматлари** деб қаралади. Юкларни, йўловчиларни, багажларни ва юк багажларни ташишлар учун кира ҳақлари ва йиғимлар, темир йўл транспорти корхоналари бажарган ортиш ва тушириш ишлари учун йиғимлар, темир йўли маневр воситаларида вагонларни темир йўл шохобча йўлларига олиб кириб бериш ва олиб чиқиш учун йиғимлар, вагонлар ва юк саройи худудида майдонлар ва омборлар ижараси учун ҳақлар ва бошқалар темир **йўлининг асосий даромад манбааларига мансуб** бўлади.

Темир йўлининг бошқа транспорт турлари ва халқ хўжалик тармоқлари билан юк ва тижорат соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиги қуйидаги **масалаларни**: тарифлар ва шартномавий ишларнинг, транспорт-экспедиция операцияларининг, юкларни ташишни башоратлаш ва режалаштиришнинг, ортиш – тушириш ишлари темир йўл транспорти корхоналарини ва саноат темир йўл транспорти корхоналарини фаолияти ташкил этишнинг, туташини (стык) пункларида турли турдаги транспортларни фаолиятларини келиштиришнинг, юкларни ташишда

темир йўлини, юк жўнатувчиларни, юк олувчиларни жавобгарлиги билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий масалаларни ишлаб чиқишнинг ва бошқа масалаларнинг самарали ечимларини топишни ўз ичига олади. 1 – расмда юк ва тижорат ишларини ташкил этишда темир йўлининг ташқи алоқаларининг шакилларини тавсифловчи чизма келтирилган.



1 – расм. Юк ва тижорат ишларини функциональ тузилмаси.

Чизмадан кўришиб турибдики темир йўлининг ташкилотлар ва жисмоний шахслар билан ташқи алоқаси қуйидаги ҳолатларда:

- а) юкларни жўнатувчидан қабул қилишда ва олувчига топширишда;
- б) юк ташишларни башоратлаш ва оператив режалаштиришда;
- в) транспорт – экспедиция операцияларида;
- г) темир йўл шохобча йўлларига хизмат кўрсатишда;
- д) тўғри аралаш қатновларда;
- е) тўғри халқаро қатновларда;
- ж) тариф ишлари ва ташиш бўйича ҳисобларда;
- з) йўловчи, багаж ва юк багаж ташишларда;

и) ташиш бўйича жавобгарлик ва талаб ишларида, намоён бўлади.

Темир йўлининг юк ва тижорат ишлари соҳасини, хозирда ривожланган Европа, Америка ва Осиё давлатларида кенг тарқалган, **логистика** нуқтаи назаридан ҳам қараш фойдалидир. Логистиканинг **иккита жиҳати** мавжуд. **Биринчидан логистикани бозор конъюнктураларини инобатга олган ҳолда талабга, ишлаб чиқаришга, транспортга ва маҳсулотларни тақсимлашга асосланган иқтисодийнинг ишлаб чиқариш соҳаси деб ҳисобланади. Иккинчидан логистикани маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етказиб бериш жараёнида талабни қондириш учун материал ва ахборот оқимларини бошқариш усуллариини ишлаб чиқишдаги янги илмий йўналиш деб қаралади.**

Транспорт логистикасини ривожлантириш юк жўнатувчиларни, темир йўлини, ва юк олувчиларни иқтисодий манфаатларини транспорт – технологик тизимларини яратиш негизида (базасида) бирлашритишга асосланади, масалан технологик маршрутлар ташкил этиш, темир йўлини, юк жўнатувчи, юк олувчи ва хусусий (приват) ҳаракатдаги составларни кооперациялашган фойдаланиш. Логистиканинг муҳим принципи истеъмолчида ва ташиш жараёнида харажатларни, хом ашё манбаа ва захираларини, ёқилғи ва тайёр маҳсулотларни энг кам миқдорларгача ихчамлаштириш ҳисобланади. Шунинг учун юк ва тижорат ишларини илмий – техника тараққиёти негизида ривожлантириш муаммолари логистик принципларидан бирини амалга ошириш деб қараш ҳам мумкун. Юк ва тижорат ишларини магистраль транспорт чегараларидан ташқарига чиқиши ва ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва бозор (маркетинг) фаолиятига бевосита муносабатда бўлиши, бу соҳа глобаль логистик тизимнинг қисми эканлигидан гувоҳлик беради. Темир йўлининг барча тамоқларини самарали ишлаб туриши кўп жиҳатдан юк ва тижорат ишларини сифатига боғлиқ бўлади.

Юк ва тижорат ишлари ҳам темир йўл транспортининг ишлаб чиқариш соҳаси ва ҳам эксплуатация фанларининг тармоғи ҳисобланиб ўзининг юз йилликдан ортиқ ривожланиш тарихига эга. XX-асрнинг 60- ва 70-йилларидан бошлаб юк ва тижорат ишлари такомиллашувида жуда катта ютиқларга эришила бошланди. Контейнерларда ва пакетларда юк ташиш жадаллик билан ривожланмоқда, механизациялашган ва автоматизациялашган транспорт – омбор комплекслар ва юк станцияларининг ва контейнер терминалларининг автоматизациялашган бошқариш тизимлари яратилмоқда; саноат транспортида Ягона технологик жараёнлар асосида темир йўл шохобча йўллари ва туташган станция ишини ўзаро ҳамкорлигини илмий асосланган усуллари омалашмоқда; вагонларга зичлаб ортиш ва юк фронтларига жадаллаштириб хизмат кўрсатиш усулларида, юк ташишлар учун марказлашган ҳисоблардан фойдаланилмоқда, юк ишларини кам сонли станцияларда

концентрациялаш амалга оширилмоқда, юк ташишларни маршрутлаштириш юксалмоқда ва ҳ.к.

Лекин темир йўллардаги юк ва тижорат ишларининг техник базаси ва технологияси замонавий талабларни қониқтирмапти. Вагонларни юк операцияларида тўхтаб туриши ачинарли даражада катта. 2007 ва 2008 – йилнинг натижаларига кўра ЎТЙ ДАТК да вагоннинг айланиши ва уни элементлари бўйича қийматлари ҳамда фоизлари 1-жадвалда келтирилган.

1 – жадвал

### ЎТЙ ДАТК да вагонни айланиши элементлари бўйича

Йиллар	Θ, сутка	Θ, соат	Шу жумладан			
			<i>T<sub>ҳар.</sub></i> , соат	<i>T<sub>ор.</sub></i> , соат	<i>T<sub>тех.</sub></i> , соат	<i>T<sub>юк.</sub></i> , соат
2007	3,65	87,6	9,9	2,7	36,7	37,4
	%	100	11,3	3,1	41,9	43,7
2008	3,62	86,9	10,0	3,0	36,0	37,9
	%	100	11,5	3,5	41,4	43,6

1-жадвалдан кўриниб турибдики вагон айланишини 43,6 % қисмини уларнинг юк операцияларини бажаришда тўхтаб туриши ташкил этмоқда. Хозирда ЎТЙ ДАТК да вагонлар ўзининг айланишининг фақат 11,5 % вақти ҳаракатда бўлса, уларни оралиқ ва техник станцияларда тўхтаб туришларига мувофиқ равишда вагоннинг айланишини 3,5 % ва 41,4 % вақтини тўғри келар экан (2008 йил маълумотларига кўра).

Юк ва тижорат ишларининг муаммоли бўлиб турган масалалар шуки: самрасиз юк ташишлар бартараф этилмаган, вагонларни сиғимидан ва юк кўтаришидан тўлиқ фойдаланилмаяпти, юкларни етказиб бериш муддатларига риоя қилинмаяпти, юкларни ташишда нобудгарчиликлар жуда ҳам катта, юк ва тижорат ишларини механизациялаш ва автоматизациялаш суръатлари етарлича эмас, темир йўлини мижозлар билан ўзаро муносабатларидаги ҳуқуқий меъёрлар жиддий такомиллаштиришни талаб этмоқда ва ҳ.к. Юк ишларини ташкил этишдаги камчиликлар, кўп жиҳатдан саноат транспортини магистраль темир йўлларни техник қайта тиклаш ва асосий саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиш суръатларидан орқада қолиши натижасида, чуқурлашиб бормоқда.

Юк ва тижорат ишлари соҳасида темир йўлининг фаолиятини яхшиланишига кўмаклашувчи комплекс тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) юк ишларини кам сонли станцияларда концентрациялаш, станция ва унга туташган темир йўл шохобча йўллари худудларида эса – юк



ташишларни ихтисослаштирилган ортиш ва тушириш фронтларида концентрациялаш;

б) контейнерларда, таглик ва пакетларда, катта тоннажли контейнерларда фойдаланиш суръатларини илдамлаштириб, қайта юкламасдан ташиш тизимларини ривожлантириш, автоматизациялашган бошқариш тизимларини яратиш асосида контейнерларда юк ташишларни бошқаришни илғор усулларида фойдаланиш. Транспорт харажатларини 30 % гача тўғри келадиган қайта юклаш операцияларини қисқартириш – юкларни етказиб беришни жадаллаштиришни бош йўлларида бири бўлиб, темир йўлини даромадлигини (рентабеллигини) оширади ва меҳнат манба (ресурс) ларига бўлган талабни қисқатиради. Универсаль ва махсус контейнерларни турли турдаги тагликлар ва пакетлар билан биргаликда кенг номенклатурадаги юкларни ташишда фойдаланиш ягона транспорт тизимини амалга ошириш имкониятини беради, чунки бир транспорт туридан бошқасига алоҳида юк жойлари эмас, балки йириклаштирилган стандарт транспорт бирликлари кўчириб қўйилади;

в) вагон паркини структурасини ва станцияларда ҳаракатдаги составларга қайта ишлов беришни такомиллаштириш. Бу тадбир, поездларнинг катта ҳаракат тезликларида ташиш шароитларини мураккаблашуви ва юкларни асрашни таъминлашга юқори талаблар қўйилаётганлиги сабабли зарурдир. Ўзини оқлаган вагон паркининг кенг универсаллигини, яъний ёпиқ вагонларни, ярим очик вагонларни, платформаларни ва цистерналарни катта номенклатурадаги юкларни ташиш учун фойдаланишда сақлаб қолган ҳолда, айрим турдари юкларни – минераль ўғитларни, дон юкларини, цементни, қоғозни ва бошқа турдаги юкларни ташиш учун вагон паркини ихтисодий оқланган масштабларда ихтисослаштиришни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Вагонларга ва автомобилларга замонавий автоматика ва телемеханика воситалари асосида юклаш ва туширишнинг илғор усуллари жорий қилиш, тижорат операцияларни автоматизациялаш учун компьютерларни қўллаш, юк станцияларида технолодик жараёнларни бошқаришни такомиллаштириш, механизациялашган ва автоматизациялашган транспорт – омбор комплексларини яратиш зарур;

г) темир йўлини бошқа турдаги транспортлар билан ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш ва ташиш жараёнининг ташкил этиш сифатини юксалтириш. Бу комплекс масалаларга ишлаб чиқариш жараёнида технолодик ташишлар мавжуд бўлмаган ташкилотларнинг тасарруфидаги темир йўл шохобча йўлларини темир йўлига топширишни яқунлаш ҳамда магистраль ва саноат транспортини комплекс ривожлантиришнинг ягона техник сиёсатини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда темир йўлини ташкилотчилик ролини ошириш мансуб бўлади;

д) ташиш режасини бажариш, етказиб бериш муддатлари ва юкларни асрашни таъминлаш учун темир йўлини, юк жўнатувчиларни ва юк

олувчиларни ўзаро жавобгарликлари асосида темир йўлида юк ва тижорат ишларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш.

Юк ва тижорат ишлари соҳасидаги замонавий тенденцияларни (интилишларни) ўрганиш, бу соҳада бошқариш функцияси ролини ўсиб боришидан гувоҳлик бермоқда. Юк ташишни оператив режалаштириш, юк станцияларида, контейнер терминалларида, саонат темир йўл транспорти корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш, контейнер паркини ва рефрижератор ҳаракатдаги составларни тартибга солиш, контейнер оқимларини бошқариш, темир йўлларда юк ва тижорат ишларини бошқаришни ташкилий ва техник структурасини такомиллаштириш, қайта юклаш ва чегара станцияларида қайта юклаш жараёнларини бошқариш ва бошқа масалаларини ечиш учун математик усуллардан компьютерлардан кенг қамровли масштабларда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Барча бу бошқариш муаммолари “Темир йўл транспортида юк ва тижорат ишларини бошқариш” илмий фанида чуқур ёритилиши лозим.

### **Назорат саволлари**

1. Темир йўл транспортида юк, йўловчи, багаж ва юк багажларни ташишда қайси операциялар бажарилади?
2. Темир йўл транспортида қайси операциялар бажариш натижасида юклар ишлаб чиқариш доирасидан истеъмол доирасига, етказиб берилади?
3. Техник операциялар мажмуаси ташиш жараёнидаги темир йўлининг ..... ҳисобланиб, уларни бажаришни темир йўлининг мутаъсадди корхоналари амалга оширадилар.
4. Ташиш жараёнидаги темир йўлининг техник операцияларни бажаришни кимлар амалга оширадилар?
5. Юк ва тижорат операциялари ташиш жараёнидаги темир йўлининг ..... ҳисобланиб, улар мажмуаси темир йўл транспортининг давлат корхоналари, ташкилатлари, бошқа турдаги транспортлар ва жисмоний шахслар билан бўлган тармоқлараро технологик алоқаларини ва юридик муносабатларини тавсифлайди.
6. Юк ва тижорат операцияларига қайси операциялар мансуб эмас?
7. Юк ва тижорат операцияларига қайси операциялар мансуб эмас?
8. Юк ва тижорат операцияларига қайси операциялар мансуб эмас?
9. Саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини транспорт ташкилотларига, ташишга топшириш пайтида қандай муҳим юридик акт содир бўлади?
10. Темир йўли юкни юк олувчиларга топшириш пайтида қандай муҳим юридик акт содир бўлади?
11. Темир йўлининг тармоқлараро муносабатлар қандай ишларни келтириб чиқаради?
12. Темир йўл транспортини тижорий фаолиятини, халқ хўжалик юкларини ташишда ва фуқароларни сафарларида ..... деб қаралади.
13. Вагон айланишининг энг кўп улуши қайси операцияларга тўғри келади?

## 2-маъруза. Юк ва тижорат ишларини бошқариш асослари

Режа:

1. Ташиш жараёни ҳақида умумий маълумот;
2. Ташиш жараёнида фойдаланиладиган асосий терминлар ва тушинчалар;
3. Транспорт логистикаси;
4. Юк ва тижорат операциялари
5. Юк ва тижорат ишларининг мазмуни
6. Юк ва тижорат ишларини бошқаришни ташкилий тузилмаси
7. Қатнов турлари ва юк ташишларни таснифи.
8. Юк ва тижорат ишларини ривожлантиришни ва такомиллаштиришни асосий йўналишлари


### 1.Ташиш жараёни ҳақида умумий маълумот

“Темир йўл транспорти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддасида ташиш жараёнига қуйидагича, “ташиш жараёни – юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажни ташишга тайёргарлик кўриш, уни амалга ошириш ва тугаллаш чоғида темир йўл транспорти корхоналари бажарадиган ташкилий ва технологик жиҳатдан ўзаро боғлиқ ҳаракатлар ва операциялар мажмуи” - деб таъриф берилган. Ташиш жараёни юкларни ишлаб чиқариш жойларидан истеъмол жойларига етказиб бериш билан боғлиқ бўлган мураккаб жараён бўлиб, учта йирик операциялар мажмуасидан иборат:

- а) юкларни ташишга тайёрлаш операцияларидан;
- б) ортиш-тушириш ва омбор операцияларидан;
- в) етказиб бериш операцияларини.

Бу операциялар ўз навбатида бошқа бир неча ўнлаб майда **техник** ҳамда **юк ва тижорат** операциялардан иборат бўлиб уларни **меъёрий ҳужжатларда**: юкларни ташиш Қоидаларида, йўловчи, багаж ва юк багажларни ташиш Қоидаларида, юкларни ортиш ва маҳкамлашнинг Техник шартларида, темир йўлларида техникавий фойдаланиш Қоидаларида, Поездлар ҳаракати ва ишоралаш Йўриқномасида ва бошқаларда ҳамда технологик жараёнларда белгиланган тартибда ва муддатларда амалга ошириш натижасида маҳсулотлар ишлаб чиқариш жойларидан истеъмол жойларига етказиб берилади. 1-расмда темир йўлида **а** станциясидан **с** станциясига юк ташиш жараёнининг абстракт чизмаси кўрсатилган.

Юк ташиш жараёнининг чизмасидан кўриниб турибдики **а** станциясидан **с** станциясига юкни етказиб бериш учун қатор техник ҳамда юк ва тижорат операцияларни маълум кетма-кетликда ёки биргаликда амалга ошириш керак бўлади Агар бу техник ҳамда юк ва тижорат



## ТЕМИР ЙЎЛИДА ЮК ТАШИШ ЖАРАЁНИНИНГ АБСТРАКТ ЧИЗМАСИ

Чизмада:

А, Б, В, ..., И, К, Л – техник станциялар;

а, б, в, ..... К, ..... с – оралик станциялар;

АБ, БВ, В ... И, ИК, КЛ – участкалар;

а ва с – жўнатувчи ва тайинланган станциялар.

○ ○ ○ – юк жўнатувчининг омборида бажариладиган операциялар;

● ● ● – жўнатувчи (а) станцияда бажариладиган операциялар;

● ● ● – участкаларда бажариладиган операциялар;






● ● ● – техник станцияларда бажариладиган операциялар;

● ● ● – тайинланган (с) станцияда бажариладиган операциялар;

операциялардан биронтаси ўз вақтида бажарилмаса юкларни етказиб беришда узилишлар содир бўлади. Техник ҳамда юк ва тижорат операцияларини бажариш тартиблари ва муддатлари намунавий технологик жараёнлар асосида ҳар бир юк ва техник станциялар учун, уларнинг техник жиҳозаниши ва маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади. 1-жадвалда станцияга етиб келган поездларга ишлов бериш технологик жараёнининг намунавий графиги келтирилган.

### 1 - жадвал

#### Станцияга етиб келган поездларга ишлов бериш технологик жараёнининг намунавий графиги.

Операцияларнинг номлари	Вақт, дақиқаларда				Бажарувчи
	Поезд келгунича	Поезд келганидан сўнг			
		5	10	15	
Аслича-телеграммани олиш ва белгилаш ва маневр диспетчирига етказиб бериш					СТЦ оператори
Кўшни станциядан поезднинг жўнатилганлиги ҳақида маълумот олиш					ДСП
СТЦ, ПТО ва ПКО ларга поезднинг номери, қабул қилиш йўли ва вақти ҳақида маълумот бериш					ДСП
Етиб келган поездга хизмат кўрсатишда қатнашадиган ишчиларни қабул қилиш йўлига чиқишлари					ПТО ва ПКО хизматчилари
Станциянинг кириш бўғазасида поезд кириб келаётганида составни текшириш					ПТО, ПКО ва СТЦ хизматчилари
Автотормозларни бўшатиш ва поезд локомотивини составдан ажратиш					Локомотив бригадаси ва ПТО хизматчилари
Етиб келган поезддан ташиш ҳужжатларини техник идораги етказиб бериш					Локомотив бригадаси ва СТЦ оператори
Етиб келган поезд ташиш ҳужжатларини текшириш					СТЦ оператори
Составни техник кўриқдан ўтказиш, автотормоз энглари ажратиш ва илиб қўйиш					ПТО хизматчилари
Тижорий кўриқ					ПКО хизматчилари
Умумий вақт					

Техник ҳамда юк ва тижорат операцияларининг бажаришнинг технологик жараёнида операцияларнинг бошланиш пайти, бажариш

тартиби, муддатлари ва ҳар бир операциянинг кимлар бажариши аниқ ва мукамал белгилаб қўйилади.

Ташиш жараёни доимий қайтариладиган операцияларини: юкларни ташишга қабул қилишни, ортиш жойларига вагонларни олиб кириб бериш билан боғлиқ маневр ҳаракатларини, юкларни вагонга ортишни, вагонларни ортиш жойларидан олиб чиқиш билан боғлиқ маневр ҳаракатларини, поездларни жўнатиш станцияларида йиғиш ва шакллаш, поездлар ҳаракатини ташкил қилиш, поездларни йўл сафарида тарқатишни ва шакиллашни, поездларни тайинланган станцияларда тарқатишни, тушириш жойларига вагонларни олиб кириб бериш бўйича маневр ҳаракатларини, вагонлардан юкларни туширишни, юк олувчига юкни топширишни ва бошқа операцияларни бажариш билан бевосита боғлиқ бўлади. Ташиш жараёнинг барча операциялари энг самарли усулда, транспорт воситаларидан энг яхши фойдаланиб ва энг кам харажатлар билан бажарилиши керак.

## **2. Ташиш жараёнида фойдаланиладиган асосий терминлар ва тушинчалар**

Ташиш жараёнида қуйидаги асосий терминлар ва тушинчалар фойдаланилади:

**темир йўл транспорти (темир йўли)** – умумий фойдаланишдаги транспорт турларидан бири бўлиб, у ишлаб чиқариш ва ижтимоий йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни ўз таркибига олган, бошқа давлатларнинг темир йўллари ва транспортнинг бошқа турлари билан ўзаро ҳамкорликда ташиш эҳтиёжларини таъминловчи ягона ишлаб чиқариш технология мажмуидан иборатдир;

**темир йўл транспорти корхонаси** – темир йўли асосий фаолиятининг тузилмавий бўлинмаси бўлиб, бевосита ташиш жараёнини таъминлайди;

**темир йўл транспорти муассасаси** – темир йўлининг кадрлар тайёрлаш, темир йўл транспорти ходимларига ижтимоий – маиший ва маданий хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган тузилмавий бўлинмаси;

**темир йўл транспорти ташкилоти** – темир йўлининг қўшимча ёрдамчи фаолиятини амалга оширувчи ва ташиш жараёнида бевосита иштирок этмайдиган тузилмавий бўлинмаси;

**темир йўл Устави** – қонун ҳужжатларига мувофиқ темир йўлининг, темир йўл транспорти хизматларидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг (шу жумладан улар номидан иш кўриувчи экспедиторлик ва бошқа ташкилотларнинг) ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликлари-ни белгилайдиган норматив ҳужжат;

**юк** – ташиш учун темир йўл транспорти корхонаси томонидан белгиланган тартибда қабул қилинган, ўз вақтида элитиб берилиши ва

сақланиши (асраш) учун темир йўл жавобгар бўлган темир йўл ташиш объекти;

**йўловчи** – йўл ҳужжатларига эга бўлган ва поездда сафар қилувчи фуқаро (жисмоний шахс);

**кўл юки** – ўровининг тури ва кўринишидан қатъий назар, ўзининг ўлчамлари ва вазни бўйича (уч ўлчами бўйича 180 см дан ва вазни одатда 36 кг дан зиёд бўлмаган) йўловчи вагонларда уларни жойлаштириш учун назарда тутилган ўринлага қийинчиликсиз сиғадиган осон ташиладиган предметлар ва буюмлар;

**багаж** – йўловчи олиб кетаётган ва сафар давомида йўловчилар вағонида ва унинг ёнида бўладиган буюмлар, товарлар ва бошқа моддий бойликлар;

**юк багажи** – йўловчилар ва почта – багаж поездларида ташиладиган темир йўл ташиш объекти;

**юк жўнатувчи (жўнатувчи)** – ўз номидан ёхуд юк ёки юк багажи эгаси номидан иш кўрувчи ва ташиш ҳужжатларида қайд этилган юридик ва жисмоний шахс;

**юк олувчи (олувчи)** – юк ёк юк багажни олиш ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

**хафли юклар** – муайян омиллар мавжуд бўлганида ўз хоссалари ва хусусиятларига кўра ташиш жараёнида, ортиш – тушириш ишларини бажариш ва сақлаш чоғида портлаш, ёнғин чиқишига ёки ташиладиган юклар, техника воситалари, қурилмалар, бинолар ва иншоотлар, бошқа объектларнинг шикастланишига, шунингдек одамлар ҳаёти ёки соғлиғига зиён етишига, ҳайвонларнинг нобуд бўлишига атроф табиий муҳитининг зарарланишига сабаб бўлиши эҳтимоли бор моддалар, материаллар, буюмлар, ишлаб чиқариш ва бошқа фаолият чиқиндилари.

**ташкilot** – мулкчилик шаклидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ва идораларининг корхоналари, ташкilotлари, муассасалари ва бошқа юридик шахслар;

**темир йўл станцияси** – умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортининг бўлинмаси бўлиб, поездлар ва бошқа транспорт воситалари билан технологик операциялар (қабул қилиш ва жўнатиш, маневр ишлари ва ҳ.к.) ларни ҳамда юк ва багажларни қабул қилиш ва топшириш бўйича операцияларни, йўловчиларга хизмат кўрсатишни амалга оширади;

**темир йўл бўлинмаси** – йўловчи, юк ва багажларни ташишларни амалга ошириш ҳамда бошқа транспорт ишларини бажариш ва юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича темир йўл тармоғининг муайян минтақасидаги корхона;

**ташиш ман қилинган юк** - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва юкларни ташиш Қоидаларига мувофиқ темир йўл ҳаракатидаги составларда ташишга рухсат берилмаган юк;

**умумий фойдаланиш жойлари** - темир йўл корхонаси тасарруфидаги ёпиқ омборлар ҳамда юкларни ва багажларни ортиш, тушириш, сақлаш бўйича операцияларни бажариш учун темир йўл станцияси территориясида махсус ажратилган йўл участкаси;

**ноумумий фойдаланиш жойлари** – юк жўнатувчиларга, юк олувчиларга юкларни ортиш, тушириш, сақлаш операцияларини бажариш учун вақтинчалик фойдаланишга темир йўли корхоналари топширган ва темир йўл станцияси территориясидаги махсус ажратилган ёпиқ омборлар, майдонлар ва бошқа иншоотлар ҳамда темир йўли, унинг корхонаси тасарруфида бўлмаган темир йўл станцияси территорияси чегераси ташқарисидаги тегишли объектлар;

**ташиш хужжатлари** - йўловчи, юк, багаж ва юк багажи ва ҳаракатдаги составларни расмийлаштириш хужжати (юкхати, йўл қайдномаси, юбориш (пересылочная) юкхати, юбориш қайдномаси, сафар (проездной) хужжати (чипта), багаж паттаси, юк паттаси);

**транспорт темир йўл юкхати** (юкхати) – белгиланган шакилдаги асосий ташиш хужжати. Юк хати ташиш шартномасини мажбурий шакли ҳисобланиб, қайсики у учунчи тараф - юк олувчи фойдасига юк жўнатувчи ва темир йўли корхонаси ўртасида тузилади ва йўл сафарида юкка ҳамроҳ бўлиб боради.

**темир йўл шохобча йўли** – бир ёки бир неча корхоналарга транспорт хизмати кўрсатиш учун мўлжалланган темир йўллар;

**юк ташиш Қоидалари** – ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, юкларни ва ҳаракатдаги темир йўл составларинини асраш ҳамда экологик ҳавфсизлик мақсадларида темир йўли, унинг корхоналари, юк жўнатувчилар, юк олувчилар, темир йўл шохобчалари эгалари учун ташиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларнинг мажбурий шарт - шартларидан таркиб топган, ушбу Уставга мувофиқ тасдиқланган меъёрий ҳуқуқий хужжат;

**йўловчи, багаж ва юк багаж ташиш Қоидалари** – ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, ўз вақтида йўловчиларни ташишни, багаж ва юк багажларни етказиб бериш, йўловчиларга вокзалларда ва поездларда сифатли хизмат кўрсатиш мақсадларида темир йўли, унинг корхоналари, йўловчилар, багаж ва юк багаж жўнатувчилари ва олувчилари учун ташиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларнинг мажбурий шарт - шартларидан таркиб топган, ушбу Уставга мувофиқ тасдиқланган меъёртив ҳуқуқий хужжат;

**Тариф қўлланмаси** - умумий фойдаланиш темир йўл транспортда йўловчи, юк, багаж ва юк багаж ташиш тарифлари, қўшимча ишлар ва хизматлар учун ставкалар, уларни (дан) ҳисоблаш ва фойдаланиш тартиблари ҳамда темир йўл станцияларини рўйхати, уларда бажариладиган юк ва йўловчи операцияларини белгиланган тартибда тасдиқланиб эълон қилинган тизимлаштирилган нашр;



**тижорат акти** – вагон (контейнер) даги юкни ҳолатини, уни массасини ва жойлар сонини ташиш ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш натижаларини қайд қилувчи ва юк ташиш Қоидаларига мувофиқ темир йўли расмийлаштирадиган, белгиланган шакилдаги акт;

**универсаль вагонлар** – хусусияти бўйича ҳар турли бўлган юкларни ташиш учун мўлжалланган асосий турдаги вагонлар (ёпик вагонлар, ярим очик вагонлар ва платформалар);

**ихтисослаштирилган вагонлар** – бир ёки бир неча гуруҳ юкларни ташиш учун мўлжалланган ва махсус конструкцияга эга бўлган ҳар турли вагонлар (цистерналар, хопперлар, минерль ўғит ташувчилар, бункерли ярим очик вагонлар, изотермик вагонлар ва ҳ.к.);

**махсус цистерналар** – муайян турдаги юкларни ташиш учун мўлжалланган цистерналар;

**хусусий (приват) вагонлар** – темир йўлининг тасарруфида бўлмаган, лекин муайян шартлар бўйича темир йўлда ташиш учун фойдаланиладиган темир йўл вагонлари;

**контейнер** – бир ёки бир нечта турдаги транспортда юкларни асраб ташишни таъминловчи кўп маротаба фойдаланиладиган транспорт жиҳози;

**универсаль контейнер** – идишли – донали юкларни ташиш учун фойдаланиладиган ва юк кўтариши бўйича ўрта тоннажли (3 ва 5 тонна) ва катта тоннажлиларга бўлинувчи контейнерлар;

**ихтисослаштирилган контейнерлар** – универсаль контейнерлардан вазифаси ва айрим қисим конструкциялари бўйича фарқ қилувчи, алоҳида ташиш шарт-шароитларини талаб қилувчи, юк жўнатувчилар ва юк олувчилар тасарруфидаги контейнерлар;

**транспорт-экспедиторлик хизмат** – юкларни жўнатиш ва қабул қилиб олиш жараёнини ташкил этиш ҳамда транспорт – экспедицияси шартномасига мувофиқ юк ташишларга боғлиқ бўлган бошқа ишларни бажариш билан боғлиқ транспорт хизмати тури;

**экспедитор** – транспорт экспедиторлик хизмати кўрсатиш шартномасига мувофиқ темир йўл транспортида юк ташиш бўйича ҳар томонлама ишларни бажаришни ташкил этиш билан шуғулланувчи юридик шахс;

**ташиш мосламаси** – барча йўл сафарида юкларни маҳкамлаш ва асраш учун мўлжалланган, кўп маротаба фойдаланиладиган мослама ва қурилма. Ташиш мосламаларига тагликлар, кассеталар, юк кўтариш занжирлари, турникетлар, турникет қурилмалари, тахта тўсиқлар, брезентлар, пирамидалар, кўп айланадиган маҳкамлаш мосламалари: боғлагич, торткич, устун, қистирма ва ҳ.к.лар мансуб бўладилар.

Бу асосий терминлар ва тушинчалар “Темир йўл транспорти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси темир йўл Уставининг 3-бандида

келтирилган бўлиб ташиш жараёнини бошқариш масалаларини ва муаммоларини ёритишда кенг фойдаланилади.

### 3. Транспорт логистикаси

Энг самарали ташиш жараёнини, транспорт логистикаси асосида транспорт – технологик комплекс тизимлари яратилганида амалга оширилади. *Логистика – бу товар ҳаракати жараёнида ва истеъмолчиларнинг моддий талабини режалаштиришда материал ва ахборот оқимларини бошқаришнинг назарияси ва амалиётидир.*

Маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга “аниқ муддатда” энг кам молиявий ва материал ресурсларида етказиб бериш - **транспорт логистикасининг асосидир.** Бунда темир йўлининг функцияси кенгайади, ишлаб чиқарувчиларнинг, темир йўлининг ва истеъмолчилар-нинг манфаатларини инобатга олган ҳолда темир йўли бевосита ишлаб чиқариш ва истеъмол соҳасига кириб боради. **Транспорт логистикаси-нинг классик схемаси** ташиш жараёнининг учта қатнашчиларини: **етказиб берувчи** (юк жўнатувчи) ни, **ташувчи** (темир йўли ёки бошқа транспорт тури) ни ва **истеъмолчи** (юк олувчини) ни ягона тизимга бирлаштиради. Масалан, металлургия комбинатига кон ва шахтадан маъдан ва кўмир оқимларини чархпалак маршрутларда келишилган етказиб тизими.

Транспорт логистик тизимни амалга ошириш натижасида вагонларни тўхтаб туришини қисқатириш, ҳар турли хом ашё захираларини, резерв йўллар сонини ва ортиш ва тушириш жойларини қайта ишлаш қобилиятини резерв ҳажимларини камайтириш имконияти яратилади. Хозирда темир йўлларда транспорт логистикаси асосида қатор самарали транспорт – технологик тизимлар ишлаб чиқилиб амалиётда қўлланилмоқда:

- жўнатувчича маршрутлаштириш (юк жўнатувчи, темир йўли ва юк олувчини ягона логистик тизимга бирлаштиради);

- технологик маршрутларни ташкил этиш (“ишлаб чиқарувчи – транспорт – истеъмолчи” ўзар келишилган тизими);

- бир юк олувчи номига гуруҳ вагонларини йириклаштириш (ишлаб чиқарувчи, истеъмоли ва бошқаларни ягона тизимга бирлаштиради).

Самарали темир йўл логистик тизимларини яратиш хозирда ташиш жараёнининг долзарб масалаларидан бири бўлиб турибди.

### 4. Юк ва тижорат операциялари

Юк ва тижорат операцияларини бажариш ташиш жараёнидаги энг муҳим операцияларни ташкил этади.

**Юк операциялари** – юкларни омборларда транспорт воситалари (вагон автомобил ва бошқаларга) га ортиш ва улардан юкларни омборларга тушириш, турли кенгликдаги изли темир йўлларнинг туташуш пунктларида юкларни вагонлардан вагонларга қайта юклаш, бир транспорт туридан бошқа транспорт турига юкларни қайта юклаш (бевосита операциялар), юкларни сонини ёки массасини аниқлаш учун омбор ичида юкларни ташиш ва бошқалардан иборат.

**Тижорат операциялари** – ташиш ва ўтказиш (передаточных) ҳужжатларини тузиш ва қайта ишлашдан, ҳисоб – ҳисобот ҳужжатларини расмийлаштиришдан, темир йўлида ва бошқа транспорт турлари иштирокида юк ташиш учун барча турдаги ҳақларни ва йиғимларни ундиришдан иборат. Бундан ташқари турли юкларни ташишга вагонларни тайёрлаш ва уларни тижорий муносабатдаги кўриги, юк жўнатувчиларга ва юк олувчиларга транспорт – экспедиция хизматларини кўрсатиш, **шартномавий ишларни амалга ошириш**, юкларни тортиш, вагон ва контейнерларни пломбалаш, очиқ ҳаракатдаги составларга юкларни ортиш билан боғлиқ ҳужжатларни тузиш ва асраш каби ишлар ҳам тижорат операцияларига масуб бўлади.

## **5. Юк ва тижорат ишларининг мазмуни**

**Юк ва тижорат ишлари** ташиш жараёнининг, хусусан дасталбки ва охириги операциялари, юкларни ташишга қабул қилиб олиш ва ортиш билан, тушириш ва юк олувчига юкларни топшириш билан боғлиқ бўлган комплекс масалаларни ўз ичига олади. Шунингдек юк ва тижорат ишларига: юкларни ташиш шартлари ва қоидаларини ишлаб чиқиш ва уларга амал қилиш; юкларни ташиш жараёнида асрашни таъминлаш; илғор юк ташиш турларини (пакетларда, контейнерларда) ташкил этиш; ортиш – тушириш ишларини механизациялаш ва комплекс механизациялаш; юкларни қайта адреслаш; тижорат кўриги пунктлари ишларини ташкил этиш; бошқа транспорт турлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва бошқа жуда кўп сонли ишлар ҳам мансуб бўлади.

Юк ва тижорат ишларини ҳуқуқий асоси “**Темир йўл транспорти тўғрисида**” ги **Ўзбекистон Республикаси Қонуни** (қуйида Қонун деб юритилади), **Ўзбекистон Республикаси темир йўл Устави** (қуйида Устав деб юритилади), ҳамда Уставга мувофиқ нашр этиладиган ва темир йўли юк жўнатувчилар ва юк олувчилар учун мажбурий бўлган юкларни ташиш шароитларини (меъёрий ҳуқуқий актларни) ўз ичига олган **темир йўл транспортида юкларни ташиш Қоидалари** (қуйида юкларни ташиш Қоидалари деб юритилади) ҳисобланади. **Халқаро катновларда** юк ва тижорат ишларини ҳуқуқий асоси **Ўзбекистон Республикасини** бошқа давлатлар билан белгиланган тартибда тузган шартномалари ҳисобланади. Бу ҳақида Қонунининг 2-моддаси 4-бандида

алоҳида белгилаб қўйилган “Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида Ўзбекистон Республикасининг темир йўл транспорти қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади”. Агар бундай шартномалар бўлмаган тақдирда халқаро қатновларда юк ва тижорат ишларини ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Қонун, Устав ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳисобланади. **Юк ва тижорат ишларининг мазмуни қуйидагилар:**

*а) юк ташиши учун бюртманомаларни юк жўнатувчилардан қабул қилиб олиши ва уларни қайта ишлаши;*

*б) юкларни ташишига қабул қилиши олиши ва уларни юк олувчиларга топшириши;*

*в) юк ҳужжатларини расмийлаштириши;*

*г) ортиши – тушириши ишларини механизациялаш ва комплекс механизациялаш;*

*д) амалдаги тарифлар асосида ташиши кира ҳақларини ҳисоблаш ва ундириши;*

*е) ташилаётган юкларни асрашни таъминлаш;*

*ё) тез бузилувчан юкларни ташишни ташиқил этиши;*

*ж) транспорт - экспедиция хизматлари кўрсатиши, ижара ва шарт-нома ишлари;*

*з) темир йўл шохобча йўлларига хизмат кўрсатиши;*

*и) назорат – тафтиши ишларини ташиқил этиши*

*й) юк ва тижорат операцияларини бажаришида ва юкларни ташишида ҳаракат хавфсизлигини, меҳнат ва атроф муҳит муҳофазасини таъминлаш*

*к) юк ва тижорат ишларини бошқаришни автоматизациялаш, янги ахборот технологияларни жорий қилиши, ҳисобланади.*

Темир йўл транспортида сервис хизматлари тизимини яратиш темир йўлида юк ва тижорат ишларини анча яхшилаш, юк жўнатувчиларга, юк олувчиларга, темир йўл шохобча йўлидан фойдаланувчиларга ва унинг эгаларига ва темир йўл ҳаракатдаги составлари мулкдорларига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини юксалтириш имкониятини яратади.

## **6. Юк ва тижорат ишларини бошқаришни ташкилий тузилмаси**

“Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акциядорлик темир йўл компаниясида **юк ва тижорат ишларини бошқаришни юк ва тижорат ишлари бошқармаси (М)** темир йўли минтақавий бўлинмасида **юк ва тижорат ишлари бўлими (НОДМ)** амалга оширади. “ЎТЙ” ДАТК нинг юк ва тижорат ишлари бошқармаси ўз навбатида қуйидаги бўлимлардан иборат:

- а) юкларни ташиш шартлари (МО);
- б) актлар ва талаблар ишлари (МЮ);
- в) темир йўл шохобча йўллари (МД);
- г) юкларни ташишни режалаштириш (МПО);
- д) темир йўл тижорат тафтишчиси (МР).

Бошқармани бошқаришни бошқарма бошлиғи, унинг мовунлари амалга оширадилар.

Темир йўли минтақавий бўлинмасида юк ва тижорат ишлари бўлими (НОДМ) да соҳалар бўйича қуйидаги етакчи мутахасислар (катта инженерлар) мавжуд:

- а) бўлим бошлиғи, бўлим бошлиғини ўринбосари;
- б) катта тижорат тафтишчиси;
- в) юк ва тижорат ишларини ўргатиш ва назорати инструктор;
- г) акт талаб ишлари бўйича инспектор;
- д) темир йўл шохобча йўллари инженери;
- е) юкларни ташиш шартлари бўйича инженер;
- ё) шартномавий тарифлар бўйича иқтисодчи;

Умумий фойдаланиш жойларида юкларни, хусусан контейнерларни ҳамда идишли ва донали юкларни ортиш - туширишни ва тижорат операцияларини бажаришни “**Ўзтемирйўлконтейнер**” очик акционерлик жамияти (ОАЖ) нинг темир йўли минтақавий бўлинмаларида ташкил этилган **филиал (МЧ)** лар амалга оширадилар. Станцияларда бу филиаллар ўзларини ишлаб чиқариш участкаларига эгалар.

Темир йўл станцияларида юк ва тижорат ишларини **станция бошлиғи (ДС)**, катта ҳажимли юк ва тижорат операциялари мавжуд бўлган станцияларда эса **юк ва тижорат ишлари бўйича станция бошлиғининг ўринбосари (ДСМ)** бошқаради. Юк ва тижорат ишлари ҳолатини назорат қилиш учун тафтишчилар аппарати тузилган:

- а) “**ЎТЙ**” ДАТК нинг юк ва тижорат ишлари бошқармасида йўл (дорожный) тижорат тафтишчиси;
- б) темир йўли минтақавий бўлинмаларида катта тижорат ва участка тижорат тафтишчилари.

Темир йўл транспортида юкларни **қўриқлаш** тартиблари Қонунинг 22-моддасида белгиланган. Йўл давомида ва темир йўл станцияларида юкларни қўриқлаш **ҳарбийлаштирилган қўриқчи бўлинмалари** томонидан амалга оширилади. Темир йўл транспортида қўриқланиши ва кузатиб борилиши зарур бўлган **юклар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** томонидан тасдиқланади. Бу **юкларни қўриқлаш ва кузатиб бориш тартиби** давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан белгиланади. Кузатиб борилиши талаб этиладиган юкларни темир йўл транспорти **ҳарбийлаштирилган қўриқчи гуруҳлари Ўзбекистон**

**Республикаси сарҳадларида** кузатиб борадилар. Ўзбекистон Республикаси чегараларини кесиб ўтиш чоғида кузатиб бориладиган **юкларни топшириш тартиби ва жойи** Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида амалга оширилади. Темир йўл транспортида **махсус юкларни кўриқлаш** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ички кўшинлар бўлинмалари ва давлат бошқарув органларининг бошқа ваколатли бўлинмалари томонидан амалга оширилади. **Бундай юклар рўйхатлари** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Юкларнинг айрим турларини, шу жумладан қимматбаҳо, тез бузиладиган ва бошқа юкларни кўриқлаш ва кузатиб бориш бутун йўл давомида **жўнатувчининг ёки олувчининг кузатувчилари** томонидан амалга оширилиши мумкин. Бундай юкларни кўриқлаш ва кузатиб бориш **тартиби** юк жўнатувчилар (юк олувчилар) томонидан давлат темир йўл транспортини бошқариш органи билан келишилган ҳолда белгиланади.

## **7. Қатнов турлари ва юк ташишларни таснифи.**

Темир йўл қатновларининг турлари ва махсус ташишларга Қонунинг 8-моддасида бағишланган бўлиб, “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акционерлик темир йўл компанияси (ЎТЙ ДАТК) да юкларни ташиш ички қатновларда, халқаро қатновларда (давлатлараро ва халқаро) ва тўғри аралаш қатновларда амалга оширилади. *Ўзбекистон Республикаси сарҳадларида юкларни, йўловчиларни, багаж ва юк багажларини ташишларга ички қатновларга мансуб бўлади.* Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ўртасида юкларни, йўловчиларни, багаж ва юк багажларни ташишлар халқаро қатновларга мансуб бўлади. Темир йўли амалиётида халқаро қатновлар юк ва тижорат операцияларини бажариш тартибларига мувофиқ шартли равишда давлатлараро ва халқаро қатновларга бўлинган. **Давлатлараро қатновлар** деб, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) аъзолари ва Латвия Республикаси, Литва Республикаси, Эстония Республикаси темир йўл станциялари ўртасида юкларни ташиш тушунилади. **Халқаро қатновларга** – юкларни, йўловчиларни, багаж ва юк багажларини Ўзбекистон Республикаси ва бошқа (учинчи-МДХ га аъзо бўлмаган ва Латвия Республикаси, Литва Республикаси, Эстония Республикасидан ташқари ) давлатлар ўртасидаги ташишлар мансуб бўлади. **Тўғри аралаш қатновларда** юкларни ташиш турли турдаги транспортда юкни барча йўл сафарига тузилган ягона транспорт хужжати бўйича амалга оширилади. Тўғри аралаш қатновлар ҳам ички, ҳам халқаро бўлиши мумкин.

Алоҳида муҳим давлат эҳтиёжларини, шу жумладан мудофа эҳтиёжларини қондириш учун юкларни махсус турлари ташилишини

таъминловчи ҳамда жазога ҳукум этилган маҳбусларни ташишлар **махсус ташишлар** жумласига киради.

Уставнинг 40-бандига мувофиқ юклар ташишга **юк тезлигида** (грузовой скоростью) ҳамда оширилган тариф бўйича тўлов билан **катта тезликда** (большой скоростью) қабул қилинади. Юклар ташишга катта тезликда темир йўли белгилаган йўналишларга қабул қилинади. Юкларни ташиш тезлигини юк жўнатовчи танлайди ва **транспорт темир йўл юкхатида** (қуйида юкхати даб юритилади) кўрсатади. Битта юкхати бўйича ташишга тақдим этиладиган юкларни миқдорига мувофиқ, ташиш вагонланган, майда, контейнер, гуруҳланган ва маршрутланган жўнатмаларда амалг оширилади.

Битта юкхати бўйича ташишга тақдим этиладиган, ташиш учун алоҳида вагон берилишини талаб қиладиган юк партияси **вагонланган жўнатма** деб аталади.

Битта юкхати бўйича ташишга тақдим этиладиган, ташиш учун алоҳида вагон берилишини талаб қилмайдиган юк партияси **майда жўнатма** деб аталади.

Битта юкхати бўйича ташишга тақдим этиладиган, ташиш учун алоҳида контейнер берилишини талаб қиладиган юк партияси **контейнер жўнатмаси** деб аталади.

Битта юкхати бўйича ташишга тақдим этиладиган, ташиш учун биттадан зиёд, лекин маршрутланган жўнатмадан кам вагон берилишини талаб қиладиган юк партияси **гуруҳлаган жўнатма** деб аталади.

Битта юкхати бўйича ташишга тақдим этиладиган, ташиш учун жўнатовчининг маршрутлари массасига ва узунлигига мувофиқ меъёр миқдориди вагонлар берилишини талаб қиладиган юк партияси **маршрутланган жўнатма** деб аталади.

## **8. Юк ва тижорат ишларини ривожлантиришни ва такомиллаштиришни асосий йўналишлари**

Юк ва тижорат ишларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга ташиш харажатларини ихчамлашритишни (минимизация), ресурсларни камйтиришни, экологик хавфсизликни ва транспорт сервис хизматлар кўрсатишни таъминловчи ташиш жараёнини янги технологиялари асос қилиб қўйилган. Бу янги технологиялар транспорт логистикаси асосида ва компьютер воситаларидан фойдаланиб ишлаб чиқилади.

Юк ва тижорат ишларини ривожлантириш ва такомиллаштиришни асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- юқори сифатли транспорт хизматларига мўлжалланган ташиш жараёнининг янги технологияларини, жумладан юкларни “эшикдан эшиккача” етказиб бериш, **“сквозной экспедициялаш”**, мультимодаль,

транзит, интермодаль ташишлар ва бошқа технологиялари инобатга олган ҳолда амалиётга жорий қилиш;

- ҳам ички, ҳам халқаро қатновлардаги амалдаги логистик марказларни такомиллаштириш ва янгиларини яратиш;

- шартнома ва узоқ муддатли контракт бўйича кафолатланган ташишни таъминловчи тизимга ўтиш, уларни бажарилишини автоматизациялашган назорат тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

- нозик (гибкой) тариф сиёсатини амалга ошириш, юк ташиш тўловлар тизимини такомиллаштириш, темир йўли ва юк жўнатувчилар, юк олувчилар ўртасида ҳужжатларни компьютер воситалари ёрдамида айрибошлаш, улар ҳақида марказлаштирилган тармоқ маълумот базаларини яратиш;

- ташиш ҳужжатларини ҳақиқий вақт режимида шакллаш ва қайта ишлаш ҳамда уларни юк жўнатувчидан юк олувчигача қоғозсиз етказиб бериш (электрон юкхати);

- аралаш (комбинированных) ташишларни ривожлантириш, тезлаштирилган контейнер поездларни ташкил этиш, 40 футлик контейнерларни қайта ишлаш учун замонавий контейнер терминаллари қуриш;

- янги транспорт йўлакларини барпо этиш;

- ташилаётган юкларни асрашни таъминлаш, янги тамбалаш – пломбалаш мосламаларини яратиш, шунингдек электронли, ташилаётган ва сақланаётган юкларни кузатиш ва назорат қилиш техник воситаларини жорий қилиш;

- ишлаб чиқилган поезд ва вагонларни тижори кўригини автоматизациялаштирилган тизими (АСКО ПВ) ни жорий қилиш;

- ортиш – тушириш ишларида юқори унумдорликдаги янги механизмларни қўллаш.

Юқорида айтиб ўтилган йўналишларни амалга ошириш учун темир йўл транспортининг барча тузилмавий бўлинмаларининг, юк жўнатувчиларнинг ва юк олувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги талаб қилинади.

## **Назорат саволлари**

14. .... – юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажни ташишга тайёргарлик кўриш, уни амалга ошириш ва тугаллаш чоғида темир йўл транспорти корхоналари бажарадиган ташкилий ва технологик жиҳатдан ўзаро боғлиқ ҳаракатлар ва операциялар мажмуи.

15. Қайси операциялар ташиш жараёнига мансуб эмас?

16. .... – умумий фойдаланишдаги транспорт турларидан бири бўлиб, у ишлаб чиқариш ва ижтимоий йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни ўз таркибига олган, бошқа давлатларнинг темир йўллари ва транспортнинг бошқа турлари билан ўзаро ҳамкорликда ташиш эҳтиёжларини таъминловчи ягона ишлаб чиқариш технология мажмуидан иборатдир.



17. .... – темир йўли асосий фаолиятининг тузилмавий бўлинмаси бўлиб, бевосита ташиш жараёнини таъминлайди.
18. .... – темир йўлининг кадрлар тайёрлаш, темир йўл транспорти ходимларига ижтимоий – маиший ва маданий хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган тузилмавий бўлинмаси.
19. .... – темир йўлининг кўшимча ёрдамчи фаолиятини амалга оширувчи ва ташиш жараёнида бевосита иштирок этмайдиган тузилмавий бўлинмаси.
20. .... – ташиш учун темир йўл транспорти корхонаси томонидан белгиланган тартибда қабул қилинган, ўз вақтида элитиб берилиши ва сақланиши (асраш) учун темир йўл жавобгар бўлган темир йўл ташиш объекти.
21. Юк операцияларига қайси операциялар мансуб эмас?
22. Юк операцияларига қайси операциялар мансуб эмас?
23. Тижорат операцияларига қайси операциялар мансуб эмас?
24. Тижорат операцияларига қайси операциялар мансуб эмас?
25. Тижорат операцияларига қайси операциялар мансуб эмас?
26. .... ташиш жараёнининг, хусусан дасталбки ва охириги операциялари, юкларни ташишга қабул қилиб олиш ва ортиш билан, тушириш ва юк олувчига юкларни топшириш билан боғлиқ бўлган комплекс масалаларни ўз ичига олади.
27. Юк ва тижорат ишларига қайси ишлар масуб эмас?
28. Юк ва тижорат ишларига қайси ишлар масуб эмас?
29. Қайси қонунчилик ҳужжати юк ва тижорат ишларини ҳуқуқий асоси ҳисобланмайди?
30. .... юк ва тижорат ишларини ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикасини бошқа давлатлар билан белгиланган тартибда тузган шартномалари ҳисобланади.
31. “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акциядорлик темир йўл компаниясида юк ва тижорат ишларини бошқаришни **ким амалга оширади?**
32. Темир йўли минтақавий бўлинмасида юк ва тижорат ишларини бошқаришни ким амалга оширади?
33. Темир йўл станцияларида юк ва тижорат ишларини бошқаришни ким амалга оширади?
34. Умумий фойдаланиш жойларида юкларни ортиш - туширишни ва тижорат операцияларини бажаришни ким амалга оширади?
35. Йўл давомида ва темир йўл станцияларида юкларни кўриқлаш кимлар томонидан амалга оширилади?
36. Темир йўл транспортида кўриқланиши ва кузатиб борилиши зарур бўлган юклар рўйхати қайси орган томонидан тасдиқланади?
37. Темир йўл транспортида махсус юкларни кўриқлаш кимлар томонидан амалга оширилади?
38. Ўзбекистон Республикаси сарҳадларида юкларни, йўловчиларни, багаж ва юк багажларини ташишлар қайси қатновларга мансуб бўлади?
39. Ўзбекистон Республикаси ва МДХ аъзолари ва Болтиқбўйи Республикаси темир йўл станциялари ўртасида юкларни, йўловчи-ларни, багаж ва юк багажларини ташишлар қайси қатновларга мансуб бўлади?
40. Ўзбекистон Республикаси ва МДХ аъзо бўлмаган ва Болтиқбўйи Республикасидан ташқари давлатлар темир йўл станциялари ўртаси-да юкларни, йўловчиларни, багаж ва юк багажларини ташишлар қайси қатновларга мансуб бўлади?

### **3-март. Ўзбекистон Республикаси темир йўл Устави – юк ва тижорат ишларининг ҳуқуқий асоси**

**Режа:**

- 1. Темир йўл транспорти қонун ҳужжатлари;**
- 2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси;**
- 3. “Темир йўл транспорти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;**
- 4. Ўзбекистон Республикаси темир йўл Устави;**
- 5. Уставга мувофиқ нашр қилинадиган меъёрий ҳужжатлар ва Кўрсатмалар.**

#### **1. Темир йўл транспорти қонун ҳужжатлари**

Темир йўл транспорти юкларни, йўловчиларни, багаж ва юк багажларни ташишни амалга ошириш пайтида юк жўнатувчилар, юк олувчилар, йўловчилар, жисмоний ва юридик шахслар, бошқа турдаги транспорт ва транспорт воситаларининг мулкдорлари билан муайян ҳуқуқий муносабатларга киришади. **Бу ҳуқуқий муносабатлар қуйидаги темир йўл транспорти қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади:**

- *Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси (қуйида Фуқаролик Кодекси деб юритилади);*
- *“Темир йўл транспорти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;*
- *Ўзбекистон Республикаси темир йўл Устави;*
- *темир йўл транспортида юкларни ташиш Қоидалари;*
- *темир йўл транспортида йўловчи, багаж ва юк багажларни ташиш Қоидалари;*
- *темир йўл транспортида юкларни ортиш ва маҳкамлашнинг Техник шартлари.*

#### **2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси**

Темир йўлининг фаолияти билан боғлиқ бўлган ўзаро муносабатларни белгилловчи умумий ҳуқуқий меъёрлар фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинади. Транспортнинг фаолияти сабабидан пайдо бўлган мулкий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқининг умумий ҳолатларига мос тушади. Транспорт ҳуқуқининг энг муҳим бўлими ташиш шартномаси эса Фуқаролик Кодексининг ҳуқуқий пойдеворига асосланган. Транспортда мулкий муносабатларни тартибга солиш услублари Фуқаролик Кодексида баён этилган услублардан жиддий фарқ қилмайди. Фуқаролик Кодексининг 39-боби (709 – 725-моддалар) йўловчи, багаж ва юк ташишга бағишланган бўлиб, унда

ташишнинг умумий қоидалари, ташиш шартномаси, бир йўналишда ҳар хил транспортда юкларни ташиш, кира ҳақи, элтиб бериш муддати, юк ёки багаж йўқолганлиги, кам чиққанлиги ва уларга шикаст етказилганлиги (бузилганлиги) учун ташувчининг жавобгарлиги, юк ташишга нисбатан талаб ва даъволар ва бошқа шу каби ҳуқуқий меъёрлар берилган. Лекин бу бобнинг мазкур моддаларида келтирилган қоидалар йўловчи, багаж ва юк ташишларни бажаришда пайдо бўладиган муносабатларни тартибга солишда етарли эмас, ташиш жараёнининг ўзига хос махсуслигини акс эттира олмайди. Шунинг учун Фуқаролик Кодекси 709-моддасида, ташишнинг умумий шартлари ушбу Кодекс, транспорт уставлари ва кодекслари, бошқа қонунлар ва уларга мувофиқ чиқарилган қоидалар билан белгиланиши кўрсатиб ўтилган.

### **3. “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорига асосан 1999 йил 15 апрелда амалга киритилган **“Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни** темир йўл транспорти қонун ҳужжатларининг асосий бош манбаларидан бири деб ҳисобланади. Унда темир йўл транспортининг Республикамиз хўжалигини иқтисодий ва ижтимоий соҳасидаги тутган ҳуқуқий ўрни белгилаб қўйилган. Қонун 28 моддадан иборат бўлиб, унинг 1-моддаси асосий тушунчаларга бағишланган. Бу моддада темир йўл транспорти (темир йўли), темир йўл транспорти корхонаси, муассасаси ва ташкилоти, темир йўл Устави, транспорт хизматлари бозори, ташиш жараёни, умумий фойдаланишдаги темир йўллар, юк, йўловчи, багаж, юк багажи, юк жўнатувчи (жўнатувчи), юк олувчи (олувчи), хавфли юклар, ажратилган минтақа, муҳофаза зоналари каби ибораларга таъриф берилган.

Қонуннинг 2-моддасида ушбу Қонун, темир йўл Устави, юклар, йўловчилар, багаж ва юк багаж ташиш қоидалари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар темир йўл транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари деб белгиланган. Шунингдек, ушбу моддада, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг темир йўл транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилиши эътироф этилган.

Қонуннинг 3-моддаси темир йўл транспортда мулкчилик шаклига бағишланган бўлиб, бу моддада темир йўл транспортининг қайси турдаги мол-мулки мутлақ давлат мулки бўлишлиги ва қайси турдаги мол-мулки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хусусийлаштирилиши мумкинлиги баён этилган. Темир йўл транспорти

корхоналарини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш (4-модда), темир йўл транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг мол мулки (5-модда), темир йўл транспорти ерлари (6-модда), темир йўл транспортининг муҳофаза зоналари (7-модда) каби масалалар ҳам Қонунда ўзининг аниқ ва мукамал ҳуқуқий ўрнини эгаллаган.

Қонуннинг 8-моддаси темир йўл қатновларининг турлари ва махсус ташишларга бағишланган бўлиб, бу моддада ички қатновларга, халқаро қатновларга, тўғри аралаш қатновларга ва алоҳида муҳим давлат ва мудофаа эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган махсус ташишларга таърифлар берилган. Темир йўл шохобча йўллари, уларнинг ишлаш шарт – шароитлари, ҳамда темир йўл шохобчалари мулкдорлари билан темир йўли ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида амалга оширилиши қонуннинг 9-моддасида белгиланган.

Кўп тармоқли темир йўл транспортини марказлашган тартибда бошқариш, давлат темир йўл транспортининг бошқариш органининг вазифалари ва ваколатлари, темир йўл транспортининг ташиш жараёни билан боғлиқ фаолиятига аралашшига ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги, ҳамда давлат темир йўл транспортини бошқариш органининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари учун мажбурийлиги Қонуннинг 10-моддасида таъкидлаб ўтилган.

Юкларни, йўловчиларни, багажларни ва юк багажларни ташиш тартиблари ва уларни темир йўл орқали ташиш тарифлари, бу борадаги темир йўлининг вазифалари ва мажбуриятлари, ҳамда темир йўл транспортининг молиявий ва хўжалик фаолияти қонуннинг 11, 12, 13 ва 14-моддаларида баён этилган.

Темир йўл транспорти корхоналарининг, темир йўл транспорти объектларининг мулкдорлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатлари, ушбу Қонун, бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек шартномалар билан белгиланиши Қонуннинг 15-моддасида аниқ баён этилган. Темир йўл транспорти ходимларининг меҳнатига оид муносабатлари, улар ишининг сайёр хусусияти билан боғлиқ кафолатлар, компенсациялар ва уларга берилган имтиёзлар, темир йўл транспортдаги интизом ва ҳисоблаш – ҳисобот вақти Қонуннинг 16, 17, 18 ва 19-моддаларида белгилаб қўйилган.

Қонунда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга катта аҳамият берилган, чунки йўловчиларни ҳаёти ва соғлиғи, ҳамда юк, багаж ва юк багажларни ўз вақтида асраб-авайлаб етказиб бериш, темир йўл ходимларини меҳнати ва атроф – муҳитни муҳофаза қилиш бевосита ҳаракат хавфсизлигига боғлиқдир. Шу боис Қонуннинг 20-моддасида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, темир йўл транспорти ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиш масалалари ўзининг ҳуқуқий

ўрнини эгаллаган бўлса, унинг 21-моддасида темир йўл транспортида ҳаракат ҳавфсизлигига доир асосий талаблар белгилаб қўйилган.

Йўл давомида ва темир йўл бекатларида юкларни кўриқлаш, темир йўл транспорти объектларини кўриқлаш, шунингдек темир йўл транспортида ёнғиннинг олдини олишга қаратилган ишларни ўтказиш ёнғинга қарши назорат ва ёнғинларни бартараф этиш темир йўл транспорти ҳарбийлаштирилган кўриқчи бўлинмалари томонидан амалга оширилиши, темир йўл транспортининг ҳарбийлаштирилган кўриқчилиги тўғрисидаги низом ҳамда кўриқланиши ва кузатиб борилиши зарур бўлган юклар руйхати Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши ва темир йўл транспортида юклар ва объектларни кўриқлашга оид бошқа масалалар Қонуннинг 22-моддасида баён этилган.

Темир йўл транспорти ишининг бузилишига сабаб бўладиган ҳалокатлар, авариялар, табиий офатларнинг ва бошқа фавқулодда ҳолатларда темир йўл транспортининг ишлаши (23-модда), темир йўл транспортида сафарбарлик тайёргарлиги ва фуқаролар муҳофазаси (24-модда) ҳамда йўловчиларни, темир йўл транспорти ходимларининг айрим тоифаларини, юклар, багаж ва юк багажни суғурта қилиш (25-модда) каби масалалар ҳам Қонунда белгилаб қўйилган.

Қонуннинг 26-моддаси темир йўл транспорти корхоналарининг жавобгарлигига бағишланган бўлиб, бу моддада темир йўл транспорти корхоналари темир йўл ҳақини ҳамда юк, багаж ва юк багажининг ташиш ҳақини тўлаган ва йўл ҳужжатларини тўғри расмийлаштирилган йўловчи ва юк жўнатувчига, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ташишни рад этишга ҳақли эмаслиги, кўрсатилган. Шунингдек, темир йўл транспорти корхоналари йўловчилар, юк, багаж ва юк багаж ташиш бўйича мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун темир йўл Устави ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда жавобгар бўлишлиги уқдириб ўтилган. Худди шунингдек, темир йўл транспорти хизматидан фойдаланувчи юк жўнатувчилар, юкни олувчилар, йўловчилар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар ташиш жараёнининг баъзи бир жабҳаларида йўловчи, юк, багаж ва юк багаж ташиш боис вужудга келадиган ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун темир йўл транспорти корхоналари олдида жавобгар бўлиш ҳолатлари Қонуннинг 27-моддасида баён этиб ўтилган.

Қонуннинг 28-моддаси талаб ва даъволарни кўриб чиқишга бағишланган. Бунда юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини ташиш бўйича мажбуриятлар бузилган тақдирда юк жўнатувчилар ва юкни олувчилар тегишли темир йўл транспорти корхоналарига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда талаб ва даъволар

тақдим этишга ҳақли эканлиги ва бу талаб ва даъволарни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусияти темир йўл Уставида белгилаб қўйилганлиги уқдириб ўтилган.

#### **4. Ўзбекистон Республикаси темир йўл Устави**

Темир йўли юк ташишларни амалга ошириш боис темир йўл транспорти хизматидан фойдаланувчи корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва айрим шахслар билан муайян ҳуқуқий муносабатларга киришади. Бу ҳуқуқий муносабатлар: корхона, ташкилот ва муассасаларнинг юкни ташишга тақдим этиш ҳуқуқи ва темир йўли тақдим этилган юкни ташиб бериш мажбурияти; фуқароларни темир йўлида сафар қилиш ҳуқуқи ва темир йўли йўловчини ва уни багажини йўл ҳужжатларида кўрсатилган манзилга етказиб қўйиш мажбурияти; юк эгаларида ва йўловчиларда талаб қўйишга асос бўлганида, бундай талаб ва даъволарни арз қилиш ва кўриб чиқиш тартиби ҳамда қатор ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий масалаларни қамраб олган. Табиийки, барча бундай масалалар темир йўли учун ҳам ва унинг хизматидан фойдаланувчи ҳамма корхона, ташкилот, муассаса ва шахслар учун ҳам умумий, мукамал бўлган муайян меъёрлар ва қоидалар билан тартибга солиниши керак.

Юк, йўловчи ва багаж ташишни амалга ошириш боис вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда, фуқаролик кодексида назарда тутилган ва турли юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатларни белгиловчи (изоҳловчи) умумий ҳуқуқий меъёрлар етарли бўлмайди, чунки бу ҳуқуқий меъёрлар ташиш жараёнининг ўзига хос махсус шарт-шароитларини акс эттирмайди. Шу сабабли темир йўл транспорти тараққиётининг дастлабки даврларидаёқ темир йўли ва унинг мижозлари ўртасида ташиш боис вужудга келадиган муносабатларни тартибга солувчи махсус ҳуқуқий нормаларга зарурият пайдо бўлди. Барча давлатларда, темир йўли ва унинг хизматидан фойдаланувчи корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқини, мажбуриятини ва жавобгарлигини белгиловчи, қонун кучига эга ва давлатнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлган ҳужжат – темир йўли Устави ёки шу маъно-моҳиятга эга бўлган бошқа ҳужжат (кодекс, низом) ҳисобланади. Темир йўл транспортини ибтидосидан то ҳозирги давргача, яъни чор Россия ва сўнгра собиқ Иттифоқ темир йўлларида бир неча бор турли нашрларда темир йўл Устави амалиётга киритилган бўлиб, улар ўша даврларнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳолатларини ўзида акс эттирган.

1991 йилда Советлар тузими инқирозга учраганидан кейин унинг ўрнида мустақил давлатлар пайдо бўлди. Латвия, Литва ва Эстония Республикаларидан ташқари собиқ Иттифоқ Республикалари янги

ташкил топган давлатлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) деб ном олган ҳамжамиятга аъзо бўлиб кирдилар. Собиқ Иттифоқ темир йўл Вазирлиги тугатилди ва уни ўрнида мустақил давлатлар темир йўли маъмуриятлари пайдо бўлди. Мустақил давлатлар темир йўллари ишларини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида 1992 йилда Ҳамдўстлик давлатлари аъзоларининг ва Латвия Республикаси, Литва Республикаси ва Эстония Республикаси темир йўл транспорти бўйича **Кенгаши** таъсис этилди. Ушбу **Кенгашнинг 1992 йил 20 октябрдаги бешинчи мажлисида** Ҳамдўстлик давлатлари қатнашчилари темир йўлларида юк ва тижорат ишларини бажариш усулини, темир йўлнинг юк жўнатувчилар, юк олувчилар ва бошқа турдаги транспорт билан ўзаро муносабатларини, ҳамда айрим юкларни давлатлараро қатновда ташиш шарт-шароитлар бўйича кўрсатмаларни тартибга солиш мақсадида собиқ Иттифоқ Министрлар Кенгашининг Қарорига мувофиқ 1964 йилдан амалиётга киритилган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи темир йўл Уставини, юкларни ташиш Қоидаларини, юкларни вагонга ортишни ва маҳкамлашни Техник шартларини ва бошқа норматив ҳужжатларни (01.09.92. йил ҳолати бўйича ўзгартиришлари ва қўшимчалари билан) ягона қонун ҳужжатлари сифатида сақлаб қолишга қарор қилинди. Шу қарорга биноан Ҳамдўстлик давлатлари аъзолари темир йўллари ҳар бир давлатда белгиланган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган темир йўл Устави, юкларни ташиш қоидалари ва бошқа норматив ҳужжатларни ички қатновда юк ташишда қўллашга ҳақли эканликлари кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек ушбу собиқ Иттифоқ темир йўл Устави 1993 йил 22 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида транспорт соҳасида ҳамкорлик қилиш тамойиллари тўғрисидаги Битимнинг 4 – моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг 1992 йил 4 январь қарорига биноан Ўзбекистон ҳудудида ички ва ҳалқаро қатновларда қўлланилиб келинда.

Хозирда ички қатновлар учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23 октябрь 2008 й. № 232 Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси темир йўл Устави амалда, собиқ Иттифоқ темир йўл Устави эса ҳалқаро қатновларда қўлланилмоқда. Устав темир йўлини ҳамда темир йўл транспортидан фойдаланувчи корхона, ташкилот, муассаса ва фуқароларнинг мажбурияти, ҳуқуқи ва жавобгарлигини белгилайди. Амалдаги Ўзбекистон Республикаси темир йўл Устави 9 та бобдан ва 155 та банддан иборат.

**I-боб “Умумий ҳолатлар”** га (1 – 6-бандлар) бағишланган бўлиб, бу бобда Уставнинг бош вазифаси ва унинг амал қилиш соҳаси, темир йўл транспортида юкларни ташиш Қоидаларини (қуйида юкларни ташиш Қоидалари деб юритилади), темир йўл транспортида йўловчи, багаж ва юк багажларни ташиш Қоидаларини (қуйида йўловчи, багаж ва юк багаж

ташиш Қоидалари деб юритилади) ва темир йўл транспортида юкларни ортиш ва маҳкамлашнинг Техник шартларини (қуйида юкларни ортишни Техник шартлари деб юритилади) ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиблари белгилаб қўйилган ва асосий тушинчаларга аниқ таърифлар берилган. Шунингдек бу бобда темир йўл транспортини корхоналари ҳамда юк жўнатувчи ва юк олувчи юридик ва жисмоний шахслар – юкларни ташишда давлатнинг иқтисодий манфаатларига қатъий риоя қилишлари, башорат қилинган юк ташиш ҳажмини батамом, бажаришлари, ҳаракатдаги составдан самарали фойдаланишлари, поездлар ҳаракати хавфсизлиги, темир йўлнинг вагон паркени ва ташилаётган юкларни асрашни таъминлашлари кераклиги алоҳида уқдириб ўтилган ва курилатган темир йўл линиялар доимий эксплуатацияга топширилгунга қадар, бу линияларда юкларни ташиш қонун ҳужжатларига мувофиқ темир йўл тасдиқлаган қоидалар бўйича амалга оширилиши ҳамда халқаро темир йўл қатновларида юк, йўловчи ва багажларни ташиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро битим (шартнома) лари асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

**II-боб “Юк хўжалиги. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш қурилмалари”** (7 – 17-бандлар) деб номланган бўлиб, бу бобда темир йўли юк, йўловчи, багаж ва почталарни ташишни, тегишли операцияларни бажариш учун очиқ бўлган темир йўл станциялар ўртасида амалга ошириши, темир йўл станциялари вагонланган ва майда жўнатмаларда, контейнерларда ташиладиган юкларни қабул қилиш, ортиш, тушириш ва топшириш бўйича операцияларни ҳамда йўловчи, багаж ва юк багаж ташиш билин боғлиқ бўлган операцияларни амалга ошириши ва бу операциялар учун очиқ темир йўл станцияларининг рўйхатини темир йўлининг раҳбарияти Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқлаши ва Тариф қўлланмасида нашр этиш кераклиги белгиланган. Шунингдек бу бобда товар идораси, билет ва багаж кассаларини ташкил этиш, юк, йўловчи, багаж, юк багаж ва почталарни ташишда фойдаланиладиган вагон ва контейнер парки, умумий ва ноумумий фойдаланиш жойлари, ортиш – тушириш ишларини бажариш учун машина, иншоот, қурилма, мослама ва инвентарлар ҳамда ташиладиган юк ва багажларни тортиш учун вагон, товар, электрон, автомобиль ва элеватор тарозилардан фойдаланиш, тарози асбоблари белгиланган тартибда мажбурий давлат текширишига ва тамғаланишига тақдим этилиши кераклиги ҳақида баён этилган.

**III-боб “Юкларни ташишни башоратлаш”** (18 – 33-бандлар) да темир йўл транспортида юк ташиш йиллик ва квартал башоратлари ҳамда асосий ойлик ва қўшимча режа асосида амалга оширилиши, квартал бўйича тақсимлаган йиллик башоратлаштириш темир йўл транспортида юк ташишларни белгиланган юк номенклатуралари бўйича ажратиб, умумий юк ҳажми бўйича тузилиши, асосий ойлик юк ташиш



ёйик режасини тақдим этиш ва асосий ойлик ва қўшимча режни бажариш тартиблари, асосий ойлик ташиш режани бажариш ҳисоб карточкасида амалга оширилиши, чала юклашни тўлдириш тартиблари, темир йўли ва юк жўнатувчи ташиш режасини бажармаганлиги учун белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишлари кўрсатиб ўтилган.

**IV-боб “Ташиш шартномасини тузиш ва ташиш ҳақларини ундириш”** (34 – 48-бандлар) масалаларига бағишланган бўлиб, бу бобда юк жўнатувчи ҳар бир юк жўнатмаси учун жўнатувчи темир йўл станциясига тегишлича тарзда тўлдирилган, юк ташиш шартномасининг ёзма шакли ва асосий ташиш ҳужжати ҳисобланган юкхатини тақдим этиши кераклиги, юк жўнатувчи юкхатида ўзи кўрсатган нотўғри, ноаниқ ёки чала маълумотларни барча оқибатларига жавобгар бўлишлиги, юкни қайта адреслаш, юк ташиш тарифлари ва юк ташиш кира ҳақларини ундириб олиш тартиблари ҳамда йўл сафарига айрим турдаги юкларни асрашни таъминлаш мақсадида, уларни темир йўлини ҳарбийлаштирилган соқчиларини, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг бўлинмаларини нарядлари ёки юк жўнатувчилар (юк олувчилар) нинг кузатувчилари ҳамроҳлигида қўриқлаб борилиши баён этилган.

**V-боб “Темир йўлини, юк жўнатувчиларни ва юк олувчиларни ҳуқуқ ва мажбуриятлари”** га (49 – 74-бандлар) бағишланган бўлиб бу бобда ташиш жараёнинг дастлабки ва сўнги операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган юк ва тижорат ишларини бажаришда темир йўлини, юк жўнатувчиларни ва юк олувчиларни ҳуқуқлари ва мажбуриятлари аниқ, мукамал ва батафсил баён этилган.

**VI-боб “Темир йўл шохобча йўллари”** (75 – 91-бандлар) да идораларга ва темир йўлининг тасарруфидаги темир йўл шохобча йўлларининг таърифи берилган ҳамда темир йўлининг темир йўл шохобча йўллари эгалари, контрагентлар ва темир йўлининг тасарруфидаги темир йўл шохобча йўлида рельс ёни омборлари ва ортиш-тушириш майдонлари бўлган ташкилот ва жисмоний шахс билан ўзаро муносибатларни тартибга солиш кўрсатилган.

**VII-боб “Бошқа транспорт турлари иштирокида тўғри аралаш қатновлар”** га (92 – 94-бандлар) бағишланган бўлиб бу бобда, темир йўли бошқа турдаги транспортлар билан ўзаро ҳамкорликда тўғри аралаш қатновлар тизимини ташкил этиб юкларни бутун йўл сафарига тузиладиган ягона транспорт ҳужжати асосида ташишни амалга оширилиши муқимлиги белгиланган.

**VIII-боб “Йўловчи, багаж ва почталар ташишлар”** (95 – 115-бандлар) да йўловчи, багаж ва юк багажларни ташиш шартлари, темир йўлини ва йўловчиларни ва багажларни ташишларда ва хизмат кўрсатишни амалга оширувчи корхоналарни ва йўловчиларни ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган ҳамда йўловчи вагонларига, темир йўл

вокзалларига ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган бошқа иншоотларга қўйиладиган талаблар баён этилган.

**IX-боб “Темир йўлининг, юк жўнатувчиларнинг, юк олувчиларнинг ва йўловчиларнинг жавобгарлиги. Актлар, талаблар ва даъволар”** (116 – 155-моддалар) деб номланган бўлиб, бу бобда темир йўли, юк жўнатувчилар, юк олувчилар ва йўловчилар ташиш бўйича ушбу Устав асосида моддий жавобгарликка тортилишлари ва тамонларни ушбу Уставда юклатилган жавобгарликни бартараф этиш ёки ўзгартириш мақсадида олдиндан қилинган барча битимлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши алоҳида белгилаб қўйилган. Шунингдек бу бобда темир йўлини юк, багаж ва юк багажларини асраш учун, уларни етказиб бериши кечиктирилганлиги учун жавобгарлиги, ташиш режасини бажармаганлиги учун темир йўли ва юк жўнатувчининг жавобгарлиги, юк жўнатувчиларнинг, юк олувчиларнинг воситаларида ортишга, туширишга ва қайта ортишга олиб кириб берилган вагонларни тўхтаб туриши учун, контейнерларни белгиланган меъёрлардан ортиқроқ ушлаб қолганлиги учун юк жўнатувчи ва юк олувчи жавобгарлиги ҳақидаги масалалар ҳамда актлар тузиш, талаб қўйиш ва даъво кўзғотиш тартиблари аниқ, мукамал ва батафсил баён этилган.

## **5. Уставга мувофиқ нашр қилинадиган меъёрий ҳужжатлар ва кўрсатмалар**

Устав юк, йўловчи, багаж ва юк багаж ташиш билан пайдо бўлиувчи ҳуқуқий муносабатларни фақат асосий қоидаларини ўз ичига олган ва бу асосий қоидалар ўзининг ривожини, шу Уставга мувофиқ унинг 2-бандида таъкидлаб ўтилган меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Уставнинг 2-бандида “Темир йўл транспортини **бошқаришни ваколатли давлат органи** қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга мувофиқ темир йўл транспортда **юкларни ташиш Қоидаларини** (қуйида юкларни ташиш Қоидалари), темир йўл транспортда **йўловчи, багаж ва юк багажларни ташиш Қоидаларини** (қуйида йўловчи, багаж ва юк багаж ташиш Қоидалари), темир йўл транспортда юкларни ортиш ва маҳкамлашнинг **Техник шартларини** (қуйида юкларни ортишни Техник шартлари) тасдиқлайди” – деб кўрсатиб қўйилган.

**Юкларни ташиш Қоидалари.** Ўзбекистон Республикаси темир йўл Уставининг 2-бандига мувофиқ “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акционерлик темир йўл компаниясида юкларни ташиш Қоидалари ҳали – ҳозир ишлаб чиқиб тасдиқланганча йўқ. Ҳозирда “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акционерлик темир йўл компаниясида собиқ Иттифок темир йўл вазирлиги 1983 йилда нашр этган ва амалга киргизган юкларни ташиш Қоидаларидан (Министерство путей сообщения СССР. Правила перевозок грузов, часть-1. Изданы в соответствии с Уставом

железных дорог Союза ССР, с изменениями и дополнениями по состоянию на 1 января 1983 г, Москва «Транспорт» 1983) фойдаланиб келинмоқда.

Юкларни ташиш Қоидаларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, юкларни ва ҳаракатдаги составларни асраш ҳамда атроф муҳитни ҳимоя қилиш мақсадида, юкларни ўзига хос хусусиятларини инобатга олган уларни ташиш шарт – шароитлари келтирилган. Юкларни ташиш Қоидаларига темир йўлларда юк ташишларни режалаштириш, ташиш режасини бажариш ҳисоб карточкасини тузиш, юкларни ташишга қабул қилиш, юкларни топшириш, вагон ва контейнерларни пломбалаш, юкхатини ва ташиш хужжатлари комплектини тўлдириш ва бошқа Қоидалар мансуб бўлади.

**“Ўзбекистон темир йўллари” Давлат Акционерлик Темир Йўл Компаниясида йўловчи, багаж ва юк багаж ташиш Қоидалари.** 30 апрель 2001 йилда темир йўл ташишлар хавфсизлигини назорати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат инспекцияси тасдиқлаган “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат Акционерлик Темир Йўл компаниясида йўловчи, багаж ва юк багаж ташиш Қоидалари тўққиз бобдан иборат бўлиб, унда йўловчиларни, қўл юки ташиш, багаж ташиш, юк багаж ташиш, ташишларни назорат қилиш қоидалари, тарифлар ва йиғимлар, багаж ва юк багаж тарифлари, йўловчи ташишларни айрим шартлари ҳамда жавобгарлик, жарималар ва тўловларни қайтариш қоидалари келтирилган.

**Юкларни ортишни Техник шартлари.** Ўзбекистон Республикаси темир йўл Уставининг 2-бандига мувофиқ “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акционерлик темир йўл компаниясида юкларни ортишни Техник шартлари ҳали – ҳозир ишлаб чиқиб тасдиқланганча йўқ. Ҳозирда “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акционерлик темир йўл компаниясида собиқ Иттифоқ темир йўл вазирлиги 1983 йилда нашр этган ва амалга киргизган юкларни ортишни Техник шартларидан (Министерство путей сообщения СССР. Технические условия погрузки и крепления грузов. Изданы в соответствии с Уставом железных дорог Союза ССР, с изменениями и дополнениями по состоянию на 1 января 1989 г, Москва «Транспорт» 1990) фойдаланиб келинмоқда.

Юкларни ортишни Техник шартларида вагонларга юкларни жойлаштириш ва маҳкамлашнинг қўйиладиган умумий талаблар ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаб чиқариладиган техника, маҳсулот ва буюмларни очиқ ҳаракатдаги составга жойлаштириш ва маҳкамлаш усуллари келтирилган.

## **Назорат саволлари**

45. Ташиш жараёнида темир йўл транспортини юк жўнатувчилар, юк олувчилар билан ҳуқуқий муносабатлари қайси қонун ҳужжати билан тартибга солинмайди?
46. Ташиш жараёнида темир йўл транспортини юк жўнатувчилар, юк олувчилар билан ҳуқуқий муносабатлари қайси қонун ҳужжати билан тартибга солинмайди?
47. “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қайси орган томонидан ва қачон амалга киритилган?
48. Ўзбекистон Республикаси темир йўл Устави қайси орган томонидан ва қачон амалга киритилган?
49. Уставнинг 2-бандига мувофиқ темир йўл транспортини бошқаришни ваколатли давлат органи қайси қонун ҳужжатини тасдиқламайди?

#### 4-март. Юк ташишларни башоратлаш

Режа:

1. Юкларни ташишларни йиллик башоратлаш;
2. Юк ташишларни квартал башоратлаш;
3. Тонналарда ва вагонларда ойлар бўйича тақсимланган квартал башоратлаш учун юклар рўйхати;
4. Вагонларда ойлар бўйича тақсимланган квартал башоратлаш учун юклар рўйхати;
5. Юк ташиш ёйиқ режасини темир йўлига тақдим этиш;
6. ГУ-1 шаклдаги ҳисоб карточкаси.
7. Юк ташиш режасининг кўрсаткичлари

#### 1. Юк ташишларни йиллик башоратлаш

Ўзбекистон Республикаси темир йўл Уставининг III-боби юк ташишларни башоратлашга бағишланган бўлиб, унинг 18-бандида “Асосий оммовий юкларни темир йўл транспортида ташиш одатда квартал бўйича тақсимланган **йиллик башоратлаш** ва ойлар бўйича тақсимланган **квартал режаси** бўйича амалга оширилади.

Темир йўл транспортида юк ташиш ҳажмини башоратлари вазирликлар ва идоралар, корхоналар тасдиқланган шаклда тақдим этган **маълумотлар (буюртмалар)** асосида темир йўли ишлаб чиқади.

Темир йўл транспортида юк ташишининг йиллик ва квартал башоратлари ҳамда асосий ойлик ва қўшимча режа тузиш тартиби ва муддатлари юкларни **ташиш Қоидаларида** белгиланади.

Вазирликлар ва идоралар, юк жўнатувчи ташкилотлар ҳамда темир йўли юк ташиш башоратларини бажаришни ва башоратлаштиришида давлат манфаатини ва асосий ойлик ва қўшимча юк ташиш режаларини бутун темир йўли, унинг минтақавий бўлинмалари, темир йўл станциялари ва ҳар бир юк жўнатувчилар бўйича бажарилишини таъминлашлари шарт (мажбур).

Юк жўнатувчилар юкларни ташишга **ортиқча** (завышенных) буюрт-маномаларни тақдим этмасликлари, юкларни ортишга ўз вақтида ва асосий ойлик ва қўшимча режада назарда тутилган миқдорларда бир маромда тақдим этишлари шарт (мажбур).

Темир йўли асосий ойлик ва қўшимча юк ташиш режасига ва тузилган шартномага мувофиқ барча ортиш ва тушириш пунктларига ўз вақтида ва бир маромда **вагонларни олиб кириб беришлари шарт**” – эканлиги белгилаб қўйилган.

**Юк ташишни йиллик ва квартал башоратлари:**

- юк жўнатувчиларни юкларни ташишга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ ва ўз вақтида энг кам транспорт харажатлари билан қондиришни;

- юк ташишларни мавсумий эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ташиш номунтазамлигини максимал камайтиришни;

- темир йўлини воситаларидан самарали фойдаланишни (вагонларни юк кўтаришидан ва сизимидан максимал фойдаланишни, юкларни маршрутларда ташишни оширишни, ҳаракатдаги составларни бўш юришни камайтиришни ва ҳ.к.);

- юкларни маршрутда ташишни инобатга олган ҳолда, юк ташиш башоратида назарда тутилган юкларни бир маромда ортишни, таъминлаши керак.

Ҳаракатдаги составдан ва темир йўл ўтказиш қобилиятдан янада самарали фойдаланиш мақсадида юкларни ташиш, юк оқимларини самарали йўналишлари схемасига мувофиқ, амалга оширилиши керак. Темир йўл транспортида юк оқимларини самарали йўналишлари схемасини темир йўли, юк жўнатувчилар тақдим этган юклар рўйхати бўйича тузиб чиқади.

**Вазирликлар, идоралар ва ташкilotлар 20 июлгача келгуси йилнинг башоратларини ишлаб чиқиш учун асосий юклар (1-жадвал) ва бошқа юклар (2-жадвал) бўйича буюртмаларни керакли ҳисоблар ва далиллар (обоснования) билан белгиланган шаклда (юкларни ташиш Қоидалари 1-бўлим, 1- ва 4-иловалар) темир йўлига тақдим этишлари керак.**

1-жадвал

**Темир йўл транспортида башоратлаш учун асосий юклар номенклатураси**

№	Юкларнинг номи	№	Юкларнинг номи
1	Тош кўмир	6	Ўрмон юклари
2	Нефть ва нефть маҳсулотлари	7	Кимёвий ва минерал ўғитлар
3	Кокс	8	Цемент
4	Қора металллар	9	Дон ва янчилган маҳсулотлар
5	Қора металллар темир – терсаги		

2-жадвал

**Темир йўл транспортида башоратлаш учун бошқа юклар номенклатураси**

№	Юкларнинг номи	№	Юкларнинг номи
1	Қурилиш юклари	16	Туз

2	Рангли маъдан ва олтингугурт хом ашёси	17	Шакар
3	Саноат хом ашёси ва қолиплаш материаллари	18	Картошка, сабзавот ва мевалар
4	Донадорлаштирилган шлак	19	Қанд лавлаги ва уруғлар
5	Оловбардошлар	20	Пахта
6	Флюслар	21	Кунжара
7	Торф ва торф маҳсулотлари	22	Қишлоқ хўжалик машиналари
8	Сланцлар	23	Автомобиллар
9	Металл конструкциялар	24	Машина ва асбоб – ускуналар
10	Рангли металллар, уларнинг буюмлари ва рангли металллар темир – терсаги	25	Металл буюмлар
11	Химикатлар ва сода	26	Бошқа озиқ – овқат товарлари
12	Қоғоз	27	Саноат товарлари
13	Омихта ем	28	Ҳайвонлар
14	Ғўшт ва ҳайвон ёғи	29	Контейнердаги юклар
15	Балиқ	30	Бошқа ва йиғма юклар

Темир йўли керакли ҳолатларда юк жўнатувчиларнинг иштирокида юкларни ташишга тақдим этилган буюртмаларни иқтисодий асосланганлини текшириб чиқади ва юкларни ташишга умумлаштирилган буюртмаларни (юкларни номи бўйича тақсимланган) ишлаб чиқади. Темир йўли умумий ҳажм бўйича (тоннада) асосий юклар – тош кўмир, нефть ва нефть маҳсулотлари, кокс, қора металллар, қора металллар темир – терсаги, ўрмон юклари, кимёвий ва минерал ўғитлар, цемент, дон ва янчилган маҳсулотларни ажратиб темир йўл транспортида юкларни ташиш (жўнатиш) ни квартал бўйича тақсимланган йиллик башоратини тасдиқлайди. Йиллик башорати тасдиқланганидан сўнг бир декада муддатида темир йўли раҳбари темир йўли минтақавий бўлинмалари бўйича бутун ва асосий юкларни ажратиб квартал бўйича тақсимланган йиллик юкларни ташиш (жўнатиш) башоратини белгилайди. Контейнерларда ташиладиган юкларни йиллик башоратлашни бундай ташишларга “Контейнердаги юклар” номенклатура гуруҳи бўйича юк жўнатувчилардан қабул қилиб олинадиган буюртма асосида контейнерларда ташишларни бажарадиган темир йўлининг корхонаси амалга ошириди.

## 2. Юк ташишларни квартал башоратлаш

Ўзбекистон Республикаси темир йўл Уставининг 20-банди квартал башоратларга бағишланган бўлиб, унда “*Темир йўл транспортида юк ташишларни ойлар бўйича тақсимланган квартал башоратлаштиришни темир йўли белгиланган тартибда амалга оширади.*”

*Квартал башоратларида кварталда ўртача суткалик юк ортиш миқдори, ойлар ва юк турлари бўйича тақсимланган **тоннада** ва **вагонларда** ҳамда **марирутларда** юкларни ташиш бўйича топшириқ назарда тутилади.*

*Юридик ва жисмоний шахслар ортиб жўнатадиган сабзавот, мевалар ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари асосий ойлик ва қўшимча режа ҳамда ортиш боиланишидан 5 кундан аввал юк жўнатувчи топширадиган бюртманомани тақдим этиш бўйича амалга оширилади.*

*Майда партияларда ва вагонланган жўнатмаларда давлат заҳираларидан ортиладиган озиқ овқат ва саноат товарлари, халқ истеъмол товарлари ташишга **тақдим этиш бўйича** қабул қилинади” – деб таъкидлаб ўтилган.*

Юк ташишларни **тонналарда** ва **вагонларда** ойлар бўйича тақсимланган квартал башоратлаш 3-жадвалда келтирилган юклар рўйхати бўйича амалга оширилади.

3-жадвал

### Тонналарда ва вагонларда ойлар бўйича тақсимланган квартал башоратлаш учун юклар рўйхати

№	Юкларнинг номи	№	Юкларнинг номи
1	Тош кўмир	16	Шакар
2	Кокс	17	Вўшт ва ҳайвон ёғи
3	Нефть ва нефть маҳсулотлари	18	Балиқ
4	Флюслар	19	Дон
5	Темир ва марганец маъданлари	20	Ун
6	Рангли маъдан ва олтингугурт хом ашёси	21	Қоғоз
7	Қора металллар	22	Қора металллар темир – терсаги
8	Кимёвий ва минерал ўғитлар	23	Рангли металллар, уларнинг буюмлари ва рангли металллар темир – терсаги
9	Қурилиш юклари	24	Химикатлар ва сода
10	Оловбардошлар	25	Картошка, сабзавот ва мевалар
11	Саноат хом ашёси ва қолиплаш материаллари	26	Қанд лавлаги ва уруғлар
12	Донадорлаштирилган шлак	27	Пахта



13	Металл конструкциялар	28	Омихта ем
14	Цемент	29	Кунжара ва ёғ мой ва озиқ овқат саноати чиқиндилари
15	Ўрмон юклари		

Юк ташишларни **вагонларда** ойлар бўйича тақсимланган квартал башоратлаш 4-жадвалда келтирилган юклар рўйхати бўйича амалга оширилади.

4-жадвал

**Вагонларда ойлар бўйича тақсимланган квартал башоратлаш учун юклар рўйхати**

№	Юкларнинг номи	№	Юкларнинг номи
1	Торф ва торф маҳсулотлари	7	Бошқа озиқ – овқат товарлари
2	Сланцлар	8	Саноат халқ истеъмол товарлари
3	Қишлоқ хўжалик машиналари	9	Сув транспортдан темир йўл транспортига юкларни қайта юклаш
4	Автомобиллар	10	Импорт юклари
5	Машиналар ва асбоб ускуналар	11	Контейнердаги юклар
6	Металл буюмлар	12	Бошқа ва йиғма юклар

**Юкларни ташиш учун ойлар бўйича тақсимланган квартал буюртмани юк жўнатувчи башоратланадиган квартал бошланишига 40 кундан кеч қолмай белгиланган шаклда (юкларни ташиш Қоидалари 1-бўлим, 4- ва 5-иловалар), керакли ҳисоб – китоблар ва асослар билан темир йўлига тақдим қилиши керак.** Юкларни ташишни башоратловчи юк жўнатувчилар юкларни ташиш квартал буюртмасида (юкларни ташиш Қоидалари 1-бўлим, 4-илова) ҳар бир номдаги ташиладиган юк ҳажмидан маршрутларда ташиладиган юклар фоизини квартал топширик лойиҳасини кўрсатадилар. Юкларни маршрутларда ташишнинг квартал топшириғини кўриб чиқиш, мувофиқлашритиш ва тасдиқлаш тартиблари юкларни ташишни башоратлаштириш учун назарда тутилган тартибларда амалга оширилади. **Юкларни ташиш Қоидаларида белгиланган муддатлардан 5 суткага кечикиб тақдим этилган юкларни ташиш квартал буюртмаси, кўшимча ташишлар ҳақида мурожжат қилинган деб қаралади.**

**Юк ташиш ҳажми ойга 15 вагондан ортиқ бўлмаган юкларни ташишни башоратловчи юк жўнатувчилар, юкларни ташишга квартал буюртмасини тақдим этишдан озод этиладилар.** Мазкур юк жўнатувчилар ҳар ойда темир йўлига, режалаштириладиган ой

бошланишига 20 кунга қадар, юкларни ташишни ёйиқ режасини тақдим этадилар.

Юкларни ташишни башоратловчи юк жўнатувчилар темир йўл транспортида юкларни ташишга **вагонларда буюртма** тузишда темир йўл транспортида белгиланган **вагонларга юклашнинг техник меъёрларидан** ( $P_{\text{тех}}$ ) ҳамда темир йўл транспортида белгиланган **статик юклама** ( $P_{\text{ст}}$ ) қийматларидан фойдаланишлари керак. Белгиланган статик юклама юкларни ташишга буюртма тузилгунга қадар башоратловчи ташкилотларга хабардор қилиб қўйилади.

**Универсал контейнерларда юкларни ташиш, шунингдек бўш хусусий контейнерларни ташишни башоратлаш** (режалаштириш) ни контейнерларда ташишни **амалга оширувчи (ведаюшим)**, темир йўлининг **корхонаси** бажаради. Универсал контейнерларда ойлар бўйича тақсимланган квартал юкларни ташишни башоратлаш тегишли номдаги юкларга белгиланган юк оқимларини самарали йўналишларига риоя қилиб, “Контейнердаги юклар” режа номенклатураси гуруҳи бўйича **шартли контейнерларда** амалга оширилади. Темир йўли бўйича ортиш ҳажми ойига 20 та контейнердан зиёд бўлмаган юк жўнатувчи – ташкилотлар контейнерларда юкларни ташишга квартал буюртмасини тақдим этишдан озод этиладилар. Бундай ташкилотлар ҳар ойда контейнерларда ташишни **амалга оширувчи (ведаюшим)**, темир йўлининг корхонасига ҳар бир режалаштириладиган ой бошланишига 20 кунга қадар белгиланган шакл бўйича контейнерларда юкларни ташишга ёйиқ режани тақдим этадилар.

Контейнерларда ташишни **амалга оширувчи (ведаюшим)**, темир йўлининг корхонаси башоратловчи ташкилотлар тақдим этган буюртмаларни кўриб чиқади ва улар билан келишув бўйича темир йўли билдирган ҳажм доирасида контейнерларда юкларни ташиш миқдорини белгилайди ва башоратланадиган квартал бошланишига 23 кундан кечикмай башоратловчи ташкилотларга хабар беради. Башоратловчи ташкилотлар, контейнерларда ташишни **амалга оширувчи (ведаюшим)**, темир йўлининг корхонаси уларга белгилаган контейнерларда юкларни ташишни миқдорини режалаштириладиган ой бошланишига 20 кундан кечикмай ўзининг идора ости ташкилотларига хабар беради ва нусхасини – контейнерларда ташишни **амалга оширувчи (ведаюшим)**, темир йўлининг корхонасига тақдим этади.

### **3. Ойлик юк ташишни ёйиқ режасини темир йўлига тақдим этиш;**

Ўзбекистон Республикаси темир йўл Уставининг 21-банди ойлик юк ташишни ёйиқ режасига бағишланган бўлиб, унда “*Юк жўнатувчилар юкларни ташиш Қоидаларида белгиланган муддатларда ташиш ҳажмини тасдиқлаш учун темир йўлига юкларни турлари,*

жўнатувчи темир йўл станциялари ва бошқа давлатларнинг тайинланган темир йўллари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташиладиган юклар бўйича эса – тайинланган темир йўл станциялари бўйича тақсимланган, белгиланган номенклатурадаги юк груҳларининг асосий ойлик юк ташиш ёйиқ режасини (3 нусхада) тақдим этадилар ..... ” – деб белгиланган.

**Режалаштириладиган ой бошланишидан 14 кундан кеч қолмай юк жўнатувчилар белгиланган номенклатура бўйича (5- ва 6-жадваллар) темир йўлига 3 нусхада ташкилот ёки жисмоний шахснинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ГУ-12 шаклдаги юкларни ташишни ёйиқ режасини (қуйида ойлик юк ташишни ёйиқ режаси деб юритилади)) тақдим этиши керак. Ойлик юк ташишни ёйиқ режаси юкларни тури бўйича, хусусий ва ижарага олинган бўш вагонларни ҳамда бўш контейнерларни қайтаришга жўнатувчи станциялар ва тайинланган темир йўллар, темир йўли сарҳадларида эса – тайинланган станциялар бўйича тақсимлаб тузилади.**

5-жадвал

**Темир йўл транспортида квартал ва ойлик юк ташишларни режалаштиришни марказлаштирилган тартибда амалга ошириш учун  
ЮКЛАР НОМЕНКЛАТУРАСИ**

<b>№</b>	<b>Юкларнинг номи</b>	<b>№</b>	<b>Юкларнинг номи</b>
1	Тош кўмир	16	Донадорлаштирилган шлак
2	Кокс	17	Металл конструкциялар
3	Нефть ва нефть маҳсулотлари	18	Цемент
4	Торф ва торф маҳсулотлари	19	Ўрмон юклари
5	Сланцлар	20	Шакар
6	Флюслар	21	Ғўшт ва ҳайвон ёғи
7	Темир ва марганец маъданлари	22	Балиқ
8	Рангли маъдан ва олтингугурт хом ашёси	23	Туз
9	Қора металллар	24	Дон
10	Қишлоқ хўжалик машиналари	25	Ун
11	Автомобиллар	26	Омихта ем
12	Кимёвий ва минерал ўғитлар	27	Қоғоз
13	Қурилиш юклари	28	Сув транспортдан темир йўл транспортига юкларни қайта юклаш
14	Оловбардошлар	29	Импорт юклари
15	Саноат хом ашёси ва колиплаш материаллари		

**Темир йўл транспортида квартал ва ойлик юк ташишларни  
режалаштиришни жойларда (темир йўл минтақавий  
бўлинмаларида) амалга ошириш учун  
ЮКЛАР НОМЕНКЛАТУРАСИ**

№	Юкларнинг номи	№	Юкларнинг номи
1	Машиналар ва асбоб ускуналар	8	Саноат халқ истеъмол товарлари
2	Металл буюмлар	9	Қанд лавлаги ва уруғлар
3	Қора металллар темир – терсаги	10	
4	Рангли металллар, уларнинг буюмлари ва рангли металллар темир – терсаги	11	Пахта
5	Химикатлар ва сода	12	Кунжара ва ёғ мой ва озиқ овқат саноати чиқинди
6	Картошка, сабзавот ва мевалар	13	Контейнердаги юклар
7	Бошқа озиқ – овқат товарлари	13	Бошқа ва йиғма юклар

**Тонналарда ва вагонларда режалаштириладиган юклар** бўйича режалаштириш квартал башоратлашда тасдиқланган статик юклама асосида ва **вагонларда режалаштириладиган юклар** бўйича режалаштириш вагонларга юкларнинг техник меъёрлари асосида амалга оширилади. Агар юк жўнатувчилар **ойлик юк ташишни ёйиқ режасида**, вагонларга юкларнинг техник меъёрлари бўйича талаб қилиганидан ёки топшириқда белгиланганидан камроқ статик юкламадан келиб чиқиб, кўпроқ миқдорда вагонларни назарда тутган бўлсалар, темир йўли юк жўнатувчи кўрсатган тонналарни ташишга қабул қилади ва вагонлар миқдорини камйтиради.

**Ойлик юк ташишни ёйиқ режасини** шакли барча юк жўнатувчилага ягона бўлиб, унинг тўлдириш тартиби юкларни ташиш Қоидаларида келтирилган.

Юкларни ташиш Қоидаларида белгиланган муддатларда юк жўнатувчилар **ойлик юк ташишни ёйиқ режаси** темир йўлига тақдим этилмаганида темир йўли тайинланган квартал режа бўйича вагон ва контейнерларни рад этаганлар деб қаралади, агар режани тақдим этиш темир йўлининг айби билан содир бўлмаган бўлса. Умумий тармоқ темир йўлларига чиқишига рухсат берилган юк жўнатувчиларнинг ва юк олувчиларнинг тасарруфидаги (хусусий) вагонларда ҳамда ижарага олинган вагонларда юкларни ташиш, мазкур жўнатувчи учун белгиланган умумий ташиш режаси ҳисобидан амалга оширилади.

Темир йўли мазкур ташишни амалга ошириш имкониятини аниқлаш мақсадида юк жўнатувчилардан ташиладиган юклар ҳақида

керакли маълумотларни (мазкур юк турини ишлаб чиқариш ва истеъмол миқдорларини, айрим сифат кўрсаткичлари, физика кимёвий хусусиятлари ва бошқалар) талаб қилиш ҳуқуқига эга. Баъзи бир юкларнинг ташишни амалга ошириш имконияти мавжуд эмаслиги аниқланганида, темир йўли бундай юк ташишларни режадан чиқариб ташлайди ва бу ҳақида юк жўнатувчиларни **уч суткалик муддатда** хабардор қилиб қўйади. Юк жўнатувчилар темир йўлидан хабар олган пайтдан уч суткалик муддатда режадан чиқариб ташланган юклар номеклатурасини бошқасига алмаштириши мумкин. Бундай ташишларни алмаштириш рад этилган ҳолларда темир йўли юк жўнатувчига ажратилган режа меъёрини тегишли тонна ва вагонлар миқдорига камайтиради.

Темир йўли **ойлик юк ташишни ёйиқ режасини** асосида темир йўли бўйича жамланган ташиш режасини тузиш учун:

- режалаштириладиган ой бошланишидан 12 кундан кеч қолмай – ражалаштириладиган ой учун юкларни тури бўйича вагонларда ва тонналарда ўртача суткалик ортишни аниқлаштирилган миқдорини;

- режалаштириладиган ой бошланишидан 10 кундан кеч қолмай – тайинланган темир йўллар бўйича ва вагонларни турлари (ёпиқ вагонларда, платформаларда, ярим очик вагонларда, рефрижераторли вагонлар ва бошқалар) бўйича умумий ортиш миқдорини ва нефт ва нефть маҳсулотларини, равшан нефть маҳсулотларини, спиртни, **химикатларни, патокини**, ўсимлик мойи ва **аммиак сувини** ажратиб цистернада ташиладиган барча қўйма юкларни тайинланган темир йўли бўйича ортиш миқдорини;

- режалаштириладиган ой бошланишидан 7 кундан кеч қолмай – тайинланган темир йўллар бўйича тош кўмирни, ўрмон юкларини, донни, темир ва марганец маъданларини, қора металлларни, қурилиш юкларини, кимёвий ва минерал ўғитларни ортиш миқдорини ишлаб чиқади ва шакллантиради.

Юқорида кўрасатиб ўтилган маълумотлар шакиллантирилганидан сўнг темир йўлини юк ва тижорат ишлари бошқармаси ташишни ташкил этиш бошқармасига ва темир йўли минтақавий бўлинмасига юкларни ва ҳаракатдаги составларни тури бўйича ортиш миқдори ҳақида маълумотларни топширади. Темир йўли минтақавий бўлинмаси раҳбари станция бошлиқларига келгуси ой учун тасдиқланган юк ортиш миқдорини эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси темир йўл Уставининг 24-бандига мувофиқ “Темир йўл минтақавий бўлинмаси раҳбари режа оғи бошланишига қадар юк жўнатувчилар билан келишиб оғи ва сутка ичида темир йўл минтақавий бўлинмаси бўйича **бир текис** ва **бир маромда** ортишни ҳамда ташишни йириклаштириш ва жўнатувчининг маршрутларида юкларнинг ташиш топшириғини таъминловчи асосий

ойлик режани бажаришни тартибини белгилайди. Асосий ойлик режани бажаришни келишилган тартиби **ҳисоб карточкасига** киритилади” – деб белгилаб қўйилган.

Юк жўнатувчи – ташкилотлар режалаштириладиган ой бошланиши-дан 14 кундан кеч қолмай контейнерларда ташишни **амалга оширувчи (ведающим)**, темир йўлининг корхонасига “**Контейнердаги юклар**” режа номенклатураси гуруҳи бўйича 3 нусхада ташкилот имзоси ва муҳри билан тасдиқланган, белгиланган шакилдаги **ойлик юк ташишни ёйиқ режаси** тақдим этадилар. Ростлаш топшириғи билан юбориладиган бўш контейнерларни “Бошқа ва йиғма юклар” номенклатура гуруҳи бўйича контейнерларда ташишни **амалга оширувчи (ведающим)**, темир йўлининг корхонаси режалаштиради. Уй буюмларидан ташқари, турли юкларни ташиш учун контейнерларни тақдим этишни контейнерларда ташишни **амалга оширувчи (ведающим)**, темир йўли минтақавий бўлинмасининг корхонаси раҳбарининг буйруғи бўйича амалга оширилади. Уй буюмларини ташишга контейнерларни тақдим этиш, ортиш бошланишига 5 кунга қадар берилган юк жўнатувчиларнинг буюртмаси бўйича контейнерларда ташишни **амалга оширувчи (ведающим)**, темир йўли минтақавий бўлинмасининг корхонаси раҳбари амалга оширилади.

#### 4. Юк ташиш режасининг кўрсаткичлари

Юк ташиш режаси қуйидаги кўрсаткичлардан: ташилган юклар миқдоридан, юк айланмасидан, 1 т юкни ташишни ўртача масофасидан, юк тифизлигидан (грузонапряженность), юк ташишни номунтазамлигидан, статик юкламадан, динамик юкламадан иборат. Ташилган юклар миқдори ва юк айланмаси режани **миқдор кўрсаткичи** ҳисобланса, қолганлари – **сифат кўрсаткичлари** ҳисобланади.

Темир йўлида, минтақавий темир йўл бўлинмасида ёки участкада жами **ташилган (ортилган) юклар** миқдори қуйидагича аниқланади,

$$\sum P = p_1 + p_2 + p_3 + \dots + p_n, m \quad (1)$$

бу ерда  $p_1, p_2, p_3, \dots, p_n$  – айрим юк жўнатмаларининг масаси,  $m$ ;

Темир йўлини, минтақавий темир йўл бўлинмасини ёки участкани юкларни ташиш бўйича иш ҳажми **юк айланмаси** билан, яъний режалаш-тирилган ёки бажарилган тонна – километр неттоларнинг умумий ҳажми билан аниқланади,

$$\sum PL = p_1 \cdot l_1 + p_2 \cdot l_2 + p_3 \cdot l_3 + \dots + p_n \cdot l_n, ткм \quad (2)$$

бу ерда  $l_1, l_2, l_3, \dots, l_n$  – ташиш масофаси,  $км$ .

1 т. юкни ташишни ўртача масофаси ( $\ell_{\text{ўр}}$ ) темир йўл транспортининг энг муҳим кўрсаткиларидан бири ҳисобланиб, уни умумий бажарилган тонна – километрларни ( $\sum PL$ ) ташилган юклар миқдорига ( $\sum P$ ) бўлиш орқали аниқланади,

$$\ell_{\text{ўр}} = \sum PL / \sum P, \text{ км} \quad (3)$$

**Юк тиғизлиги** ( $E_{\text{юк}}$ ) ёки **ташиш зичлиги** (густота перевозок), – темир йўлини, минтақавий темир йўл бўлинмасини ёки участкани 1 км эксплуатацион узунлигига тўғри келадиган йиллик тонна – километрлар,

$$E_{\text{юк}} = \sum PL / L_{\text{экс}}, \text{ ткм/км} \quad (4)$$

бу ерда  $L_{\text{экс}}$  – темир йўлини (минтақавий темир йўл бўлинмасини ёки участкани) эксплуатацион узунлиги, км.

**Юк ташишни номунтазамлиги** ( $k_{\text{н}}$ ), йилнинг ойлари бўйича уларни ўзгаришларини тавсифлайди,

$$k_{\text{н}} = Q_{\text{макс.о}} / Q_{\text{ўр}}, \quad (5)$$

бу ерда  $Q_{\text{макс.о}}$  – максимал иш ойдаги юк оқимлари, т;

$Q_{\text{ўр}}$  – ўртача ойлик юк оқимлари, т.

**Вагоннинг ўртача статик юкламаси** ( $P_{\text{ст}}$ ) ни ёки битта вагонга тоннада ортилган юкни ўртача миқдори, вагонларга жами ортилган юкларни тоннадаги миқдори ( $\sum P$ ) ни шу юклар ортилган жами вагонлар сони ( $\sum U$ )га бўлиш орқали аниқланади:

$$P_{\text{ст}} = \sum P / \sum U, \text{ т/ваг} \quad (6)$$

**Динамик юклама** ташиш жараёнида вагонни кўтаришидан фойдала-нишни тавсифлайди. Ўртача динамик юклама 1 вагон – километрга тўғри келадиган эксплуатацион тонна – километрларни кўрсатади. Юкли вагонни ўртача динамик юкламаси қуйидагича аниқланади,

$$P_{\text{д.ю}} = \sum PL / \sum nS_{\text{ю}}, \text{ ткм/ваг.-км} \quad (7)$$

Ишчи вагон паркини ўртача динамик юкламаси,

$$\begin{aligned} p_{\text{д}} &= \sum PL / \sum nS = \sum PL / (\sum nS_{\text{ю}} + \sum nS_{\text{б}}) = \sum PL / (\sum nS_{\text{ю}} + \sum nS_{\text{б}}) = \\ &= \sum PL / (1 + \alpha_{\text{б}}) \sum nS_{\text{ю}} = p_{\text{ю.д}} / (1 + \alpha_{\text{б}}), \text{ ткм/ваг.-км} \end{aligned} \quad (8)$$

бу ерда  $\sum nS_{\text{ю}}$  – юкли вагонларнинг жами босиб ўтган масофаси, ваг.-

$$\begin{aligned}
 & \text{км}; \\
 \sum nS_6 & - \text{бўш вагонларнинг босиб жами ўтган масофаси, ваг.-км}; \\
 \sum nS & - \text{ваголарнинг умумий босиб ўтган масофаси, ваг.-км}; \\
 \alpha_6 & - \text{вагоннинг бўш ўтган масофа коэффициенти}
 \end{aligned}$$

## Назорат саволлари

50. Вазирликлар, идоралар ва ташклотлар келгуси йилнинг башоратларини ишлаб чиқиш учун асосий юклар бўйича буюртмаларни темир йўлига қачон тақдим этишлари керак?
51. Вазирликлар, идоралар ва ташклотлар келгуси йилнинг башоратларини ишлаб чиқиш учун бошқа юклар бўйича буюртмаларни темир йўлига қачон тақдим этишлари керак?
52. Темир йўл транспортида башоратлаш учун асосий юклар номенклатурасига қайси юклар масуб эмас?
53. Темир йўл транспортида башоратлаш учун асосий юклар номенклатурасига қайси юклар масуб эмас?
54. Темир йўл транспортида башоратлаш учун бошқа юклар номенклатурасига қайси юклар масуб эмас?
55. Темир йўл транспортида башоратлаш учун бошқа юклар номенклатурасига қайси юклар масуб эмас?
56. Юк ташишларни вагонларда ойлар бўйича тақсимланган квартал башоратлаш қайси юк учун амалга оширилади?
57. Юк ташишларни вагонларда ойлар бўйича тақсимланган квартал башоратлаш қайси юк учун амалга оширилади?
58. Юк ташишларни тонналарда ва вагонларда ойлар бўйича тақсимланган квартал башоратлаш қайси юк учун амалга оширилади?
59. Юк ташишларни тонналарда ва вагонларда ойлар бўйича тақсимланган квартал башоратлаш қайси юк учун амалга оширилади?
60. Ойлар бўйича тақсимланган квартал буюртмани юк жўнатувчи башоратладиган квартал бошланишига неча кундан кеч қолмай темир йўлига тақдим қилиши керак?
61. Юкларни ташиш Қоидаларида белгиланган муддатлардан ..... тақдим этилган юкларни ташиш квартал буюртмаси, қўшимча ташишлар ҳақида мурожжат қилинган деб қаралади.
62. Юк ташиш ҳажми ойига неча вагондан ортиқ бўлмаган юкларни ташишни башоратловчи юк жўнатувчилар, юкларни ташишга квартал буюртмасини тақдим этишдан озод этиладилар?
63. ГУ-12 шаклдаги юкларни ташишни ёйиқ режасини юк жўнатувчилар темир йўлига қачон тақдим этишлари керак?
64. Қайси юкни квартал ва ойлик юк ташишни режалаштириш марказлаштирилган тартибда амалга ошириш?
65. Қайси юкни квартал ва ойлик юк ташишни режалаштириш жойларда (темир йўл минтақавий бўлинмаларида) тартибда амалга ошириш?



## **5-майруза. Ортиш жойларидан юк ташишларни маршрутлаштириш**

**Режа:**

- 1. Темир йўл Устави маршрутлаштириш ҳақида;**
- 2. Маршрутларни аҳамияти ва турлари;**
- 3. Юк ташишларни маршрутлаштиришни режалаш;**
- 4. Маршрутлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги.**

### **1. Темир йўл Устави маршрутлаштириш ҳақида**

Ортиш жойларидан юк ташишларни маршрутлаштириш юк ташишларни ташкил этишнинг самарали усули ҳисобланади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси темир йўл Уставида ортиш жойларидан юк ташишларни маршрутлаштиришга алоҳида аҳамият берилган. Квартал башоратларида кварталда ўртача суткалик юк ортиш миқдори, ойлар ва юк турлари бўйича тақсимланган **тоннада** ва **вагонларда** ҳамда **маршрутларда** юкларни ташиш бўйича топшириқ назарда тутилиши Уставнинг 20- бандида белгилаб қўйилган. Уставнинг 21-бандида эса “Асосий ойлик юк ташиш режаси билан бир қаторда юк жўнатувчилар тайинланган темир йўл станциясини ёки маршрут тузиш станциясини кўрсатиб **маршрутларда** юкларни ташишга буюртманомаларни тақдим этишлари керак. Маршрутларда юкларни ташишга буюртманома тақдим этилмаганида ёки юк жўнатувчилар учун мажбурий бўлган квартал башоратининг ташиш ҳажмига нисбатан камайтирилган (заниженных) буюртманома тақдим этилганида ойлик маршрутлар сонини темир йўли ёйиқ ташиш режасидан келиб чиқиб белгилайди” – деб кўрсатилган.

Ортиш жойларидан юк ташишларни маршрутлаштириш энг самарали турларидан бири жўнатувчининг маршрути бўлганлиги боис Уставнинг 22-бандида “Оммавий юкларни ташиш катта ҳажмларда мавжуд бўлганида асосий ойлик ташиш режасида юк жўнатувчилар (**жўнатувчининг маршрути**), шунингдек поездларни шакллаш режасига мувофиқ бир йўналиш маршрут поездига гуруҳ вагонларини бирлаштириш йўли билан темир йўли ташкил этадиган маршрутларда юкларни ташиш назарда тутилиши керак.

*Тош кўмир, кокс, маъдан, нефть, дон залла юкларини, минераль ўғитларни, қурилиш материалларини ва бошқа оммовий юкларни юк жўнатувчилар одатда жўнатувчининг маршрутларида ташишга тақдим этишлари керак.*

Юкларни маршрутларда ташишни ташкил этиш тартиби юкларни ташиш Қоидаларида белгиланади” – деб таъкидланган.


Жўнатувчининг маршрутларида юкларни ташиш Ўзбекистон Респуб-ликаси темир йўлларида юкларни ташишларни башоратлаш

(режалашти-риш) Қоидаларида назарда тутилган тартибда тузиладиган башоратларга (режаларга) мувофиқ амалга оширилади.

Маршрутларда юкларни ташишни ташкил этиш юк оқимларини концентрациялашга ва юк ортишни йириклаштиришга, муайян кунларда тайинланган манзиллар бўйича юкларни **нарига адреслаш** (заадресовка – тушириш станциясини ва юк олувчини кўрсатиш), юк поездларини шакллаш режасига қатъий амал қилишга, юк жўнатувчиларни, юк олувчиларни ва темир йўлини техник воситаларидан самарали фойдаланишга ва маршрутларда юк ташишларни ташкил этиш услубларини ва шаклларини доимий такомиллаштиришга асосланади.

## 2. Маршрутларни аҳамияти ва турлари

Ортиш жойларидан юк ташишларни маршрутлаштириш моҳиятини тушиниб етиш учун темир йўл транспортида, вагонларга ортилган юклар-ни жўнатиш пунктдан тайинланган пунктга турли поездлар составида етказиб бериш схемасини мукамал англаб етиш керак. Ташиш жараёнида юк ортилган вагонлар турли юк поезд составларида бўлиши мумкин. 1-расмда ташиш жараёнида ташкил этилариган юк поездлари турлари кўрсатилган. Темир йўл тармоғи **участкаларга** бўлинган бўлиб, улар **техник – саралаш** (А, Г) ёки **участка** (Б, В, Е) станциялари билан чегараланиб туради. Масалан: АБ, БВ, ВГ, ГЕ ва ҳ.к. участкалар. Бу участ-каларда эса ўз навбатида бир неча **оралик** станциялар жойлашган бўлади.



1-расм. Юк поездлари таснифининг чизмаси

Темир йўл тармоғида юк ташиш жараёнини ташкил этиш мақсадида **терма** (сборные), **олиб чиқувчи** (вывозные), **участка** (участковые) ва **ўткинчи** (сквозные) поездлар ташкил этилади. **Терма поезд** участкадаги **оралиқ станцияларга хизмат кўрсатади**, қайсики уларда бу поездан вагон-ларни узиб олиб қолиш ва унга вагонларни тиркаб жўнатиш амалга оширилади. **Олиб чиқувчи поезд** бир участка сарҳадидаги бир – икки **оралиқ станциясига хизмат кўрсатади**. **Участка поезда** бир участка сарҳадида қайта ишловсиз ўтиб боради. **Ўткинчи поезд** битта ёки бир неча участка ёки саралаш станциясидан қайта ишловсиз ўтиб кетади. Бу поездлар техник станцияларда шаклланганлиги боис улар **техник маршрутлар** деб ҳам аталади. Жўнатиш станциясида юк ортилган вагон токи тайинланган станцияга етиб боргунича йўл сафарида бир неча турдаги поездлар составида бўлиши мумкин. Бу эса ўз навбатида юк вагонини йўл сафаридаги бир неча **оралиқ** ва **техник станцияларда турли техник** ҳамда **юк ва тижорат операциялар** пайтларида тўхтаб туришини келтириб чиқаради.

Масалан: **АБ** участкасидаги **б** жўнатиш станциясидан **ГЕ** участкасидаги **Г** тайинланган станциясига юк ортилган вагон йўл сафарида қуйидаги вариантлар бўйича, поездлар составида етиб бориши мумкин,

I-вариант: **АБ, БВ, ВГ** ва **ГЕ** участкалардаги **терма поезд** составида. Бунда вагон **терма поезд** составида **АБ, БВ, ВГ** ва **ГЕ** участкаларда йўл сафаридаги барча **оралиқ станцияларда тўхтаб ўтади** ҳамда **Б, В** ва **Г** техник станцияларида эса қайта ишловга тушиб ўтади;

II -вариант: **АБ** ва **ГЕ** участкаларидаги **терма поезд** составида ҳамда **БВ** ва **ВГ** участкаларидаги **участка поезд** составида. Бунда вагон **терма поезд** составида **АБ** ва **ГЕ** участкаларда йўл сафаридаги барча **оралиқ станцияларда тўхтаб ўтади** ҳамда **Б, В** ва **Г** станцияларида техник станцияларида эса қайта ишловга тушиб ўтади;

III-вариант: **АБ** ва **ГЕ** участкаларидаги **терма поезд** составида ҳамда **БВ** ва **ВГ** участкаларидаги **ўткинчи поезд** составида. Бунда вагон **терма поезд** составида **АБ** ва **ГЕ** участкаларда йўл сафаридаги барча **оралиқ станцияларда тўхтаб ўтади** ҳамда **Б** ва **Г** станцияларида техник станцияларида эса қайта ишловга тушиб ўтади;

Юқоридаги таҳлил шуни кўрсатадики юк ортилган вагонлар йўл сафаридаги **оралиқ** ва **техник станцияларда турли техник** ҳамда **юк тижорат операцияларини** бажаришда тўхтаб турадилар. **Оралиқ станцияларида** **терма поездлар билан қуйидаги операциялар:** **терма поезддан вагонларни узиш** (отцепка), **вагонларни ортишга ёки туширишга олиб кириб бериш** (подача), **вагонларни бир юк фронтдан бошқасига ўрнини алмаштириш** (перестановка), **ортиш** – **тушириш фронтларидан вагонларни олиб чиқиш** (уборка) ва уларни **терма поездга тиркаш** (прицепка) бўйича маневрлар ва бу операцияларни тегишли тартибда

*расмийлаштириши бажарилади. Техник станцияларда қайта ишловга етиб келган поезд составлари билан етиб келиш бўйича операциялар (операции по прибытии), вагонларни тарқатиши (расфармирование), йиғиши (накопление) ва шакллаш (формирования), жўнатиши бўйича операциялар (операции по отправлению) ва уларни тегишли тартибда расмийлашти-риш операциялари бажарилади.*

Йўл сафаридаги оралик ва техник станцияларда вагонларни тўхтаб туриши ва техник ҳамда юк ва тижорат операцияларини бажариш катта миқдорда моддий маблағлар ва молиявий харажатларни келтириб чиқаради. Темир йўл транспортида бундай харажатларнинг қисқартиришнинг бирдан бир йўли юкларни ортиш жойларидан маршрутлаштиришдир. Юкларни ортиш жойларидан маршрутлаштириш техник станцияларга вагонларни ортиқча қайта ишловидан халос этади, юкларни етказиб беришни ва вагонлар айланишини анчагина жадаллаштирилади, маневр ишларини қисқартиради ҳамда станцияларни ривожлантиришга бўлган эҳтиёжни камайтиради.

Юкларни ташиш Қоидаларида маршрутга қуйидагича таъриф берилган – *бир ёки бир неча станцияда бир ёки бир неча юк жўнатувчилар ортган, бир станцияда туширишга ёки тарқалишга (распыления) тайинланган, юк поездларини шакллаш режасида назарда тутилган вагон оқимларини биттадан кам бўлмаган станцияни қайта ишловдан бўшатиш шарти билан Ўзбекитон Республикаси темир йўлларида техникавий фойдаланиш Қоидаларига ва вагонлардан маршрутлар ташкил этиш (шакллаш) режасига мувофиқ юк жўнатувчи ёки темир йўли белгиланган массада ёки узунликда шаклаган, поезд состави **маршрут** деб аталади.*

**Маршрутлар ташкил этиш ва шакллаш усуллари бўйича қуйидаги турларга:**

*а) бир станцияда бир юк жўнатувчи ортган вагонлардан шаклланган ҳамда бир темир йўл шохобча йўлда шохобча эгаси ва бошқа жўнатувчилар – мазкур темир йўл шохобча йўли контрагентлари ортган вагонлардан шаклланган **жўнатувчининг маршрутларига**;*

*б) бир станцияда турли юк жўнатувчилар ҳамда бир юк жўнатувчи ёки турли юк жўнатувчилар темир йўл участкасидаги ёки узелидаги бир неча станциядан ортган вагонлардан шаклланган **поғонасимон маршрутларга**, бўлинадилар.*

Станцияда шакилланган поғонасимон маршрутлар – **станция поғонасимон** (станционный ступенчатый) маршрути, темир йўл участкасида шакилланган поғонасимон маршрутлар – **участка поғонасимон** (участковый ступенчатый) маршрути, темир йўл узелида шакилланган поғонасимон маршрутлар – **узел поғонасимон** (узловой ступенчатый) маршрути деб аталади.

**Вагонларнинг тайинланиши бўйича маршрутлар қуйидаги турларга:**

*а) бир тушириш станциясидаги бир ёки бир неча юк олувчилар адресига тайинланган вагонлардан шаклланган **тўғри маршрутларга** (маршрутларда юкларни қабул қилиш учун керакли техник жиҳозларга эга бўлган бундай станциялар ва юк олувчилар рўйхатини минтақавий темир йўл бўлинмаси, юк олувчилар билан мувофиқлаштирилган, таклифи асосида темир йўли белгилайди);*

*б) тайинланган станциялар бўйича гуруҳ вагонларини териб танлаб олиш билан **бир участка станцияларида тушириладиган маршрутларга** (бир юк олувчи адресига вагон гуруҳларини максимал сони, темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси ва вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномасида белгиланган юк олувчини тушириш пунктнинг тушириш қобилиятига мувофиқ бўлиши керак);*

*в) йўл сафарида қайта ишлашларни энг кўп қисқартиришни инобатга олиб, маршрутнинг йўл сафарида жойлашган участка ёки саралаш станцияларида юк поездларининг шакллаш режасига бўйича ташкил этилган **тарқалиш станцияларига тайинланган маршрутларга** (юк поездларини шакллаш режасидан кўчирма ва маршрут ташкил этиш режаси билан юк жўнатувчиларни темир йўли таъминлайди);*

*г) тарқалиш пунктларда тайинланган станциялар ва юк олувчилар бўйича вагонларни нарига адреслаш (заадресовка – тушириш станциясини ва юк олувчини кўрсатиш) амалга ошириладиган, **тарқалиш пунктлари маршрутларига**, бўлинадилар.*

Муомала кўлами бўйича жўнатувчининг маршрутларини:

*а) туширишдан сўнг худди шу состав авалги станциясига ёки минтақавий темир йўл бўлинмасига такроран ортишга қайтариб келинадиган **доимий составли ҳалқа маршрутларига**;*

*б) туширишдан сўнг авалги станциясига ёки минтақавий темир йўл бўлинмасига такроран қайтариб келинадиган, лекин баъзи бир вагонлар бошқасига алмаштирилиб ортишга бериладиган **ўзгарувчан составли ҳалқа маршрутларига**, бўлинадилар.*

Ҳалқа маршрутларини ташкил этиш, вагонларни ортишга тайёрлаш харажарларини анчагина камайтиради ва вагонларни ортиш пунктларида тўхтаб туришларини камайтиради.

### **3. Юк ташишларни маршрутлаштиришни режалаш**

Юкларни ташишни маршрутлаштириш режаси поездларни шакллаш режасини ишлаб чиқишда тузилади. Поездларни шакллаш режасини тузишда энг аввал барқарор характерли йўналишлар бўйича вагон оқимлари асосида юк ташишларни маршрутлаштириш режаси

ишлаб чиқилади. Юк ташишларни маршрутлаштириш ойлар бўйича тақсимланган **квартал башоратларида** ва **асосий ойлик юк ташиш режасида** назарда тутилади (Уставнинг 20- ва 21-бандлари).

Юкларни ташишни башоратловчи юк жўнатувчилар юкларни ташиш кватрал буюртмасида (юкларни ташиш Қоидалари 1-бўлим, 4-илова) ҳар бир номдаги ташиладиган юк ҳажмидан маршрутларда ташиладиган юкларни фоизини **квартал топшириқ лойиҳасида** кўрсатадилар. Юкларни маршрутларда ташишнинг квартал топшириғини кўриб чиқиш, мувофиқлашритиш ва тасдиқлаш тартиблари юкларни ташишни башоратлаштириш учун назарда тутилган тартибларда амалга оширилади.

Ойлар бўйича тақсимланган кварталда юкларни ортишни белгиланган ҳажми асосида темир йўли, башоратланадиган квартал бошланишига 23 кундан кеч қолмай ойлар ва юкларни турлари бўйича тақсимланган юкларни ташишларни вагонларда ва тонналарда суткадаги ўртача миқдорини ҳамда маршрутларда юкларни ташиш бўйича топшириқни юк жўнатувчиларга хабардор қилади. Юк жўнатувчига ортиш миқдори хабар қилингандан сўнг 3 сутка ичида унинг томонидан эътироз бўлмаса, ортиш башорати келишилган деб ҳисобланади.

Юк жўнатувчилар қабул қилиб олинган ойлар ва юк турлари бўйича тақсимланган кварталда маршрутларда юкларни ташиш топшириғига мувофиқ, юкларни ташиш ёйиқ режаси билан бир вақтни ўзида, режалаштириладиган ой бошланишидан 14 кундан кеч қолмай маршрутнинг тайинланган станциясини кўрсатиб маршрутларда юкларни ташиш режасини темир йўлига тақдим этадилар. Оммавий юкларни ташиш одатда жўнатувчининг маршрутларида амалга оширилиши керак.

Юк жўнатувчилар маршрутларда юкларни ташиш режасини белгиланган муддатда тақдим этмаганларида, маршрутлар сонини темир йўли юкларни ташишнинг ёйиқ режасидан келиб чиқиб белгилайди. Темир йўли ойлик ташиш режасини эълон қилиш билан бир вақтни ўзида, минтақавий темир йўл бўлинмасига асосий юкларни турлари бўйича вагонларда суткасига ўртача маршрутларда юкларни ташишни режасини белгилайди. Бутун темир йўли бўйича ва юкларни тури бўйича юкларни ташиш режасини темир йўли раҳбари тасдиқлайди ва минтақавий темир йўли бўлинмаси бошлиқларига юкларни ташишнинг ёйиқ режаси билан бирга эълон қилади. Минтақавий темир йўли бўлинмаси бошлиқлари маршрутларда юкларни ташиш режасини станция бошлиқларига эълон қиладилар. Минтақавий темир йўли бўлинмаси бошлиқлари тасдиқланган маршрутларда юкларни ташишни режаси ва юкларни ташишнинг ёйиқ режаси асосида ойларни санаси бўйича маршрутларда ортиш календарь режасини юк жўнатувчилар билан келишиб олади.

Керакли ҳолатларда, декада бошланишига уч суткага қадар минтақавий темир йўли бўлинмаси бошлиғи юк жўнатувчилар билан келишиб декадалар бўйича маршрутларда юкларни ортишни календар режасини **корректировка** қилади. Айрим ҳолатларда юк жўнатувчиларнинг буюртманомаси бўйича минтақавий темир йўли бўлинмаси бошлиғи, назарда тутилган тайинланган темир йўллар бўйича ташиш режаси доирасида, ортиш кунининг арафасида маршрутнинг тайинланган станциясини ўзгартиришга рухсат бериш ҳуқуқига эга.

Минтақавий темир йўли бўлинмаси бошлиғи юк жўнатувчилар билан келишиб режалаштирилган ой бошланишига қадар минтақавий темир йўли бўлинмаси бўйича ой ва сутка ичида ортишни бир текис ва бир маъромда ҳамда ташишни йириклаштиришни ва жўнатувчининг маршрутларида юкларни ташиш бўйича топширикни бажаришни таъминловчи, ташиш режасини бажариш тартибини белгилайди.

#### **4. Маршрутлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги**

Юкларни ортиш жойларидан маршрутлаштириш самарадорлиги маршрутнинг ҳаракатланиб бориш тезлигидан (юкларни етказиб бериш муддатини камайишидан), ўртача ҳар бир маршрут қайта ишловсиз ўтиб борадиган техник станциялар сонидан, техник станцияларда ва ортиш ва тушириш станцияларида вагонларни тўхтаб туришини қисқаришидан ҳамда ташкил этиладиган маршрутлар сонидан ва ҳар бир маршрут поездининг нетто массасидан (маршрутларда ташиладиган юкларнинг умумий миқдоридан) аниқланади. Маршрутларда юкларни ҳаракатланиб бориш тезлиги вагонланган жўнатмага қараганда анча (30 % дан зиёдга) юқори бўлиб, бу тезлик қайта ишловсиз техник станцияларда поездларнинг тўхтаб туришини камайишига боғлиқ бўлади. Техник станцияларда вагонлар қайта ишланмаганлиги боис маневр ишлари ҳажмини камайишига ҳамда уларда вагонларнинг техник кўриги камайиши (қайта ишлов бериладиган поездда вагонлар икки маротаба, маршруда эса вагонлар бир марта техник кўридан ўтадилар) сабабли техник кўрик пункти хизматчиларининг штатининг қисқаришига эришилади.

#### **Назорат саволлари**

66. Уставнинг 22-бандига мувофиқ қайси юклар жўнатувчининг маршрутларида ташишга тақдим этишлари керак?
67. Уставнинг 22-бандига мувофиқ қайси юклар жўнатувчининг маршрутларида ташишга тақдим этишлари керак?
68. Уставнинг 22-бандига мувофиқ қайси юклар жўнатувчининг маршрутларида ташишга тақдим этишлари керак?
69. Уставнинг 22-бандига мувофиқ қайси юклар жўнатувчининг маршрутларида ташишга тақдим этишлари керак?

70. Уставнинг 22-бандига мувофиқ қайси юклар жўнатувчининг маршрутларида ташишга тақдим этишлари керак?
71. Темир йўл тармоғи участкаларга бўлинган бўлиб, улар ..... билан чегараланиб туради.
72. Темир йўл тармоғи участкаларда қандай станциялар жойлашган бўлади?
73. Темир йўл тармоғида юк ташиш жараёнини ташкил этиш мақсадида қандай поездлар ташкил этилади?
74. Темир йўл тармоғида юк ташиш жараёнини ташкил этиш мақсадида қандай поездлар ташкил этилади?
75. Темир йўл тармоғида юк ташиш жараёнини ташкил этиш мақсадида қандай поездлар ташкил этилади?
76. Темир йўл тармоғида юк ташиш жараёнини ташкил этиш мақсадида қандай поездлар ташкил этилади?
77. .... участкадаги оралиқ станцияларга хизмат кўрсатади, қайсики уларда бу поезддан вагонларни узиб олиб қолиш ва унга вагонларни тиркаб жўнатиш амалга оширилади.
78. .... бир участка сарҳадидаги бир – икки оралиқ станциясига хизмат кўрсатади.
79. .... бир участка сарҳадида қайта ишловсиз ўтиб боради.
80. .... битта ёки бир нечта участка ёки саралаш станциясидан қайта ишловсиз ўтиб кетади.
81. Участка поезди қайси маршрутларга мансуб бўлади?
82. Терма поезд қайси маршрутларга мансуб бўлади?
83. Ўтқинчи поезд қайси маршрутларга мансуб бўлади?
84. Олиб чиқувчи поезд қайси маршрутларга мансуб бўлади?
85. Оралиқ станцияларида қайси поездлар билан вагонларни ортишга ёки туширишга олиб кириб бериш (подача) бўйича маневрлар бажарилади?
86. Оралиқ станцияларида қайси поезддан вагонларни узиш (отцепка), ва уларни поездга тиркаш (прицепка) бўйича маневрлар бажарилади?
87. Оралиқ станцияларида қайси поездлар билан ортиш – тушириш фронтларидан вагонларни олиб чиқиш (уборка) бўйича маневрлар бажарилади?
88. Оралиқ станцияларида қайси поездлар билан вагонларни бир юк фронтдан бошқасига ўрнини алмаштириш (перестановка) бўйича маневрлар бажарилади?
89. .... қайта ишловга етиб келган поезд составлари билан етиб келиш бўйича операциялар, вагонларни тарқатиш, йиғиш, шакиллаш, жўнатиш бўйича операциялар ва уларни тегишли тартибда расмийлаштириш операциялари бажарилади.
90. Бир станцияда бир темир йўл шохобча йўлда шохобча эгаси ортган вагонлардан шаклланган маршрут қандай маршрут деб аталади?
91. Бир станцияда бир темир йўл шохобча йўлда шохобча эгаси ортган вагонлардан шаклланган маршрут қандай маршрут деб аталади?
92. Бир станцияда бир темир йўл шохобча йўлда шохобча эгаси ва бошқа жўнатувчилар ортган вагонлардан шаклланган маршрут қандай маршрут деб аталади?
93. Бир станцияда бир темир йўл шохобча йўлда шохобча эгаси ва бошқа жўнатувчилар – мазкур темир йўл шохобча йўли контрагентлари ортган вагонлардан шаклланган маршрут қандай маршрут деб аталади?
94. Бир станцияда турли юк жўнатувчилар ортган вагонлардан шаклланган маршрут қандай маршрут деб аталади?



95. Бир юк жўнатувчи темир йўл участкасидаги бир неча станциядан ортган вагонлардан шаклланган маршрут қандай маршрут деб аталади?
96. Бир юк жўнатувчи темир йўл узелидаги бир неча станциядан ортган вагонлардан шаклланган маршрут қандай маршрут деб аталади?
97. Турли юк жўнатувчилар темир йўл участкасидаги бир неча станциядан ортган вагонлардан шаклланган маршрут қандай маршрут деб аталади?
98. Турли юк жўнатувчилар темир йўл узелидаги бир неча станциядан ортган вагонлардан шаклланган маршрут қандай маршрут деб аталади?
99. Бир тушириш станциясидаги бир ёки бир неча юк олувчилар адресига тайинланган вагонлардан шаклланган маршрутлар қандай маршрутлар деб аталади?
100. Тайинланган станциялар бўйича гуруҳ вагонларини териб танлаб олиш билан шаклланган маршрутлар қандай маршрутлар деб аталади?

## 6-маъруза. Юк станциялари

### Режа:

1. Юк станцияларини вазифалари ва таснифи;
2. Станцияларда бажариладиган юк ва тижорат операциялари;
3. Станцияларда юк ва тижорат операцияларини бажариш учун техник воситалар;
4. Юк ва тижорат ишларини концентрациялаш;
5. Йирик узелларда юк станцияларини ихтисослаштириш;
6. Юк станцияси ишини бошқариш ва оператив раҳбарлик;
7. Юкларни қабул қилувчи топширувчи ва товар кассирларини асосий мажбуриятлари.

### 1. Юк станцияларини вазифалари ва таснифи

Юк ва тижорат операцияларини бажариш учун темир йўл транспортида ортиш – тушириш машиналари ва қурилмалари, идишли – донали, оғир вазинли ва сочилувчан юклар омборлари, контейнер пунктлари, кўтарилган йўллар ва тушириш эстакадалари, саралаш платформалари, тез бузилувчан юкларни ва ҳайвонларни ташишда хизмат кўрсатиш учун қурилмалар, торози хўжалиги, товар идораси ва шу каби юк хўжалиги техник воситалар мавжуд бўлиб, улар асосан **юк саройларида ва темир йўл шохобча йўлларида** мужассамлаштирилган. Юк саройлари темир йўл станцияларида (қуйида станциялар деб юритилади) жойлашган бўлади, темир йўл шохобча йўллари эса рельсли излар орқали станцияларга туташади. Станция русча **стоять** сўзидан олинган бўлиб бу жойда, яъний станцияда поездлар ва вагонлар турли операцияларни бажаришда тўхтаб туришини билдиради.

Станциялар бажариладиган иш характериға мувофиқ – **йўловчи, юк ва бирлашган** станцияларға бўлинадилар. Юк станцияларида асосан **юк ва тижорат операциялари** ва у билан боғлиқ бўлган қатор **техник операциялар** бажарилади. **Бажариладиган операцияларнинг характери бўйича юк станциялари қуйидаги турларға бўлинадилар:**

**ортувчи** – асосан юкларни оммавий ортувчи ва кам миқдорда юкларни туширувчи станциялар. Бу станцияларда оммавий ортиш асосан кўмир шахталарининг, маъдан конларининг, минерал қурилиш материаллари карьерларининг, бойитиш фабрикаларининг, тайёрловчи элеваторларнинг ва бошқа корхоналарнинг темир йўл шохобча йўлларида амалға оширилади;

**туширувчи** – юкларни ортишға нисбатан тушириш кўпроқ бўлган станциялар. Бундай станциялар қўпинча йирик саноат ва маъмурий марказларда барпо этилиб, бу жойларға ташиб келтириладиган хом-ашё, ёқилғи ва озиқ-овқат маҳсулотлари, олиб чиқиб кетиладиган тайёр

махсулотларга қараганда анчагина зиёд бўлади. Бу станцияларга электр станцияларнинг, универсал ва махсус база ва омборларнинг, озиқ-овқат, енгил ва қайта ишлаш саноати корхоналарининг темир йўл шохобча йўллари туташган бўладилар.


**қайта юкловчи** – юкларни кенг изли темир йўл вагонларидан тор изли темир йўл вагонларига ва аксинча ҳамда бир транспорт туридан бошқа транспорт турига қайта юкловчи (биридан тушириб иккинчисига ортиш) станциялар. Қайта юклаш станцияларига чегара станциялари, портлардаги станциялар ҳамда кенг ва тор изли темир йўллар туташган пунктлардаги станциялар мансуб бўладилар.

**ортувчи ва туширувчи** – юкларни ортиш ва тушириш миқдорлари тахминан бирдай бўлган станциялар.

Йирик темир йўл узелларида станциялар алоҳида турдаги юкларни: кўмирни, ўрмон материалларини, ғаллани, қурилиш материалларини, идиш-ўровли ва донали юкларни, контейнерларни ва ҳ.к. юкларни ортишга, туширишга ёки ортиш – туширишга ихтисослаштирилади. Юк ва тижорат операциялари бажариладиган станцияларни темир йўл амалиётида **тариф станциялари** (ДС тарифные) ибораси билан ҳам айтилади. Бу станциялар, ўзлари жойлашган ҳудудлардаги корхоналарнинг ва аҳолининг ташишга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, барча ёки фақат баъзи бир юк ва тижорат операцияларини бажариш учун очик бўлишлари мумкин. Масалан, баъзи бир станциялар контейнерларни ва оғир вазнли юкларни жўнатувчилардан ташишга қабул қилиб олишлари ва шу станцияга етиб келган ана шундай юкларни олувчиларга топширишлари мумкин, бошқалари эса темир йўл шохобча йўлларида **вагонланган жўнатмаларни** ташишга қабул қилиб олишлари ва тушириш учун етиб келган вагонланган жўнатмаларни темир йўл шохобча йўлларида топширишлари мумкин, учинчилари эса ўрмон материалларини тушириб, олувчиларга топширишлари мумкин ва ҳ.к.

Темир йўл Уставининг (қуйида Устав деб юритилади) 6-бандида станциянинг ортиш – тушириш жойларига бағишланган бўлиб унда, *юкларни ортиш ва тушириш темир йўлнинг тасарруфидаги станция омборларида ва майдонларида (умумий фойдаланиш жойлари), ҳамда корхона, ташкилот, муассасаларнинг тасарруфидаги рельс ёни омборларида, майдонларида ва бошқа жойларда (ноумумий фойдаланиш жойлари) бажарилиши*, белгилаб қўйилган. 6.1-расмда умумий ва ноумумий фойдаланиш жойларининг юк станциясига туташиб чизмаси кўрсатилган. Уставнинг 52- бандида эса бу жойларда ортиш – тушириш ишларини бажариш кимларнинг зиммасига юклатилганлиги белгилаб қўйилган. “*Юкларни вагонларга ортишни ва улардан туширишни:*

*а) темир йўли - керакли қурилмалар ва механизмларга эга бўлган умумий фойдаланиш жойларида амалга оширади, хавфли, тез бузилув –*



**6.1-расм. Юк станциясидаги умумий (юк саройи) ва ноумумий (ТЙШ—темир йўл шахобчаси) фойдаланиш жойлари**

1-бош йўл; 2-йўловчи поездлар учун йўл; ҚҚЖП-қабул қилиш-жўнатиш парки; СП-саралаш парки; 3-ангар тусидаги ёпиқ омбор; 4-контейнерлар, оғир вазнли ва узун бўйли юклар учун икки консолли чорпоёли кран билан жиҳозланган очиқ майдон; 5-бевосита «вагон-автомобиль» варианты бўйича юкларни ортиш-тушириш учун очиқ платформа; 6-хавфли юклар учун ёпиқ омбор; 7-аккумулятор батареяларни зарядлаш жойи ва механизмларни таъмирлаш устахонаси; 8-маъмурий-маиший бино; 9-кириш-чиқиш дарвозаси; 10—кириш-чиқиш назорат пункти; 11-вагон тарози; 12-белги «Темир йўл шахобчаси чегараси»; 13-чиқариб қўйилган йўл; 14 ва 15-составни тортиш йўллари; ЛХ-локомотив хўжалиги.

*чан юклар ва юкларни ташиши Қоидаларида кўрсатиб ўтилган бошқа юклар бундан мустасно;*

*б) юк жўнатувчилар ва юк олувчилар – ноумумий фойдаланиш жойларида, ҳамда умумий фойдаланиш жойларида – хавфли ва тез бузилувчан юкларни, ҳам ҳайвон маҳсулотларини, оғир вазинли (бир жойда 0,5 тоннадан зиёд) ва ногабарит юкларни, махсус ҳаракатдаги составда қўйма, сочма ва тўкма ташиладиган юкларни ва юк жўнатувчиларни ёки юк олувчиларни кузатувчиси назоратида ташиладиган юкларни, амалга оширадилар.*

*Юк жўнатувчилар ёки юк олувчилар билан алоҳида шартнома бўйича, темир йўли ноумумий фойдаланиш жойларида ушбу модданинг “б” пунктида кўрсатилганидан бошқа юклари ортиш-туширишни бажаришни ўзига олиши мумкин.*

*Темир йўлининг кучи ва воситаларида бажарилган юкларни ортиш ва тушириш учун юк жўнатувчилар ва юк олувчилар тузилган шартномага мувофиқ ҳақ тўлашлари шарт (мажбур)”.*

**Умумий фойдаланиш жойлари асосан темир йўлининг тасарруфидаги станцияларининг юк саройлари бўлиб, уларда юкларни (жўнатувчилардан) қабул қилиш учун йўллар (автойўлаклар, ортиш-тушириш темир йўллари) ва юк қурилмалари (ёпиқ омборлар, ёпиқ платформалар, очик платформалар, очик майдонлар ва ҳ.к.), техник ва маъмурий-маиший бинолар, ортиш-тушириш машина-механизмлари ва уларни таъмирлаш ҳамда соз ва шай ҳолатни таъминлаш учун устахоналар мавжуд бўлади. Юк саройлари йирик аҳоли пунктларига хизмат кўрсатувчи юк станцияларида барпо этилади. Бундай йирик аҳоли пунктларидаги саноат, қурилиш ва савдо корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларига (қўйида корхоналар деб юритилади), турли-туман юклар темир йўл транспортида ташиб келтирилади ва улардан жўнатилади. Қатор корхоналар иқтисодий нуқтаи назаридан ўз темир йўл шохобча йўлларига эга бўлмаганлиги боис, уларнинг адресларига вагонларда етиб келган хом-ашё, комплектловчи деталлар, асбоб-ускуналар ва озик-овқат маҳсулотлари тушириш учун станцияларнинг юк саройларига **олиб кириб берилади**. Юклар вагонлардан туширилиб, омбор ва очик майдонларда вақтинча (юк олувчилар юкларни ташиб кетиш билан боғлиқ бўлган операцияларни бажаргунларигача ва тегишли хужжатларни расмийлаштиргунларигача) сақланиб, сўнгра автотранспортларга ортилиб юк олувчиларнинг омборларига **ташиб кетилади**. Худди шунингдек ўз темир йўл шохобча йўлига эга бўлмаган юк жўнатувчи корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотларини автотранспортларга ортиб станциянинг юк саройига **ташиб келтиради**. Юк саройига ташиб келтирилган юклар автотранспортдан омбор ва очик майдоналарга туширилади ва вақтинча (юк жўнатувчи тегишли хужжатларни расмийлаштириб, юкларни ташиб келтириш билан боғлиқ бўлган операцияларни бажаргунларигача)**

сақланиб, сўнгра вагонларга ортилиб, юк саройидан жўнатиш учун станцияга **олиб чиқиб кетилади**.

**Ноумумий фойдаланиш жойлари** асосан корхоналарга алоҳида хизмат кўсатувчи **темир йўл шохобча йўллари бўлиб**, бу йўллар умумий темир йўл тармоқлари билан узлуксиз рельсли излар орқали боғланишда бўладилар. Темир йўл шохобча йўлларининг иқтисодий аҳамияти шундан иборатки, улар умумий темир йўл тармоқларини бевосита ишлаб чиқарувчи ва истеъмол жойлари билан боғлаб туради. *Темир йўл шохобча йўллари асосан ҳалқ хўжалигининг йирик: ёқилғи-энергетика, минерал хом ашё, минерал қурилиш материаллари, металлургия, металлни қайта ишлаш, кимё, галла ва бошқа саъноат корхоналарига хизмат кўрсатиш учун қурилади*. Бу йирик саъноат корхоналаридан катта миқдорларда юклар темир йўл транспортида жўнатилади ва аксинча уларга етиб келади ёки ҳам жўнатилади ва ҳам етиб келади. Баъзи бир бундай йирик саъноат корхоналарида жуда катта миқдорларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни умумий фойдаланиш жойлари (станциянинг юк саройи) га автотранспортда ташиб келтириб, вагонларга ортиб жўнатишни ақлга сиғдириб ҳам бўлмайди. Жуда кўплаб йирик саноат корхоналари борки, иқтисодий жиҳатдан улар ўз темир йўл шохобча йўлларига эга бўлишлари мақбул бўлади. Ҳозирда жуда кўп миқдордаги юкларни темир йўл шохобча йўлларида юк жўнатувчилардан темир йўли ташишга қабул қилиб олади ва юк олувчиларга темир йўл темир йўл шохобча йўлларида топширади.

## **2. Станцияларда бажариладиган юк ва тижорат операциялари**

Йирик ҳажмли юк станцияларида қуйидаги: **юк** – *ортиш, тушириш, қайта юклаш, саралаш, сақлаш, юкларни массасини аниқлаш учун омбор ичида юкларни ташиш; тижорат* – *юкларни ташишга қабул қилиш, тортиш, юкларни топшириш, ташиш ҳужжатларини расмийлаштириш, юк жўнатувчиларни ва юк олувчиларни вагонларни яқинлаштириб келиши, етиб келиши ва ортиш – тушириш жойларига олиб кириб бериш ҳақида хабар бериш, йўқолган ва етиб келмаган юкларни қидириш (қуйида юкларни қидириш деб юритилади), молия ва касса ҳисоботи, ташиш кира ҳақларини аниқлаш, жўнатувчилар ва олувчилар билан ҳисоб – китоб қилиш операциялари бажарилади*. Бундан ташқари юк станцияларида **техник** – *ҳаракат графиги бўйича поездларни станцияга қабул қилиш ва станциядан ўтказиб юбориш, етиб келиш бўйича составларга ишлов бериш, составларни тарқатиш, юк фронтлари бўйича составларни йиғиш, юк фронтларига вагонларни олиб кириб бериш, вагонларни бир юк фронтдан бошқасига ўрнини алмаштириш, юк фронтларидан вагонларни олиб чиқиш, йўналишлар бўйича составларни йиғиш, составларни шакиллаш, поездларга техник хизмат кўрсатиш, жўнатиш бўйича*

поездларга ишлов бериш, станциядан поездларни жўнатиш операциялар бажарилади. Айрим ҳолатларда юк станцияларида вагонлар *дезинфекация қилинади* ва *ювилади* ҳамда бошқа операциялар бажарилади. Юк, тижорат ва техник операцияларни бажаришда поездларни ҳаракат хавфсизлиги ва ташишга қабул қилиб олинган юкларни ва контейнерларни асраш таъминланиши керак.

Ҳамма ёки баъзи бир операцияларни бажариш учун станцияларини очиш ёки ёпишни темир йўли Уставнинг 8-бандида белгиланган тартибда амалга оширади. Бу ҳақда **темир йўл транспортида ташиш қоидалари ва тарифлар Тўпламида** нашр этилади ва темир йўл транспорти бўйича **Кенашга** кирувчи ҳамдўстлик давлатлари қатнашчилари, Латвия Республикаси, Литва Республикаси, Эстония Республикаси темир йўл маъмуриятларининг юк ва тижорат операциялари бажарувчи барча станцияларига расмий равишда маълум қилинади.

Станциянинг атроф район корхоналари ва аҳолисининг ташишга бўлган талаблари ҳамда ундаги тегишли техник қурилмаларнинг мавжудлигига мувофиқ станциялар ҳамма ёки баъзи бир турдаги юк ва тижорат операцияларини бажариш учун очиқ бўлиши мумкин. Масалан, бир станция ташишга фақат очиқ майдонларда сақлаш мумкин бўлган вагонланган жўнатмаларни қабул қилиши ва топшири мумкин, бошқаси эса фақат темир йўл шохобчаларида ва ноумумий фойдаланиш жойларида вагонланган ва бир бутун вагонга ортिलाдиган майда жўнатмаларни қабул қилиши ва топшириши мумкин.

Станцияларни рўйхати ва уларда ташиш билан боғлиқ бўлган операцияларни бажариш турлари **№ 4 Тариф қўлланмасининг 2-китобини** “*Темир йўл станцияларининг алфавит рўйхати*” да нашр қилинади. Унда ҳар бир пунктнинг номидан сўнг, ушбу пунктда бажариладиган юк ва тижорат операцияларини тавсифловчи **шартли белгилар** кўрсатилган (П, Б, О, § 1, § 2, § 3, § 4, § 5, § 6, § 7, § 8, § 8н, § 9, § 10, § 10н, Х). Шартли белгиларнинг мазмуни **Умумий ҳолатларда** келтирилган. Масалан, § 2 – станциянинг ёпиқ омборларида сақлашни талаб этувчи майда жўнатмалар-ни қабул қилиш ва топширишни; § 4 – станциянинг ёпиқ омборларида сақлашни талаб этувчи вагонланган жўнатмаларни қабул қилиш ва топши-ришни; § 7 - осон алангаланувчан юкларни станцияларда қабул қилиш ва топшириш тақиқланишини билдиради ва ҳ.к.

Юкларни ташишга қабул қилиб олишда № 4 Тариф қўлланмасининг 2-китоби, I-бўлими “**Ажратиш пунктларининг алфавит рўйхатидан**” шартли белгилар бўйича тайинланган станция мазкур турдаги жўнатмалар билан юк операцияларини бажариш учун **очиқлигини текшириш керак**. Худди шунингдек умумий фойдаланиш жойларида тушириш бўйича станцияларни ишлаши белгиланган ихтисослаштирилишига мувофиқ **темир йўл узелидаги** станцияларга вагонланган жўнатмани адреслашни

тўғрилигини ҳам текшириш керак. № 4 Тариф қўлланмасининг 2-китобининг Умумий ҳолатларида узелларга киритилган станцияларни рўйхати келтирилган.

### **3. Станцияларда юк ва тижорат операцияларини бажариш учун техник воситалар**

*Юк станцияларининг техник воситалари юк ва тижорат ва у билан боғлиқ бўлган техник операцияларини меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартибларда ва технологик жараёнларда назарда тутилган муддатларда тез ва соз бажаришни таъминлаши керак.* Юк станцияларининг техник воситалар билан жиҳозланиши уларнинг вазифаси, иш ҳажми, маҳаллий вагон оқимларининг етиб келиши ва жўнашининг тури ва характери ҳамда уларнинг юк пунктлари, шу жумладан умумий ва ноумумий фойдаланиш жойлари бўйича тақсимланиши, саноат корхоналари, базалар, қайта юклаш пунктлари темир йўл шохобча йўлларининг туташishi ва уларнинг техник жиҳозланиши билан аниқланади. Юк ва тижорат операцияларини бажариш учун мўлжалланган станцияларда қабул қилиш – жўнатиш, саралаш, составни тотриш ва чиқариб қўйиладиган йўллар ҳамда ортиш – тушириш иншоотлари ва қурилмалари, ёпиқ ва очик омборлар ва майдонлар, контейнерлар, оғир вазинли ва бошқа юклар учун майдонлар, сочилувчан юкларни тушириш учун эстакадалар ва кўтарилган йўллар, вагонлардан автотранспортларга бевосита ёки омбор орқали қайта юклаш қурилмалари, филдиракли техникаларни ва бошқа юкларни тушириш учун платформалар ва майдонлар назарда тутилиши керак. Юк қурилмалари ва йўллар бир жинсли юкларни қайта ишлаш учун ихтисослаштирилган майдонлар билан биргаликда бир юк районида концентрация қилинади. Баъзида станция худудида айрим турдаги юкларни қайта ишлаш учун бир нечта ихтисослаштирилган юк районлари қурилади.

Поезд ҳужжатларини расмийлаштириш ва ишлаш, поездлар, вагонлар ва юкларни яқинлашишиб келиши ҳақида ҳар томонлама информацияларни тўплаш, юк станцияси ишини оператив режалаш учун маълумотларни тайёрлаш **станция технологик марказида** (станционный технологический центр обработки поездной информации и перевозочных документов, қуйида **СТЦ** деб юритилади) амалга оширилади. Юк станцияларида автоматика, телемеханика ва алоқа, ёритиш ва сув таъминоти қурилмалари, баъзида эса маневр локомотивларини экипировка қилиш учун қурилмалар, вагонларни ортишга тайёрлаш пунктлари, вагонларни тозалаш ва ювиш учун йўллар, тозалаш иншоотлари ва бошқалар мавжуд бўлади. Булардан ташқари юк станцияларида ортиш – тушириш машиналарига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун пунктлар,



маъмурий – маиший ва техник хизмат биноси, вагон тарозиси ва бошқа қурилма ва иншоотлар назарда турилади.

Очиқ ҳаракатдаги состав (платформа, ярим очиқ вагон) ларга ортилган юкларни габаритлигини текшириш учун ортиш йўлининг чиқаверишида **габарит дорвозаси** ўрнатилади. Дорвозани ичида энсиз тахтача (планка) лар осилаган бўлиб юклаш габаритининг қиёфаси чегараси контурни яратиб туради. Юклаш габарити қиёфаси чегарасини ташқарисига чиқадиган ногабарит юклар алоҳида (махсус) сафар тартибларига риоя қилиб ташилади. Юкларнинг ногабаритлиги ҳақида юклаш габаритини назорат қилувчи **электрон тизим** сигнал беради. Сигнал берувчи электрон тизимда, барча шароитларда юқори ишончлиликни таъминловчи, лазерли ва инфрақизил датчиклардан фойдаланилган. Бундан ташқари ЭХМ га электрон габарит довозасидан кириб келаётган сигналларни ундаги махсус дастур, юк ортилган ҳаракатдаги состав конструкция қисмларини ҳаракат пайтидаги чайқалишлардан рўй берадиган габаритдан тасодифий ташқарига чиқишини, аниқ ажратади. Ногабарит юкларни ва ногабаритлик даражасини аниқлашни ЭХМ амалда инсон иштирокисиз бажаради.

Станцияга кириб келаётган поезд составидаги юкли ва бўш вагонларни ҳолатини (вагон ва контейнер томининг бутунлигини, ёпиқ вагонларни устки юклаш туйнуклари қопқоқларининг ҳолатини, очиқ ҳаракатдаги составларга ортилган юкларнинг маҳкамлаш воситаларининг созлигини, ярим очиқ вагонларни кузовлари ички сиртлари ва қисмларини ва шунга ўхшаш тижорий ҳолатларни) **кўриқдан ўтказиш** учун станция бўғизида прожекторли ёритиш қурилмаси билан жиҳозланган **кузатиш минораси** ва нуқсонли вагонларни ёки юк қолдиқлари мавжуд вагонларни аниқлаб олиш учун **махсус қурилма** ўрнатилади. Бу мақсадлар учун, 40 км/соат тезликдаги объектдан қисқа масофада аниқ тасвирга олишни имкониятини берувчи такомиллаштирилган конструкциядаги теливизион камерали **саноат телевидениясидан** фойдаланиш мумкин.

Юк станцияларида **технологик жараёнларни бошқариш** учун телефон алоқасидан, поезд ва маневр радио алоқасидан, телеграф алоқасидан, паркларга ўрнатилган радиокарнайдан, диспетчерлик танлама алоқасидан, тарқатиладиган ва шакилланадиган поездларнинг хужжат пакетларини етказиб берувчи пневматик почтадан кенг фойдаланилади. Стрелкаларни ва сигналларни бошқариш, поезд ва маневр маршрутларини тайёрлаш учун **маршрутли – релейли марказлаштиришдан** (маршрутно – релейной централизации, қуйида **МРЦ** деб юритилади) фойдаланилади. Хозирда **МРЦ** янги электрон элементлар базасидан фойдаланиш ҳисобига такомиллаштирилмоқда ва **АСУГС** (автоматизированная система управления грузовой станцией – юк станцияларини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими) билан мувофиқлаштирилмоқда. **АСУГС** ни ишлаб чиқаришда қўллаш сабабли станциянинг асосий бошқариш

хизматчилари **автоматлаштирилган иш жойи** (автоматизированного рабочего место, куйида **АРМ** деб юритилади) воситаларига эга бўладилар.

Юк станциясида турар жой бинолари ва тўкилувчан, чангланувчан, кимёвий ва бошқа юклар сақлаш омборлари ўртасида санитар – ҳимоя зонаси мавжуд бўлиши керак.

#### **4. Юк ва тижорат ишларини концентрациялаш**

Темир йўл тармоғида йирик ва ўрта иш ҳажмили станциялар билан бир қаторда, умумий фойдаланиш жойларида юк ва тижорат ишларини бажариш учун очиқ бўлган **кам фаолиятли станциялар** ҳам мавжуд. Бу станцияларда юк ва тижорат ишларини бажариш темир йўл транспортининг комплекс техник воситаларидан самарали фойдаланиш имкониятини бермайди, ортиш – тушириш ишларини механизациялашга тўсқинлик қилади, ташиш жараёнининг ахборотлаштиришни қийинлаштиради, ортиқча эксплуатацион штат ушлаб туришни келтириб чиқаради, юк ва поезд ишларини бошқаришни қийинлаштиради. Кам фаолиятли станцияларга ортишга ва туширига вагонларни тарқатиб чиқиш катта харажатларни келтириб чиқаради. Шунинг учун **керакли қурилмалар ва ортиш – тушириш ишларини механизациялаш воситалари мавжуд бўлган кам сонли станцияларда юк ишларини концентрациялаш иқтисодий жиҳатдан фойдалидир.**

Юк ишларини концентрациялашни асосий йўналиши – юк ишлари бажариладиган **кам фаолиятли станцияларни** беркитиш ва таянч станцияларини барпо қилишдир. **Кам сонли станцияларда юк ишларини концентрациялаш ва таянч станцияларини барпо қилиш ташиш таннарҳини камайтириш имкониятини яратади, ортиш – тушириш ишларини комплекс механизациялаш даражасини ва ортиш – тушириш машина, механизм ва қурилмаларидан фойдаланиш самарадорлигини ҳамда темир йўлининг ўтказиш қобилиятини юксалтиради, темир йўл участкасида маҳаллий ишлар ҳажминини ва ҳаракатдаги составларни тўхтаб туришини камайтиради, юкларни етказиб беришни тезлаштиради, юк жўнатувчиларга ва юк олувчиларга хизмат кўрсатиш яхшиланади.** Шу билан бир қаторда кам фаолиятли станцияларни беркитиш ва таянч станцияларини барпо қилиш юкларни автотранспортда жўнатувчилардан ташиб келтиришда ва олувчиларга ташиб кетишда ташиш масофасини узайтиради, янги автомобиль йўллари қуриш ва юкларни ортиш - тушириш концентрация қилинган таянч станцияларини техник жиҳатдан ривожлантириш, омборлар қуриш ва темир йўллар ётқизиш, станцияни механизация ва автоматизация воситалари билан жиҳозлаш зарур бўлади. Бундан ташқари юк ишларини бир станциядан бошқасига ўтказиш айрим ҳолатларда темир

йўлида юкларни ташиш масофасини ўсиши билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатларни келтириб чиқаради.

Юк ишларини таянч станцияларида концентрациялаш билан боғлиқ қўшимча келтирилган харажатлар қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\Delta C = 0,01 \cdot \sum K_i \cdot (A_i + E) + C_a + C_{т.й}, \text{ сўм} \quad (6.1)$$

бу ерда  $K_i$  – ортиш – тушириш ишларини механизациялашга, омборлар қуришга, автомобиль йўллари, темир йўллари қуришга ва ҳ.к. ларга қўшимча капитал қуйилма, *сўм*;

$i$  – капитал харажатлар турлари сони  $i = 1, m$ ;

$A_i$  – иншоот, қурилма ва механизмлар амортизацияга йиллик чегирма фоизи;

$E$  – капитал қуйилмаларнинг самарадорлигини тармоқ меъёрий коэффиценти, %;

$C_a$  – автомобиль транспортида юкларни ташиш масофасини ўсиши билан боғлиқ қўшимча харажатлар, *сўм*;

$C_{т.й}$  – участкада темир йўл транспортида юкларни ташиш масофасини мумкин бўлган ўсиши билан боғлиқ қўшимча харажатлар, *сўм*;

Автомобиль транспортидаги қўшимча харажатлар қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$C_a = \sum Q_{a.k} \cdot \Delta \ell_{a.k} \cdot C_{a.k}, \text{ сўм} \quad (6.2)$$

бу ерда  $k$  – юк турларини сони  $k = 1, n$ ;

$Q_{a.k}$  – ҳар бир  $k$  турдаги юкни автотранспортда йиллик ташиш хажми, *т*;

$\Delta \ell_{a.k}$  – автомобиль транспортида  $k$  турдаги юкни қўшимча ташиш масофаси, *км*;

$C_{a.k}$  – автомобиль транспортида  $k$  турдаги юкни ташиш таннарҳи, *сўм/т·км*.

Автомобиль транспортида юк ташиш таннарҳида ёқилғи, мойлаш материаллари, техник хизмат кўрсатиш ва амортизация харажатлари, ўзгарувчан харажатлардан 10 % миқдорида йўл ташкил этувчисини (дорожную составляющую) ва автомобиллар ҳайдовчиларининг иш ҳақи инобатга олинади.

Агар юк ишларини таянч станцияларида концентрациялаш темир йўлида ташиш масофасини ўсишини келтириб чиқарса, бу билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатлар қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$C_{ж} = \sum Q_{ж.k} \cdot \Delta \ell_{ж.k} \cdot C_{ж.k}, \text{ сўм} \quad (6.3)$$

бу ерда  $Q_{ж.k}$  – ҳар бир  $k$  турдаги юк бўйича темир йўлида йиллик ташиш

ҳажми,  $m$ ;

$\Delta \ell_{a,k}$  – темир йўлида  $k$  турдаги юкни қўшимча ташиш масофаси,  $км$ ;

$C_{a,k}$  – темир йўлида  $k$  турдаги юкни ташиш таннарҳи,  $сўм/т \cdot км$ .

Кам фаолиятли станцияларни беркитишдаги иқтисодий самаранинг миқдори, таянч станцияларида юк ишларини концентрациялаш натижасида оралиқ станцияларида терма поездларни тўхтаб туришини қисқаради, ортиш ва туширишда вагонларга ишлов бериш жадаллашади, юкларни қайта ишлаш таннарҳи камайади, товар кассирлари ва қабул қилувчи топширувчилар ва ҳ.к. штати қисқаради, бундан ташқари терма поездларни шакиллаш, вагонларни юк фронтларига олиб кириб бериш ва олиб чиқиш бўйича маневр ишларига, йўлларни ва омборларни шай ва соз ҳолатини таъминлаш харажатлар камайади. Терма поездларни тўхташ жойилари сонини қисқарганида поездлар участка тезлиги ва темир йўл участкасини ўтказиш қобилитини ўсади. Бунда келтирилган харажатларнинг жамланган иқтисоди қуйдагиларни ташкил этади:

$$C_{\text{икт.}} = C_1 + C_2 + C_3 + C_4 + C_5, \text{ сўм} \quad (6.4)$$

Темир йўл участкасида терма поездларни тўхташ жойилари сонини қисқариши натижасидаги иқтисод:

$$C_1 = 365 \cdot n_{\text{сб}} \cdot t_{\text{тўх.}} \cdot (C_{\text{п.с}} + m_{\text{сос}} \cdot C_{\text{в.с}}) + C_{\text{к.и}} + C_{\text{ф}}, \text{ сўм} \quad (6.5)$$

бу ерда  $n_{\text{сб}}$  – бир сутка ичида участкадаги беркитиладиган станциядан ўтадиган терма поездлар сони;

$t_{\text{тўх.}}$  – участкадаги беркитиладиган станцияда терма поездни ўртача тўхтаб туриш вақти,  $соат$ ;

$C_{\text{п.с}}$  – терма поезднинг поезд – соат тўхтаб туришини келтирилган таннарҳи,  $сўм$ ;

$m_{\text{сос}}$  – поезднинг ўртача состави,  $ваг$ ;

$C_{\text{в.с}}$  – беркитиладиган станцияда терма поезднинг вагон – соат тўхтаб туришини таннарҳи,  $сўм$ ;

$C_{\text{к.и}}$  – терма поезднинг тезланишлари ва секинланишлар сонини қисқариши натижасида ёқилғи ёки электр энергияси харажатларидан қўшимча иқтисод,  $сўм$ ;

$C_{\text{ф}}$  – терма поездни шакллаш вақтини ва беркитиладиган станциядаги юк фронтларига вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш вақтини қисқаришидан иқтисод,  $сўм$ .

Ортиш – тушириш ишларини механизациялашдан иқтисод:

$$C_2 = \sum Q_k \cdot (C'_{\text{кон.}} + C''_{\text{кон.}}), \text{ сўм} \quad (6.6)$$

бу ерда  $Q_k$  – ҳар бир  $k$  турдаги юкни йиллик қайта ишлаш ҳажми,  $т$ ;

$C'_{\text{кон.}}$  – юк ишларини концентрациялашгача беркитиладиган станцияларида 1  $т$  юкни қайта ишлаш таннарҳи,  $сўм$ ;

$C''_{\text{кон.}}$  – юк ишларини концентрациялашдан сўнг таянч станцияларида 1 т юкни қайта ишлаш таннарҳи, сўм.

Таянч станцияларида юк ишларини концентрациялашгача юкларни қайта ишлаш таннарҳида, юк операцияларини бажаришда вагонларни ва автомобилларни тўхтаб туриши билан боғлиқ бўлган харажатларни инобатга олиш керак, қайсики улар таянч станцияларида юк ишларини концентрациялашганда ортиш – тушириш ишларини механизациялаш натижасида қисқаради.

Беркитиладиган станцияда ортиш – тушириш йўлларини шай ва соз ҳолатини таъминлаш бўйича харажатларни камайиши билан боғлиқ бўлган иқтисод:

$$C_3 = L_{\text{йўл}} \cdot C_{\text{йўл}}, \text{ сўм} \quad (6.7)$$

бу ерда  $L_{\text{йўл}}$  – ортиш – тушириш йўлларини умумий узунлиги, км;

$C_{\text{йўл}}$  – 1 км йўлни шай ва соз ҳолатини таъминлаш баҳоси, сўм.

Таянч станцияларида юк ишларини концентрациялашганида бўшайдиган қабул қилувчи топширувчилар, товар кассирлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг иш ҳақидан иқтисод  $C_4$  ни штат жадвали ва бўшайдиган хизматчилар сонидан келиб чиқиб аниқланади.

Беркитиладиган станцияда омборларни ва автойўлакларни шай ва соз ҳолатини таъминлаш харажатларни камайишидан иқтисод:

$$C_5 = \sum F_{\text{ом.к}} \cdot C_{\text{ом.к}} + F_a \cdot C_a, \text{ сўм} \quad (6.8)$$

бу ерда  $F_{\text{ом.к}}$  – к турдаги юк учун беркитиладиган омбор майдони,  $m^2$ ;

$C_{\text{ом.к}}$  – омборни шай ва соз ҳолатини таъминлашни солиштирма баҳоси,  $\text{сўм}/m^2$ ;

$F_a$  – беркитиладиган станциялардаги автойўлакларни умумий майдони,  $m^2$ ;

$C_a$  – автойўлакларни шай ва соз ҳолатини таъминлашни солиштирма баҳоси,  $\text{сўм}/m$ .

Бундан ташқари терма поездни темир йўл участкасида ҳаракатланишни тезлашиши, таянч станциясида юк операцияларини давомийлигини қисқариши натижасида ғилдиракдаги юк массаси камайди ва буни ҳисобидан қўшимча иқтисодий самара олиш мумкин.

Кам фаолиятли станцияларни беркитиш қуйидаги шарт,

$$C_{\text{икт.}} \geq \Delta C \quad (6.9)$$

бажарилса мақсадга мувофиқ бўлади.

## 5. Йирик узелларда юк станцияларини ихтисослаштириш

Темир йўл транспортида юк ишларини ташкил этишнинг илғор ва иқтисодий самарали усулига йирик темир йўл узелида юкларни тури бўйича юк станцияларини ихтисослаштириш масуб бўлади. Станцияларни ихтисослаштириш уларни қайта ишлаш қобилиятини ошириш, омбор майдонларига бўлган эҳтиёжни қисқартириш, темир йўлининг воситаларида ортиш – тушириш ишларини тўлиқ механизациялаш, юк операцияларини бажаришда вагонларни тўхтаб туришини қисқартириш, юкларни жўнатувчиларига ва олувчиларига транспорт – экспедиция хизмати кўрсатишни ташкил этиш ва юкларни марказлаштирилган ташиб келтириш ва ташиб кетиш, компьютерлардан фойдаланиб юк ва тижорат операцияларини автоматизациялаш учун шароит яратиш имкониятини беради. Амалиётда йирик узелларда юк станцияларини ихтисослаштириш оммовий юкларни (тош кўмир, минераль қурилиш ва ўрмон материаллари, металллар, цемент ва ҳ.к.) тушириш учун ихтисослаштирилган базалар, контейнер терминаллари, идишли – донали, оғир вазинли ва бошқа юкларни қайта ишлаш бўйича йирик механизациялашган комплекслар яратишда ўз ифодасини топади.

Ихтисослаштирилган базалар кўпинча оммавий юкларни тушириш учун мўлжалланган. Уларни sanoat районларида ортиш – тушириш ишларини механизациялаш воситаларидан фойдаланиш нуқтаий назаридан бир жинсли юклар (хом ашё, материаллар, ёқилғи ва бошқалар) ни олувчи sanoat корхоналари гуруҳига хизмат кўрсатиш учун ташкил этилади. Юк станцияларини узелда ихтисослаштиришни энг афзал варианты техника – иқтисодий ҳисоблар асосида аниқланади. **4-сонли Тариф йўриқномасини 2-китобида** темир йўл узелларидаги **ихтисослаштирилган станциялар** рўйхати келтирилган.

## 6. Юк станцияси ишини бошқариш ва оператив раҳбарлик

Юк станциялари темир йўлини юкларни ташишни ташкил этиш бўйича линиялардаги корхоналари ҳисобланади ва бевосита темир йўл минтақавий бўлинмасига бўйинсунади. Станция ишига раҳбарликни темир йўл станцияси бошлиғи (ДС) амалга оширади. **Станцияси бошлиғига**, “Темир йўл станцияси ҳақидаги Низом” да юклатилган вазифаларни бажариш бўйича, тўлиқ жавобгарлик юклатилади.

Станция эксплуатацион ишига раҳбарликни, суткалик ва сменалик режани бажариш учун назоратни, поездларни ва вагонларни технологик жараёнлар бўйича қайта ишлашни **станция бошлиғи** ва унинг **оператив ишлар бўйича ўринбосари** амалга оширадilar. Станция бўйича юк ва тижорат ишларини станция бошлиғининг **юк ишлари бўйича ўринбосари** бошқаради. Умумий фойдаланиш жойларида юк ва тижорат операцияларини бажаришни бошқариш ва назорат қилиш **юк райони**

**бошлиғига**, контейнер майдонида – **контейнер майдони мудирига**, товар идорасида – **товар идораси бошлиғига**, оморларда – **пакгауз** (ихчам омбор) **мудирига**, саралаш платформасида – **саралаш платформаси мудирига** юклатилади. Станция ишининг технологик жараёнларини, меҳнатнинг илғор усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишни, техник воситалар ва қурилмалардан самарали фойдаланиш бўйича тадбирларни амалга оширишни, поездлар ҳаракат хавфсизлигини ва техника хавфсизлигини таъминлашни ҳамда станция ишини таҳлил қилишни **станция инженери** ва **станция инженер – технологи** амалга оширади.

Станцияни ишини оператив бошқариш, суткалик ва сменалик режани бажаришни назорат қилиш, юк ва тижорат ишларини ташкил этиш, поездлар ва вагонларни қайта ишлаш станция бошлиғини ўринбосарига ва смена командирлари – маневр диспетчерига ва станция навбатчисига юклатилган. 6.2-расмда юк станцияси ишини оператив бошқаришни тахминий тузилмаси келтирилган.


**Маневр диспетчери (ДСЦ)** станция ишини оператив режалашни ва бошқаришни амалга оширади, смена режасини бажарилиши таъминлайди, составларни ва вагонларни қайта ишлаш технологик меъёрларини бажарилишини назорат қилади.

**Станция бўйича навбатчи (ДСП)** бевосита поездларни станцияга қабул қилиш, тарқатиш, шакллаш ва поездларни станциядан жўнатишга раҳбарлик қилади.

**Товар идораси мудир** юкларни ташиш буюртманомаларини ва шартномаларини бажарилишини, юк ташиш хужжатларини расмийлаштиришни, юк жўнатувчилар ва юк олувчилар билан ҳисоб – китобларни, белгиланган шаклдаги ҳисобот юритилишини назорат қилишни амалга оширади.

**Юк районини (саройини) бошлиғи** умумий фойдаланиш жойларида юк ишлари бўйича ортиш режасини таъминлайди, ортиш – тушириш жойларига ўз вақтида вагонларни олиб кириб бериш ва жойлаштиришни назоратини амалга оширади, ортиш – тушириш ишларини бажарилишини ташкил этади.

Темир йўл шохобча йўлларида юкларни ортиш – тушириш режасини бажарилишини **юк иши бўйича диспетчер** амалга оширади. Асосий юк ва тижорат операцияларини бажариш юкларни қабул қилувчи топширувчиларга, товар кассирларига, катта товар кассирларига, тижорат агентларига ва бошқаларга юклатилади. Юк ва тижорат операциялари учун муайян станцияда юкларни қабул қилувчи топширувчилар, товар кассирлари, катта товар кассирлари, тижорат агентлари ва бошқалар хизматчилар сони **темир йўл станцияларида юкларни қабул қилувчи топширувчилар ва поезд қабул қилувчилар сонининг Меъёрлари** ва станция товар идораси хизматчилари сонининг Меъёрлари асосида белгиланади.



6.2-расм. Юк станцияси ишини оператив бошқаришни тахминий тузилмаси

## 7. Юкларни қабул қилувчи топширувчи ва товар кассирларини асосий вазифалари

Юк ва тижорат ишлари хўжалигида юкларни қабул қилувчи топширувчи ва товар кассири асосий ва энг оммавий касб ҳисобланади. Улар ташиш жараёнининг бошланғич ва сўнги босқичларида темир йўлининг юк жўнатувчилар ва юк олувчилар билан ўзаро муносабатларида бевосита қатнашадилар. Юкни ўз вақтида ва асраб етказиб беришни



таъминлаш, юкларни ташишга ва кўрсатилган хизматларга тегишли ҳақларни ўз вақтидага ва тўлиқ ундириш, юк ва тижорат операцияларини автоматизациялаш, юк операцияларида вагонларни тўхтаб туриши меъёрларини бажариш, ҳаракатдаги составдан самарали фойдаланиш, техника хавфсизлиги ва поездлар ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, ташиш кира ҳақлари ва йиғимлари ҳисоблари аниқлигини таъминлаш, темир йўл транспорти хизматидан фойдаланишга юк жўнатувчиларни ва юк олувчиларни жалб этиш кўпинча қабул қилувчи топширувчи ва товар кассири ўз вазифасини аниқ ва сифатли бажаришига боғлиқ бўлади.

**Қабул қилувчи топширувчига:** темир йўлида ташиладиган юкларни қабул қилиш, тортиш, ортиш, саралаш, қайта юклаш, тушириш, сақлаш ва топшириш; юкларни портдан (га), автотранспортдан (га) қабул қилиш ва топшириш, юк жўнатувчилар (олувчилар) нинг ёки портнинг воситаларида ортишга ёки туширишга олиб кириб бериладиган юкли ёки бўш вагон ва контейнерларини тижорий муносибатда топшириш ва қабул қилиш; тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ва бу операциялар бўйича белгиланган ҳисоботларни юритиш; темир йўл шохобча йўлларида ёки ортиш – тушириш операцияларида вагонларни бўлган вақтларини ҳисоб қилиш, компьютерга амалга оширилган операциялар ҳақида ахборот киритиш каби асосий юк ва тижорат операцияларини бажариш юклатилган.

Станция ишининг ўзига хослиги ва маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда қабул қилувчи топширувчига бошқа тижорий операцияларни бажариш: поезд ва вагонларни тижорий кўриги, ҳужжатсиз юкларни расмийлаштириш, тижорат актларини, асралмаган ташишлар бўйича суруштрув материалларини тузиш ва кўриб чиқиш, улар бўйича таклифлар тайёрлаш ҳам юклатилиши мумкин.

Юкни қабул қилувчи топширувчининг умумий фойдаланиш жойларида темир йўлининг воситаларида юкларни ортиш ва туширишдаги, тўғри аралаш темир йўли – сув қатновларида ва портлар орқали экспорт – импорт юкларини ташишлардаги, навбатчиликни қабул қилишдаги, умумий фойдаланиш жойларидан ортиладиган юкларни ва юк жўнатувчининг воситасида ортилган вагонларни ташишга қабул қилишдаги, юк олувчининг воситасида юкларни туширишдаги, асралмаган юклар анилангандаги, вазин ўлчаш асбобларига хизмат кўрсатишдаги аниқ мажбуриятлари **юкни қабул қилувчи топширувчининг Мансаб йўриқномасида** белгиланган. Ҳар бир қабул қилувчи топширувчи бажарадиган ишларнинг тури ҳамда у хизмат кўрсатадиган участка станциянинг ишининг технологик жараёнларини ва техника – тақсимот акти (техническо – распорядительных актов, ТРА) ларини ишлаб чиқишда тузиладиган **йўриқнома – технологик карталарда** белгиланади. Қабул қилувчи топширувчи **Мансаб инструкцияси меъёрий ҳужжатларида**

назарда тутилган барча билимларни ўрганиб ва имтиҳон топширганидан сўнг вазифасини бажаришга рухсат берилади.

**Товар кассирлари** кўп сонли юк жўнатувчилар ва юк олувчиларга бевосита хизмат кўрсатади, ҳам бутун станция бўйича ва ҳам ҳар бир юк жўнатувчи бўйича алоҳида юкларни ташишга қабул қилинган буюртманомаларни бажаришда қатнашади.

**Товар кассирига:** юк жўнатувчилардан юкларни ташишга қабул қилинган буюртманомаларни ҳисоб қилиш, жўнатиладиган ва етиб келган юкларга ташиш ҳужжатларини расмийлаштириш, ташиш кира ҳақларини, йиғимларни ва вагонларни ҳамда контейнерларни тўхтаб туриши учун жарималарни ҳисоблаш, юк жўнатувчилар ва юк олувчилар билан ҳисоб китоб қилиш, нақд пулларни қабул қилиш, ортилган вагонлар ҳақида ҳисоботларни тузиш, станция технологик маркази (СТЦ) га ва **минтақавий темир йўл бўлинмасининг ташиш ҳужжатларини ишлаш бўйича технологик маркази** (технологические центры по обработке перевозочных документов региональный подразделение железной дороги – ТехПД) га топшириш учун ҳужжатларни танлаб олиш, божхона расмийлаштирувини текшириш, юкларни қайта адреслашни расмийлаштириш каби юк ва тижорат операцияларини бажариш юклатилган.

Товар кассири жиддий ҳисоботли ишқоғозларни (бланки строгой отчетности) сейфда сақлайди, улардан фойдаланганлик ҳақида ҳисобот тузади, Тариф қўлланмасига, юкларни ташиш Қоидаларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга темир йўл транспортида ташиш қоидалари ва тарифлар Тўпламига ва Россия ТЙВ дан етиб келган телеграммаларга мувофиқ ўзгартиришлар киритади.

Товар кассири мансабига 18 ёшдан кам бўлмаган, барча меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган билимлардан таъмил олган ва имтиҳон топширган шахс тайинланади.

## **Назорат саволлари**

1. Иш характериға мувофиқ қандай станциялар мавжуд эмас?
2. Бажариладиган операцияларнинг характери бўйича қайси турдаги юк станцияси мавжуд эмас?
3. Бажариладиган операцияларнинг характери бўйича қайси турдаги юк станцияси мавжуд эмас?
4. Юк ва тижорат операциялари бажариладиган станцияларни темир йўл амалиётида қандай деб аталади?
5. Темир йўл транспортида юкларни ортиш ва тушириш қаерда бажарилади?
6. Ортиш, тушириш, қайта юклаш станцияларда бажариладиган қайси операциялари мансуб бўлади?
7. Саралаш, сақлаш, юкларни массасини аниқлаш учун омбор ичида юкларни ташиш станцияларда бажариладиган қайси операциялари мансуб бўлади?
8. Юкларни ташишга қабул қилиш, тортиш, юкларни топшириш, ташиш ҳужжатларини расмийлаштириш станцияларда бажариладиган қайси операциялари мансуб бўлади?

9. Юк жўнатувчиларни ва юк олувчиларни вагонларни яқинлашишиб келиши, етиб келиши ва ортиш – тушириш жойларига олиб кириб бериш ҳақида хабар бериш станцияларда бажариладиган қайси операциялари мансуб бўлади?
10. Йўқолган ва етиб келмаган юкларни қидириш, молия ва касса ҳисоботи, ташиш кира ҳақларини аниқлаш, жўнатувчилар ва олувчилар билан ҳисоб – китоб қилиш станцияларда бажариладиган қайси операциялари мансуб бўлади?
11. Ҳаракат графиги бўйича поездларни станцияга қабул қилиш ва станциядан ўтказиб юбориш, етиб келиш бўйича составларга ишлов бериш, составларни тарқатиш станцияларда бажариладиган қайси операциялари мансуб бўлади?
12. Юк фронтлари бўйича составларни йиғиш, юк фронтларига вагонларни олиб кириб бериш, вагонларни бир юк фронтдан бошқасига ўрнини алмаштириш, юк фронтларидан вагонларни олиб чиқиш станцияларда бажариладиган қайси операциялари мансуб бўлади?
13. Йўналишлар бўйича составларни йиғиш, составларни шакиллаш, поездларга техник хизмат кўрсатиш, жўнатиш бўйича поездларга ишлов бериш, станциядан поездларни жўнатиш станцияларда бажариладиган қайси операциялари мансуб бўлади?
14. Станцияларни рўйхати ва уларда ташиш билан боғлиқ бўлган операцияларни бажариш турлари қайси меъёрий ҳужжатда нашр қилинади?
15. Юк станцияларининг техник воситалари юк ва тижорат ва у билан боғлиқ бўлган техник операцияларини ..... тез ва соз бажаришни таъминлаши керак.
16. Поезд ҳужжатларини расмийлаштириш ва ишлаш қаерда амалга оширилади?
17. Поездлар, вагонлар ва юкларни яқинлашишиб келиши ҳақида ҳар томонлама информацияларни тўплаш, юк станцияси ишини оператив режалаш учун маълумотларни тайёрлаш қаерда амалга оширилади?
18. Очиқ ҳаракатдаги состав (платформа, ярим очиқ вагон) ларга ортилган юкларни габаритлигини текшириш учун ортиш йўлининг чиқаверишида ..... ўрнатилади.
19. Станцияга кириб келаётган поезд составидаги юкли ва бўш вагонларни ҳолатини кўриқдан ўтказиш учун станция бўғизида прожекторли ёритиш қурилмаси билан жиҳозланган ..... ўрнатилади.
20. Кам фаолиятли станцияларда юк ва тижорат ишларини бажариш темир йўл транспортининг ..... самарали фойдаланиш имкониятини бермайди.
21. Юк ишларини концентрациялашни асосий йўналиши – юк ишлари бажариладиган кам фаолиятли станцияларни беркитиш ва ..... барпо қилишдир.
22. Юк ишларини концентрациялашни асосий йўналиши – юк ишлари бажариладиган ..... беркитиш ва таянч станцияларини барпо қилишдир.
23. Кам сонли станцияларда юк ишларини концентрациялаш ва таянч станцияларини барпо қилиш қандай имкониятини яратади?
24. Кам сонли станцияларда юк ишларини концентрациялаш ва таянч станцияларини барпо қилиш нимани юксалтиради?
25. Кам сонли станцияларда юк ишларини концентрациялаш ва таянч станцияларини барпо қилиш нимани юксалтиради?
26. Кам сонли станцияларда юк ишларини концентрациялаш ва таянч станцияларини барпо қилиш нимани камайтиради?
27. Кам сонли станцияларда юк ишларини концентрациялаш ва таянч станцияларини барпо қилиш нимани камайтиради?
28. Кам сонли станцияларда юк ишларини концентрациялаш ва таянч станцияларини барпо қилиш қандай ижобий оқибатларни келтириб чиқаради?

29. .... станция ишини оператив режалашни ва бошқаришни амалга оширади, смена режасини бажарилиши таъминлайди, составларни ва вагонларни қайта ишлаш технологик меъёрларини бажарилишини назорат қилади.
30. .... бевосита поездларни станцияга қабул қилиш, тарқатиш, шакллаш ва поездларни станциядан жўнатишга раҳбарлик қилади.
31. .... юкларни ташиш буюртманомаларини ва шартномаларини бажарилишини, юк ташиш ҳужжатларини расмийлаштиришни, юк жўнатувчилар ва юк олувчилар билан ҳисоб – китобларни, белгиланган шаклдаги ҳисобот юритилишини назорат қилишни амалга оширади.
32. .... умумий фойдаланиш жойларида юк ишлари бўйича ортиш режасини таъминлайди, ортиш – тушириш жойларига ўз вақтида вагонларни олиб кириб бериш ва жойлаштиришни назоратини амалга оширади, ортиш – тушириш ишларини бажарилишини ташкил этади.
33. Юкларни қабул қилиш, тортиш, ортиш, саралаш, қайта юклаш, тушириш, сақлаш ва топшириш операцияларини бажариш станцияда кимга юклатилган?
34. Юк жўнатувчилар (олувчилар) нинг воситаларида ортишга ёки туширишга олиб кириб бериладиган юкли ёки бўш вагон ва контейнерларини тижорий муносибатда топшириш ва қабул қилиш операцияларини бажариш станцияда кимга юклатилган?
35. Темир йўл шохобча йўлларида ёки ортиш – тушириш операцияларида вагонларни бўлган вақтларини ҳисоб қилиш операцияларини бажариш станцияда кимга юклатилган?
36. Юк жўнатувчилардан юкларни ташишга қабул қилинган буюртманомаларни ҳисоб қилиш операцияларини бажариш станцияда кимга юклатилган?
37. Жўнатиладиган ва етиб келган юкларга ташиш ҳужжатларини расмийлаштириш операцияларини бажариш станцияда кимга юклатилган?
38. Ташиш кира ҳақларини, йиғимларни ва вагонларни ҳамда контейнерларни тўхтаб туриши учун жарималарни ҳисоблаш операцияларини бажариш станцияда кимга юклатилган?
39. Юк жўнатувчилар ва юк олувчилар билан ҳисоб китоб қилиш, нақд пулларни қабул қилиш, ортилган вагонлар ҳақида ҳисоботларни тузиш операцияларини бажариш станцияда кимга юклатилган?
40. Божхона расмийлаштирувини текшириш ва юкларни қайта адреслашни расмийлаштириш операцияларини бажариш станцияда кимга юклатилган?

## **7- маъруза. Темир йўл станцияларининг юк ва тижорат ишлари хўжалигининг техник жиҳозланиши**

### **Режа:**

- 1. Юк районларининг вазифалари, таснифи ва техник жиҳозланиши.**
- 2. Темир йўл омборларининг вазифалари ва таснифи.**
- 3. Махсус ортиш – тушириш қурилмалари.**
- 4. Станция товар идорасининг вазифалари ва жиҳозлари.**
- 5. Темир йўл минтақавий бўлинмасининг ташиш хужжатларини ишлаш бўйича технологик маркази (ТехПД).**

### **1. Юк районларининг вазифалари, таснифи ва техник жиҳозланиши.**

Юк ташиш жараёнининг дастлабки ва сўнги операцияларини бажариш ва **йўл сафарид**а юкларга хизмат кўрсатиш учун темир йўли юк хўжалиги иншоотларга ва қурилмаларига эга бўлади. Темир йўл Уставининг 11-бандида юкларни ташиш ва юк операцияларини бажариш учун темир йўл станциялари ўзларининг ихтисослаштирилишига мувофиқ лозим даражада жиҳозланган **иншоотларга ва қурилмаларга** эга бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган. Бундай иншоотлар ва қурилмалар станцияларнинг юк районларида барпо этилади. Станциянинг **юк район** (сарой) лари ва **темир йўл шохобча йўллари** ортиш – тушириш машиналари ва комплекслари, қайта юклаш қурилмалари (кўтарилган йўл, тушириш ва бункер эстакадалари) ёрдамчи қурилмалар ва мосламалари (зарядлаш агрегатлари, тўйнуқ қопқоғини кўтаргичлар, вагонларни юк қолдиқларидан тозалаш машиналари) билан жиҳозланади ва керакли инвентарлар билан таъминланади. Йирик юк станцияларида контейнер терминаллари, идиш – ўровли ва донали, оғир вазинли, сочилувчан ва тўкилувчан юклар учун ихтисослаштирилган омборлар ва базалар, майда жўнатмаларда ташиладиган юкларни саралаш учун платформалар қурилади.

*Темир йўл станцияларининг юк хўжалиги ҳамда темир йўл вагонларига юк ортиш ва тушириш билан шугилланувчи темир йўл корхоналарининг барча иншоот ва қурилмалари ўзининг қуввати ва ўтказиш қобилияти бўйича белгиланган ҳажимдаги юкларни ташишни бажаришни, уларни тўлиқ асрашни, ҳаракатдаги составга ўз вақтида ишлов беришни, юкларни ортиш ва тушириш бўйича операцияларни белгиланган муддатларда бажаришни таъминлаши кераклиги Уставнинг 11-бандида белгилаб қўйилган.*

Йирик маъмурий – саноат марказларида, денгиз ва дарё портларида ҳамда юк оқимларини оммовий пайдо бўлувчи ва сўнувчи пунктларида юк станциялари қурилади. Юк станциялари қабул қилувчи – жўнатувчи, саралаш, тортиш, чиқариб қўйиладиган йўллардан иборат бўлиб, унга юк

районлари ва темир йўл шохобча йўллари келиб турашади. Унда станция технологик маркази, станция навбатчиси ва маневр диспетчери, тижорий ва техник кўрик бинолари жойлашган бўлади.

Йирик иш ҳажмили юк станцияларида **юк районлари** (сарой) қурилади. **Юк райони** – комплекс техник воситалар ва қурилмалар билан жиҳозланган темир йўл станциясининг худуди бўлиб, ортиш – тушириш ишларини, тижорат операцияларини ва юкларни саралаш ва сақлаш учун мўлжалланган. Юк районлари – бу **умумий фойдаланиш жойлари** бўлиб, унда кўп сонли юк жўнатувчиларга, юк олувчиларга ҳамда темир йўл транспорти хизматидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатилади.

**Юк райони** ортиш – тушириш, чиқариб қўйиладиган ва бирлаштириш йўлларга, юк қурилмаларига, омборларига, майдонларига, ортиш – тушириш машина ва механизмларига, вагон тарозисига, габарит дорвозасига, маъмурий хизмат – техник биносига, автоматизациялаш ва алоқа воситаларига, ёритиш, электр ва сув таъминоти, канализация қурилмалари ҳамда юк ва тижорат операцияларини бажариш учун керакли асбоб – ускуналар, жиҳозларга эга бўлиши керак.

**Юк райони худудида** қайта ишланадиган юкларни турига, юк ишларини миқдорига ва характериға мувофиқ идиш – ўровли ва донали, оғир вазинли, сочилувчан ва тўкилувчан юклар, контейнерлар, ўрмон материаллари, металллар, минерал – қурилиш материаллари учун омборлар ва майдонлар, вагонлардан автотранспортларга (тўғри вариант бўйича) юкларни қайта ортиш ва аксинча ортиш учун майдонлар, ғилдиракли ва ўзи юрар техникалар учун платформалар, товар идораси, санитар – маиший ва бошқа ёрдамчи бинолар ва хоналар, электр юклагичлар учун зарядлаш пункти, таъмирлаш устахонаси, автомобиллар учун гараж, ёқилғи ва мойлаш материаллари омбори жойлашиши мумкин.

Юк районини темир йўл станциясида жойлашиши яқин атрофдаги аҳоли пунктлари, саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари билан қулай қатновларни; транспорт воситаларини омборларга ва майдонларга темир йўлларни энг кам кесишишлар билан осонликча ўтиб боришини; юк райони худудида транспорт ваоситаларини тўхтаб туришини ҳамда унинг худудига кираверишида кутиб туришини қулайлигини; санитария меъёрларини бажарилишини таъминлаши керак.

Юк районини ободонлаштирига катта эътибор қаратилади. Унинг худуди барча томонидан деворлар ёки панжаралар билан тўсилиши, тўсиқларнинг ҳамма периметри бўйича муҳофаза сигнали, ёнғинга қарши ва ёритиш воситаси билан жиҳозланиши керак. Юк райони дорвозаси кириш – чиқиш назорат пункти жойлаштирилади.

Юк айланмасининг тузилмасига мувофиқ юк районлари – **универсал** ва **ихтисослаштирилган** турларга бўлинадилар. Универсал юк районларида турли номеклатурадаги юклар билан ортиш – тушириш,

саралаш ишлари бажарилади, ихтисослаштирилган юк районларида эса чекланган номеклатурадаги юклар билан ортиш – тушириш, саралаш ишлари бажарилади.

Йўллари ривожланиш чизмасига мувофиқ юк районлари – **берк** ва **ўткинчи** турларга бўлинадилар. Берк турдаги юк районлари энг кенг тарқалган бўлиб, улар ўткинчи юк районларига нисбатан муайян техника – иктисодий афзалликларга эга. Берк юк районларида автотранспортлар ҳар бир омбор ва майдонларга темир йўлини кесишмай етиб боради, автйўлаклар охирида автомобилларни бурилиши учун радиуси 15 метрдан кам бўлмаган ҳалқа шаклидаги майдонлар назарда тутилади. Автомобилларни тўхтаб туриши учун юк районига кираверишида махсус майдон, юк райони худудида эса кечаси автомобилларни ва уларни тиркамаларни тўхтаб туриши учун майдон назарда тутилади. Юк райони омборлари, майдонлари ва йўлаклар сиртидан оқиб чиққан ёмғир ва қор сувларни четлатиш мақсадида оқава ариқчалари ва сувни четлатиш иншоотлари назарда тутилади.

Юк районлари оператив, технологик ва ахборот алоқаси (телефон, телетайп, кўчма радио станция, мобиль телефонлар) қурилмалари билан жиҳозланади. Катта иш ҳажмили юк районларида технологик жараёнларни юқори даражада маҳанизациялашни ва автоматизациялашни инобатга олиб лойиҳаланади ва улар **транспорт – омбор комплекслари** даб аталади.


## **2. Темир йўл омборларининг вазифалари ва таснифи**

*Темир йўл станцияларини **рельс ёни омборлари** юкларни ташишга қабул қилиш ва вагонларга ортиш ҳамда вагонлардан тушириш ва юк олувчиларнинг омборларига ташиб кетиш ўртасидаги даврда уларни қисқа вақт сақлаш учун мўлжалланган.* Бундан ташқари юк жўнатувчилардан юкларни қабул қилиб олиш ва юк олувчиларга юкларни топшириш, юкларни саралаш, майда жўнатмаларни вагонларга йўналишлар бўйича танлаб олиш ва бошқа ишлар ҳам **рельс ёни омборлари** да бажарилади.

Сақладиган юкларнинг турига мувофиқ омборлар **махсус** ва **универсал** турларга бўлинадилар. Махсус омборларда алоҳида сақлаш шартларини талаб қилувчи бир номдаги юклар сақланади, масалан цемент сақлаш учун силос омборлари. Универсал омборлар бир – бирига зарарли таъсир қилмайдиган ҳар турли номдаги юкларни сақлаш учун мўлжалланган.

Сақлаш шарт – шароитлари ва конструкцияси бўйича омборлар: **ёпиқ омборлар**, **ёпиқ** ва **очиқ платформалар** ва **майдонларга** бўлинадилар. Қимматбаҳо ва атмосфера таъсиридан хавфланувчи, ёпиқ вагонларда ташиладиган идиш – ўровли ва донали юклар **бир қаватли ёпиқ омборларда** сақланади. Бир қаватли ёпиқ омборлада ортиш -

тушириш темир йўллари омборнинг ташқарисида (7.1-расм) ёки ичида жойлашган бўлиши мумкин, автойўлаклар эса омбор ташқарисида жойлашган бўлади. Бир қаватли ёпиқ омборларда ортиш – тушириш ишларни механизациялаш учун кичик габаритли вилкали механик – электр ёки дизель юклагичлар, ясси, синчли ёки яшикли тагликлар билан биргаликда фойдаланилади. Ёпиқ омборлар ёнғин ва муҳофаза сигнали қурилмалари, ёнғинга қарши ва ёритиш воситаси билан жиҳозланиши керак.



**7.1 - расм. Пролёти 18 м ли ёпиқ омбор:**



а – умумий кўриниши; б – кўндаланг кесими. 1-кичик габаритли механик юклагич; 2-юк пакети; 3-омбор рампаси; 4-темир йўли; 5-ёпиқ вагон; 6-автойўлак.

Атмосфера ёнғингарчиликларидан ҳимоя қилишни талаб қилувчи, аммо ҳарорат ўзгаришидан ва шамолдан хавфланмайдиган арзон баҳоли юклар эса **ёпиқ юк платформаларида** сақланади (7.2-расм).


Ичкарасига ортиш – тушириш темир йўли киритилган бир қаватли ёпиқ омборлар бир пролетли (эни 18, 24, 30 ва 36 м), икки пролетли (30 м + 30 м) ва уч пролетли (24 м + 30 м + 24 м) қилиб қурилади. 7.3-расмда ичкарасида ортиш – тушириш темир йўли ва ташқарисида автойўлак жойлашган бир пролетли ёпиқ омборнинг кўндаланг кесимини чизмаси кўрсатилган.



Атмосфера ёғингарчиликларидан ва ҳарорат ўзгаришидан хавфланмайдиган, платформа ёки ярим очик вагонларда ташиладиган ғилдиракли ва ўзи юрар техникаларни ортиш, тушириш ва сақлаш учун **очик юк платформаларидан** фойдаланилади. Очик юк платформаларда ортиш – тушириш ишлари унинг ёнидан ёки этак томонидан амалга оширилиши мумкин.




**7.2 - расм. Тишсимон рампали ёпиқ юк платформаси:**  
а – умумий кўриниши; б – тархи



**7.3-расм. Ичкарасида темир йўли ва ташқарисида автойўлак жойлашган ёпиқ омбор (1ГС) нинг кўндаланг чизмаси**  
1-кичик габаритли механик юклагич; 2-юк пакети; 3-омбор рампаси; 4-темир йўли; 5-ёпиқ вагон; 6-автойўлак; 7-ёпиқ вагон эшигини тамбалаш учун кўтарилган йўлакча.

Контейнерларни, оғир вазинли, узун бўйли, ўрмон ва тўкилувчан юкларни ортиш, тушириш ва сақлаш учун **очиқ майдонлардан** фойдаланилади. Очиқ майдонларда ортиш – тушириш ишларини механизациялаш учун **икки консолли чор пояли ёки кўприкли кранлардан** фойдаланилади. Ўрта тоннажли контейнерларни қайта ишлаш (ортиш – тушириш ва саралаш) учун очиқ майдонлар КК-6 русумли икки консоли чор пояли кранлар билан жиҳозланади. Бу кранларда ўрта тоннажли контейнерларни автоматик тарзда илиб олиш ва бўшатиш учун ЦНИИ МПС – ХИИТ конструкциясидаги автоилгакдан фойдаланилади. 7.4-расмда КК-6 русумли икки консоли чор пояли кранлар билан жиҳозланган очиқ майдоннинг кўндаланг кесимини чизмаси кўрсатилган. 7.5-расмда эса ЦНИИ МПС – ХИИТ конструкциясидаги автоилгак кўрсатилган. Автоилгак нотўғри илинган контейнерни кўтаришни истисно этувчи автоматик муҳосаралаш (блокировка) қурилмаси билан жиҳозланган. Шунингдек контейнер юқорига кўтарилгандан кейин автоилгакдан контейнерни узиш ҳам умуман истисно этилади. Вертикал ўқ атрофида автоилгакда осилиб турган контейнерни айлантириш учун эгилувчан осма арқонли, айланма ва маятникли тебранишларни сўндирувчи гидравлик сўндиргич (демпфер) ли айланадиган универсал каллакдан фойдаланилади.




**7.4-расм. КК-6 русумли икки консоли чор пояли кранлар билан жиҳозланган очиқ майдоннинг кўндаланг кесимини чизмаси**

Ёпиқ омборларнинг, ёпиқ ва очиқ платформаларнинг ва майдонларнинг ўлчамлари сақланадиган юкларнинг миқдорига ва турига, сақлаш муддатига, юклар билан бажариладиган операцияларнинг турига ва улада фойдаланиладиган механизация воситаларига мувофиқ лойиҳаларда белгиланади.

Катта тоннажли контейнерларнинг қайта ишлаш (ортиш – тушириш ва саралаш) пунктлари пролети 25 ва 32 м, спредерда юк кўтариши 24,0 ва 30,5 т бўлган икки консоли чор пояли кранлар билан жиҳозланади.

Контейнер майдонининг узунлиги унинг сифимига мувофиқ белгиланади. Очiq майдонда носоз контейнерларни жойлаштириш ва уларни таъмирлаш учун контейнер майдонининг этагида алоҳида жой назарда тутилади.



### 7.5. ЦНИИ МПС-ХИИТ автоилгаги

Темир йўл омборлари муайян ҳажимдаги ташишни бажаришни, юкларни асрашни, ҳаракатдаги составларга ўз вақтида ишлов беришни, ортиш – тушириш ишларида механизация ва комплекс механизациялашни қўллашни, пакетларда ташиладиган юкларни қайта ишлашни, автомобиль ва темир йўлларга нисбатан қулай жойлашишни, тўғри (автомобиль – вагон ёки вагон - автомобиль) вариантда юкларни қайта ишлашни ҳамда кам харажатлар билан юкларни қайта ишлаш (ортиш – тушириш ва саралаш) ни таъминлаши керак.


Омборларни куришда ва омбор ишларини ташкил этишда ёнфинга қарши хавфсизлик, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилиш керак.

### 3. Махсус ортиш – тушириш қурилмалари

Уставнинг 11-бандида айрим юкларни ташиш бўйича йирик ҳажимдаги операциялар бажарадиган темир йўл станциялари ва темир йўл корхоналари бу юкларни ортиш ва тушириш учун **машина, мослама, инвентарларга** (тўкилувчан юкларни қабул қилиш ва топшириш учун махсус платформа ва майдонлар, контейнерларни ортиш ва тушириш учун майдонлар ва машиналар, чорваларни юклаш платформалари ёки майдонлари, сув ичириш пунктлари, дезинфекация – ювиш қурилмалари, изотермик вагонларни таъминлаш учун қурилмалар ва ҳ.к. лар) эга бўлиши кераклиги таъкидлаб ўтилган.

Кўмирни, инерт минераль – қурилиш материалларини ва бошқа тўкилувчан юкларни тушириш учун умумий фойдаланиш жойларида **кўтарилган йўл** (7.6-расм), йирик юк ҳажмларида эса вагон бўйлаб юкчиларни ўтиб боришлари учун кўприкли йўлакча билан жиҳозланган **эстакадалар** қурилади. Кўратилган йўл ва эстакадалар ярим очiq вагонларни туйник қопқоқларини очиш ва беркитишни

механизациялашни, юк қолдиқларидан вагон ва йўллари тозалашни, автомобилларга юкларни ортишни, платформалардан юкларни механизациялашган туширишни, ярим очик вагонлардаги музлаган юкларни юмшатишни таъминловчи ортиш – тушириш механизмлари ва қурилмалари билан жиҳозланади.




**7.6-расм. Тўкилувчан юкларни тушириш учун кўтарилган йўлли очик омбор.**

1- темир йўлида юрадиган айланувчи стрелали кран; 2- кўтарилган йўл; 3- темир йўли; 4- юк уюми; 5- автойўлак; 6- ярим очик вагон; 7- грейфер; 8- кўтарилган йўлни нишаб қисми; 9- ёнбош уюми.

Туширишга суткасига 10 тадан ортиқ ярим очик вагонда тўкилувчан юклар етиб келганида баландлиги 3,0 м ва ундан ортиқ бўлган кўтарилган йўлга керакли ортиш – тушириш асбоб – ускуналар жиҳозланган, пролети 25 ва 32 м ли чор пояли кран ўрнатилади (7.7-расм).

**Чорва молларини** ёпиқ вагонларга ортиш ёки тушириш учун санитария – ветеринария талабларига мувофиқ юклаш платформаси ва ёрдамчи қурилмалар барпо этилади. Чорва молларини ва хом ҳайвон маҳсулотлари оммовий тушириладиган станцияларда ва унга яқин бўлган, бундай юклар туширилгандан сўнг бўш вагон оқими йўл сафаридаги, станцияларда вагонларни дезинфекация – ювиш станциялари назарда тутилиб, уларни жойлашиши ветеринария ва санитария назорати талабларига мувофиқ бўлиши керак. Чорва молларини ва бошқа ҳайвонларни транзит ташишларига хизмат кўрсатиш учун саралаш ва участка станцияларида ҳайвонларга сув ичириш учун қурилмалари,

заруриятли ҳолатларда эса вагонларни гўнглардан тозалаш учун махсус йўллар жойлаштирилади.



**7.7-расм. Таянч станцияларининг тўкилувчан юклар омборида ортиш – тушириш ишларини комплекс механизациялаш чизмаси**  
**1 - икки консоли чор пояли кран; 2 - моторли грейфер; 3 – титратма туширгич; 4 – олиб қўйиладиган ферма; 5 - электр қопқоқ ёпқич; 6 – титратма юмшатгич; 7 - бульдозер.**

Осон алангаланувчан ва ёнғиндан хавфли бошқа юкларни ҳамда инсонни саломатлигига зарарли бўлган юкларни қайта ишлаш ва сақлаш учун белгиланган қоидаларга ва ёнғинга қарши меъёрларга амал қилган ҳолда махсус омболар ва уларга йўллар қурилади.

#### **4. Станция товар идорасининг вазифалари ва жиҳозлари**

Уставнинг 8-бандида *ташиш ҳужжатларини расмийлаштириш ва ташиш ҳақларини ундириш учун темир йўл станцияларида **товар идораси ёки кассалари, багаж ва билет кассалари** ташиш этиш белгилаб қўйилган. **Товар конторасини асосий вазифаси** – ташиш ҳужжатларини тўғри ва ўз вақтда расмийлаштиришдан, темир йўл транспорт юкхатини қабул қилиш, текшириш ва расмийлаштиришдан, юкларни ташиб келтириш ва ташиб кетиш учун ҳужжатларни беришдан, ташиш кира ҳақларни ва йиғимларни аниқлашдан ва уларни юк жўнатувчилардан ва юк олувчилардан ундиришдан иборат.*

**Товар идорасини хизматчилари** юк олувчиларга юкларни етиб келганлигаи ҳақида хабар беради ва юкларни топширишни расмийлаштиради, юкларни қайта адреслаш бўйича операцияларни бажаради, асосий ойлик режани бажарилишини ҳисоб карточкасига киритади, китобларни (ГУ-34 шакилдаги жўнатишга юкларни қабул қилиш Китоби, ГУ-36 ва ГУ-107 шакилдаги юкларни тортиш Китоби, ГУ-37 шакилдаги вагонларни ва контейнерларни пломбалаш Китоби, ГУ-42 шакилдаги юкларни етиб келиш китоби ва ҳ.к.) тўлдирди, юкларни

ташиш бўйича ҳисобот ҳужжатларини, вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш қайдномасини тузади, ҳужжатларни сақлашни таъминлайди.

Жўнатиладиган ва етиб келган юкларнинг ҳужжатларини топшириш ва қабул қилиб олишда **товар контораси** юк районлари, станциянинг технологик маркази (СТЦ) ҳамда ташиш ҳужжатларини ишлаш бўйича технологик маркази (ТехПД) билан ўзаро муносабатда бўлади.

Юқорида назарда тутилган вазифаларни бажариш учун товар идораси станциянинг бошқа бўлинмалари ва шаҳар, юк жўнатувчи ва юк олувчилар, темир йўл шохобча йўли билан боғланиш учун – **телефон алоқаси**, станциянинг технологик маркази (СТЦ) га, юк районларига юк ҳужжатларини юбориш ва улардан юк ҳужжатларини қабул қилиб олиш учун – **механизациялашган почта**, ахборот узатиш учун воситалар, муҳирлар, автоматик кўрсаткичлар ва маълумот қурилмалари, юк ҳужжатларини ва иш қоғозларни сақлаш учун шкафлар, мебеллар ва бошқа асбоб – ускуналар билан жиҳозланади.

Йирик юк станцияларида товар контораси биносида юк жўнатувчилар ва юк олувчилар учун операциялар зали, товар кассирларининг, тижорат агентлари ва таксировщикларнинг, товар контораси бошлиғининг, акт – қидириш гуруҳи хизматчиларининг, транспорт хизмати кўрсатиш агентларининг ишчи хоналари, архив учун хона ва бошқа хоналарга бўлади. Операциялар залида мебеллар, ёзув қуроллари, ташиш ҳужжатларини тўлдиришни намунаси, кўрсатиладиган хизматлар, ташиш қоидалари, етказиб бериш муддатлари, юкларни ташиш тарифлари, қўшимча йиғимлар, қўшимча ишлар ва хизматлар баҳоси ҳақида керакли ва ишончли ахборотларни ўз ичига олган автоматик кўрсаткичлар ва маълумот қурилмалари мавжуд бўлиши керак. Товар контораси хонаси ишларни сервис шароитларни, ташиш жараёни ҳужжатлари ва ахборотларини ишончли сақлашни таъминлаши керак.

Товар кассирларини унумли ишлашини муҳим шартларидан бири, муайян ишни ёки операцияни бажарувчи, бир одамга мўлжалланган, чекланган зонада – иш жойини ташкил этиш ҳисобланади. Иш жойини жойлашиши ва жиҳозланиши юк ҳужжатларини расмийлаштиришни ва ишлов беришни, айрим операцияларни бажаришда ва ҳужжатларни тузишда қарама – қарши ва самарасиз ҳаракатларни истисно қилишни таъминлаши керак. Иш вақтини самарасиз сарфлашни бартарф этиш ва иш унумдорлигини юқори бўлишини таъминлаш учун доимий зарур бўладиган керакли маълумотномалар, тариф қўлланмалари, ёрдамчи жадваллар, темир йўл тармоғини картаси ва ҳ.к. муайян ўринларда жойлашиши лозим. Дастурий ҳужжатлар ва қўлланмалар энг осонлик билан қўл етадиган зона ҳудудида, тез – тез керак бўлиб турадиган йўриқномалар, ёрдамчи жадваллар эса хизматчига яқинроқ жойлаштирилиши керак. Қўлланмалар ва ҳужжатларнинг белгиланган

жойлаштириш тартиби, смена ичида улар билан неча бор фойдаланилмасин, ўзгаришсиз қолиши керак.

## **5. Темир йўл минтақавий бўлинмасининг ташиш ҳужжатларини ишлаш бўйича технологик маркази (ТехПД)**

Минтақавий темир йўл бўлинмасининг ташиш ҳужжатларини ишлаш бўйича технологик маркази (ТехПД) юридик ва жисмоний шахсларнинг юкларини ва бк багажларини ташиш учун, Уставда ва юк ташиш Қоидаларида белгиланган йиғимлар ва жарималар бўйича банк муассасалари орқали нақдсиз пул ҳисоб – китобларини амалга оширади. ТехПД ҳисобланган тўловларни тўлиқ ва ўз вақтида ундириб олишни таъминлайди ҳамда ташиш бўйича станцияда аниқланган кира ҳақларини, йиғимларни ва жарималарни тўғрилигини назорат қилади. Банк муассасасида ҳисоб рақами (расчетные счета) га эга бўлган ва ТехПД га ташишлар ва хизматларга ҳисобларни амалга ошириш учун мурожат қилган барча корхона ва ташкилотларга етти рақамли тўловчининг кодлари берилади. Корхона ва ташкилотларга код берилганидан кейин уларга тўловчининг номи, коди, унинг барча банк реквизитлари, код берилган сана, станциянинг номи ва коди кўрсатилган ҳужжат берилади. Бу ҳужжат юк операцияси амалга ошириладиган станциянинг товар идорасига тақдим этилади.

ТехПД нинг асосий вазифалари ва функциялари ташиш ҳужжатларини ишлаш бўйича технологик маркази (ТехПД) нинг Намунавий технологик жараёнларида белгиланган.

Иш ҳажмига мувофиқ ТехПД таркибида: корреспонденция, юкларни жўнатиш, юкларни топшириш, қўшимча йиғимлар ва жарималар, техникавий сектор ва ахборот тайёрлаш секторлари ташкил этилади.

### **Назорат саволлари**

41. Юк ташиш жараёнининг дастлабки ва сўнги операцияларини бажариш ва йўл сафарида юкларга хизмат кўрсатиш учун темир йўли нималарига эга бўлади?
42. Темир йўли юк хўжалиги иншоотларга ва қурилмалари қаерларда барпо этилади?
43. .... – комплекс техник воситалар ва қурилмалар билан жиҳозланган темир йўл станциясининг худуди бўлиб, ортиш – тушириш ишларини, тижорат операцияларини ва юкларни саралаш ва саклаш учун мўлжалланган.
44. .... – бу умумий фойдаланиш жойлари бўлиб, унда кўп сонли юк жўнатувчиларга, юк олувчиларга ҳамда темир йўл транспорти хизматидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатилади.
45. Темир йўлининг қайси худудида идиш – ўровли ва донали юклар учун омборлар жойлашган бўлади?
46. Темир йўлининг қайси худудида оғир вазинли, сочилувчан ва тўкилувчан юклар учун омборлар жойлашган бўлади?
47. Темир йўлининг қайси худудида контейнерлар, ўрмон материаллари, металллар, минерал – қурилиш материаллари учун майдонлар жойлашган бўлади?

48. Темир йўлининг қайси худудида вагонлардан автотранспортларга (тўғри вариант бўйича) юкларни қайта ортиш ва аксинча ортиш учун майдонлар жойлашган бўлади?
49. Темир йўлининг қайси худудида ғилдиракли ва ўзи юрар техникалар учун платформалар жойлашган бўлади?
50. Темир йўлининг қайси худудида товар идораси, санитар – маиший ва бошқа ёрдамчи бинолар ва хоналар жойлашган бўлади?
51. Темир йўлининг қайси худудида электр юклагичлар учун зарядлаш пункти, таъмирлаш устахонаси, автомобиллар учун гараж, ёқилғи ва мойлаш материаллари омбори жойлашган бўлади?
52. Темир йўл станцияларини ..... юкларни ташишга қабул қилиш ва вагонларга ортиш ҳамда вагонлардан тушириш ва юк олувчиларнинг омборларига ташиб кетиш ўртасидаги даврда уларни қисқа вақт сақлаш учун мўлжалланган.
53. Юк жўнатувчилардан юкларни қабул қилиб олиш ва юк олувчиларга юкларни топшириш қаерларда бажарилади?
54. Сақланадиган юкларнинг турига мувофиқ омборлар қайси турларга бўлинадилар?
55. Сақлаш шарт – шароитлари ва конструкцияси бўйича қандай омборлар мавжуд?
56. Қимматбаҳо ва атмосфера таъсиридан хавфланувчи, ёпиқ вагонларда ташиладиган идиш – ўровли ва донали юклар қаерларда сақланади?
57. Атмосфера ёғингарчиликларидан ҳимоя қилишни талаб қилувчи, аммо ҳарорат ўзгаришидан ва шамолдан хавфланмайдиган арзон баҳоли юклар қаерларда сақланади?
58. Атмосфера ёғингарчиликларидан ва ҳарорат ўзгаришидан хавфланмайдиган, платформа ёки ярим очик вагонларда ташиладиган ғилдиракли ва ўзи юрар техникаларни ортиш, тушириш ва сақлаш учун қандай иншоотлардан фойдаланилади?
59. Контейнерларни, оғир вазинли, узун бўйли, ўрмон ва тўкилувчан юкларни ортиш, тушириш ва сақлаш учун қандай иншоотлардан фойдаланилади?
60. Ортиш – тушириш ишларни механизациялаш учун кичик габаритли вилкали механик – электр ёки дизель юклагичлардан қаерларда фойдаланилади?
61. ЦНИИ МПС – ХИИТ автоилгаги билан жиҳозланган КК-6 русумли икки консоли чор пояли кранлардан қаерларда фойдаланилади?
62. Юк олувчиларга юкларни етиб келганлигаи ҳақида хабарни кимлар беради?
63. Ташиш ҳужжатларини расмийлаштириш ва ташиш ҳақларини ундириш учун темир йўл станцияларида нимлар ташкил этилади?
64. Ташиш ҳужжатларини тўғри ва ўз вақтда расмийлаштириш станциянинг қайси бўлинмасини асосий вазифасига мануб бўлади?
65. Темир йўл транспорт юкхатини қабул қилиб олиш, текшириш ва расмийлаштириш станциянинг қайси бўлинмасини асосий вазифасига мануб бўлади?
66. Юкларни ташиб келтириш учун ҳужжатларни бериш, ташиш кира ҳақларни ва йиғимларни аниқлаш ва уларни юк жўнатувчилардан ва юк олувчилардан ундириш станциянинг қайси бўлинмасини асосий вазифасига мануб бўлади?
67. Юкларни топширишни расмийлаштиришни ва юкларни қайта адреслаш бўйича операцияларни кимлар бажаради?



## **8- маъруза. Юкларнинг массасини аниқлаш учун техник воситалар**

**Режа:**

- 1. Юк массасини ўлчашнинг аҳамияти;**
- 2. Торози қурилмалари, турлари ва ишлаш принципи;**
- 3. Электрон торозилар;**
- 4. Юкларни тортиш тартиби ва технологияси;**
- 5. Массасини ўлчаш воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва калибрлаш;**

### **1. Юк массасини ўлчашнинг аҳамияти**

Юкларнинг қабул қилишда ва топширишда уларнинг **массасини ўлчаш** жуда муҳим ва масъулиятли операция. Темир йўлини юкларнинг асраш учун жавобгарлиги, тонналарда ва тонна-километрларда ташиш бўйича темир йўли бажарган иш ҳажми, вагонларнинг юк кўтаришидан ва сиғимидан (чала юклашсиз ва ортиқча юклашсиз) тўғри фойдаланиш, ташиш кира ҳақлари ва ҳаракат хавфсизлиги бевосита юкларнинг массасини лозим даражада ўлчашга боғлиқ бўлади.

Юкнинг массаси – юкнинг **миқдор ўлчови**. Юк массасини ўзгармаслиги, темир йўли юк жўнатувчидан юкни ташишга қабул қилиб олиб, юк олувчига шу миқдора юкни етказиб берганлигидан ва айни пайтда юк ташиш шартномасига мувофиқ унга юклатилган мажбуриятни бажарганлигидан шохидлик беради. Юкнинг массаси ташишда юкни асрашнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Тайинланган пунктга етиб келган юкнинг юкхатидаги массаси ва ҳақиқий массасининг фарқи бўйича унинг кам чиқиши аниқланса, темир йўлининг айби билан юк йўқолса, кам чикса ёки бузилса, юкнинг массаси ва унинг баҳоси бўйича ташишда темир йўлига етказилган зарар аниқланади.

Ташиш кира ҳақларини аниқлаш, юк ташишлар ҳисобларини аниқ юритиш, поезд массасини аниқлаш, темир йўли бажарган ишларни ҳисоблаш, темир йўл транспортининг тегишли эксплуатацион ва иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш учун юк ташиш жараёнида юкнинг массасини ўлчаш шарт. Вагонга ортилган юкнинг массаси бўйича вагоннинг юк кўтаришидан фойдаланиш даражаси ва вагоннинг трафарет юк кўтаришидан ортиқча ўта юкланиш ҳақида муҳокама юритилади.

Ташиш ҳужжатларида кўрсатилган юк массаси бўйича айрим юк жўнатувчиларнинг ишлаб чиқариш топшириқларини, хом ашё, материалларни ва тайёр маҳсулотларни етказиб бериш шартномасини бажариши ҳисобга олинади. Бундан ташқари юкларни ташишга юк жўнатувчилар билан тузилаган шартнома шартларига ва қабул қилинган буюртманомаларни бажаришга риоя қилинишини назорат қилиш юкнинг массаси бўйича амалга оширилади.

Юк массасини ўлчаш жараёни **тортиш**, тортишни амалга оширувчи асбоб эса **тарози** (тортиш асбоби) деб аталади.

## 1. Тарози қурилмалари, турлари ва ишлаш принципи

Темир йўлининг тарози хўжалиги ҳар хил турдаги тарозилар, назорат тортиш асбоблари, тарози амалларини тўғрилигини текшириш учун қурилмалар ва уларни таъмирлаш учун устахоналарга эга бўлади. Юкларни тортиш учун механик (ричагли, пуржинали) ва электромеханик (электрон) тарозилар қўлланилади. Механик тарозиларнинг асосий конструкциясини ричаг механизмлари ташкил этади. Электромеханик тарозиларда оғирлик кучи махсус датчик (ўзгартиргич) ларда электр сигналларга айлантирилади.

Вазифасига мувофиқ тарозилар вагон, автомобиль, товар ва бошқа турларга бўлинадилар. Тарозиларнинг пухталиги уларнинг кўрсатишини **аниқлигига**, **сезгирлигига** ва **доимийлигига** боғлиқ бўлади. Бу метрологик параметрлар биргаликда тарозида тортиш аниқлигини белгилайди.

*Тарозида тортиш натижасини ишончлик даражаси ўлчаш аниқлиги* деб аталиб, хато жоизлигини энг катта мусбат ва манфий ( $\pm$ ) чегараси ўлчами билан баҳоланади.

*Тарозиларнинг сезгирлиги* масса кўрсаткичини чизиқли ёки бурчакли силжиишини, бу силжиишни келтириб чиқарган ўлчанилаётган миқдорнинг ўзгариши қийматига нисбати билан аниқланади.


*Кўрсатишининг доимийлиги* – бу тарозида бир юкни кўп мартаба тортишда бир массани кўрсатишига айтилади.

**Вагон тарозилар** тўкилувчан, сочилувчан ва бошқа юкларни улар ортилган вагон билан бирга тортиш учун мўлжалланган. Юк кўтариши 150 т бўлган вагон тарози (8.1-расм) учта асосий қисмдан иборат: релсьли йўл ўрнатилган платформа 1 дан; котлаван 10 ичига жойлаштирилган ричаг механизмдан; тарози хужраси ичига жойлаштирилган циферблатли кўрсаткич 13 дан иборат.

Платформа 1 тортилаётган вагондан тушаётган юкламани кўндаланг таянч тўсин 2 ва вертикаль устун 3 орқали таянч калонналари 4 га осилган иккинчи тур 5 юк кўтариш ричагларига, улар орқали эса иккинчи тур 6 бўйланма ричагларга узатади. Иккинчи тур бўйланма ричаглар ўз навбатида биринчи тур 7 бўйланма ричагларга таъсир қилади. Бирлаштирувчи тортқи 12, биринчи тур 8 кўндаланг ричаглар ва вертикаль тортқи 11 ёрдамида зўриқиш (куч) кўрсатиш механизми 13 га берилади, унинг стрелкаси эса юк массасини қайдлайди. Ричаг механизмларининг таянч калонналари вазмин пойдевор ёстиқ 9 ларга ўрнатилади.

Энг катта тортиш чегараси 150 т бўлган тарозиларда тўрт ўқли ва олти ўқли вагонлар тортилади. Энг катта тортиш чегараси 200 т бўлган

тарозиларда тўрт ўқли, олти ўқли ва саккиз ўқли вагонлар тортилади. Энг катта тортиш чегараси 200 т бўлган тарозиларда иккита– узунлиги 15,5 м ли катта ва узунлиги 3,7 м ли кичик платформалар мавжуд. Тўрт ўқли ёки олти ўқли вагонларни тортишда кичик платформам узиб қўйилади, саккиз ўқли вагонлар иккала платформада тортилади. Барча вагон тарозилар ярим автоматик ва автоматик мувозанатловчи асбоблар билан жиҳозланган.



### 8.1-расм Циферблат кўрсаткич асбобли вагон тарози

а - тарози хужраси; б – тарозининг котлаван ичида жойлаштирилган ричагли механизми; в - циферблат кўрсаткичли асбоб.

**Ўйма товар тарозилар** (товарные врезные весы) ёпиқ омборларда пакетланган юкларни ва идиш – ўровли ва донали юкларни ториш учун мўлжалланган бўлиб, тарози платформасига юклар дастаки таҳлаб ёки механик юклагичларда ва бошқа механизларда олиб келиб жойлаштирилади, бу эса тортиш операцияларини тезлаштиради. **Ўйма**


товар тарозиларнинг ричаг механизмлари махсус котлаван ичига жойлашган бўлиб, платформаси эса омбор полининг сатҳида жойлашади.

**Кўчма товар тарозилари** ёпиқ оборларда идиш – ўровли ва донали юкларни ҳамда багаж хоналарида багаж ва юк багажларни тортиш учун мўлжалланган. Улар **тошили, шкалали ва цифрблатли** бўлиши мумкин.

*Тошли тарозиларда* тортилаётган юкнинг оғирлик кучини мувозанатлашувига ишчи ёки шартли тошлар ёрдамида эришилади.

*Шкалали тарозиларда* барча тортиш оралиғида натижаларни қараб саноқ олиш тўғри чизиқли шкала бўйлаб дастаки сижитиладиган тошлар ёрдамида амалга оширилади. Тарози платформасига тортиладиган юкни жойлаштирилганида пайдо бўлувчи куч ричаглар системаси орқали шайинли шкалали кўрсаткичга берилади. Тарозини мувозанатлашуви шайинли шкалали кўрсаткичини кўзгалмас кўрсаткич билан тўғри келгунича, унда тошни дастаки силжитиб эришилади.

*Циферблатли товар тарозилари* – бу тарозилар циферблат ва стрелка кўри-нишидаги аналог ҳисоблаш қурилмасидан иборат бўлиб, тортиладиган юкни массаси миқдорини автоматик кўрсатади. Циферблатли товар тарозиларида тортиш жараёни, тошли ва шкалали товар тарозиларига нисбатан мувозанатлашувни автоматлаштириш ҳисобига, анчагина тезлашади. Циферблатли товар тарозиларида юкламани мувозанатлашув механизми платформа ости ва оралик ричаг механизмларини ҳамда тасмали таянчдаги икки квадрантли (текслик чораги) циферблатли кўрсаткичдан иборат.



**8.2-расм. Циферблатли тарозилари**

### **3. Электрон тарозилар**

Юкларни массасини ўлчаш учун ҳозирда **электрон вагон, автомобиль, товар** ва бошқа турдаги тарозилар кенг тарқалмоқда. Юкларни массасини текшириш ва тортиш бўйича ўсиб бораётган иш ҳажмини таъминлаш ва юкларни тортиш билан боғлиқ бўлган харажатларни камайтириш учун темир йўл транспортида ричагли тарозиларни электрон тарозиларга алмаштириш амалга оширилмоқда. Ричагли тарозилари қатор камчиликларга эга. Уларда тортиш аниқлиги юк

қабул қилувчи топширувчининг шахсий қобилиятига ва ҳаракатларининг тўғрилигига боғлиқ бўлади. Ричагли тарозилари ўтказиш қобилияти юқори эмас, битта вагонни тортиш вақти 2 – 2,5 дақиқани ташкил этади. Конструкцияси бўйича бу тарозилар улкан, уларни шай ва созлигини таъминлаш учун қўшимча маблағ талаб қилинади. Юк массаси ҳақида ахборотни масофага узатиб бўлмайди.

**Электрон тарозиларда** юкларни тортишда қабул қилувчи ва топширувчи (оператор) ториш жараёнига ва юк массасини қайд қилишда аралашмайди, вагонлар юраётганида, ҳаракат тезлиги 5 – 10 *км/соат* тезликда тортилади, битта вагонни тортиш вақти 3 с. Электрон вагон тарозиларини габаритлари ҳам кам. Бундай тарозилар юкни тортиш ҳақидаги маълумотларни амалда ҳар қандай масофага узатиб беришни кафолатлайди.

Вагонларни ажратмасдан тортишга йўл қўйилганда, хом ашё ва ёкилғиларни оммавий ортиш ва тушириш жойларида *электрон вагон тарозилар* жуда ҳам самарали ҳисобланади. Бундай тарозилардан фойдаланиш вагонларни трафарет юк кўтаришидан ортиқча ўта юклашларни, вагон аравачалари бўйича нотекис юклашларни аниқлаш имкониятини беради, бу эса ўз навбатида ҳаракат хавфсизлигини юксалтиришга ижобий таъсир этади.

Электрон вагон тарозилар тортилаётган юклар бўйича, ҳар бир вагонни (уларнинг номерлари бўйича) тортиш санаси ва вақти (дақиқагача аниқликда) ни, брутто, тара ва нетто массасини кўрсатиб маълумотларни дисплейга ва босмага чиқариш, ҳужжатлар бўйича юк массасини ҳақиқий нетто масса билан солиштириш, бу массани фарқини аниқлаш имкониятини беради.

Электрон тарозилар учта асосий элементлардан: **юклама датчиги, дисплей ва микропроцессордан** иборат. Юк массасини ўлчаш, эластик элементга юклама қўйилганида *тензометрик датчикнинг* актив қаршилиги ўзгаришига асосланган. Массани ўзгариши, муайян кучланишда тензометрик датчикнинг чўзилишидаги ёки сиқилишидаги қаршилигига боғлиқлигига асосланган. *Тарози микропроцессори* датчикка тушаётган юклама маълумотини масса ўлчов бирлигига айлантиради ва бу маълумотлар билан керакли ҳисоблаш операцияларини бажаради. *Дисплей* маълумотларни рақамлар шаклига айлантиради. *Тензометрик датчик* жуда ҳам ингичка (диаметри 15 – 20 *мк*) сим бўлиб, панжара шаклида тахланган ва ҳар икки томонидан папирос қоғози билан ёпиштириб беркитиб қўйилган. Бундай элемент электрон тарозининг юкламани қабул қилувчи элементига, уни деформацияланишини ўлчаш учун бириктириб қўйилади. Тензометрик датчиклар кам массага, кичик габаритларга эга бўлиб, баҳоси ҳам анча арзон. Улар электрон вагон, автомобиль, товар ва бошқа тарозиларда қўлланилади.

Электрон вагон тарозилари тортиш усули бўйича икки турга бўлинади: **аравачалар бўйича тортиш** ва **ўқлар бўйича тортиш**. Электрон вагон тарозиларни дастур таъминоти тортиш режимида тарозидан ўтаётган вагонларни тўлиқ кузатишни ва назорат қилишни ҳам дастаки ва ҳам автоматик (операторни йўқлигида) режимда амалга оширади. Тарозиларни дастур таъминоти олти турдаги ҳисоботларни: вагонлар бўйича умумий маълумотларни, мижозлар бўйича умумий маълумотларни, юклар бўйича умумий маълумотларни, тортма (отвеса) лар актларини, “ҳалокатли” вагонлар (ўта юклаш, чала юклаш, ўқларни ўта юкланишини) бўйича маълумотларни, вагонлар бўйича ташиш ҳужжатлари учун маълумотларни шакллашни амалга оширади.

#### 4. Юкларни тортиш тартиби ва технологияси

Юкларни тортишни тартиби ва технологияси, тарозиларни шай ва созлигини таъминлаш ва техник хизмат кўрсатиш *темир йўлларда юкларни тортиш тартиби ва технологияси, тарози асбобларини шай ва созлигини таъминлаш ва техник хизмат кўрсатиш ҳақидаги Йўриқномага* мувофиқ бўлиши керак.

Вагон тарозиларида юкларни тортиш **тўхтаб ва вагонларни ажратиб** ёки **тўхтаб вагонларни ажратмасдан** амалга оширилади. Ҳаракат пайтида тортишга мўлжалланган вагон тарозиларида вагонлар юраётганида тортишга руҳсат берилади. Суюқ юкли цистерналарни ҳаракат пайтида аравачалар бўйича тортишга ва ўқлар бўйича тортишга йўл қўйилмайди.

Вагон тарозиларида **тўхтаб ва вагонларни ажратиб қўйидаги юклар** тортилади:

*сочма ташиладиган бошоқли ва дукакли экинлар донлари, мойли экинлари уруғлари, омихта ем ва кепак;*

*цистерналарда қўйма ташиладиган озиқ овқат юклари (ўсимлик мойи, **патока** ва бошқалар);*

*тўкма ташиладиган картошка, сабзавот, полиз экинлари маҳсулотлари, кунжара, озиқ овқат тузи, пакетланмаган рангли металллар ва рангли металллар темир – терсаги;*

Картошка, сабзавот, полиз экинлари маҳсулотлари, кунжара, озиқ овқат тузини тортишда **вагонлар тара массаси текширилмайди**, уларнинг андазасига (трафаретига) мувофиқ қабул қилинади. Бошоқли ва дукакли экинлар донлари, мойли экинлари уруғлари, омихта ем, кепак, ўсимлик мойи ва **патока**ларни тортишда **вагонлар тара массаси ортишдан олдин ва туширишдан кейин текширилади**. Пакетланмаган рангли металллар ва рангли металллар темир – терсаги ва цистерналарда қўйма ташиладиган ўсимлик мойи ва **патока**лардан бошқа озиқ овқат

юкларини тортишда **вагонлар тара массаси ортишдан олдин ёки туширишдан кейин бир марта текширилади.**

Вагон тарозиларда қолган барча юкларни – тўкма ташиладиган қўнғир кўмир, тош кўмир кўмир, антрацит, кокс, ярим кокс, қора ва рангли металл маъданларини ва ҳ.к. тортиш **тўхтаб вагонларни ажратмасдан** амалга оширилади. Бундай ҳолатларда **вагонлар тара массаси текширилмайди**, уларнинг андазасига (трафаретига) мувофиқ қабул қилинади.

Вагонларни вагон тарозида тортишдан аввал **ағдариладиган фартукларни** очиш ва чорчўп боғлма рамаси билан тарози платформаси орасидаги тирқишни текшириш (бу тирқиш 10 мм дан кам ва 15 мм дан ортиқ бўлмаслиги лозим), тарози тарасини текшириш ва зарурият бўлса уни ростлаш, тортиш учун мўлжалланган вагонларни кўрикдан ўтказиш керак.

Қиш пайтларида вагонлар қорлардан ва музлардан тозаланган бўлиши зарур. Вагонларни тарозига станциянинг техника – тақсимот актида (ТРА) белгиланган **тезликдан** оширмасдан, **турткисиз** ва **зарбасиз** олиб кириб қўйилишни ва олиб чиқилишни қабул қилувчи топширувчи кузатиб туриши шарт. Вагонларни тарозига ўрнатишда четки ғилдрак жуфтлиги тарози платформасининг четига 300 мм дан яқинроққа жойлашмаслиги, тарози платформасидаги ва унга яқинлашиш рельслари орасидаги тирқиш 6 мм дан зиёд бўлмаслигини кузатиб туриш лозим бўлади. Қандайдир предметларни вагон ғилдираги остига ўрнаштириб тарозида вагонни тўхтатиш тақиқланади. Тарози арретири вагонни ғилдиратиб олиб кирилаётганида вагон тўлиқ тўхтагунича беркитилган бўлиши керак. Вагонларни ториш тугаганидан сўнг қабул қилувчи топширувчи тарози тарасини текшириши, арретирни ва **ағдариладиган фартукларни** беркитиши ва тарози хужраси эшигини қулуфга беркитиши шарт. Тарозидан вагонларни олиб чиқилганлигига, тарози йўли стрелкаси айланган йўл томонга ўрнатилганлигига ва қулуфга беркитилганлигига бир қарра назар ташлаб ишонч ҳосил қилиш керак. Тарозида вагонларни тўхтаб тутиб туриш ва тарози орқали маневр ишларини бажариш қатъиян тақиқланади.

Электрон вагон тарозиларида юкли вагонларни тортиш тартиби тегишли турдаги тарозиларнинг техник хужжатларида белгиланган.

Товар тарозиларида тортиш, муайян тарозилар учун белгиланган тортишнинг энг кам ва энг катта чегараларидан ташқарига чиқмайдиган юкларнинг масса қийматларигагина руҳсат этилади. Юкларни товар тарозисининг платформасини ўртасига турткисиз ва зарбасиз, берк арриетирда жойлаштириш керак. Улкан ва узун бўйли юкларни тортишда, юкни осилиб қолган этаклари тарозини қўзғолмас қисмларига (станинасига, колонкасига ва ҳ.к.) ёки чорчўп боғлма рамасига тегиб турмаслигини кузатиб туриш керак.

Юкланмаган **циферблатли товар тарозилари мувозанатини текшириш** тартиби қуйидагича. Арретирни очиб, циферблат кўрсатгичини стрелкаси бир неча сўнувчи тебранишлардан сўнг шкаланинг нол бўлинмасида тўхтаганига ишонч ҳосил қилиш керак. Агар циферблат кўрсатгичини стрелкаси шкаланинг нол бўлинмасида тўхтамаса, у ҳолда шкафдаги оралиқ механизмидаги мавжуд ростлаш тараси билан уни ростлаш керак.

**Шкалали тарозилар** қуйидагича усулда текширилади. Катта ва кичик шкаладаги суриладиган тарози тошлари нол ҳолатга ўрнатилади. Тўғри тарали тарози арретири очилганидан сўнг, тарози шайини бир неча оҳиста тебранишлар натижасида мувозанатли горизонтал ҳолатни эгаллаши керак, яъний шайинни учли қисми мувозанат кўрсатгичи қаршисида тўхташи керак. Агар тарози шайини мувозанат кўрсатгичи қаршисида тўхтамаса, тарозини катта шкаладаги ростлаш тараси ёрдамида ростлаш керак. Ростлаш тарасида тарозини мувозанатга келтиришни имкони бўлмаса, юк қабул қилувчи топширувчи тортишна тўхтатиши ва бу носозлик ҳақида ўзининг бевосита раҳбарига хабар бериши шарт.

Тортиш тугаганидан сўнг, қабул қилуви топширувчи тарози арретирини беркитиши ва тарозида тортилган юк олиб қўйилганини кўздан кечириб қўйиши, тарози платформасини ахлатлардан тозалашни таъминлаши, шкалали тарозини суриладиган тошлари нол ҳолатга ўрнатиши, тарози тарасини текшириши ва зарурият бўлса ростлаши, шарт. Массани ўлчаш воситаларини (средств измерения массы, қуйида СИМ деб юритилади) шай ва созлигини таъминлаш талаблари юкни қабул қилувчи топширувчининг Мансаб йўриқномасида белгиланган.

## **5. Массани ўлчаш воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва калибрлаш**

Массани ўлчаш воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва калибрлаш турлари, шай ва созлигини таъминлаш ва бажариш муддатлари уларни эксплуатация қилиш бўйича йўриқномаларга, меъёрий – техник ҳужжатларга ва темир йўлларда юкларни ториш тартиби ва технологияси, тортиш асбобларини шай ва созлигини таъминлаш ва техник хизмат кўрсатиш ҳақида Йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.

Массани ўлчаш воситаларини бешикаст ҳолатини ва барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида **“Ўзтемирйўлконтейнер” ОАЖ нинг филиалларида** тарозиларни ўрнатиш, таъмирлаш ва калибрлаш учун **тарози ишлаб чиқариш участкалари** ташкил этилади. Иш ҳажми ва худудий йўналишларга мувофиқ тарози ишлаб чиқариш участкаси таркибига тарозикашлар бригадаси киради. Тарози хўжалиги бўйича масъул раҳбар филиал бошлиғининг ўринбосари ҳисобланади, унинг итоатида эса йўналишлар бўйича тарози хўжалиги **тафтишчилар**



бўладилар. Тарози ишлаб чиқариш участкасида тарозиларни ўрнатиш, таъмирлаш ва калибрлаш ишлари бўйича бевосита ижрочилар **тарозикашлар бригадаси** ҳисобланади. Массани ўлчаш воситаларини ўрнатиш, таъмирлаш ва калибрлаш бўйича ишларни бажариш учун ҳар бир тарозикашлар бригадаси механизациялашган тарози текшириш вағони ва вагон – тарози устахонаси, йирик темир йўл узелларида эса муқим тарози устахонаси билан таъминланадилар.

**Вагон – тарози устахонаси** йўловчи вағони базасида жиҳозланган бўлиб, массани ўлчаш воситаларини ўрнатиш, таъмирлаш, калибрлаш ишларини бажариш ва уларни Давлат метрологик хизмати органларига текшириш учун мўлжалланган. Вагон – тарози устахонаси “Ўзтемирйўлконтейнер” тасдиқлаган рўйхат бўйича асбоблар, буюмлар ва назорат – ўлчаш асбоблари билан жиҳозланади.

Темир йўл транспортида массани ўлчаш воситаларини бешикаст ва барқарор ишлашини таъминлаш учун, уларнинг техник ҳолатидан қатъий назар, муайян турдаги тарозиларнинг меъёрий – техник ёки эксплуатацион ҳужжатларида белгиланган муддатларда режадаги таъмирлардан, кўриклардан ва калибрлашлардан ўтказилади. Тарозиларни капитал таъмири уч йилда бир марта, ўрта таъмир – икки йилада бир марта, йиллик – йилига бир марта ўтказилади. Тарозиларни калибрлаш, уларнинг вазифасига мувофиқ – ғалла ва озиқ овқат юклари учун икки ойда бир марта ва бошқа юклар учун – уч ойда бир марта, амалга оширилади.

### Назорат саволлари

68. Темир йўлини юкларнинг асраш учун жавобгарлиги нимага боғлиқ?
69. .... , темир йўли юк жўнатувчидан юкни ташишга қабул қилиб олиб, юк олувчига шу миқдора юкни етказиб берганлигидан шохидлик беради.
70. .... , темир йўли юк ташиш шартномасига мувофиқ унга юклатилган мажбуриятни бажарганлигидан шохидлик беради.
71. Юкнинг массаси ташишда юкни ..... асосий кўрсаткичи ҳисобланади.
72. Энг катта тортиш чегараси 150 *t* бўлган вагон тарозиларда қандай вагонлар тортилади?
73. Энг катта тортиш чегараси 200 *t* бўлган вагон тарозиларда қандай вагонлар тортилади?
74. Ўйма товар тарозилар ..... ториш учун мўлжалланган?
75. Вагон тарозиларида юкларни тортиш ..... амалга оширилади.
76. Вагон тарозиларида қайси юкларни тўхтаб ва вагонларни ажратиб тортилади?
77. Вагон тарозиларида қайси юкларни тўхтаб ва вагонларни ажратиб тортилади?
78. Вагон тарозиларида қайси юкларни тўхтаб ва вагонларни ажратиб тортилади?
79. Вагон тарозиларида қайси юкларни тўхтаб ва вагонларни ажратиб тортилади?
80. Вагон тарозиларида қайси юкларни тўхтаб ва вагонларни ажратиб тортилади?
81. Қайси юкларни тортишда вагонлар тара массаси текширилмайди, уларнинг андазасига (трафаретига) мувофиқ қабул қилинади?.
82. Қайси юкларни тортишда вагонлар тара массаси ортишдан олдин ва туширишдан кейин текширилади?

83. Қайси юкларни тортишда вагонлар тара массаси ортишдан олдин ёки туширишдан кейин бир марта текширилади?
84. Вагон тарозиларида қайси юкларни тортиш тўхтаб вагонларни ажратмасдан амалга оширилади?
85. Вагон тарозиларида қайси юкларни тортиш тўхтаб вагонларни ажратмасдан амалга оширилади?
86. Вагон тарозиларида юкларни тортиш тўхтаб вагонларни ажратмасдан амалга оширилганида вагонлар тара массаси қандай қабул қилинади?

## 9-маъруза. Юкларни ташиш учун ҳаракатдаги составларни танлаш

Режа:

1. Ҳаракатдаги составни танлашга таъсир қилувчи омиллар;
2. Юк ортишга вагонларни яроқлигини белгилари;
3. Магистрал юк вагонларининг тижорий тавсифи;
4. Вагонларга қўйиладиган эксплуатацион ва иқтисодий талаблар.

### 1. Ҳаракатдаги составни танлашга таъсир қилувчи омиллар

Уставнинг 9-бандига мувофиқ, юк, йўловчи, багаж, юк багаж ва почталарни темир йўлида ташиш Ўзбекистон Республикаси темир йўлининг ва бошқа давлат темир йўлининг **вагон ва контейнер паркида**, ташкилот ва жисмоний шахсларнинг **хусусий** вагон ва контейнерларида ҳамда ташкилот ёки жисмоний шахслар **ижарага олган** вагон ва контейнерларида ташилади. Темир йўл транспортида юк, йўловчи, багаж, юк багаж ва почта ташиш учун мўлжалланган вагон ва контейнерлар, улар кимнинг тасарруфида бўлишидан қатъий назар темир йўл ташишларида хавфсизлик назоратини амалга оширувчи ваколатли давлат органи тасдиқлайдиган **Ўзбекистон Республикаси темир йўлларида техникавий фойдаланиш Қоидалари** (қуйида техникавий фойдаланиш Қоидалари деб юритилади) талабларига жавоб бериши керак. Янги тайёрланган вагонлар ва контейнерлар уларда ташишга рухсат берилган юклар рўйхатидан, ҳамда қайси турдаги поездларга бундай вагонларни ва қандай чегаравий тезликларда қўшишдан иборат бўлган **сертификатга** эга бўлиши керак. Вагонлар капитал таъмирдан ўтганидан сўнг уларнинг масса тараси текширилади. Вагоннинг тара массаси унга андаза (трафарет) кўринишида тасвирланади.

Темир йўл транспортида ташиладиган юкларнинг турли туманлиги юк вагонларининг структурасини белгилайди. Юк вагонлар парк турли хил бўлиб, айрим турдаги ёки гуруҳдаги юкларни ташишга мослаштирилган. Юк вагонлари **ортиш усулига** бўйича икки – **очиқ** ва **ёпиқ** турларга бўлинадилар. **Биринчи тур вагонларга** платформалар, ярим очиқ вагонлар, думпкалар ва транспортёрлар, **иккинчи тур вагонларга** эса ёпиқ вагонлар, цистерналар, изотермик вагонлар ва ёпиқ хоппер вагонлар (дон ташувчи, цемент ташувчи ва бошқалар) мансуб бўладилар.

Юкларнинг **транспорт тавсифномасига** – *идиши ва ўрови параметрларига* ҳамда *махсус ўзига хос хусусиятларига* мувофиқ, уларни ташиш учун ҳаракатдаги составларни (вагонларни ва контейнерларни) танлаб олиш юкларни асрашни таъминлашда ва транспорт воситалардан энг самарали фойдаланишда катта аҳамиятга эга. Ташишда юкларни **асраш** анчагина даражада ҳаракатдаги составларни **бешикастлигига** ва юкларни **ортишини, жойлаштиришини** ва **маҳкамлашни тўзрилигига** боғлиқ

бўлади. Муайян юкни ташиш учун ҳаракатдаги составни танлашда қатор **омилларни** инобатга олиш керак. Энг аввало ташишга тақдим этилган маҳсулотга ҳаракатдаги составни танлашда, маҳсулотни ташиш шатрлари ва транспорт воситалари турларини танлашга қўйилган талаблар кўрсатилган, **давлат стандартларини** ва **техник шартларини** дастурий амал қилиб олиш керак. Юкларни транспорт тавсифномасига мувофиқ ҳаракатдаги составни нафақат турини, балки муайян юкни ташиш учун яроқлилиқ аломатлари, конструктив моҳияти ҳамда вагон ва контейнерларни тавсифловчи кўрсаткичларини инобатга олиб уни танлаш керак. Юк жойларини, машина ва асбоб – ускуналарни **чизиқли ўлчамларига**, вагон ва контейнерларга уларни **жойлашиши** мумкинлигига, **ортиш габаритига** риоя қилинишига ва очиқ ҳаракатдаги составда ташишда **маҳкамлаш** мумкинлигига аҳамият бериш керак. **Ногабарит юкларни ташиш учун ҳаракатдаги составни танлаб олишда, тегишли турдаги транспортларга уларни ортиш ҳисобига, ногабаритлик даражасини камайтириш мумкинлигини инобатга олиш керак.** Танлаб олинмаган вагонлар ва контейнерлар ҳам **техник** ва ҳам **тижорий** муносабатда **яроқли** ва **соз** бўлиши керак.

Ҳаракатдаги составларни танлаб олишда юкларни вагонларга ортишда ва вагонлардан туширишда комплекс механизациялашган ортиш – тушириш ишларини қўллаш мумкинлигини инобатга олиш ҳамда вагонларни юк кўтаришидан ва сиғимидан самарали фойдаланишни назарда тутиш керак.

Магистрал темир йўлларда эксплуатация қилинадиган универсал ва ихтисослаштирилган юк вагонлари Таснифлагичида вагонларни тавсифловчи кўрсаткичлар келтирилган. Ушбу кўрсаткичлар бўйича муайян юкни ташиш учун керакли турдаги вагонлар танлаб олинади ва уни юкларни ташиш учун буюртманомада кўрсатади.

## **2. Юк ортишга вагонларни яроқлигини белгилари**

Уставнинг 53-бандига мувофиқ, темир йўли, муайян юкни ортишга **соз, яроқли, юк қолдиқларидан ва ахлатлардан тозаланган, заруриятли ҳолатларда эса – ювилган ва дезинфекцияланган вагонларни ва контейнерларни** олиб кириб бериши шарт. Истисноли ҳолатларда, юк жўнатувчини розилиги билан бир жинсли юкларни ортиш учун вагонларни тозаламасдан ва ювмасдан олиб кириб бериш мумкин. Бу талаблар вагон (контейнер) лардаги маҳсулотларни асрашга, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. **Вагоннинг созлиги деб энг аввало унинг техник жиҳатдан созлиги, Ўзбекистон Республикаси темир йўлларида техникавий фойдаланиш Қоидалари талабларига жавоб бериши назарда тутилади.** Вагонларни тозалаш даражаси

вагонларни тозалаш ва ювиш Қоидаларида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

**Техник жиҳатдан вагонларни яроқлилик аломатлари:**

- вагоннинг асосий узел ва деталларининг техникавий фойдаланиши Қоидалари талабларига мувофиқлиги;

- автотиркагич тузилмасининг созлиги;

- тормозлаш асбоб-ускунасининг созлиги;

- ташиладиган юкни асрашни кафолатловчи кузовнинг созлиги;

- ўтиш майдончасини, зинапояни, тутқични созлиги ҳисоланади.

**Тижорий жиҳатдан вагон ва контейнерларнинг яроқлилик аломатлари:**

- вагонларни, контейнерларни юк бўлинмаларини муайян юкни ташиши учун яроқлилиги, вагонларни тазалик сифати;

- юкни бузиши мумкин бўлган бегона хидларни улар ичида мавжуд эмаслиги;

- ортишда, туширишда ва йўл сафарида юкларни ҳолатига таъсир қилувчи нохуш омилларни (мойли доғларни, турли ифлосликларни, кўринар тирқишларни, тешикларни, чиқиб турган михларни, болтларни) мавжуд эмаслиги;

- ярим очик вагонларда устун скобалари ва боғлаш ярим ҳалқа (ёки косинка) ларини мавжудлиги;

- тамбалаш пломбалаш мосламаларини қўйиши учун тамбалаш мосламаларини созлиги;

- ёпиқ вагон кузовининг таиқари томонидан ямоқларнинг мавжуд эмаслиги;

- цистерналар қозонида ва вагонлар кузовида ифлосликларни мавжуд эмаслиги;

- ёпиқ вагонларни эшикларини ҳамда ёнбош, эшик ва том туйникларини пухта беркилиши;

- ярим очик вагонларни остки тушириш туйникларининг қопқоқлари беркитиш механизмининг иккала зулфига ҳамда этак эшикларини зич ва пухта беркилиши;

- ярим очик вагонларнинг остки тушириш туйникларининг қопқоқларида деформация мавжуд эмаслиги ҳисобланади.

Уставнинг 53-бандига мувофиқ, ҳаракатдаги составни муайян юкни ташиш учун **тижорий муносабатда яроқлилигини:**

**вагонларни** – юк жўнатувчилар, агар ортиш уларни воситаларида амалга оширилса ёки темир, йўли агар ортиш темир йўлининг воситаларида амалга оширилса;

**контейнерларни, цистерна ва бункерли ярим очик вагонларни** – юк жўнатувчилар аниқлайдилар.

Юк жўнатувчилар муайян юкни ташиш учун яроқсиз вагон ва контейнерларни ортишга қабул қилишни рад этишга **ҳақлидирлар**. Темир

*йўли ушбу ҳолатда бундай юкни ташиш учун яроқли ва соз вагон (контейнерни) олиб кириб бериши шарт. Агар юк жўнатувчи яроқсиз вагон (контейнер) ни ортишга қабул қилишни рад этиш ҳуқуқидан фойдаланмас экан, у ортишга қабул қилган вагон (контейнер) нинг яроқсизлиги сабабли келиб чиққан юкни **асралмаганлиги учун жавобгарликдан озод этилмайди.***

### **3. Магистрал юк вагонларининг тижорий тавсифи**

Магистрал темир йўл транспортининг юк вагонлари универсаль ва ихтисослаштирилган турларга бўлинадилар.


**Универсаль вагонларга** ўзининг хусусияти бўйича кенг номенклатурадаги юкларни ташиш учун мўлжалланган асосий турдаги: *ёпиқ вагонлар, платформалар ва ярим очик вагонлар* мансуб бўладилар.

**Ихтисослаштирилган вагонларга** турли турдаги, махсус конструкцияга эга бўлган, ўзининг хусусияти бўйича яқин ва ташиш, ортиш ва тушириш шарт – шароитларига алоҳида талаблар қўйувчи, бир ёки бир неча гуруҳ юкларини ташиш учун мўлжалланган, алоҳида шакилдаги кузовга, қурулма, асбоб – ускуна ва жиҳозларга эга бўлган – *цистерналар, изотермик вагонлар, транспортёрлар, ўзияғдаргич вагонлар, бункерли ярим очик вагонлар, автомобиллар учун вагонлар* мансуб бўладилар.

**Универсал тўрт ўқли ёпиқ вагонлар** (қуйида ёпиқ вагон деб юритилади) *кенг номенклатурадаги қимматбаҳо идиш-ўровли ва донали юкларни ҳамда атмосфера таъсиридан ҳимоя қилишни талаб этадиган юкларни ташиш учун мўлжалланган.* Бу вагонлар тегишли жиҳозларга эга бўлиб, фавқулотда сафарбарлик пайтларида одамларни оммавий ташишга ҳам мўлжалланган. Ёпиқ вагон (9.1-расм, *а*) кузовининг ҳар икки ён деворлари якка қанотли (бир тавақали) сурилма эшиклар ва иккитадан металл қопқоқли туйнуклар билан жиҳозланган. Ёпиқ вагон томида ҳам тўртта, диаметри 400 мм ли туйнук мавжуд. Туйнуклар вагон кузови ичини ёритиш ва шамоллатишга, ҳамда сочилувчан юкларни ортиш учун ҳам хизмат қилади. Сўнгги йилларда ишлаб чиқарилган ёпиқ вагонлар **кенгайтирилган эшик ўймаларига** эга бўлиб, **қўш қанотли** (икки тавақали) сурилма эшиклар билан жиҳозланганлар (9.1-расм, *б*). Ҳозирда магистрал темир йўлларда эксплуатацияда ўндан ортиқ турдаги кузови яхлит металл ва ёғоч қопламали ёпиқ вагонлар мавжуд бўлиб уларнинг кузовини ҳажми 106,0; 114,0; 120; 122,0 ва 140,0 м<sup>3</sup> ни, юк кўтариши эса 67,0; 67,0 ва 68,0 т ни ташкил этади.

МДХ давлатлари темир йўлларида ёпиқ вагонларнинг барчаси тўрт ўқли. Икки ўқли ёпиқ вагонлар собиқ Иттифоқнинг темир йўлларида 1970-йилларида эксплуатациядан чиқарилиб юборилган. Олинган маълумотларга қараганда катор ва хатто ривожланган давлатларнинг

темир йўлларида **икки ўқли ёпиқ вагонлардан** юк ташишларда ҳали-хануз фойдаланилмоқда ва уларнинг янги - такомиллашган конструкциялари ишлаб чиқарилмоқда. Икки ўқли ёпиқ вагонлар **майда партиядаги** юкларни ташишда самарали ҳисобланадилар.




**9.1-расм. Универсал тўрт ўқли ёпиқ вагонлар**

**а – 11-066 модели этак девор метали; б – 11-217 модели яхлит метали, кенгайтирилган эшик ўймали**

*Ёпиқ вагонларнинг конструкцияси ортиш-тушириш ишларини механизациялашган ва комплекс механизациялашган усулда ташиқил этишига ва юқори унумдорликка, эга бўлган ортиш-тушириш машина ва механизмларни қўллашга етарли даражада имкониятлар ярата олмайди. Ёпиқ вагонларга кенг номенклатурадаги идиш-ўровли ва донали юкларни ортишда ва туширишда **унумдорлиги 15-25 т/соат** бўлган **механик** (электр ва авто) **юклагичлар** тагликлар ва турли илиб ва қамраб олиш мосламалари билан биргаликда ҳозиргача асосий механизация воситаси бўлиб қолмоқда. Ортиш-тушириш ишларининг ёрдамчи операцияларни катта улуши ҳали-хануз қўл кучида бажарилмоқда. Юк айланмаси кичик бўлган қатор станцияларда эса ёпиқ вагонлардан кенг номенклатурадаги идиш ўровли ва донали юкларни ортиш ва тушириш асосан дастаки усулда, оддий мосламалар – дастаки аравачалар, кўчма дастаки*

кўтаргичлар, роликли занжирлар, роликли металл таёқлардан фойдаланиб, бажарилмоқда. Шу сабабли *ёпиқ вагонларда юкларни ортиш ва тушириш ишларида механизация ва комплекс механизация даражаси ачаа паст.*

**Универсал тўрт ўқли платформаларда** (қуйида платформа деб юритилади) *кенг номенклатурадаги оғир вазнли, узун бўйли ва улкан юклар ҳамда ҳажмий массаси  $1,8 \text{ т/м}^3$  дан зиёд бўлган тўкилувчан юклар ташилади.* Платформалар **қайтарма (очиладиган) паст бортлар, устун скобалари, этак таянч кронштейнлари** билан жиҳозланган бўлиб, асосан тўрт ўқли конструкцияда ишлаб чиқарилади (9.2-расм). Масса бруттоси 10, 20 ва 30 т ли катта тоннажли контейнерлар учун **махсус узун базали тўрт ўқли платформалар** ишлаб чиқарилган.



**9.2-расм. Универсал тўрт ўқли платформа**


Асосий тур платформалар – тўрт ўқли, юк кўтариши 70,0; 71,0 ва 72,0 т, букилган профилли металл бортли ва бортни тамбалаш понали. Бу платформалар юкларни ташишда бортларни маҳкамлаш учун қўшимча калта ёғоч устунчаларни талаб этмайди. Юкларни маҳкамлаш учун платформалар этак устун скобалари (икки жуфт), ёнбош устун скобалари (саккиз жуфт) ва юкларни боғлаш учун ҳалқалар билан жиҳозланган.

*Платформаларнинг конструкцияси ортиш-тушириш ишларини механизациялашган ва комплекс механизациялашган усулда ташиқил этишига ва юқори унумдорликка эга бўлган ортиш-тушириш машина ва механизмларини қўллашга етарли даражада имкониятлар яратади.* Платформаларга кенг номенклатурадаги оғир вазнли, узун бўйли ва улкан юкларни ортиш ва туширишда **унумдорлиги 70-100 т/соат**, хатто ундан ҳам зиёд бўлган турли кранлардан фойдаланиш мумкин. Баъзи бир машина ва механизмларни **ўзини юргизиб**, платформага ортиш ва платформадан тушириш мумкин. Ҳажмий массаси  $1,8 \text{ т/м}^3$  дан зиёд бўлган юк (қум, шағал, чақик тош) ларни ортишда эса **унумдорлиги 600 т/соат** гача бўлган узлуксиз ҳаракатланувчи машиналардан фойдаланиш мумкин.

**Универсал тўрт (9.3-расм) ва саккиз ўқли ярим очик вагонлар** (қуйида ярим очик вагонлар деб юритилади) энг кенг тарқалган юк вагонлари ҳисобланадилар. Улар асосан кўмир, маъдан ва маъдан концентратлари, кокс, торф, минерал қурилиш материаллари каби



оммавий тўкилувчан юкларни ҳамда ўрмон материалларини ва қисман оғир вазнли ва узун бўйли юкларни ташиш учун мўлжалланганлар.



9.3-расм. Универсал тўрт ўқли ярим очик вагон

Ҳозирда магистрал темир йўлларда эксплуатацияда ўн бешдан ортик турдаги яхлит кузовли: юк кўтариши 65,0; 69,0 ва 75,0 т, кузовининг ҳажми 70,5; 73,0; 74,0; 76,0; 85,0 ва 88,0 м<sup>3</sup> бўлган тўрт ўқли ва юк кўтариши 125,0; 129,0 ва 130,0 т, кузовининг ҳажми 140,3; 141,0 ва 150,0 м<sup>3</sup> бўлган ярим очик вагонлар мавжуд.

Ярим очик вагон кузовининг полини ҳосил қилувчи остки туйнук қопқоқлари, очик ҳолатда вагондан сочилувчан-тўкилувчан юкларни тушириш учун хизмат қиладилар. Тўрт ўқли ярим очик вагонларнинг полини ҳар икки томонида еттитадан ўн тўртта, саккиз ўқли ярим очик вагонларнинг эса полини ҳар икки томонида ўн биттадан йигирма иккита очиладиган қопқоқли туйнуклар мавжуд. Ҳар бир туйнук қопқоқлари ярим очик вагонларнинг ўркач тўсинига учтадан ҳалқалар ёрдамида шарнирли маҳкамланганлар. Саккиз ўқли ярим очик вагонларнинг туйнук қопқоқларининг ёпилишини енгиллаштириш мақсадида, уларнинг ҳар бирлари торсион механизмлари билан жиҳозланганлар. Қопқоқлар бикир элементлар билан мустаҳкамланган ва қалинлиги 5 мм ли металл туника (лист) лардан ясалганлар.

Туйнук қопқоғини беркитиш мосламалари икки тишли зулуф (закидка) лардан ва бармоқли секторлардан иборат. Туйнукни ёпишда қопқоқни даст кўтариб зулуфларнинг остки тишларига қопқоқни беркитиш кронштейнерлари илаштириб олинади, сўнгра ён девор каркаси остки саровига бикир маҳкамланган скоба орқали қопқоқ остига темир таёқ (лом) ни киритиб, уни (қопқоқни) юқорига кўтариб беркитиб кронштейнерларининг зулуфларни устки асосий тишларига тўлиқ илаштирилади ва зулуфлар бармоқли секторларга маҳкамланади. Бармоқли секторлар зулуфларни берк ҳолатларини фиксациялаш учун, яъни тасодифан зулуфни ўз-ўзидан беркитиш кронштейнерларидан чиқиб кетиб, туйнук қопқоғини беҳосдан очилиб кетмаслиги учун хизмат қилади.

Туйнук қопқоғини очиш учун махсус багра ёки массаси 5 кг гача бўлган босқон (кувалда) ёрдамида сектор бармоқларига (уни синиб ёки

эгилиб кетмайдиган даражада оҳиста ва енгил) уриб орқасига (чаппасига) айлантрилади. Зулуфлар секторларнинг фиксациясидан бўшайди. Сўнгра зулуфларни босқон билан оҳиста уриб, уни тишларини беркитиш кронштейнларидан ажратилганида юкнинг массасини таъсирида қопқоқни олдинги қисми пастга қулаб  $31^\circ$  қияликда тўхтайди, юк ўз-ўзидан пастга тўкилиб тушади. Йирик истеъмолчиларнинг омборларида эса ярим очик вагонларни, жуда катта унумдорликка эга бўлган вагон тўнтаргичлар билан ҳам тўнтариб тушириш мумкин.

Ярим очик вагон кузовининг ҳар икки этак томонларига, кузовнинг бутун эни ва баландлиги бўйича ичкарига очиладиган **қўш қанотли эшиклар** ўрнатилган. *Ярим очик вагонларга узун бўйли юкларни ҳамда ўзи юрар техникаларни ортишда эшик қанотлари ичкарига очилиб ён деворларга маҳкамлаб қўйилади.* Этак эшикларисиз ва остки тушириш туйнукларисиз – **сидирға (гунг) кузовли** ярим очик вагонлар ҳам ишлаб чиқарилган. Улардан юкларни тушириш **вагон тўнтаргичларда** амалга оширилади.

*Ярим очик вагонларнинг конструкцияси ортиш-тушириш ишларини механизациялашган ва комплекс механизациялашган усулда ташиш этишига ва ўта юқори унумдорликка эга бўлган ортиш-тушириш машина, механизм ва қурилмаларни қўллашга кенг имкониятлар яратади.* Ярим очик вагонларга оммавий тўкилувчан юкларни ортишда ва улардан шундай юкларни туширишда **унумдорлиги 1000 т/соат** ва унданда зиёд бўлган ортиш ва тушириш қурилмалар комплексларидан фойдаланиш мумкин.

**Цистерналарда нефть ва нефть маҳсулотлари, ёғлар, турли кислота ва ишқорлар ва шунга ўхшаш суюқ юклар ташилади.** Цистерналар цилиндр шаклидаги металлдан пайвандлаб ясалган **резервуар** (қозон) дан иборат бўлиб, унинг устки қисмида, суюқ юкларни қуйиш учун ҳамда қозонни ичини тозалаш, ювиш ва буғлаш ҳамда таъмирлаш учун, туйнуклар ўрнатилган.


Ташиладиган юкларнинг турига мувофиқ цистерналар икки гуруҳга бўлинадилар:

**Универсал** – кенг номенклатурадаги нефть ва нефть маҳсулотларини ташиш учун;

**Махсус** – алоҳида турдаги юкларни ташиш учун.

Универсал цистерналар ўз навбатида: **равшан** (бензин, керосин, легроин ва ҳ.к.) ва **тўқ** (нефть, дизель ёқилғиси, минерал ёғлар ва ҳ.к.) нефть маҳсулотларини ташувчи цистерналарга бўлинадилар. Универсал цистерналар тўрт (9.4-расм) ва саккиз ўқли вариантларда ишлаб чиқарилади. *Кислота ташийдиган цистерналарни ички сирти, металлни кислоталарнинг емирувчи таъсиридан сақловчи (муҳофазаловчи) ҳимоя қатлами (резина, қўрғошин) билан қопланади.* Бундай юкларни ташувчи цистерналарнинг қозонлари кислотабардош металллар – **зангламас пўлат**

ва алюминийдан ясалади. Қовушқоқ нефть маҳсулотлари буғ ғилофли цистерналарда ташилади. Бу цистерналардаги буғ ғилоф мосламаси қовушқоқ нефть маҳсулотларини тўкиб олишни анчагина соддалаштиради ҳамда жадаллаштиради.




9.4-расм. Универсаль тўрт ўқли цистерна.

**Изотермик вагонларда тез бузилувчан юклар ташилади.** Бу вагонларда тез бузилувчан юклар ёз пайтларида совутиб, баъзи бир турдаги юклар (музлаганида ўзини сифатини йўқотувчи юклар) эса қиш пайтида иситиб ташилади. Ҳар бир турдаги тез бузулувчан юклар муайян **ҳарорат режимида** ташилади. Изотермик вагонларни ичидаги муносиб ҳарорат режимини ушлаб туриш учун, улар **совутиш** ва **иситиш асбоб-ускуналари** билан жиҳозланади, кузови эса **иссиқликни сақлаш изоляцияси** билан жиҳозланади.

Изотермик вагонлар 21, 12 ва 5 тадан бирликдаги **рефрижератор поездларга** ёки **секцияларга** бирлаштирилган бўлиб, уларда мувофиқ равишда учта, иккита ва битта вагонда дизель – электрстанцияси (дизель – генератор қурилмаси), совутиш асбоб – ускуналари ва уларга хизмат кўрсатувчи механиклар бригадасининг маиший хизмат хоналари жойлаштирилган. Ҳозирда тез бузилувчан юкларни ташиш амалиётида асосан 5 вагонли рефрижератор секцияларидан кенг фойдаланилмоқда. Тез бузилувчан юкларни ташиш учун ҳозирда **автоном рефрижератор** вагонларидан ҳам фойдаланилмоқда. Бу автоном рефрижератор вагонларда махсус хизмат кўрсатувчи механиклар бригадаси бўлмайди, улардаги совутиш агрегатлари ва дизель – генератор қурилмалари автоматик ва дастаки бошқарилади. Автоном рефрижератор вагонларга хизмат кўрсатишни ва назорат қилишни йўл сафаридаги техник станциялардаги навбатчи механиклар амалга оширадилар.

**Махсус вагонларга:** маъданлар ва минерал қурилиш материалларини ташиш учун – **думпкарлар**; цемент, минерал ўғитлар ва дон ташиш учун – **ёпиқ хопперлар** (9.5-расм); окатишлар ва иссиқ агломератларни ташиш учун – **очиқ хопперлар**; аэрацияланувчи юклар

(цемент, ун, каустик сода, поливинилхлорид) ни, спирт ва суюқлантйрилган газларни ташиш учун – **махсус цистерналар**; енгил автомобилларни ташиш учун – **икки қаватли платформалар**; габаритсиз, оғир вазинли ва улкан юкларни ташиш учун – **транспортёрлар** ва ҳ.к. мансуб бўладилар.



**9.5-расм. Дон учун 19-76 модели ёпиқ хопер – вагон.**

#### **4. Вагонларга қўйиладиган эксплуатацион ва иқтисодий талаблар**

Юк вагонларининг конструкцияси юк операцияларини бажариш муддатларига, юкларни асрашга, ташиш самарадорлигига таъсир қилади. Шунинг учун вагонларнинг конструкциясига муайян **эксплуатацион** ва **иқтисодий** талаблар қўйилади. *Бу талабларга қуйидагилар: унча юқори бўлмаган ишлаб чиқариш баҳоси, вагоннинг етарли даражадаги мустаҳкамлигидаги унча катта бўлмаган тара массаси, поездлар ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, юкларни асраш, вагоннинг юк кўтаришидан ва сизимидан максимал фойдаланиш, ортиш – тушириш ишларини комплекс механизациялашни таъминлаш ва юк операцияларида вагонларни тўхтаб туришини қисқартириш.*

Юк вагонларни конструкциясини тавсифловчи кўрсаткичларга: ўқлар сони, юк кўтариши, вагон тара массаси, кузовнинг ҳажми, полининг майдони, автотиркагич илашиш ўқлари бўйича вагоннинг узунлиги, вагоннинг ички узунлиги, эни ва баландлиги, таранинг техник коэффициенти, йўлга юклама, платформа ва ярим очик вагонларнинг бортларини баландлиги, вагоннинг базаси, рельс каллагига сатҳидан вагон полининг баландлиги ва бошқалар мансуб бўладилар.

**Вагоннинг юк кўтариши** деб ҳаракат хавфсизлигини тўлиқ таъминлашни инобатга олган ҳолда вагонга белгиланган жоизлик юк ортишга айтилади.

Юк вагонларининг конструкциясини сифатини муҳим даражада уларнинг бўш ҳолатидаги массаси (тараси) белгилайди. Вагоннинг тара массаси мумкин қадар кичик бўлиши керак, чунки у локомотив ташиши лозим бўлган қўшимча фойдасиз юк ҳисобланади.

Вагон конструкцияси сифатини бошқа кўрсаткичлар билан бир қаторда, вагоннинг тара массаси ( $q_T$ ) ва юк кўтариши ( $G_{\text{юк}}$ ) ни ўзаро нисбати тавсифлайди,

$$k_T = q_T / G_{\text{юк}} \quad (9.1)$$

Бу кўрсаткич **таранинг техник коэффиценти** деб аталади. У қанча кичик бўлса вагоннинг конструкцияси шунча яхши ҳисобланади. Таранинг техник коэффиценти кўпчилик вагонларга 0,3 дан 0,4 гача ўзгариб туради. Изотермик вагонларда у 1 дан зиёд, транспортерларда ҳам таранинг техник коэффиценти юқори.

Лекин таранинг техник коэффиценти, муайян шароитда ҳақиқий ташиладиган юкка тоннада тўғри келадиган вагоннинг тара массасини ифодала олмайди. Муайян турдаги вагон учун характерли юкни ташишда вагонни юк кўратишидан фойдаланишни инобатга олувчи **таранинг юклаш коэффиценти** вагонни эксплуатацион сифатини янада аниқроқ ифодалайди. У қуйидаги формула бўйича аниқланади

$$k_{\text{ю}} = q_T / (G_{\text{юк}} \cdot \lambda) \quad (9.2)$$

бу ерда  $\lambda$ - вагоннинг юк кўтаришидан фойдаланиш коэффиценти.

Вагоннинг юк кўтаришидан фойдаланиш коэффиценти қуйидаги формула ёрдамида аниқланади,

$$\lambda = P_{\text{ст}} / G_{\text{юк}} \quad (9.3)$$

бу ерда  $P_{\text{ст}}$  – вагоннинг ўртача статик юкламаси, *m*.

Қайси бир турдаги вагоннинг юк кўтаришидан фойдаланиш коэффиценти **катта қийматга** эга бўлса бундай вагон бошқа турдаги вагонга ушбу юкни ташиш учун самарали вагон ҳисобланади.

$\lambda$  ни (9.3)-формуладаги қийматни (9.2) формулага қўйсақ

$$k_{\text{ю}} = q_T / P_{\text{ст}} \quad (9.4)$$

Қайси бир турдаги вагонга тарани техник коэффиценти ва таранинг юклаш коэффиценти **кичик қийматга** эга бўлса бундай вагон бошқа турдаги вагонга қараганида конструкцияси жиҳатидан сифатли ҳисобланади.

Лекин таранинг юклаш коэффиценти уни конструкциясига (универсаллик даражасига) боғлиқ бўлган вагоннинг бўш ўтган масофасини инобатга олмайди. Шунинг учун вагон конструкцияси сифатини баҳолаш учун **таранинг эксплуатацион коэффиценти** қўлланади

$$k_{\text{э}} = q_T (1 + \alpha_{\text{б}}) / P_{\text{д.ю}} \quad (9.4)$$

бу ерда  $\alpha_6$  – вагоннинг бўш ўтган масофа коэффициентлари (вагоннинг бўш ўтган масофасини юкли ўтган масофасига нисбати).

Вагоннинг юк кўтаришидан тўлиқ фойдаланилганда ва бўш ўтган масофасини мавжуд бўлмаганида барча бу учта тараф коэффициентлари тенг бўлиши мумкин. Платформаларда таранинг техник коэффициентлари энг кичик қийматга эга, таранинг юклаш коэффициентлари эса уларда бошқа вагонларга қараганда юқори, чунки платформаларнинг юк кўратишидан фойдаланиш яхши эмас.

Вагонларни лойиҳалашда уларнинг юк кўтаришидан тўлароқ фойдаланиш учун ташиладиган юкларнинг транспорт тавсифномасини инобатга олиб вагонни юк кўтариши ва ҳажмининг ўзаро муносабати белгиланади. Бу жуда муҳим масала; агар ёпиқ вагон ҳажмий массаси ( $\gamma$ ) нинг қиймати катта бўлган юкларни ташиш учун лойиҳаланса, у ҳолда вагон кузовини ҳажми кичик бўлади, аммо енгил юкларни ташишда анчагина даражада вагоннинг юк кўратишидан фойдалана олинмайди. Агар ёпиқ вагон фақат енгил юкларни ташишга лойиҳаланса, унда вагонни ҳажми кескин ошиб кетади, бу эса вагоннинг тараф массасини ўсишига сабаб бўлади. Ҳаракатдаги составни танлашда, уларнинг юк кўтаришидан тўлароқ фойдаланиши таъминлаш учун вагоннинг юк кўтариши ва ҳажмининг энг мақсадга мувофиқ ўзаро муносабатини (юкларнинг транспорт тавсифномасига мувофиқ) белгилаш керак бўлади. Вагон кузови ҳажмининг иккита тушинчаси мавжуд:

- вагоннинг тўлиқ ҳажми ( $V_T$ ) вагоннинг узунлигини унинг энини ва баландлигини кўпайтмасига тенг;

- вагоннинг юклаш (фойдали) ҳажми ( $V_{\text{юк}}$ ) – муайян юкни вагонга ортиш учун ҳақиқий фойдаланиш мумкин бўлган вагоннинг тўлиқ ҳажмини қисми.

Очиқ ҳаракатдаги составга вагонни бортидан баландроқ “шапка” усулида ортишда бу ҳажми ҳам инобатга олиш керак бўлади. Бундай ҳолатда вагоннинг юклаш ҳажми вагоннинг тўлиқ ҳажмидан катта бўлади.

Вагон ҳажмини ва унинг юк кўтаришини ўзаро нисбати **вагоннинг солиштирма ҳажмини** тавсифлайди ва қуйидаги формула орқали аниқланади,

$$V_{\text{сол}} = V_T / G_{\text{юк}} \cdot m^3/m \quad (9.5)$$

Вагоннинг солиштирма ҳажми қанча юқори бўлса, енгил вазинли юкларни ташишда унинг юк кўтаришидан шунча яхши фойдаланиш мумкин.

Қайси бир турдаги вагонга солиштирма ҳажми **катта қийматга** эга бўлса бундай вагон бошқа турдаги вагонга қараганида конструкцияси жиҳатидан самарали вагон ҳисобланади.

Вагоннинг юк кўтаришини унинг кузовини тўлиқ ҳажмига нисбати ёки  $1 \text{ м}^3$  кузов ҳажмига тўғри келадиган вагоннинг юк кўтариши **вагоннинг солиштирма юк кўтариши** деб аталади ва қуйидаги формула орқали аниқланади,

$$P_{\text{сол}} = G_{\text{юк}} / V_{\text{т}}, \text{ м}^3 \quad (9.6)$$

Қайси бир турдаги вагонга вагоннинг солиштирма юк кўтариши **кичик қийматга** эга бўлса бундай вагон бошқа турдаги вагонга қараганида конструкцияси жиҳатидан самарали вагон ҳисобланади.

Вагоннинг солиштирма юк кўтариши ( $P_{\text{сол}}$ ) юкнинг ҳажмий массаси ( $\gamma$ ) га тенг, яъни  $\gamma = P_{\text{сол}}$  бўлса, вагоннинг юк кўтаришидан ва сигимидан тўлиқ фойдаланиш мумкин. Агар  $\gamma < P_{\text{сол}}$  бўлса, вагонга юклар ортилганида, вагоннинг сигимидан тўлиқ фойдаланилади, юк кўтаришидан эса тўлиқ фойдаланила олинмайди. Агар  $\gamma > P_{\text{сол}}$  бўлса, вагоннинг юк кўтаришидан тўлиқ фойдаланилади, сигимидан эса тўлиқ фойдаланила олинмайди.

Очиқ ҳаракатдаги состав (айниқса платформа) лар учун поли майдонини ва юк кўтаришини ўзаро нисбати **вагон полининг солиштирма майдони** билан тавсифланади,

$$F_{\text{сол}} = F / G_{\text{юк}}, \text{ м}^2/\text{т} \quad (9.7)$$

бу ерда  $F$  – вагон полининг тўлиқ майдони  $\text{м}^2$ .

Вагон полининг солиштирма майдони қанча юқори бўлса унинг юк кўтаришидан шунча яхши фойдаланилади.

Вагоннинг юк кўтаришини ошириш унинг ўқлари сонини оширмай туриб, анчагина даражада йўлнинг мустаҳкамлиги чекланади. Бу шартни инобатга олган ҳолда лойиҳаланаётган вагоннинг мумкин бўлган юк кўтариши,

$$G_{\text{юк}} = q_0 \cdot n_{\text{ваг}} / (1 + k_{\text{т}}), \text{ т} \quad (9.8)$$

бу ерда  $q_0$  – вагон ўқидан йўлга тушадиган жоизлик юкламаси, т;

$n_{\text{ваг}}$  – вагондаги ўқлар сони.

Шундай қилиб ҳозирда вагон ўқидан йўлга тушадиган жоизлик юкламаси вагонларнинг юк кўтаришига жиддий таъсир қилади ва асосий чекловчи омил ҳисобланади.

Назорат саволлари

87. Темир йўл транспортида юк, йўловчи, багаж, юк багаж ва почта ташиш учун мўлжалланган вагон ва контейнерлар қайси меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб бериши керак?

88. Техник жиҳатдан вагонларни яроқлилиқ аломатларига нималар мансуб эмас?

89. Техник жиҳатдан вагонларни яроқлилиқ аломатларига нималар мансуб эмас?
90. Техник жиҳатдан вагонларни яроқлилиқ аломатларига нималар мансуб эмас?
91. Тижорий жиҳатдан вагонларни яроқлилиқ аломатларига нималар мансуб эмас?
92. Тижорий жиҳатдан вагонларни яроқлилиқ аломатларига нималар мансуб эмас?
93. Тижорий жиҳатдан вагонларни яроқлилиқ аломатларига нималар мансуб эмас?
94. Тижорий жиҳатдан вагонларни яроқлилиқ аломатларига нималар мансуб эмас?
95. Агар ортиш темир йўлининг воситаларида амалга оширилса муайян юкни ташиш учун тижорий муносабатда вагонларнинг яроқлилигини ким аниқлайди?
96. Агар ортиш юк жўнатувчининг воситаларида амалга оширилса муайян юкни ташиш учун тижорий муносабатда вагонларнинг яроқлилигини ким аниқлайди?
97. Муайян юкни ташиш учун тижорий муносабатда контейнерларни яроқлилигини ким аниқлайди?
98. Муайян юкни ташиш учун тижорий муносабатда цистерналарни яроқлилигини ким аниқлайди?
99. Муайян юкни ташиш учун тижорий муносабатда бункерли ярим очик вагонларни яроқлилигини ким аниқлайди?
100. Магистрал темир йўл транспортининг юк вагонлари қайси турларга бўлинадилар?
101. Кенг номенклатурадаги қимматбаҳо идиш-ўровли ва донали юклар ҳамда атмосфера таъсиридан ҳимоя қилишни талаб этадиган юклар қайси турдаги вагонларда ташилади?
102. Кенг номенклатурадаги оғир вазнли, узун бўйли ва улкан юклар ҳамда ҳажмий массаси  $1,8 \text{ т/м}^3$  дан зиёд бўлган тўкилувчан юклар қайси турдаги вагонларда ташилади?
103. Кўмир, маъдан ва маъдан концентратлари, кокс, торф, минерал қурилиш материаллари каби оммавий тўкилувчан юклар қайси турдаги вагонларда ташилади?
104. Нефть ва нефть маҳсулотлари, ёғлар, турли кислота ва ишқорлар ва шунга ўхшаш суяқ юклар қайси турдаги вагонларда ташилади?



## **10-маъруза. Тарифлар ва ташиш кира ҳақларини аниқлаш**

**Режа:**

- 1. Темир йўл транспорти хизматлари учун тарифлар ва йиғимлар, уларни иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни**
- 2. Темир йўл юк ташиш тарифларини давлат томонидан тартибга солишнинг мақсадлари ва принциплари**
- 3. Юк тарифларининг турлари**
- 4. Кира ҳақларини ва йиғимларни ундириш**
- 5. Шартномавий тарифлар**

### **1. Темир йўл транспорти хизматлари учун тарифлар ва йиғимлар, уларни иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни**

Белгиланган тартибда тасдиқланган, юк ташиш учун ва ташишда бажариладиган қўшимча ишлар ва хизматлар учун ундиралидиган ҳақларни ўз ичига олган баҳо тизимлари ҳамда уларни аниқлаш тартиблари **темир йўл юк тарифлари** деб аталади.

Тарифга кирмаган қўшимча операциялар ва ишларга тўланадиган тўлов ставкаси **йиғим** деб аталади.

Юк ташиш тарифлари давлатнинг иқтисодий ҳолатига ҳамда турли корхона ва минтақа ишлаб чиқаришларининг-иқтисодий боғланишларига бевосита таъсир қилади.

*Юк ташиш сарфлари ишлаб чиқариш харажатларининг ва қарийб барча истисодиёт тармоқлари маҳсулотларининг баҳоси таркибига киради. Маҳсулотнинг охирги баҳосидаги транспорт ташкил этувчисига мувофиқ унинг қиймати аниқланади. Қазилма саноат тармоқлари маҳсулотларининг охирги баҳоларида транспорт тарифларини солиштирма вазни анчагина каттадир. Ўз навбатида темир йўл транспорти турли ҳил саноат маҳсулотларини истеъмол қилади, қайсики бу маҳсулотларнинг қиймати ўз навбатида юк ташиш таннарҳи даражасига бевосита таъсир қилади. Масалан, ёқилги сифатида кўмир истеъмол қиладиган иссиқлик электр станцияларида ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг таннарҳи даражасига юк ташиш тарифлари бевосита таъсир қилади. Юк ташиш тарифларининг юқори бўлиши кўмирнинг охирги баҳосини ўсишига, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариладиган ҳар бир киловатт электр энергиясининг таннарҳи даражасини ўсишига олиб келади. Темир йўл транспорти эса юк ташишларда жуда катта миқдорда электр энергияси истеъмол қилинади. Электр энергиясини қимматлашуви эса юк ташиш таннарҳини ўсишига сабаб бўлади. Юк ташиш таннарҳларини ўсиши ўз навбатида юк ташиш тарифларини қайта (юксалиш томонига) кўриб чиқишига мажбур этади.*

Шу сабабли юк ташиш тарифларини тўғри тартибга солиш халқ хўжалик иқтисодиётининг ва ижтимоий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида” ги Қонунинг 13-моддасида *“Темир йўл транспортида юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажни ташиш тарифлари юк жўнатувчиларнинг ҳамда йўловчиларнинг манфаатлари инобатга олинган ҳолда давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайин этилган тартибда белгиланади.*

*Халқаро қатновларда ташиш тарифлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ тайинланади.*

*Юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажни ташиш билан боғлиқ қўшимча ишлар ва хизматлар учун шартнома асосида ҳақ тўланади”-деб белгиланган.*

Юк ташиш тарифлари, йиғимлари ва ҳақлари юк ташиш ҳамда қўшимча ишлар ва хизматлар таннархи ва темир йўл транспорти корхоналарининг зарар кўрмай фаолият кўрсатишни таъминлашдан келиб чиққан ҳолда даромадлилик даражаси асосида белгиланади.

Темир йўл транспортида тарифлар, йиғимлар ва ҳақлар бошқа ҳолатларда **шартнома** асосида белгиланади.

## **2. Темир йўл юк ташиш тарифларини давлат томонидан тартибга солишнинг мақсадлари ва принциплари**

*Темир йўл юк ташиш тарифларини давлат томонидан тартибга солишдан асосий мақсад - темир йўли ҳамда темир йўлининг хизматидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг ўзаро манфаатларини мувозанатини таъминлашдан иборат.* Темир йўл юк ташиш тарифларини давлат томонидан тартибга солиниши:

- *темир йўл транспорти корхоналари хизмати истеъмолчиларининг манфаатларини иқтисодий җимоя қилишга;*
- *халқ хўжалик сарфларини камайтиришга ва истеъмолчилар учун темир йўл транспорти хизматларини қулайлигини таъминлашга;*
- *транспорт хизмати бозорида рақобатли муҳитни ривожлантиришга;*
- *юк ташиш таннархини камайтиришнинг ва транспорт хизматларини сифатини оширишнинг иқтисодий стимулини яратишга;*
- *темир йўл транспорти корхоналарининг барқарор ва иқтисодий самарали ишлаб туришини таъминлашга йўналтирилган.*

**Давлатнинг транспорт тарифларини тартибга солиш принциплари қуйидагилардан иборат:**

- *бозор шароитларида хўжалик юритишга тарифларнинг тузиш тизимларни мос келиши;*

- иқтисодий асосланган сарфларни қоплашни ва фойда олишни таъминловчи ягона тузилма ва тариф тузиш тизимини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш;

- юк ташиш тури бўйича эксплуатацион харажатларни тақсимлаш;

- темир йўл транспорти хизмати ҳар бир ишъомолчи учун бир хил ва бир текис муомалада бўлишини таъминлаш;

Темир йўл юк ташиш тарифларини давлат томонидан тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси темир йўл Уставининг (қуйида Устав деб юритилади) 42-моддасида ўзининг юридик ўрнини эгаллаган. “*Доимий эксплуатацияга қабул қилинган темир йўл линияларида ички қатновларда юк, йўловчи ва багаж ташиш учун тарифларни темир йўли Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган тартибда тайинлайди.*

*Кира ҳақларини ва жарималарни ҳисоблаш Қоидаларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ темир йўли ишлаб чиқади*”.

Юк ташиш тарифлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча темир йўллар учун ўртача юк ташиш таннархини инобатга олган ҳолда тайинланади. Юк ташиш тарифини тузиш учун турли юкларни ташиш таннархи ва темир йўл транспорти корхоналарининг зарар кўрмай фаолият кўрсатишни таъминлашидан келиб чиққан ҳолда даромадлилик даражаси асосида белгиланади. Бунда корхоналар маҳсулотларининг баҳосида транспорт ташкил этувчиси сарфнинг миқдори инобатга олинади.

Тариф тузилмалари тизимларининг энг муҳим қисми Прейскурант № 10-01 ҳисобланиб бунда асосий ставкалар келтирилган бўлиб, темир йўл транспортига фойдали ишлашни таъминлайди.

### **3. Юк тарифларининг турлари**

Бозор иқтисодиёти шароитида темир йўл транспортида қуйидаги юк тарифларининг турлари амалда бўлади:

- Ўзбекистон Республикасининг ички қатновлар учун юк ташиш тарифлари, тегишли баҳо тузилма (ценообразование) давлат органлари томонидан тартибга солинади;

- халқаро юк ташишлар учун тарифлар, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида тайинланади.

Бундан ташқари Уставнинг 43-бандига мувофиқ – “*Темир йўли:*

*а) иқтисодий мақсадга мувофиқликдан келиб чиқиб ички қатновларда **истисноли тарифларни тайинлаш;***

*б) юк ташиш билан боғлиқ бўлган: темир йўл шохобчаларига вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш, маневр ишлари, юкларни тортиш, вагонларни ювиш ва дезинфекция қилиш, номенклатурадаги юкларни қўриқлаш каби операциялар учун қўшимча ишлар ва хизматларга **мажбурий ҳақ ставкаларини тасдиқлаш;***

в) алоҳида йўналишларда юкнинг ҳақиқий босиб ўтган масофасига ташиш учун кира ҳақларини ҳисоблаш тартибларини тайинлаш ҳуқуқига эга.

Юк, йўловчи, багаж ва юк багаж ташиш билан боғлиқ бўлган қўшимча ишлар ва хизматлар учун бошқа ҳақ ставкалари шартномавий асосда тайинланади”.

**Барча юк тарифлари жўнатманинг турига ва ташиш усулига мувофиқ тарифлар:**

- **вагонланган жўнатма**, юкни массасига мувофиқ ҳар бир вагон учун ундирилади;

- **тоннасига**, цистерналарга қуйиб ташиладиган юкларнинг ҳар бир тоннаси учун ҳақ ундирилади;

- **майда жўнатма** - терма вагонларда ташиладиган юклар учун;

- **контейнерлар учун** - транспортнинг ва корхоналарнинг универсаль контейнерларида, уларнинг брутто массасига мувофиқ, юк ташишлар учун;

- ўзининг ўқларида юклар каби ташиладиган **рельсда ҳаракатланувчи составларга**, ҳар бир ўқнинг босган масофасига ундирилади.

**Юк, катта ва йўловчи ташиш тезликлари** учун тарифлар белгиланган. Тез бузилувчан юклардан ва ҳайванлардан бошқа барча юклар учун катта тезлик тарифи юк ташиш тезлигига қараганда **икки баравар** ортиқ бўлади. Юк ташиш ва катта тезликлар учун кира ҳақи одатда **энг қисқа масофа учун ундирилади**. Лекин транспортерда ташиладиган ногабарит юкларга ва йўловчи поездларига тиркаланидиган багаж ва юк вагонларида ташиладиган юкларга кира ҳақи **ҳақиқий босиб ўтилган масофа учун ундирилади**.

#### **4. Кира ҳақларини ва йиғимларни ундириш**

Кира ҳақларини аниқлаш учун 1- сонли тариф қўлланмасидан ва 4 – сонли тариф қўлланмасидан фойдаланилади.

1 - сонли тариф қўлланмаси икки қисмдан иборат. Биринчи қисм бешта бўлимдан иборат. А, Б, В бўлимларида мувофиқ равишда тарифларни, қўшимча йиғимларни ва жарималарни қўллаш тартиблари келтирилган. Г бўлимида **юкларнинг ягона тариф-статистик номенклатураси** (единая тарифно-статистическая номенклатура грузов, қуйида ЕТСНГ деб юритилади) ва ЕТСНГ нинг бўлимлари, тариф гуруҳлари ва тариф позициялари бўйича темир йўлининг умумий паркини ҳамда корхона, ташкилотлар ва идоралар тасарруфидаги ёки улар ижарага олган универсаль вагонларга тонналарда юк ортишнинг **энг кам вазин меъёри** (минимальная весовая норма, қуйида МВН деб юритилади) берилган.

Юкларнинг ягона тариф - статистик номенклатураси (ЕТСНГ) да барча турдаги транспортлар учун асосий номенклатурадаги юклар инобатга олинган бўлиб, бу эса ўз навбатида барча турдаги транспортларда юк ташишлар ҳақидаги ахборотларни қайта ишлашнинг автоматизациялашган тизимларини ва юк жўнатувчилар ва юк олувчилар билан транспорт ташкилотларини ўзаро муносабатларини мувофиқлаштиришни таъминлайди.

Шунингдек ЕТСНГ да тармоқларо ишлаб чиқариш номенклатурасини ва маҳсулотларнинг халқ хўжалигида тақсимлаш ҳам мувофиқлаштирилган. Тариф номенклатураси тармоқ - ишлаб чиқариш принципи бўйича, яъний юклар ишлаб чиқариш ёки истеъмол соҳасидаги тахминан бир ҳил мақсадлар учун фойдаланишига қараб тузилган. ЕТСНГ да барча юклар 11 та бўлимга ва 69 та гуруҳга бирлаштирилганлар. 1 - гуруҳдан 7 - гуруҳгача қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, 8-гуруҳдан 69-гуруҳгача эса саноат маҳсулотлари. Тариф гуруҳлари тариф позицияларига бўлинадилар, улар 247 та. Тариф позициялари эса ўз навбатида юкларнинг тартиб рақамларига бўлинадилар.

1- сонли тариф қўлланмасининг биринчи қисмининг, Г бўлимида келтирилган энг кам вазин меъёри (МВН) юкларни ташиш кира ҳақларини аниқлашда ишлатилади. 8.1-жадвалда баъзи бир тариф гуруҳлари ва тариф позициялари учун энг кам вазин меъёри (МВН) берилган.

8.1-жадвал

**Темир йўлининг умумий паркининг ҳамда корхона, ташкилотлар ва идоралар тасарруфидаги ёки улар ижарага олган универсаль вагонларга тонналарда юк ортишнинг энг кам вазин меъёри (МВН)**

Код тарифной группы и позиции	Наименование грузов по группам и позициям	МВН т.
04300	Картофель свежий	48
05400	орехи	35
08200	Лесоматериалы крепёжные	44
13200	Бумага и картон	37
14100	Руда железная	г/п
16100	Уголь каменный	г/п
22100	Мазут	50
26100	Материалы и изделия тепло и звукоизоляционные, кроме асбестовых технических	15
36100	Машины сельскохозяйственные и их части	17
43300	Удобрения азотные	г/п
44200	Продукция парфюмерно – косметические и эфирно-масличные промышленности	20
50100	Мука пшеничная	г/п

Агар вагонга ортилган юкни вазни МВН дан кам ёки МВН га тенг бўлса, универсаль вагонларда юк ташиш кира ҳақлари ушбу меъёр бўйича ундирилади. Агарда вагонга ортилган юкни вазни МВН дан катта бўлса, универсаль вагонларда юк ташиш кира ҳақлари ҳисоблаш вагонга ортилган юкни вазнига мувофиқ амалга оширилади.

1- сонли тариф қўлланмасининг биринчи қисми, Д бўлимида темир йўлида ташиладиган барча юкларнинг аниқ номларининг рўйхати алфавит тартибида келтирилган. Ҳар бир юк номининг қаршисида шу юкнинг олти хона сонли коди кўрсатилган. Юкнинг олти хона сонли кодининг биринчи икки сони юкнинг тариф гуруҳини, учинчи сон тариф гуруҳидаги юк позициясининг тартиб рақами, тўртинчи ва бешинчи сонлар тариф позициясидаги юкнинг тартиб рақамини ва олтинчи сон - назорат рақами билдиради. 10.1-расмда туйилган алебасрт (алебасрт молотый) нинг ЕТСНГ бўйича коди ва ундаги сонларнинг тавсифлари кўрсатилган.



**8-1-расм. ЕТСНГ бўйича туйилган алебасртнинг коди**

Темир йўл транспорти бўйича Кенгаш қатнашчилари - Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамда Латвия Республикаси, Литва Республикаси ва Эстония Руспубликаларининг (қуйида Кенгаш қатнашчилари деб юритилади) темир йўл маъмуриятлари худудларида тариф масофаларини аниқлаш учун қўлланиладиган 4- сонли тариф қўлланмаси учта китобдан иборат.

4- сонли тариф қўлланмаси 1 – китобида Кенгаш қатнашчилари темир йўл станциялари ўртасидаги тариф масофалари жўнаш ва келиш бўйича масофа жадвалларида келтирилган. Жадвалларда ҳар бир жўнаш ва келиш пункти (станция) дан уларга яқин бўлган узелгача бўлган участкалар бўйича тариф масофалари келтирилган. Жадвалларда

станциялар, бошқа алоҳида ва йўловчилар тўхташ пунктлари географик тартибда кетма-кет жойлаштирилган. Ҳар бир пунктнинг қаршисига унинг, алоҳида ва йўловчи тўхташ пунктларини кодлаштиришнинг ягона тизими бўйича, тартиб рақами (коди) кўрсатилган. Шунингдек ҳар бир пункт номининг олдида унинг қисқартирилган хизмат белгилар қўйилган: рзд (разъезд), бп (блок пост), обп (обгонный пункт), пп (путевой пост), оп (пассажирские остановочный пункт), пл (пассажирские платформа).

4- сонли тариф қўлланмаси 2 – китобида темир йўл станцияларининг алфавит рўйхати келтирилган.

4- сонли тариф қўлланмаси 3 – китобида эса транзит пунктлар ўртасидаги тариф масофалари келтирилган.

## 5. Шартномавий тарифлар

Уставнинг 43-моддасига мувофиқ –Юк, йўловчи, багаж ва юк багаж ташиш билан боғлиқ бўлган қўшимча ишлар ва хизматлар учун бошқа ҳақ ставкалари шартномавий асосда тайинланиши белгиланган. Бунинг учун “ЎТЙ” ДАТК нинг минтақавий темир йўл узеллари бўйича юк, йўловчи ва багаж ташиш билан боғлиқ бўлган қўшимча ишлар ва хизматлар учун шартномавий тарифлар ишлаб чиқилган. Хозирда 70 га яқин қўшимча ишлар ва хизматлар шартномавий тарифлар калькуляцияси рўйхатлари мавжуд. 8.2-жадвалда “ЎТЙ” ДАТК нинг Тошкент минтақавий темир йўл узели бўйича юк ташиш билан боғлиқ бўлган қўшимча ишлар ва хизматлар учун шартномавий тарифлар калькуляциясининг рўйхатининг баъзи-бирлари келтирилган.

8.2-жадвал

**“ЎТЙ” ДАТК нинг Тошкент минтақавий темир йўл узели  
бўйича юк ташиш билан боғлиқ бўлган қўшимча ишлар ва хизматлар  
учун шартномавий тарифлар калькуляциясининг  
Р Ў Й Х А Т И**

№	№ Калькул.	Наименование калькуляции	Измери- тель	Сумма, сум
1	1.4	Наограничение скорости думпкарных вертушек в грузежном состоянии	1 поездо- км	214
2	1.7	На выделение дополнительного плана на один вагон в пределах Узб. ж.д.	1 вагон	35000
3	1.7 (1)	На выделение дополнительного плана на один вагон за пределами Узб. ж.д.	1 вагон	56757
11	1.12 (2)	На переадресовку одного вагона в прямом направлении по приказу ГАЖК «УТИ»	1 вагон	25000
15	1.15	Навзвешивание и проверку веса груза при приема и выдача на весах железной дороги	1 вагон	9595

20	1.16 (4)	На наложение одного запорно-пломбировочного устройства (ЗПУ) за счёт клиента	1 вагон	8000
27	1.20	За выполнение экспедиционных операций - за въезд автотранспорта на грузовой двор станции	1 машина	4000
30	1.24	На консультации по упаковке, обшивке, увязке груза	1 конс.	3000
42	1.33 (3)	На очистку одного вагона	1 вагон	3600
43	1.33 (4)	На очистку одного специального вагона	1 вагон	6000
44	1.33 (5)	На очистку одного цементавоза	1 вагон	8600

## Назорат саволлари

105. Белгиланган тартибда тасдиқланган, юк ташиш ва ташишда бажариладиган қўшимча ишлар ва хизматлар учун ундиралидиган ҳақларни ўз ичига олган баҳо тизимлари ҳамда уларни аниқлаш тартиблари ..... деб аталади.

106. Тарифга кирмаган қўшимча операциялар ва ишларга тўланадиган тўлов ставкаси ..... деб аталади.

107. Доимий эксплуатацияга қабул қилинган темир йўл линияларида ички қатновларда юк, йўловчи ва багаж ташиш учун тарифларни ким белгилайди?

108. Темир йўл юк ташиш тарифларини давлат томонидан тартибга солиниши нималарга йўналтирилган?

109. Темир йўл юк ташиш тарифларини давлат томонидан тартибга солиниши нималарга йўналтирилган?

110. Давлатнинг транспорт тарифларини тартибга солиш принциплари нималардан иборат?

111. Давлатнинг транспорт тарифларини тартибга солиш принциплари нималардан иборат?



## **11-маъруза. Юкларни ташишга тайёрлаш ва қабул қилиш**

**Режа:**

- 1. Юк жўнатувчи юкларни ташишга тайёрлаши;**
- 2. Юкларни транспортга оид тамғалаш;**
- 3. Юк ташиш шартномаси;**
- 4. Ташиш ҳужжатларини шакллари ва уларни тўлдиришга қўйиладиган талаблар;**
- 5. Юк жўнатувчи юкхатини тўлдириши;**
- 6. Юкхатини текшириш ва визалаш;**
- 7. Юкни баҳосини билдириш;**
- 8. Станциянинг умумий фойдаланиш жойларидан ортиб жўнатиладиган юкларни ташишга қабул қилиш;**
- 9. Юк массасини аниқлаш;**
- 10. Жўнатувчи станция товар идорасида бажариладиган операциялар технологияси;**
- 11. Юкларни етказиб бериш муддати ва уларни аниқлаш тартиби.**

### **1. Юк жўнатувчи юкларни ташишга тайёрлаши**

Юк жўнатувчилар амалдаги қоидаларга мувофиқ ташиш жараёнида ҳаракат, ёнғин ва экологик хавфсизликни, юкларни, юк багажларни, вагонларни ва контейнерларни асрашни таъминлаш ҳамда ташиш воситаларидан самарали фойдаланиш мақсадида ўз маҳсулотларини ташишга мукамал тайёрлашлари шарт. **Юкларни ташишга тайёрлашга қўйдаги муҳим операциялар мансуб бўлади:**

- *маҳсулотларни керакли сифат ҳолатига келтириш – қуриштириш, саралаш, олдиндан совутиш ва бошқалар;*
- *юк жойларини транспорт пакетларида ва боғломларида йириклаштириб лозим даражада ўраш;*
- *зичлаш – қиринда, самон, пахол, пичан, арра тўпон ва бошқаларни исканжалош (пресслаш);*
- *темир терсакларни йирик қисмларини майдалаш;*
- *йирик габаритли машина, асбоб – ускуна ва жиҳозларни қисмларга ажратиш;*
- *юк жойларига транспорт тамгаларини тасвирлаш ва бошқалар.*

Юкларни ташишга тайёрлашнинг муҳим шарларидан бири юкларни идишлаш ва ўраш ҳисобланади. Уставнинг 49-бандига мувофиқ юкларни ташишида йўқолишдан, кам чиқишдан, бузилишдан ва шикастланишдан ҳимоя қилиш учун идишларга зарурият бўлса, юк жўнатувчилар уларни тегшили **давлат стандартларидаги яроқли идишда**, идиши ва ўровига стандартлар белгиланмаган юкларни эса, уларни тўлиқ асрашни таъминлайдиган **яроқли идишда** ташишга тақдим этишлари керак.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, юкларни ташишда асрашни таъминловчи **ностандарт идишларда**, ташишга қабул қилиш мумкинлиги белгилаб қўйилган. Юкларни ташишга тайёрлашда уларни тегишли текшириш ва назорат органлари (ғалла ва карантин инспекцияси, ветеринар – санитар назорат) томонидан кўрикдан ўтказиш ҳам амалга оширилади.

## **2. Юкларни транспортга оид тамғалаш**

Идиш – ўровли ва донали юкларни жўнатувчи юкларни қабул қилиш ва ташиш Қоидаларига (юк ташиш Қоидалари 3-бўлим) мувофиқ транспортга оид тамғаларни тасвирлаши керак. Транспортга оид тамғалашнинг мазмуни, уни тасвирлаш жойи ва усули, жойлаштириш тартиби, тамғалаш ёрлиқларининг ўлчамлари ва ёзувлар ГОСТ 14192-96 “Юкларни тамғалаш” га мувофиқ бўлиши керак. **Транспортга оид тамғалаш манипуляция нишонларидан; асосий, қўшимча ва ахборот ёзувларидан иборат.**

**Манипуляция нишонлари** – бу юк билан муносабатда (муомалада) бўлиш услубларини кўрсатувчи тасвирдир. Манипуляция нишонлари тасвирлашнинг зарурлиги маҳсулотнинг стандартларида ёки бошқа меъёрий – техник ҳужжатларида белгиланади. Манипуляция нишонлари юкнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида огоҳлантиради, ҳамда хизматчиларга маҳсулотни ортиш – тушириш, сақлаш ва ташиш услублари ҳақида маълумот беради. 11.1-расмда манипуляция нишонлари кўрстилган бўлиб, улар стандартлаш бўйича халқаро ташкилат ИСО (**ISO – International Organisation for standardisation**) нинг Р 780 тавсиясига тўлиқ мос тушади. Манипуляция нишонларининг номлари ва вазифалари куйдагилардан иборат:


**I-эҳтиётлик билан, мўрт.** Нишон мўрт, синадиган ва зарбада шикастланадиган юкларда тасвирланади. Бу нишон билан тасвирланган юкларни зарбдан ва қулашдан асраш керак.

**II-исшдан кўрқади.** Агар ҳароратни кўтарилиши юкнинг бузилишига ёки хусусиятини ўзгаришига олиб келса, юкка ушбу нишон тасвирланади. Бу нишон билан тасвирланган юклар ташишда ва сақлашда иссиқлик манбааларига яқин қўйилиши ёки қуёш нурлари остида қолиб кетиши мумкин эмас.

**III-намликдан кўрқади.** Агар юкни атмосфера таъсиридан ва сувдан муҳофаза қилиш лозим бўлса бундай юкларда ушбу нишон тасвирланади. Бу нишон билан тасвирланган юкларни очиқ транспорт воситаларида ҳимоясиз ташиш ва очиқ омборларда сақлаш ҳамда ерга тагликсиз қўйиш мумкин эмас.

**IV-нурланишдан кўрқади.** Агар ҳар қандай нур энергияси юкнинг хусусиятига таъсир қилиши ёки ўзгартириб юбориши мумкин бўлса бундай юкларда ушбу нишон тасвирланади.

**V-совуқдан кўрқади.** Агар ҳарорат нишонда кўрсатилганидан пасайиб кетса юк бузилиши ёки хусусияти ўзгариб кетиши эҳтимоли бўлган юкларда ушбу нишон тасвирланади. Бу нишон билан тасвирланган юклар ҳарорат нишонда кўрсатилган қора рангдан пасайиб кетганида совуқдан ҳимоя қиланиши керак.



1.5-расм. Манипуляция нишонлари

**VI-тез бузилувчан юк.** Ташишда ва сақлашда юкори ёки паст ҳарорат таъсирида қолиши мумкин бўлмаган ва юкни ҳимоя қилиш учун тегишли чора-тадбирлар (сунъий совутиш ёки иситиш, шамоллатиш ва ш.

ў. лар) кўриш керак бўладиган юкларда ушбу нишон тасвирланади. Транспорт вазирликлари тасдиқлаган тез бузилувчан юкларни ташиш Қоидаларига мувофиқ ташиладиган юкларда ушбу нишон тасвирланади.

**VII-герметик ўров.** Нишон ташқи муҳит таъсирларига сезгир бўлган юкларда тасвирланади. Бу нишон билан тасвирланган юклар ўровини ташишида ва сақлашда очиш тақиқланади.

**VIII-бевосита илгакда кўтарилмасин.** Қачонки илгак ўровни шикастлантирганда юкни шикастланишини ёки нобуд бўлишини келтириб чиқариши мумкин бўлган юкларда ушбу нишон тасвирланади. Бу нишон билан тасвирланган юкларнинг бевосита ўровидан илгакка илиб ёки қамраб олмасдан кўтариш ва кўчириш лозим.

**IX-осиш (илиш) жойи.** Агар юкни кўтариш учун арқон ёки занжир бошқа жойдан илиб олинса юкни ёки ўровни шикастланишини келтириб чиқариши мумкин бўлган юкларда ушбу нишон тасвирланади. Юкни кўтаришда арқон ёки занжир нишон кўрсатилган жойдан илиб олиниши керак.

**X-аравачада кўтариладиган жой.** Агар аравачада юкни бошқа жойдан кўтариб олиш хавfli бўлса ёки маҳсулотни ёхуд ўровни шикастланишини келтириб чиқариши мумкин бўлган юкларда ушбу нишон тасвирланади. Юкни кўтариб олишда аравача нишон кўрсатилган жойдан кўтариб олиши керак.

**XI-усти, тўнкарилмасин.** Агар юкнинг ҳолатини ўзгариши унинг шикастланишини келтириб чиқариши мумкин бўлган юкларда ушбу нишон тасвирланади. Бу нишон билан тасвирланган юклар ташишда, сақлашда ва ортиш-тушириш ишларида ҳар доим стрелкалар йўналиши юқорига бўлган ҳолатда бўлиши керак.

**XII-оғирлик маркази.** Қачонки оғирлик маркази юкнинг геометрик маркази ташқарисида бўлса, ҳамда баландлиги 1 метрдан ортиқ бўлган юкларда ушбу нишон тасвирланади. Юкларни транспорт воситаларига маҳкамлашда ва ортиш-тушириш ишларида нишонни жойлашишини ҳисобга олиши керак.

**XIII-тропик ўров.** Қачонки ортиш-тушириш ишларида, ташишда ёки сақлашда ўров шикастланганида тропик климатнинг беаёв таъсири оқибатида юкнинг бузилишини келтириб чиқариши мумкин бўлган юкларда ушбу нишон тасвирланади. *Белгилаш: Суръатда: Т-тропик ўров; махражда ўралган ойи ва йили (масалан, 07-05).*

**XIV-устма-уст тахлаш тақиқланади.** Бу нишон устма-уст тахлашга ижозат этилмаган юкларда тасвирланади. Бу нишон билан тасвирланган юклар устига ташишда ва сақлашда бошқа юклар қўйишга ижозат этилмайди.

**XV-бевосита юкдан кўтарилсин.** Юкни ўзидан юк кўтариш занжирида бевосита кўтариш амалга ошириш зарур бўлган юкларда бу

нишон тасвирланади. Бу нишон билан тасвирланган юкни ташишда ва сақлашда ўровдвн кўтаришга ижозат этилмайди.

**XVI-шу жойдан очилсин.** Юкни очиш жойи муайян моҳиятга (масалан, намуна олиш, буюмни синаш ва ҳ.к.ларга) эга бўлган юкларда бу нишон тасвирланади. Бу нишон билан тасвирланган юкни фақат кўрсатилган жойдан очиш мумкин.

Агар юк билан муносабатда бўлиш усулларининг манипуляция нишонларида ифода этиш имконияти бўлмаса, у ҳолда огоҳлантириш уст хатларини қўллашга ижозат берилади, масалан “Устига қўйилмасин” ва ҳ.к.

**Асосий ёзувлар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:**

- юк олувчини тўлиқ номини;
- тайинланган станцияни тўлиқ номини ва тайинланган темир йўлини қисқартирилган номини;
- жўнатмадаги юк жойлари сони ва жўнатма ичидаги жойларнинг тартиб рақамини (каср: суръатида – партиядаги жойлар сони, маҳражида жойнинг тартиб номери).

Юк жойларини сони ва жойни тартиб рақами шундай ҳолатларда кўрсатилиши кераки, агарда ҳар хил жинсли ёки ҳар хил навли юклар бир хил идишда (масалан, турли хил навли пахта толаси тойларда) ёки бир жинсли юкларни ҳар хил турли идишда ташилганда ёки қачонки бир жинсли юклар жўнатмасида навларни аралашини йўл қўйилмаса ёки қачонки асбоб – ускуна, жиҳозларнинг комплектлари ташилганда ёки йўл сафарида қайта юклаш билан юк ташилса.

Юклар транспорт пакетларида ташилганида қўшимча уларнинг ҳар бирида **каср** шаклидаги тамға тасвирланиши керак: **суръатида** – пакетнинг тартиб рақами ва тире орқали пакетнинг брутто массаси; **маҳражида** – пакетдаги жойлар сони ва тире орқали пакетнинг нетто массаси.

**Қўшимча ёзувлар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:**

- юк жўнатувчининг тўлиқ номини;
- жўнатувчи темир йўлини қисқартирилган номи ва жўнатувчи темир йўл станцияси кўрсатилган жўнатиш пунктининг номини;
- темир йўл тамғасини.

Темир йўл тамғаси **майда** ва **кам тоннажли жўнатмада** ташиладиган ҳар бир юк жойига **касир** кўринишида: **суръатида** – жўнатишга юкларни қабул қилиш Китоби (ГУ-34 шакл) бўйича тартиб номери ва тире орқали жойлар сони; **маҳражида** - № 4 Тариф қўлланмаси (2-китоб) га мувофиқ жўнатувчи станциянинг коди тасвирланади.

**324 - 6**  
**289503**

**Темир йўл тамғасини:**

- *жўнатувчи станция* – умумий фойдаланиш жойларида майда жўнатмаларни ташишга қабул қилиб олганида;

- *юк жўнатувчи (юкни ташишга тақдим этишга қадар)* – ноумумий фойдаланиш жойларида майда жўнатмаларни ҳамда умумий ва ноумумий фойдаланиш жойларида кам тоннажли жўнатмаларни ортганида **тасвирлайди.**

Темир йўл тамғаси юкхатини тегишли графасида ҳам кўрсатилади. Темир йўл тамғасини юкларга тасвирлаш уларни юк хужжатларидан ажралиб қолганида юкларни қидиришни тезлаштиради, юкни ташишга қабул қилган қабул қилувчи топширувчини жавобгарлигини белгилашни имкониятини беради.

**Ахборот ёзувлари қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:**

- *юк жойларини килограммлардаги брутто ва нетто массасини;*

- *юк жойларини сантиметрлардаги габарит ўлчамлари (узунлиги, эни ва баландлиги ёки диаметри ва баландлиги) ни;*

- *юк жойларини куб метрлардаги ҳажмини.*

Агар юк жойларини габарит ўлчамлари 1 м дан зиёд бўлмаса улар кўрсатилмайди.

Транспортга тамғаси (асосий, қўшимча ва ахборот ёзувлари ҳамда манипуляция нишонлари) ҳар бир юк жойига тасвирланиши керак. Асосий ва қўшимча ёзувларни барча юк жойларида тасвирламасликка ижозат берилади. Лекин тўғри темир қатновларида вагонланган жўнатмада бир жинсли юклар ташилганида асосий ва қўшимча ёзувлар тўрттадан кам бўлмаган юк жойларида тасвирланиши керак. **Бундай ҳолатда тамғаланган жойлар:**

- *ёпиқ вагонларда* – ҳар бир эшик ёнида иккитадан жой тамғасини ташқарига қаратиб;

- *очиқ ҳаракатдаги составларда* – платформа ёки ярим очиқ вагоннинг ҳар бир бўйланма бортнинг энг усти ортиш қаватида иккитадан жой тамғасини қаратиб ташқарига **жойлаштирилади.** Агар бортнинг сатҳида ёки бортнинг сатҳидан пастроқ ортиш амалга оширилган бўлса, тамғаланган жой тамғасини юқорига қаратиб жойлаштирилади.

Юклар сочма ва қуйма ташилганида транспорт тамғаси тасвирланмайди. Транспорт тамғасини жойлаштириш тартиби 11.1-расмда кўрсатилган. Транспорт тамғаси қоғоз, картон, металл ва бошқа ёрликларга тасвирланади. Юкларни узоқ сақлашда ва очиқ ҳаракатдаги составларда ташишда тамғани бевосита юкни ўзига тасвирлашга ижозат берилади. Ёрликқа тамғани типография, литография, электролитик усулда, андазада бўйлаш, тамғалаш машиналарида штамплан, қўйдириш, босиш ва бошқа усулларда тасвирланади. 11.2-расмда бевосита яшикка тамғани тасвирлаш кўрсатилган.

Юк жўнатувчилар ва транспорт ташкилотлари тамғалаш бўйича Қоида ва стандартлар талабларига қатъий амал қилишлари шарт. Чунки

тамғалаш ёрдамида юк ва ташиш хужжатлари ўртасидаги боғланиш ўрнатилади, юк хужжатидан ажралиб қолганида, уни қайси хужжатига мансуб эканлиги аниқланади, маҳсулотларни ташишда ва сақлашда эҳтиёткорлик чоралари ва муносабатда бўлиш усулари ҳақида хизматчиларга ахборот беради.

### 3. Юк ташиш шартномаси

Уставнинг 34-бандига мувофиқ, *юк жўнатувчи ҳар бир юк жўнатмаси учун жўнатувчи темир йўл станциясига, тегишлича тарзда тўлдирилган, асосий ташиш хужжати ҳисобланган юкхатини тақдим этиши керак, қайсики у темир йўл транспортида асосий юк ташиш хужжати ва юк ташиш шартномаси ҳисобланади.* Юкхати ва уни асосида юк жўнатувчига берилган **юкни қабул қилиш ҳақидаги патта** юк ташиш шартномасини тузилганлигини билдиради. Уставнинг 35-бандига мувофиқ, *юк ташиш шартномаси бўйича юк жўнатувчи ёки юк олувчи юк ташиш учун темир йўлига тегишли бўлган барча тўловларни тўла-тўқис тўлаш мажбуриятини олади, темир йўли эса юк жўнатувчидан қабул қилиб олган юкни тайинланган темир йўл станциясига етказиб беришни ва юк олувчига топшириш мажбуриятини олади.*

Шартнома жамиятда моддий ва номоддий неъматларни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш соҳасида эҳтиёж ва таклиф қилиш масалаларини оқилона белгилаш, тўғри ҳал қилиш учун имконият яратади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекснинг 353-моддасида шартнома таърифи берилган. *Икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишув шартнома дейилади.* Умумий фойдаланишдаги транспортда ташиш шартномаси оммавий шартнома ҳисобланади. Оммавий шартнома биринчи галда истеъмолчилар, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Шартнома тузилиши унинг тарафлари ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни, мажбуриятларини бажармаганида ёки лозим даражада бажармаганда ва бунинг оқибатида зарар етказилганида эса жавобгарликни келтириб чиқаради.

Юк ташиш шартномасидаги тарафлар **юк жўнатувчи** ва **темир йўлидир**. Юк ташиш шартномасининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, *икки шахс – юк жўнатувчи ва темир йўли тузган шартномадан келиб чиқадиган юк ташиш ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси (қатнашчиси), учинчи шахс – юк олувчи* бўлиб қолади, қайсики унга темир йўли юкни топшириши керак бўлади. Юк олувчини белгиламасдан ташиш шартномасини тузишнинг ўзини ақлга сиғдириб бўлмайди, акс ҳолда ташиш шартномасидан келиб чиқадиган темир йўли мажбуриятларидан бири – юк олувчига юкни топшириш имконияти бўлмайди.

Юк олувчининг (учинчи шахсининг) ҳуқуқи юк жўнатувчи унинг фойдасига тузган ташиш шартномасидан келиб чиқади. Учинчи шахсининг ҳуқуқий муносабатлари икки томонлама хусусиятга эга бўлади. Учинчи шахс ташиш шартномасида ўзи учун белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланишга розилик бериш билан бир қаторда, маълум мажбуриятларни қабул қилиши ҳам керак бўлади. *Темир йўли ва юк жўнатувчи ташиш шартномасини тузган пайтидан бошлаб юк олувчида ҳуқуқ вужудга келади*, яъни мана шу пайтдан эътиборан юкни тайинланган станцияга етказиб берилишини талаб қилувчи ҳуқуқ вужудга келади. Темир йўли мазкур юк олувчи адресига юкни етказиб бериш бўйича мажбуриятларни бажармаганида ёки лозим даражада бажармаганида, юк олувчи юкнинг йўқолишини, кам чиқишини, бузилишини, шикастланишини ёки етказиб берилиши кечиктирилиши сабаблари бўйича талаблар қўйишга ҳақли бўлади. Бундан ташқари, юк олувчи темир йўлига ташиш шартномасидан келиб чиқадиган бошқа талабларни ҳам қўйиши мумкин. Масалан, агарда юк тушириш темир йўлининг мажбурияти бўлса, юкни темир йўли воситаларида тушириб беришни талаб қилиши ва ҳоказо (Уставнинг 52-банди). Буларни ҳаммаси юк ташиш шартномаси учинчи шахс фойдасига тузилган шартнома деб эътироф этишга асос бўла олади.

*Юк ташиш шартномаси бўйича юк олувчи фақатгина ҳуқуққа эга бўлибгина қолмай, балки юк тайинланган станцияга етиб келгач, унинг зиммасига маълум бир **мажбуриятлар** юклатилади. Уставнинг 65-бандига мувофиқ “Юк олувчи ўз адресига келган юкни қабул қилиб олиши ва станциядан ташиб кетишга мажбурдир. Юкларни сақлаш тартиблари ва ташиб кетиш муддатлари юкларни ташиш Қоидаларда белгиланган.*

*Етиб келган юклар тайинланган темир йўл станцияларида **24 соат давомида бепул** сақланади. Бу муддат темир йўл воситаларида юк ёки контейнер туширилган куннинг соат 24.00 дан ёки вагонни юк олувчининг воситаларида туширишига олиб кириб берилган куннинг соат 24.00 дан бошлаб ҳисобланади. Станцияда юкларни белгиланган муддатлардан кўпроқ сақланганлиги учун шартномавий тарифларда белгиланган миқдорда ҳақлар юк олувчидан ундирилади.*

*Темир йўл станцияларидан юкларни ўз вақтида ташиб кетмаганлиги учун айбдор юк олувчилар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.”*

Ноумумий фойдаланиш ва баъзи бир ҳолатларда (хавфли, тез бузулувчан, оғир вазнли, габаритсиз ва ҳ.к. юкларни) умумий фойдаланиш жойларида юкларни тушириб олиш юк олувчининг мажбуриятларига киради (ТЙУ нинг 52-моддаси). Бундай вазиятларда вагонлардан юкларни юк олувчи ўз воситаларида тушириб олиши керак. Шунингдек, юк олувчи темир йўли билан тўла ҳисоб – китоб қилиши кераклиги Уставнинг 67-бандида белгиланган, *“Тайинланган темир йўл станциясида юк, юкхатида*



*кўрсатилган юк олувчи темир йўлига тегишли бўлган барча ҳақларни тўлаганидан кейин топширилади.*

*Юк олувчи йўл қайдномаси (дорожные ведомости) га юкни қабул қилиб олганлиги ҳақида **ИМЗО** чекади.”*

Юк олувчининг юкни қабул қилиб олишга розилиги борми йўқми бундан қатъи назар унинг мажбуриятлари вужудга келади. Агар юк, юк олувчининг манзилига унинг буюртмасисиз келган бўлса ҳам, у бари бир юкни қабул қилиб олишга, ҳамда ташиш воситаларини ва темир йўли омбор майдонларини бўшатиб юкни станциядан олиб чиқиб кетишга мажбур. Чунки юк олувчининг ушбу мажбурияти Уставнинг 66-бандида белгиланган бўлиб, унда қуйидагилар баён этилган. “*Юк жўнатувчи ва юк олувчи ўртасида етказиб бериш шартномасида назарда тутилмаган юк етиб келган тақдирда, юк олувчи бундай юкни темир йўл станциясидан **масъулиятли сақлашга** қабул қилиб олиши шарт.*

*Агар юкни сифати бузилиши ва шикастланиши сабабидан шунчалик ўзгариб кетсаки, юкдан тўлиқ ва қисман фойдаланиши мумкинлиги истисно этилса, юк олувчи бундай тақдирда юкни қабул қилиб олишни рад этиши мумкин.*

*Юк олувчи юкни ўз вақтида тушириб олмаганлиги ва олиб чиқиб кетмаганлиги ҳамда темир йўл шохобча йўлларида ва темир йўл станцияларида юк олувчига боғлиқ бўлган сабабларга кўра вагонларни тўхтаб қолиши натижасида келиб чиққан юкларни бузилиши ва шикастланиши учун юк олувчи жавобгарликка тортилади.”*

Тайинланган станцияга юкни етказиб бериб, темир йўли юк ташиш шартномасидан келиб чиқадиган ўз мажбуриятларини ижро этиш учун ҳаққоний (реал) имкониятлар яратади. Агар юк олувчи юкни қабул қилиб олмаса, темир йўли юкни топшира олмайди, яъни ўзининг мажбуриятларини бажара олмайди. Юк олувчига юкни қабул қилиб олиш мажбуриятларини юклаш темир йўли учун юк ташиш бўйича ўз мажбуриятларини ҳаққоний бажаришини таъминлайди (чунки юк ташиш шартномаси юк олувчининг фойдасига тузилган).

Юкхати ташиш шартномасининг мажбурий ёзма шакли ҳисобланади, чунки юк жўнатувчи фақат юк билан бирга юкхатини тақдим этган тақдирдагина ташиш шартномаси тузилган ҳисобланади. Юкхатини расмийлаштирмасдан туриб ташиш шартномаси вужудга келмайди.

Юкхати ҳисоб-китоб аҳамиятига ҳам эга бўлиб, унда юкни ташишга қабул қилишдаги ва уни топширишдаги кира ҳақлари ва бошқа йиғимлар бўйича темир йўли билан бажарилган ҳисоблар акс эттирилади. *Юк ташиши шартномасини тузилган пайти темир йўли юкни ташишга қабул қилиб юк жўнатувчига юк паттасини берган пайтдан бошланади.* Юкхатидан ташқари юкни ташишга қабул қилишда жўнатувчи станция йўл қайдномасини тузади, қайсики у юкхати билан биргаликда тайинланган станциягача юкка ҳамроҳ бўлиб боради. Йўл қайдномаси учта

варокдан: йўл қайдномасини ўзи (асли); йўл қайдномасининг корешоги ва юкни ташишга қабул қилиш паттаси (юк паттаси) дан иборат. Юк паттаси юк жўнатувчига берилади, корешок жўнатувчи темир йўлида қолади. *Тайинланган станцияда юк олувчи йўл қайдномасига юкни қабул қилиб олганлиги ҳақида имзо чекади.* Юк олувчи имзолаган йўл қайдномаси тайинланган темир йўлида сақланади.

#### **4. Ташиш ҳужжатларини шакллари ва уларни тўлдиришга қўйиладиган талаблар**

Юкларни ташишда темир йўл транспорти ташиш жараёнининг барча қатнашчилари учун ягона бўлган ташиш ҳужжатлари расмийлаштирилади. Ички қатновларда **ташиш ҳужжатлари** тўртта варокдан: *юкхати, йўл қайдномаси, йўл қайдномасининг корешоги ва юкни қабул қилиш ҳақидаги патта (қўйида юк паттаси деб юритилади)* дан иборат.

**Юкхати** йўл қайдномаси билан биргалида тайинланган станциягача юк билан етиб боради. Тайинланган станцияда юк олувчи йўл қайдномасига юкни қабул қилиб олганлиги ҳақида имзо чекади ва юкхати юк билан бирга юк олувчига топширилади. Юкхати бўйича темир йўли, юк жўнатувчи ва юк олувчи ўртасидаги ҳисоб – китоблар амалга оширилади, уларнинг ўзаро ҳуқуқ, мажбуриятлари ва жавобгарликлари белгиланади, мазкур юкни ташиш шарт – шароити аниқланади ва ҳ.к. Шундай қилиб юкхати ҳам юридик ва ҳам ҳисоб – китоб аҳамиятига эга бўлаган ташиш ҳужжатиدير.

Агар юкхати юк ташиш шартномасини тузилганлигини билдирса, унинг асосида тузилган **йўл қайдномаси** эса – ҳисоб, молия ва ахборот аҳамиятига эга ҳужжат ҳисобланади. Тайинланган станцияда олувчи юкни қабул қилиб олганлига ҳақида уни имзолайди. Сўнгра тайинланган станцияни юкларни топширилганлиги ҳақида ҳисоботи билан йўл қайдномаси минтақавий темир йўл бўлинмасининг ташиш ҳужжатларини ишлаш бўйича технологик маркази (технологические центры по обработке перевозочных документов региональный подразделение железной дороги – ТехПД) га, у ердан эса темир йўлининг ҳисоблаш марказига жўнатилади. Йўл қайдномаси бўйича бажарилган ташиш ҳажми, улардан тушган даромад, ҳисобларни тўғрилиги, етказиб бериш муддатини бажарилиши, бир темир йўлидан бошқа темир йўлига ўтиш пункларидан юкни ўтиб бориши ва бошқалар аниқланади.

**Юк паттаси**, йўл қайдномаси корешогининг тегишли графасига имзо чекдириб юк жўнатувчига берилади. Юк жўнатувчи юк паттасини қабул қилиб олиши юк ташиш шартномаси тузилганлиги ва темир йўли юкни қабул қилиб олганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи юридик ҳужжат ҳисоланади.

**Йўл қайдномасининг корешоги** жўнатувчи станцияда қолади ва

ҳисоб – китоб ишлари учун хизмат қилади, ташиш тежасини бажариш ҳақидаги ҳисоботлар билан йўл қайдномаси корешоги минтақавий темир йўл бўлинмасининг ташиш ҳужжатларини ишлаш бўйича технологик марказига, у ердан эса темир йўлининг ҳисоблаш марказига жўнатилади.

Ташиш ҳужжатлари ниҳоятда эҳтиёткорлик билан, тоза ва аниқ тўлдирилади, ҳеч қандай қайта тозалашларга, ўчириб ёзишларга ва суваштириб юборишга йўл қўйилмайди. Юкхатига юк жўнатувчи киритган маълумотларни ўзгартириш зарурияти бўлса, юк жўнатувчи янгидан бошқасини тўлдиради. Юкхатига темир йўли киритган ўзгартириш маълумотларини темир йўли хизматчиси имзоси ва станция штемпели билан тасдиқланиши керак.

**Бир ташиш ҳужжати билан қўидаги ташишларни расмийлаштиришга руҳсат этилмайди:**

- *битта вагонда биргаликда ташишга ўз хусусиятлари бўйича йўл қўйилмайдиган юкларни;*

- *ташишда алоҳида эҳтиёткорлик чораларини талаб қилувчи юклар билан, бундай чораларни талаб қилмайдиган юкларни;*

- *санитария, ветеринария, бошқа айрим меъёр ва қоидалар талаб қилувчи юкларни бундай меъёр ва қоида талаб қилмайдиган юклар билан.*

Ташиш ҳужжатлари матн ахборотлари билан бир қаторда кодлаштирилган ахборотларни ҳам ўз ичига олади. Кодлаштирилган ахборотлар учун ташиш ҳужжатларининг иш қоғозида тегишли графаларида тўқ бўйналган рамкадаги жойлар назарда тутилган. Кодлаштирилган ахборотлар ташиш ҳужжатларини компьютерларда ишлаш учун мослаштирилган.

## **5. Юк жўнатувчи юкхатини тўлдириши**

Юкхатини жўнатувчи имзолайди; агар жўнатувчи корхона ёки ташкилот бўлса, у ҳолда уларни номидан, муҳридан ёки штемпелидан ташқари, ташишни расмийлаштиришга **ишончнома бўлган вакилнинг фамиляси** кўрсатилади. **Жўнатувчи юкхатини тўлдиришда қўидаги маълумотларни аниқлигига ва тўлиқлигига алоҳида аҳамият бериши керак.**

- *тайинланган станция ва темир йўлини номини (№ 4 тариф қўлланмасига мувофиқ);*

- *олувчининг номини (қисқартирмасдан ва шартли номламасдан);*

- *юкни ташиш тезлигини, айниқса топширилаётган юк фақат муайян тезликда ташиладиган бўлса;*

- *юкларни номенклатураси Алфавитига мувофиқ юкни номини (№ 1 тариф қўлланмаси).* Алфавитда номи келтирилмаган юклар, ишлаб чиқаришда ёки товар айланишида қўлланиладиган номларда кўрсатилиб, уларни муайян тариф гуруҳига киритиш учун фарқланиб турадиган

белгилари кўрсатилади. Агар ташишда ва сақлашда юклар алоҳида қоида ёки эҳтиёткорлик чораларига риоя қилишни талаб қилса, у ҳолда юкхатини юқори чап бурчагида жўнатувчи юкни алоҳида хусусиятлари ҳақида штемпел босиб ёки ёзиб қўйади. Агар юкхатида ушбу жўнатмага мансуб бўлган барча юкларни номма – ном ёзиб чиқишга жой етмаса, юкхатига рўйхат тузилади (юкхатини форматидан катта бўлмаган тўрт нусха иш қоғозига, жўнатувчининг штемиели ва имзоси, юкхати номери ва станциянинг календар штемпели билан). Унда белги, тамға, жойлар сони, ўровнинг тури, барча юкларни номи ва массаси бирма – бир ёзиб чиқилади. Рўйхатнинг нусхалари юкхатига, йўл қайдномасига, йўл қайдномасини қорешогига ва юк паттасига елимлаб қўйилади. Юклар жойини ва массасини жами юкхатида кўрсатилади, “Наименование груза” графасида эса “Сборная отправка, перечень грузов прилагается” деб ёзиб қўйилади.

Уставнинг 36-бандига мувофиқ, юк жўнатувчи юкхатида ўзи кўрсатган **нотуғри, ноаниқ ёки чала маълумотларни** барча оқибатларига **жавобгар** бўлади. Темир йўли бу маълумотларни тўғрилигини текшириш ҳуқуқига эга, ҳамда юк жўнатувчини кўрсатган **юк вазнини танлаб тортиш** йўли билан тизимлашган тартибда текширишни таъминлайди.

Юкхатига божхона ва бошқа маъмурий қоидаларда ҳамда алоҳида юкларни ташиш қоидаларида назарда тутилган ҳужжатлар (ҳайвонлар ва хом ҳайвон маҳсулотлари учун ветеринар шоходотномаси ёки ғалла ва тез бузилувчан юклар учун сертификат ёки сифат ҳақида гувоҳнома ва бошқалар) илова қилиниши керак. Юкхатига бошқа ҳужжатларни илова қилишга йўл қўйилмайди.

Агар жўнатувчи юк ҳақида **қўшимча маълумотларни** олувчига хабардор қилиши керак бўлса, у юкхатининг орқа томонидаги “*Особые заявления и отметки грузоотправителя*” графасини тўлдириши мумкин. Бу графада юкни билдирилган баҳоси кўрсатилади, унинг ўзига хос хусусияти, жўнатувчи ўрнатган ва олувчига топширилиши керак бўлган мосламалар, жўнатувчи музлашга қарши қўллаган профилактик чоралар ва бошқалар бирма – бир ёзиб қўйилади.

## **6. Юкхатини текшириш ва визалаш**

Юк жўнатувчи юкни ташиб келтиришга, ҳаракатдаги составни банд этишга ва юкни ортишга рухсат (виза) олиш учун тўлдирилган юкхатини станцияга тақдим этиши керак. “**НАКЛАДНАЯ №**” графасида темир йўли юкхатини визалашда берган **номери** кўрсатилади. Одатда юкхатилар **товар идорасига** тақдим этилади, уларни визалашни эса станция бошлиғи ёки унинг топшириғи бўйича товар идорасини мудир, катта товар кассири, товар кассири амалга оширади. Юкхатини визалашдан аввал унинг тўлдирилиши тўлиқлигини ва унга киритилган маълумотлар Қоида

талабларига мувофиқлигини мукаммал текшириш керак. **Бунда қуйидагилар текширилади:**

- мазкур юкни ташиш юкларни ташишга қабул қилинган буюртманомада назарда тутилганлиги;

- станцияни номи № 4 Тариф қўлланмасига (2-китоб) мос келишлиги ва бу станция мазкур юк билан юк ва тижорат операцияларини бажариш учун очиқлиги;

- умумий фойдаланиш жойларида туширишга тақдим этилган вагонланган жўнатма узелдаги станциянинг ихтисослашганлигига;

- юкларни ортишга вақтинчалик тақиқлаш ва чеклашларни ёзиш Китоби (ГУ-14 шакл) бўйича мазкур станцияга юкларни ташишга вақтинчалик тақиқланиш ва чекланишларни йўқлиги;

- юкни номи № 1 Тариф қўлланмасига мос келадими;

- ташиш учун кира ҳақларини ва олдинги юк ташишлар учун темир йўлига тегишли бўлаган тўловларни ҳамда ташишни расмийлаштириш учун олдиндан тўловларни, агар Уставда ва шартномада бошқача газарда тутилмаган бўлса, юк жўнатувчининг тўлаганлиги.

Хавфли юклар ташишга тақдим этилганида, бундай ташишлар Қоидаларда назарда тутилганлиги текширилади. Юкхатида юкнинг хавфлилиги ҳақидаги штемпелни ва ҳалокат карточкасини номери мавжудлигига алоҳида аҳамият берилади. Олувчининг қисқартирилган ва кам тушинарли номларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Олувчининг қисқартирилган ва ноаниқ номланиши, унинг адресининг тўлиқ эмаслиги ва нотўғри кодланиши юкни топширишда қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

## **7. Юкни баҳосини билдириш**

Юк жўнатувчининг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида, унга ташишга тақдим этиладиган юкни баҳосини билдириш ҳуқуқи берилган. Уставнинг 50-бандига мувофиқ, *“Темир йўли юк жўнатувчи баҳосини билдирган юкларни ташишга қабул қилиши мумкин. Билдирилган баҳо юкларни ҳақиқий нархидан зиёд бўлмаслиги керак. Юк жўнатувчи ва жўнатувчи темир йўл станцияси ўртасида келишимовчилик бўлган ҳолатларда юкни нархи экспертиза орқали аниқланади, бу ҳақида акт тузилади.*

*Баҳоси билдирилиши шарт бўлган юкларни ҳамда баҳоси билдирилишига йўл қўйилмаган юклар рўйхати юкларни ташиш Қоидаларида белгиланади.”* Бундай юкларга ташиш ҳужжатларини расмийлаштириш баҳосини билдириш билан юкларни ташиш Қоидаларида белгиланган тартибларда амалга оширилади.

**Жўнатувчи қуйидаги юкларни:**

а) қиммат баҳо металлларни ва улардан тайёрланган буюмларни, қиммат баҳо тошларни, санъат предметларини, суратларни, ҳайкалларни, бадий буюмларни, антиквар буюмларни, **прейскурант** баҳоси бўлмаган гиламларни, баҳоси тасдиқланмаган тажрибавий машини, жиҳоз ва асбоб – ускуналарни;

б) **жўнатувчининг кузатувчисиз ташиладиган уй буюмларини, баҳосини билдириши шарт.**

Юк жўнатувчи “а” бандда номлари келтирилган юкларни идиш (ўров) ларда пломбалаб ёки муҳирлаб ташишга тақдим этиши керак.

Тўкма, сочма, куйма, очик ҳаракатдаги составда, кузатувчи билан, юк жўнатувчининг тамбалаш пломбалаш мосламасида (пломбасида) ташиладиган юкларни ҳамда тез бузилувчан ва хавфли юкларни баҳосини билдиришга йўл қўйилмайди. Шунингдек бир юкхати бўйича ташиладиган юкни қисмини ҳам баҳосини билдиришга йўл қўйилмайди. Бошқа юкларни баҳосини билдириш фақат жўнатувчининг хоҳиши билан амалга оширилади. Юкнинг билдирилган баҳоси унинг ҳақиқий баҳосидан зиёд бўлмаслиги керак. Юк жўнатувчи баҳоси билдирилган юкни ташишга тақдим этишда икки нусхада ГУ-112 шаклдаги юк жойлари баёни (опись) ни тўлдириши шарт.

Жўнатувчи станциянинг товар кассири ташиш хужжатларини расмийлаштиришда юкхати номерини баёнда кўрсатади, “Опись принята.....” графасига имзосини қўйди ва станциянинг календар штемпелини босади. Баёни бир нусхаси юк жўнатувчига қайтарилиб берилади, бошқаси эса станциянинг ишларида қолади ва тайинланган темир йўли юк хизматни биринчи талаби бўйича жўнатилади. Агар баён бир неча вароқда тузилган бўлса станциянинг календар штемпелини ҳар бир вароққа босилади. Жўнатувчи ҳар бир юк жойини ичига ҳам баён қўйиши керак. Агарда юк жўнатувчи юкни баҳосини ортикча кўрсатган деб тахмин қилишга асос бўлса, станция юкни баҳосини текшириб кўриш учун, ташишга тақдим этилган юк жойини очишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Юқорида назарда тутилган юкларни баҳосини билдириш, темир йўлини уларни ташишда алоҳида эҳтиёткорлик чораларини кўришга ундайди. Юкларни баҳосини бидириш учун шартномавий тарифлар бўйича йиғимлар ундирилади.

## **8. Станциянинг умумий фойдаланиш жойларидан ортиб жўнатиладиган юкларни ташишга қабул қилиш**

Жўнатувчи станцияда юкларни қабул қилиб олишда юк ва тижорат операцияларини тўғри, мукамал ва аниқ бажариш юкларни асрашда, уларни олувчига ўз муддатларида етказиб беришда, ҳаракатдаги составдан самарали фойдаланишда ва темир йўлига тегишли бўлган ташиш кира

ҳақларини, йиғимларни ва жарималарни тўлиқ ундириб олишда муҳим аҳамиятга эга. Умумий фойдаланиш жойларида юкларни ташишга қабул қилинганда уларни жўнатиш бўйича юк ва тижорат операциялари қуйидаги кетма – кетликда бажарилади.

Юк жўнатувчи ташишга топшириладиган юкка юкхатини тўлдириб, юк районига юкни ташиб келтириш кунининг арафасидан кеч қолмай, уни товар идорасига тақдим этади. Товар кассири юкхатини тўлдирилишини тўғрилигини, бу ташиш режада назарда тутилганлигини, шу пайтда тайинланган станцияга вақтинчалик тақиқлаш амалда эмаслигини ва жўнатиладиган юк билан операцияларни бажариш учун уни очиқ эканлигини текширади ва режа позиция номерини юкхатида кўрсатади. **Сўнгра товар кассири юкхатини ортишга руҳсат (виза) олиш учун товар идорасини мудирига беради.**

Юкхати визаланганидан сўнг, юкхатида кўрсатилган кунни станциянинг юк районига юк ташиб келтирилади ва юкхати билан биргаликда қабул қилувчи топширувчига тақдим этилади. Қабул қилувчи топширувчи юкни ташиб келтиришга руҳсат мавжуд эканлигини текшириб, комплекс механизациялашган бригадага юкни автомобилдан туширишга кўрсатма беради. Тушириш жараёнида қабул қилувчи топширувчи юкни қабул қилади, уни юкхатида кўрсатилган маълумотлар билан солиштиради, ўровни созлигини ва уни стандартга мувофиқлигини, юк жойларидаги жўнатувчининг тамғаларини мавжудлигини ва тўғрилигини текширади.

Йўналишлар бўйича омборларни ихтисослаштирилганлиги ҳамда ишлаётганларни шахсий хавфсизлик техника қоидаларини ва ёнғин хавфсизлигини инобатга олган ҳолда қабул қилинган юклар омборга шундай ҳисоб билан жойлаштирилиши керакки, юк жойларини санаб ҳисоблаш ва омборнинг сиғимидан тўлароқ фойдаланиши таъминлаш мумкин бўлсин. Қабул қилувчи топширувчи юкни кўрикдан ўтказиб ва тахлаб жойлаштириганидан сўнг, у ҳақидаги маълумотларни ГУ-34 шаклдаги жўнатишга юкларни қабул қилиш Китобга ёзади. Бу Китобда календар йил ичида қабул қилинган жўнатмаларни кетма – кет номерлаб борилади. Агар станцияда бошқа – бошқа қабул қилувчи топширувчи хизмат кўрсатадиган бир неча пунктларда юклар қабул қилинса, унда ҳар бир пунктда ўзини Китоби юритилади, улар учун муайян тартиб номери ажратилади, токи йил ичида бир Китобдаги тартиб номер бошқасида такрорланмасин. Қабул қилувчи топширувчи майда жўнатманинг ҳар бир жойига темир йўл тамғасини тасвирлайди. Қабул қилувчи топширувчи ГУ-34 шакилдаги Китобни тўлғазиб, юкхатини расмийлаштиради ва товар идорасига юборади.

Юклар бўлиб - бўлиб қисмларда ташиб келтирилганда ГУ-34 шаклдаги жўнатишга юкларни қабул қилиш Китобга ва юкхатини орқа томонидаги 2-графага ҳар бир ташиб келтирилган қисм ёзилади. 11.1-

расмда станциянинг юк районида юкни қабул қилиш бўйича операцияларни бажариш графиги келтирилган.

Товар идорасида юкхати асосида йўл қайдномаси, йўл қайдномаси қорешоги ва юк паттаси тўлдирилади ва улар юкхати билан биргаликда ташиш ҳужжатлари ҳисобланади.

Пакетлаб юк ташишда транспорт пакети (қуйида пакет деб юритилади) жўнатувчи – корхонанинг тайёр маҳсулотлар цехида шаклланади ва у қайта шаклланмасдан олувчи – корхонагача етиб боради. Жўнатувчи стандарт талабларига мувофиқ бир олувчи адресига борадиган, бир жинсли юклардан (бир турли ўровда ёки усиз), пакетини шакллаши керак. Ёпиқ, изотермик вагонларда ва контейнерларда ташиладиган пакетнинг брутто массаси 1 т дан зиёд бўлмаслиги керак. Ёпиқ, изотермик вагонларда ташишларда, ўлчами 800 х 1200 мм ли стандарт ясси тагликларга шаклланган пакетининг ўлчами 840 х 1240 мм дан зиёд бўлмаслиги лозим. Пакетга юкларни маҳкамлаш воситаларига жўнатувчининг назорат белгиси (қулифга маҳкамланган назорат лентаси, иссиқликдан киришишадиган пленка, пломба) қўйилиши керак, токи маҳкамлаш воситасини ва назорат белгисини бузмасдан пакетдаги алоҳида жойларни олиш мумкин бўлмаслиги учун.

Жўнатувчи юкхатида: “Количество мест” графасида суръатда – пакетлар сони, маҳражда – улардаги умумий жойлар сони; “Наименование груза” графасида – “пакет”, вагонга ортилган темир йўлига тегишли пакетлаш воситаларини тури ва сони; юкни пакетлаш воситалари билан биргаликдаги брутто массаси кўрсатади. Умумий фойдаланиш жойларида юкларни қабул қилиб олишда темир йўли пакетлар сони ва улардаги жойлар сонини ташқи кўрик бўйича текширади, пакетларни қисмларга ажратмайди ва массасини текширмайди. Шикастланган пакетлардаги жойлар тарқатилади, шикастланган жойдаги юкни массаси ва ҳолати эса текшириб топширилади.

Товар идорасида ташиш учун тегишли бўлган тўловлар аниқланади, уларни турли йиғимлар паттаси бўйича ундирилади ва бу ҳақида ташиш ҳужжатларида белгилаб қўйилади, ташиш ҳужжатларини тегишли графаларига станциянинг календар штемпели қўйилади. Сўнгра жўнатувчига юк паттаси берилади. Иш ҳажми катта бўлмаган станцияларда барча назарда тутилган операцияларни товар кассири бажаради.

## **9. Юк массасини аниқлаш**

Жўнатувчидан темир йўли қабул қилиб олган ва етказиб бериб олувчига топшириладиган юк массасини, яъний миқдорини юкни жўнатишгача аниқланиши ва юкхатида кўрсатилиши керак. Уставнинг 59 –



бандига мувофиқ *тўкма, сочма, қуйма* ва контейнерларда ташиладиган юкларни юк жўнатувчи топшираётганида ва темир йўли қабул қилиб олаётганида уларни **вазни аниқланиши** ва **юкхатида кўрсатилиши** кераклиги, идишли ва донали юкларни юкхатида вазни ва юк жойлар сони кўрсатиб ташилиши ва идишли ва донали юклар вазни уларни ташишга тақдим этишга қадар аниқланиши ва юк жойларида кўрсатилиши белгилаб қўйилган. Уставнинг 60-бандида эса юкни вазнини: **темир йўли** – умумий фойдаланиш жойларида унинг кучлари ва воситаларида юк ортилганида ва **юк жўнатувчи** - ноумумий фойдаланиш жойларида ҳамда умумий фойдаланиш жойларида унинг кучлари ва воситаларида юк ортилганида аниқлаши, юк вазнини андаза (трафарет) бўйича, стандарт бўйича, ҳисоб йўли билан, ўлчаш бўйича ёки шартли аниқлашни барча ҳолатларда юк жўнатувчи амалга ошириши белгиланган.

Товар тарозисида тортишни имкони бўлмаган **сочма, тўкма** ва **қуйма** ташиладиган ҳамда бошқа юклар вагон тарозиларида тортилади. **Донли ғалла юкларини, мойли ва дукакли экинлар уруғларини, кепак ва омихта ем (комбикорм) ларни** вазнини юк жўнатувчи торозида аниқлайди ва унинг имзоси билан юкхатида тасдиқланади; юк жўнатувчида вагон ва элеватор тарози мавжуд бўлмаганида юк вазнини аниқлашни жўнатувчи темир йўл станциясининг вагон тарозисида (у мавжуд бўлса) **темир йўли юк жўнатувчи** билан биргаликда амалга оширади ва уларнинг имзоси билан тасдиқланади.

Вагондаги ёки контейнердаги юкни умумий массасини **андазага** мувофиқ аниқлаш, ҳар бир юк жойларида кўрсатилган массаларни қўшиш йўли билан амалга оширилади. **Стандарт** бўйича эса – бир юк жойини стандарт массасини юкхатида кўрсатилган жойлар сонига кўпайтириш орқали аниқланади. **Ҳисоб** йўли билан донасини ёки бир погон мертини массаси бирдай бўлган буюмларни умумий массасини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Нефть маҳсулотларини массаси ҳам ҳисоб йўли билан аниқланади. Цистерналарга қўйилган маҳсулотни массасини қуйидаги формула орқали аниқланади,

$$Q_{\text{юк}} = V \cdot \rho^t, m \quad (11.1)$$

бу ерда  $V$  – цистернага қўйилган нефть маҳсулотини ҳажми,  $m^3$ ;

$\rho^t$  –  $t$  ҳароратдаги нефть маҳсулотини зичлиги,  $m/m^3$ .

Цистернага қўйилган суюқлик ҳажми темир йўл цистерналарининг калибирлаш жадвалидан, ҳар бир цистерна калибири ва унга қўйилган суюқлик баландлиги бўйича аниқланади. Цистернанинг калибр типини цистерна қозонидаги унинг номери остига пайванд қилинган металл сонлар билан кўрсатилади. Цистерна қозони ичига қўйилган суюқлик баландлиги амалиётда **метршток** ёрдамида аниқланади. Метршток диаметри 20-25 мм, узунлиги 3500 мм ли алюминий трубадан иборат бўлиб,

устки қисмида металл ҳалқа ва остки қисмида мис чеклагичдан иборат. Турубанинг барча узунлиги ўлчов шкаласидан иборат, мм ва см ларда белгиланган.

Суюқ маҳсулотларнинг  $t$  ҳароратдаги зичлиги ( $\rho^t$ ) ни махсус асбоб **денсиметр** ёрдамида аниқланади. Агар нефть маҳсулотининг  $20^\circ\text{C}$  ҳароратдаги зичлигининг паспорт маълумотлари маълум бўлса, мазкур ҳароратдаги унинг ҳақиқий зичлигини денсиметрсиз ҳам – нефть маҳсулоти зичлигининг **харорат тузатмаси** ёрдамида қуйидаги формула ёрдамида аниқланади,

$$\rho^t = \rho^{20^\circ\text{C}} - \Delta \cdot (t - 20^\circ\text{C}) \quad (11.2)$$

бу ерда  $\rho^{20^\circ\text{C}}$  - нефть маҳсулотининг стандарт зичлиги;

$\Delta$  - ўртача ҳарорат тузатмаси, т/(м<sup>3</sup> х град);

$t$  - зичлиги аниқланаётган суюқликнинг ҳарорати, °C.

**Ўлчаш** бўйича вагонга ортилган тўкилувчан ва сочилувчан юкларни массаси, уларнинг ҳажмий массасини вагон кузовини юк билан тўлган қисмини ҳажмига кўпайтириш орқали аниқланади

$$Q_{\text{юк}} = V_{\text{к}} \cdot \gamma, m \quad (11.3)$$

бу ерда  $V_{\text{к}}$  – вагон кузовини юк билан тўлган қисмини ҳажми, м<sup>3</sup>;

$\gamma$  – юкни ҳажмий массаси, т/м<sup>3</sup>.

$$V_{\text{к}} = \ell_{\text{к}} \cdot \mathcal{B}_{\text{к}} \cdot h_{\text{юк}}, m^3 \quad (11.4)$$

бу ерда  $\ell_{\text{к}}$  - вагон кузовининг ички узунлиги, мм;

$\mathcal{B}_{\text{к}}$  - вагон кузовининг ички эни, мм;

$h_{\text{юк}}$  - юкни ортиш баландлиги, мм;

Олдиндан белгиланган меъёрлар бўйича ўрмон юкларини, ўтин, автомобиль, қишлоқ хўжалик машиналарини, хайвонлар, паррандалар ва шунга ўхшаш юкларни массаси **шартли** аниқланади.

Юкларни ташишда **ажратиб олинадиган жиҳозлар** ва **махкамлаш зарурий қисм (реквизит) лари** ҳамда вагонларни **иситиш воситалари** ва **материаллари** юкни топширишда вагондан йиғиштириб олинади ва юк олувчига берилади, шу сабабли **уларни массаси** юкни массасига киритилади. Вагондан **ажратиб олинмайдиган жиҳозларнинг массаси** вагоннинг масса тарасига киритилади. Юкни массасини аниқлаш усули ҳамда юкни массасини ким аниқлаганлиги юкхатини тегишли графаларида кўрсатилади.

Темир йўли вагон тарозисда ҳамда товар тарозисда юкларни тортиш натижалари тегишли **тортиш Китобларида** (ГУ-36 ва ГУ-107 шакл) қайд

қилинади. Китобни юритиш тартиби станцияда тижорий ҳисоботларни юритиш бўйича Йўриқномада баён қилинган.

## **10. Жўнатувчи станция товар идорасида бажариладиган операциялар технологияси**

Юк ташишга қабул қилинганидан ва уни массаси аниқланганидан сўнг товар идорасида юкхатини олиб қабул қилувчи топширувчидан олиб уни тўғри расмийлаштирилганлиги текшириб чиқилади. Қабул қилувчи топширувчи юкхатига киритган маълумотларни тўғрилигига, тўлиқлигига ва уни имзоси билан тасдиқланганлигига алоҳида аҳамият берилади.

## **11. Юкларни етказиб бериш муддати ва уларни аниқлаш тартиби**

*Тайинланган станцияга юкларни белгиланган муддатда етказиб бериш давлатнинг иқтисодийети учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, темир йўлининг юк ташиш шартномаси бўйича асосий мажбуриятларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли Уставнинг 63 – моддасида “Темир йўли юкларни тайинлаган станцияга белгиланган муддатда етказиб бериши шарт.*

*Юкларни етказиб бериб муддати ва юкларни етказиб бериш муддатларини ҳисоблаш тартиби юк ташиш Қондасида белгиланган.*

*Етказиб бериш муддатини ҳисоблаш юкни ташишга қабул қилинган куннинг соат 24 дан бошланади.*

*Ортиш тайинланган кундан олдин ташишга қабул қилинган юкларни етказиб бериш муддати юк ортилиши керак бўлган куннинг соат 24 дан ҳисобланади.*

*Агар тайинланган темир йўл станциясида белгиланган етказиб бериш муддати тугагунгача темир йўли воситаларида юк туширилган ёки агар вагон (контейнер) юк билан юк олувчининг воситаларида туширишга олиб кириб берилган бўлса, юк муддатида етказиб берилган деб ҳисобланади.*

*Тушириш фронтини бандлиги ёки юк олувчига боғлиқ бўлган бошқа сабабларга кўра вагон (контейнер) ларни тушириш учун олиб кириб бериш тўхтаб қолганда юк муддатида етказиб берилган деб ҳисобланади, агарда тайинланган темир йўл станциясига белгиланган етказиб бериш муддати тугагунгача юк етиб келган бўлса” – деб белгиланган.*

Юкларни етказиб бериш муддати: жўнатманинг турига (вагонланган, майда, контейнер, рефрижератор контейнер, жўнатувчининг марширути ва ҳ.к.); ташиш тезликларга (юк, катта ва йўловчи); қатновларнинг турига (бевосита тўғри, бевосита тўғри аралаш, ҳалқаро) боғлиқ бўлади.

Юкларни етказиб бериш муддати куйидаги формула орқали аниқланади,

$$T_{e.m.} = t_{ж.к.} + L_{юк} / v_{сут} + \sum t_{к.о.} \quad (11.5)$$

бу ерда  $t_{ж.к.}$  - юкларни жўнатиш ва қабул қилиш билан боғлиқ операцияларга тайинланган вақт;

$L_{юк}$  - юк жўнатувчи ва қабул қилувчи станциялар орасидаги масофа, км;

$v_{сут}$  - юк ташиш Қоидасида юкнинг тайинланган тезлиги, км/сут;

$t_{к.о.}$  - қўшимча операцияларга тайинланган вақт.

***Юкларни жўнатиш ва қабул қилиш билан боғлиқ бўлган операцияларга тайинланган вақтлар, юкнинг тайинланган тезликлари ва қўшимча операцияларга тайинланган вақтлар юкларни ташиш Қоидаларидан қабул қилиниди.***

Юкларни, шунингдек ташкилат ва жисмоний шахслар тасарруфидаги ёки улар ижарага олган бўш вагонларни етказиб бериш муддати, юк ташиш амалга ошириладиган темир йўл йўналишларини инобатга олган ҳолда **кира ҳақи ундириладиган масофдан** келиб чиқиб, жўнатувчи темир йўл станциясида ҳисобланади. Юкни етказиб бериш муддатини ҳисоблаш, темир йўл транспортида юкларни етказиб бериш муддатларини ҳисоблаш Қоидаларига мувофиқ, юкни ташиш учун қабул қилиш хужжатларда расмийлаштирилган ва ташиш хужжатларида жўнатувчи станциянинг тақвим муҳрида кўрсатилган кунининг **кейинги кунини 0.00 соатидан** бошланади. Юкларни етказиб бериш муддатларини ҳисоблашда тўлиқ бўлмаган сутка, тўлиқ суткада қабул қилинади.

Юкларни етказиб бериш муддатлари юкларни жўнатиш ва қабул қилиш операциялари вақтини, юкларни етиб бориш вақтини ва йўл сафарида белгиланган қўшича операцияларни бажариш вақтини ҳамда Уставда назарда тутилган (масалан, божхона органларини ва бошқа давлат органларини юкни тўхтатиб қолиши, енгиб бўлмас кучлар, ҳарбий ҳаракатлар, блокада, эпидемия ва ҳ.к.) вазиятлар мавжудлигида етказиб бериш муддатини узайтиришга ижозат берадиган вақтни ўз ичига олади.

***Агар тайинланган темир йўл станциясида белгиланган етказиб бериш муддати тугагунгача темир йўли воситаларида юк туширилган ёки агар вагон (контейнер) юк билан юк олувчининг воситаларида туширишга олиб кириб берилган бўлса, юк муддатида етказиб берилган деб ҳисобланади*** (ТЙУ нинг 63-моддаси, 5-қисм). Тайинланган станцияда юкни етиб келганлиги ҳақида юк олувчига ва божхона органларига (божхона назорати остида турган юкни) темир йўли хабар берган сана юкни тайинланган станцияга етиб келган муддатининг ҳақиқий санаси деб этироф қилинади. Бу ҳолатда темир йўлига, тайинланган станцияда юкни божхона расмийлаштируви билан боғлиқ бўлган тўхтаб қолишига, жавобгарлик юкланмайди.

***Тушириш фронтини бандлиги ёки юк олувчига боғлиқ бўлган бошқа сабабларга кўра вагон (контейнер) ларни тушириш учун олиб***

*кириб бериш тўхтаб қолганда юк муддатида етказиб берилган деб ҳисобланади, агарда тайинланган темир йўл станциясига белгиланган етказиб бериш муддати тугагунгача юк етиб келган бўлса* (ТЙУ нинг 63-моддаси, 6-қисм) ва бу ҳақида умумий шаклдаги акт (ГУ-23 шакл) тузилади.

Ташкилот ва жисмоний шахслар тасарруфидаги ёки улар ижарага олган бўш вагон, тайинланган станцияга етказиб бериш муддати тугагунгача етиб келган ва олувчига ёки темир йўл шахобчасини эгасига бу ҳақида темир йўли хабар бериб, топшириши мумкин бўлса, бўш вагон муддатида етказиб берилган деб ҳисобланади.

Юкларни ҳамда ташкилот ва жисмоний шахслар тасарруфидаги ёки улар ижарага олган бўш вагон етказиб берилиши кечиктирилгани учун темир йўли жавобгар бўлади. Уставнинг 128-моддасига мувофиқ “*Темир йўли юкни етказиб берилиши кечиктирилгани учун юк олувчига жарима тўлайди, агарда кечиктириши уни айби эмаслигини исбот қилмаса.*

*Юкни етказиб берилиши кечиктирилганлиги учун ҳар бир кечиктирилган сутка учун, тўлиқ бўлмаган суткани тўлиқ деб ҳисоблаб, кира ҳақини 6 % миқдоридан жарима тўланади, лекин кира ҳақидан 30 % дан ортиқ эмас.*

*Ташкилот ва жисмоний шахслар тасарруфидаги ёки улар ижарага олган бўш вагон кечиктирилганлиги учун темир йўлидан шундай миқдорларда жарима ундирилади.*

*Темир йўли кечиктириши учун жарима тўлашдан озод қилинади, агарда у темир йўлига боғлиқ бўлмаган, кучлар билан енгиб бўлмас ҳаракатлар шароити натижасида содир бўлган бўлса (ҳарбий ҳаракатлар, блокада, эпидемия, ер қимирлаши, сув босиши ва ҳ.к.)”.*

Юкларни етказиб бериш муддатларига риоя қилиш учун: қабул қилинган юкни одатда қабул қилинган кун ва жуда бўлмаса келаси кундан кечиктирмай жўнатишга; техник ва юк станцияларида вагонларни тўхтаб туришини ҳар томонлама қисқартиришга; поездлар ҳаракати тезлигини оширишга; аралаш катновларда юк ташишда темир йўл транспортини бошқа турдаги транспортлар билан ўзаро ҳамкорлигини яхшилашга ва бошқа технологик операцияларни белгиланган муддатларда амалга оширишга алоҳида аҳамият бериш керак бўлади.

Юкларни етказиб бериш муддатини тезлаштириш ва ғилдиракдаги юк массасини камайтириш натижасидаги халқ хўжалик воситаларини иқтисоди қуйидагича аниқланади,

$$Э_{е.б.} = E \cdot \Delta t_{е.б.} \cdot Q_{й.с.} \cdot C_{юк} / 365, \text{ сўм} \quad (11.6)$$

бу ерда  $E$  - капитал маблағ сарфи самарадорлигининг коэффиценти;

$\Delta t_{е.б.}$  - юкларни етказишни жадалланиши, сут;

$Q_{й.с.}$  - йўл сафаридидаги юкнинг миқдори, т;

С<sub>юк</sub> - 1 т юкни баҳоси.

### Назорат саволлари

1. Юкларни ташишга тайёрлашга қайси операциялар мансуб эмас?
2. Юкларни ташишга тайёрлашга қайси операциялар мансуб эмас?
3. Юкларни ғалла инспекцияси томонидан кўриқдан ўтказиш қачон амалга оширилади?
4. Юкларни карантин инспекцияси томонидан кўриқдан ўтказиш қачон амалга оширилади?
5. Юкларни ветеринар - санитар кўригидан ўтказиш қачон амалга оширилади?
6. Транспортга оид тамғалаш нималардан иборат эмас?
7. .... – бу юк билан муносабатда (муомалада) бўлиш услубларини кўрсатувчи тасвирдир.
8. .... юкнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида огоҳлантиради, ҳамда хизматчиларга махсулотни ортиш – тушириш, сақлаш ва ташиш услублари ҳақида маълумот беради.


9. Ушбу нишон  қандай аталади?

10. Ушбу нишон  қандай аталади?

11. Ушбу нишон  қандай аталади?

12. Ушбу нишон  қандай аталади?

13. Ушбу нишон  қандай аталади?


14. Ушбу нишон  қандай аталади?


15. Ушбу нишон  қандай аталади?


16. Ушбу нишон  қандай аталади?

17. Ушбу нишон  қандай аталади?

18. Ушбу нишон  қандай аталади?

19. Ушбу нишон  қандай аталади?

20. Бу  нишон билан тасвирланган юкларни .....

21. Бу  нишон билан тасвирланган юкларни .....

22. Агар юкнинг ҳолатини ўзгариши унинг шикастланишини келтириб чиқариши мумкин бўлган юкларда ушбу ..... нишон тасвирланади.

23. Қачонки оғирлик маркази юкнинг геометрик маркази ташқарисида бўлса, ҳамда баландлиги 1 метрдан ортиқ бўлган юкларда ушбу ..... нишон тасвирланади.

24. Агар ҳароратни кўтарилиши юкнинг бузилишига ёки хусусиятини ўзгаришига олиб келса, юкка ушбу ..... нишон тасвирланади.

25. Агар юкни кўтариш учун арқон ёки занжир бошқа жойдан илиб олинса юкни ёки ўровни шикастланишини келтириб чиқариши мумкин бўлган юкларда ушбу ..... нишон тасвирланади.

26. Агар ҳар қандай нур энергияси юкнинг хусусиятига таъсир қилиши ёки ўзгартириб юбориши мумкин бўлса бундай юкларда ушбу ..... нишон тасвирланади.

27. Юкларни тамғалашда асосий ёзувларга нималар мансуб эмас?

28. Юкларни тамғалашда қўшимча ёзувларга нималар мансуб эмас?

29. Юкларни тамғалашда ахборот ёзувларга нималар мансуб эмас?

30. Умумий фойдаланиш жойларида майда жўнатмаларни ташишга қабул қилинганда темир йўл тамғасини ким тасвирлайди?

31. Ноумумий фойдаланиш жойларида майда жўнатмаларни ташишга қабул қилинганда темир йўл тамғасини ким тасвирлайди?

32. Умумий фойдаланиш жойларида кам тоннажли жўнатмаларни ташишга қабул қилинганда темир йўл тамғасини ким тасвирлайди?

33. Ноумумий фойдаланиш жойларида кам тоннажли жўнатмаларни ташишга қабул қилинганда темир йўл тамғасини ким тасвирлайди?

34. Ушбу темир йўл тамғаси (324 – 6) / 289503 даги 324 нимани билдиради?

34. Ушбу темир йўл тамғаси (324 – 6) / 289503 даги 6 нимани билдиради?

36. Ушбу темир йўл тамғаси (324 – 6) / 289503 даги 289503 нимани билдиради?

\*\*\*\*\*

37. Юкхати ва уни асосида юк жўнатувчига берилган ..... юк ташиш шартномасини тузилганлигини билдиради.

38. Темир йўлининг юк ташиш шартномасидан келиб чиқадиган асосий мажбурияти нимадан иборат?

39. Юк жўнатувчининг юк ташиш шартномасидан келиб чиқадиган асосий мажбурияти нимадан иборат?

40. Юк олувчининг юк ташиш шартномасидан келиб чиқадиган асосий мажбурияти нимадан иборат?

41. Икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви ..... дейилади.

42. Юк ташиш шартномасидаги тарафлар кимлар?

43. Ташиш шартномасидан келиб чиқадиган юк ташиш ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси (қатнашчиси), учинчи шахс – ..... бўлиб қолади.

44. Темир йўли ва юк жўнатувчи ташиш шартномасини тузган пайтидан бошлаб юк олувчида ..... вужудга келади.

45. Юк ташиш шартномаси бўйича юк тайинланган станцияга етиб келгач, юк олувчининг зиммасига маълум бир ..... юклатилади.
46. Ички қатновларда ташиш ҳужжатлари қайси вароқдан иборат эмас?
47. Ички қатновларда ташиш ҳужжатлари қайси вароқдан иборат эмас?
48. .... йўл қайдномаси билан биргалида тайинланган станциягача юк билан етиб боради.
49. Тайинланган станцияда юк олувчи йўл қайдномасига юкни қабул қилиб олганлиги ҳақида имзо чекади ва ..... юк билан бирга юк олувчига топширилади.
50. .... ҳам юридик ва ҳам ҳисоб – китоб аҳамиятига эга бўлаган ташиш ҳужжатиدير.
51. Қайси ташиш ҳужжати ҳисоб, молия ва ахборот аҳамиятига эга ҳужжат ҳисобланади?
52. Йўл қайдномасига олувчи юкни қабул қилиб олганлиги ҳақида имзолаганидан сўнг, у қаерга жўнатилади?
53. ...., йўл қайдномаси корешогининг тегишли графасига имзо чекдириб юк жўнатувчига берилади.
54. Юк жўнатувчи ..... қабул қилиб олиши юк ташиш шартномаси тузилганлиги ва темир йўли юкни қабул қилиб олганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи юридик ҳужжат ҳисобланади.
55. Битта вагонда биргаликда ташишга ўз хусусиятлари бўйича йўл қўйилмайдиган юкларни бир ташиш ҳужжатида расмийлаштиришга руҳсат этиладими?
56. Ташишда алоҳида эҳтиёткорлик чораларини талаб қилувчи юклар билан, бундай чораларни талаб қилмайдиган юкларни бир ташиш ҳужжатида расмийлаштиришга руҳсат этиладими?
57. Санитария, ветеринария, бошқа айрим меъёр ва қоидалар талаб қилувчи юкларни бундай меъёр ва қоида талаб қилмайдиган юклар билан бир ташиш ҳужжатида расмийлаштиришга руҳсат этиладими?
58. Юкхатида тайинланган станция ва темир йўлини номини қайси ҳужжатга мувофиқ кўрсатилади?
59. Юкхатида юкни номини қайси ҳужжатга мувофиқ кўрсатилади?
60. Ҳайвонлар учун юкхатига қайси ҳужжат илова қилинади?
61. Ҳом ҳайвон маҳсулотлари учун юкхатига қайси ҳужжат илова қилинади?
62. Ғалла юклари учун юкхатига қайси ҳужжат илова қилинади?
63. Тез бузилувчан юклар учун юкхатига қайси ҳужжат илова қилинади?
64. Агар жўнатувчи юк ҳақида қўшимча маълумотларни олувчига хабардор қилиши керак бўлса, у юкхатининг орқа томонидаги ..... графасини тўлдириши мумкин.
65. Юкни билдирилган баҳоси юкхатини қайси графасида кўрсатилади?
66. Юкни ўзига хос хусусияти юкхатини қайси графасида кўрсатилади?
67. Жўнатувчи ўрнатган ва олувчига топширилиши керак бўлган мосламалар юкхатини қайси графасида кўрсатилади?
68. Жўнатувчи музлашга қарши қўллаган профилактик чоралар юкхатини қайси графасида кўрсатилади?
69. Уставнинг 50-бандига мувофиқ, темир йўли ..... ташишга қабул қилиши мумкин.
70. Юк жўнатувчи ва жўнатувчи станцияси ўртасида юкни билдирилган баҳоси бўйича келишмовчилик бўлган ҳолатларда нима қилинади?
71. Юк жўнатувчи қайси юкларни баҳосини билдириб ташишга тақдим этиши шарт?
72. Юк жўнатувчи қайси юкларни баҳосини билдириб ташишга тақдим этиши шарт?
73. Қайси юкларни баҳосини билдириб ташишга тақдим этишига йўл қўйилмайди?



74. Қайси юкларни баҳосини билдириб ташишга тақдим этишига йўл қўйилмайди?
75. Юк жўнатувчи баҳоси билдирилган юкни ташишга тақдим этишда ..... тўлдириши шарт.
76. Қайси ҳолатларда темир йўли юкни вазнини аниқлайди?
77. Қайси ҳолатларда юк жўнатувчи юкни вазнини аниқлайди?
78. Юк вазнини андаза (трафарет) бўйича, стандарт бўйича аниқлашни ким амалга оширади?
79. Юк вазнини ҳисоб йўли билан, ўлчаш бўйича ёки шартли аниқлашни ким амалга оширади?
80. Вагондаги ёки контейнердаги юкни умумий массасини андазага мувофиқ аниқлаш қандай амалга оширилади?
81. Вагондаги ёки контейнердаги юкни умумий массасини стандарт бўйича аниқлаш қандай амалга оширилади?

## 12-маъруза. Юкларни ортиш ва жўнатиш бўйича операциялар

Режа:

1. Юкларни ортишга вагон ва контейнерларни тайёрлаш;
2. Юкларни вагонларга ва контейнерларга ортишга қўйиладиган асосий талаблар;
3. Ёпиқ вагонларга юкларни жойлаштириш ва маҳкамлашнинг асосий техник шартлари;
4. Темир йўлининг воситасида юкларни вагонларга ортиш;
5. Умумий фойдаланиш жойларида юк жўнатувчининг воситаларида вагонланган жўнатмаларни ортиш;
6. Вагонларнинг юк кўтаришидан ва сиғимидан фойдаланиш;
7. Вагонларга ва контейнерларга юклашнинг техник меъёри;
8. Вагонларни юк кўтаришидан фойдаланишни яхшилаш бўйича чора – тадбирлар;
9. Юкларни ортиш ва тушириш муддатлари;
10. Вагон ва контейнерларни пломбалаш тартиблари;
11. Станциядан юкларни жўнатиш бўйича операциялар.

### 1. Юкларни ортишга вагон ва контейнерларни тайёрлаш

Ортишга олиб кириб бериладиган вагон ва контейнерлар **ҳаракат хавфсизлиги** ва юкларни **асраш** талабларига жавоб бериши керак. Станцияда ортишга олиб кириб бериладиган ҳар бир вагон **техник хизмат кўрсатишга** ва **тижорий кўрикка** тақдим этилиши шарт.

**Вагонларга техник хизмат кўрсатишни** вагон хўжалиги хизмати ишчилар *вагонларни ташишга тайёрлаш пунктларида ёки техник хизмат кўрсатиш пунктларида* бажарадилар.

**Вагонларни ташишга тайёрлаш пунктлари**, одатда юкларни оммавий ортиш ва тушириш жойларида барпо этилади. Ташишга тайёрланадиган вагонларнинг турига мувофиқ ярим очик вагонларни ва платформаларни тайёрлаш пунктлари, ёпиқ ва изотермик вагонларни комплекс тайёрлаш пунктлари, вагонларни ювиш – буғлаш станциялар ва цистерналарни тайёрлаш пунктлари мавжуд.

Вагонларга **техник хизмат кўрсатиш пунктлари** (пункт технического обслуживания, қуйида **ПТО** деб юритилади) саралаш ва участка станцияларида барпо этилади. **Техник хизмат кўрсатишда вагонларнинг узел ва деталларини ҳолати ва ейилиши ҳамда уларни белгиланган ўлчамларга мослиги, вагон кузовини ташилаётган юкни асрашни кафолатловчи созлиги, вагонларнинг ўтиши майдончаларини, зинаполарини ва ушлаш дасталарини созлиги текширилади.** Вагонларни техник хизмат кўрсатишга тақдим этмасдан ва уни вагон хўжалиги ишчилари томонидан ВУ-14 шаклдаги Китобга **яроқли** (годным) деб

эътироф этилганлиги ҳақида ёзмасдан вагонларни ортишга олиб кириб бериш тақиқланади.

Вагонларни ташишга тайёрлаш пунктлари ёки техник хизмат кўрсатиш пунктлари мавжуд бўлмаган станцияларда бўш вагонларни ортишга олиб кириб бериш ҳамда ана шундай станцияларда юкли вагонларни жуфтлашган операцияларда фойдаланиш мўлжалланганда, *ортиш станциясидан олдинда жойлашган вагонларни ташишга тайёрлаш пунктларида ёки техник хизмат кўрсатиш пунктларида*, уларни кўриқдан ўтказиш, заруриятли ҳолатларда эса таъмирлаши керак. Вагонларни техник хизматга тақдим этиш тартиби ва уларни яроқлилиги ҳақида хабар беришни темир йўли раҳбари белгилайди.

**Вагон ва контейнерларнинг тижорий кўриги** - *ташиш жараёнининг энг муҳим элементларидан бири ҳисобланиб, уни амалга оширишдан асосий мақсад поездлар ҳаракат хавфсизлигини ва ташилаётган юкларни асрашни таъминлашдан иборат.* **Вагон ва контейнерларни тижорий муносабатда яроқлилиги ва созлиги** (пригодность и исправность):

- *олдинги ташилган юкдан сифатли тозаланиши;*
- *юкни бузилишини келтириб чиқарувчи бегона хидларни, мойли доғларни ва бошқа ифлосликларни мавжуд эмаслиги;*
- *юкни сизиб тўкилишини келтириб чиқариши ёки нам ёки локомотивдан учқун кириши мумкин бўлган тирқиш ва тешикларни мавжуд эмаслиги;*
- *вагон кузовини ичида ёки полида юкни шикаслантириши мумкин бўлган чиқиб турган мих ва болтларни мавжуд эмаслиги;*
- *вагонларни ёнбош ва том туйниклари ҳамда ўз – ўзидан зичлашадиган эшикларнинг тушириш туйниклари қопқоқларини зич беркилиши ва пухта маҳкамланиши;*
- *тамбалаш – пломбалаш мосламасини қўйиш учун вагон эшигини зулифларини, платформаларнинг устун скобалари ва ярим очик вагонларнинг боғлаш ярим ҳалқаларини созлиги;*
- *ярим очик вагонларни остки тушириш туйникларининг қопқоқлари беркитиш механизмининг иккала зулфига ҳамда этак эшикларини зич ва пухта беркилиши;*
- *ярим очик вагонларнинг остки тушириш туйникларининг қопқоқларида деформация мавжуд эмаслиги ва бошқалар билан тавсифланади.*

Қиммат баҳо юклар ортиладиган вагонлар алоҳида синчиковлик билан кўриқдан ўтказилади. Вагонларни ортишга тайёрлаш технологиясига тозалаш ва ювиш, керакли ҳолатларда эса дезинфекция ёки дезинсекция каби дастлабки операциялар мансуб бўлади.

## 2. Юкларни вагонларга ва контейнерларга ортишга қўйиладиган асосий талаблар

Темир йўлининг воситаларида юк ортилганда ҳам ва юк жўнатувчининг воситаларида юк ортилганда ҳам ташишда поездлар ҳаракат хавфсизлигини, юкларни асрашни таъминлаш шартларига риоя қилиш, шунингдек вагон ва контейнерлардан (юк кўтариши, сиғими ва вақт бўйича) самарали фойдаланиш керак.

Вагон ва контейнерларнинг **юк кўтаришидан ва сиғимидан** самарали фойдаланиш талаблари Уставнинг 54-бандида баён этилган бўлиб, унда: **юк жўнатувчи вагонларга ва контейнерларга белгиланган техник меъёрлардан кам бўлмаган миқдорларда юк ортиши шартлиги; очик ҳаракатдаги составга юкларни ортиш ҳаракатдаги составнинг сиғимидан тўлиқ фойдаланиб, аммо унинг юк кўтаришидан оширмасдан амалга оширилиши; юк ортишининг техник меъёрлари белгиланмаган юклар вагон (контейнер) ларнинг сиғимидан тўла фойдаланиб, аммо уларнинг юк кўтаришидан оширмасдан юкланиши кераклиги; жўнатувчи темир йўл станциясида вагон (контейнер) ларнинг юк кўтаришидан зиёд юк ортиш аниқланган ҳолатларда темир йўлининг талаби бўйича юк жўнатувчи ортиқча юкни тушириб олиши шартлиги; юкларни ортишдан сўнг юк жўнатувчи вагонни ташиқ сиртини ортилган юк қолдиқларидан тозаланиши шартлиги** баён этилган.

Вагонларга, шу жумладан очик ҳаракатдаги составларга ва контейнерларга юкларни жойлаштириш ва маҳкамлаш “темир йўл транспортда юкларни ортиш ва маҳкамлашнинг **Техник шартлари**” га (қуйида Техник шартлар деб юритилади) мувофиқ амалга оширилади. Вагонларни ва контейнерларни юк кўтаришида ва сиғимидан максимал фойдаланиш, юкларни уларга самарали жойлаштириш ҳисобига эришилади. Вагонга юкни жойлаштириш унинг габаритидан келиб чиққан ҳолдагина амалга оширилмасдан, балки юк массаси юкламасини вагон ёки контейнер полининг майдони бўйича бир текис тақсимланиши талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши лозим. Вагонларга ва контейнерларга юкларни жойлаштиришнинг умумий талаблари ҳамда шартлари Техник шартларда мукамал баён этилган.

Юкларни ортиш, жойлаштириш, маҳкамлаш ва ташиш учун мосламалар, жиҳозлар ва материаллар (иситиш қўралари, эшик тўсиқлари, шу жумладан сабзавот ва ғалла шчитлари, боғлагичлар, панжаралар, турникетлар ва бошқалар) дан фойдаланиш талаб этилади. **Уставнинг 55-бандида:**

- ташиладиган юкни ортиш учун зарур бўлган **ташиш мослама ва материалларни юк жўнатувчи тайёрлаши кераклиги;**

- ташиш мосламаларини юкни ортишда ўрнатишни ва уларни юкни туширишда олиб қўйиши (ечиб олиши) ни кимнинг воситасида ортиш ва

тушириши бажарилишига қараб юк жўнатувчи, юк олувчи ёки темир йўли амалга ошириши;

- ташиши мосламаларини ўрнатилганлиги ҳақида юк жўнатувчи **юкхатида** кўрсатиши мумкинлиги;

- вагонларга тўсиқларни ва панжараларни ўрнатиши, уларни маҳкамлаш, вагонларнинг тўйнуқларини панжаралаш (обрешетка) ҳамда ўрмон материалларини боғлаш ва бошқа ишларни юк жўнатувчи бажариши ва унга **ташиши мосламаларини тўғри ўрнатиши жавобгарлиги** юклатилиши;

- юк жўнатувчига тегишли бўлган барча ташиши мосламалари тайинланган темир йўл станциясида юк олувчига топширилиши **белгилаб қўйилган**. Фақат юк жўнатувчигина у ёки бу юкни ташишга бўлган ўзининг талабидан, ташиладиган юкни хусусиятини билишидан келиб чиққан ҳолда юкни ташишга тайёрлашга маъсуллиги ҳамда ҳаракат хавфсизлигини ва юкларни, вагонларни, контейнерларни асрашни таъминлаш чора – тадбирларини кўриши керак бўлганлиги боис Уставнинг 55-бандида назарда тутилган тартиблар белгиланиши асосли ҳисобланади.

Амалдаги қоидалар бўйича юк жўнатувчидан Техник шартларига мувофиқ юк ортилган вагонларни қабул қилишни ва юкларни жойлаштириш ва маҳкамлаш тўғрилигини текширишни станциянинг **катта қабул қилувчи топширувчиси**, у бўлмаган жойларда эса **станция бошлиғи ёки станция бошлиғини ўринбосари** амалга оширадилар. Юк жўнатувчилар ишлаб чиққан ва темир йўли тасдиқланган **усулдаги схема** ва **чизмалар** бўйича юклар ортилган вагонни қабул қилишни ва юкларни жойлаштириш ва маҳкамлаш тўғрилигини текширишни **станция бошлиғи ёки унинг ўринбосари** амалга оширадилар. Йўл сафарида Техник шартлар талабларига мувофиқ ёки юк жўнатувчи ишлаб чиққан ва темир йўл тасдиқлаган усулдаги схема ва чизмалар бўйича юклар ортилган вагонларни назорат қилишни вагонларни **тижорий кўрик пункт** хизматчиларининг зиммасига юклатилади. Техник шартлар талабларига риоя қилмаслик ташиш жараёнида юкни силжиши, уни габаритдан чиқиши ва ҳатто қулаб тушиши каби хавфли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

### **3. Ёпиқ вагонларга юкларни жойлаштириш ва маҳкамлашнинг асосий техник шартлари**

**Ёпиқ вагонларга юкларни жойлаштириш ва маҳкамлаш ҳаракат хавфсизлигини таъминлашни, маневр ва ортиши – тушириши ишларини бажаришни, вагонларни юк кўтаришидан ва сизимидан тўлароқ фойдаланишни, ташилаётган юкни ва ҳаракатдаги составни асрашни инobatга олган ҳолда амалга оширилиши керак.** Юклар вагонга бир текис жойлаштирилади. Агар юкларни вагонга бир текис жойлаштиришни

имкони бўлмаса, унда юк массасини умумий оғирлик марказини Техник шартлар талабларига мувофиқ силжишига йўл қўйилади. Битта вагонга **турли массадаги ҳамда турли ўровдаги** юкларни ортишда, катта массадаги ва қаттиқ ўровлардаги юклар пастки қаватларга, юмшоқ, панжарали, фанерали, картонли ва шунга ўхшаш ўровлардаги кичик массали юклар эса юқори қаватларга жойлаштирилади. ***Ўзининг хусусияти бўйича бошқа юкларни иккастлантурувчи ёки бузувчи юкларни битта вагонга биргаликда ортиб жўнатиш тақиқланади.***

Ёпиқ вагонларга юклар унинг этагидан эшиклар ўртаси бўшлиғи томон бир текисда зичлаб, кўндаланг ва бўйлама йўналишларда тирқишларсиз тахлаб жойлаштирилиши кераки, ташиш жараёнида алоҳида юк жойларини кулаб тушиши, бир бири билан ишқаланиши ва шикастланиши содир бўлмасин. Эшиклар ўртаси бўшлиғида ҳам юклар зичлаб, тирқишларсиз тахланади. Ташиш жараёнида юкларни эшикларга уйилиб ёнбошлаб қолмаслиги истисно қилиш мақсадида улар шчитлар, тўсинчалар ёки тахталар билан тўсилиши керак. Тахлашда юкни силжиши мумкин бўлган иложсиз тирқишлар мавжуд бўлганида, улар паст баҳоли материаллар - картон, пенопласт, яроқсиз резина ғилдиракжилд (покришка) ва бошқалар билан тўлдирилиши керак.

Идиш – ўровли ва донали юкларни ёпиқ вагонларга ортишда вагоннинг иккала томонидан ҳам юкни тушириш мумкин бўлиши учун, унинг эшиклари бемалол очилишини таъминланиш лозим. Эшиклар ўртаси бўшлиғида юклар эшиклардан 250 мм масофада тахлаб жойлаштирилиши керак. Агар эшиклар ўртаси бўшлиғида тахлаб жойлаштирилган юклар кўндаланг силжишга омонат (беқарор) бўлса, уларни тирак ва тиргак (айри) тўсинчалар, боғлагич ва бошқа мосламалар билан маҳкалаш керак бўлади. Ёпиқ вагонларда юкларни жойлаштириш ва маҳкамлашнинг Техник шартларида (Техник шартлар, 3-бўлим) турли юкларни (фанера, туника ва навланган металлларни, бочка, яшик, рулонлардаги қоғозларни ва бошқалар) жойлаштириш ва маҳкалаш тартиблари келтирилган. Битта жўнатмага мансуб бўлган юк жойларини вагонда шундай жойлашритиш керакки, уларни тамғалари кўриниб турсин.

#### **4. Темир йўлининг воситасида юкларни вагонларга ортиш**

Вагонларга юкларни ортиш, одатда юк қабул қилинган куни ёки кейинги суткадан кечикмай амалга оширилиши керак. Бўш вагонларни ортишга олиб кириб берилаётган пайтда қабул қилувчи топширувчи ортишни кетма – кетлигини ва тартибини белгилайди, комплекс механизациялашган бригадани олдинда турган ишни бажариш тартиби билан ташиштиради. Қабул қилувчи топширувчининг кўрсатмасига биноан поезд тузувчи омборнинг участкалари бўйича вагонларни ортишга жойлаштириб чиқади. Вагонлар жойлаштириб чиқилганидан сўнг қабул қилувчи

топширувчи, станцияда ўрнатилган тартиб бўйича **вагонлар техник кўрикдан** ўтказилганлиги ҳақида белги мавжудлигини текширади, муайян юкни ортиш учун уни **тижорий муносибатда яроқлигини** аниқлайди ва комплекс механизациялашган бригадани бригадирга юкларни вагонга ортишни бошлашга кўрсатма беради.

Вагонга юкларни ортиш жараёнида, қабул қилувчи топширувчи мазкур жўнатмадаги юк жойларини ажралиб қолишига йўл қўймай, тўғри тахлаб жойлаштиришни ва маҳкамланишини кўздан кечириб туради. Юкларни жойлаштириш ва маҳкамлаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, вагонларни юк кўтаришидан ва сиғимидан тўлароқ фойдаланишни ҳамда юкларни ва вагонларни асрашни инобатга олиб амалга оширилади. Вагонларни кутилаётган олиб чиқишга тайёрилиги ҳақида қабул қилувчи топширувчи телефон, радио алоқа ёки бошқа алоқа узатиш воситасида маневр диспетчарини ёки юк ва тижорат ишлари бўйича смена инженерини (катта техникни) хабардор қилади.

Вагонга юклар ортиш тугаганидан сўнг юкчилар вагон эшикларини беркитадилар. Қабул қилувчи топширувчи вагонга тамбалаш – пломбалаш мосламаси (ЗПУ) ни қўйади (ўрнатади), вагон вароғини тўлдиради, унга керакли маълумотларни ёзади. Шунингдек қабул қилувчи топширувчи **ГУ-37 шаклдаги пломбалаш Китобини** ва **ГУ-34 шаклдаги жўнатишга юкларни қабул қилиш Китобини** тўлдиради.

Ҳаракатдаги составга юкни ортишни станция хизматчилари Техник шартларга мувофиқ амалга оширадилар. Бу ҳолда вагон вароғини олди томонида “Груз погружен и укреплен правильно” белгиси қўйилиб, текширувчининг мансаби ва унинг имзоси билан тасдиқланади. Юк ортилган вагонга расмийлаштирилган вагон вароғи товар идорасига юборилади. Станция омборидан вагонларга юкларни ортишдаги операцияларни бажариш тартиби 12.1-расмда келтирилган.

Юкларни қабул қилиш ва вагонга ортиш бевосита автомобиль – вагон варианты бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин, шу шарт биланки агар ҳаракатдаги составлар автотранспортларни кутиб тўхтаб туриши истисно қилинса. Бунинг учун вагонларни олиб кириб бериш ва юкларни автотранспортда ташиб келтириш вақти, станция ва юк жўнатувчи ўртасида олдиндан мувофиқлаштирилади. Юкларни бевосита вариант бўйича ортишда қабул қилувчи топширувчи жойлар сонини, ўровини, жўнатувчининг тамғасини текшириши таъминлаши керак. Юкхатини номери қабул қилувчи топширувчига товар идорасидан станцияда белгиланган тартибда хабар қилинади. Бевосита автомобиль – вагон варианты бўйича юкларни қабул қилиб олиш ва ортиш операцияларини кетма – кетлиги 12.2-расмда келтирилган.

## **5. Умумий фойдаланиш жойларида юк жўнатувчининг воситаларида вагонланган жўнатмаларни ортиш**

Темир йўл станциясининг бошлиғи юк жўнатувчининг воситаларида ортишга бўш вагонларни олиб кириб бериш вақти ҳақида юк жўнатувчини бўш вагонларни олиб кириб беришдан **2 соатдан кеч қолмай хабар бериши** шарт (Уставнинг 57-банди). Хабар бериш тартибини станция бошлиғи белгилайди (телефон, телеграф, почта алоқаси ва бошқалар). Юк жўнатувчи хабар бериш усулларида бирини танлаб олади ва бу ҳақида станция бошлиғига маълум қилиб қўйади. Телефон орқали хабар бериш тартиби белгиланганида, юк жўнатувчи хабарни қабул қилиш учун масъул шахсни тайинлаши керак ва уни фамилияси ва телефон номерини станция бошлиғига билдириб қўйиши шарт. Агар юк ортиш туширишга олиб кириб берилган вагонлар ҳисобидан таъминланса, ортишга вагонларни олиб кириб бериш вақти ҳақида хабар бериш талаб этилмайди. Вагонларни ортишга олиб кириб бериш вақти ҳақида хабарларни ёзиб бориш учун станцияда **ГУ-2 шаклдаги вагонларни ортишга ёки туширишга олиб кириб бериш вақти ҳақида хабар бериш Китоби юритилади.**

Ортиш учун бўш вагонларни олиб кириб бериш, хабардаги муддатдан сўнг 2 соатдан ортиқча кечикса, станция юк жўнатувчига янгитдан келгуси олиб кириб бериш вақти ҳақида хабар бериши керак. ***Вагонлар ортиш учун, хабардаги муддатларга риоя қилмасдан ёки хабар бермасдан олиб кириб берилса, юк жўнатувчи вагонларни тақдим этилган пайтдаёқ қабул қилиши керак.***

### **Бунда вагонлар:**

- белгиланган муддатдан олдин олиб кириб берилганида – ушбу муддат бошланган пайтдан;

- белгиланган муддатдан кеч ҳамда хабар бермасдан олиб кириб берилса – вагонлар ҳақиқий олиб кириб берилган пайтдан 2 соат ўтгандан сўнг, **олиб кириб берилган деб эътироф этилади:**

Юк ортиш бошлангунга қадар қабул қилувчи топширувчи юк жўнатувчидан юкхатини олиб юкни ташиб келтиришга ва ортишга руҳсат мавжудлигини текширади, **ГУ-45 шаклдаги қабул қилувчи топширувчи эсдалигига** вагонни номерини ва ортиш вақтини ёзиб қўйади.

Шундан сўнг жўнатувчи омбордан ёки бевосита автомобиль транспортдан юкни вагонга ортишни бошлайди. Қабул қилувчи топширувчи юкхати маълумотлари асосида **ГУ-34 шаклдаги жўнатишга юкларни қабул қилиш Китобини** ва вагон вароғини тўлдиради. Битта жўнатмани қисмларга бўлиб ташиб келтирилганида, охирга қисмни ортиб бўлгунга қадар юкхати жўнатувчида қолади.

Юк жўнатувчи юк ортилган вагонни темир йўлининг қабул қилувчи топширувчисига тақдим этади. Қабул қилувчи топширувчи юк ортилган вагонни ташқи кўрикда жўнатувчи ўрнатган тамбалаш – пломбалаш



мосламасини (агар юк жўнатувчининг пломбасида ташилса), юкни жойлаштириш ва маҳкамлаш тўғрилигини (агар юк очик ҳаракатдаги составда ташилса) текширади. Бу ҳолда юк жўнатувчи юкхатини орқа томонидаги 1-графада фамиляси ва мансабини кўрсатиб, имзолаб тасдиқлайди. Ортишни тугагани ҳақида юк жўнатувчи товар идорасига юк операцияларини тугалланганлиги ҳақида хабар беради. Қабул қилувчи топширувчи ортишни тугаган вақтини вагон вароғига ёзиб қўйади.

Ортишни бошланиш ва тугаш вақтини юк жўнатувчи **ГУ-45 шаклдаги қабул қилувчи топширувчи эсдалигига** имзо қўйиб тасдиқлайди. Юкни жойлаштириш ва маҳкамлаш тўғрилиги текширилганидан ва бу ҳақида юкхатига ва вагон вароғига Техник шартларда назарда тутилган тегишли белгилар киритилганидан сўнг юкхати, вагон вароғи, қабул қилувчи топширувчи эсдалиги билан биргаликда товар идорасига юборилади.

## 6. Вагонларнинг юк кўтаришидан ва сиғимидан фойдаланиш

Вагонларни эксплуатация қилишнинг самарадорлиги кўп жихатдан уларнинг юк кўтаришидан ва сиғимидан тўлароқ фойдаланишга боғлиқ. Вагонларга қанча кўп юк ортилса, белгиланган ташиш ҳажмини бажариш учун шунча кам вагон талаб қилинади, ташиш таннарҳи шунча кам ва вагонларни унумдорлиги шунча юқори бўлади.

Вагонларни юк кўтаришидан фойдаланишни тавсифловчи асосий сифат кўрсаткич – **статик юклама** ҳисобланади. Вагоннинг ўртача статик юкламасини қуйидаги формула бўйича аниқланади

$$P_{ст} = \sum P / \sum U, m/ваг \quad (12.1)$$

бу ерда  $\sum P$  - вагонларга жами ортилган юклар,  $m$ ;

$\sum U$  - шу юклар ортилган жами вагонлар сони;

Вагоннинг статик юкламаси юк айланмасининг структурасига, вагон паркининг составига, юкларни ташишга тайёрлаш усуллариغا, зичлаб юклашга, вагонларга юклашнинг техник меъерини бажаришга ва мазкур юкни ташиш учун вагон турларини тўғри танлашга боғлиқ бўлади. Юкнинг ҳажмий массаси ва вагоннинг солиштирма ҳажмини қанча катта бўлса вагоннинг статик юклама шунча юқори бўлади.

Вагоннинг статик юкламаси фақат битта вагонга ортилган юклар миқдорини кўрсатади, унинг юк кўтаришидан фойдаланиш даражаси **вагоннинг юк кўтаришидан фойдаланиш коэффиценти** ( $k_{юк}$ ) билан тавсифланади

$$k_{юк} = P_{ст} / G_{юк} \quad (12.2)$$

бу ерда  $P_{ст}$  - вагоннинг статик юкламаси,  $m$ ;

$G_{юк}$  - вагоннинг юк кўтариши,  $m$ ;

Бу коэффицентини бирга тенг ёки унга яқин бўлиши вагоннинг юк кўтаришидан энг яхши фойдаланганликни тавсифлайди. **Вагонларнинг юк кўтаришидан фойдаланишга:** юкнинг ҳажмий массаси, вагонларнинг конструкциясини юкларнинг характериға мувофиқлиги, вагоннинг сизимини оширувчи мосламаларни қўллаш, идиш ва ўровларнинг характери, юкларнинг ортиш шарт-шароитлари ва ҳ.к. **таъсир этади.** Ҳозирда вагонларнинг юк кўтаришидан фойдаланиш коэффицентини ҳамма юк вагонлар парки учун  $k_{юк} = 0,80 - 0,82$  ни ташкил этади, яъни ўрта ҳисобда ҳар бир вагоннинг юк кўтаришидан 80 – 82 % фойдаланилади. Лекин амалиётда баъзи бир турдаги вагонлар (платформалар, изотермик вагонлар) учун унинг юк кўтаришидан фойдаланиш коэффицентини  $k_{юк} = 0,45 - 0,55$  ни ташкил этса, бошқа турдаги вагонлар (ярим очик вагонлар ва ихтисослаштирилган вагонлар) учун бу коэффицентини қиймати  $k_{юк} = 0,94 - 1,0$  ни ташкил этади. Булардан кўриниб турибдики, амалиётда ҳали – хануз вагонларнинг юк кўтаришидан фойдаланишнинг захиралари анча бисёр, яъни вагонларнинг юк кўтаришидан фойдаланишнинг юксалтириш учун темир йўл транспортида анчагина чора-тадбирларни амалга ошириш керак бўлади.

## 7. Вагонларға ва контейнерларға юклашнинг техник меъёри

*Юклашнинг техник меъёри деб самарали усулда ташишга тайёрланган юкни, мазкур турдаги вагон ёки контейнерға уларни юк кўтаришидан ва сизимдан энг яхши фойдаланиб ортилган мақбул миқдорига айтилади.* Юклашнинг техник меъёри орқали юк жўнатувчи муайян юкдан у ёки бу вагонға, контейнерға максимал миқдорда мумкинлигини тезликда аниқлаб олиши ва юк ташиш буюртманомасида керакли мидордаги вагон ёки контейнерларни сонини кўрсатиши мумкин.

Вагонларнинг юк кўтаришидан самарали фойдаланиш ҳалқ хўжалигида муҳим аҳамиятға эға эканлиги боис, вагонларға юк ортишнинг меъёрлаш масалалари **Уставининг 54-бандида ўзининг ҳуқуқий ўрнини эгаллаган бўлиб, унда:**

- вагон (контейнер) ларнинг юк кўтаришидан ёки сизимдан максимал фойдаланиш ҳамда юкларни ташишға тайёрлаш (исканжалаш, пакетлаш, идишлаш, қисмларға ажратиш ва ҳ.к. лар) ни ва уларни вагон (контейнер) ларда жойлаштиришини илгор услубларини ҳисобға олиб, юкларни асрашни таъминлаш заруриятидан келиб чиққан ҳолда темир йўли вагонларға ва контейнерларға юклашнинг **техник меъёрларини тайинланиши;**

- юк жўнатувчи вагонларға ва контейнерларға белгиланган **техник меъёрлардан кам бўлмаган миқдорларда юк ортиши шартлиги;**

- темир йўли бошлиғи юк жўнатувчилар билан келишган ҳолда ташиладиган юкни хусусияти ва сифатига ва ҳаракатдаги составнинг турига мувофиқ вагонларга ва контейнерларга юк ортишининг **маҳаллий техник меъёрларни тайинлаши мумкинлиги;**

- очиқ ҳаракатдаги составга юкларни ортиш ҳаракатдаги составнинг сизимидан тўлиқ фойдаланиб, аммо унинг юк кўтаришидан оширмасдан амалга оширилиши;

- очиқ ҳаракатдаги составларда ташишга рухсат берилган юкларнинг рўйхати юкларни ташиш Қоидаларида белгиланиши;

- юк ортишининг техник меъёрлари белгиланмаган юклар вагон (контейнер) ларнинг сизимидан тўла фойдаланиб, аммо уларнинг юк кўтаришидан оширмасдан юкланиши кераклиги;

- жўнатувчи темир йўл станциясида вагон (контейнер) ларнинг юк кўтаришидан зиёд юк ортиш аниқланган ҳолатларда темир йўлининг талаби бўйича юк жўнатувчи ортиқча юкни тушириб олиши шартлиги;

- юк жўнатувчи юкларни ташиш Қоидаларига ва Техник шартларга риоя қилиб юк ортишни амалга ошириши шартлиги;

- юкларни ортишдан сўнг юк жўнатувчи вагонни ташқи сиртини ортилган юк қолдиқларидан тозалаш шартлиги **белгилаб қўйилган.**

Вагонларнинг юк кўтаришидан самарали фойдаланиш жуда муҳим ҳалқ хўжалик аҳамиятига эга бўлганлиги учун темир йўл транспортида **вагонларга ва контейнерларга юклашнинг техник меъёрлари** ишлаб чиқилган. Вагонларга ва контейнерларга юклашнинг техник меъёрлари юк ташиш қоидалари ва темир йўл транспорти тарифлари тўпламида эълон қилинади. Юклашнинг техник меъёрлари рўйхати жуда кўп сонли юк жўнатувчилар ташишга тақдим этадиган юкларигина қамраб олган ҳолос. Кам сонли юк жўнатувчилар ташишга тақдим этадиган юклар бўйича эса темир йўли раҳбари тасдиқлайдиган юклашнинг маҳаллий техник меъёрлари белгиланади.

Юк ортишининг техник меъёрини тасдиқлаш учун олдиндан катта тайёргарчилик ишлари олиб борилади. Баъзи бир ҳолатларда юкларни исканжалаш (пресслаш), идишлаш, қисмларга ажратиш пакетлаш ва шунга ўхшаш чора-тадбирлар ва юкларни олдиндан ташишга тайёрлаш ишлари олиб борилади, идишли – ўровли ва донали юкларни оптимал тахлаб жойлаштириш схемаси аниқланади. Юк жўнатувчи ва темир йўли вакилларида иборат комиссия тузилади ва уларни назорати остида юкнинг синов партияси вагонга комиссия тартибда ортилади ва тажрибавий ташишлар амалга оширилади. Ҳар бир операцияларга аниқ бажарилиши кузатиб турилади ва маълумотлар махсус журналга ёзилади, тажрибавий ортишлари ва ташишлар натижаси тегишли актларда аохида расмийлаштирилади. Сўнгра тажрибавий ортишлари ва ташишлар материаллари (актлар, журналлар, юкни жойлаштириш чизмалари,

расмлар, маълумот материаллари ҳамда юк ва идиш стандартлири ва бошқалар) таҳлил қилинади, техник меъёр белгиланади ва вагонларга юкларни жойлаштириш ва маҳкамлаш усуллари ишлаб чиқилади.

Корхоналар ташишга буюртманомаларни тўлдиришда вагонларга юк ортишнинг техник меъёрларини инобатга олишлари керак бўлади. Юк ташиш учун керакли бўлган вагонларни миқдорини аниқлаш ҳуқуқи темир йўлига тегишлидир. Шунинг учун юк жўнатувчилар буюртманомада вагонларни юк ортишнинг техник меъёри бўйича кераклигидан кўпроқ вагон талаб қилганларида темир йўли уларни сонини муносиб равишда камайтиради.


Вагон ва контейнерлардан рационал фойдаланиш мажбурияти ҳуқуқий чора (санкция) лар билан таъминланади. Жўнатувчи станциянинг бошлиғи (ДС) юк ортишнинг техник меъёригача (тўла сиғимигача ёки юк кўтаришигача) ортилмаган вагонларни қабул қилишни рад этиш ва қўшимча юк ортишни талаб қилиш ҳуқуқига эга Вагонга қўшимча юк ортиш учун вагонга тўхтаб туришга юк жўнатувчи масъулиятли бўлади.

Вагонга техник меъёрдан кам юк ортилганлик фактини ва станция бошлиғининг юк ортиш талабини рад этилишини шохидлаш учун жўнатувчи станцияда **умумий шаклдаги акт** тузилади.


## **8. Вагонларни юк кўтаришидан фойдаланишни яхшилаш бўйича чора – тадбирлар**

Вагонларнинг юк кўтариши ва сиғимидан фойдаланиш даражасига юкнинг ҳажмий массаси ва зичлиги, вагон конструкциясининг ташиладиган юкнинг характериға мослиги, платформа ва ярим очик вагонларнинг ҳажмини оширадиган мосламалардан фойдаланиши, идиш ва ўровларнинг характери, ортиш усуллари ва шартлари боғлиқ бўлади.


Вагонларни юк кўтаришидан ва сиғимидан фойдаланишни яхшилаш учун станцияларда турли комплекс чора – тадбирлар амалга оширилади: Оммовий тўкилувчан юкларни ярим очик вагонга бортидан баландроқ **“қалпоқ”** (шапка) усулда ортиш нафақат вагон кузови бортини юқори сатҳигача бўлган ҳажмини, балки унинг **габаритини юқори қисмидан** ҳам фойдаланиш имконини беради (12.1-расм). Ортишнинг бу усули ҳажмий массаси вагоннинг солиштирма юк кўтаришидан кичик ( $\gamma < P_{\text{сол}}$ ) бўлган, тўкилувчан юкларни ва ўрмон материалларини ташишда қўлланилади (12.2-расм). Думалоқ ўрмон материалларини ва тилинган материалларни ҳаракатдаги составнинг габаритининг юқори торайган қисмига **“қалпоқ”** усулида ортиш платформа ва ярим очик вагонга қўшимча 20 – 25 % юк ортиш имконини беради. Ҳажмий массаси катта бўлмаган тўкилувчан юкларни (торф, кокс ва бошқалар) ташиш учун платформа ва ярим очик вагонларнинг бортлари *баландлиги 800 – 900 мм ли қўшимча бортлар ёрдамида кўтарилади* (12.3-расм) ва бу бортлари



12.1-расм. Ярим очик вагонга бортдан баландроқ “шапка” усулда ортиш



12.2-расм. Платформага ўрмон материалларини “шапка” усулда ортиш



12.3-расм. Ярим очик вагон бортини қўшимча бортлар ёрдамида кўтариш

кўтарилган ярим очик вагонлардан чархпалак (вертушка) лар ташкил этилади.

Баъзи бир юклар (пахта толаси, пичан, металл қириндиси) ни **пресслаш** юк жойларини (той, боғлом) алоҳида ўлчамларини кичрайтириш ёки кичрайтирмасдан юкни юкни ҳажмий массасини ошириш имконини беради ва буни ҳисобига вагонларни юк кўтаришидан фойдаланиш анчагина яхшиланади. *Металл қириндисини пресслаш, темир – терсақларни майдалаш вагонларга бўлган эҳтиёжларни 2 – 3 мартабага камайтиради.* Бундай чора – тадбирларга кўмир ва торф майдаларини брикетлаш ҳам мансуб бўлиб, бунинг натижасида вагонларни юк кўтаришидан фойдаланиш яхшиланидан ташқари уларни ташиш жараёнида чангланиб учиб кетишидан нобуд бўлишлар камайади.

Идишли юкларни ёпиқ вагонларда ташишда кўпинча уларнинг юк кўтаришидан 50 – 60 % фойдаланилади, шу боис идишли юкларни ёпиқ вагонларда самарали жойлаштириш катта аҳамиятга эга бўлиб, ижобий натижаларни беради. Юкнинг ва вагоннинг узунлигини, энини ва баландлигини комбинациялаб, олтига мумкин бўлган идишли юкни тахлаб жойлаштириш натижасида вагонга энг кўп юк ўринлари жойлашадиган вариант танлаб олинди.

## **9. Юкларни ортиш ва тушириш муддатлари**

**Юкларни ортиш ва тушириш муддатлари** - бу механизациялашган ёки механизациялашмаган усулда юкларни ортишга ва туширишга сарифланадиган вақт бўлиб, тайёрлаш, ёрдамчи ва тугатиш операцияларга сарифланган вақтни ҳам инобатга олади. Юкларни ортиш ва тушириш муддатлари юк станциялари ишини технологик жараёларини ҳамда темир йўл шахобча йўлларини технологик жараёнларини ишлаб чиқишда, вагонни айланишини ҳисоблашда, темир йўл шахобча йўлларига вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш интервалини аниқлашда ва бошқаларда фойдаланилади. Турли юкларни механизациялашган ёки механизациялашмаган усулда ортиш ва тушириш муддатлари юкларни ташиш Қоидаларининг 13-бўлимининг 1-, 2-, 3- ва 4- иловаларида келтирилган.

Станция йўлларида вагонларни ортишда (туширишда) тўхтаб туришини бошланиши вагонларни ортишга (туширишга) олиб кириб берилган пайти ҳисобланади, вагонларни ортишда (туширишда) тўхтаб туришини тугаши эса станция, юк жўнатувчидан (юк олувчидан) бир вақтни ўзида олиб кириб берилган партиядаги ҳамма вагонлар олиб чиқишга тайёрлиги ҳақида, хабар олган пайт ҳисобланади. Фронт бўйича ортишга (туширишга) қўйилган турли муддатлардаги вагонлар гуруҳи учун, ортишга (туширишга) энг катта муддатли вагон учун белгиланган муддат, берилади. Олиб кириб берилган партиядаги ҳамма вагонлар

бўшагунигача, олиб чиқилган вагонлар юк жўнатувчиларнинг (юк олувчиларнинг) ҳисобидан улар олиб чиқилган пайтдан чиқарилади.

Юкларни ташиш Қоидаларининг 13-бўлимининг 1-, 2-, 3- ва 4-иловаларида келтирилган муддатлар умумий фойдаланиш жойларида жўнатувчиларнинг ва олувчиларнинг воситаларида ортишда ва туширишда вагонларни тўхтаб туриш вақтини меъёрлаш учун ҳамда темир йўл шохобча йўлларини эксплуатацияси ёки вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномасини тузишда ва қайта тузишда вагонларни ортиш ва тушириш вақти меъёрини аниқлаш учун фойдаланилади.

Фронтга сиғадиган партиядаги ҳамма вагонлар учун механизациялашган усулдаги ортиш ва туширишдаги вагонларни тўхтаб туриш вақт меъёри, мазкур юкни битта вагонга механизациялашмаган усулда ортиш ёки тушириш муддатидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Агар корхонада юкларни ташиш Қоидаларининг 13-бўлимининг 3-ва 4-иловаларида назарда тутилмаган ортиш – тушириш машиналаридан фойдаланилса ёки механизациялашган усулда юкларни ортиш ва тушириш амалга оширилса, ортиш ва тушириш муддатини корхона темир йўли минтақавий бўлинмаси билан биргаликда ишлаб чиқади ва темир йўлига тасдиқлашга тақдим этади. Бундай муддатларни ишлаб чиқиш юкларни ташиш Қоидаларининг 13-бўлимининг 5-иловасида келтирилган **“юкларни вагонларга механизациялашган ортиш ва тушириш муддатларини ҳисоблаш тартиби ҳақида услубий Кўрсатма”** га мувофиқ қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Механизациялашган усулда вагонларни ортиш ва тушириш муддати механизмлардан энг самарали ва муайян шарт – шароитларда юкларни ортиш ва тушириш операцияларини бажаришни ўзига хослигини инобатга олиб ортиш – тушириш ишларини самарали ташкил этилгандаги механизмларнинг унумдорлигидан келиб чиққан ҳисобларда аниқланади. Вагонларни ортиш ва тушириш муддатларини аниқлашда алоҳида иш операцияларини максимал биргаликда бажаришни инобатга олиш керак.

Вагонларга ортиш ёки туширишни ҳисобий муддатлари қуйидаги:

а) тайёрлаш операциялари ( $t_{\text{тай}}$ ) – пломбаларни ва симли бойлағичларни ечиш, эшик ва туйникларни очиш, эшик ўймасига тўсиқларни ўрнатиш ёки олиб қўйиш, устунлар, новлар ва кўприкчалар ўрнатиш, синовга наъмуна олиш ва бошқалар;

б) тугатиш операциялари ( $t_{\text{туг}}$ ) – вагон эшикларини ва туйникларини беркитиш, пломбаларни ва симли бойлағичларни қўйиш, юкларни маҳкамлаш, туширишдан сўнг вагонни тозалаш, ортилган юкни текислаш ва бошқалар;

в) механизмларни ёки вагонларни жилдириш вақтини инобатга олган ҳолда, механизмларда юкни вагонни ўзига ортиш ёки вагонни ўзидан тушириш операциялари ( $t_{\text{юк}}$ ), вақтлари йиғиндисидан иборат.

Гурух вагонларини ортишда ёки туширишда барча вагонлар билан тайёрлаш операциялари, биринчисидан ташқари ва барча вагонлар билан тугариш операциялари, охиргисидан ташқари бошқа вагонлар билан ортиш ёки тушириш операциялари билан биргаликда бажарилади ва бинобарин умумий ортиш ёки тушириш муддатини ҳисоблашда инобатга олинмайди.  $n$  та вагонни ортиш ёки тушириш муддати қуйидаги формула ёрдамида аниқланади

$$T = t_{\text{тай}} + (n / m) \cdot t_{\text{юк}} + t_{\text{туг}} , \text{ дақ} \quad (12.3)$$

бу ерда  $m$  – бир неча механизмлардан фойдаланганда бир вақитни ўзида ортиладиган ёки тушириладиган вагонлар сони.

Юкни вагондан ортишни ўзига ёки юкни вагондан туширишни ўзига сарфланадиган вақт қуйидаги формула орқали аниқланади

$$t_{\text{юк}} = (q_{\text{в}} \cdot 60) / Q_{\text{т}} + t_{\text{ёр}} , \text{ дақ} \quad (12.4)$$

бу ерда  $q_{\text{в}}$  – вагондаги юкни ўртача массаси,  $m$ ;

$Q_{\text{т}}$  – ортиш-тушириш механизмнинг техник унимдорлиги, т/соат;

$t_{\text{ёр}}$  – ортиш-тушириш жараёнида ёрдамчи операцияларга сарфланган вақт, дақ.

Тайёрлаш, тугатиш ва ёрдамчи операцияларга ҳамда юкларни илгакка илиб олиш ва бўшатиш каби дастаки бажариладиган ва шунинг учун ҳисоб-китоблар билан аниқлаш мумкин бўлмаган операциялар хронометраж кузатуви асосида аниқланади.

## 10. Вагон ва контейнерларни пломбалаш тартиблари

Темир йўл транспортида, бегона шахсларни вагон кузови ва контейнерларни ичига кириб боришини бартараф этиш ва ташилаётган юкларни асрашни таъминлаш мақсадида, **тамбалаш – пломбалаш қурилмасидан** (запорно – пломбирочные устройства қуйида ЗПУ даб юритилади) фойдаланилади. Уставнинг 61-бандида, юк ортилган цистерналар, ёпик, изотермик ва ихтисослаштирилган вагонлар: темир йўлининг тамбалаш – пломбалаш қурилмаси (пломбаси) да, қачонки темир йўли юк ортса ва юк жўнатувчининг тамбалаш – пломбалаш қурилмаси (пломбаси) да, қачонки юк жўнатувчи юк ортса. **пломбаланган** бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган. Тамбалаш – пломбалаш қурилма (пломба) ларини, пломбалаш тискиларини, вагон ва контейнерларни пломбалаш учун симларни темир йўли ҳақ эвазига тақдим этади.

Тамбалаш – пломбалаш қурилмаси назорат элементини муҳосаралаш тузилмаси билан биргаликда ўз ичига олган ягона конструкциядан иборат (12.4-расмлар). Назорат элементи ва муҳосаралаш тузилмаси улардан



бирортасини яхлитлигини бузмасдан вагондан, контейнердан ЗПУ ечиб олишга ёки санкциясиз вагон, контейнер ичига киришга йўл қўймайди. ЗПУ лар билан бир қаторда камерали ёки иккита параллел тешикли қўрғошин пломбалардан ва диаметри 0,6 – 0,7 мм ли термик ишлов бериб куйдирилган симлардан ҳам фойдаланиш мумкин. ЗПУ (пломба) сиз, лекин вагон ва контейнерларнинг эшик ёки тушириш туйнукларининг тамбалаш мосламаларини (зулуфларини, штурвалларини ва бошқаларини) симли боғлагичлар билан боғлаб ташиладиган юклар рўйхати вагонларни ва контейнерларни пломбалаш Қоидаларининг иловасида келтирилган. Экспортга юбориладиган ёки бошқа давлатларнинг темир йўл участкаларини кесиб ўтадиган юкларни ЗПУ (пломба) сиз вагонларда ташиш тақиқланади.

Контейнерларни ва темир йўл юк вагонларини (ёпиқ вагонларни, цистерналарни, хопперларни ва рефрижератор вагонларни ва бошқаларни) беркитиш ва пломбалаш учун мўлжалланган ЗПУ лар амалдаги Қоидалар бўйича пломбаланиши керак бўлган юкларни ташишда, ЗПУ ни бузмасдан вагон кузови ёки контейнер ичига киришни истисно қилиши керак. Вагон ва контейнерларни пломбалашда ЗПУ лардан фойдаланганда симли бойлагичлардан қўлланилмайди. ЗПУ га аниқ белгилар: жўнатувчи темир йўлининг қисқартирилган ҳарфли номи, 6 имлодан кам бўлмаган назорат белгиси, ишлаб чиқарувчи – корхона тамғаси ва ишлаб чиқарилган йилнинг охириги рақами тасвирланади. ЗПУ лар темир йўли белгилаган тартибда қатъий ҳисобга қўйилади. Вагон ва контейнерларни бир нечта ЗПУ лар билан пломбалашда уларни ҳар бирида турли назорат белгилари бўлиши керак. Вагон ва контейнерларни беркитиш ва пломбалаш тартиби ҳамда муайян ЗПУ ни ечиб олиш, темир йўли тасдиқлаган тегишли йўриқномада баён этилган бўлиши керак. Вагон ва контейнерларни пломбалаш учун фақат темир йўли билан мувофиқлаштирилган ЗПУ лардан фойдаланилади.

Юк ортилган контейнерлар юк жўнатувчининг ЗПУ (пломба) сида пломбаланади. Жисмоний шахслар тақдим этган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва уй буюмлари ортилган контейнерларни, юк жўнатувчининг иштирокида ва унинг пломбаси билан транспорт – экспедиторлик ташкилоти ёки темир йўли пломбалайди. Алоҳида турдаги юкларни учун ташиш қоидаларида назарда тутилган ҳолатларда, бу юкларни туширилганидан сўнг бўш вагонлар (контейнерлар) ҳам пломбаланади.

Вагон қўрғошин пломбаларда пломбаланганда иккала эшикнинг зулуфлари диаметри 6 мм ли, узунлиги 250 – 260 мм ли ишлов бериб куйдирилган симли боғлагичларга маҳкамланади. Симли боғлагич эшик зулуфининг ва вагон девори устунисидаги кулоқча тешикларидан юқорига томон қараб ўтказилади, этаклари тенглаштирилади, сўнгра бураб ўралади (12.5-расм). Вагонга иккита параллел тешикли қўрғошин пломбани осиб

ўрнатиш куйидаги тартибда амалга оширилади: пломбани аввал биринчи, сўнгра қайтарилиб иккинчи тешигидан пломбалаш симининг узун қисми (5-расм, а) ўтказилади; пломбалаш симининг узун қисми эшик зулфининг ва вагон девори устунидаги қулоқча тешикларидан икки маротаба айлантириб ўтказилади; сўнгра пломбалаш симининг узун қисми пломбани тешиклари орқали кетма – кет қайтарилиб ўтказилади (5-расм, б) ва ниҳоят пломба дастаки тиски (қисқич) билан қисилади (5-расм, в).

## 11. Станциядан юкларни жўнатиш бўйича операциялар

Ортиш тугаганидан сўнг қабул қилувчи топширувчи вагонларни турини ва номерини, юкни турини ва тайинланган станцияни кўрсатиб, вагонлар олиб чиқиб кетишга тайёрлиги ҳақида маневр диспетчерига (станция навбатчисига) хабар беради. Бундай хабарни олган маневр диспетчери поезд тузувчиларга ортиш пунктларидан вагонларни олиб чиқиб, станция йўлларида шаклланаётган составларга қўшишга кўрсатма беради. Вагонларни олиб чиқиш вақти қабул қилувчи топширувчи эсдалигида ва маневр диспетчерининг бажарилаётган ишлар графигида белгиланади.

Вагон вароғлари товар идорасига келиб тушади, бу ерда уларнинг ҳар бирига юкхати ва йўл қайдномаси териб олинади. Барча ҳужжатлар товар идорасидан **поезд ахборотларини ва ташиш ҳужжатларини ишлаш бўйича станция технологик марказига** (станционный технологической центр обработки поездной информации и перевозочных документов, куйида СТЦ деб юритилади), катта бўлмаган станцияларда эса станция навбатчиси идорасига юборилади. СТЦ ва товар идораси хизматчилари ҳужжатларни махфийлигини таъминлашлари керак, шу сабабли ҳужжатлар кулифга беркитиладиган портфель, сумка, патрон ёки чамодонларда **ГУ-48 шаклдаги ташиш ҳужжатларини топшириш Китобига** вагон ва контейнерларни номерини, топшириш ва қабул қилиш санасини, вақтини кўрсатиб имзолаб юборилади.

СТЦ да шаклланган составга аслича вароқ (натурный лист) тузилади ва унга, составдаги мавжуд вагонларни жойлашиш тартиби бўйича ҳужжатлар танлаб териб олинади. Барча бу ишлар составни йиғилиш ва шакллаш жараёнида амалга оширилиб, уни шакллаш тугаш пайтига бажарилган бўлиши керак.

Станциядан жўнатиладиган поезд составига ишлов бериш операциялари куйидагилардан иборат:

- назорат техник кўрикдан;
- тижорий кўрикдан;
- поезд локомотивини составга тиркашдан;
- автотормозларни кўрикдан ўтказиш ва синашдан;

юк хужжатларини локомотив бригадасига ёки терма поезднинг бош кондукторига топширишдан;

поездни жўнатишдан.

Станция навбатчиси маневр диспетчерининг кўрсатмаси бўйича кўрик пунктлари (ПТО ва ПКО) раҳбарларига станция йўлининг номери, составдаги вагонлар сонини, бош ва қуйруқ вагонларнинг номерини ва поездни жўнаш вақтини билдириб составни техник ва тижорий кўриққа таъқдим этади. Техник кўрик пункти ишчилари составни тўхтаб туриш сигнали билан ихоталайдилар ва уни ПТО ишининг технологик жараёнларида белгиланган тартибда кўриқдан ўтказишга ва таъмирлашга киришадилар.

Назорат техник ва тижорий кўриқни тамомлаб, кўриқда қатнашган ишчилар вагонларда ўзлари бўр билан тасвирлаб қўйган барча устёзмаларни ўчириб ташлайдилар. Вагонларнинг катта кўриқчиси техник кўриқ тамомланганлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг станция навбатчисига поездни жўнашга техник тайёрлиги ҳақида хабар беради. Катта қабул қилувчи топширувчи барча тижорий нуқсонлиликлар баргараф этилганлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг станция навбатчисига поездни тижорий муносабатда жўнашга тайёрлиги ҳақида хабар беради. Поезд локомотиви составга тиркалганда кўриқчи-автоматчилар локомотив бригадаси билан биргаликда автотормозларни синашни амалга оширадилар.

Жўнатилаётган поезднинг ташиш хужжатлари терма поезддан ташқари, **назорат бланкаси** (ДУ-81 шаклдаги) ёпиштирилган пакетларда ва муҳирланган ҳолатда поезд локомотиви машинистига аслича вароғининг нусхасига имзо қўйдириб топширилади. Терма поезднинг ташиш хужжатлари бош кондукторга топширилади.

Барча поездлар хужжатлари, терма поезддан ташқари, **назорат бланкаси** (ДУ-81 шаклдаги) ёпиштирилган пакетларда ташилади. Хужжатларни пакетлаш ва боғлаш йўл сафарида хужжатларни асрашни кафолатлаши ва пакетни бузмасдан уларни олишни истисно этиши керак. СТЦ оператори ёки станция навбатчиси хужжатларни пакетга жойлаштиришдан аввал, уларни барчасини (вагон вароғи, юкхати, йўл қайдномаси ва юкхатида кўрсатилган ва илова қилинган хужжатларни – ветеринар шоҳодатномаси, сифат ҳақида гувоҳнома, сертификат ва бошқаларни) мавжудлигини ва аслича вароққа мувофиқ тўғри танлаб териб олинганлигини астойдил текшириши керак.

Поезд машинисти хужжатлар пакетни қабул қилишда, **ДУ-81 шаклдаги назорат бланкаси** бўйича, уларни ушбу поездга тегишли эканлигига ишонч ҳосил қилиши, хужжатлар пакетини ва назорат бланкасини бутинлигини текшириши, станцияда қоладиган аслича вароқ нусхасида қабул қилиш санасини ва вақтини кўрсатиб, ўзининг имзоси билан хужжатлар пакетини қабул қилиб олганлигини тасдиқлаши шарт.

Машинист локомотив кабинаси ичида ўрнатилган беркитилариган яшикка ташиш ҳужжатлари пакетини жойлаштириб қўйади.

Терма поездларга ташиш ҳужжатлари контрол бланкаси ва конвертламасдан юк поезда кондукторига топширилади. Кондуктор аслича вароққа мувофиқ ташиш ҳужжатларини текшириши, **ДУ-40 шаклдаги ҳужжатларни қабул қилиш ва топшириш Китобига** ўзининг имзосини қўйиб, ташиш ҳужжатларини қабул қилиб олганлигини тасдиқлаши шарт.

### Назорат саволлари

46. Ортишга олиб кириб бериладиган вагон ва контейнерлар қандай талабларига жавоб бериши керак?
47. Станцияда ортишга олиб кириб бериладиган ҳар бир вагон ..... тақдим этилиши шарт.
48. Вагонларга техник хизмат кўрсатишни кимлар бажарадилар?
49. Вагонларга техник хизмат кўрсатиш қаерларда бажарадилар?
50. Вагонларга техник хизмат кўрсатиш қаерларда бажарадилар?
51. Вагонларга техник хизмат кўрсатиш пунктлари қаерларда барпо этилади?
52. Вагонларга техник хизмат кўрсатишда нималар текширилади?
53. Вагонларга техник хизмат кўрсатишда нималар текширилади?
54. Вагонларга техник хизмат кўрсатишда нималар текширилади?
55. Вагонларга техник хизмат кўрсатишда нималар текширилади?
56. Вагонларни техник хизмат кўрсатишга тақдим этмасдан ва уни ..... деб эътироф этилганлиги ҳақида ёзмасдан вагонларни ортишга олиб кириб бериш тақиқланади.
57. Вагон ва контейнерларнинг тижорий кўригини амалга оширишдан асосий мақсад нимадан иборат?
58. Вагон ва контейнерларни тижорий муносабатда яроқлилиги ва созлиги аниқлашда нималар текширилади?
59. Вагон ва контейнерларни тижорий муносабатда яроқлилиги ва созлиги аниқлашда нималар текширилади?
60. Вагон ва контейнерларни тижорий муносабатда яроқлилиги ва созлиги аниқлашда нималар текширилади?
61. Вагон ва контейнерларни тижорий муносабатда яроқлилиги ва созлиги аниқлашда нималар текширилади?
62. Вагон ва контейнерларни тижорий муносабатда яроқлилиги ва созлиги аниқлашда нималар текширилади?
63. Вагон ва контейнерларни тижорий муносабатда яроқлилиги ва созлиги аниқлашда нималар текширилади?
64. Вагон ва контейнерларни тижорий муносабатда яроқлилиги ва созлиги аниқлашда нималар текширилади?
65. Вагон ва контейнерларни тижорий муносабатда яроқлилиги ва созлиги аниқлашда нималар текширилади?
66. Вагон ва контейнерларни тижорий муносабатда яроқлилиги ва созлиги аниқлашда нималар текширилади?
67. Вагон ва контейнерларни тижорий муносабатда яроқлилиги ва созлиги аниқлашда нималар текширилади?
68. Вагон ва контейнерларни тижорий муносабатда яроқлилиги ва созлиги аниқлашда нималар текширилади?

69. Юк жўнатувчи вагонларга қанча миқдорларда юк ортиши шарт?
70. Очиқ ҳаракатдаги составга юкларни ортиш қандай амалга оширилиши керак?
71. Юк ортишнинг техник меъёрлари белгиланмаган юклар вагонга қанча миқдорда юкланиши керак?
72. Жўнатувчи темир йўл станциясида вагонларнинг юк кўтаришидан зиёд юк ортиш аниқланган ҳолатларда қандай йўсинда иш тугилади?
73. Вагонларга, шу жумладан очиқ ҳаракатдаги составларга ва контейнерларга юкларни жойлаштириш ва маҳкамлаш қайси ҳужжатга мувофиқ амалга оширилади?
74. Ташиладиган юкни ортиш учун зарур бўлган ташиш мослама ва материалларни ким тайёрлаши керак?
75. Ташиш мосламаларини юкни ортишда ўрнатишни ким амалга оширади?
76. Ташиш мосламаларини юкни туширишда олиб қўйишни ким амалга оширади?
77. Темир йўл станциясининг бошлиғи юк жўнатувчининг воситаларида ортишга бўш вагонларни олиб кириб бериш вақти ҳақида юк жўнатувчига қачон хабар бериши шарт?
78. Вагонларни ортишга олиб кириб бериш вақти ҳақида хабарларни ёзиб бориш учун станцияда қандай Китоб юритилади?
79. Темир йўли вагонларни ортиш учун хабардаги белгиланган муддатдан олдин олиб кириб берса қандай йўсинда иш тугилади?
80. Темир йўли вагонларни ортиш учун хабардаги белгиланган муддатдан кеч олиб кириб берса қандай йўсинда иш тугилади?
81. Темир йўли вагонларни ортиш учун хабар бермасдан олиб кириб берса қандай йўсинда иш тугилади?
82. Вагонларни юк кўтаришидан фойдаланишни тавсифловчи асосий сифат кўрсаткич – статик юклама қайси формула бўйича аниқланади?
83. Вагонни юк кўтаришидан фойдаланиш коэффициенти қайси формула бўйича аниқланади?
84. Вагонни юк кўтаришидан фойдаланиш коэффициентини қайси қийматларида вагоннинг юк кўтаришидан яхши фойдаланилган бўлади?
85. Механизациялашган усулда юкларни ортиш ва тушириш ҳисобий муддати қайси операцияларга сарифланган вақтнинг инобатга олмайдими?
86. Механизациялашган усулда юкларни ортиш ва тушириш ҳисобий муддати қайси операцияларга сарифланган вақтнинг инобатга олмайдими?
87. Механизациялашган усулда юкларни ортиш ва тушириш ҳисобий муддатларидаги тайёрлаш операциялари ( $t_{\text{тай}}$ ) га қайси операциялар мансуб эмас?
88. Механизациялашган усулда юкларни ортиш ва тушириш ҳисобий муддатларидаги тугатиш операциялари ( $t_{\text{тай}}$ ) га қайси операциялар мансуб эмас?

### 13- маъруза. Юкларнинг йўл сафаридаги операциялар

Режа:

1. Юкларнинг йўл сафаридаги операцияларининг турлари
2. Йўл сафаридаги юк ва тижорат ишларини бажариш жойлари ва тартиблари
3. Поездлар ва вагонларнинг тижорий кўригига умумий талаблар
4. Йўл сафарида вагонларни ҳамда ташиш хужжатларини қабул қилиш ва топшириш
5. Йўл сафарида қайта юклаш ва юк массасини текшириш
6. Йўл сафарида юкларни қайта адреслаш ва уни расмийлаштириш

#### 1. Юкларнинг йўл сафаридаги операцияларининг турлари

Жўнатувчидан олувчига юкларни етказиб бериш, ташиш жараёнининг энг муҳим босқичларидан бири ҳисобланади. Унга ташиш вақтининг асосий қисми тўғри келади. Вагонлар халқ хўжалик юклари билан олувчига етказиб бериш йўл сафарида ўнлаб станциялардан ўтадилар, бир нечта поезд составларида ҳаракат қиладилар. Улар доимо табиат ходисалари таъсири остида бўладилар. Ташишнинг бу босқичида юкларни асраш, бир неча темир йўл транспорти корхоналарининг фаолиятига, ташишни тартибга солувчи қоида, қўлланма ва йўриқнома шартларини бажариш бўйича улар ўртасидаги ўзаро муносабатларига боғлиқ бўлади. Поездлар ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, ташилаётган юкларни асраш ва уларни тайинланган манзилларга ўз вақтида етказиб бериш учун юкларнинг йўл сафарида қатор юк ва тижорат операциялари бажарилади. **Юкларнинг йўл сафаридаги (қуйида йўл сафари деб юритилади) станцияларда қуйидаги юк ва тижорат операциялари бажарилади:**

- *техник станцияларда вагонларни қабул қилиб олиш ва топшириш;*
- *поездлар ва вагонларни тижорий муносабатда кўриги;*
- *юкларни темир йўл транспортдан бошқа турдаги транспортга ёки аксинча қайта юклаш;*
- *юкларни кенг изли вагонлардан тор изли вагонларга ёки аксинча қайта юклаш;*
- *бир темир йўл маъмуриятидан бошқа темир йўл маъмуриятига ёки бир ички темир йўлидан бошқа ички темир йўлига вагонларни, контейнерларни, юк жўнатмаларини ва тижорий масламаларни топшириш ёки қабул қилиш ҳисоби;*

- рефрижератор секцияларини экипировка қилиши;
- ҳайвонларга сув ичириши;
- майда жўнатмаларни ва контейнерларни саралаш;
- тарқатиши пунктларида маршрутларни нарига адреслаш;
- чегера станцияларида божхона назорати;
- божхона транзитини расмийлаштириши;
- божхона декларациялари ва бошқалар.

Бундан ташқари йўл сафарида юкларни ташиш Қоидаларига, юкларни ортишни ва маҳкалашни Техник шартларига риоя қилмаслик, юк ташишни режалаштиришдаги хатолар ва шунга ўхшашлар оқибатида келиб чиққан **носозликларни** бартараф этиш бўйича операцияларни бажариш ҳам мансуб бўлади. **Бундай операцияларга: тижорий нуқсонлиликларни бартараф этиш; техник ёки тижорий нуқсонлиликлар сабабли вагондан вагонга қайта юклаш; йўл сафаридаги қолиб кетган юкни етказиб бериш ва қайта адреслашлар мансуб бўладилар.**

## **2. Йўл сафаридаги юк ва тижорат ишларини бажариш жойлари ва тартиблари**

Жўнатувчидан олувчига юкларни етказиб бериш йўл сафаридаги техник (участка ва сарасал) станцияларда поездларни қайта шакллаш, локомотивларни ва локомотив бригадаларини алмаштириш каби операциялар амалга оширилади. Бу операцияларни бажаришда поездларни техник кўриги билан бир қаторда поездлар ва вагонларни тижорий кўриги ҳам амалга оширилади.

**Тижорий кўрик - ташиш жараёнининг энг муҳим элементларидан бири ҳисобланиб, уни амалга оширишдан асосий мақсад поездлар ҳаракат хавфсизлигини ва ташилаётган юкларни асрашни таъминлашдан иборат.** Ҳаракат хавфсизлигига ёки юкларни асрашга таҳдид соладиган вагоннинг ёки юкнинг ҳолати **тижорий нуқсонлилик** деб аталади. Бу ҳолатлар қуйидагилардан иборат:

- вагон ва контейнерлардаги тамбалаш - пломбалаш мосламасини (запорни - пломбировочных устройства, қуйида ЗПУ деб юритилади) шикастланиши ёки уларда ЗПУ ни мавжуд эмаслиги (агар улар ҳақида ташиш хужжатларида белгилар бўлса);

- ташиш хужжатларида ЗПУ ҳақида маълумотларни ҳамда вагон ва контейнерларда ЗПУ ларни ўзини мавжуд эмаслиги, агар ташиш Қоидасига мувофиқ уларнинг мавжуд бўлиши шарт бўлса;

- ЗПУ даги ноаниқ ёки тўлиқ бўлмаган белгилар (агар назорат белгиларини аниқлаб бўлмаса);
- юкларни ўғирлик ва йўқолиши аломатлари;
- вагон ва контейнерларни эшик ва кузов синиши;
- ЗПУ даги назорат белгиларини юкхатидаги ва вагон вароғидаги белгиларга мос эмаслиги, агар бунда ЗПУ ни алмаштирилганлик ҳақида умумий шаклдаги ГУ-23 акти тузилган бўлмаса;
- юкларни тўкилиши;
- вагон кузовининг шикастланганлиги сабабли унинг ичига кириш имкониятининг мавжудлиги;
- цистерна қозонидан ёки цистернанинг остки тўкиб олиш мосламаларининг зич беркитилмаганлиги сабабли суюқ юкларнинг оқиши ёки томчилаб тўкилиши;
- ярим очиқ вагонларнинг остки тушириш туйнук қопқоқларини нотўғри (битта зулифга) беркитишилиши;
- платформа бортларини беркитилмаслиги ёки бортнинг тамбаларини нотўғри маҳкамланиши; ёпиқ вагон туйник қопқоқларини очиқ бўлиши, агар мазкур юк вагон туйнуклари очиқ ҳолда ташишни талаб этмаса;
- юкларни ортиш ва маҳкамлаш Техник шартларини бузилиши;
- очиқ ҳаракатдаги составга ортилган юкни силжиши, қийшайиши, ярим очиқ вагоннинг ва платформанинг этак тўсинларидан юкни 400 мм дан ортиққа чиқиши, юк итабелини огиши ва бошқалар;
- юкни маҳкамлаш воситаларини мавжуд эмаслиги ёки шикастланиши (устун, остлик, қистирма ва тиргак тўсинчаларни синиши ҳамда тортқич, боғлагич ва бошқаларни узилиши ёки бўшашиши) ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар.

Поездлар ва вагонларни тижорий кўриги темир йўл станцияларнинг **тижорий кўрик пунктларида** (пункт коммерческого осмотра, куйида ПКО, деб юритилади) амалга оширилади. Темир йўлига келаётган ва жўнатилаётган барча поездлар ва вагонларни тижорий кўриқдан ўтказишни таъминлашдан келиб чиққан ҳолда муайян станцияларда ПКО лар ташкил этилади. ПКО лар ташкил этиладиган станциялар рўйхатини “ЎТЙ” ДАТК раиси тасдиқлайди. ПКО мавжуд бўлмаган станцияларда поездлар ва вагонларни тижорий кўриги тартибини темир йўл минтақавий бўлинмасининг раҳбари белгилайди.



ПКО нинг иши станцияда ишлаб чиқилган технологик жараён асосида ташкил этилади. **ПКО ишининг технологик жараёнини** станция бошлиғи, ПКО ишининг Намунавий технологик жараёнига мувофиқ ҳамда станциянинг техник жиҳозланишидан ва маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда **ишлаб чиқади**. ПКО ишининг технологик жараёнини **темир йўл минтақавий бўлинмасининг раҳбари**, белгиланган тартибда мувофиқлаштириб, **тасдиқлайди**. ПКО ишининг технологик жараёнини барча юкли вагонларни тижорий муносабатда сифатли кўриқдан ўтказишни ва аниқланган **тижорий нуқсонлиликларни** станция ишининг технологик жараёнларида белгиланган муддатларда бартараф этишни назарда тутди.

ПКО нинг ишлаб чиқариш-техник хонаси сифатли тижорий кўриқни амалга ошириш учун зарур бўлган **алоқа воситалари, назоратнинг техник воситалари** билан жиҳозланиши ҳамда **материаллар, буюмлар ва асбоблар** билан таъминланиши керак. ПКО да тижорий нуқсонлиликларни бартараф этиш учун материаллар, буюмлар ва асбобларнинг камайтирилмайдиган захираси **“поездлар ва вагонларни тижорий кўриқ Қондасида”** келтирилган. Шунингдек ПКО лар мавжуд бўлган станцияда, очик ҳаракатдаги составларга ортилган юклар, ортиш габаритига риоя қилинганлигини текшириш учун **электрон габарит дорвозалар** ва станцияга кириб келаётган поезд составини кузатиш учун **кузатиш минораси** ўрнатилган бўлиши лозим.

Станция бўғизида ўрнатилган кузатиш минорасида турган **поезд қабул қилувчилар**, станцияга кириб келаётган поезд составини кузатиб турадилар. Бунда улар вагон ва контейнер томининг бутунлигини, ёпиқ вагонларнинг устки юклаш туйнукларининг қопқоқларини ҳолатига, очик ҳаракатдаги составларга ортилган юкларнинг маҳкамлаш воситаларининг созлигига ва шунга ўхшаш тижорий ҳолатларга алоҳида аҳамият беришлари керак.

### **3. Поездлар ва вагонларнинг тижорий кўригига умумий талаблар**

*Станцияга етиб келган ва жўнатиладиган барча вагонлар ҳаракат хавфсизлигига ва ташилаётган юкларни асрашга таҳдид солувчи тижорий нуқсонлиликни аниқлаш учун тижорий муносабатда кўриқдан ўтказилиши шарт.* Станциядан қайта ишловга тушмасдан ўтиб кетадиган транзит поездлар станция ишининг технологик жараёнларида белгиланган муддатларда техник кўриқ билан бир вақтни ўзида тижорий муносабатда кўриқдан

ўтказилади. Станцияга қайта ишловга тушиб ўтадиган поездлар қабул қилиш ва жўнатиш паркларида кўриқдан ўтказиладилар.

Поезд тўхтаганидан ва локомотив поезд составдан ажратилганидан, ПТО хизматчилари составни икки томонидан **тўхтаб туриш сигнали билан иҳоталаганидан ва бошмоқлар билан маҳкамлаганидан** сўнг техник ва тижорий кўриқ амалга оширилади. Кўриқни амалга оширувчи гуруҳ хизматчилари сони, уларни таркиби ва иш тартиби маҳаллий шартлардан келиб чиққан ҳолда ПКО ва станция ишининг технологик жараёнларида белгиланади. Бунда поезд составидаги бирон бир вагонни кўриқсиз ўтказиб юбориш истино қилиниши керак. Ҳарбийлаштирилган кўриқчилар кузатувида ташилаётган вагонлардаги юкларни ҳолатини кўриқдан ўтказиш ҳарбийлаштирилган кўриқчилар ўқчиси иштирокида амалга оширилади.

Ҳаракат хавфсизлигига ва юкларни асрашга таҳдид солувчи тижорий нуқсонли вагонлар аниқланганида икки нусхада **умумий шаклдаги ГУ-23 акти** тузилади ва уни тижорий кўриқ ўтказган, лекин икки кишидан кам бўлмаган станциянинг хизматчилари имзолайдилар. Агар етиб келган поездни бош кондуктор кузатиб келганда ёки вагонни ҳарбийлаштирилган кўриқчиларнинг ўқчиси кўриқлаб келганда, кўриқда ва умумий шаклдаги актни имзолашда бош кондуктор ёки ўқчи иштирок этади. Актнинг биринчи нусхаси ташиш ҳужжатларига қўшиб қўйилади, иккинчи нусхасини эса станция ишларида қолдирилади. Тижорий нуқсонлилиқка умумий шаклдаги акт у аниқланган пайтда тузилади, кейинчалик эса фақат вагонни (юкни) ҳолати ўзгарганида тузилади. Умумий шаклдаги акт бланкалари номерланган, “станция \_\_\_\_\_ ж. д.” графасига эса **станциянинг қаторли штемпели** босилган бўлиши керак. Актни нусхалаш улар орасига қора қоғоз қўйиб (под копирку) керакли нусхада тўлдирилади, уларни барчаси бир номерда бўлиши лозим.

Вагон ошқора ўғирлик аломатлари билан аниқланганида умумий шаклдаги ГУ-23 акти уч нусхада тузилади. Актнинг биринчи ва иккинчи нусхаси юқорида назарда тутилган тартибда – ташиш ҳужжатларига қўшиб қўйилади ва станция ишларида қолдирилади, учинчи нусхаси эса ўғирлик аниқланган жойдаги транспорт милицияси бўлинмасига юборилади. Ўғирлик аломатлари билан вагонлар аниқланганлиги ҳақида тезликда ҳарбийлаштирилган кўриқчилар бўлинмасига ва транспорт ички ишлар органининг навбатчи қисмига ахборот бериш керак. Ахборот бериш тартиби ПКО ишининг технологик жараёнларида белгиланади, ПКО бўлмаган станцияларда эса станция бошлиғи белгилайди.

Тижорий нуқсонлилик, одатда вагонни поезд составдан ажратмасдан (узмасдан) бартараф этилиши керак. Бунинг учун маҳаллий иш шароитларидан келиб чиққан ҳолда, темир йўли минтақавий бўлинмаси раҳбари тижорий нуқсонлиликни бартараф этиш учун ПКО, “Ўзтемирйўлконтейнер” ОАЖ нинг жойлардаги филиаллари хизматчиларини ва бошқаларни жалб қилиш тартибини белгилаши мумкин. Вагонларни поезд составидан ажратишга, фақат станция ишининг технологик жараёнларида назарда тутилган поезднинг тўхтаб туриш вақтида нуқсонларни бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолларда ҳамда вагондаги юкни ҳолатини текшириш зарур бўлганида, рухсат берилади. Вагоннинг техник ҳолати сабабидан келиб чиққан тижорий нуқсонлилик, вагон лозим даражада техник ҳолатга келтирилгандан сўнг бартараф этилади.

Поездан вагонни ажратиш ва тижорий нуқсонлиликни бартараф этиш ёки юкни текшириш учун уни махсус йўлга олиб кириб бериш кераклиги ҳақида катта қабул қилувчи топширувчи белгиланган тартибда зудлик билан станция навбатчисига (маневр диспетчерига) хабар беради, вагонга эса тегишли белгини тасвирлаб қўяди. Юкни ҳолатини текшириш учун поездан ажратилган вагонлар темир йўлининг кўриқчиларига топширилиши керак. Станцияда ҳарбийлаштирилган кўриқчи бўлинмалари (постлари) бўлмаганида, ўқчи етиб келгунича юкни кўриқлашни станция бошлиғи ташкил этади. Ҳарбийлаштирилган кўриқчи ўқчиларини чақириш тартибини ва етиб келиш муддатини темир йўли минтақавий бўлинмаси раҳбари маҳаллий иш шароитларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

Вагонларни поездан ажратмасдан тижорий нуқсонлиликларни бартараф этиш тартиби ва поездан вагонни ажратиш, уларни ихтисослаштирилган йўлларга тижорий нуқсонлиликларни бартараф этиш учун олиб кириб бериш, бундай вагонларни тўхтаб туришини ҳисоб қилиш тартиби ҳамда ҳамда нуқсонларни тўғри бартараф этилганлигини текшириш станция ишининг технологик жараёнларида белгиланади. Поездан вагонларни ажратиб тижорий нуқсонлилик бартараф этилганида ва юк текширилганида “Ўзтемирйўлконтейнер” ОАЖ нинг жойлардаги филиалларининг механизация воситаларидан максимал фойдаланиш керак. Станцияда тегишли мослама ва механизмлар мавжуд бўлмаганида, тижорий нуқсонлиликларни бартараф этиш тартибларини, шу жумладан темир йўл транспорти бошқа корхоналарининг омборларидан ва механизмларидан фойдаланиб тижорий нуқсонлиликларни бартараф этиш тартибларини темир йўли минтақавий бўлинмаси раҳбари белгилайди.

Поездни тижорий муносибатдаги кўриги тугагани ва уни жўнатишга ёки составни тарқатишга тайёрлиги ҳақида, станция ишининг технологик жараёнларида белгиланган тартибда кўрикни ўтказган хизматчилар зудлик билан станция бўйича навбатчини хабардор қиладилар. Ҳар бир поездни ва составни тижорий муносибатда кўрик натижалари **“ГУ-98 шакилдаги тижорий нуқсонлиликларни қайд қилиш Китобида”** расмийлаштирилади ва кўрикни ўтказган хизматчилар имзоси билан тасдиқланади.

Поездларни ва вагонларни тижорий кўриги, **“темир йўл транспортида ортиш – тушириш ишларида техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси Қоидалари”**, электрлаштирилган участкаларда эса бундан ташқари **“темир йўл транспорти электрлаштирилган линиялари хизматчилари учун хавфсизлик Қоидалари”** талабларига, риоя қилиб амалга оширилади.

Поездларни ва вагонларни етиб келиши бўйича тижорий кўриққа қўшимча талаблар. Ҳаракат пайтида вагонларни туйнуклари, эшиклари ва кузовларини ҳолатини ва очиқ ҳаракатдаги составларга юкларни маҳкамланишини, тамбалаш - пломбалаш мосламаларини ва боғлагичлари мавжудлигини текшириш учун технологик жараёнда белгиланган жойда тижорий кўрикни амалга оширувчи хизматчилар станцияга кириб келаётган барча поездларни кутиб олишлари керак. Станцияда кузатиш миносаси мавжуд бўлганида тижорий кўрикни унда турган хизматчилар амалга оширадилар. *Ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи тижорий нуқсонлиликлар билан вагонлар аниқланганида поезд охирги тижорий кўриқдан ўтган станция адресига, темир йўли минтақавий бўлинмасининг юк ва тижорат ишлари бўлими бошлигига, поезд охирги тижорий кўриқдан ўтган темир йўлининг юк ва тижорат хизмати (ЎТЙ ДАТК да юк ва тижорат ишлари бошқармаси) бошлигига оператив маълумот (оперативное донесение) юборилади. Агар юк, юкларни ортиш ва маҳкамлаш техник шартларига риоя қилмай ортилган бўлса, оператив маълумот жўнатувчи станцияга, темир йўли минтақавий бўлинмасининг юк ва тижорат ишлари бўлими бошлигига ва жўнатувчи темир йўлининг юк ва тижорат хизмати бошлигига ҳам юборилади.* Ташилаётган юкларни асрашга таҳдид солувчи тижорий нуқсонлиликлар аниқланганида, оператив маълумот акт – талаб ишлари Йўриқномаси талабларига мувофиқ юборилади.

**Поездларни ва вагонларни жўнаши бўйича тижорий кўрикка қўшимча талаблар.** Станциядан поездларни ва вагонларни тижорий муносибатда кўридан ўтказмасдан ва тижорий нуқсонларни бартараф этмасдан жўнатишга йўл қўйилмайди. **Поезд составига қўйиш тақиқланган тижорий нуқсонлилик рўйхати қуйидагилардан иборат:**

- ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи вагонлар ва ҳолати ташилаётган юкларни асрашни таъминламайдиган вагонлар;

- юк кўтаришидан ва ижозат берилган ўтаюккланишидан зиёд юк ортилган вагонлар;

- очиқ ҳаракатдаги составларга юкларни ортиши ва маҳкамлаши Техник шартларига риоя қилинмай юк ортилган платформалар ва ярим очиқ вагонлар;

- ногабарит юк ортилган платформалар, транспортерлар ва ярим очиқ вагонлар, агар бундай вагонларни сафари ҳақида махсус кўрсатмалар мавжуд бўлмаса;

- бортлари беркитилмаган платформалар, махсус йўриқномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно, бункери маҳкамланмаган бункерли ярим очиқ вагонлар, устки ва остки юк ортиши ва тушириши қопқоқлари очиқ цистерналар, дон, цемент ва минерал ўғит ташувчи хоппер вагонлар ва шунга ўхшаши ҳаракатдаги составлар;

- эшиклари очиқ ва туйник қопқоқлари тамбалаши механизмининг битта зулфига беркитилган ярим очиқ вагонлар;

- эшиклари очиқ ва эшиклари зулфга беркитилмаган бўйи ёпиқ вагонлар;

- юкларни жойлаштирилиши бузилган (юкни силжishi ёки қийшайishi) платформалар ва ярим очиқ вагонлар;

- юкни маҳкамлагичи шикастланган (устун, остлик, тирак ва айри тўсинлари синиган, симли боғлагичи узилган ва бўшашиган, этак тўсиқлари мавжуд бўлмаган ёки шикастланган ва бошқа шикастланиши бўлган) вагонлар, ҳамда ярим очиқ вагоннинг ва платформанинг этак тўсинларидан 400 мм дан ортиққа юк чиққан якка вагонлар;

- ЗПУ сиз вагонлар, агар уларни ўрнатилганлиги ҳақида ташиши ҳужжатлариди белги мавжуд бўлсаа ЗПУ си шикастланган ёки боғлагичсиз (агар юк ЗПУ сиз ташилса) вагонлар;

- ўғирлик ёки юкларни йўқолиши аломатлари мавжуд бўлган, вагон кузовининг шикастланганлиги сабабли юкни олиши мумкин бўлган, вагон кузовидан юкни тўкилиши ёки цистерна қозонидан юкни

*томчилаб оқиши (тўқ нефть маҳсулотлари бундан мустасно, уларни томчилаб оқиши бир дақиқада 60 томчигача ижозат этилади) мавжуд вагонлар;*

*- маҳкамлаш зарурий қисмлари (симлар, боғлагичлар, тўсинлар ва бошқалар) йиғиштириб олинмаган вагонлар;*

Юкларнинг нуқсонлиликлари белгиланган ҳолатларда **тижорат актида** ҳам расмийлаштирилади, унинг нусхаси юк ташиш хужжатларига қўшиб қўйилади. Вагоннинг нуқсонлиликлари учун **вагоннинг техник ҳолати ҳақидаги акт** (ГУ-106 шакл) тузилади.

#### **4. Йўл сафарида вагонларни ҳамда ташиш хужжатларини қабул қилиш ва топшириш**

Локомотивларни алмаштириш техник (участка ва саралаш) станцияларига транзит поезда етиб келганида, СТЦ оператори локомотив бригада-дасидан **ташиш хужжатлари пакетини** қабул қилиб олади, **ДУ-81 шаклдаги** назорат бланкаси бўйича уларни мазкур поездга тегишли эканлигини, пакетни бутунлигини ва асралганлигини текширади. **ДУ-40 шаклдаги ташиш хужжатларини қабул қилиш ва топшириш Китобига** ташиш хужжатини қабул қилган санаси ва вақтини, поездни номерини, пакетлар сонини ва машинист фамилиясини ёзиб қўяди. Шу вақитни ўзида локомотив составдан ажратилади ва **состав ихоталаб** (тўсиб) ва **башмоқ билан мустаҳкамлаб** қўйилади, сўнгра составни техник ва тижорий кўриги амалга оширилади, аниқланган нуқсонлилик бартараф этилади. Локомотивни алмаштириш амалга оширилганидан сўнг янги бригада машинистига белгиланган тартибда пломбаланган ташиш хужжатлари пакети топширилади.

Локомотив алмаштирилмасдан **локомотив бригадаси** алмаштирилганда **техник хизмат кўрсатиш** ва **техник кўрик** билан бир қаторда янги локомотив бригадаси локомотивни ва ташиш хужжатларини бевосита етиб келган локомотив бригадасидан қабул қилиб олади. Локомотивни ва ташиш хужжатларини қабул қилиб олиш ва топшириш ҳар икки маршрутларда расмийлаштириш ва топшириш вақтини кўрсатиб **машинистлар имзоси** билан тасдиқланади.

Ташиш хужжатларини пакети ёки назорат бланкаси **шикастланган** вазиятларда СТЦ оператори хужжатларни **аслича вароқ** билан солиштириб чиқиши, уларни тўлиқлигини ва ҳолатини текшириши ҳамда **умумий шаклдаги ГУ-23 актни тузиши шарт** (мажбур). Умумий шаклдаги актда аниқланган нуқсонлиликларни

характерини ёзиб қўйилади, хужжатлар етишмаганида эса – хужжати мавжуд бўлмаган вагоннинг номерини ёзиб қўйилиши керак. Умумий шаклдаги актни номери ва у тузилган сана **ДУ-40 шаклдаги тилиш хужжатларини қабул қилиш ва топшириш Китобига** белгилаб қўйилади. Умумий шаклдаги акт икки нусхада тузилади, уни станция навбатчиси (ДСП) ва СТЦ оператори имзолайди, шунингдек хужжатлар бевосита машинистдан қабул қилиб олинганида эса – умумий шаклдаги актни **поезд машинисти** ҳам имзолайди. *Умумий шаклдаги акт, вагонлар хужжатлардан ва хужжатлар вагондан ажралиб қолган вазиятларда ГУ-22 шаклдаги тижорат актини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади.*

## **5. Йўл сафарида қайта юклаш ва юк массасини текшириш**

Йўл сафарида вагондан юкни туширмай техник ва тижорий нуқсонлиликларни бартараф этиш имконияти бўлмаган вазиятларда юкни бир вагондан бошқасига юклаш келиб чиқади. Бундай нуқсонлар асосан *поездлар ҳаракат хавфсизлигига ёки юкларни асрашга таҳдид соладиган вагоннинг нуқсонлилик ҳолати ёки шикастланганлиги, юкларни ортиш ва маҳкамлаш Техник шартларига ҳамда юк ташиш Қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида вужудга келади.* Юкларни бир вагондан бошқасига қайта юклаш кенг изли ва тор изли темир йўл линиялари туташган пунктларда ҳам амалга оширилади. Юкларни қайта юклашда амалга ошираётган станциянинг қабул қилувчи топширувчиси ташиш хужжатларига мувофиқ вагондаги мавжуд юкларни **текшириши шарт** (мажбур).

*Юкларнинг кам чиқиши, бузилиши ёки шикастланиши аниқланганида, қайта юклаш станциясида ГУ-22 шаклдаги тижорат акти тузилади ва тижорат акти тузилганлиги ҳақида юкхатида ва йўл қайдномасида белгилаб қўйилади.* Тижорат актини нусха (копия) си юкхатига қўшиб қўйилади. Вагоннинг нуқсонлилик ҳақида **ГУ–106 шаклдаги вагоннинг техник ҳолати ҳақидаги акт** ҳам тузилади. *Юкхати ва йўл қайдномасидаги дастлабки вагон номери ва у ҳақидаги бошқа маълумотлар, шундай чизиб ўчириладиги, уларни ўқишни имконияти мавжуд бўлиши керак, сўнгра юкхати ва йўл қайдномасига қайта юкланган вагон маълумотлари ёзиб қўйилади.* Юкхатидаги ва йўл қайдномасидаги бу тузатишлар қайта юклашга раҳбарлик қилган станция хизматчиси имзоси ва станциянинг тақвим муҳри билан тасдиқланади. Янги вагон вароғи тузилади, дастлабки вагон вароғи эса тижорат актининг

биринчи нусхасига кўшиб кўйилади. Агар қайта юклаш натижасида тижорат акти тузилмаган бўлса, дастлабки вагон вароғи қайта юклаш станциясида қолади ва унда юк қайта юкланган вагон номери кўрсатилади ва унинг сабаблари белгилаб кўйилади. Қайта юклаш станциянинг махсус ажратилган йўлларида, ушбу юкни ортиш-тушириш қоидаларида белгиланган тартибларга мувофиқ амалга оширилади. **Қайта юклашдан сўнг юк ортиб (қолдиқ) қолмаслиги ва кейин уни етказиб бериш зарурияти пайдо бўлмаслиги учун қайта юклашга дастлабки вагон билан бир турдаги, юк кўтариши ва кузовининг фойдали ҳажми бир хил бўлган вагон берилади.**

Кенг изли вагондан тор изли вагонга қайта юклаш амалга оширилганида юкнинг ҳамма йўл сафари учун тузилган ташиш хужжатларининг асл юкхати ва йўл қайдномасидаги кенг изли вагон номери ва у ҳақдаги бошқа маълумотлар, шундай чизиб ўчириладики, уларни ўқишни имконияти мавжуд бўлиши керак, сўнгра юкхати ва йўл қайдномасининг юқори қисмига қайта юкланган барча тор изли вагонларнинг номерлари ёзиб кўйилади (кенг изли вагондаги ҳамма юкни битта тор изли вагонга жойлаштириб бўлмаслиги мумкин). Юкхати ва йўл қайдномасида тор изли вагонлар ҳақидаги бошқа маълумотлар кўрсатилмайди.

Йўл сафарида идишли – донали юклар ортилган вагонлар ва контейнерларда ЗПУ мавжуд бўлмаганида ва унинг шикастланганида **юкнинг массаси, жойлар сони ва ҳолати** текширилади. Тўкма ёки сочма ташилаётган юклар ташқи кўриги натижасида текширилади. Агар трафаретда кўрсатилган вагоннинг юк кўтаришидан **ортиқча юкланиш** аломатлари пайқаб қолинса, бундай ҳолда вагон тарозида вагон тортиб кўрилади. Йўл сафарида қуйиладиган юкларни массаси текширилмайди. Совутиб ва иситиб ҳамда ёпиқ вагонларнинг туйниклари очик ҳолда ташиладиган тез бузилувчан юклар фақат ташқи кўрик натижасида вагондан туширмасдан ва вагонга ортмасдан текширилади. Йўл сафаридаги текшириш натижалари **умумий шаклдаги ГУ-23 актида** расмийлаштирилади, агар Қоидада тижорат акти тузиш назарда тутилган бўлмаса.

## **6. Йўл сафарида юкларни қайта адреслаш ва уни расмийлаштириш**

**Ташиш хужжатларида кўрсатилган юк олувчини ва (ёки) темир йўл станциясини ўзгартириш қайта адреслаш деб аталади.** Юкларни қайта адреслаш Уставнинг 38-моддасига мувофиқ амалга оширилади. Уставнинг 38-моддасида “*Темир йўли, юк жўнатувчининг (юк олувчининг) ёзма аризасига мувофиқ ташишга қабул қилинган юкни тайинланган*



темир йўл станциясини, юкларни ташиш Қоидаларида белгиланган тартибда, ўзгартириши (юкни қайта адреслаши) мумкин”-дейилган. Қайта адреслаш темир йўл транспорти корхоналарининг ишини анчагина қийинлаштирилади: вагонларнинг қўшимча юриши ва ортиқча операцилар (вагонларни поездан ажратиш ва поездга тиркаш, хужжатларни расмийлаштириш) келиб чиқади; юкни етказиб бериш секинлашади; кира ҳақлари янгитдан ҳисобланади. Юкларни қайта адреслаш билан боғлиқ бўлган харажатларни юк жўнатувчи ёки юк олувчидан ундирилади.

Уставнинг 39-моддасида “Юк олувчини ёки тайинланган темир йўл станциясини ўзгартиришининг барча ҳолатларида юк жўнатувчи, қайсики унинг аризасига мувофиқ бундай ўзгартиришлар амалга оширилган, дастлабки юк олувчининг олдида бу ўзгартиришлар оқибати учун жавобгар ҳисобланади ва юк жўнатувчи, дастлабки юк олувчи ва ҳақиқий юк олувчи ўртасидаги ҳисобларни тартибга солиши шарт”-деб белгиланган.

**Юк жўнатувчининг ёки юк олувчининг ёзма аризасига мувофиқ юкларни қайта адреслашга рухсатни:**

- ички ва ҳалқаро қатновларда темир йўлининг юк ва тижорат ишлари хизмат (“ЎТЙ” ДАТК юк ва тижорат ишлари бошқармаси) ни бошлиғи;

- темир йўл бўлими (темир йўл минтақавий бўлинмаси) чегарасида темир йўл бўлими (темир йўл минтақавий бўлинмаси) бошлиғи;

- ички ва ҳалқаро қатновларда майда жўнатма ва контейнерларда ташиладиган уй бюмларини темир йўл станцияси бошлиғи беради.

**Қайта адреслаш ҳақидаги аризада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:**

- юкнинг номи; вагон номери ва юкхати номери; юк жўнатувчининг номи; жўнатувчи станция;

- дастлабки тайинланган станция ва темир йўли;

- дастлабки юк олувчининг номи;

- янги тайинланган станция ва темир йўли;

- янги юк олувчининг номи;

- қайта адреслаш сабаблари;

- қайси ташкилот ёки мансабдор шахсга қайта адреслаш станциясида қайта адресланадиган юкнинг хужжатларини расмийлаштириши ишониб топширилади.

**Қайта адреслаш ҳақидаги аризани арз қилаётган ташкилотни раҳбари имзолайди ва ташкилот муҳри билан тасдиқлайди. Қайта адреслаш ҳақидаги аризага юкни қабул қилиб олишга янги юк олувчининг розилиғи қўшиб қўйилади.**

Юкларни қайта адреслаш тайинланган станцияда ёки йўл сафарида амалга оширилиши мумкин. Йўл сафарида юкларни қайта адреслаш дастлабки ташиш хужжатлари бўйича амалга оширилади. Ҳалқаро қатновларда тайинланган станцияда юкларни қайта адреслаш

**янги ташиш хужжатлари** бўйича амалга оширилади, ногабарит юклар ва юкларни ортиш ва маҳкамлашни Техник шартларида назарда тутилмаган юклар бундан мустасно.

**Қайта адреслашни расмийлаштиришда арз қилувчи дастлабки хужжатлар бўйича ташиш учун ҳисоб-китоблар қилиши, янги ташиш хужжатлари бўйича барча ҳақларни тўлаши шарт (мажбур).**

Божхона назорати остида турган юкларни қайта адреслаш божхона органларининг розилиги мавжуд бўлганида амалга оширилади. Агар юкни ташиш инсонларнинг соғлиги ва ҳаётига, ҳаракат хавфсизлигига ва экологик хавфсизликка таҳдид солса бундай ҳолатларда юкларни қайта адреслаш тегишли божхона органлари, юк жўнатувчи, юк олувчи билан мувофиқлаштирмасдан амалга оширилади, кейинчалик тезликда уларга хабар берилади.

Тайинланган станцияда қайта адреслаш ҳақида юк станцияга етиб келгунча ариза берилган бўлса ҳамда йўл сафарида юкни қайта адреслашда, **қайта адреслашни кутиб вагонларни тўхтаб туриши учун жарима ундрилмайди.**

Агар юкни қайта адреслаш ҳақида вагонлар тушириш учун олиб кириб берилгандан сўнг берилган бўлса, **вагонлар олиб кириб берилган пайтдан қайта адреслаш ҳақида кўрсатма олинган пайтгача**, Уставнинг 132-моддасида белгиланган миқдорда вагонни тўхтаб туриши учун жарима ундирилади.

Агар тайинланган станцияга тушириш учун етиб келган вагонлар, юк олувчидан қайта адреслаш ҳақида арз қилинганлиги сабабли олиб кириб берилмаган бўлса вагонларни тўхтаб туриши учун жарима, **қайта адреслаш ҳақида ариза берилган пайтдан бошлаб олинади.**

## **Назорат саволлари**

89. Юкларнинг йўл сафаридаги станцияларда бажариладиган юк ва тижорат операцияларига қайси операциялар мансуб эмас?
90. Юкларнинг йўл сафаридаги станцияларда бажариладиган юк ва тижорат операцияларига қайси операциялар мансуб эмас?
91. Поездлар ва вагонларни тижорий кўриги қаерларда амалга оширилади?
92. Тижорий кўригини амалга оширишдан асосий мақсад нималардан иборат?
93. Тижорий нуқсонлилик деб нимага аталади?
94. Қайси ҳолат тижорий нуқсонлиликка мансуб эмас?
95. Қайси ҳолат тижорий нуқсонлиликка мансуб эмас?
96. Қайси ҳолат тижорий нуқсонлиликка мансуб эмас?
97. Қайси ҳолат тижорий нуқсонлиликка мансуб эмас?
98. Қайси ҳолат тижорий нуқсонлиликка мансуб эмас?
99. Қайси ҳолат тижорий нуқсонлиликка мансуб эмас?
100. Станцияга қайта ишловга тушиб ўтадиган поездлар қаерда тижорий кўриқдан ўтказилади?
101. Тижорий кўриқ қачон амалга оширилади?

102. Ҳаракат хавфсизлигига ва юкларни асрашга таҳдид солувчи тижорий 103. Ҳаракат хавфсизлигига ва юкларни асрашга таҳдид солувчи тижорий нуқсонли вагонлар аниқланганида неча нусхада умумий шаклдаги ГУ-23 акти тузилади?
104. Тижорий нуқсонли вагонларга тузилган умумий шаклдаги ГУ-23 актининг биринчи нусхаси билан қай йўсинда иш тутилади?
105. Тижорий нуқсонли вагонларга тузилган умумий шаклдаги ГУ-23 актининг иккинчи нусхаси билан қай йўсинда иш тутилади?
106. Вагон ошқора ўғирлик аломатлари билан аниқланганида қайси ҳужжат неча нусхада тузилади?
107. Вагон ошқора ўғирлик аломатлари билан аниқланганида тузилган умумий шаклдаги ГУ-23 акти учинчи нусхаси қаерга юборилади?
108. Тижорий нуқсонлилик одатда қандай бартараф этилиши керак?
109. Қандай ҳолларда тижорий нуқсонларни бартараф этишда вагонларни поезд составидан ажратишга рухсат берилади?
110. Қандай ҳолларда тижорий нуқсонларни бартараф этишда вагонларни поезд составидан ажратишга рухсат берилади?
111. Қандай вазиятларда йўл сафариди юкни бир вагондан бошқасига юклаш келиб чиқади?
112. Қайта юклаш станциясида қандай вазиятларда ГУ-22 шаклдаги тижорат акти тузилади?
113. Қайта юклаш станциясида қандай вазиятларда ГУ-22 шаклдаги тижорат акти тузилади?
114. Қайта юклаш станциясида қандай вазиятларда ГУ-22 шаклдаги тижорат акти тузилади?
115. Ташиш ҳужжатларида кўрсатилган ..... ўзгартириш қайта адреслаш деб аталади?
116. Темир йўли кимнинг ёзма аризасига мувофиқ юкни тайинланган темир йўл станциясини ўзгартириши мумкин?

## **14-маъруза. Юкларни етиб келиши ва туширишдаги операциялар**

**Режа:**

- 1. Поездларни ва юкларни яқинлашиб келиши ҳақида ахборот**
- 2. Тайинланган станцияда юкли вагонларни ва ташиш хужжатларини қабул қилиб олиш**
- 3. Етиб келган юкларни қайд қилиш**
- 4. Юкларни етиб келганлиги ва вагонларни тушириш учун олиб кириб бериш ҳақида юк олувчиларга хабар бериш**
- 5. Юкларни тушириш, қайд қилиш ва туширилган юкларни тамғалаш**
- 6. Вагон ва контейнерларни туширишдан сўнг тозалаш ва ювиш**

### **1. Поездларни ва юкларни яқинлашиб келиши ҳақида ахборот**

*Поездларни ва юкларни етиб келиши ҳақидаги ахборот-темир йўл станциялари ишини режалаштиришнинг ва тартибга солишнинг асоси ҳисобланади.* Станция икки турдаги - дастлабки ва аниқ ахборотларни олади ва юк олувчиларга уларни етказди.

Дастлабки ахборотни станция темир йўл минтақавий бўлинмасидан смена топшириғи билан биргаликда қабул қилиб олади. Дастлабки ахборот мазкур станцияда тушириладиган вагонлар ажратиб кўрсатилган, ҳар бир йўналишдан 12 соат олдинда (келгусида) етиб келиши кутилаётган поезд ва юклар ҳақидаги маълумотни ўз ичига олади.

**Аниқ ахборот** станцияга аслича вароқ-телеграммаси кўринишида алоқа каналлари орқали келиб тушади. Маневр диспетчер (ёки станция навбатчиси, куйида ДСП деб юритилади) смена давомида, дастлабки ахборот олинган поездларни, станцияга етиб келиши ҳақида саралаш станциясидан ахборот олиб туради. Маневр диспетчер сарлаш станциясининг ДСП сидан ва поезд диспетчеридан саралаш станциясидан поездни жўнаш вақтини ва станцияга тахминий етиб келиш вақтини, поезд номерини, поезд индексини, вагонлар сонини ҳақида ахборотларни олади ва аслича вароқ-телеграммасини текшириб чиқади.

**Маневр диспетчер** аслича вароқ-телеграммасини текшириб станция қабул қилувчи топширувчисига юк олувчиларни, экспедиторларни ва юк омбори қабул қилувчи топширувчиларни вагонларни қабул қилиб олишни, ишлов беришни ва туширишни бажариш учун механизмларни ва ишчиларни ўз вақтида тайёрлаш мақсадида дастлабки ахборот бера бошлашга кўрсатма беради.

## **2. Станцияга етиб келган поездларга ишлов бериш операциялари, юкли вагонларни ва ташиш ҳужжатларини қабул қилиб олиш**

Станциянинг навбатчиси (дежурный по станции, куйида ДСП деб юритилади) кўшни станциядан поезднинг жўнатилганлиги ҳақида хабарни олганидан кейин уни ишлов беришда қатнашадиган СТЦ, техник хизмат кўрсатиш пункти (пункт технического обслуживания, куйида ПТО деб юритилади) ва тижорий кўрик пункти (пункт коммерческого осмотра, куйида ПКО деб юритилади) ҳамда (зарурият бўлганида) ҳарбийлаштирилган соқчилик хизматчиларига етиб келаётган поездни кутиб олиш учун поездни номери, қабул қилиш йўли ва уни етиб келиш вақти ҳақида ахборот беради.

***Станцияга етиб келган поезд составига ишлов бериш операциялари куйидагилардан иборат:***

*составни назорат текиширишдан (станция бўғазасида поезд қабул қилинаётган пайитда амалга оширилади);*

*юк ҳужжатларини локомотив бригадасидан қабул қилиб олишдан;*

*юк ҳужжатларини аслича вароғи билан таққослашдан;*

*вагонларни техник кўригидан;*

*вагонларни тижорий кўригидан, иборат.*

Поезд тўхтаганидан ва локомотив поезд составдан ажратилганидан, ПТО хизматчилари составни икки томонидан **тўхтаб туриш сигнали билан ихоталаганидан** ва **бошмоқлар билан маҳкамлаганидан** сўнг техник ва тижорий кўрик амалга оширилади.

Техник ва тижорий кўрикни бажариш пайтида составни ихоталаш ва сигналларни олиб қўйиш тартибларини станция бошлиғи (ДС) белгилайди. Кўрикда техник носозликлар мавжуд вагонлар аниқланса, уларнинг жуфтлашган операцияларга яроқлилиги белгиланади.

Составни тарқатиш (расформирования) га тайёрлаш учун техник кўрик билан бир вақитни ўзида автотиркагич (автоцепка) асбобларини таъмирлаш ишлари ҳам амалга оширилади (ажратиш юритмасининг занжирларини ўрнатиш, яроқсиз ажратиш ричаглари ва автотормозларни бўшатиш занжирчаларини алмаштириш ва ҳ.к.).

Составдан вагонни ажратмасдан бартараф этиш мумкин бўлган нуқсонлиликлар аниқланганида вагон кўрикчилари вагон кузовининг ён деворига, платформанинг бортига ва цистернанинг қозонига бўрда белги тасвирлаб қўйадилар. Составдан ажратиб олиб таъмирлашни талаб этувчи маҳаллий юкли вагонлар, одатда таъмирлаш учун юк туширилганидан сўнг олиб кириб берилиши керак, агарда ҳаракат хавфсизлигига вагонларни станция йўлларида ҳаракатланиши таҳдид солмаса.

Вагонларнинг техник кўриги билан бир вақитнинг ўзида чилангар-автоматчилар автотормозларни бўшатадилар (автотормоз магистрал қувур ўтказгичидаги сиқилган ҳавони чиқариб юборадилар) ва аслича

телеграмма (саралаш вароғи) даги белгиларга мувофиқ вагонларни ажратиш жойларидаги автотормоз енгларини ажратадилар ва илиб қўядилар, **қабул қилувчи топширувчилар эса - вагонларни тижорий кўрикдан ўтказадилар.**

Вагонларнинг катта кўрикчиси ва катта қабул қилувчи топширувчи кўрикни тамомлаб ва ихоталаш сигналларини олиб қўйиб, кўрик натижаларини ҳақида станциянинг навбатчиси (ДСП) га хабар берадилар. Агарда составдан ажратиб олиб таъмирлашни талаб этувчи вагонлар мавжуд бўлса техник кўрик пункти (ПТО) нинг катта кўрикчи бир вақтни ўзида ВУ-23 шакилдаги хабарномани тўлдиради ва ВУ-14 шакилдаги Китобга ёзиб қўяди.

Вагонларни тижорий кўригини, ПКО нинг иккита **поезд қабул қилувчи ёки иккита катта қабул қилувчи топширувчи** бир вақтни ўзида составни икки томонидан амалга оширадилар. **Вагонларни тижорий кўригида қўйидагиларга:** *ёпиқ вагонларни, кузовининг бешикастлигига, уларда ЗПУ ни мавжудлигига ва бешикастлигига ҳамда ЗПУ лардаги назорат белгиларни ташиш ҳужжатларида кўрсатилганига мувофиқлигига; очиқ вагонларга ортининг созлигига ва улардаги юкларни асралганлигига алоҳида аҳамият берилади.*

Тижорий нуқсонлилик вагонлар аниқланганида икки нусхада **умумий шаклдаги ГУ-23 акти** тузилади ва уни тижорий кўрик ўтказган, лекин икки кишидан кам бўлмаган станциянинг хизматчилари имзолайдилар. Составни тижорий муносибатда кўрик натижалари **“ГУ-98 шакилдаги тижорий нуқсонлиликларни қайд қилиш Китобида”** расмийлаштирилади ва кўрикни ўтказган хизматчилар имзоси билан тасдиқланади.












Станцияга етиб келган поездларга ишлов беришнинг наъмунавий графиги 14.1 - расмда кўрсатилган.

**Тушириш учун етиб келган юкли вагонларни ташиш ҳужжатлари СТЦ га келиб тушади ва у ерда вагонлар ва юкларнинг ҳужжатлари мавжудлиги ва мувофиқлиги аслича текширилади.**

Аслича текширишни тугатиб, СТЦ оператори заруриятли ҳолатларда аслича вароқ-телеграммасига ўзгартиришлар киритади ва аслича вароқ-телеграммаси асосида олдиндан тузилган **саралаш вароғидаги** маълумотларга аниқликлар киритади.

Шундан сўнг СТЦ оператори барча **юкхати, йўл қайдномаси ва вагон вароғига** юкнинг ҳақиқий етиб келган санаси билан станциянинг календар муҳрини босиб чиқади, вагон вароғида эса поезд номери ва етиб келиш вақти ҳам кўрсатилади. Сўнгра, **ГУ-48 шаклдаги ташиш ҳужжатларини топшириш Китобида,** ҳар бир жўнатма бўйича вагон номерини ва юкхати номерини кўрсатиб ташиш ҳужжатлари бирма - бир ёзиб чиқилади. **Юкхати ва йўл қайдномаси товар идорасига, вагон вароғи эса-умумий фойдаланиш жойидаги юк саройига ёки тушириш**

**пунктига бериледи.** Вагон вароғини тушириш пунктига товар идораси орқали ҳам бериш ҳам мумкин. Саралаш учун келган терма вагонларнинг ҳужжатларини юк саралаш платформасининг идорасига бериледи.

Операцияларнинг номлари	Вақт, дақиқаларда				Бажарувчи
	Поезд келгу-нича	Поезд келганидан сўнг			
		5	10	15	
Аслича-телеграммани олиш ва белгилаш ва маневр диспетчирига етказиб бериш					СТЦ оператори
Кўшни станциядан поезднинг жўнатилганлиги ҳақида маълумот олиш					ДСП
СТЦ, ПТО ва ПКО ларга поезднинг номери, қабул қилиш йўли ва вақти ҳақида маълумот бериш					ДСП
Етиб келган поездга хизмат кўрсатишда қатнашадиган ишчиларни қабул қилиш йўлига чиқишлари					ПТО ва ПКО хизматчилари
Станциянинг кириш бўғазасида поезд кириб келаётганида составни текшириш					ПТО, ПКО ва СТЦ хизматчилари
Автотормозларни бўшатиш ва поезд локомотивини составдан ажратиш		2 			Локомотив бригадаси ва ПТО хизматчилари
Етиб келган поезддан ташиш ҳужжатларини техник идорага етказиб бериш		2 			Локомотив бригадаси ва СТЦ оператори
Етиб келган поезд ташиш ҳужжатларини текшириш			10 		СТЦ оператори
Составни техник кўриқдан ўтказиш, автотормоз энгларини ажратиш ва илиб қўйиш			15 		ПТО хизматчилари
Тижорий кўриқ			15 		ПКО хизматчилари
Умумий вақт			15 		

#### 14.1-расм. Станцияга етиб келган поездларга ишлов беришнинг наъмунавий графиги

**СТЦ оператори ҳужжатларни топширганлиги ҳақида, товар идораси ёки юк саройи хизматчиси эса ҳужжатларни қабул қилиб олганлиги ҳақида ГУ-48 шаклдаги ташиш ҳужжатларини топшириш Китобига имзо чекадилар.** СТЦ дан товар идорасига ёки юк саралаш платформасига юк ҳужжатлари пневмопочта орқали етказиб берилганида юк ҳужжатларини топшириш ва қабул қилиш ҳақида имзо чекилмайди.

Агар етиб келган юкли вагонлар туширишдан сўнг ортиш учун фойдаланиши мўлжал қилинаётган бўлса, у ёки бу юкни ташиш учун унинг яроклилиги аниқланади.

### **3. Етиб келган юкларни қайд қилиш**

Станцияга тушириш учун етиб келган барча юклар, товар идорасида ташиш ҳужжатлари маълумотлари асосида **ГУ-42 шаклдаги юкларни етиб келиш Китобига** (қуйида келиш Китоби деб юритилади) қайд қилинади. **Келиш Китобининг** барча бетлари номерланган бўлиши керак. Келиш Китобини бетларини сонини станция бошлиғи тасдиқлаши керак. Станцияда юк туширишлар миқдори катта ҳажмларда амалга оширилса, ҳар бир юк тушириш райони учун алоҳида келиш Китобини тутиш ҳам мумкин бўлади. Ҳар бир сутканинг бошланишида келиш Китобининг биринчи бўш қаторига юкларнинг етиб келиш санаси ва оyi ёзиб қўйилади, сўнгра келиш Китобининг мувофиқ графаларига ҳар бир жўнатма бўйича келиш Китобига ёзиш номери, вагон номери ва юкхати номери кўрсатиб чиқилади. “Илова” графасида маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда юк олувчи ёки тушириш жойи, ҳамда бошқа маълумотлар кўрсатилади. Бу графани тўлдириш тартибини станция бошлиғи белгилайди. Жўнатма келиш Китобига ёзиб чиқилганидан кейин, йўл қайдномасининг юза томонига жўнатманинг келиш Китобидаги тартиб номери ёзиб қўйилади.

***Юкларни топшириб бориш давомида кун сайин келиш Китобининг мувофиқ графасига ФДУ-91 шаклдаги кузатиш қайдномасининг номери, топшириш санаси ва оyi ёзиб қўйилади.***

Ҳисобот суткаси тугаганидан сўнг товар идораси берилмаган юклар бўйича мавжуд ҳужжатларни текшириб чиқади. Бунинг учун **келиш Китобида** “Қолган ... жўнатма”, “Келган ... жўнатма”, “Берилган ... жўнатма”, “Қолган ... жўнатма” шаклида ҳужжатлар ҳаракатлари жамиланади. ***Навбатдаги сутка қолдизига кўрсатилган жўнатмалар сони топширилмаган мавжуд юк ҳужжатларининг ҳақиқий сонига мувофиқ бўлиши керак.***

Худди шу тартибда товар кассирлари навбатчилиги алмашганида ҳам ҳужжатлар мавжудлиги текшириб чиқилади.

Ҳар йили 1 январдан янги **келиш Китоби** тутилади. Олдиндан бу **келиш Китобига** 1 январгача берилмаган юклар бўйича барча жўнатмалар тўлиқ кўчириб ёзилади.



#### **4. Юкларни етиб келганлиги ва вагонларни тушириш учун олиб кириб бериш ҳақида юк олувчиларга хабар бериш**

Уставнинг 64-бандига мувофиқ “*Темир йўли юк олувчини унинг адресига юк етиб келганлиги ҳақида юкнинг етиб келган куни ва ҳар қандай ҳолатда келаси куни соат 12<sup>00</sup> дан кеч қолмай хабар бериши шарт (мажбур). Хабар бериш тартиби ва усулларини темир йўл станциясининг бошлиғи белгилайди. Юк олувчи юкни етиб келганлиги ҳақида хабар бериш усулларини кўрсатиши мумкин.*

*Агар темир йўли ўзининг айби бўйича юк олувчига юкни етиб келганлиги ҳақида хабар бермаса, у ҳолда юкни етиб келганлиги ҳақида хабар юборилгунгача юк олувчи вагонларни ва контейнерларни тўхтаб туриб қолганлиги учун жавобгар бўлмайди ва юкларни сақлаш учун йиғим тўлашдан озод қилинади”-деб белгиланган. Хабар бериш усулларини белгилашда нафақат маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқмасдан, балки, хабар беришни ва уни қабул қилиб олишни кафолатланишидан ҳам келиб чиқиш керак. **Юк олувчи хабарни қабул қилиб олишни таъминлаш учун хабарни қабул қилиб олиш учун маъсулиятли шахс фамилияси ва телефон номерини станция бошлиғига маълум қилиб қўяди.** Станцияда хабар юбориш билан бир вақтни ўзида **юкни етиб келганлиги ҳақида хабар бериш Китобига қайд қилинади.** Юкни етиб келганлиги ҳақида хабар беришда албатта хабар бериш **санаси ва вақти** ёзиб қўйилади.*

Агар тайинланган станцияга етиб келган юк божхона назорати остида бўлса, у ҳолда юк олувчидан ташқари бундай юкни етиб келганлиги ҳақида, юк олувчи юкдан фойдаланишга рухсат олиш билан боғлиқ бўлган тегишли божхона расмиятчиликларини ўтказиш учун, худудий божхона органларига ҳам хабар берилади.

Уставнинг 57-бандига мувофиқ “*Темир йўл станциясининг бошлиғи юк жўнатувчиларнинг ёки юк олувчиларнинг воситаларида ортишга ва туширишга вагонларни олиб кириб бериш вақти ҳақида юк жўнатувчиларни ёки юк олувчиларни вагонларни олиб кириб беришдан 2 соатдан кеч қолмай хабар бериши шарт (мажбур)*”-деб белгиланган. Вагонларни тушириш жойларига олиб кириб бериш вақти ҳақида ГУ-2 шаклдаги вагонларни ортишга ёки туширишга олиб кириб бериш ҳақида **хабар бериш Китобига** қайд қилиб қўйилади. Темир йўлининг юк олувчига вагонларни тушириш учун олиб кириб бериш ҳақида хабар беришини юкларни етиб келганлиги ҳақида хабар бериш деб ҳам ҳисоб қилиш мумкин. Тушириш учун вагонларни олиб кириб бериш, хабардаги муддатдан сўнг 2 соатдан ортиққа кечикса, станция юк олувчига янгитдан келгуси олиб кириб бериш вақти ҳақида хабар бериши керак.

***Вагонлар тушириш учун, хабардаги муддатларга риоя қилмасдан ёки хабар бермасдан олиб кириб берилса, юк олувчи вагонларни тақдим этилган пайтдаёқ қабул қилиб олиниши керак.***

**Бунда вагонлар:**

- белгиланган муддатдан олдин олиб кириб берилганида – ушбу муддат бошланган пайтда;

- белгиланган муддатдан кеч ҳамда хабар бермасдан олиб кириб берилса – вагонлар ҳақиқий олиб кириб берилган пайтдан 2 соат ўтгандан сўнг олиб кириб берилган деб эътироф этилади:

## **5. Юкларни тушириш, қайд қилиш ва туширилган юкларни тамғалаш**

Уставнинг 52-бандида, юкларни вагонлардан туширишни: темир йўли - керакли қурилмалар ва механизмларга эга бўлган умумий фойдаланиш жойларида амалга ошириши, хавфли, тез бузилувчан юклар ва юкларни ташиш Қоидаларида кўрсатиб ўтилган бошқа юклар бундан мустасно ва юк олувчилар – ноумумий фойдаланиш жойларида, ҳамда умумий фойдаланиш жойларида – хавфли ва тез бузилувчан юкларни, ҳом ҳайвон маҳсулотларини, оғир вазинли (бир жойда 0,5 тоннадан зиёд) ва ногабарит юкларни, махсус ҳаракатдаги составда қўйма, сочма ва тўкма ташиладиган юкларни ва юк жўнатувчиларни ёки юк олувчиларни кузатувчиси назоратида ташиладиган юкларни амалга оширишлари, шунингдек темир йўлининг кучи ва воситаларида бажарилган юкларни тушириш учун юк олувчилар тузилган шартномага мувофиқ **ҳақ тўлашлари** шартлиги белгилаб қўйилган.

Вагонлардан юкларни тушириш қаерларда ҳамда кимларнинг кучлари ва воситаларида амалга оширилишига қараб юк ва тижорат операциялари бажариш тартиби турлича бўлади.

Умумий фойдаланиш жойларида (станциянинг омборларида ва майдонларида) қабул қилувчи топширувчи СТЦ дан олинган вагон вароғидаги маълумотларни тушириш Китобига ёзиб қўйади (омбордаги материал ҳисобга олишни аввали).

Маневр диспетчер (ёки ДСП) нинг кўрсатмасига мувофиқ вагонлар умумий фойдаланиш жойларига (станциянинг омборларига ва майдонларига) олиб кириб берилади ва тушириш фронтларига жойлаштириб чиқилади. **Вагонларни, контейнерларни умумий фойдаланиш жойларга олиб кириб берилган сана ва вақтини** станциянинг қабул қилувчи топширувчиси **вагон вароғида** ва **ГУ-45 шаклдаги қабул қилувчи топширувчи эсдалигида** белгилаб қўйади. Вагонлар юк фронтига жойлаштириб чиқилганидан сўнг, юк тушириш бошлангуга қадар қабул қилувчи топширувчи ҳар бир вагонни тижорий муносибатда астойдил кўриқдан ўтказди, ЗПУ ни бешикастлигини текширади, вагонни номерини ва ЗПУ даги белгиларни вагон вароғида кўрсатилганига мувофиқлигини солиштириб кўради. Тижорий

нуқсонлиликлар аниқланганида қабул қилувчи топширувчи бу ҳақида юк райони ёки станция бошлиғига ахборат беради.

Вагонларни тижорий кўригидан сўнг **қабул қилувчи топширувчи ЗПУ ни ечиб олади** ва комплекс механизациялашган бригаданинг **бригади-рига** вагондан юкни туширишга киришишга кўрсатма беради. Вагон эшигини тутқучидан ўзига тортиб эҳтиётлик билан, вагондаги юкларни қулаб тушмаслигига эътибор бериб, очиш керак бўлади. Тушириш жараёнида қабул қилувчи топширувчи вагон вароғидаги маълумотларни ҳақиқий мавжуд юкларга мувофиқлигини солиштириб ҳамда юк жойлари сони, тамғалашни ва юк жойларини текшириб туради. **Қабул қилувчи топширувчи юкларни туширишда ва тахлашда шикастлантормасдан, бежирим амалга оширилишига, ва вагонларни асраш таъминланишини кузатиб туради.**

Юкни олувчига топширишга қадар сақлашда ёки ҳар қандай ташишларда юкни асрашга таҳдид солиши мумкин бўлган идиш ва ўровларнинг барча аниқланган шикастланишлари ва нуқсонлари бартараф этилиши, сочилган юклар йиғиштириб олиниши, тортилиши ва сақлаб қўйилиши керак. Агар идиш ва ўровларни шикастланиши ва нуқсонларини бартариф этишни имкони мавжуд бўлмаса, у ҳолда шикастланган юк жойлари қулифланадиган ва пломбаланадиган хонага эҳтиётлик билан жойлаштириб қўйилади. Шикастланган юк жойларини қабул қилувчи топширувчи тортиб кўриши шарт ва кам чиқиш массасини стандарт массага ёки траферет бўйича массага нисбатан тафовутини аниқлаши керак. Агар тушириш жараёнида юкларни ҳўлланиб қолгани аниқланса, вагон кузовини айниқса томини текшириш учун вагонни техник кўрикка таъқдим этилади.

**Тушириш тугаганидан сўнг қабул қилувчи топширувчи вагон вароғида ва ГУ-45 шаклдаги қабул қилувчи топширувчи эсдалигида тушириш тугаган сана ва вақтни белгилаб қўйади. Вагон вароғида ҳар бир жўнатма туширилган сақлаш жой ҳам кўрсатилади.** Вагон вароғи ва ГУ-45 шаклдаги қабул қилувчи топширувчи эсдалиги товар идорасига бериб юборилади, у ерда юкхати ва йўл қайдномасида юкни сақлаш жойи ҳақида белги қўйилади ва тушириш санаси ҳақида станциянинг тақвим муҳри босилади.

Станция омборига вагонлардан юкларни туширишни тахминий графиги 10.2 - жадвал келтирилган.

Умумий фойдаланиш жойларида барча туширилган юклар **ГУ-44 шаклдаги тушириш Китобига** (10.3-жадвал) қайд қилиниши керак. Ҳар куни смена бошланишидан аввал қабул қилувчи топширувчи тушириш Китоби биринчи қаторига санани белгилаб қўйади, келгуси қаторларга эса вагон вароғи ёки юкхати кўрсатилган юклар ҳақидаги маълумотларни киритиб боради. Ҳар бир номдаги юк алоҳида қаторга ёзиб борилади. Юкни туширишда аниқланган нуқсонлар “Примичание” графасига

белгиланади. *Тушириш Китобини тўлдириб бориш тартиби “Станциянинг тижорий ҳисоботини юритиш бўйича Йўриқномасида” ёритилган.*

№	Операцияларни номи	Вақт, дақ.		Бажарувчи
1	Вагонларни юк фронтига олиб кириб бериш ва жойлаштириш			Поезд тузувчи ва қабул қилувчи топширувчи
2	Вагонларни бошмоқ билан маҳкамлаш ва йўлни ихоталаш			Поезд тузувчи
3	СТЦ дан ёки товар идорасидан вагон вароғини олиш ва тушириш Китобига ёзиш			Қабул қилувчи топширувчи
4	Комплекс механизациялашган бригадани иш тартиби билан таништириш			Қабул қилувчи топширувчи
5	Вагонларни тижорий кўриги			Қабул қилувчи топширувчи
6	Юкларни тушириш ва омборга жойлаштириш			Комп. механиз. бригада
7	Юкларни ва ўровларни текшириш			Қабул қил. топшир.
8	Вагонларни тозалаш ва эшикларни беркитиш			Комп. механиз. бригада
9	Вагон вароғини белгилаш ва товар идорасига бериб юбориш			Қабул қилувчи топширувчи
10	Вагонлар олиб чиқиб кетишга тайёрлиги ҳақида диспетчерга хабар бериш			Қабул қилувчи топширувчи
11	Юкларни тамғалаш			Қабул қил. топшир.
12	Юкхати ва йўл қайдномасини белгилаш			Товар ғазначиси
Умумий вақт				

#### 14.1-расм. Станция омборига вагонлардан юкларни туширишни тахминий графиги

Юкларни тушириш ва тахлаш тугаганидан сўнг, топшириш пайтида омбордаги юкларни қидириб топиш осон бўлишлиги учун улар тамғаланади. Агар юк очик майдонга туширилган бўлса тамғалар юк жойларига бўёқлар билан тасвирлаб қўйилади ёки ёғоч чўпхатлар қозикларга қоқиб қўйилади. Бир вақитни ўзида қабул қилувчи топширувчи кўрсатмаси бўйича юкчилар вагонларни тозалайдилар, ёпиқ вагонларни ва ярим очик вагонларни эшикларини ва туйник қопқоқларини беркитадилар,

платформаларни бортларини кўтариб ёпиб маҳкамлайдилар, уларнинг уяча ва чангакларини устун ва боғлагичлардан бўшатадилар.

10.3-жадвал

### ГУ-44 шаклдаги тушириш Китоби

№	Номер вагона	Номер накладной	Станция и дорога отправления	Марка или номер контейнера	Число мест	Наименование груза	Масса груза по документам	Местонахождение груза на складе станции	Время вывоза груза получателям	Примечание
1										
2										
3										

#### 6. Вагон ва контейнерларни туширишдан сўнг тозалаш ва ювиш

Уставнинг 58- моддасига мувофиқ “Юк олувчи вагон (цистерна) ва контейнердаги юкни тўлиқ тушириб олиши шарт (мажбур).

Вагондан (цистернадан) туширишдан (тўкишдан) сўнг юкларни қолдиришда айбли шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Юк туширишдан сўнг вагон ва контейнерлар ҳам ички ва ҳам ташқи томонидан тозаланиши керак.

Вагонларни юк туширишдан сўнг тозалашни юк олувчилар бажарадилар, агар тушириш уларнинг воситаларида амалга оширилган бўлса ёки темир йўли бажаради, агар тушириш темир йўлининг воситаларида амалга оширилган бўлса.

Контейнерларни тозалашни барча ҳолатларда юк олувчилар бажарадилар.

Ҳайвонлар, паррандалар, ҳом ҳайвон маҳсулотлари ва тез бузилувчан юклар ташишдан сўнг вагонларни тозалаш, ювиш ва заруриятли ҳолатларда дезинфекция қилиш юк олувчиларнинг ёки юк олувчиларнинг ҳисобидан темир йўли воситаларида бажарилади.

Вагонлардан қўланса хидли ва ифлослантувчи юкларни юк олувчиларни воситаларида тушириб олинганидан сўнг вагонларни ювишни юк олувчилар ёки юк олувчилар ҳисобидан темир йўли бажаради.

*Цистерна ва ярим очик вагон - бункерларни ташқи сиртини қуюш ва тўкишдан сўнг ифлослардан тозалашни мувофиқ равишда юк жўнатувчилар ёки юк олувчилар бажарадилар.*

*Цистерна ва ярим очик вагон - бункерлардан маҳсулотларни тўкиб олиш тўлиқ бажарилади (қачонки стандартларда юк қолдиқлар мавжудлигига рухсат берилган ҳолатлар бундан мустасно), қозон ва бункер ички сиртидан қовушқоқ маҳсулотлар чиқариб юборилади.*

*Юк жўнатувчилар ва юк олувчилар ўртасидаги битим бўйича тўкишдан сўнг махсус цистерналарни ички сиртини тозалашни амалга оширмаса ҳам бўлади.*

*Туширишдан ёки тўкишдан сўнг юк олувчилар тозаламаган вагон ва контейнерларни токи улар тозаламагунгача темир йўли қабул қилиб олмаслик ҳамда вагонларни тўхтаб туриши ва контейнерларни ушланиб қолиши учун Уставнинг 132 - моддасига мувофиқ жарима ундириб олиш ҳуқуқига эга.*

*Шунингдек юк олувчи темир йўлининг ювиш - буғлаш станцияларида, цистерна ва ярим очик вагон - бункерларда рухсат берилган меъёрлардан ортиқ маҳсулот қолдиқлари аниқланган ҳолатларда, цистерна ва ярим очик вагон - бункерлар тозалашда тўхтаб туриши учун жарима тўлайдилар”.*

*Вагон ва контейнерларни туширишдан сўнг тозалашга қўйиладиган асосий талаблар ва мезонлар “Вагон ва контейнерларни туширишдан сўнг тозалаш ва ювиш Қоидаларида белгиланган”.*

***Вагонлар, контейнерлар (цистерна ва ярим очик вагон – бункерлардан ташқари), уларни туширишдан сўнг барча юк қолдиқлари ёки юк тўпламлари вагон кузовининг ҳамда контейнерларнинг ичидан ва ташқарисидан шунингдек вагонларни юриш қисмлари (тўсинлар, аравачалар, туйник қопқоқлари) ва вагон оралик брикмаларидан чиқариб юборилган бўлса, тозаланган эътироф этилади.***

***Цистерналар ва ярим очик вагон - бункерлар, агар қозон ва бункернинг ички ва ташқи сиртида юк қолдиқлари мавжуд бўлмаса, тозаланган деб эътироф этилади.** Остки тўкиш асбоблари билан жиҳозланмаган цистерналардан маҳсулотларни тўкиб олишда, тўкиб олинмаган маҳсулот қолдиқлари 1 см дан ортиқ бўлмаслиги керак.*

*Тозаланган вагондаги қорни мавжудлиги вагоннинг ифлослик аломатлари деб ҳисобланмайди. Вагонлардаги, контейнерлардаги ва вагон рамасидаги белгилар ва андаза (трафарет) лар аниқ ўқиладиган бўлиши керак. Вагон ва контейнерларнинг ташқи ва ички сиртлари, уларни ифлослантирувчи ҳар турли химоя парда (пленка) лари қолдиқларидан, эмульсиялардан, шунингдек ёпиштирмалардан, ёрлиқлардан, чўпхатлардан тозаланиши керак, агар бундай ёрлиқларни мазкур бўш вагонда мавжудлиги ушбу юкларни ташиш қоидаларида назарда тутилган ҳолатлар*

бундан мустасно. Вагон ва контейнерларни барча тозалаш усуллари уларни асрашни тامينлаши ва атроф муҳитни ифлослантмаслиги керак.

Умумий фойдаланиш жойларида юк олувчиларнинг воситаларида юклар туширилганида вагонларни, контейнерларни тушириш ва тозалашдан сўнг ахлатлар, юк қолдиқлари, маҳкамлаш воситалари, идиш-ўровлар ва бошқа материалларни юк олувчи йиғиштириб олиб юк билан бирга станциядан ташиб кетиши керак.

Қўланса хидли ва вагонларни ифлослантувчи юкларни (масалан, тош тахта, гипс, оҳок, тўйимли озуқа, цемент ва бошқалар), улар ўралган ҳолатда ташилганда ҳам, юк олувчи тушириб олганидан сўнг, ёпиқ вагонлар уларнинг тегишлилигидан қатъий назар юк олувчи уларни ювиши керак. Дон ташувчи вагонлардан дон бўлмаган юклар тушириб олинганидан сўнг улар ҳам ювилиши керак. Ёпиқ вагонларни туширишдан сўнг ювишни амалга ошириш керак бўлган юклар рўйхати “Вагонларни тозалаш ва ювиш Қоидаларнинг” Иловасида келтирилган. Юк олувчида вагонларни ювиш имконияти мавжуд бўлмаса уларни ювишни темир йўли шартномага мувофиқ амалга оширади. ***Вагонларни ювишни амалга оширилганлигини далили сифатида темир йўли умумий шаклдаги актни (ГУ-23 шакл) расмийлаштиради.***

Ҳайвонлар, паррандалар, хом ҳайвон маҳсулотлари ва тез бузилувчан юклар ташилган вагонларни тозалашни, ювишни ва заруриятли ҳолатларда дезинфекция қилишни юк олувчининг ҳисобидан темир йўли амалга оширади.

Иккинчи ва учинчи тоифадаги санитар ишлов беришга бўш вагонларни жўнатиш тўлиқ ташиш ҳужжатларида амалга оширилади. Ювишга ва биринчи тоифадаги санитар ишлов беришга ёпиқ бўш вагонларни жўнатиш қайтариб юбориш (пересылочной) қайдномаси, изотермик вагонлар эса тўлиқ юк ҳужжатлари бўйича амалга оширилади.

### **Назорат саволлари**

117. Станция қайси турдаги ахборотларни олади ва юк олувчиларга етказди?
118. Станцияга аниқ ахборот қандай келиб тушади?
119. Станцияга етиб келган поезд составига ишлов беришга қайси операция мансуб эмас?
120. Станцияга етиб келган поезд составига ишлов беришга қайси операция мансуб эмас?
121. Станцияга етиб келган поезд составига ишлов беришда кимлар қатнашмайди?
122. Станцияга етиб келган поезд составини техник ва тижорий кўриги қачон амалга оширилади?
123. Станцияга етиб келган вагонларни тижорий кўригида нималарга алоҳида аҳамият берилади?
124. Станцияга етиб келган вагонларни тижорий кўригида нималарга алоҳида аҳамият берилади?
125. Станцияга етиб келган вагонларни тижорий кўригида нималарга алоҳида аҳамият берилади?

126. Станцияга етиб келган вагонларни тижорий кўригида нималарга алоҳида аҳамият берилади?
127. Станцияга етиб келган вагонларни тижорий кўригида нималарга алоҳида аҳамият берилади?
128. Станцияга етиб келган вагонларда тижорий нуқсонлилик аниқланганида қай йўсинда иш тугилади?
129. Станцияга етиб келган тижорий нуқсонлилик вагонларга тузилган умумий шакилдаги ГУ-23 актини кимлар имзолайди?
130. Составни тижорий муносибатда кўрик натижалари қайси Китобида расмийлаштирилади ва кимларни имзоси билан тасдиқланади?
131. Темир йўли юк олувчини унинг адресига юк етиб келганлиги ҳақида қачон хабар бериши шарт?
132. Агар темир йўли ўзининг айби бўйича юк олувчига юкни етиб келганлиги ҳақида хабар бермаса нима бўлади?
133. Агар темир йўли ўзининг айби бўйича юк олувчига юкни етиб келганлиги ҳақида хабар бермаса нима бўлади?
134. Темир йўл станциясининг бошлиғи юк олувчиларнинг воситаларида туширишга вагонларни олиб кириб бериш вақти ҳақида юк олувчиларга қачон хабар бериши шарт?
135. Вагонларни туширишга олиб кириб бериш вақти ҳақида хабарларни ёзиб бориш учун станцияда қандай Китоб юритилади?
136. Темир йўли вагонларни тушириш учун хабардаги белгиланган муддатдан олдин олиб кириб берса қандай йўсинда иш тугилади?
137. Темир йўли вагонларни тушириш учун хабардаги белгиланган муддатдан кеч олиб кириб берса қандай йўсинда иш тугилади?
138. Темир йўли вагонларни тушириш учун хабар бермасдан олиб кириб берса қандай йўсинда иш тугилади?
139. Темир йўли вагонларни тушириш учун хабар бермасдан олиб кириб берса қандай йўсинда иш тугилади?



## 15-маъруза. Юкларни сақлаш ва топшириш

Режа:

1. Юкларни омборларга жойлаштириш ва сақлаш;
2. Юкларни сақлаш меъёри ва топшириш;
3. Товар идорасида юкларни топширишни расмийлаштириш;
4. Станцияда юкларни топшириш ва ташиб кетиш;
5. Тайинланган станцияда юкларни ҳолатини, массасини ва жойлар сонини текшириш.

### 1. Юкларни омборларга жойлаштириш ва сақлаш

Юклар – товарлар, маҳсулотлар, хом ашёлар, буюмлар ва ҳ.к. лар турли физика-кимёвий, механик ва биологик хусусиятларга ҳамда ҳажмий-массавий тавсифномаларга эга, шунинг учун уларни миқдорига ва сифатига зарар етказмай асраш мақсадида омборларда тегишли **сақлаш шароитлари** ва лозим даражада **сақлаш техникаси** яратилиши керак.

*Сақлаш шароитлари* деб омбордаги ҳавонинг намлиги ва ҳарорати, унинг таркибидаги чанглар, газлар, кимёвий моддаларнинг буғлари, табиий ёритилганлиги каби атроф муҳит тавсифномаси тушинилади. **Сақлаш техникаси** деб юкларни самарали жойлаштириш ва тахлаш усулларини танлаш йўли билан уларни асрашни таъминлаш мақсадидаги ташкилий ва техникавий тадбирлар ҳамда юкларнинг ҳажми, массаси, ўлчамлари ва физика-кимёвий хусусиятларини инобатга олган ҳолда сақлаш учун махсус жиҳозлардан фойдаланиш тушинилади.

Юкларни бузилишига, нобуд бўлишига ва сифатини пасайишига, уларни омборларда қайта ишлашда (ортишда, туширишда, саралашда), жойлаштиришда, тахлашда, бутлашда ва ҳ.к. ларда содир бўладиган механик шикастланишлар, шунингдек сақлаш пайтида ташқи муҳит таъсирида кечадиган кимёвий ва биологик жараёнлар сабаб бўлади. Юкларни ортишда, туширишда, омбор ичи ташишларида, жойлаштиришда ва тахлашда **эҳтиётсизлик билан муомалада бўлиш** натижасида, уларни синиши, бузилиши, тўкилиши, сочилиши, чангиб тўзиши каби нобудгарчиликлар, керакли **сақлаш шароитларига** риоя қилинмаганида эса коррозия, бўёғини рангсизланиши, моғорлаш, қуриши, эластиклинини йўқолиши ва ҳ.к. содир бўлади.

Юклар билан лозим даражада муомалада бўлиш ҳамда шикастланиш, синиш, эгилиш, зичлашиб қотиб қолишни ва шунга ўхшашларни истисно этувчи **тўғри тахлаш** уларни асрашни таъминловчи зарур шароитлар ҳисобланади. Бундан ташқари омборларда алоҳида турдаги юкларни учун керакли ҳаво ҳароратини ва намлигини ушлаб туриш, омбор хоналарида тозалikka риоя қилиш, қуёш нурлари, зарарли газлар ҳамда бир юкни бошқасини таъсирдан муҳофазалаш ҳам муҳим

аҳамиятга эга. Юкларни самарали сақлашни ташкил этиш уларни сифатини ва миқдорини тизимли назорати қилиш, уларни даврий кўриқдан ўтказиш, заруриятли ҳолатларда омбор бинолари ичини шамоллатиш ва бошқа шу каби ишларни амалга ошириш билан боғлиқ. ***Шундай қилиб энг кам омбор харажатларида юкларни сифатини ва миқдорини тўлиқ асрашни таъминловчи сақлаш самарали деб аталади.***

Ҳар бир турдаги товар, маҳсулот, хом ашё, тайёр буюм ва ҳ.к. ларни давлат стандартларида ёки техник шартларида ҳамда уларни сақлаш бўйича тегишли йўриқномаларда товар, маҳсулот, хом ашё, тайёр буюм ва ҳ.к. ларни сақлаш шартлари белгиланган.

**Идиш-ўровли ва донали юклар** омборларда, ҳар бир жўнатма алоҳида-алоҳида штабелларда (юк тахламларида) сақланади. Юк жойлари штабелларга баландиги бўйича устма-уст, эни ва бўйига кўра қаторма-қатор бир текис қилиб, юк жойлари сонини қайта санаб чиқиш имкониятидан келиб чиқиб жойлаштирилади. Агар юк операциялари механизациялашган бўлса, унда юклар ясси тагликларга тахланади ва уларда устма-уст икки ёки уч қават қилиб сақланади. Юк штабелларни турғунлигини, юкларнинг бутлигини ва асрашни ҳамда ишчи ва хизматчиларни хавфсизлигини максимал таъминловчи юкларни тахлаш тартиб ва баландлигига риоя қилиш керак. Қоплардаги ва халталардаги юкларни штабелларга тахлаш баландлиги 6 метрдан, яшиқлардаги юклар учун эса штабелнинг баландлиги дастаки тахлашда 3 метрдан, механизмлардан фойдаланилганда эса 6 метрдан ошмаслиги керак. Қоплардаги ва халталардаги юкларни штабелга чокларини боғлаштириб, ҳар олти қаватдан сўнг тахта қистирмалар ўрнатиб тахлаш лозим бўлади. Қопларни ва халталарни шундай жойлаштириш лозимки, уларнинг чоклари ва тугунлари штабелнинг ташқи тамонига эмас, балки ичкарасига қаратилган бўлиши керак. Бу эҳтиётлик чораси қопларнинг ва халтачаларнинг чоклар сўкилганида ёки йиртилганида ҳамда тугунилар ечилиб кетганида юкларни нобуд бўлишини олдини олади. Яшиқларни штабелда турғунлигини таъминлаш учун ҳар бир метр баландликдан сўнг штабелни эни бўйича тахта қистирма ўрнатилади.

Омбор майдонининг юк штабеллари орасида аравача, механик юклагич ва ёнғинга қарши **воситаларга (принадлежность)** эркин етиб бориш учун ўтиш йўлақлари қолдириш зарур. Бу ўтиш йўлақларини эни омборда ишлатилаётган ортиш-тушириш жиҳозлари ва механизация воситаларига боғлиқ бўлади. Омбор деворига юкларни зич қилиб тахлаш тақиқланади.

Бир жўнатмага тегишли бўлган тамғаланган алоҳида юк жойлари шундай тахланиши кераки, юк қайси жўнатмага тегишли эканлиги кўриниб турсин. Турли юкларни биргаликда сақлашга ижозат берилмайди, агарда бундай биргаликда сақлаш юкларни бузилиши ва ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин бўлса.

Чой, кофе, какао, шакар ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари куриқ хоналарда тўшама устида, тери маҳсулотлари эса куриқ, яхши шамоллатиладиган, қуёш нурларидан ҳимояланган хоналарда сақланиши лозим бўлади.

Сочма ва тўкма ташиладиган ва очик омборларга тушириладиган юк штабелларни шундай жойлашритиш кераки турли жўнатмаларни аралашиб кетиши истисно этилсин. Бунда габаритга риоя қилиш керак бўлади. Юк штабелининг баландлиги 1200 мм гача бўлса, унинг темир йўл томонидаги чети ташқи рельсдан 2 метрдан кам бўлмаган, бундан юқори баландликда эса 2,5 метрдан кам бўлмаган масофада, жойлашиши керак.

## **2. Юкларни сақлаш меъёри ва топшириш**

Умумий фойдаланиш жойларида туширилган юклар уларнинг хусусиятларига мувофиқ ёпиқ омборларда ёки очик платформаларда ва майдонларда сақланиши мумкин. Юкларни сақлаш Қоидаларининг иловасида номлари кўрсатилган, юкларни очик платформаларда ва майдонларда сақлашга рухсат берилади. Шунингдек юкларни сақлаш Қоидалари да умумий фойдаланиш жойларида юкларни сақлаш меъёри ва юк олувчилар уларни станциядан ташиб кетиши тартиби белгиланган.

Умумий фойдаланиш жойларида баъзи бир юкларга рухсат берилган сақлаш муддати **жуда ҳам чегаралаб** қўйилган. **Бундай чеклашлар шундай тоифадаги товарларга мансубки, узоқ сақлаш уларни батамом ёки қисман бузилишини ҳамда уларни мақсадга мувофиқ фойдаланишга яроқсиз қилиб қўйиши мумкин.** Масалан муз, янги соғилган сут - 6 соат; портлайдиган ва кучли таъсир қиладиган захарли моддалар, хамиртуриш, тирик ҳайвонлар ва парандалар, асаларилар, карам, картошка ва лавлагидан бошқа сабзавот ва янги қўзиқоринлар, мевалар ва шунга ўхшашлар - 12 соат; қора икра, карам, картошка ва лавлаги, маргарин ва ошхона ёғлари, алкогольсиз ичимликлар, асосий кимё саноати маҳсулотлари ва шунга ўхшашлар - 1 сутка ва ҳ.к. Шунингдек юкларни сақлаш Қоидаларида умумий фойдаланиш жойларида 2, 3, ва 5 суткагача сақланадиган юкларнинг сақлаш меъёри келтирилган. Уй буюмлари умумий фойдаланиш жойларида сақлаш меъёри 30 сутка қилиб белгиланган.

**Ҳужжатсиз юкларнинг сақлаш муддати қуйидагича белгиланган:**

- **янги соғилган сут ва муз учун – 12 соат;**
- **сақлаш муддати 12 соат қилиб белгиланган юклар учун – 1 сутка;**
- **сақлаш муддати 1 ва 2 сутка қилиб белгиланган юклар учун сақлаш муддати 1 суткага узайтирилади;**
- **уй буюмлари 50 сутка;**
- **қолган барча юклар учун 30 сутка.**

*Илова. Сақлаш муддати юкларни темир йўлининг воситаларида туширилган пайдан ёки юк олувчининг воситаларида тушириш учун олиб берилган пайдан ҳисобланади.*

Агра умумий фойдаланиш жойларидан юк олувчи юкни Уставнинг 65-моддасида белгиланган муддатларда ташиб кетмаса, ундан юкни сақлаш учун шартномавий тарифларда назарда тутилган миқдорларда ҳақ ундирилади. Юкни кўриқлаш кимни воситаларида амалга оширилишидан қатъий назар белгиланган ҳақ ундирилади.

*Темир йўли юк олувчини унинг адресига юк етиб келганлиги ҳақида юк етиб келган куни ва ҳар қандай ҳолатда келаси куни соат 12 дан кеч қолмай хабар бериши шартлиги* Уставнинг 64-бандида ҳамда *етиб келган юклар тайинланган темир йўл станцияларида 24 соат давомида бепул сақланиши ва бу муддат темир йўл воситаларида юк ёки контейнер туширилган куни соат 24 дан ёки вагонни юк олувчининг воситаларида туширишга элиб берилган куни соат 24 дан бошлаб ҳисоланиши* эса Уставнинг 65-бандида белгилаб кўйилган. Умумий фойдаланиш жойларига вагонларни, контейнерларни тушириш учун **олиб кириб бериш вақтини**, ҳамда темир йўли воситаларида **туширишни тугаш вақтини** қабул қилувчи топширувчи **вагон вароғига** ва **ГУ-45** шаклдги қабул қилувчи топширувчи эсдалигига белгилаб кўйади. Темир йўли воситаларида **юкни туширилган** ёки юк олувчини воситаларида вагонни, контейнерни тушириш учун **олиб кириб берилган санани** товар идорасида юкхатини орқа томонига **станциянинг тақвим муҳрини** босиш билан кўрсатиб кўйилади.

*Агар темир йўли ўзининг айби бўйича юк олувчига юкни етиб келганлиги ҳақида хабар бермаса, у ҳолда юкни етиб келганлиги ҳақида хабар юборилгунгача юк олувчи вагонларни ва контейнерларни тўхтаб туриб қолганлиги учун жавобгар бўлмаслиги ва юкларни сақлаш учун йиғим тўлашдан озод қилиниши* Уставнинг 64-бандида белгилаб кўйилган ва бундай ҳолатларда, юкни бепул сақлаш муддати ҳисоблаш, юк олувчи бундай хабарни олган куни соат 24 дан бошланади, агарда у шу куни соат 12 дан кечикмай бу хабар олинган бўлса. Агар хабар куннинг соат 12 сидан кейин олинган бўлса, юкни бепул сақлаш муддати хабар олинган куннинг эртаси куни соат 24 дан бошланади.

*Тушириш фронтини бандлиги ёки юк олувчига боғлиқ бўлган бошқа сабабларга кўра вагонлар, контейнерларни тушириш учун олиб кириб бериш ушланиб қолганда ва бу умумий шаклдаги актда (ГУ-23 шакл) расмийлаштирилганида, юкларни бепул сақлаш муддати, бундай акт тузилган куннинг соат 24 дан ҳисобланади.* Умумий фойдаланиш жойларига етиб келган юкларни, бепул сақлаш муддати тугаганидан токи юк олувчи юкни ташиб кетгунгача, шартномавий тарифларда белгиланган миқдорда ҳақлар юк олувчидан ундирилади. Сақлаш учун йиғимларни ундириш **РС-97** шаклдаги турли йиғимлар паттаси ёки

**ФДУ-92** шакилдаги жамғарув карточкаси бўйича амалга оширилади. Агра умумий фойдаланиш жойларидан юк бепул сақлаш муддати тугаганидан сўнг ташиб кетилаётган бўлса юк олувчи станциянинг маъсул хизматчисига сақлаш учун йиғим тўланганлига ҳақида паттани кўрсатиши керак.

Уставнинг 136-бандига мувофиқ “Ўз вақтида юкларни туширмаганлиги ва уларни юк олувчи ташиб кетмаганлиги сабабидан темир йўл станцияларида қийинчиликлар вужудга келганида **темир йўли минтақавий бўлинмаси раҳбари** туширилган юкларни сақлаш учун ҳақларни **беш баравар** миқдоригача, темир йўл станцияларида ёки темир йўл шохобча йўлларида белгиланган муддатлардан 24 соатдан зиёд ушланиб қолган вагонларнинг тўхтаб туриши учун жаримани эса **икки баравар**, бошқа давлатларнинг вагонлари учун эса **ўн баравар** миқдорда ошириши ҳуқуқига эга бўлади.

Сақлаш учун ва вагонларни тўхтаб туриши учун оширилган ҳақлар ва жарималар, темир йўл станциясида бу ҳақида эълон осиб қўйилганидан сўнг 24 соат ўтганидан кейин жорий қилинади”.

### **3. Товар идорасида юкларни топширишни расмийлаштириш**

*Товар идорасида юкларни топширишни расмийлаштириш ташиш хужжатларини қайта кредитлаштириш деб айтилади.* Темир йўл транспортида юкларни топшириш Қоидаларида назарда тутилган тартибларда юклар топширилади.

*Ташкилотларга адресланган юкни қабул қилиб олишда юк олувчи станцияга юкни қабул қилиб олиш ҳуқуқи берилган бир маротабалик ёки доимий ишончнома тақдим этиши керак.* Ишончномани ташкилот раҳбари ва бош ҳисобчиси имзолайдилари ва муҳир билан тасдиқланади. **Бир маротабалик ишончнома** муайян юкхати бўйича юкни қабул қилиб олиш учун берилади ва станцияда юкни топширишни расмийлаштиришда йўл қайдномасига илова қилинади. **Доимий ишончнома** муайян муддатга берилади ва станцияда сақланади, ушбу ишончнома бўйича юкни қабул қилиб олувчида эса, ишончномани қабул қилиб олган станция хизматчиси имзолаган ва станциянинг тақвим муҳри босилган ишончнома нусхаси бўлиши керак. Ишончномада ваколатли шахсини паспорт ёки унинг шахсини тасдиқловчи бошқа хужжат маълумотлари, у бажариши ваколатланган ҳаракатлар рўйхати (ташиш хужжатларини қайта кредитлаштириш, юкхатини олиш, ташиш учун ҳисобларни амалга ошириши, қабул қилувчи топширувчи эсдалигини, вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш қайдномасини, тижорат актини имзолаши ва бошқалар) кўрсатилади. Бир маротабалик ишончномада вагон (контейнер) номери ва юкхати номери ҳам кўрсатилади. Юкни олувчи ваколатли шахс

станциянинг талаби бўйича шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши шарт.

*Ташиш учун ҳисоб-китоблар амалга оширилганидан сўнг юк олувчининг ваколатли шахсига юкхати берилади. Юкхатини қабул қилиб олишда юк олувчининг ваколатли шахси йўл қайдномасида, юк топширилган санани, ишончнома номерини ва санасини ҳамда юк олувчининг банкдаги ҳисоб счётининг номерини ва реквизитларини кўрсатиб имзолайди.* Юкни топширишни расмийлаштириш вақти юкхатини орқа томонидаги 9-графага станциянинг тақвим муҳрини босиш билан тасдиқланади.

*Тайинланган станциясида юк, юкхатида кўрсатилган юк олувчи темир йўлига тегишли бўлган барча ҳақларни тўлаганидан кейин топширилади.* (Уставнинг 67-моддаси).

Юкхатини “Взыскано при выдаче” графасида товар кассири темир йўлига тўланган кира ҳақи ва йиғимларни суммасини ёзиб қўйиш билан кўрсатиб имзо қўйади. Юкхатини тескари томонидаги “Календарные штемпеля о времени” графаларининг 8-графасига темир йўли воситаларида юкни тушириш санаси ва 9-графасига юкни топширишни расмийлаштириш санаси станциянинг тақвим муҳрини босиш билан кўрсатилади.

**Жисмоний шахсларга адресланган юкни юк олувчиларга** топшириш, уларни шахсини ва яшаш жойини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилганида, йўл қайдномасида юкни қабул қилиб олиш санасини, паспортни ёки уни ўрнини босадиган ҳужжатни ва яшаш жойларини тасдиқловчи ҳужжат номерларни кўрсатиб имзолаганда, амалга оширилади.

Уставнинг 37-бандига мувофиқ, юк жўнатувчи тайинланган темир йўл станциясини ўзгартирмасдан юкхатида кўрсатилган **юк олувчини ўзгартириш** ҳуқуқи эга. Агар юк жўнатувчидан юкхатида кўрсатилган юк олувчини ўзгартириш ҳақида ариза тушса, жўнатувчи станция бошлиғи бу ҳақида телеграф орқали тайинланган станция бошлиғига хабар беради. Юк олувчини ўзгартириш ҳақида ариза жўнатувчи темир йўл станцияси бошлиғига **юк паттасини аслини** илова қилиб берилади.

Тайинланган станцияда юкхатида ва йўл қайдномасида дастлабки юк олувчини номини чизиб ўчириб янги юк олувчини кўрсатиб ўзгартириш киритилади. Бунда чизиб ўчириш шундай амалга оширилиши керакки, дастлабки юк олувчини номини ўқиш мумкин бўлсин. Ўзгартириш товар кассири имзоси ва станция штемпели билан тасдиқланади ҳамда қайси ҳужжат асосида ўзгартириш амалга оширилганлиги кўрсатилади. Юк олувчини ўзгартириш учун асос бўлган ҳужжат йўл қайдномасига илова қилинади. Агар дастлабки юк олувчини ўзгартириш ҳақидаги телеграф хабари тайинланган станциянинг товар идорасида юкни топшириш

расмийлаштирилгандан сўнг олинган бўлса, етиб келган юк дастлабки юк олувчига топширилади.






Жўнатувчи станция бошлиғи, тайинланган станциядан юк жўнатувчини топшириғи бажарилганлиги ҳақида, телеграф хабарини олганидан сўнг юкни қабул қилиш ҳақидаги паттасига янги юк олувчини кўрсатади, бу ўзгартиришни ўзининг имзоси ва станция штемпели билан тасдиқлайди ва юкни қабул қилиш ҳақидаги паттани юк жўнатувчига қайтаради.

#### 4. Станцияда юкларни топшириш ва ташиб кетиш

Умумий фойдаланиш жойларида темир йўлининг воситаларида туширилган юкларни қабул қилиб олиш ва станциядан юкни ташиб кетиш учун юк олувчи омбор (майдон) қабул қилувчи топширувчисига юкхатини ва қабул қилиш топшириш актини, агар станцияда ўтказиш режими (пропускной режим) жорий қилинган бўлса пропускни ҳам тақдим этади. Қабул қилувчи топширувчи омбордаги (майдондаги) мавжуд юкка ҳужжатлар мувофиқ эканлигига, ҳамда сақлаш учун йиғим тўланганлигига ёки ФДУ-92 жамғарув карточкасида йиғим ундириб олинганлиги учун маълумотлар ёзилганлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг юк олувчига юкни топширади. Юкни топшириб, қабул қилувчи топширувчи юкхатини тескари томонидаги “3. Вывоз груза” графасида топширишни санаси ва ойини, юк жойлари сонини ва юк массасини белгилаб қўйади. Бу белги юк топширишни тасдиқланиши ва ҳақиқий санаси ҳисобланади. ГУ-44 шаклдаги тушириш Китобига қабул қилувчи топширувчи автомобил номерини ва топшириш санасини ёзиб қўйади. Агар юк олувчи юкни қисмларга бўлиб ташиб кетса, бунда қабул қилувчи топширувчи ҳар бир қисмни топширганидан сўнг адашмаслик учун омбордаги қолган юкни текшириб чиқади, топширган ҳар бир қисмни эса юкхатида, ГУ-44 шаклдаги тушириш Китобида ва қабул қилиш топшириш актида белгилаб боради ва охириги қисм ташиб кетилганидан сўнг “Груз вывезен” белгиси ёзиб қўйилади. Юкни топширишда пропускни тескари томони тўлдирилади, қисмларга бўлиб топширишда эса ташиб кетилаётган ҳар бир партия ҳақида маълумот кўрсатилади.

Юк билан бирга юк олувчига юкхатида кўрсатилган барча мосламалар ва юкларни маҳкамлаш ва қаватма-қават ортиш учун ишлатилган материаллар ва ҳ.к. лар топширилади. Шунингдек юк олувчи юк билан келган тўшама, ўраш ва иситиш материалларини ҳам ташиб кетиши керак. Юк районида юкни ташиб кетишда қабул қилиш топшириш акти, юкхати ва пропуск текширилади. Охириги партия юкни ташиб кетишда пропуск олиб қолинади, юкхати юк олувчида қолади, кейин уни ўзининг ташкилотининг бухгалтериясига топширади. Юкни топшириш бўйича операциялар кетма-кетлиги 15.1-жадвалда келтирилган.

### Станция омборидан юкларни топширишни тахминий графиги

№	Операцияларни номи	Вақт, дақ.	Бажарувчи
1	Юкхатини текшириш		Қаб.қил. топширувчи
2	Автомобилга юкни ортиш		Комп. механ. бригада
3	Топширилаётган юкни текшириш		Қаб.қил. топширувчи
4	Омбордаги қолган юкни текшириш		Қаб.қил. топширувчи
5	Юкхатига ва тушириш Китобига белгилаш		Қаб.қил. топширувчи
Умумий вақт			

**Юк олувчининг воситаларида** юкларни тушириш учун станция йўлларига вагонлар олиб кириб берилганида уларни топшириш бевосита тушириш жойларида амалга оширилади ва **ГУ-45 шаклдаги қабул қилувчи топширувчи эсдалигида** топширувчи ва қабул қилувчи томонларнинг имзолари билан тасдиқланади. Юкли вагонларни, шу жумладан контейнерлар ортилган вагонларни топширишда, тамонлар ташқи кўрик бўйича вагон (контейнер) кузовини бешикастлигига, ЗПУ (пломба) мавжудлигига ва улардаги белгиларни вагон вароғида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигига **ишонч ҳосил қилишлари (удостовериться)** шарт. Очiq ҳаракатдаги составларда юклар ташилганида, томонлар юкларни йўқолиш аломатлари мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилишлари керак.

Агар вагонларни топширишда тижорий ёки техник нуқсонлилик, очiq ҳаракатдаги составда ёки ЗПУ (пломба) сиз ёпиқ вагонларда – қачонки бундай ташишлар Қоидаларда рухсат берилган бўлса кам чиқиш, бузилиш ёки шикастланиш аломатлари, ЗПУ (пломба) мавжуд эмаслиги – қачонки вагон вароғида ЗПУ (пломба) кўйилаглича ҳақида белгилар бўлса, ёки нуқсонли ЗПУ (пломба) аниқланса Уставнинг 70-бандида белгиланган тартибларда юкни текшириб топшириш амалга оширилади ва тегишли ҳолатларда тижорат акти тузилади. Бундай ҳолатларда юкни текширишга қадар **умумий шаклдаги акт (ГУ-23)** тузиб вагонлар станциянинг ЗПУ (пломба) сида пломбланади ва юк олувчи вагонни қабул қилганидан токи текшириш учун станция вакили келгунигача бўлган вақт вагонни туширишда бўлган умумий вақтига ҳисоб қилинмайди.



## 5. Тайинланган станцияда юкларни ҳолатини, массасини ва жойлар сонини текшириш

Уставнинг 70-бандига мувофиқ, тайинланган темир йўл станциясида темир йўли қуйидаги вазиятларда юкни вазини, жойлар сонини ва ҳолатини **текшириши** шарт:

- **нуқсонли** вагонда юк етиб келганида, ва агар нуқсонлилик характери ташилаётган юкларни асрашга таъсир қилиши мумкин бўлса;

- агар ташиш ҳужжатларида **ЗПУ (пломба)** мавжудлиги ҳақида белги бўлсаю, ЗПУ (пломба) сисиз, шикастланган ЗПУ (пломба) билан ёки йўл сафаридидаги темир йўл станциясининг ЗПУ (пломба) си билан вагонда юк етиб келганида;

- очик ҳаракатдаги составларда ташишда ёки ёпиқ вагонларда ЗПУ (пломба) сисиз ташишда, қачонки бундай ташишлар юкларни ташиш Қоидаларида назарда тутилган бўлса, юклар кам чиқиш, бузилиш ва шикастланиш **аломатлари** билан етиб келганида;

- тез бузилувчан юклар **етказиб бериш муддатига** риоя қилмай етиб келганида;

- **темир йўли ортган** бешикаст вагонда, жўнатувчи темир йўли станциясининг шикастланмаган ЗПУ (пломба) сида, ҳамда очик ҳаракатдаги составларда ёки ёпиқ вагонларда ЗПУ (пломба) сисиз, қачонки бундай ташишлар юкларни ташиш Қоидаларида назарда тутилган бўлса, кам чиқиш, бузилиш ёки шикастланиш аломатларисиз юклар етиб келганида;

- темир йўли умумий фойдаланиш жойларида **туширган** юкларни топширганида.

Юқорида кўрсатилган ҳолатларда идишли ва донали юкларни темир йўли фақат шикастланган жойлар вазини ва юк ҳолатини текшириш билан топширади. Юкни ҳолатига таъсир қилувчи шикастланган идиш ёки бошқа вазиятлар аниқланганида темир йўли шикастланган жойларни очиб фактуралар ва ҳисоблар бўйича юкни шикастланган жойларидагина текшириш ўтказиши шарт.

Агар жўнатувчи темир йўл станциясида аниқланган юк вазни, тайинланган темир йўл станцияда маълум бўлган юк вазнига нисбатан тафовути, тарозиларни кўрсатиш фарқи меъеридан ёки юкларни тортиш аниқлиги меъеридан, ҳамда юкларни ташиш Қоидаларида белгиланган ушбу юк вазнинг табиий камайиш меъеридан зиёд бўлмаса юкни вазни тўғри деб ҳисобланади.

Юк жўнатувчининг воситаларида ортилган ва бешикаст вагонда юк жўнатувчининг шикастланмаган ЗПУ (пломба) сида ҳамда очик ҳаракатдаги составларда ёки ёпиқ вагонларда ЗПУ (пломба) сисиз, қачонки бундай ташишлар юкларни ташиш Қоидаларида назарда тутилган бўлса, кам чиқиш, бузилиш ёки шикастланиш **аломатларисиз** юклар етиб

келганида юкларни топширишни темир йўли юк жойлари сонини, ҳолатини ва вазнини текширмай амалга оширади.

Юк олувчининг талаби бўйича юкни вазнини ва ҳолатини текшириш учун темир йўли шатрномавий тарифларда назарда тутилган тартибларда ва миқдорларда ҳақ ундиради.

Жўнатувчининг ёки жўнатувчи станциянинг ЗПУ (пломба) сига божхона органларининг ЗПУ (пломба) си шунингдек чегара ва божхона назорати ҳамда санитария, фитопатологик ва бошқа турдаги текширишлар мақсадида вагонлар (контейнерлар) очилганида юкларни ташиш Қоидаларига мувофиқ қўйилган темир йўли ташишларининг барча иштирокчиларининг ЗПУ (пломба) си тенглаштирилади.

Эшиклари қўшимча тамбалаш – пломбалаш мосламалари билан жиҳозланган, ҳар бир эшигида ҳеч бўлмаганда битта бешикаст ЗПУ (пломба) мавжуд бўлган бешикаст ёпиқ вагонда етиб келган юкларни топширишни темир йўли текширмай амалга оширади. Ёпиқ вагоннинг ҳар бир эшигидаги бирор бир ЗПУ (пломба) мавжуд эмаслигини ёки шикастланганлик фактини **умумий шаклдаги акт (ГУ-23)** да тасдиқланади.

Идишли ва донали юкларни, юк олувчининг ёки юк жўнатувчининг кузатувчиси назоратида ташилган юкларни ҳамда массаси ҳисоблаш йўли билан, ўлчаш бўйича ёки шартли аниқланган юкларни темир йўли жойлар сонини, юкни ҳолатини ва массасини текширмай топширади.

Бешикаст контейнерда, юк жўнатувчининг шикастланмаган ЗПУ (пломба) сида етиб келган юкларни темир йўли юк олувчига уларни массасини, ҳолатини ва жойлар сонини текширмай топширади.

Бешикаст цистернада, юк жўнатувчининг бешикаст ЗПУ (пломба) сида ҳамда ЗПУ (пломба) сиз, қачонки бундай ташишларга Қоидаларда йўл қўйилган бўлса ёки бешикаст бункерли ярим очик вагонларда етиб келган юкларни топширишни темир йўли массасини текширмай амалага оширади. Назарда тутилган шартлар бузилганида, қўйиладиган юкларни массасини темир йўли юк олувчи билан биргаликда жўнатишда қандай аниқланган бўлса, шундай усулда текширади.

Қўшимча тамбалаш – пломбалаш мосламалари билан жиҳозланган, ҳар бир эшигида ҳеч бўлмаганда битта бешикаст ЗПУ (пломба) мавжуд бўлган, юкни етказиб бериш муддати ва хизмат кўрсатиш режими бузилмаган бешикаст рефрижератор юк вагонларида етиб келган тез бузилувчан юкларни топширишни темир йўли юкни миқдорини ва сифатини текширмай амалга оширади. Ҳар бир эшикдаги бирор бир ЗПУ (пломба) мавжуд эмаслигини ёки шикастланганлик фактини **умумий шаклдаги акт (ГУ-23)** да тасдиқланади.

**Умумий фойдаланиш жойларида** юкларни туширишда станциянинг вагон тарозисида юкларни массасини текшириш ҳақида талабни юк олувчи **юкни туширишга қадар** маълум қилиши мумкин.

Темир йўл шахобчасига темир йўлининг локомотивида вагонларни олиб кириб беришда юк олувчининг вагон тарозисида юкларни массасини текшириш ҳақида талабни у шартномада белгиланган пунктда вагонларни қабул қилиб олиш пайтида маълум қилиши мумкин. ***Тайинланган пунктларда юк массасини текшириш, одатда жўнатиш пунктида юк қайси турдаги тарозидан тортилган бўлса, ана шу турдаги тарозидан амалга оширилади.***

Ноумумий фойдаланиш жойларида идиш-ўровли ва донали юкларни туширишда, темир йўли юкни текширишда қатнашаётган бўлса, зарурият пайдо бўлганида туширилган юкни **такроран текширишни** мумкинлигини таъминлаш учун, юк олувчи тушириладиган юкни **олдинги туширилган юклардан** алоҳида жойлаштириши шарт.

***Агар жўнатиш станциясида аниқланган юк массасини йўл сафарида ёки тайинланган станцияда маълум бўлган юк массасига нисбатан тафовути:***

*а) масса кам бўлганида - ушбу юк вазнининг табиий камайиш меъёридан ва тарозиларни кўрсатиш фарқи меъёридан;*

*б) масса ортиқча бўлганида - тарозиларни кўрсатиш фарқи меъёридан зиёд бўлмаса юк массаси тўғри деб ҳисобланади.*

Тарозиларни кўрсатиш фарқининг меъёри юк ташиш Қоидалари 27-бўлимининг 1- ва 2- иловаларида келтирилган. Юк ташиш Қоидаларининг 28-бўлимида юкларнинг турларига, ташиш масофасига ёки ташишнинг давомийлигига мувофиқ темир йўли ташишларда юк вазнининг табиий камайиш меъёри берилган. Табиий камайиш меъёри юкларни хусусиятларини, идиш ва ўровларнинг характерларини, ташишга қабул қилиш шартларини, масофани, йилнинг фасллари, мамлакат минтақаларини, ташиш давомийлигини инобатга олган ҳолда юк массасини жоиз табиий камайишини турлича қийматларини назарда тутди. 15.2 жадвалда баъзи бир юклар учун табиий камайиш меъёри келтирилган.

**Юк массаси табиий камайиш меъёри:**

*- юк массаси бруттоосидан – идиш ва ўровларда ташиладиган юклар бўйича;*

*- юк массаси неттоосидан – идиш ва ўровларсиз ташиладиган юклар бўйича, ҳисобланади.*

Юк олувчи ёки юкни туширишни амалга оширадиган ташкилот вагондан (контейнердан) юкни тўлиқ тушириши, фойдаланилган маҳкамлаш мосламаларини вагондан йиғиштириб олиши, уни ичини ва сиртини юк қолдиқлари ва ахлатлардан тозалаш, заруриятли ҳолатларда эса белгиланган тартибларда ювиши ва дезинфекция қилиши; эшиклар бортлар, юклаш ва тушириш туйнуклари қопқоқларини, тўкиш асбоблари тикинлари беркитиши ва маҳкамлаши керак. Юк олувчилар ёки юкни туширишни амалга оширадиган ташкилот юқорида назарда тутилган

талабларни бажармаслиги оқибатида темир йўли қабул қилмаган вагонлар юк олувчида ёки юкни туширишни амалга ошираётган ташкилотда масъулиятли тўхтаб туришда ҳисобланади.

15.2 жадвалда

### Темир йўл ташишларида юк массасини табиий камайиш меъёри

Юкларни номи	Юк массасидан камайиш меъёри, %
Кўрғошин ва рух концентратларини масофалар бўйича ташишда:	
750 км гача	1,50
751 дан 1000 км гача	1,60
1000 км дан зиёд	1,70
Кўмирни ярим очик вагонда масофалар бўйича ташишда:	
750 км гача	0,60
751 дан 1000 км гача	0,70
1000 км дан зиёд	0,80
Кўмирни платформада масофалар бўйича ташишда:	
750 км гача	0,80
751 дан 1000 км гача	0,90
1000 км дан зиёд	1,00
Цемент ёпиқ хоппер вагонларда сочма ташилганда	0,8
Цемент ёпиқ вагонларда сочма ташилганда	1,0
Цемент ёпиқ вагонларда идишда ташилганда	0,6

Темир йўлининг ЗПУ (пломба) сида ёки массасида ёки темир йўли ортган юклар тайинланган станцияга етиб келганида ва умумий ва ноумумий фойдаланиш жойларида туширишда аниқланган **ортиқча юк жойлари** ва **масса бўйича ортиқча юклар** қуйидаги тартибларда топширилади:

*а) идишли ва донали юклар умумий фойдаланиш жойларида улар кимга тегишли эканлиги аниқлангунича ушлаб турилади, ноумумий фойдаланиш жойларида эса юк олувчига масъулиятли сақлашга топширилади;*

*б) тўкма, сочма ёки қўйма ташиладиган юклар умумий ва ноумумий фойдаланиш жойларида юк олувчига масъулиятли сақлашга топширилади.*

Ортиқча юкларни масъулиятли сақлашга топшириш ҳақида **тижорат актида** тегишли белгилар ёзиб қўйилади. Агар бир ой ичида ортиқча юкни кимга тегишли эканлиги аниқланмаса, бошқа ташкилотларга юкларни топшириш Қоидаларида белгиланган тартибларда тегишли ташкилотга юк топширилади.

Юкларни текшириш натижасида кам чиқиш, бузилиш ёки шикастланиш аниқланганида ва бу ҳақида **тижорат акти** тузилган бўлса

(шу жумладан йўл сафарида) тайинланган станция юк олувчи тақдим этган ҳужжатларга (ҳисоб-фактура ва ҳ.к.) мувофиқ **ҳақиқий кам чиқиш, бузилиш** ёки **шикастланиш миқдорини аниқлаганидан** сўнг юкни юк олувчига топширади. Назарда тутилган ҳужжатлар тақдим этилмаганида, маълум бўлган **мавжуд юкни тўлиқ таърифлаб тижорат акти** тузилганидан сўнг ёки тегишли ҳолатларда **экспертиза акти** тузилганидан сўнг юк олувчига юк топширилади.

Юкни кам чиқиш, бузилиш ёки шикастланиш миқдорини ёки сабабларини ва уни баҳоси қанчага камайганлиги суммасини аниқлаш учун керакли ҳолатларда темир йўли ўзининг ташаббуси билан ёки юк олувчининг талаби бўйича **экспертларни ёки тегишли мутахассисларни** таклиф этади. Станция бошлиғи (унинг мовини) ёки “Ўзтемирйўл-контейнер” ОАЖ нинг жойлардаги филиалларининг ишлаб чиқариш участкасини бошлиғи (контейнер майдони мудирини) иштирокида экспертиза ўтказилади ва заруриятли ҳолатларда улар қайта экспертиза ўтказишни белгилашлари мумкин. **Темир йўлининг вакилларисиз юк олувчи ўтказган экспертиза ҳақиқий деб ҳисобланмайди.** Юк олувчининг адресига келган юкни экспертизасида юк олувчи қатнашиш ҳуқуқига эга. Станция экспертни чақириш билан бир вақитни ўзида бу ҳақида юк олувчига ҳам хабар беради.

**Тез бузилувчан юклар** бўйича экспертиза вагон очилганидан сўнг 24 соатдан кечикмай ўтказилиши керак. Экспертиза натижалари **актда** расмийлаштирилади. Экспертиза актини экспертдан ташқари экспертизада қатнашган **барча шахслар имзолашлари** керак. Юкларни кам чиқиши, бузилиши ёки шикастланиши сабаблари ҳақидаги экспертиза хулосаси тахминларга эмас балки далил ва исботларга асосланган бўлиши керак. **Кимнинг ташаббуси бўйича эксперт чақирилганлигига қараб, экспертиза харажатларини темир йўли ёки юк олувчи тўлайди. Охир оқибатда экспертиза харажатлари юкларни кам чиқиши, бузилиши ёки шикастланишига айбдор томонга юклатилади.** Экспертиза харажатлари зарар миқдоридан катта бўлса экспертиза ўтказилмайди. Бу ҳолатларда юкни кам чиқиши, бузилиши ёки шикастланиши миқдори ёки сабабни ва зарар миқдорини станция бошлиғи ва юк олувчи белгилайди ва тижорат актида кўрсатилади.

## Назорат саволлари

140. Қандай сақлаш самарали деб аталади?

141. Темир йўли юк олувчининг унинг адресига юк етиб келганлиги ҳақида қачон хабар бериши шарт?

142. Тайинланган темир йўл станциясига етиб келган юклар қанча вақт давомида бепул сақланади?

143. Тайинланган темир йўл станциясига етиб келган юкларни бепул сақлаш муддати қачондан бошланади?

144. Тайинланган темир йўл станциясига етиб келган юкларни бепул сақлаш муддати қачондан бошланади?
145. Умумий фойдаланиш жойларига вагонларни тушириш учун олиб кириб бериш вақтини қабул қилувчи топширувчи қайси ҳужжатга белгилаб қўйади?
146. Умумий фойдаланиш жойларига вагонларни тушириш учун олиб кириб бериш вақтини қабул қилувчи топширувчи қайси ҳужжатга белгилаб қўйади?
147. Умумий фойдаланиш жойларида вагонларни темир йўли воситаларида туширишни тугаш вақтини қабул қилувчи топширувчи қайси ҳужжатга белгилаб қўйади?
148. Умумий фойдаланиш жойларида вагонларни темир йўли воситаларида туширишни тугаш вақтини қабул қилувчи топширувчи қайси ҳужжатга белгилаб қўйади?
149. Темир йўли воситаларида юкни туширилган санани товар идорасида қайси ҳужжатда ва қандай қилиб кўрсатиб қўйилади?
150. Агар темир йўли ўзининг айби бўйича юк олувчига юкни етиб келганлиги ҳақида хабар бермаса юкни бепул сақлаш муддатини ҳисоблаш қачондан бошланади?
151. Агар темир йўли ўзининг айби бўйича юк олувчига юкни етиб келганлиги ҳақида хабар бермаса юкни бепул сақлаш муддатини ҳисоблаш қачондан бошланади?
152. Тушириш фронтини бандлигига кўра вагонлар, тушириш учун олиб кириб бериш ушланиб қолганда юкларни бепул сақлаш муддати қачондан ҳисобланади?
153. Юкларни юк олувчи ташиб кетмаганлиги сабабидан станцияларида қийинчиликлар вужудга келганида темир йўли минтақавий бўлинмаси раҳбари қандай ҳуқуққа эга бўлади?
154. Ўз вақтида юкларни туширмаганлиги сабабидан станцияларида қийинчиликлар вужудга келганида темир йўли минтақавий бўлинмаси раҳбари қандай ҳуқуққа эга бўлади?
155. Ўз вақтида юкларни туширмаганлиги сабабидан станцияларида қийинчиликлар вужудга келганида темир йўли минтақавий бўлинмаси раҳбари қандай ҳуқуққа эга бўлади?
156. Ташкилотларга адресланган юкни қабул қилиб олишда юк олувчи станцияга қандай ҳужжат тақдим этиши керак?
157. Ташкилотларга адресланган юкни қабул қилиб олиш ҳуқуқи берилган ишончнома ким тасдиқлайди?
158. .... муайян юкхати бўйича юкни қабул қилиб олиш учун берилади ва станцияда юкни топширишни расмийлаштиришда йўл қайдномасига илова қилинади.
- A. Доимий ишончнома
- \* B. Бир маротабалик ишончнома
- C. Бир маротабалик тилхат
- D. Доимий тилхат
159. .... муайян муддатга берилади ва станцияда сақланади.
160. Юкни қабул қилиб олиш ҳуқуқи берилган ишочномада қандай маълумотлар кўрсатилади?
161. Жисмоний шахсларга адресланган юкни юк олувчиларга топшириш қандай амалга оширилади?
162. Станциянинг умумий фойдаланиш жойларидан юкни ташиб кетиш учун юк олувчи омбор (майдон) қабул қилувчи топширувчисига қандай ҳужжатларни тақдим этиши керак?
163. Юк олувчининг воситаларида юкларни тушириш учун станция йўлларига вагонлар олиб кириб берилганида уларни топшириш қаерларда амалга оширилади?
164. Юк олувчининг воситаларида юкларни тушириш учун станция йўлларига вагонлар олиб кириб берилганида қандай ҳужжат тузилади?

165. Тайинланган темир йўл станциясида темир йўли қандай вазиятларда юкни вазнини, жойлар сонини ва ҳолатини текшириши шарт?
166. Тайинланган темир йўл станциясида темир йўли қандай вазиятларда юкни вазнини, жойлар сонини ва ҳолатини текшириши шарт?
167. Тайинланган темир йўл станциясида темир йўли қандай вазиятларда юкни вазнини, жойлар сонини ва ҳолатини текшириши шарт?
168. Тайинланган темир йўл станциясида темир йўли қандай вазиятларда юкни вазнини, жойлар сонини ва ҳолатини текшириши шарт?
169. Тайинланган темир йўл станциясида темир йўли қандай вазиятларда юкни вазнини, жойлар сонини ва ҳолатини текшириши шарт?
170. Тайинланган темир йўл станциясида темир йўли қандай вазиятларда юкни вазнини, жойлар сонини ва ҳолатини текшириши шарт?
171. Тайинланган темир йўл станциясида темир йўли қандай вазиятларда юкни вазнини, жойлар сонини ва ҳолатини текшириши шарт?
172. Тайинланган темир йўл станциясида темир йўли қандай вазиятларда юкни вазнини, жойлар сонини ва ҳолатини текшириши шарт?
173. Тайинланган темир йўл станциясида темир йўли қандай вазиятларда юкни вазнини, жойлар сонини ва ҳолатини текшириши шарт?

## **16 – маъруза. Темир йўл шохобча йўллари ва уларни эксплуатация қилиш қоидалари**

### **Режа:**

- 1. Темир йўл шохобча йўлснинг тушунчаси;**
- 2. Темир йўл шохобча йўлларини эксплуатация қилишнинг тартибга солувчи қонун ҳужжатлари;**
- 3. Темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси ва вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномаларини мазмуни;**
- 4. Темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси ва вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномалари шакллари ва тарафлари.**
- 5. Темир йўл шохобча йўлини қузатиб чиқиш актини тузиш ва шартнома тузишга тайёргарлик кўриш.**
- 6. Темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси ва вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномалари имзолаш ва келиш-мовчиликларни тартибга солиш.**
- 7. Келишмовчиликларни хўжалик судига кўриб чиқиш учун топшириш.**
- 8. Вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш. Ортиш ва тушириш фронтлари. Вагонларни айланиш муддати.**
- 9. Вагонларни тўхтаб туришини ҳисоб қилиш ва тўхтаб туриш меъёрини, вагонни айланиш муддатини бажармаганлик учун жавобгарлик.**

### **1. Темир йўл шохобча йўлининг тушунчаси**

Уставнинг 75-бандига мувофиқ *айрим ташкилотларга ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган, умумий темир йўл тармоғи билан узлуксиз релсли излар орқали боғланишда бўлган йўллар темир йўл шохобча йўллари*га мансуб бўлади. Темир йўл шохобча йўллари иқтисодий аҳамияти шундан иборатки, улар умумий темир йўл тармоқларини бевосита ишлаб-чиқарувчи ва истеъмол жойлари билан боғлаб туради. Жуда кўп миқдорда юкларни темир йўли юк жўнатувчилардан темир йўл шохобча йўлларида ташишга қабул қилиб олади ва юк олувчиларга темир йўл шохобча йўлларида топширади.

*Темир йўл шохобча йўллари ташкилот ва жисмоний шахсларнинг мулки бўлган идораларга қарашли ёки темир йўлининг тасарруфида бўлиши мумкин. Агар темир йўл шохобча йўлларида нафақат темир йўлида юк ташиш жараёнининг дастлабки ва охириги операциялари, балки технологик юк ташиш ишлари ҳам бажарилса, бундай темир йўл шохобча йўли идоранинг тасарруфида бўлади ва шу идоранинг мулки ҳисобланади.*



*Темир йўл шохобча йўли идорага қарашли бўлса, унинг чегарасида "Темир йўл шохобча йўлининг чегараси" белгиси ўрнатилади.* Бундай белгини ўрнатиш жойини темир йўли белгилайди. Темир йўл шохобча йўлининг магистрал темир йўлга туташиб стрелкаси ва туташиб стрелкасидан темир йўл шохобча йўлининг чегарасигача бўлган йўлнинг қисми темир йўлнинг тасарруфида ва унинг балансида бўлади.

**Ажратилган минтақа чегарасида** ташкилот ва жисмоний шахсларнинг темир йўл шохобчалари, омборлари ва қурилмалари билан банд бўлган ер участкасини темир йўли белгиланган тартибда ташкилот ва жисмоний шахсларга вақтинчалик фойдаланиш учун бериб туради. Ажратилган минтақа чегарасидаги ер участкаларини **шай ва соз ҳолатини таъминлаш** бўйича харажатларни қоплаш учун темир йўли шартномавий тарифлар бўйича ташкилот ва жисмоний шахслардан ҳақ ундиради.

Технологик юк ташишлар билан боғлиқ бўлмаган, янги қурилган темир йўл шохобча йўллари, икки томонлама шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси Президентнинг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан, темир йўлига хизмат техник кўрсатиши учун темир йўл шохобча йўллари экисплуатацияси Қоидаларининг 1-Иловасида белгиланган тартибда темир йўлининг мулкига ўтказилиши мумкин.

Темир йўли ўзининг тасарруфидаги темир йўл шохобча йўллари ташкилот ёки жисмоний шахсларнинг илтимосига кўра, темир йўли минтақавий бўлинмаси ва ташкилот ёки жисмоний шахс ўртасида тузилган шартнома асосида ижаравий фойдаланишга (ташкилот ва жисмоний шахсларда тегишли шароитлар мавжуд бўлганида, ортиш-тушириш ишларини бажариш мақсадлари учун) бериб туриши мумкин. Шартнома асосида ижаравий фойдаланишга берилган ва ижара ҳақлари тўланган темир йўл шохобча йўллари экисплуатация шартлари бўйича идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларига тенглаштрилади. Бундай темир йўл шохобча йўллари жорий шай ва соз ҳолатини таъминлашни ижарачининг ёки икки томонлама шартнома асосида темир йўлининг кучлари ва воситаларида амалга оширилади. Ижаравий фойдаланишга берилган темир йўл шохобча йўллари жорий шай ва соз ҳолатини таъминлаш харажатларини темир йўлининг йўл хўжалиги бошқармаси бу ишларни бажариш билан боғлиқ бўлган сарфлар калькуляциясига мувофиқ аниқлайди.

## **2. Темир йўл шохобча йўллари экисплуатация қилишнинг тартибга солувчи қонун ҳужжатлари.**

Идораларга қарашли темир йўл шохобча йўллари экисплуатация ҳуқуқий мақоми **"Темир йўл транспорти тўғрисида"** ги Ўзбекистон

Республикасининг Қонунининг (қуйида Қонун деб юритилади) 9-моддасида белгилаб қўйилган.

Темир йўл шохобча йўллари асосий қоидалари **Ўзбекистон Республикаси темир йўл Уставининг** (қуйида Устав деб юритилади) VI - бобида баён этилган. Уставга темир йўл фаолиятини тартибга солувчи ҳамма қоидалар киритилмай, унда фақатгина темир йўли ва у хизмат кўрсатадиган мижозлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларгина белгилаб қўйилган. Темир йўл Устави бу ҳуқуқий муносабатларнинг фақатгина асосий қоидаларини ўз ичига олган ва бу асосий қоидалар, ушбу Уставнинг 2-моддасида кўрсатиб ўтилган норматив ҳужжатларда ўзининг ривожини топади. Шулардан бири **юкларни ташиш Қоидалари** бўлиб, бунда айрим турдаги юкларни ташиш тартиблари, станцияларда ва темир йўл шохобча йўлларида тижорат операцияларини бажариш қоидалари ва бошқа қоидалар берилган. Юкларни ташиш Қоидаларининг I - қисми 9 - боби **темир йўл шохобча йўллари эксплуатацияси Қоидалари** баён этилган. Бундан ташқари темир йўл шохобча йўллари эксплуатацияси меъёрий ҳужжатларидан бири бу **1-сонли тариф кўрсатмаси** бўлиб, бунда вагонларни темир йўл шохобча йўлларига олиб кириб бериш ва олиб чиқиш йиғимлари ва вагонларни меъёрдан ортиқ тўхтаб туриб қолиши учун жарималар ва уларнинг ҳисоблаш тартиблари берилган.

Станциянинг тижорат ҳисоботларини юритиш Йўриқномасида вагонларни ортиш-тушириш ишларида турган вақтини ҳисоблаш ҳужжатларини расмийлаштириш тартиблари баён этилган.

Махсус меъёрий актларга **"Темир йўл шохобча йўлида ҳаракатни ташкил қилиш ва хизматлар кўрсатиш ҳақидаги Йўриқнома"** киради. Бундай Йўриқнома идораларга қарашли ҳар бир темир йўл шохобча йўли учун тузилади. Йўриқномани шохобча йўл эгаси станция бошлиғи билан келишиб ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси ЎТЙ ДАТК нинг темир йўл минтақавий бўлинмаси раҳбари тасдиғидан ўтказади. Темир йўли тасарруфидаги темир йўл шохобча йўлига хизмат кўрсатиш ва манёвр ишларини ташкил қилиш **станциянинг техник - тақсимот актида** (техническо-распорядительной акт, қуйида ТРА деб юритилади) ва унга илова қилинган темир йўл шохобча йўли йўлларининг қайдномасида кўрсатилади.

### **3. Темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси ва вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномаларини мазмуни**

Қонуннинг 9- моддасига мувофиқ *идораларга қарашли темир йўл шохобча йўл йўллари жумласига хўжалик юритувчи субъектларнинг мулки бўлган ва умумий фойдаланишдаги темир йўллар билан туташадиган темир йўллар мансуб бўлиши, идораларга қарашли темир йўл шохобча йўл йўлларининг ишлаш шарт-шароитлари қонун ҳужжатлари билан ҳамда*

*идораларга қарашли темир йўл шохобча йўл йўлларининг мулкдорлари ва темир йўл транспорти корхоналари ўртасидаги муносабатлар шартнома билан белгиланиши кўрсатиб ўтилган.*

Темир йўл шохобча йўлларининг мулкдорлари ва темир йўл транспорти корхоналари ўртасидаги муносабатлар темир йўл шохобча йўли кимнинг тасарруфида эканлигига ва унга кимнинг локомотиви хизмат кўрсатилишига мувофиқ темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси ва вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномалари асосида тартибга солиниши Уставнинг 83-, 85 ва 86-бандларида белгиланган. Уставнинг 83-моддаси **темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси шартномасига** бағишланган. Унда *“Идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларига эга бўлган ташкилот ва жисмоний шахслар билан темир йўлини ўзара муносабатлари **темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси шартномаси** асосида тартибга солинади.*

*Ташкилот ва жисмоний шахсларнинг тасарруфидаги темир йўл шохобча йўлларига вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш ҳамда маневр ишлари **уларнинг локомотивларида** амалга оширилади.*

*Ташкилот ва жисмоний шахсларнинг ўз локомотивлари бўлмаса вагонларни олиб кириб беришни ва олиб чиқишни ва маневр ишларини белгиланган ҳақ эвазига **темир йўлининг локомотивида** амалга оширилади.*

*Вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш тартиби, ҳамда вагон ва контейнерларнинг идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларида айланиш муддати темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси шартномасида белгилаб қўйилади”-деб кўрсатиб ўтилган.*

*Вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш русча “подача и уборка вагонов” сўзининг таржумаси бўлиб, бунда вагонларни станция йўлларида темир йўл шохобча йўлининг ортиш-тушириш жойларига ёки бошқа махсус жойларига маневр локомотиви билан олиб кириб бериш ва у жойлардан станцияга олиб чиқиш тушинилади.*

Темир йўл шохобча йўлининг **иш технологиясини**, темир йўл шохобча йўли кимнинг тасарруфида эканлигига қараб эмас, балки **кимнинг локомотивида** вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш, ҳамда маневр ишлари бажарилишига қараб, белгиланади. Ташкилот ва жисмоний шахсларнинг тасарруфидаги (қуйида шохобча йўл эгаси деб юритилади) темир йўл шохобча йўлларида бу ишларни шохобча йўл эгасини локомотиви бажаради. Агарда шохобча йўл эгасида локомотив мавжуд бўлмаса, бундай ишларни темир йўлининг локомотиви бажаради.

Темир йўл шохобча йўлига **шохобча йўл эгасинининг локомотивида** хизмат кўрсатилса, темир йўли ташкилот ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича ўзига ҳеч қандай **мажбурият олмайди**. *Қачонки темир йўл шохобча йўлига шохобча йўл эгасинининг локомотивида хизмат кўрсатилса, темир йўли вагонларни чиқариб*

қўйиладиган (қабул қилиш-топириш) йўлга элтиб қўйади. Вагонларни у жойдан кейинги ҳаракати ва уларни ортиш ва тушириш фронтларига жойлаштириб чиқиш шохобча йўл эгасинининг локомотивида бажарилади. Темир йўл шохобча йўлида вагонларга юк ортиб ёки вагонлардан юк тушириб бўлинганидан сўнг шохобча йўл эгасинининг локомотиви уларни чиқариб қўйиладиган йўлга олиб чиқиб қўйади.

Агарда темир йўл шохобча йўлига **темир йўлининг локомотивида** хизмат кўрсатилса, темир йўли ташкилот ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича ўзига **мажбурият олади**, вагонларни юк ортиш ёки тушириш жойларига олиб кириб бериш ва ортиш ёки тушириш фронтларига жойлаштириб чиқиш ишларини темир йўли бажаради. Ана шу жойлардан юк операциялари тугаганидан сўнг темир йўлининг локомотиви вагонларни олиб чиқади.

*Шундай қилиб темир йўл шохобча йўли эмас, балки локомотив кимнинг тасарруфида эканлиги шартноманинг асосий талаблари (шартлари) мазмунини белгилайди. Темир йўл шохобча йўлига **шохобча йўл эгасинининг локомотивида** хизмат кўрсатилганида, **шохобча йўлда вагоннинг айланиш муддати** белгиланади. Темир йўл шохобча йўлига **темир йўлининг локомотивида** хизмат кўрсатилганида эса, темир йўли бевосита ортиш-тушириш фронтларига олиб кириб берган вагонларга юк **ортиш ёки юк тушириш муддати** белгиланади.*

Идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларида **контрагентлар** ҳам бўлиши мумкин. Контрагентларга ва уларнинг идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларидаги ҳуқуқий мақомига ва фаолиятига Уставнинг 85-моддаси бағишланган. Унда “**Контрагентларга, яъний бошқа ташкилотлар ва жисмоний шахсларнинг идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларида ўзларининг омборлари ёки унга туташадиган идораларга қарашли темир йўл шохобча йўллари бўлган ташкилотларга ва жисмоний шахсларга вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш бўйича хизмат кўрсатиш тартиблари бевосита контрагент ва тасарруфида идораларга қарашли темир йўл шохобча йўли ва локомотив бўлган ташкилот, жисмоний шахс ўртасида тузилган шартномада белгиланади. Темир йўли олдида контрагентларда вагонларни тўхтаб туриши учун жавобгарлик тасарруфида идораларга қарашли темир йўл шохобча йўли ва локомотиви бўлган **ташкилот ёки жисмоний шахс** зиммасида бўлади.**

Идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлига темир йўлининг локомотивида хизмат кўрсатилганида темир йўли ва контрагент ўртасида **вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномаси** тузилади ва барча ҳисоб китоблар бевосита уларнинг ўртасида бажарилади.

Идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлини амортизацияси билан боғлиқ ва бу йўлни таъмирлаш ва шай ва соз ҳолатини

*таъминлашда контрагент қатнашганда тўловлар бўйича ҳисоб китоблар, барча ҳолатларда бевосита тасарруфида идораларга қарашли темир йўл шохобча йўли бўлган ташкилот ёки жисмоний шахс ва контрагент ўртасида бажарилади” -деб кўрсатилган.*

Идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлига **шохобча йўл эгасининг локомотивида хизмат кўрсатилганида**, ташкилот ва жисмоний шахсларнинг идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларида ўзининг темир йўл шохобча йўли, алоҳида фронтли юкларни ортиш ва тушириш хусусий ёки ижаравий омборлари бўлган **контрагентларга** вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш бўйича хизмат кўрсатиш тартиблари бевосита контрагент ва тасарруфида идораларга қарашли темир йўл шохобча йўли ва локомотив бўлган ташкилот ва жисмоний шахс ўртасида тузилган шартномада белгиланади ва **темир йўли контрагентга хизмат кўрсатиш бўйича ўзига ҳеч қандай мажбурият олмайди**. Контрагентларда вагонларни тўхтаб туриши учун жавобгарлик тасарруфида идораларга қарашли темир йўл шохобча йўли ва локомотиви бўлган ташкилот ва жисмоний шахс зиммасида бўлади.

Қачонки идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлига **темир йўлининг локомотивида хизмат кўрсатилганида**, контрагентларга вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш, ҳар бир контрагент билан темир йўли тузган **вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномаси** шартлари асосида амалга оширилади ва **темир йўли контрагентларга хизмат кўрсатиш бўйича ўзига мажбурият олади**. Темир йўли олдида вагонларни тўхтаб туриши учун жавобгарлик контрагентда зиммасида бўлади.

Идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлидаги контрагентга **контрагентнинг ўзининг локомотивида хизмат кўрсатилганида** вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш темир йўли ва контрагент ўртасида тузиладиган **темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси шартномаси** шартлари асосида амалга оширилади.

Уставнинг 86-моддасида темир йўлининг тасарруфидаги темир йўл шохобча йўлларида рельс ёни омборлари ва ортиш-тушириш майдонлари бўлган ташкилот ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий мақоми белгилаб қўйилган. Бу моддада “*Темир йўлининг тасарруфидаги темир йўл шохобча йўлида рельс ёни омборлари ва ортиш-тушириш майдонлари бўлган ташкилот ва жисмоний шахс билан темир йўлининг ўзаро муносабатлари вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномаси асосида тартибга солинади.*

*Темир йўлининг тасарруфидаги темир йўл шохобча йўлига вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш ва маневр ишлари белгиланган ҳақ эвазига темир йўлининг локомотивида амалга оширилади.*

*Темир йўлининг тасарруфидаги темир йўл шохобча йўлини шай ва соз ҳолатини таъминлашни ва жорий таъмирлаш темир йўлининг воситаларида ва ҳисобидан амалга оширилади. Ташкилот ва жисмоний шахс худуди сарҳадларидаги йўлларни, ҳамда ортиш ва тушириш фронтларини ахлатлардан ва қордан тозалаш ҳамда ёритиш **ташкилат ёки жисмоний шахснинг воситаларида ва ҳисобидан амалга оширилади**”-деб белгиланган.*

**Темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси ва вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш** шартномалари замонавий техник меъёрлар ва воситаларни қўллашга асосланган темир йўл шохобча йўли ишининг технологиясини ва темир йўл шохобча йўли туташган станция ишининг технологиясини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Темир йўлини тасарруфидаги темир йўл шохобча йўлида алоҳида фронтли юкларни ортиш ва тушириш хусусий ёки ижаравий омборлари ва ортиш-тушириш майдонлари бўлган ташкилотлар ёки жисмоний шахслар билан темир йўлининг ўзаро муносабатлари ҳар бир ташкилот ёки жисмоний шахс билан **тузилган вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномаси** билан тартибга солинади. Темир йўлини тасарруфидаги темир йўл шохобча йўлига темир йўли локомотивларида хизмат кўрсатилганида темир йўли корхонага хизмат кўрсатиш бўйича ўзига мажбурият олади, чунки вагонларни бевосита темир йўл шохобча йўлидаги ортиш ва тушириш жойларига олиб кириб бериш ва олиб чиқиш темир йўлининг зиммасида бўлади. Ушбу ҳолатда шартнома, хизмат шартномаси элементларини ўз ичига олади.

Темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси шартномаси ва вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномалари 5 йил муддатга тузилади. (Уставнинг 90-моддаси).

Курилаётган темир йўл шохобча йўлига вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш тартиби ва курилаётган темир йўл шохобча йўли эгаси билан темир йўлининг ўзаро муносабати *“курилаётган темир йўл шохобча йўлига вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқишнинг вақтинчалик битими”* асосида тартибга солинади (**Темир йўл шохобча йўлларини эксплуатацияси Қоидалари, 7-илова**).

#### **4. Темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси ва вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномалари шакллари ва тарафлари.**

**Шартномалари шакллари.** Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ темир йўл шохобча йўлларини эксплуатацияси ёки вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномаларини тузиш темир йўли учун ҳам шунингдек ташкилот ва жисмоний шахслар учун ҳам мажбурийдир. Юқорида такидлаб ўтилганидек юкларни ташиш Қоидаларининг 9-бўлими “Темир йўл шохобча йўлларининг эксплуатацияси Қоида” сининг 2-, 3-, 4-, 4а, 5-,

5а ва 7- иловаларида темир йўл шохобча йўлларини эксплуатацияси ва вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномаларининг ҳамда вақтинчалик битимнинг намунавий шакиллари келтирилган:

*а) темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси шартномаси (темир йўл шохобча йўли эгасининг локомотивида хизмат кўрсатилганида);*

*б) темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси шартномаси (темир йўлининг локомотивида хизмат кўрсатилганида);*

*в) темир йўл шохобча йўлига вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномаси (контрагентга темир йўлининг локомотивида хизмат кўрсатилганда);*

*г) темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси шартномаси (контрагентнинг локомотивида хизмат кўрсатилганда);*

*д) темир йўли тасарруфидаги темир йўл шохобча йўлига вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномаси;*

*е) темир йўли тасарруфидаги темир йўл шохобча йўлига вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш ва корхона локомотивида хизмат кўрсатиш шартномаси;*

*ё) қурилаётган темир йўл шохобча йўлига вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқишнинг вақтинчалик битими.*

Қайси намунавий шартнома асосида шартнома тузиш масаласини ечиш, темир йўл шохобча йўли кимни тасарруфида эканлигига ва кимнинг локомотивида хизмат кўрсатилишига, ҳамда темир йўл шохобча йўли қурилаётганлигига ёки доимий эксплуатацияга топширилганлигига боғлиқ бўлади. Намунавий шартнома шаклини тўғри танлаб олиш катта аҳамиятга эга, чунки бунга, яъни тўғри танлаб олишга тарафлар ўртасида тузилаётган шартноманинг мазмуни боғлиқ бўлади.

**Темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси шартномаси** мазмунини, биринчи навбатда вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш ва манёвр ишларини бажариш **кимнинг тасарруфидаги локомотивида** амалга оширилиши белгилайди. Шунинг учун темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси намунавий шартномасининг **икки шакли** тасдиқланган: **бири** - *шохобча йўл эгасининг локомотивида хизмат кўрсатиладиган темир йўл шохобча йўллари учун*, **иккинчиси** - *темир йўлининг локомотивида хизмат кўрсатиладиган темир йўл шохобча йўллари учун*.

Контрагентларга хизмат кўрсатишда ҳам шартнома мазмунини локомотив кимнинг тасарруфида эканлиги белгилайди. *Агар контрагентга шохобча йўл эгасининг локомотивида хизмат кўрсатилса темир йўли билан контрагент ўртасида ҳеч қандай шартномавий муносабатлар ўрнатилмайди.* Контрагентларга вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш бўйича хизмат кўрсатиш тартиблари бевосита **контрагент** ва тасарруфида идораларга қарашли темир йўл шохобча йўли ва локомотив

бўлган **ташкилот ва жисмоний шахс** ўртасида тузилган шартнома асосидада белгиланади ҳамда темир йўли олдида контрагентларда вагонларни тўхтаб туриши учун **жавобгарлик ташкилот ва жисмоний шахс** зиммасида бўлади.

Идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлига, шунингдек ушбу шохобча йўлдаги контрагентга темир йўлининг локомотивида хизмат кўрсатилганида темир йўли контрагент билан **“темир йўл шохобча йўлига вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномаси (контрагентга темир йўлининг локомотивида хизмат кўрсатилганда)”** тузади ва барча ҳисоб китоблар бевосита уларнинг ўртасида бажарилади.

Идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлидаги контрагентга **контрагентнинг ўзининг локомотивида хизмат кўрсатилганида** вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш тартиби темир йўли ва контрагент ўртасида тузиладиган **“темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси шартномаси (контрагентнинг локомотивида хизмат кўрсатилганда)”** шартлари асосида амалга оширилади ва барча ҳисоб китоблар бевосита уларнинг ўртасида бажарилади.

**Темир йўлининг тасарруфидарги темир йўл шохобча йўлига** хизмат кўрсатадиган локомотив темир йўлининг ёки корxonанинг тасарруфида эканлиги қараб икки турдаги намунавий шартнома шакли назарда тутилган. Агар темир йўлининг тасарруфидарги темир йўл шохобча йўлига темир йўлининг локомотивида хизмат кўрсатилса, ушбу шохобча йўлдаги алоҳида фронтли юкларни ортиш ва тушириш хусусий ёки ижаравий омборлари ва ортиш-тушириш майдонлари бўлган ҳар бир ташкилот ёки ҳар бир жисмоний шахс билан темир йўли **“темир йўли тасарруфидаги темир йўл шохобча йўлига вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномаси”** тузади, шу шартнома асосида уларга вагонларни олиб кириб беради ва барча ҳисоб китоблар бевосита уларнинг ўртасида бажарилади. Агар темир йўлининг тасарруфидарги темир йўл шохобча йўлига корxonанинг локомотивида хизмат кўрсатилса, темир йўли ушбу корхона билан **“темир йўли тасарруфидаги темир йўл шохобча йўлига вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш ва корхона локомотивида хизмат кўрсатиш шартномаси”** тузади.

Қурилаётган темир йўл шохобча йўлига вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш тартиби ва қурилаётган темир йўл шохобча йўли эгаси билан темир йўлининг ўзаро муносабати **“қурилаётган темир йўл шохобча йўлига вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқишнинг вақтинчалик битими”** асосида тартибга солинади.

**Шартнома тарафлари.** Темир йўл шохобча йўлининг эксплуатацияси ҳамда вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш **шартномаларини тарафлари** “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акционерлик темир йўл компанияси (қуйида темир йўл компанияси деб



юритилади) ёки темир йўлининг минтақавий бўлинмаси ва тегишли ташкилот ёки жисмоний шахс, вақтинчалик битимда эса темир йўлининг минтақавий бўлинмаси ва қурилиш ташкилоти ёки темир йўл шохобча йўли қурилаётган корхона бўлади.

Темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси ҳамда вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномаларига имзо қўйиш ҳуқуқи, темир йўл шохобча йўлини юк айланмасига боғлиқ бўлиб, темир йўли раҳбарига (ЎТЙ ДАТК нинг раисига) ёки темир йўлининг минтақавий бўлинмаси раҳбарига берилган. Шунга мувофиқ темир йўлидан шартнома тарафлари бўлиб “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акционерлик темир йўл компанияси ёки темир йўлининг минтақавий бўлинмаси қатнашади.

Темир йўл Уставининг 90-моддасига мувофиқ “ ..... *Темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси ва вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномаларини:*

*юк айланмаси бир суткада 50 тагача вагон бўлганида темир йўли минтақавий бўлинмасини раҳбари ва ташкилот раҳбари;*

*юк айланмаси бир суткада 50 тадан зиёд вагон бўлганида темир йўлини раҳбари (ёки унинг топшириғи билан темир йўли минтақавий бўлинмасини раҳбари) ва ташкилот раҳбари имзолайдилар.”*

Темир йўли раҳбари юк айланмаси суткасига 50 тадан зиёд вагон бўлган темир йўл шохобча йўллари билан тузиладиган шартномани имзолашни темир йўлининг минтақавий бўлинмаси раҳбарларига топширишлари мумкин. Лекин, шартномадан пайдо бўлган келишмовчиликларни мувофиқлаштиришда, юк айланмаси бир суткада 50 тагача вагон бўлганида ҳар доим темир йўлининг минтақавий бўлинмаси раҳбари, юк айланмаси бир суткада 50 тадан зиёд вагон бўлганида темир йўли раҳбари қатнашадилар. Бу эса шартнома тарафлари темир йўлининг минтақавий бўлинмаси ёки темир йўл компанияси эканлигини кўрсатади.

*Темир йўл шохобча йўлини ўртача суткалик юк айланмаси бир йилда ортилган ва туширилган вагонлар сонини, шу йилдаги кунлар сонига бўлиш орқали аниқланади. Иш характери мавсумий бўлган темир йўл шохобча йўлларида ўртача суткалик юк айланмаси мавсумда ортилган ва туширилган вагонлар сонини шу мавсумдаги кунлар сонига бўлиш орқали аниқланади.*

Ташкилот ва жисмоний шахсларнинг тасарруфидаги темир йўл шохобча йўлига **корхонанинг локомотивида хизмат кўрсатиладиган** темир йўл шохобча йўлларини юк айланмаси деб шохобча йўл эгаси ва контрагентнинг юк айланмасини йиғиндиси ҳисобланиши керак бўлади. Бу эса асосий шохобча йўл эгасида ва унинг контрагентида суткалик юк айланмасини йиғиндиси 50 тадан зиёд вагон бўлса, шартномани асосий шохобча йўл эгаси билан темир йўли раҳбари имзолашини, суткалик юк

айланмасининг йиғиндиси 50 тагача вагон бўлса, темир йўлининг минтақавий бўлинмаси раҳбари имзолашини билдиради.

Ташкилот ва жисмоний шахсларнинг тасарруфидаги темир йўл шохобча йўлига **темир йўлининг локомотивида хизмат кўрсатилганида** бошқача қоида қўлланилади. Асосий шохобча йўл эгаси ва унинг контрагентлари билан шартнома тузилаётганида, ҳар бир темир йўл шохобча йўлининг юк айланмаси ҳисобга олинади. Агарда асосий шохобча йўл эгасининг ёки қайсидир бир контрагентнинг суткалик юк айланмаси 50 тадан зиёд вагон бўлса, шохобча йўл эгаси билан темир йўли тузган темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси ва ҳамма контрагентлар билан вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномаларини темир йўли раҳбари имзолайди. Агарда асосий шохобча эгасининг ёки қайсидир контрагентнинг суткалик юк айланмаси 50 тагача вагон бўлса, ҳамма шартномаларни темир йўлининг минтақавий бўлинмаси раҳбари имзолайди. Бундай тартиб ушбу темир йўл шохобча йўли бўйича ҳамма комплекс шартномаларини бир ташкилот темир йўли компанияси ёки темир йўлининг минтақавий бўлинмаси тузишини белгилайди.

Шартномани темир йўли раҳбарининг топшириғи билан темир йўлининг минтақавий бўлинмаси бошлиғи имзолаганида, шартномада ана ўша ёзма топшириқнинг рақамига ва санасига ишорат қилиб қўйилиши керак.

## **5. Темир йўл шохобчасини қузатиб чиқиш актини тузиш ва шартнома тузишга тайёргарлик кўриш**

Темир йўл шохобча йўли қуриб битказилганидан ва эксплуатацияга топширилганидан сўнг, темир йўл шохобча йўлини эгаси “**Темир йўл шохобча йўлида ҳаракатни ташкил қилиш ва хизмат кўрсатиш тартиби ҳақида Йўриқнома**” ишлаб чиқиши керак. Йўриқномани станция бошлиғи билан келишиб (музокарадан ўтказиб) темир йўли минтақавий бўлинмаси бошлиғининг тасдиғидан ўтказилади. Йўриқнома тасдиқланмагунича темир йўл шохобча йўлига вагонларни олиб кириб бериш тақиқланади. Йўриқнома тасдиқланмагунича ва темир йўл шохобча йўли доимий эксплуатацияга қабул қилинмагунича темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси шартномаси ҳам тузилмайди (Уставнинг 78-моддаси).

Аввалги тузилган шартнома муддати тугашига яқин қолганида, темир йўли ташкилот ёки жисмоний шахс билан биргаликда, аввалги шартномани амал қилиш муддати тугагунга қадар янги шартнома лойиҳасини ишлаб чиқишга киришишлари керак, чунки аввалги шартнома муддати тугагунича янги шартнома тузилиши ва тасдиқланиши керак.

*Янги шартнома тузилгунга қадар ва худди шунингдек биринчи шартнома тузишда ҳам темир йўли, ташкилот ёки жисмоний шахс билан*

биргалликда янги шартнома шартларини белгилаш мақсадида темир йўл шохобча йўлини ва уни техник жиҳозланишини кузатиб чиқишлари керак. Кузатиб чиқиш натижалари темир йўл шохобча йўли эксплуатация Қоидаларининг 6-иловасида кўрсатилган шаклдаги актда расмийлаштириб қўйилади. Актда шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш учун керак бўлган маълумотлар савол ва жавоб жадвали тарзда тўлдирилади (16.1-жадвал):

16.1-жадвал

**Шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш учун керак бўлган  
маълумотларнинг савол ва жавоб жадвали**

№	Саволлар	Жавоблар
1	Ташкилот-темир йўл шохобча йўли эгасининг номи (вазирлик, идора)	
2	Темир йўл шохобча йўли кимнинг тасарруфида	
3	Ташкилот реквизитлари	
4	Темир йўл шохобча йўлининг умумий узунлиги ( метрда)	
5	Темир йўл шохобча йўлининг туташиш жойи (туташиш стрелкасини номери, қайси йўлга туташади)	
6	Темир йўл шохобча йўлининг чегараси (белгининг ўрнатиш жойи)	
7	Йўлнинг тавсифномаси ва техник ҳолати (рельслар, шпаллар, балласт, сунъий иншоотлар ва ҳ.к.)	
8	Ажратилган минтақада темир йўл шохобча йўлининг эгаллаган ер участкасининг майдона (кв. м)	
9	Ажратилган минтақада ташкилот қурилмаларининг эгаллаган ер участкасининг майдона (кв. м)	
10	Темир йўлининг локомотивида вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқишнинг шартлашилган жойи	
11	Темир йўл шохобча йўлига кимнинг локомотивида хизмат кўрсатилади	
12	Икки томонга вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш масофаси	
13	Вагонларни олиб кириб бериш ва қайтариш тартиби	
14	Темир йўл шохобча йўлига олиб кириб бериладиган вагонларнинг ўртача суткалик миқдори	
15	Сутка довомида вагонларни олиб кириб беришнинг тахминий сони	
16	Ортиш ва тушириш фронтининг ўлчамлари	
17	Темир йўл шохобча йўлига бир вақитни ўзида олиб кириб бериладиган вагонлар миқдори	
18	Вагонларни олиб кириб бериш ҳақида станцияни хабар бериш тартиби	
19	Вагонларни олиб чиқиб кетишга тайёрлиги ҳақида корхонанинг хабар бериш тартиби	
20	Қўйладиган юкларни қўйиш (тўкиш) учун тиктурмалар сони, унимдорлиги ва насоснинг қуввати	
21	Қуюқлашувчи ва музловчи юкларни иситиш учун	

	воситалар мавжудлиги	
22	Вагон тарозиларни мавжудлиги, уларнинг сони, юк кўтариши, жойлашган ўрни	
23	Темир йўл шохобча йўлида маневр воситаларини мавжудлиги	
24	Ортиш-тушириш механизмларининг мавжудлиги	Маълумот шаклида актга илова қилинади
25	Темир йўл шохобча йўлига бошқа ташкилотларнинг туташган темир йўл шохобча йўлини мавжудлиги	
26	Шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар	
27	Вагонларни айланишини жадаллаштириш ва асраш бўйича зарур чора-тадбирлар	

Кузатиб чиқиш актини темир йўлининг, ташкилотнинг ёки жисмоний шахснинг ваколатли вакиллари имзолайдилар. ***Ташкилотнинг ёки жисмоний шахснинг вакилида темир йўл шохобча йўлини икки тарафлама кузатиб чиқиш актини имзолаш ҳуқуқи берилган ишончнома бўлиши керак.***

Кузатиб чиқиш актини темир йўли тарафидан станция бошлиғи, темир йўли минтақавий бўлинмасининг ҳаракат тафтишчиси, йўл устаси, темир йўли минтақавий бўлинмасининг темир йўл шохобча йўллари бўйича катта нозири имзолайдилар. ***Кузатиб чиқишда қатнашган ташкилотнинг ёки жисмоний шахснинг вакили актга киритилган маълумотлар билан норози бўлганида ҳам актни имзолаши ва актда ўзининг мулоҳазали фикрларини ёзиб қўйиши шарт.*** Акт икки нусхада тузилади, улардан бири ташкилотда ёки жисмоний шахсда қолади.

Кузариб чиқиш актига темир йўл шохобча йўли эгаси темир йўл шохобча йўлини **техик паспортини** ҳамда ортиш ва тушириш фронтлари ва ихтисослаштирилган йўллар ва омборлар қайд қилинган темир йўл шохобча йўли **масштабли схемасини** илова қилиши керак бўлади. ***Темир йўл шохобча йўлини икки тарафлама кузатиб чиқиш акти асосида темир йўли темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси ва вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқилади.*** Шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш темир йўл шохобча йўли ва у туташган станциянинг иш технологияси илғор техник меъёрларига асосланган бўлиши керак.

**6. Темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси ва вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномалари имзолаш ва келишмовчиликларни тартибга солиш.**

Шартнома лойиҳаси ишлаб чиқилганидан сўнг уни расмийлаштириш, имзолаш, зарурият пайдо бўлганида эса келишмовчиликларни тартибга солиш босқичи кириб келади. Темир йўл шохобча йўлини

эксплуатацияси Қоидасининг 11-параграфида шартномани имзолаш муддати ва тартиби, шартнома бўйича келишмовчиликларни хўжалик судигача тартибга солиш, тартибга солинмаган келишмовчиликларни, темир йўли ҳал қилиш учун хўжалик судига топшириши белгиланган.

Темир йўл шохобча йўлини эсплуатацияси ва вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномаларини расмийлаштириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) шартнома лойиҳасини темир йўли ёки унинг тегишли бўлинмаси ишлаб чиқади. 3 нусхада имзоланган шартнома лойиҳаси ташкилотга ёки жисмоний шахсга имзолаш учун юборилади. Темир йўлидан олинган шартнома лойиҳасини ташкилот ёки жисмоний шахс **ўн кунлик муддатда** имзолаши ва мувофиқ равишда темир йўлига ёки унинг бўлинмасига қайтариб юбориши шарт. **Ўн кунлик муддат: шартнома лойиҳаси атайин элитиб берилса - шартнома лойиҳасини олинганлиги ҳақида имзо қўйилган санадан, почта орқали юборилганида - адрасат пунктидаги почта бўлимининг тақвим муҳридаги санадан ҳисобланади.**

Агар шартнома лойиҳасини имзолашда, ташкилотда ёки жисмоний шахсда унинг шартлари бўйича эътироз пайдо бўлса, бундан қатъий назар у шартнома лойиҳасини имзолаши, келишмовчиликлар баённомасини тузиб ва унинг икки нусхада имзоланган шартнома лойиҳаси билан биргаликда темир йўлига юбориши шарт. Келишмовчиликларни мавжуд эканлиги ҳақида шартнома лойиҳасида таъкидлаб ўтилади. **Ўн кунлик муддатда имзоланган шартнома лойиҳаси темир йўлига қайтариб юборилмаса, шартнома темир йўлининг таҳририятида кучга киради.**

б) темир йўли келишмовчиликлар баённомасини олганидан сўнг 30 кундан кеч қолмай уни кўриб чиқиши керак. Келишмовчиликларни кўриб чиқиш санаси ҳақида темир йўли уни кўриб чиқиш санасидан 10 кундан кеч қолмай ташкилотни ёки жисмоний шахсни хабардор қилиб қўйиш керак. **Агар темир йўли назарда тутилган муддат ичида келишмовчиликларни кўриб чиқиш санасини белгиламаса, шартнома тузилаётган ташкилотнинг ёки жисмоний шахснинг таҳририятида шартнома кучга киради.** Белгиланган муддатда келишмовчиликларни мувофиқлаштириш учун ташкилотнинг ёки жисмонийнинг шахсни вакиллари ҳозир бўлмасалар, **шартнома темир йўлининг таҳририятида кучга киради.**

в) тартибга солинмаган келишмовчиликларни тарафлар баённомада расмийлаштирадилар ва баённома имзоланганидан сўнг темир йўли бир ойлик муддат ичида келишмовчиликларни ҳал қилиш учун тегишли Хўжалик судига топширади. **Агар белгиланган муддатда темир йўли келишмовчиликларни хўжалик судига ҳал қилиш учун топширмаса, шартнома ташкилотнинг ёки жисмоний шахснинг таҳририятида кучга киради.**

Амалдаги темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси ва вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномаларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш юқорида “а”, “б” ва “в” пунктларда кўрсатилган тартибларда амалга оширилади.

Юқорида баён қилингандан кўриниб турибдики, оммавий хўжалик шартномалари тузишга қараганда, ушбу тартибда шартнома тузишнинг қуйидаги тафовутлари мавжуд:

- яъни ташкилот ёки жисмоний шахс шартномани белгиланган муддатда темир йўлига қайтариб бермаганида шартнома темир йўлининг таҳририятида кучга киради (темир йўли мажбурий тартибда шартнома тузиш учун хўжалик судига мурожаат қилмайди);

- келишмовчиликларни кўриб чиқиш (мувофиқлаштириш) санасини темир йўли ўз муддатида белгиламаса, шартнома ташкилот ёки жисмоний шахс тузган келишмовчиликлар баённомаси таҳририятида кучга киради;

- келишмовчиликлар баённомасини тузган тараф келишмовчиликларни кўриб чиқиш учун белгиланган муддатда ҳозир бўлмаса, шартнома, келишмовчиликлар баённомасини эътиборга олмасдан, темир йўлининг таҳририятида кучга киради;

- ҳамда келишмовчиликларни кўриб чиқишни ва низони тегишли Хўжалик судига топширишни алоҳида муддатлари қўлланилилади.

Темир йўли тарафидан шартнома лойиҳасини ким имзолаганига қараб темир йўли раҳбарими ёки темир йўли минтақавий бўлинмасининг бошлиғими, келишмовчиликларни кўриб чиқиш учун таклиф қилиш, келишмовчиликларни кўриб чиқиш (мувофиқлаштириш) ва тартибга солинмаган келишмовчиликларни хўжалик судига топшириш темир йўли бошқармаси ёки темир йўли минтақавий бўлинмаси зиммасига юклатилади.

## **7. Келишмовчиликларни хўжалик судига кўриб чиқиш учун топшириш.**

Темир йўли Хўжалик судига шартнома лойиҳаси бўйича келишмовчиликларни топшираётганида, қуйидагиларни ҳам тақдим этиши керак:

- масалани аҳамиятли жиҳати ифода этилган ариза;
- темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси ёки вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномасининг нусхаси;
- келишмовчиликлар баённомаси ва заруриятли ҳолатларда бошқа хужжатлар (схема, технологик жараёнлар ва шунга ўхшашлар).

Бундан ташқари темир йўли хўжалик судига мурожаат қилганида, темир йўл шохобча йўлини кузатиб чиқиш актини, ташкилот ёки жисмоний шахс имзолаган шартномани қайтариб юборилган санасини, келишмовчиликлар баённомасини темир йўли қабул қилган санасини,

келишмовчиликларни кўриб чиқиш (мувофиқлаштириш) куни ҳақидаги чақириқни ташкилотга ёки жисмоний шахсга юборилган санасини тасдиқловчи хужжатларни ҳам тақдим қилиши керак.

Хўжалик суди ушбу тақдим этилган хужжатлар асосида тарафларни хўжалик судигача бўлган баҳсларини тартибга солишни белгиланган тартибга ва муддатларга риоя қилганликларни текшириб чиқади. Бунда Хўжалик суди имзоланган шартнома лойиҳасини ташкилот ёки жисмоний шахс темир йўлига қайтариб юбориш санасини, келишмовчиликларни кўриб чиқиш санасини темир йўли белгилаганлигини ва келишмовчиликларни хўжалик судига топшириш муддатлари бузилишига, ҳамда ташкилотнинг ёки жисмоний шахснинг вакили келишмовчиликларни кўриб чиқишда (мувофиқлаштиришда) қатнашган ёки қатнашмаганлигига қараб шартнома темир йўлининг ёки ташкилот (жисмоний шахс) нинг таҳририятида кучга киришини инобатга олади.

Агар хўжалик суди кўрсатилган муддатларни бузилиши ёки ташкилот (жисмоний шахс) вакилини келишмовчиликларни кўриб чиқишга келмаганини аниқласа, хўжалик суди даъво аризасини қабул қилишни рад этади, ҳамда низо кўриб чиқиладиган вақтда бундай ҳолатлар аниқланса, ишни кўриб чиқиш тўхтатилади.

Тарафларни муддатларга амал қилишларини хўжалик судлари текшириб чиқаётганларида, қачонки муддатни тугатиши дам олиш кунига тўғри келиб қолса, дам олиш кунидан кейинги ишчи куни муддатни тугаши, деб ҳисобланади.

Темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси Қоидаларида ва бошқа меъёрий актларда имзоланган шартномани қайтариб юборишнинг, келишмовчиликларни кўриб чиқишни (мувофиқлаштиришни) белгилашнинг ва низоларни хўжалик судига топширишнинг муддатларини узайтириш ва қайта тиклаш имконияти назарда тутилмаган. Шунинг учун қайси бир тараф ушбу муддатлардан бирини ўтказиб юборганлик факти аниқланса, хўжалик суди муддатни ўтказиб юборганлик сабабини муҳокама қилмай, шартнома олди низоси бўйича аризани қабул қилишни рад этадилар ёки низо кўрилиб чиқаётган вақтда бундай ҳолатлар аниқланса, ишни кўриб чиқишни тўхтатадилар ва тарафларга кимнинг таҳририятида шартнома кучга киришини тушунтирадилар.

Шартномани алоҳида шартлари бўйича низони хўжалик судига ҳали топширмай туриб шартнома кимнинг таҳририятида кучга кирганлигини, хўжалик судидан тушунтириб беришни талаб қилиб қолиниши мумкин. Масалан, корхона темир йўлига имзолаган шартнома лойиҳасини тайинлаган адресат пунктидаги почта бўлимининг тақвим муҳридаги санадан бошлаб ўн кунлик муддат ичида қайтариши керак деб кўрсатилиши, бу санадан ўн кунлик муддатни ҳисоблаш йўл-йўригини янглиш қабул қилишга олиб келиши мумкин. Муддатни ҳисоблаш у бошланиши белгиланган куннинг эртасидан бошланади. Бундай ҳолатда

шартномани қайтариб юбориш учун ўн кунлик муддат - тақвим муҳридаги санадан кейинги кундан ҳисоб этила бошлайди.

Кўрсатилган муддатларни нотўғри ҳисоблаш, шартнома лойиҳаси ўз вақтида қайтариб юборилмаган ва у темир йўлининг таҳририятида кучга кирди деган хулоса қилишга олиб келиши мумкин. Бунинг оқибатида, темир йўли ташкилотга ёки жисмоний шахсга келишмовчиликларни кўриб чиқиш (мувофиқлаштириш) учун таклифнома юбормаслиги мумкин ва ушбу ҳолатда шартнома ташкилот ёки жисмоний шахс таҳририятида кучга киради. Бу эса ҳар бир тараф шартнома унинг таҳририятида кучга кирди деб ишонишига ва охир оқибатда шартномани қўлланиш тартиби ҳақидаги, вагонларни тўхтаб туриши учун темир йўли жарима ундиришини тўғрилиги ҳақидаги ва ҳоказо низоларни пайдо бўлишига сабаб бўлади.

## **8. Вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш. Ортиш ва тушириш фронтлари. Юкларни ортиш ва тушириш муддати. Вагонларни айланиш муддати**

**Вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш.** Темир йўл шохобча йўли қуриб битказилганидан ва эксплуатацияга топширилганидан сўнг, темир йўл шохобча йўлини эгаси “**Темир йўл шохобча йўлига хизмат кўрсатиш тартиби ва ҳаракатни ташкил қилиш ҳақидаги Йўриқнома**” ва “**Темир йўл шохобча йўлини техник паспортини**” ишлаб чиқиши керак. Станция бошлиғи билан келишилган (музокарадан ўтказилган) Йўриқномани темир йўли минтақавий бўлини маси раҳбари тасдиқлайди.

Йўриқнома узатма (поезд) ни вазн меъёри ва узунлиги, рухсат берилган ҳаракат тезлиги, локомотив тури, маневр ҳаракатларини амалга ошириш тартиби, стрелкаларнинг нормал ҳолати, сигналларнинг мавжудлиги ва жойлашиши ва ҳ.к. лар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. **Йўриқнома тасдиқланмагунча темир йўл шохобча йўлига вагонларни олиб кириб бериш тақиқланади.**

Темир йўли тасрруфидарги темир йўл шохобча йўлига хизмат кўрсатиш ва маневр ишларини ташкил этиш тартиби станциянинг **техника-тақсимот актида (ТРА)** ва унга илова қилинган **темир йўл шохобча йўли йўлларининг қайдномасида** кўрсатилади.

Темир йўл шохобча йўлига вагонларни олиб кириб бериш **хабар бериш** бўйича амалга оширилади. **Станция вагонларни олиб кириб беришдан 2 соатдан кечикмай вагонларни олиб кириб бериш вақти ҳақида хабар бериш керак.** Вагонларни олиб кириб бериш вақти ҳақидаги хабар сутка давомида (туну-кун) берилиши керак. Ташкилот ёки жисмоний шахс хабарни қабул қилиб олиш учун **масъул шахсни** тайинлаши шарт, уни фамилияси ва телефон номери станция бошлиғига билдириб қўйилади.



Агар юк ортиш, ушбу темир йўл шохобча йўлида юк туширишдан, бўшайдиган вагонлар ҳисобидан таъминланадиган бўлса, юк ортиш учун бўш вагонларни олиб кириб бериш вақти ҳақида хабар бериш керак бўлмайди. **Вагонларни олиб кириб бериш вақти ҳақидаги хабарни бериш тартиби темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси шартномасида ва вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномасида назарга олинади.** Вагонларни ортишга ёки туширишга олиб кириб бериш вақти ҳақида хабар беришни ёзиб бориш учун станцияда **ГУ-2** шаклидаги хабар бериш Китоби юритилади.

Ўртача суткалик юк ортиш ёки юк тушириш **50 вагондан зиёд** бўлса темир йўл шохобча йўлига вагонларни олиб кириб бериш ва темир йўл шохобча йўлидан қайтариш **жадвал бўйича** ёки олиб кириб беришлар ўртасидаги **вақт интервалига** риоя қилиб белгиланиши мумкин. Вагонларни олиб кириб бериш ва қайтариш тартиби темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси шартномасида ва вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномасида кўрсатилади.

Темир йўл шохобча йўлининг ортиш ва тушириш пунктлари йўлига ёки ташкилот (жисмоний шахс) нинг территориясидаги қабул қилиш-топшириш йўлига темир йўлининг локомотивида вагонларни олиб кириб бериш учун ва олиб чиқиш учун **темир йўли белгилаган ставкалар** бўйича ҳақ ундирилади. **Икки томонга вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш учун ҳақ ундириладиган масофа темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси шартномасида ва вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномасида кўрсатилади.** Вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш учун **ҳақ ундириладиган масофа**, станция схемаси ёки темир йўл шохобча йўли техник паспорт маълумотлари, станциянинг техник таксимот акти (ТРА) ёки темир йўл шохобча йўли туташган стрелкадан (агар у станция йўлларида туташса) ёки вагонларни олиб кириб бериш амалга ошириладиган станциядан чиқадиган стрелкадан (агар темир йўл шохобча йўли перегонда туташса) вагонларни ортиш-тушириш frontiгача ёки чиқариб қўйиш йўлигача ҳақиқий ўлчаб чиқиш бўйича, аниқланади. **Вагонларни олиб кириб бериш, олиб чиқиш учун ва маневр ишлари учун ҳақ шартнома тузилган ҳар бир ташкилот ёки жисмоний шахсдан алоҳида ундирилади.** Вагонларни олиб кириб бериш қандай тартибда: ҳар бир ташкилотни, жисмоний шахсни ҳаммасига бир вақтни ўзида (бирданига) ёки алоҳида амалга оширилганига қарамасдан ҳақ ундирилади.

Темир йўл шохобча йўлига темир йўлининг локомотивида хизмат кўрсатилганиди **вагонларни топшириш ва қабул қилиш** ортиш ёки тушириш жойларида, шохобча йўли эгасининг локомотивида хизмат кўрсатилганида эса чиқариб қўйиладиган (қабул қилиш – топшириш) йўлда амалга оширилади.

Темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси ва вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномаларида **вагонларни олиб чиқиш муддати** белгиланади. Вагонларни ортиш, тушириш жойидан, қабул қилиш-топшириш йўлидан олиб чиқиш муддати темир йўл шохобча йўли ва у туташган станция ишини ташкил этиш технологияси асосида белгиланади. Хабар бериш бўйича вагонларни олиб чиқишда (топширишда), шунингдек жадвал бўйича ёки белгиланган вақт интервали орқали вагонларни олиб чиқишга (топширишга) тайёр эмаслигида юк жўнатувчи, юк олувчи ёки шохобча йўл эгаси олдиндан (шартномада белгиланган муддатда) вагонларни олиб чиқишга (топширишга) тайёр бўлиш вақти ҳақида **темир йўлига хабар бериши шарт**. Хабар бериш бўйича вагонларни олиб чиқишда (топширишда) олиб чиқиш (топшириш) муддати **хабар берилган пайтдан** бошлаб ҳисобланади. Жадвал бўйича ёки белгиланган вақт интервали орқали вагонларни олиб чиқишда (топширишда) жадвалда ёки интервалда **назарда тутилган вақт** олиб чиқиш (топшириш) муддати деб ҳисобланади.

Темир йўл шохобча йўлида вагонларни ва юкларни **қўриқлаш** ташкилот, жисмоний шахс мажбуриятига киради. Темир йўл шохобча йўлига темир йўлининг локомотивида хизмат кўрсатилганида, эса вагонларни ва юкларни ортиш ва тушириш жойларига қўйиш пайтигача ва у жойлардан олиш пайтигача қўриқлаш темир йўлининг зиммасида бўлади. Темир йўл шохобча йўлига **юкли ва бўш вагонларни топшириш** топширувчи ва қабул қилувчи тараф хизматчилари **имзоси** билан **қабул қилувчи топширувчи эсдалигида** (ГУ-45 - шакл) ёки **вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш қайдномасида** тасдиқланади.

**Ортиш ва тушириш фронтлари.** *Ортиш ва тушириш fronti деб бир вақтнинг ўзида юкларни ортиш ва тушириш учун белгиланган омор ёки очиқ майдон йўлларнинг бир қисмига айтилади.* Ортиш ва тушириш фронтларининг ўлчами темир йўл шохобча йўлларини эксплуатацияси ва вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномасининг энг муҳим шартларидан биридир, чунки у темир йўл шохобча йўлида вагонлардан самарали фойдаланишга бевосита таъсир этади. Бир вақтнинг ўзида ортиб-туширилаётган вагонларни сони, бинобарин, уларни темир йўл шохобча йўлида турган вақти фронтнинг ўлчамига чамбарчарс боғлиқдир.

Шунинг учун, шартнома тузиш олдиндан ортиш ва тушириш fronti ўлчамини белгилаш масалалари бўйича жуда кўп бахслар пайдо бўлади. Фронтнинг сиғими (ўлчами) қанча катта бўлса, етиб келган юкларни тушириш ёки ташиш режасини бажариш учун берилаётган бўш вагонларга юк ортиш шунча тезлашади. Бундай ҳолатда тарафлар фронт сиғимини оширишга интилишлари керакдек бўлиб кўринади. Лекин, ортиш ва тушириш фронтининг сиғимини катта бўлиши ортиш-тушириш ишларини бир вақтнинг ўзида бажариш учун анчагина кўпроқ меҳнат ҳаражатларини

талаб қилади. Шунинг учун корхоналар ортиш-тушириш фронтининг ўлчамини қисқартиришга, темир йўли эса уни кўпайтиришга ҳаракат қилади. У ва бу талаблар ҳар доим ҳам асосли бўлавермайди. Ортиш ва тушириш фронтининг ўлчами омборнинг турига ва ортиш-тушириш ишларининг услубига боғлиқ бўлади.

*Механизациялашмаган ортиш-тушириш усулида фронтнинг ўлчами бир жинсли юкларни бир вақтни ўзида (бирданига) ортиш ёки тушириш учун ишлатиладиган омбор (ортиш-тушириш) йўлининг фойдали узунлигига жойлаштириб чиқиладиган вагонлар сонидан келиб чиқиб белгиланади.* Фронтларни бир жинсли юклар бўйича ажратиш ушбу юклар учун омбор майдонларини доимий ихтисослаштирилгандагина мумкин бўлади. *Бир хил усулда (тўкма, сочма, қуйма ва ҳ.к.) ташиладиган ва биргаликда сақлаш мумкин бўлган юклар бир жинсли юклар деб ҳисобланади.* Ёпиқ омборларда сақлаш талаб қилинадиган юклар учун фронт **омбор узунлиги бўйича** аниқланади.

Дон, ғалла юклари бўйича алоҳида фронтларни экинларнинг турлари бўйича тайинлаб қўйишни амалга оширишга ижозат берилади, лекин учта экин туридан зиёд эмас (масалан, буғдой, арпа ва сули).

Цистерналарга қуйиб ташиладиган нефть ва бошқа юклар учун ортиш ва тушириш фронтининг ўлчами қуйиш ва тўкиш тик турмаларининг сони бўйича, рельс оралиғига тўкишда эса – тўкиш жойидаги йўлнинг фойдали узунлиги бўйича ўрнатиладиган цистерналарнинг сони бўйича аниқланади. Заруриятли ҳолатларда қуйиш ва тўкиш fronti қуйиб ташиладиган юкларнинг (равшан ва тўк) турлари бўйича белгиланади.

Қуйиб ташиладиган юклардан бошқа барча юклар учун ортиш ва тушириш фронтининг ўлчами механизациялашган усулдаги ишларда механизмларнинг сонидан ва уларнинг қайта ишлаш қобилиятидан келиб чиқиб аниқланади. *Йўлнинг сизими юкларни ортишни ёки туширишни механизациялашган фронт сизимидан зиёд вагонларни олиб кириб беришни амалга ошириш имкониятини берса, шартномада бир вақтни ўзида (бирданига) олиб кириб бериладиган вагон партиясининг ўлчами белгиланади.*

Темир йўлининг локомотивида хизмат кўрсатиладиган темир йўл шохобча йўлларида бир жинсли юклар бўйича фронт ўлчами ва омбор майдонларининг ихтисослаштирилганлиги шартномада кўрсатилади. *Темир йўли билан келишмасдан (мувофиқлаштирмасдан) ташиқлотларнинг темир йўл шохобча йўлларида темир йўл транспорт объектларини тугатишга ва ортиш-тушириш фронтларини қисқартиришга ижозат берилмайди.* Темир йўли билан келишилмаган (мувофиқлаштирилмаган) идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларни қайта қуриш, ҳамда вагонларни ортиш, тушириш ва тозалаш учун мўлжалланган қурилмалар лойиҳаси темир йўл шохобча йўлини

эксплуатацияси ва вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномалари **шартларини ўзгартириш** ҳамда ортиш ва тушириш **фронтини қисқартириш** учун асос бўлиб хизмат қила олмайди.

*Темир йўл шохобча йўлида бир вақтни ўзида (бирданига) олиб кириб бериладиган барча вагонларга вагонни айланиш муддати ёки ягона муддат белгиланса, шартномада ортиш тушириш фронти ва омбор майдонларини ихтисослаштирилганлиги кўрсатилмайди.* Бундай ҳолатларда шартномада темир йўл шохобча йўлига бир вақтни ўзида (бирданига) олиб кириб бериладиган **вагонлар сони ёки поезднинг вазни** кўрсатилади.

**Юкларни ортиш ва тушириш муддати.** Темир йўл шохобча йўлларида вагонлардан самарали фойдаланишнинг бошқа муҳим шартларидан бири **ортиш-тушириш ишларини бажариш муддатларига** риоя қилишдир. *Темир йўл шохобча йўлига темир йўлининг локомотивида хизмат кўрсатилганида, вагонларни темир йўли бевосита ортиш ва тушириш фронтига жойлаштириб чиқади ва бу ҳолатда ортиш ва тушириш муддатлари аниқланади.*

Юк операциялари муддатларини аниқлашнинг умумий тамойиллари Уставининг 56-моддасида белгиланган. Унда “*Юк жўнатувчилар (юк олувчилар) юкларни ортиш ва туширишни белгиланган муддатларда амалга оширишлари шарт (мажбур).*”

*Умумий фойдаланиш ва ноумумий фойдаланиш жойларида юк жўнатувчиларнинг ва юк олувчиларнинг воситаларида юкларни ортиш ва тушириш муддатларини темир йўли белгилайди:*

*а) механизациялашган усулда ортишда ва туширишда – ортиш ва тушириш учун мўлжалланган механизация, қурилма ва иншоот воситалари қўлланилиши ва улардан максимал фойдаланишни инобатга олган ҳолда, ҳисоблаш йўли билан;*

*б) механизациялашмаган усулда ортишда ва туширишда – юкларни ташиш Қоидаларда белгиланган муддатларда.*

*Оралиқ станцияларда юкларни ортиш ва тушириш муддатлари ушбу участкада манёвр ишларини ташкил этишни инобатга олиб белгиланади”- деб кўрсатилган.*

Юкларни ташиш Қоидаларининг 6-бўлими “**Юкларни ортиш ва тушириш муддатлари**” нинг 1-, 2-, 3-, ва 4 - иловаларида юкларни ортиш ва тушириш муддатлари берилган. Агар ташкилотлар ёки жисмоний шахслар иловада номлари келтирилмаган машина ва механизмларни ишлатсалар ёки механизациялашган усул шу иловада кўрсатилмаган юклар учун қўлланилса, унда ташкилотлар ёки жисмоний шахслар темир йўли билан биргаликда “*Механизациялашган ортиш ва тушириш муддатлари ҳисоблаш тартиби ҳақидаги Услубий қўлланма*” асосида (юкларни ташиш Қоидаларининг 6-бўлими “**Юкларни ортиш ва**

**тушириш муддатлари**” нинг 5-сонли илова) ортиш ва тушириш муддатларини ишлаб чиқадилар.

Вагонларни механизациялашган усулда ортиш ва тушириш муддатлари механизмларнинг унумдорлигидан энг самарали фойдаланиш ва юкларни ортиш ва тушириш операцияларини бажаришнинг мавжуд ўзига хос шарт-шароитларини инобатга олган ҳолда ортиш ва тушириш ишларини самарали ташкил қилишни назарда тутилган ҳисоблари асосида аниқланади.

Вагонларни ортиш-тушириш муддатларини аниқлашда баъзи бир иш **операцияларини биргаликда** бажарилишини максимал таъминлаш ҳисобга олинади.

**Вагонларни ортиш ёки туширишни ҳисобий муддати қўйидаги вақтлар йизиндисидан иборат:**

а) **тайёрлаш операцияларига** - пломбаларни ва эшик бойлагичларни ечиш, эшик ва туйникларни очиш, эшик олди тўсиқларни олиб қўйиш ёки ўрнатилиш ва шунга ўхшашларга сарфланган вақт ( $t_{тай.}$ );

б) **тугатиш операцияларига** - вагон эшикларини ёпиш, бойлагичлар ва пломбаларни қўйиш, юкни бойлаш ёки текислаш, бўшаган вагонни тозалаш ва шунга ўхшашларга сарфланган вақт ( $t_{туг.}$ );

в) **механизмларни ёки вагонларни ўз жойидан суриб қўйишларни ҳисобга олган ҳолда механизмларда вагонга юкни ортишни ўзига ёки юкни туширишни ўзига сарфланган вақт** ( $t_{юк.}$ ).

Бир гуруҳ вагонларни ортишда ёки туширишда ҳамма вагонларда тайёрлаш операцияларини бажариш, биринчисидан ташқари, ва ҳамма вагонларда тугатиш операцияларини бажариш, охиригисидан ташқари, бошқа вагонларга ортиш ёки тушириш операцияларини бажариш вақтида биргаликда ўтказилиши керак ва шунинг учун ортишни ёки туширишни умумий муддатини аниқлашда ҳисобга олинмайди.  $n$  та вагонни ортиш ёки тушириш муддати қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$T = t_{тай.} + (n / Z) \cdot t_{юк.} + t_{туг.}, \text{ дақ} \quad (16.1)$$

бу ерда  $Z$  - бир неча механизмдан фойдаланганда бир вақтни ўзида ортиладиган ёки тушириладиган вагонлар сони.

Юкни вагонга ортишни ўзига ёки юкни вагондан туширишни ўзига сарфланган вақт қўйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$t_{юк.} = q_v / Q_T \cdot 60 + t_{ёр.}, \text{ дақ} \quad (16.2)$$

бу ерда  $q_v$  - вагондаги юкни ўртача массаси,  $m$ ;

$Q_T$  - ортиш-тушириш механизмнинг техник унумдорлиги,  $m/соат$ ;

$t_{ёр.}$  - ёрдамчи операцияларга сарфланадиган вақт, дақ.

Шундай қилиб,  $n$  -та вагон учун ортиш ёки туширишни аниқлаш формуласи қўйидаги кўринишда бўлади:

$$T = t_{\text{тай}} + (n / Z) \cdot (q_{\text{в}} / Q_{\text{т}} \cdot 60 + t_{\text{ёр}}) + t_{\text{туг}}, \text{ дақ} \quad (16.3)$$

Тайёрлаш, тугатиш ва ёрдамчи операцияларга сарфланадиган вақтлар **хронометраж кузатуви** ёрдамида аниқланади.

Шартномага, бир вақтни ўзида вагонларни ортиш ва тушириш ва ўрнини алмаштириш фронтининг сифимидан зиёд миқдорда вагонларни бирданига олиб кириб беришни назарда тутиш шартлари киритилганида, вагонларни тўхтаб туриши уларни **фронтга ҳақиқий қўйилган пайтидан** бошлаб ҳисоб қилинади.

Вагонларни ўрнини алмаштириш ташкилотларнинг ва жисмоний шахсларнинг воситаларида амалга оширилган ҳолларда бир вақтни ўзида олиб кириб берилган барча партиядаги вагонларга тўхтаб туриш меъёри, вагонларни **ортиш ва тушириш учун зарур вақтидан** ҳамда вагонларни ёки механизмларни **фронт бўйлаб ўрнини алмаштириш вақтидан** келиб чиқиб, белгиланади.

**Вагонларни айланиш муддати.** *Ташкилот ва жисмоний шахслар тасарруфидаги темир йўл шохобча йўлига уларнинг локомотивида хизмат кўрсатилганида, яъний темир йўли вагонларни чиқариб қўйиладиган йўлда топширганида ва қабул қилиб олганида, темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси шартномасида вагонларнинг айланиш муддати белгиланади.* Ташкилот ва жисмоний шахслар тасарруфидаги темир йўл шохобча йўлига уларнинг локомотивида хизмат кўрсатилганида **вагонларнинг айланиш муддати** қуйидаги асосий элементларни ўз ичига олади:

*а) топшириш-қабул қилиш операциялари вақти, узатма поездидаги вагонлар сонига мувофиқ ҳар бир вагонга 1 дақиқа ҳисобидан белгиланади, лекин бу вақт бирданига топшириладиган барча вагонларга 30 дақиқадан зиёд бўлмаслиги керак;*

*б) темир йўл шохобча йўлида вагонларни ҳаракатланиш ва маневр операцияларни бажариш вақти, ҳаракатланиш масофасидан ва тезлигидан келиб чиқиб ҳисоблаш орқали аниқланади. Ҳаракатланиш тезлиги “Темир йўл шохобча йўлига хизмат кўрсатиш тартиби ва ҳаракатни ташкил қилиш ҳақида Йўриқнома” белгиланган миқдорда қабул қилинади;*

*в) вагонларга юкларни ортиш ва тушириш вақти юкларни ташиши Қоидаларини 6-бўлими “Юкларни ортиш ва тушириш муддатлари” га мувофиқ қабул қилинади;*

*г) темир йўл шохобча йўлида составларни тарқатиш ва шакиллаш вақти хронометраж кузатувлари асосида аниқланади, лекин составни тарқатиш ёки шакиллаш 30 дақиқадан зиёд бўлмаслиги керак.*

Темир йўл шохобча йўлида контрагентлар мавжуд бўлганида вагонларни айланиш муддатлари бундай контрагентларни ишларини инобатга олиб аниқланади.

Вагонларни айланиш муддатлари:

- а) битта операцияли вагонлар (ортиш ёки тушириш) учун;
- б) иккита операцияли вагонлар (ортиш ва тушириш) учун;
- в) маршрутларни ортиш ва тушириш учун белгиланади.

Юқорида “а”, “б”, “в” пунктларда назарда тутилган алоҳида вагонларнинг айланиш муддатлари ўрнига, темир йўл шохобча йўлида бажариладиган операциялардан қатъий назар барча вагонлар учун битта умумий (ягона) айланиш муддати белгилаш ҳам мумкин.

**Ортиш-туширишнинг меъёрий муддатларини**, муносиб ҳолатларда эса **вагоннинг айланишнинг меъёрий муддатини** бажармаганлиги, учун юк жўнатувчилар ва юк олувчилар вагоннинг тўхтаб туриши учун **жарима** туридаги фуқаролик - ҳуқуқий жавобгарлигига тортиладилар.

## **9. Вагонларни тўхтаб туришини ҳисоб қилиш ва тўхтаб туриш меъёрини, вагонни айланиш муддатини бажармаганлик учун жавобгарлик**

Темир йўл шохобча йўлига темир йўлининг локомотивида хизмат кўрсатилганида, аниқланган ортиш ва тушириш муддати ушбу шохобча йўл учун **вагонларни тўхтаб туриш меъёри** (қуйида тўхтаб туриш меъёри деб юритилади) сифатида белгиланади. Темир йўли шохобча йўлига темир йўлининг локомотивида хизмат кўрсатилганида вагонларни тўхтаб туриш вақти, вагонларни ортиш ёки тушириш жойига **ҳақиқий олиб кириб берилган пайтдан** бошлаб токи вагонларни олиб чиқишга тайёрлиги ҳақида станция ташкилотдан ёки жисмоний шахсдан **хабар олган пайтгача** ҳисобланади.

Ташкилот ёки жисмоний шахслар тасарруфидаги темир йўл шохобча йўлига уларнинг локомотивида хизмат кўрсатилганида, аниқланган вагонларнинг айланиш муддати муайян темир йўл шохобча йўлига меъёр сифатида белгиланади, лекин амлиётда бу меъёр **вагонларнинг айланиш муддати** деб юритилади. Темир йўли шохобча йўлига шохобча йўл эгасининг локомотивида хизмат кўрсатилганида вагонларни тўхтаб туриш вақти, вагонларни чиқариб қўйиладиган йўлда темир йўли **топширган пайтидан** бошлаб токи ушбу йўлда шу вагонларни **қабул қилиб олган пайтгача** ҳисобланади.

Темир йўл шохобча йўлида вагонларни бўлган (турган, юрган ва ҳ.к.) **вақти номерли усулда** ҳисоб қилинади. Темир йўл шохобча йўлида вагонни айланиш вақти ҳамда вагонларни ортишда ва туширишда тўхтаб турган вақти **вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш**

**қайдномасида** (қуйида **қайднома** деб юритилади) ҳисоб қилинади. Вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш қайдномаси станциянинг **товар идорасида** ГУ-45 шакилдаги **қабул қилувчи топширувчи эсдалиги** (қуйида **эсдалик** деб юритилади) асосида тузилади (юк ишлари катта ҳажмларда бўлганида аслича вароқ асосида ҳам тузиш мумкин).

Вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш **вақти** вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш қайдномасида, қабул қилувчи топширувчи эсдалигида (ГУ-45 – шакил) ёки аслича вароқда вагонларни олиб кириб берилган ва олиб чиқилган **пайтдан** кўрсатилади. **Эсдалик** ва аслича вароқни темир йўлининг қабул қилувчи топширувчиси ва ташкилот хизматчиси ёки жисмоний шахс имзолайдилар. Имзоланган **эсдалик** ва аслича вароқ вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш қайдномасини тузиш учун товар идорасига топширилади.

Темир йўл шохобча йўлига темир йўлининг локомотивида хизмат кўрсатилганида, фронтга бир вақтни ўзида олиб кириб берилган вагонларни олиб чиқишга тайёрлиги ва юк операцияларини тугаганлиги ҳақида ёки бир вақтни ўзида қабул қилинган вагонларни (темир йўл шохобча йўлига шохобча йўл эгасининг локомотивида хизмат кўрсатилганида) чиқариб қўйиладиган йўлга чиқариб қўйилганлиги ва уларни олиб чиқишга тайёрлиги ҳақида ташкилот ёки жисмоний шахс станция навбатчиси (ДСП) га ёки станция бошлиғи кўрсатмаси бўйича бошқа шахсга **ёзма хабар** (қуйида хабарнома деб юритилади) бериши керак. Хабарномада уни қабул қилиб олган шахсни фамилияси кўрсатилади ва қабул қилиш вақти ҳақида белиги қўйилади ва товар идорасига вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш қайдномасини тузиш учун товар идорасига топширилади.

Вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш қайдномасини уч нусхада тузилади: биринчи ва иккинчи нусхалар тегишли “**Ташиш хужжатларини қайта ишлаш бўйича Техноложик Марказ (ТехПД)**” га тақдим этилади, учинчи нусха эса ташкилотга ёки жисмоний шахсга берилади. ТехПД **қайдномасини** қайта ишлагандан сўнг иккинчи нусхасини станцияга қайтариб юборади. Агар станцияда қабул қилувчи топширувчи эсдалиги юритилса, вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш қайдномасини **ҳар куни** станциянинг ва ташкилотнинг вакили, жисмоний шахс имзолашлари керак. Қабул қилувчи топширувчи эсдалиги юритилмайдиган станцияларда вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш қайдномасини станциянинг ва ташкилотнинг вакили, жисмоний шахс **вагонларни топшириш пайтида** имзолашлари керак.

Станция тарафидан **қайдномани катта товар кассири**, у бўлмаган жойда **станция бошлиғи** ёки **унинг мовуни** имзолайдилар. Ташкилот томонидан **қайдномани** ташкилотнинг раҳбари ва бош (катта) ҳисобчиси имзолаган ва муҳир билан тасдиқланган ишончнома бўйича **ташкилотнинг ваколатли хизматчиси** имзолайди. Ташкилот вакили



**қайдномада** кўрсатилган маълумотлардан норози бўлган тақдирда ҳам **қайдномани** имзолаши керак ва унда ўз мулоҳазали фикрларини ёзиб қўйади.

Темир йўл шохобча йўлида вагонларни тўхтаб туришини ҳисобга олиш ва вагонларни белгиланган муддатларидан зиёд тўхтаб туриш учун жарималарни ҳисобаш универсал вагонлар (ёпик вагонлар, платформалар, ярим очик вагонлар) бўйича, махсус вагонлар (цистерналар, бункерли ярим очик вагонлар, транспортёрлар, цементташувчилар ва бошқалар) ва изотермик вагонлар бўйича вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш қайдномаси бўйича алоҳида амалга оширилади.

Юк олувчилар ўз вақтида юкларни тушириб олмаганликлари ва ташиб кетмаганликлари сабабли темир йўлининг минтақавий бўлинмаси бошлиғи темир йўл станцияда ёки темир йўл шохобча йўлларида белгиланган муддатларидан 24 соатдан зиёд ушланиб қолинган вагонларнинг тўхтаб туриши учун жаримани **икки карра миқдорида** ошириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Оширилган жарима бу ҳақида станцияда эълон осиб қўйилганидан кейин 24 соатдан сўнг амалга киритилади. 24 соатдан зиёд ушланиб қолинган вагонларнинг тўхтаб туриши учун оширилган жарима юкни тушириш учун вагонларни белгиланган муддатидан зиёд тўхтаб туришининг биринчи соатидан бошлаб ҳисобланади.

ЎТЙ ДАТК раисининг 06.12.07 й. № 403-Н буйруғига асосан 1-январь 2008 йил соат 00 дан эътиборан темир йўл станцияларида ёки темир йўл шохобча йўлларида юк олувчиларнинг востияларида юкларни тушириш учун олиб кириб берилган МДХ ва Болтиқбўйи давлатлари темир йўл маъмуриятларининг тасарруфидаги вагонларни белгиланган норматив муддатлардан 24 соатдан ортиқ тўхтаб туришлари учун жарима санкцияларининг суммаларини устма ҳисоблаш **10 коэффициентидан** фойдаланиб амалга оширилади.

## **Назорат саволлари**

1. Айрим ташкилотларга ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган, умумий темир йўл тармоғи билан узлуксиз релсли излар орқали боғланишда бўлган йўллар ..... мансуб бўлади.
2. .... ташкилот ва жисмоний шахсларнинг мулки бўлган идораларга қарашли ёки темир йўлининг тасарруфида бўлиши мумкин.
3. Қандай ҳолларда темир йўл шохобча йўли идоранинг тасарруфида бўлиши мумкин?
4. Темир йўл шохобча йўли идорага қарашли бўлса, унинг чегарасида қандай белги ўрнатилади?
5. Технологик юк ташишлар билан боғлиқ бўлмаган, янги қурилган темир йўл шохобча йўллари қандай ҳужат асосида темир йўлининг мулкига ўтказилиши мумкин?
6. Технологик юк ташишлар билан боғлиқ бўлмаган, янги қурилган темир йўл шохобча йўллари қандай ҳужат асосида темир йўлининг мулкига ўтказилиши мумкин?

7. Технологик юк ташишлар билан боғлиқ бўлмаган, янги қурилган темир йўл шохобча йўллари қандай ҳужжат асосида темир йўлининг мулкига ўтказилиши мумкин?
8. Идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларининг ҳуқуқий мақоми қайси қонун ҳужжатида белгилаб қўйилган?
9. Темир йўл шохобча йўлларини асосий қоидалари қайси қонун ҳужжатида баён этилган?
10. Темир йўл шохобча йўлларини эксплуатацияси Қоидалари қайси қонун ҳужжатида баён этилган?
11. Вагонларни темир йўл шохобча йўлларига олиб кириб бериш ва олиб чиқиш йиғимлари ва уларнинг ҳисоблаш тартиблари қайси қонун ҳужжатида баён этилган?
12. Темир йўл шохобча йўлларида вагонларни меъёрдан ортиқ тўхтаб туриб қолиши учун жарималар ва уларнинг ҳисоблаш тартиблари қайси қонун ҳужжатида баён этилган?
13. Идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларининг мулкдорлари ва темир йўл транспорти корхоналари ўртасидаги муносабатлар қандай ҳужжат билан белгиланади?
14. Идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларига эга бўлган ташкилот ва жисмоний шахслар билан темир йўлини ўзаро муносабатлари қандай ҳужжат билан тартибга солинади?
15. Ташкилот ва жисмоний шахсларнинг тасарруфидаги темир йўл шохобча йўлларига вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш ҳамда маневр ишлари ..... амалга оширилади.
16. Темир йўл шохобча йўлининг иш технологиясини нимага қараб белгиланади?
17. Қачонки темир йўл шохобча йўлига шохобча йўл эгасинининг локомотивида хизмат кўрсатилса, темир йўли вагонларни қаерга элтиб қўйади?
18. Темир йўл шохобча йўлига шохобча йўл эгасинининг локомотивида хизмат кўрсатилганида ..... белгиланади?
19. Темир йўл шохобча йўлига темир йўлининг локомотивида хизмат кўрсатилганида..... белгиланади.
20. Контрагентлар кимлар?
21. Контрагентлар кимлар?
22. Контрагентлар вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш бўйича хизмат кўрсатиш қандай ҳужжатда белгиланади?
23. Темир йўли олдида контрагентларда вагонларни тўхтаб туриши учун жавобгарлик кимнинг зиммасида бўлади?
24. Темир йўлининг тасарруфидаги темир йўл шохобча йўлида рельс ёни омборлари ва ортиш-тушириш майдонлари бўлган ташкилот ва жисмоний шахс билан темир йўлининг ўзаро муносабатлари қандай ҳужжат билан тартибга солинади?
25. Темир йўлининг тасарруфидаги темир йўл шохобча йўлига вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш ва маневр ишлари кимнинг локомотивида амалга оширилади?
26. Темир йўлининг тасарруфидаги темир йўл шохобча йўлини шай ва соз ҳолатини таъминлашни ва жорий таъмирлаш кимнинг воситаларида ва ҳисобидан амалга оширилади?
27. Темир йўлининг тасарруфидаги темир йўл шохобча йўлини ташкилот ва жисмоний шахс худуди сарҳадларидаги йўлларни, ҳамда ортиш ва тушириш фронтларини ахлатлардан ва қордан тозалаш ҳамда ёритиш кимнинг воситаларида ва ҳисобидан амалга оширилади?
28. Юк айланмаси бир суткада 50 тагача вагон бўлганида темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси шартномасини кимлар имзолайдилар?
29. Юк айланмаси бир суткада 50 тагача вагон бўлганида вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномасини кимлар имзолайдилар?

30. Юк айланмаси бир суткада 50 тадан зиёд вагон бўлганида темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси шартномасини кимлар имзолайдилар?
31. Юк айланмаси бир суткада 50 тадан зиёд вагон бўлганида вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномасини кимлар имзолайдилар?
32. Юк айланмаси бир суткада 50 тадан зиёд вагон бўлганида темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси шартномасини кимлар имзолайдилар?
33. Юк айланмаси бир суткада 50 тадан зиёд вагон бўлганида вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномасини кимлар имзолайдилар?
34. Темир йўл шохобча йўлини ўртача суткалик юк айланмаси бир қандай аниқланади?
35. Иш характери мавсумий бўлган темир йўл шохобча йўлларида ўртача суткалик юк айланмаси қандай аниқланади?
36. Темир йўл шохобча йўлини ва уни техник жиҳозланишини кузатиб чиқиш қачон амалга оширилади?
37. Темир йўл шохобча йўлини ва уни техник жиҳозланишини кузатиб чиқиш қандай ҳужжатда расмийлаштирилади?
38. Темир йўл шохобча йўлини кузатиб чиқиш актини кимлар имзолайдилар?
39. Темир йўл шохобча йўлини кузатиб чиқишда қатнашган ташкилотнинг вакили актга киритилган маълумотлар билан норози бўлганида қай йўсинда иш тутилади?
40. Темир йўл шохобча йўлини эксплуатацияси шартномаси лойиҳасини ким ва қайси ҳужжат асосида ишлаб чиқади?
41. Вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш шартномаси лойиҳасини ким ва қайси ҳужжат асосида ишлаб чиқади?
42. Темир йўл шохобча йўли куриб битказилганидан ва эксплуатацияга топширилганидан сўнг, темир йўл шохобча йўлини эгаси қандай ҳужжатни ишлаб чиқиши керак?
43. Темир йўл шохобча йўли куриб битказилганидан ва эксплуатацияга топширилганидан сўнг, темир йўл шохобча йўлини эгаси қандай ҳужжатни ишлаб чиқиши керак?
44. Темир йўл шохобча йўлига хизмат кўрсатиш тартиби ва ҳаракатни ташкил қилиш ҳақидаги Йўриқномани ким билан музокарадан ўтказиш керак?
45. Станция бошлиғи билан келишилган темир йўл шохобча йўлига хизмат кўрсатиш тартиби ва ҳаракатни ташкил қилиш ҳақидаги Йўриқномани ким тасдиқлайди?
46. Темир йўл шохобча йўлига хизмат кўрсатиш тартиби ва ҳаракатни ташкил қилиш ҳақидаги Йўриқнома тасдиқланмагунича .....
47. Темир йўли тасрруфидарги темир йўл шохобча йўлига хизмат кўрсатиш ва маневр ишларини ташкил этиш тартиби станциянинг қайси ҳужжатида кўрсатилади?
48. Темир йўл шохобча йўлига вагонларни олиб кириб бериш ҳақида станция қачон хабар бериши керак?
49. Вагонларни ортишга ёки туширишга олиб кириб бериш вақти ҳақида хабар беришни ёзиб бориш учун станцияда қандай Китоб юритилади?
50. Қайси ҳолатда темир йўл шохобча йўлига вагонларни олиб кириб бериш ва темир йўл шохобча йўлидан қайтариш жадвал бўйича белгиланиши мумкин?
51. Қайси ҳолатда темир йўл шохобча йўлига вагонларни олиб кириб беришлар ўртасидаги вақт интервалига риоя қилиб белгиланиши мумкин?
52. Темир йўл шохобча йўлига вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш учун икки томонга ҳақ ундириладиган масофа қайси ҳужжатда кўрсатилади?
53. Темир йўл шохобча йўлига темир йўлининг локомотивида хизмат кўрсатилганиди вагонларни топшириш ва қабул қилиш қаерда амалга оширилади?
54. Темир йўл шохобча йўлига шохобча йўли эгасининг локомотивида хизмат кўрсатилганиди вагонларни топшириш ва қабул қилиш қаерда амалга оширилади?

55. Темир йўл шохобча йўлига юкли ва бўш вагонларни топшириш кимларнинг имзоси билан тасдиқланади?
56. Темир йўл шохобча йўлига юкли ва бўш вагонларни топшириш топширувчи ва қабул қилувчи тараф хизматчилари имзоси билан қайси ҳужжатда тасдиқланади?
57. Темир йўл шохобча йўлига юкли ва бўш вагонларни топшириш топширувчи ва қабул қилувчи тараф хизматчилари имзоси билан қайси ҳужжатда тасдиқланади?
58. Ортиш ва тушириш fronti деб нимага айтилади?
59. Механизациялашмаган ортиш-тушириш усулида фронтнинг ўлчами нимадан келиб чиқиб белгиланади?
60. Қандай юклар бир жинсли юклар деб ҳисобланади?
61. Механизациялашган ортиш-тушириш усулида фронтнинг ўлчами нимадан келиб чиқиб белгиланади?

## **17-маъруза. Юкларни вагонларга жойлаштириш ва маҳкамлаш**

**Режа:**

- 1. Умумий ҳолатлар**
- 2. Юкларнинг габаритлари**
- 3. Вагонларни ортишга тайёрлаш**
- 4. Юкларни вагонларга маҳкамлаш воситалари**
- 5. Юкларни ташишга тайёрлаш, ортиш ва туширишга талаблар**
- 6. Юкларни вагонларга жойлаштириш**
- 7. Вагонларга юкларни жойлаштириш ва маҳкамлаш усулларини ҳисоблаш услуби**
  - 7.1. Инерция кучларини ва шамол юкламасини аниқлаш**
  - 7.2. Ишқаланиш кучларини аниқлаш**
  - 7.3. Вагонни юк билан турғунлигини текшириш**
  - 7.4. Вагондаги юкни турғунлигини аниқлаш**
  - 7.5. Юкни ағдарилишидан маҳкамлашдаги зўриқишларни аниқлаш**
  - 7.6. Маҳкамлаш элементларини танлаш ва ҳисоблаш**
  - 7.7. Цилиндр шаклидаги ва ғилдиракларда юрадиган юкларни думалашдан маҳкамлаш**

### **1. Умумий ҳолатлар**

Юкларни ортиш вагонларга ва контейнерларга юкларни жойлаштириш ва маҳкамлашнинг **Техник шартлари** (қуйида Техник шартлар деб юритилади), **юкларни ташиш Қоидалари** (қуйида Қоида деб юритилади) ва **1520 мм изли темир йўлларда ногабарит ва оғир вазнли юкларни ташиш бўйча Йўриқнома** (қуйида Йўриқнома деб юритилади) талабларга мувофиқ амалга оширилади.

Амалдаги Техник шартларда (Технические условия размещения и крепления грузов в вагонах и контейнерах. – М.: Юридическая фирма «Юртранс», 2003. – 544 с., қуйида **ТУ** деб юритилади) жуда катта номдаги: ўрмон материаллари; металл маҳсулотларни; темирбетон, асбестоцемент ва бошқа буюм ва конструкцияларни; яшиқларга жойлаштирилган ва ўровсиз текис таянчли юкларни; цилиндр шаклдаги юкларни; ғилдиракли ва ўрмаловчи машиналарни ва ҳ.к. ларни очиқ ҳаракатдаги составларга жойлаштириш ва маҳкамлаш чизмалари ва усуллари ҳамда маҳкамлаш восталарининг турлари, ўлчамлари ва миқдорлари кўрсатилган.

Йил сайин саноат корхоналари янги турдаги; қурилиш монтаж ҳамда йиғма темирбетон конструкцияларни ва бошқа турли туман маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқдаларки, уларни ташиш усуллари Техник шартларда ҳали ҳозир баён этилмаган бўлиши мумкин.

Амалдаги Техник шартлар (**ТУ**) да назарда тутилмаган юкларни вагонларга жойлаштириш ва маҳкамлаш усуллари юкларни жойлаштириш

ва маҳкамлашнинг **маҳаллий техник шартлари** (местными техническими условиями, куйида **МТУ** деб юритилади) га мувофиқ амалга оширилиши керак (ТУ нинг 1-боби, 7.1 ва 7.2 пунктлари).


Жойлаштириш ва маҳкамлаш усуллари **ТУ** ва **МТУ** да ишлаб чиқилмаган юкларни вагонларга жойлаштириш ва маҳкамлаш **техник шартларда назарга тутилмаган** (непредусмотренными техническими условиями, куйида **НТУ** деб юритилади) усулларида амалга оширилиши керак (ТУ нинг 1-боби, 7.3 пункти).

Ҳозирда ортиш – тушириш ишлари механизациялашган ва комплекс механизациялашган бўлишига қарамай, **ортиш пунктларида** юкларни вагонларга маҳкамлаш ва **тушириш пунктларида** вагонларга маҳкамланган юкларни бўшатиш (маҳкамлаш воситаларини ечиб олиш) **қўл учида бажарилмоқда**. Бунинг оқибатида эса юкларни вагонларга маҳкамлаш ва вагонларга маҳкамланган юкларни бўшатиш билан боғлиқ бўлган ишларга, ортиш – туширишга қараганда кўпроқ вақт ва меҳнат сарфланмоқда. Келажакда эса, ортиш – тушириш машиналарнинг унумдорлигини юксалиши баробар бу тафовут вақт бўйича ўсиб боради ва бундай ҳолат ортиш – тушириш ишларида **меҳнат унумдорлигини юксалишига тўсқинлик қилади**.

## 2. Юкларнинг габаритлари

*Вагон тўғри горизонтал йўлда турганида, ҳаракатдаги составнинг ва йўлнинг бўйлама ўқлари битта вертикал текисликда ётганида очиқ ҳаракатдаги составга ортилган юк ўрви ва маҳкамлаш воситалари билан **асосий юкларнинг габарити** (1 – расм, а) **ҳадида (пределех)** жойлаштирилиши керак.* Автомобилларни, тракторларни, қишлоқ хўжалик ва йўл қурилиш машиналарини, темирбетон ва металл буюмларни ҳамда узунлиги платформа ва ярим очиқ вагон **ҳадида (пределех)** жойлашадиган юкларни Россия Федерациясининг Узоқшарқ темир йўлидан бошқа барча МДХ га аъзо давлатларнинг ва Болтиқ бўйи Республикаларининг темир йўлларида **имтиёзли юкларнинг габаритига** (1-расм, б) мувофиқ ортиб жўнатишга рухсат берилади.

Озорбайжон, Кавказорти, Львов темир йўлларида ҳамда: Шимолий – Кавказ темир йўлининг Белоренченск – Туапсе – Веселое; Қрим – Новороссийск участкаларидан; Шимолий темир йўлининг Чум – Лабытнанги ва Пукса – Наволок участкаларидан; Красноярск темир йўлининг Тигей – Ачинск участкаларидан бошқа барча МДХ га аъзо давлатларнинг ва Болтиқ бўйи Республикаларининг темир йўлларида **минтақавий юкларнинг габаритларидан** (1-расм, в) фойдаланиб ярим очиқ вагонларга ўрмон материалларини ортиб жўнатишга рухсат этилади.



1- рaсм. Темир йўли юклаш габаритлари:  
 а) ассий; б) имтигээли; в) минтакавий

Имтиёзли ёки минтақавий юклаш габаритида ортилган юкка жўнатувчи юкхатининг “*Место особых отметок и штемпелей*” графасига мувофиқ равишда “**Имтиёзли габарит**” ёки “**Минтақавий габарит**” белгиси қўйилиши шарт. Худди шундай белгини станциянинг товар иродаси хизматчиси ҳам **вагон вароғининг “Место для отметок”** графасига қўйишлари шарт. “Имтиёзли габарит” ва “Минтақавий габарит” белгисини юкхатида ва вагон вароғида мавжуд бўлишлиги **ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш кафолатларидан** бири ҳисобланади.

Вагон тўғри горизонтал йўл участкасида ва вагоннинг симметрияси билан темир йўлининг ўқи бўйлама вертикал текистликда бўлганида юкнинг габаритлигини текшириш амалга оширилади.

### **3. Вагонларни ортишга тайёрлаш**

Юкни ортишдан олдин жўнатувчи вагоннинг полини, юкнинг таянч юзасини, остликни, қистирмани, тирак ва тиргак тўсинларни ҳамда боғлагич ва тортқич билан тутатиш жойларидаги юкнинг ситрини **қордан, муздан, лой ва ифлослардан** остойдил тозалаши керак. Қиш пайтларида юк жўнатувчи вагоннинг полига ва остликнинг юк таянадиган жойларига **тоза куруқ қумдан юкка қатламда** сепаб қўйиши керак.

Ярим очик вагонларнинг остки тўкиш туйникларининг қопқоқлари тўлиқ беркитилиши ва **икки тишли зулуф (закидка) нинг асосий юқори тишларига** маҳкамланиши ҳамда **бармоқли секторларга** қайдлаб (фиксациялаб) қўйилиши керак. Агар юкни кузовнинг юклаш бўйи ва эни ҳадида жойлаштириш амалга оширилса, платформанинг бўйлама ва этак бортлари, ярим очик вагоннинг эса этак эшиклари беркитилиши ва тамбалар билан тамбаланиши, платформа бортларининг тамбалаш понаси пастга тираккача чўктирилиши керак, лекин ортиш технологияси очик бортлар ва эшиклардан фойдаланишни таъқозо этадиган ҳолатлар бундан мустасно.

Платформа ва ярим очик вагон полининг бўйидан зиёд бўлган юкларни ортишдан олдин платформанинг этак бортлари очилиб этак кронштейнлар устига ётқизиб қўйилади, ярим очик вагоннинг эшиклари ичкарасига очилиб ёнбош деворларга маҳкамлаб боғлаб қўйилади. Платформанинг кранштейнлари устига ётқизиб қўйилган этак бортларини устига юк таянмаслиги керак, шунинг учун уни **остлик устига** жойлаштирилади.

Платформанинг бўйлама бортларининг секциялари очиб қўйиб юк ташиладиган бўлса, у ҳолда пастга қайтарилиб тушириб қўйилган бўйлама бортларнинг секциялари платформанинг **ёнбош бўйлама тўсиндаги ҳалқаларга** маҳкамлаб боғлаб қўйилиши шарт.

Платформанинг ёнбош бўйлама тўсинида ҳалқалар мавжуд бўлмаган ҳолатларда карама – қарши бўйлама бортларнинг секцияларини бир –



бирларига ёнбош ва ўрқач тўсинлар остидан ўтказилган диаметри 4 мм дан кам бўлмаган **термик ишлов берилган сим** билан боғлаб қўйиш керак. **Платформа бортларини боғлаб қўйиш маъсулияти юк жўнатувчи зиммасига юклатилади.** Платформани бўйлама бортлари қайтариб пастга тушириб боғлаб қўйилганидан сўнг вертикал ҳолатда туриши, қайтариб пастга тушиб қўйилган бўйлама бортнинг чап четдаги секциясига **ювилиб кетмайдиган оқ бўёқ** билан платформани номерини ёзиб қўйилиши керак.

Агар эгри чизикли йўл участкасида узун бўйли юк ортилган тиркалма ҳаракатланиб бораётганида юкнинг кўндаланг силжишига платформаларнинг бўйлама бортларининг секциялари тўскинлик қилса, улар ҳам пастга қайтариб тушириб қўйилади. Тиркалма вагонларни бир – биридан ажратишни (узишни) олдини олиш учун вагонларнинг икки томонидаги ён бортларига ювилиб кетмайдиган оқ бўёқ билан “**Тиркалма ажратилмасин**” устхати ёзиб қўйилади. **Юк жўнатувчи ёки тиркалмага юкни ортишни амалга оширган ташиқлот автоулагични узиш ричаги дастасини платформанинг кронштейнига термик ишлов берилган сим билан маҳкамлаб боғлаб қўйиши керак.** Узун бўйли юкларни ташиш учун тиркалма вагонларнинг лозим даражада тайёрланганлигини вагонлар хизматнинг ишчилари кўрикдан ўтказиб чиқдилар.

#### **4. Юкларни вагонларга маҳкамлаш воситалари**

Вагонларга юкларни жойлаштириш ва маҳкамлаш учун **тортқич** (растяжка), **боғлагич** (обвязка), **тортма** (стяжка), **боғлама** (увязка), **тирак** (упорные) ва **тиргак** (распорные) **тўсинлари** (бруски), **устунлар** (стойки), **остлик** (подкладки), **қистирма** (прокладки), **қалқон** (щиты), **турникет** ва шу каби мосламалардан ҳамда **кўп маротаба ишлатиладиган стандарт маҳкамлагичлардан** фойдаланилади. Маҳкамлаш элементларини ва воситаларини ўрнатишда стандарт маҳкамлаш буюмларидан, масалан болтлардан, шпилькалардан, михлардан, курилиш чангак (скоба) ларидан фойдаланилади.

**Тортқич** – бир учи билан юкдаги боғлаш мосламасига, иккинчи учи билан эса бунинг учун вагон кузовида махсус мўлжалланган боғлаш мосламасига боғланадиган (маҳкамланадиган) маҳкамлаш воситаси. **Боғлагич** – юкни қамровловчи ва иккала учи билан вагон кузовидаги боғлаш мосламасига боғланадиган (маҳкамланадиган) маҳкамлаш воситаси. **Тортма** – бошқа маҳкамлаш воситаларини (одатда, тортқич, боғлагич, устунларни) ўзаро бириктириш ва тортиш учун мўлжалланган маҳкамлаш воситаси. **Боғлама** – алоҳида юк бирликларини бир юк жойига бирлаштириш учун мўлжаллаган маҳкамлаш воситаси. Тортқич, боғлагич, тортма, боғламаларни тайёрлаш учун қуйидаги материаллар фойдаланилади:

- думалоқ кесмли, квадрат кесмли ҳолати бўйича термик қайта ишлов берилган пўлат симлардан;
- пўлат прокат ёки тасмадан;
- пўлат занжирлар ёки арқонлардан.

Думалоқ кесимли пўлат прокат симларни диаметри 5 мм дан, думалоқ бўлмаган пўлат прокат симларни кўндаланг кесимини юзаси 20 мм<sup>2</sup> дан кам бўлмаслиги керак.

Тортқич ва боғлагичларни вагонларга маҳкамлаш учун уларда **махсус мосламалар** мавжуд.

- **платформаларда:** ёнбош ва этак устун скобалари, этак тўсиндаги таянч кронштейнларга; катта тоннажли контейнерлар ва ғилдиракли техникалар учун платформаларда ёнбош скобалар.

- **ярим очик вагонларда:** остки боғлаш мосламаси (**косинкалар**); ёнбош девор тўсинида, полдан 1100 – 1200 мм да баландликда жойлашган оралик боғлаш масламаси; скоба шаклдаги устки боғлаш мосламаси.

Тортқич ва боғлагичларни вагон кузовини бошқа деталларига, шунингдек вагон кузови ичига устун маҳкамлаш учун мўлжалланган скобаларга, ярим очик вагон устки сарровидаги боғлаш ҳалқасига ҳамда платформа секция бортлари ташқи сиртидаги ҳалқаларга, **маҳкамлашга рухсат этилмайди.**

**Остлик** ва **қистирмалар** учинчи навдан паст бўлмаган тилинган (ёғоч) материалларидан тайёрланади. *Қайин, тоғтерак (ансох), қандағоч ва аргувон (жўка) лардан* сиқилишга ишлайдиган остлик ва қистирмалар тайёрлашга рухсат берилади, лекин уларга тирак ва тиргак тўсинлари ва бошқа маҳкамлаш элементлари маҳкамланмайди. Бу дарахт зотларидан ҳамда барча қуруқ қаттиқ дарахт зортларидан тирак ва тиргак тўсинлар тайёрлашда фойдаланишга ижозат берилмайди. Агар юкни шикастлантормаса турли шакилдаги металллардан, темир бетон ва бошқа материаллардан остлик ва қистирма тайёрлашга рухсат берилади.

Остлик ва қисритмалар вагон полига юкни таяниш майдонини ошириш, юк штабелини оғишдан эҳтиётлаш, юкларни ортиш ва туширишни механизациялаш имкониятини таъминлаш, юк ва (ёки) вагонни таянч юзасини шикастланишдан эҳтиётлаш учун ҳамда тирак ва тиргак тўсинларни маҳкамлаш учун ишлатилади. Агар назарда тутилган талаблар остликдан ва қистирмадан фойдаланмасдан таъминланса, уларни ўрнатиш шарт эмас.

Остликни ва қистирмани баландлиги 25 мм дан, эни эса 80 мм дан ва бунда энини баландлигига нисбати 1,5 дан кам бўлмаслиги керак. Вагонни эни бўйича жойлаштириладиган остликни узунлиги вагон кузовини энига, қистирмани эса – юкни энига тенг бўлиши шарт.

Пўсти тозаланмаган ва пўсти тозаланган **ёғоч устунлар** штабелланган юкларни ёнбош ва этак томонидан тўсиб туриш учун ишлатилади, уларни думалоқ ёғоч материаллари ёки тилинган (ёғоч)

материаллари тайёрланади. Думалоқ ёғоч материалларидан тайёрланган устунларни йўғонлига остки қирқимда 120 – 140 мм ва юқори қирқимда 90 – 120 мм бўлиши керак. Ярим очик вагонларга ўрнатиладиган устунлари эни, ярим очик вагонни устки саррови сатҳида 100 мм бўлиши лозим.

**Ёнбош устунлар баландлиги** ярим очик вагоннинг устки саррови сатҳидан:

**а) асосий юклаш габарити ҳадида ортишда:**

- бортлар баландлиги 1880 мм бўлганида 900 мм;

- бортлар баландлиги 2060 мм бўлганида 700 мм;

**б) минтақавий юклаш габарити ҳадида ортишда:**

- бортлар баландлиги 1880 мм бўлганида 1446 мм;

- бортлар баландлиги 2060 мм бўлганида 1266 мм дан зиёд бўлмаслиги керак.

Устунлар темир йўл платформаларини бунинг учун мўлжалланган **ёнбош ва этак устун скобаларига** ўрнатилади.

**Қисқа устунлар** платформа бортларини кўтариш қобилиятини ошириш учун ўрнатилади. Қисқа устунлар баландлиги платформа полини сатҳидан маҳкамланадиган бортни баландлигидан камида 100 мм га зиёд бўлиши керак. Платформа бортини баландлигидан анчагина зиёд бўлган ортиш баландлигидаги юкни тўсиб туриш учун **узун устунлар** ишлатилади. Маҳкамлагичларни кўтариш қобилиятини ошириш учун қарама – қарши устунлар баландлигини устки, зарурият туфайли эса – устки ва ўрта қисмлардан бир бирига **тортмаларда** бирлаштирилади.

**Тирак ва тиргак тўсинлардан, тиргак чорчўп** (рама) лардан юкларни вагонни бўйига ва энига илгариланма силжишидан маҳкамлаш учун ҳамда инерция кучларини вагон кузови элементлари (платформани ёнбош ва этак бортларига, ярим очик вагонни бурчак устунларига, этак **порожекларига** кузовнинг остки сарровига) га узатиш учун фойдаланилади. Тўсинлар учинчи навдан паст бўлмаган игнабаргли дарахтлардан тилинган материаллардан тайёрланади. Мустаҳкамлиги тегишли меъёрий ҳужжатларда тасдиқланган бошқа материаллардан тирак ва тиргак тўсинлар, тиргак чорчўплар тайёрлашга рухсат этилади. Тирак ва тиргак тўсинларни баландлиги 50 мм дан кам бўлмаслиги керак.

## **5. Юкларни ташишга тайёрлаш, ортиш ва туширишга талаблар**

Поездлар ҳаракати хавфсизлигини, юк, вагон ва контейнерларни асрашни таъминлаш талабларидан келиб чиққан ҳолда юкларни ташишга лозим даражада тайёрлаш керак. **Бу мақсадда юк жўнатувчи:**

- маҳкамлаш воситаларини ўрнатиш учун мўлжалланган юкнинг узел ва деталларининг мустаҳкамлигини, заруриятли ҳолатларда эса юкни маҳкамлаш учун мосламалар билан жиҳозланишини;

- ўров ёки идиш ичида юкни пухта маҳкамлаб жойлаштиришини;

- тегишли қоидаларда белгиланган тартибда автотрактор техникаларни ва қишлоқ хўжалик машиналарини ташишга тайёрлашни;
- майда фракцияли юкларни ортишдан олдин вагон кузови тирқишларини зичлаш бўйича қўшимча чоралар кўришни;
- очиқ ҳаракатдаги составга тўкилувчан юкларни ортишдан сўнг уни сиртини текислашни, заруриятли ҳолатларда эса зичлашни, **таъминлаши керак.**

Вагон паркини асрашни таъминлаш мақсадида юк жўнатувчилар ва юк олувчилар **қуйидаги талабларга:**

- ярим очиқ вагонларни остки тушириш туйниклари орқали тушириш назарда тутилган тўкилувчан юкларнинг алоҳида бўлақларининг энг катта ўлчамлари 400 мм дан зиёд бўлмалигига;
- автомобилларни, тракторларни ҳамда бошқа ўзи юрар ёки гилдиракли техникаларни ёнбошдан чиқиш ёки тушиш йўли билан ортишдан ёки туширишдан олдин платформа бортларини тушириб қўйишга, ортиш ёки тушириш тугаганидан сўнг эса уни – кўтариб пона тамбаларга маҳкамлашга;
- автомобилларни, тракторларни ҳамда бошқа ўзи юрар ва гилдиракли техникаларни ортишда ва туширишда платформа бортларни шикастланишдан асраш учун ўтиш кўприкчалари ва бошқа мосламалардан фойдаланишга;

**- слегдан** фойдаланиб юкларни думалатиб ортишда ва туширишда, улар платформа полига ёки ярим очиқ вагоннинг устки сарровига таянишига, **риоя қилишлари керак.**

**Ортиш – тушириш операцияларида:**

- ярим очиқ вагонларни остки тушириш туйниклари қопқоқларини тракторлар, механик юклагичлар, чигирлар, кранлар ва тегишли темир йўл транспорти корхонаси билан мувофиқлаштирилмаган бошқа техникалардан фойдаланиб очии ёки ёпишига;
- платформа полини шикастланишини олдиндан ҳимояламасдан, уни устида ўрмаловчи ўзи юрар техникаларни қайрилишига;
- вагон полига грейферни зарба билан туширишига;
- шайбали магнит билан жиҳозланган кранларда металл маҳсулотларни ортишни юкни ташлаб юбориш йўли билан бажаришига;
- тишли грейферларда вагонлардан туширишни бажаришига;
- платформа ёнбош бортларини юкларни ортиш – тушириш учун фойдаланишига;
- платформа бортига, ярим очиқ вагон девори ва эшигига грейферда тегиб кетишига;
- чигир ёрдамида юкларни туширишда пўлат арқонни платформа бортига ва ярим очиқ вагоннинг устки сарровига таянишига;
- музлаган юкларни ярим очиқ вагон остки тушириш туйник ўймаларидан грейферлар, бошқа юк қамрагич мосламалар ёрдамида

*итариб туширишига, юкни юмшатиши учун металл гўла (болванка) дан ҳамда музлаган юкларни эритиши учун очиқ оловдан фойдаланишига;*

*- 100 °С дан зиёд ҳароратли юкларни ортишига;*

*- сочилувчан юкларни ортиши ва туширишни гидравлик усулда амалга оширишига;*

*- темир бетон плиталар ишлаб чиқарилганидан сўнг, технологик ушлаш муддатлардан аввал ортишига;*

*- амалдаги Техник шартларда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, темир бетон плиталарни, конструкцияларни ва шунга ўхшаши юкларни ярим очиқ вагон кузови ёнбош деворига ёки платформа бортига қия ҳолатда жойлаштиришига;*

*- вагоннинг металл қисмларига юкларни пайвандлаш ва пармалаш ёрдамида маҳкамлашига;*

*- вагонлар деталлари ва узелларини, шу жумладан платформа бортларини ва ярим очиқ вагон эшикларини ажратиб олишига;*


*- тўкилувчан юкларни ўрмаловчи машиналарда платформа полини устига чиқиб ва экскаватор ковшинида сидириб, ҳамда оғир вазинли юкни платформа полида судраб туширишига, йўл қўйилмайди.*

Юклар туширилгандан сўнг вагонлар, контейнерлар ичидан ва ташқарисидан тозаланиши ва юкларни маҳкамлаш элементлари ечиб олиниши (ажралмайдиганлардан ташқари) шарт. Заруриятли ҳолатларда автоулагични узиш ричаги дастасидан, вагонлардан тушириш тўйниклари қопқоқларининг тамбаларидан, ярим очиқ вагонларнинг этак эшикларидан, платформа бортларининг тамбаларидан симларни ечиб олиш; платформа бортлари ва ярим очиқ вагон тўйник қопқоқлари беркитилиши керак. Маҳкамлаш учун кўп айланадиган инвентар мосламалар, шунингдек турникетлар, юкларни ташишга тайёрлашга қўйиладиган талабларга мувофиқ ортишга тайёрланиши керак.

## **6. Юкларни вагонларга жойлаштириш**

Вагонга жойлаштириладиган **юк массаси**, уни маҳкамлаш элементларини массасини билан биргаликда вагонни андаза (трафарет) юк кўтаришидан ортиқ бўлмаслиги керак. Вагон кузовини этак тўсини ҳадидан юкни энг чекка нуқтасини бўйлама йўналишда чиқиши **400 мм** дан зиёд бўлмаслиги керак. Юкларни вагонларга жойлаштиришда, **юкларни умумий оғирлик маркази** ( $УОМ_{юк}$ ) вагон симметриясини бўйлама ва кўндаланг текистликлари кесишган чизикда жойлашиши керак (2-расм). Агар ушбу талабни объектив сабабларга (юкни геометрик параметрларига, маҳкамлаш шартларига) кўра бажариш мумкин бўлмаса, истисноли ҳолатларда симметрия текисликларига нисбатан юкларни умумий оғирлик маркази ( $УОМ_{юк}$ ) ни силжишига рухсат этилади.

Юкларни умумий оғирлик маркази ( $УОМ_{ЮК}$ ) ни бўйлама йўналишда (вагон симметриясининг кўндаланг текислигига нисбатан) жоиз силжиш қиймати ( $ℓ_c$ ) вагондаги юкни умумий массасига мувофиқ 17.1-жадвалдан аниқланади.



2-расм. Юкларни вагонга жойлаштириш чизмаси

17.1-жадвал

**Вагондаги юкни умумий оғирлик марказини жоиз бўйлама силжиши**

Юк массаси, т	$ℓ_c$ , мм	Юк массаси, т	$ℓ_c$ , мм
$\leq 10$	3000	50	1700
15	2480	55	1330
20	2230	60	860
25	2070	62	690
30	1970	67	300
35	1890	70	110
40	1840	$> 70$	100
45	1800		

Илова: Юк массасини оралиқ қийматлари учун жоиз бўйлама силжишини чизиқли интерполяция усулида аниқланади.

1-мисол: Юкни массаси  $Q_{ЮК} = 33$  т, жоиз бўйлама силжиши аниқлансин.

$$\begin{aligned} \ell_{c,33} &= \ell_{c,30} - (\ell_{c,30} - \ell_{c,35}) / (35 - 33) \cdot (33 - 30) = \\ &= 1970 - (1970 - 1890) / (35 - 33) \cdot (33 - 30) = 1922 \text{ мм} \end{aligned}$$

бу ерда  $\ell_{c,30}$ ,  $\ell_{c,35}$  – юк массасини тегишли қиймати учун жоиз бўйлама силжишини жадвал қиймати.

Юкларни умумий оғирлик маркази ( $УОМ_{\text{юк}}$ ) ни кўндаланг йўналишда (вагон симметриясининг бўйлама текислигига нисбатан) жоиз силжиш қиймати ( $b_c$ ) вагондаги юкни умумий массасига ва вагонни юк билан умумий оғирлик маркази ( $УОМ_{\text{в.юк}}$ ) ни рельс каллагига сатҳидан (РКС) баландлигига мувофиқ 17.2-жадвалдан аниқланади.

17.2-жадвал

**Вагондаги юкни умумий оғирлик марказини  
жоиз кўндаланг силжиши**

Юк массаси, т	УОМ <sub>в.юк</sub> РКС дан баландлиги, мм	$b_c$ , мм	Юк массаси, т	УОМ <sub>в.юк</sub> РКС дан баландлиги, мм	$b_c$ , мм
≤ 10	≤ 1200	620	55	≤ 1500	220
	1500	550		2000	170
	2000	410		2300	150
30	≤ 1200	550	67	≤ 1500	180
	1500	450		2000	140
	2000	350		2300	120
	2300	290			
50	≤ 1200	350	> 67	≤ 2300	100
	1500	280			
	2000	250			
	2300	200			

*Илова: Юк массасини оралиқ қийматлари учун жоиз бўйлама силжишини чизиқли интерполяция усулида аниқланади.*

*2-мисол: Юкни массаси  $Q_{\text{юк}} = 33$  т, вагонни юк билан умумий оғирлик маркази рельс каллагига сатҳидан баландлиги 1500 мм, жоиз кўндаланг силжиши аниқлансин.*

$$b_{c,33/1500} = b_{c,30/1500} - (b_{c,30/1500} - b_{c,50/1500}) / (50 - 30) \cdot (33 - 30) = 450 - (450 - 280) / (50 - 30) \cdot (33 - 30) = 424 \text{ мм}$$

*бу ерда  $b_{c,30/1500}$ ,  $b_{c,50/1500}$  – юк массасини тегишли қиймати учун жоиз кўндаланг силжишини жадвал қиймати.*

Юкларни умумий оғирлик маркази ( $УОМ_{\text{юк}}$ ) ҳолатини назорати, бўйлама силжиш ( $l_c$ ) ва кўндаланг силжиш ( $b_c$ ) қийматларини (3-расм) қуйидаги формулалар орқали ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади:

$$l_c = 0,5 \cdot L - (Q_1 \cdot l_1 + Q_2 \cdot l_2 + \dots + Q_n \cdot l_n) / (Q_1 + Q_2 + \dots + Q_n), \text{ мм} \quad (17.1)$$

$$b_c = 0,5 \cdot B - (Q_1 \cdot b_1 + Q_2 \cdot b_2 + \dots + Q_n \cdot b_n) / (Q_1 + Q_2 + \dots + Q_n), \text{ мм} \quad (17.2)$$




бу ерда  $L$  ва  $B$  – вагон кузовининг ички узунлиги ва кенглиги,  $m$ ;

$Q_1, Q_2, \dots, Q_n$  – юкларни массаси,  $t$ ;

$\ell_1, \ell_2, \dots, \ell_n$  – вагоннинг этак бортидан юкларни оғирлик марказигача бўлган масофалар,  $mm$ ;

$b_1, b_2, \dots, b_n$  – вагоннинг ёнбош бортидан юкларни оғирлик марказигача бўлган масофалар,  $mm$ .



**3-расм. Вагондаги юкларнинг умумий оғирлик марказини бўйлама ва кўндаланг силжишини ҳисоблаш чизмаси:**

$OM_1$  ва  $OM_2$  – юк бирликларини оғирлик маркази;  $OM_B$  – вагоннинг оғирлик маркази;  $UOM_{юк}$  – юкларнинг умумий оғирлик маркази.

Юкларнинг умумий оғирлик маркази ( $UOM_{юк}$ ) ни 17.1- ва 17.2-жадваллар талабларга риоя қилиш мақсадида вагонга қўшимча юк қўйиш (балластлаш) га рухсат берилади. Заруриятли қўшимча юк массасини ва жойлашишини аниқлаш (17.1) ва (17.2)-формулалар асосида аниқланади.

Икки жойдаги юкларни қийшиқ симметрик жойлаштирилганда (4-расм) қуйидаги талаблар бажарилиши керак:


- иккала юк жойининг массаси тенг бўлиши керак;

- вагонни юк билан умумий оғирлик марказини ( $UOM_{в.юк}$ ) РКС дан баландлиги 2300 мм дан ортиқ бўлмаслиги керак:

- юк жойларини оғирлик марказлари ( $OM_1$  ва  $OM_2$ ) орасидаги бўйлама ва кўндаланг йўналишлардаги масофа юк массасига мувофиқ 17.3-жадвалда кўрсатилган жоиз қийматлардан ортиқ бўлмаслиги керак;

- вагонни юк билан умумий оғирлик маркази ( $UOM_{в.юк}$ ) вагон симметриясини бўйлама ва кўндаланг текисликлари кесилган чизиқда жойлашган бўлиши керак.





4-расм. Вагонга юкларни қийшиқ симметрик жойлаштириш

17.3-жадвал

**Вагонга қийшиқ симметрик жойлаштирилган юклар орасидаги  
максимал жоиз масофа**

Иккита юкни умумий массаси, т	ℓ, мм	b, мм
≤ 20	8000	1250
30	7000	900
40	6000	750
50	6000	600
55	6000	500
67	5000	400
72	4500	350

*Илова: Юкнинг умумий массасини оралиқ қийматлари учун жоиз масофа чизиқли интерполяция усулида аниқланади.*

Платформа симметриясининг кўндаланг текислигига нисбатан симметрик ва унинг рамасига кўндаланг ётқизиб қўйилган иккита остликка юкни жойлаштиришда, остликка тушадиган юкламага ва юкламани тақсимланиш кенглигига мувофиқ остликни жойлашиши аниқланади.

Платформа рамасига тушадиган юкламанинг тақсимланиш кенглиги  $V_{\text{юкл.}}$  қуйидагича аниқланади,


$$V_{\text{юкл.}} = b_{\text{юк}} + 1,35 \cdot h, \text{ мм} \quad (17.3)$$

бу ерда  $b_{\text{юк}}$  – таянч жойидаги юкни эни, мм;

$h$  – кўндаланг остликнинг баландлиги, мм.

Агар остликлар платформа базаси хадида жойлашса (5-расм), остликни бўйлама ўқи ва платформа симметриясининг кўндаланг текислиги орасидаги минимал жоиз  $a$  масофа 17.4-жадвалга мувофиқ

аниқланади. Битта остилка тушадиган юкларнинг оралиқ қийматлари учун минимал жоиз  $a$  масофа чизикли интерполяция усулида аниқланади.



**5-расм. Платформа базаси ҳадида иккита остликка юкни жойлаштириш чизмаси**

17.4-жадвалга

**Платформа базасининг ҳадида остликларни жойлаштириши**

Битта остилка тушадиган юклама, т	Юкларнинг тақсимланиш кенглиги ( $B_{\text{юкл.}}$ ) даги минимал жоиз ( $a$ ) масофа, мм		
	880	1780	2700
20	550	325	Чекланмаган
22	950	750	500
25	1200	1100	900
27	1425	1350	1200
30	1675	1600	1450
33	2075	1885	1850
36	3100	2900	2400


Агар остликлар платформа базаси ҳадини ташқарисида жойлашса (6-расм), остликни бўйлама ўқи ва платформа симметриясининг кўндаланг текислиги орасидаги максимал жоиз  $a$  масофа 17.5-жадвалга мувофиқ аниқланади. Битта остилка тушадиган юкларнинг оралиқ қийматлари учун максимал жоиз  $a$  масофа чизикли интерполяция усулида аниқланади.

Юкни ярим очик вагонга жойлаштирилганида туйник қопқоғи юзасига, қуйидаги юкларнинг тушиш схемаларига ва тегишли юкларнинг қийматларига рухсат этилади.

**Юкларнинг қўйиш жойи:** туйник юзасининг ўлчами  $25 \times 25 \text{ см}^2$  гача бўлган участкасига тушадиган солиштирма юклар  $3,68 \text{ кгк/см}^2$  зиёд бўлмаслиги керак.

**Туйникнинг барча юзаси бўйича бир текис тақсимланган юклар:** 6 тк да зиёд бўлмаслиги керак.

**Остлик орқали бериладиган юклама:** узунлиги 1250 мм дан кам бўлмаган, бир биридан 700 мм дан кам бўлмаган масофада ва вагоннинг ўрқач тўсинидан ва ёнбош деворидан тенг масофада туйник қопқоқларининг рах (гофра) ларига кўндаланг ётқизиб қўйилган иккита остлика юкни жойлаштиришда, туйник қопқоғига тушадиган жами юклама 6 тк дан зиёд бўлмаслиги керак.



**6-расм. Платформа базаси ҳадини ташқарисида иккита остликка юкни жойлаштириш чизмаси**

17.5-жадвал

**Платформа базасининг ҳадини ташқарисида остликларни жойлашиши**

Битта остлика тушадиган юклама, т	Юкламани тақсимланиш кенглиги ( $B_{\text{юкл.}}$ ) даги максимал жоиз ( $a$ ) масофа, мм		
	880	1780	2700
12,5	6250	6350	6400
15	6000	6050	6150
20	5600	5650	5750
25	5400	5450	5550
30	5370	5420	5520
33	5350	5400	5500
36	5330	5380	5500

Ярим очик вагон ўрқач тўсинга ва остки сарровининг бўйлама **уголнигини рафига** бараварига таянтириб, вагон рамасига кўндаланг ва туйнук қопқоқлари рахларни ўртасига ётқизиб қўйилган остлика юк жойлаштирилганда, битта остликдан жуфт туйнук қопқоғига тушадиган жами юклама 8,3 тк дан зиёд бўлмаслиги керак. Бир жуфт туйник қопқоғига бир нечта шундай остлик ўрнатишга рухсат этилади, бунда жами юклама остликларга 12 тк зиёд бўлмаслиги керак.

## 7. Вагонларга юкларни жойлаштириш ва маҳкамлаш усулларини ҳисоблаш услуги

Юкни жойлаштириш ва маҳкамлаш усулларини аниқлашда унинг массаси билан бир қаторда қуйидаги кучлар ва юкламалар инобатга олиниши лозим:

- поезднинг ҳаракатланишида тезланиш ва тормозланиш жараёнида, маневр ишлари пайтида ва саралаш тепалигидан ташлашда вагонларни уришишида пайдо бўладиган **бўйлама инерция кучлари**;


- вагоннинг ҳаракати пайтида ва у темир йўлининг эгри бурилиш ва ўтиш участкаларида ҳаракатланиб бораётганида (при вписывании) пайдо бўлувчи **кўндаланг инерция кучлари**;

- ҳаракатланиб бораётган вагоннинг тебранишлари пайтида тезланишлар келтириб чиқарган **вертикал инерция кучлари**;

- **шамол юкмаси**;

- **ишқаланиш кучи**.

Инерция кучлар қўйилган нуқта **юкнинг оғирлик маркази** ( $OM_{\text{юк}}$ ) ҳисобланади. Шамол юкмасини қўйилган нуқта **шамол урадиган юк сиртини геометрик маркази** ҳисобланади (7-расм). Шамол юкмасини ҳаракат йўналиши вагон симметриясининг бўйлама текислигига перпендикуляр қабул қилинади.



7-расм. Вагонга жойлаштирилган юкка таъсир қилувчи кучлар ва юкламалар

### 7.1. Инерция кучларини ва шамол юкмасини аниқлаш

Бўйлама инерция кучи қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$F_{\text{б}} = a_{\text{б}} \cdot Q_{\text{юк}}, \text{ тк} \quad (17.4)$$

бу ерда  $a_{\text{б}}$  – 1 т юк массасини солиштирма бўйлама инерция кучи,  $\text{тк/т}$ ;

$Q_{\text{юк}}$  – юкни массаси,  $\text{т}$ .

Аниқ юк массаси учун  $a_{\text{б}}$  ни қиймати қуйидаги формулалар орқали аниқланади:

якка вагонга юк ортилганда,

$$a_6 = a_{22} - Q_{в.юк} \cdot (a_{22} - a_{94}) / 72, \text{ тк / м} \quad (17.5)$$

иккита юк кўтарувчи вагонли тиркалмага юк ортилганда,

$$a_6 = a_{44} - Q_{т.юк} \cdot (a_{44} - a_{188}) / 144, \text{ тк / м} \quad (17.6)$$

бу ерда  $Q_{в.юк}$  – вагондаги умумий юк массаси,  $m$ ;

$Q_{т.юк}$  – тиркалмадаги умумий юк массаси,  $m$ ;

$a_{22}, a_{94}, a_{44}, a_{188}$  – маҳкамлаш воситасини турига, юкни жойлаштириш шартига (якка вагонга таянтириб, иккита вагонга таян – тириб) ва масса бруттога мувофиқ солиштирма бўйлама инерция кучлари қийматлари (17.6-жадвал),  $\text{тк / м}$ .

**Кўндаланг инерция кучи** қуйидаги формула орқали аниқланади,

$$F_k = a_k \cdot Q_{юк}, \text{ тк} \quad (17.7)$$

бу ерда  $a_k$  – 1 т юк массасини солиштирма кўндаланг инерция кучи,  $\text{тк/м}$ ;

17.6-жадвал

### Солиштирма бўйлама инерция кучларининг қийматлари

Маҳкамлаш воситасини тури	а <sub>6</sub> ни қиймати (тк / м) юкни таянишида			
	Якка вагонга		Иккита вагонга	
	а <sub>22</sub>	а <sub>94</sub>	а <sub>44</sub>	а <sub>188</sub>
Эластик (масалан, тортқич ва боғлагич, ёғоч тирак ва тиргак тўсинлар билан маҳкамлаш )	1,20	0,97	1,20	0,86
Бикр (масалан, юкни вагонга болтда, шпилькада маҳкамлаш ҳамда вагон конструкцияси элементла-рига юкни тираб жойлаштириш )	1,90	1,67	1,90	1,56

Якка вагонга таянган юклар учун  $a_k$  қиймати қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$a_k = 0,33 + (0,44 / \ell_{в}) \cdot \ell_{юк}, \text{ тк/м} \quad (17.8)$$

бу ерда  $\ell_{в}$  – вагоннинг базаси,  $\text{мм}$ ;

$\ell_{юк}$  – юкнинг оғирлик маркази ( $OM_{юк}$ ) дан вагоннинг кўндаланг ўқи орқали ўтадиган вертикал текистликкача бўлган масофа,  $\text{мм}$ .

Кўндаланг инерция кучи  $F_k$  вагоннинг узунлиги бўйича ҳар бир алоҳида жойлаштирилган юк жойи (алоҳида қисмлари бир бирига нисбатан силжиши махсус воситада истисно қилиниб йириклаштирилган юк жойи) учун ҳисобланади.

Иккита вагонга таянтириб тиркалмада ташиладиган узун бўйли юклар учун  $a_k = 0,40 \text{ тк/т}$  қабул қилинади.

**Вертикал инерция кучлари** қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$F_B = a_B \cdot Q_{\text{ЮК}}, \text{ тк} \quad (17.9)$$

бу ерда  $a_B - 1$  т юк массасини солиштира вертикал инерция кучи,  $\text{тк/т}$ , қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$a_B = 0,25 + k \cdot l_{\text{ЮК}} + 2,14 / Q_{\text{В.ЮК}}, \text{ тк/т} \quad (17.10)$$

Якка вагонга таянтириб ортилганида  $k = 5 \cdot 10^{-6}$ , иккита вагонга таянтириб ортилганда  $k = 20 \cdot 10^{-6}$  қабул қилинади.

**Шамол юкламаси** юкнинг сиртига мўътадил деб қабул қилинади ва солиштира шамол юкламаси  $50 \text{ кгк/м}^2$  га тенг деб ҳисоблаб қуйидаги формула бўйича аниқланади,

$$W_{\text{Ш}} = 50 \cdot S_{\text{ЮК}} / 1000, \text{ тк} \quad (17.11)$$

бу ерда  $S_{\text{ЮК}}$  - шамол урадиган юк сиртининг майдони (вагон симметриясининг бўйлама текислигига, платформа бўйлама бортининг ёки ярим очик вагон ёнбош деворининг ҳадидан чиқиб турган юк сиртини, проекцияси),  $\text{м}^2$ .

Ўқи вагоннинг узунлиги бўйича жойлашган цилиндр шаклидаги юклар учун  $S_{\text{ЮК}}$  юқорида тутилган майдонни ярми қабул қилинади.

## 7.2. Ишқаланиш кучларини аниқлаш

Бир жинсли вагон полининг сиртига жойлаштирилган юкка таъсир қилувчи **ишқаланиш кучи** қуйидаги формулалар орқали аниқланади:

- бўйлама йўналишда:

$$F_{\text{ИШ.Б}} = Q_{\text{ЮК}} \cdot \mu, \text{ тк} \quad (17.12)$$

- кўндаланг йўналишда

$$F_{\text{ИШ.К}} = Q_{\text{ЮК}} \cdot \mu \cdot (1 - a_B), \text{ тк} \quad (17.13)$$

бу ерда  $\mu$  - юк ва вагон поли (ёки остлик, қистирма) нинг туташини сирти ўртасидаги ишқаланиш коэффициентини.

Ифлосликлардан, қордан, муздан қишда эса юпқа қатлам куриқ кум сепилган вагон поли, остлик, қистирма ва юкнинг сирти ўртасидаги ишқаланиш коэффициентининг қийматлари қуйидагича қабул қилинади:

- ёғоч билан ёғоч ўртасида – 0,45;
- пўлат билан ёғоч ўртасида – 0,40;
- пўлат билан пўлат ўртасида – 0,30;
- темир бетон билан ёғоч ўртасида – 0,55;
- резина билан ёғоч ўртасида – 0,50;
- алюминий билан ёғоч ўртасида – 0,38.

### 7.3. Вагонни юк билан турғунлигини текшириш


Агар вагон (тиркалма) нинг юк билан умумий оғирлик маркази ( $УОМ_{В.ЮК}$ ) РКС дан 2300 мм дан ортиқ бўлса ёки вагон (тиркалма) ни юк билан шамол урадиган сиртини майдони: юк якка вагонга таянганида – 50 м<sup>2</sup> дан, юк иккита вагонга таянганида – 100 м<sup>2</sup> дан ортиқ бўлса вагонни юк билан кўндаланг турғунлиги текширилади. Вагонни юк билан умумий оғирлик марказини РКС дан баландлиги (8-расм) қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$H_{у.о.м.} = (Q_1 \cdot h_1 + Q_2 \cdot h_2 + Q_3 \cdot h_3 + \dots + Q_n \cdot h_n + Q_T \cdot H_{В.М}) / (Q_{В.ЮК} + Q_T), \text{ мм} \quad (17.14)$$

бу ерда  $h_1, h_2, h_3, \dots, h_n$  – юк бирликларининг оғирлик марказини РКС дан баландлиги, мм;

$Q_T$  – вагоннинг массаси (тараси), т;

$H_{В.М}$  – бўш вагоннинг оғирлик марказини РКС дан баландлиги (17.7 -жадвал), мм.



8-расм. Вагонни юк билан умумий оғирлик марказини рельс каллаги сатҳидан баландлигини аниқлаш чизмаси

Агар қуйидаги талаб қанотлантирилса вагонни юк билан кўндаланг турғунлиги таъминланади:

$$(P_M + P_{Ш}) / P_{СТ} \leq 0,5 \quad (17.15)$$

бу ерда  $(P_M + P_{Ш})$  – марказдан қочма куч ва шамол юкламаси таъсирида ғилдиракка бўлган қўшимча вертикал юклама, *тк*;  
 $P_{СТ}$  – ғилдиракдан рельсга тушадиган статик юклама, *т*;

Ғилдиракдан рельсга тушадиган статик юклама қуйидаги формулалар орқали аниқланади:

- юкни оғирлик маркази вагон симметриясини бўйлама ва кўндаланг текистликлари кесишган чизиқда жойлашганда:

$$P_{СТ} = (Q_T + Q_{В.ЮК}) / n_F, \text{ тк} \quad (17.16)$$

- фақат вагоннинг энига юкни оғирлик маркази силжиганида:

$$P_{СТ} = 1 / n_F \cdot [Q_T + Q_{В.ЮК} \cdot (1 - b_c / S)], \text{ тк} \quad (17.17)$$

- фақат вагоннинг бўйига юкни оғирлик маркази силжиганида – камроқ юкланган аравача учун:

$$P_{СТ} = 2 / n_F \cdot [Q_T / 2 + Q_{В.ЮК} \cdot (0,5 - \ell_c / \ell_B)], \text{ тк} \quad (17.18)$$

- юкни оғирлик маркази вагоннинг ҳам бўйига ва ҳам энига силжиганида – камроқ юкланган аравача учун:

$$P_{СТ} = 2 / n_F \cdot [Q_T / 2 + Q_{В.ЮК} \cdot (0,5 - \ell_c / \ell_B) \cdot (1 - b_c / S)], \text{ тк} \quad (17.19)$$

бу ерда  $n_F$  – юк кўтарувчи вагонлардаги ғилдираклар сони;

$S$  – 1520 мм изли вагоннинг ғилдирак жуфтликларини думалаш доираларини ўртасидаги масофани ярми ( $S = 790$  мм) сони.

Марказдан қочма куч ва шамол юкламаси таъсирида ғилдиракка бўлган қўшимча вертикал юклама қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$(P_M + P_{Ш}) = 1 / (n_F \cdot S) \cdot [0,075 \cdot (Q_T + Q_{В.ЮК}) \cdot H_{У.О.М.} + W_{Ш} \cdot h + 1000 \cdot \rho], \text{ тк} \quad (17.20)$$

бу ерда  $W_{Ш}$  – вагон кузови хадининг ташқарисига чиқиб турган юкни қисмига таъсир қилувчи шамол юкламаси, *тк*;

$\rho$  – юк кўтарувчи вагон кузовига ва аравачасига шамол юкламасини инобатга олувчи ва рессор деформацияси ҳисобига юкни оғирлик марказини кўндаланг силжишини инобатга олувчи коэффициент (17.7 -жадвал);

$h$  – рельс каллаги сатҳидан шамол юкламаси қўйилган



нуқтани баландлиги. Вагоннинг бўйлама борти ёки ёнбош девори ҳадидан чиқиб турган, юкни шамол урадиган сиртини геометрик маркази шамол юкламаси қўйилган нуқта деб ҳисобланади.

17.7-жадвал

**Универсал ярим очик вагонлар ва платформалар учун шамол урадиган сирт майдонининг, оғирлик маркази баландлигининг ва  $\rho$  коэффициентининг қийматлари**

Вагоннинг тури	Шамол урадиган сиртни майдони, $m^2$	$H_{в.м}$ , мм	$\rho$
Ярим очик вагон - кузовини ҳажми 76 $m^3$ гача - кузовини ҳажми 83 $m^3$ гача	34 37	1130	5,61
Платформа - ёпик бортлари билан - очик бортлари билан	12 7	800	3,34

**7.4. Вагондаги юкни турғунлигини аниқлаш**

Турғунлик коэффициентини қиймати бўйича вагонга жойлаштирилган юкни турғунлиги қуйидаги формулалар орқали аниқланади:

- вагоннинг бўйлама йўналишида (9-расм):

$$\eta_6 = \ell_{af} / (h_{o.m} - h_T), \quad (17.21)$$

- вагоннинг кўндаланг йўналишида (10-расм):

$$\eta_k = Q_{юк} \cdot b_{af} / [F_k \cdot (h_{o.m} - h_T) + W_{ш} \cdot (h_{ш} - h_T)] \quad (17.22)$$


бу ерда  $\ell_{af}$ ,  $b_{af}$  –  $OM_{юк}$  ни горизонтал текисликка проекциясидан афдарилиш қиррасигача бўлган энг қисқа масофа, мувофиқ равишда вагонни бўйига ва энига, мм;

$h_{o.m}$  –  $OM_{юк}$  ни вагонни полидан ёки остлик текистлигидан баландлига, мм;


$h_T$  – тиракни вагон полидан ёки остлик текистлигидан баландлига, мм;

$h_{ш}$  – юкни шамол урадиган сирти марказини вагонни полидан ёки остлик текистлигидан баландлига, мм;

Агар  $\eta_b$  ва  $\eta_k$  қийматлари мувофиқ равишда: юкни эластик маҳкамлашда – 1,25 ва бикр маҳкамлашда – 2,0 дан кам бўлмаса юк турғун ҳисобланади ва қўшимча маҳкамлаш талаб этмайди.



**9-расм. Бўйлама йўналишда юкни ағдарилишидан тиракларни жойлаштириш вариантлари**



**10-расм. Кўндаланг йўналишда юкни ағдарилишидан тиракларни жойлаштириш**

Агар юкни эластик маҳкамлашда  $\eta_6$  ёки  $\eta_k$  қийматлари 1,25 дан кам бўлса юкни турғунлиги тегишли маҳкамлаш билан таъминланиши керак:

-  $\eta_6$  ёки  $\eta_k$  қийматлари 0,8 дан кам бўлган юкларни ҳамда  $\eta_6$  ва  $\eta_k$  бирданига 1,25 дан кам бўлган юкларни, конструкцияси ва параметрларини юк жўнатувчи тегишли ҳисоблар билан асослаган махсус қурилмалардан (металл касеталардан, синчлардан ва пирамидалардан) фойдаланиб ташиш керак;

- агар  $\eta_6$  ёки  $\eta_k$  қийматлари 0,8 дан 1,0 гача чегарада бўлса, бунда маҳкамлаш воситасидан қатъий назар юкни илгариланма силжишидан ва ағдарилишдан маҳкамлашни алоҳида ва алоҳида бажарилиш тавсия этилади. Юкни кўндаланг йўналишда ағдарилишдан маҳкамлашда, шундай қилиш кераки тортқични вагонни полига бўлган проекцияси вагонни бўйлама ўқиға перпендикуляр ва тортқични юкка маҳкамлаш жойи вагон полдан максимал баландликда бўлсин;

- агар  $\eta_6$  ёки  $\eta_k$  қийматлари 1,01 дан 1,25 гача чегарада бўлса, юкни ағдарилишдан ва илгариланма силжишидан ҳам бўйлама ва ҳам кўндаланг инерция кучларини қабул қилувчи ягона маҳкамлаш воситасида маҳкамлашга рухсат берилади.

Агар бикр маҳкамлашда  $\eta_6$  ёки  $\eta_k$  қийматлари 2,0 дан кам бўлса, бикр маҳкамлаш қурилмаси компенсациялашмаган ағдарувчи моментдан қўшимча юкларни инобатга олиб ҳисобланиши керак.

### **7.5. Юкни ағдарилишидан маҳкамлашдаги зўриқишларни аниқлаш**

Юк тортқичда маҳкамланганда тортқичдаги ағдарилишдан зўриқишлар қуйидаги формулалар бўйича аниқланади:

- бўйланма йўналишда (11-расм, а):

$$R_{\beta.a} = [n \cdot F_{\beta} \cdot (h_{o.m} - h_T) - Q_{\text{юк}} \cdot \ell_{a\phi}] / [n_{\beta.\text{торт}} \cdot (h_{T.H} \cdot \cos\alpha \cdot \cos\beta_{\beta} + \ell_{\beta.\text{торт}} \cdot \sin\alpha)], \text{ мк} \quad (17.23)$$

кўндаланг йўналишда (11-расм, б):

$$R_{\kappa.a} = [n \cdot (F_{\kappa} \cdot (h_{o.m} - h_T) + W_{\text{ш}} \cdot (h_{\text{ш}} - h_T)) - Q_{\text{юк}} \cdot b_{a\phi}] / [n_{\kappa.\text{торт}} \cdot (h_{T.H} \cdot \cos\alpha \cdot \cos\beta_{\kappa} + b_{\kappa.\text{торт}} \cdot \sin\alpha)], \text{ мк} \quad (17.24)$$

бу ерда  $\alpha$  – тортқични вагон полига қиялик бурчаги;


$\beta_{\beta}$ ,  $\beta_{\kappa}$  – тортқични горизонтал тексликдаги проекцияси ва вагоннинг тегишли бўйлама, кўндаланг ўқлари ўртасидаги бурчаклар;


$n_{\beta.\text{торт}}$ ,  $n_{\kappa.\text{торт}}$  – бир томонга ишлайдиган тортқичлар сони;

$\ell_{\beta.\text{торт}}$ ,  $b_{\kappa.\text{торт}}$  – тортқични юкка маҳкамланган нуқтасидан тегишли бўйлама ва кўндаланг афдарилиш қиррасидан ўтган вертикаль текисликкача бўлган масофа, мм;

$h_{T.H}$  – тортқични юкка маҳкамланган нуқтасини вагонни полдан ёки остликдан баландлиги, мм;

$n$  – захира коэффициенти,  $n = 1,0$  агар  $\eta_{\beta}$  ( $\eta_{\kappa}$ ) = 1,0 – 1,25 бўлса ва  $n = 1,25$  агар  $\eta_{\beta}$  ( $\eta_{\kappa}$ ) < 1,0 бўлса.





**11-расм. Юкни ағдарилишдан тортқичлар билан маҳкамлаш**  
 а – бўйлама йўналишда; б – кўндаланг йўналишда.

### 7.6. Маҳкамлаш элементларини танлаш ва ҳисоблаш

Юкни шакли, параметрлари, уни мумкин бўлган силжишини характериға ва бошқа омилларға мувофиқ юкни маҳкамлаш тортқичлар, боғлагичлар, тирак ва тиргак тўсинлар, кассеталар, пирамидалар, турникет таянчлари ва бошқа маҳкамлаш элементлари билан амалға оширилади. Турли юкларға маҳкамлаш элементлари ва воситаларини танлаш бўйича тавсиялар амалдаги Техник шартларда (Технические условия размещения и крепления грузов в вагонах и контейнерах. – М.: Юридическая фирма «Юртранс», 2003. – 544 с.) келтирилган.

Маҳкамлаш воситаси қабул қилиши керак бўлган бўйлама  $\Delta F_{\text{б}}$  ва кўндаланг  $\Delta F_{\text{к}}$  кучлар қуйидаги формулалар бўйича аниқланади:

$$\Delta F_{\text{б}} = F_{\text{б}} - F_{\text{иш.б}}, \text{ тк} \quad (17.25)$$

$$\Delta F_{\text{к}} = n \cdot (F_{\text{к}} + W_{\text{ш}}) - F_{\text{иш.к}}, \text{ тк} \quad (17.26)$$

бу ерда  $n$  – ТУ ва МТУ ишлаб чиқишда  $n = 1$  ва НТУ ишлаб чиқишда  $n = 1,25$  тенг бўлган коэффициент.

Бу кучларни бир ёки бир неча турдаги маҳкамлаш воситалари қабул қилиши мумкин:

$$\Delta F_{\text{б}} = \Delta F_{\text{б.торт}} + \Delta F_{\text{б.тў}} + \Delta F_{\text{б.боғ}}, \quad (17.27)$$

$$\Delta F_k = \Delta F_{k. \text{ торт}} + \Delta F_{k. \text{ тў}} + \Delta F_{k. \text{ боғ}}, \quad (17.28)$$

бу ерда  $\Delta F_{б. \text{ торт}}$ ,  $\Delta F_{б. \text{ тў}}$ ,  $\Delta F_{б. \text{ боғ}}$ ,  $\Delta F_{к. \text{ торт}}$ ,  $\Delta F_{к. \text{ тў}}$ ,  $\Delta F_{к. \text{ боғ}}$  – тортқич, тўсин, боғлагичлар қабул қиладиган бўйлама ёки кўндаланг кучларни қисмларини;

Юкларни бўйлама силжишлардан маҳкамлаш учун бир турдаги маҳкамлаш воситаларидан фойдаланиш афзалроқ бўлади.

**Юк тортқич билан маҳкамланганда**, тортқичдаги зўриқиш қиймати (вертикал ташкил этувчисидан ишқаланиш кучини ўсишини инобатга олиш билан) қуйидаги формулалар бўйича аниқланади (12-расм):  
- бўлама йўналишда таъсир қилувчи кучлардан:

$$R_{б. \text{ торт}} = \Delta F_{б} / [\sum (n_{б. \text{ торт. } i} \cdot (\mu \cdot \sin \alpha_i + \cos \alpha_i \cdot \cos \beta_{бi}))], \text{ тк} \quad (17.29)$$

- кўндаланг йўналишда таъсир қилувчи кучлардан:

$$R_{к. \text{ торт}} = \Delta F_{к} / [\sum (n_{к. \text{ торт. } i} \cdot (\mu \cdot \sin \alpha_i + \cos \alpha_i \cdot \cos \beta_{ki}))], \text{ тк} \quad (17.30)$$


бу ерда  $R_{б. \text{ торт}}$ ,  $R_{к. \text{ торт}}$  – тортқичдаги зўриқиш (куч) лар, *тк*;

$n_{б. \text{ торт. } i}$ ,  $n_{к. \text{ торт. } i}$  – бир вақтни ўзида бир тамонга ишлайдиган ва бирдай  $\alpha_i$ ,  $\beta_{бi}$ ,  $\beta_{ki}$  бурчакда жойлаштирилган тортқичлар сони;

$\alpha_i$  – *i*-чи тортқични вагон полига қиялик бурчаги;

$\beta_{бi}$ ,  $\beta_{ki}$  – *i*-чи тортқични горизонтал тексликдаги проекцияси ва вагоннинг тегишли бўйлама, кўндаланг ўқлари ўртасидаги бурчаклар.

Агар тортқичлар юкни бир вақтни ўзида ҳам силжишдан ва ҳам ағдарилишдан маҳкамлаш учун ишлатилса, тортқич жами зўриқишлар ( $R_{б. \text{ торт}} + R_{б. а}$ ) ва ( $R_{к. \text{ торт}} + R_{к. а}$ ) бўйича ҳисобланиши керак. Тортқичдаги сим қатлари сони ёки унинг кесими катта зўриқишлар ( $R_{б. \text{ торт}} + R_{б. а}$ ) ва ( $R_{к. \text{ торт}} + R_{к. а}$ ) бўйича аниқланади. Симли маҳкамлаш элементларини, симни диаметри ва қатлари сонига мувофиқ жоизлик чўзилиш юкламаси амалдаги Техник шартларда келтирилган.



12-расм. Тортқичдаги бўйлама ва кўндаланг зўриқишни ҳисоблаш чизмаси

**Юкни** (цилиндр шаклидаги юклардан ташқари) **ёғоч тўсинлар** билан силжишдан маҳкамлашда, ҳар бир тўсинни вагон полига маҳкамлаш учун **михлар сони** куйидаги формулалар бўйича аниқланади:

- бўлама йўналишда силжишдан:

$$n_{б.мих} = \Delta F_{б} / (n_{б.тў} \cdot R_{мих}), \text{ дона} \quad (17.31)$$

- кўндаланг йўналишда силжишдан:

$$n_{к.мих} = \Delta F_{к} / (n_{к.тў} \cdot R_{мих}), \text{ дона} \quad (17.32)$$

бу ерда  $n_{б.тў}$ ,  $n_{к.тў}$  – бир вақтни ўзида бир томонга ишлайдиган тирак тўсинлар сони;

$R_{мих}$  – битта михга бўлган жоизлик юкламаси, кгк (амалдаги Техник шартлардан қабул қилинади).

Бўйлама ва кўндаланг силжишдан **юк боғлагич** билан маҳкамланганда битта бойлағичдаги **зўриқиш** куйидаги формулалар бўйича аниқланади:

- бўлама йўналишда силжишдан:

$$R_{б.боғ} = \Delta F_{б} / (2 \cdot n_{боғ} \cdot \mu \cdot \sin \alpha), \text{ дона} \quad (17.33)$$

- кўндаланг йўналишда силжишдан:

$$R_{к.боғ} = \Delta F_{к} / (2 \cdot n_{боғ} \cdot \mu \cdot \sin \alpha), \text{ дона} \quad (17.34)$$

бу ерда  $n_{\text{боғ}}$  – боғлагичлар сони.

### 7.7. Цилиндр шаклидаги ва ғилдиракларда юрадиган юкларни думалашдан маҳкамлаш

Цилиндр шаклидаги ва ғилдиракларда юрадиган юкларни думаланишдан фақат тирак тўсинларда маҳкамланганда, **тирак тўсинни керакли баландлиги** қуйидаги формулалар бўйича наикланади:

- вагонни бўйига думаланишдан:

$$h_{\text{б.тр}} = D / 2 \cdot (1 - (1/\sqrt{1 + (1,25 \cdot a_{\text{б}})^2})) , \text{ мм} \quad (17.35)$$

- вагонни энига думаланишдан:

$$h_{\text{к.тр}} = D / 2 \cdot (1 - (1/\sqrt{1 + \varepsilon^2})) , \text{ мм} \quad (17.36)$$

$$\varepsilon = (a_{\text{к}} + W_{\text{ш}} / Q_{\text{юк}}) / (0,8 - a_{\text{в}}) , \quad (17.37)$$

бу ерда  $D$  – юкни думаланиш доирасини диаметри, мм;

1,25 – юкни думаланишдаги турғунлигини захира коэффиценти.

Бир дона тирак тўсинни маҳкамлаш учун **михлар сони** қуйидаги формулалар бўйича аниқланади:

- вагонни бўйига думаланишдан:

$$n_{\text{б.мих}} = F_{\text{б}} \cdot (1 - \mu_1 \cdot \text{tg}\alpha) / (n_{\text{б.тў}} \cdot R_{\text{мих}}) , \text{ дона} \quad (17.38)$$

- вагонни энига думаланишдан:

$$n_{\text{к.мих}} = (F_{\text{к}} + W_{\text{ш}}) \cdot (1 - \mu_1 \cdot \text{tg}\alpha) / (n_{\text{к.тў}} \cdot R_{\text{мих}}) , \text{ дона} \quad (17.39)$$

бу ерда  $\mu_1$  – тирак тўсин билан вагон поли ёки остлк ўртасидаги сирпанишдаги ишқаланиш коэффиценти.

$n_{\text{б.мих}}$  ва  $n_{\text{к.мих}}$  қийматлари катта томонига бутунланади.

Агар цилиндр шаклидаги юкни думаланишдан фақат тирак тўсинлар билан маҳкамлашни иложи бўлмаса ёки технологик сабабларга кўра мақсадга мувофиқ бўлмаса, бундай ҳолатларда тирак тўсинлар билан бир қаторда боғлагичлардан ва тортқичлардан фойдаланишга рухсат берилади. Бундай ҳолатларда **тирак тўсинларни баландлиги**:

- бўйланма йўналишда думаланишдан маҳкамлаш учун  $0,1 \cdot D$  дан;

- қўндаланг йўналишда думаланишдан маҳкамлаш учун  $0,05 \cdot D$  дан кам бўлмаслиги керак.

Бир дона тирак тўсинни маҳкамлаш учун михлар сонини (17.37) ва (17.38) формулалар бўйича аниқланади. Боғлагичдаги (тортқичдаги) зўриқиш қуйидаги формулалар бўйича аниқланади:

- бўйланма йўналишда маҳкамлаш учун:



$$R_{б.боф} = [1,25 \cdot F_б \cdot (D / 2 - h_{б.т}) - Q_{юк} \cdot \ell_{аф}] / n_{б.боф} \cdot \ell_{про}, тк \quad (17.40)$$

- кўндаланг йўналишда маҳкамлаш учун:

$$R_{б.боф} = [1,25 \cdot F_к \cdot (D / 2 - h_{к.т}) + W_{ш} \cdot (h_{ш} - h_{к.т}) - Q_{юк} \cdot b_{аф}] / n_{к.боф} \cdot b_{про}, тк \quad (17.41)$$

бу ерда  $n_{б.боф}$ ,  $n_{к.боф}$  – бир вақтни ўзида бир томонга ишлайдиган боғлагичлар сони;

$\ell_{про}$ ,  $b_{про}$  – ағдарилиш қиррасидан боғлагичгача бўлган масофани мувофиқ равишда вагон симметриясини бўйлама ва кўндаланг текислигига проекцияси, мм.

## Назорат саволлари

62. Юкларни ортиш қайси қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади?
63. Юкларни ортиш қайси қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади?
64. Юкларни ортиш қайси қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади?
65. Очиқ ҳаракатдаги составларга юкларни жойлаштириш ва маҳкамлаш чизмалари, усуллари ва маҳкамлаш восталари қайси қонун ҳужжатида кўрсатилган?
66. Очиқ ҳаракатдаги составга ортилган юк ўрови ва маҳкамлаш восталари билан ..... ҳадида жойлаштирилиши керак.
67. ЎТЙ ДАТК га автомобилларни, тракторларни, қишлоқ хўжалик ва йўл қурилиш машиналарини, темирбетон ва металл буюмларни қайси габаритга мувофиқ ортиб жўнатишга рухсат берилади?
68. ЎТЙ ДАТК га ярим очиқ вагонларга ўрмон материалларини қайси габаритга мувофиқ ортиб жўнатишга рухсат берилади?
69. Имтиёзли юклаш габаритида юк ортилганда юкхатининг “Место особых отметок и штемпелей” графасига “Имтиёзли габарит” белгисини ким қўйади?
70. Минтақавий юклаш габаритида юк ортилганда юкхатининг “Место особых отметок и штемпелей” графасига “Минтақавий габарит” белгисини ким қўйади?
71. Имтиёзли юклаш габаритида юк ортилганда вагон вароғининг “Место для отметок” графасига “Имтиёзли габарит” белгисини ким қўйади?
72. Минтақавий юклаш габаритида юк ортилганда вагон вароғининг “Место для отметок” графасига “Минтақавий габарит” белгисини ким қўйади?
73. .... – бир учи билан юкдаги боғлаш мосламасига, иккинчи учи билан эса бунинг учун вагон кузовида махсус мўлжалланган боғлаш мосламасига боғланадиган маҳкамлаш воситаси.
74. .... – юкни қамровловчи ва иккала учи билан вагон кузовидаги боғлаш мосламасига боғланадиган маҳкамлаш воситаси.
75. .... – бошқа маҳкамлаш воситаларини (одатда, тортқич, боғлагич, устунларни) ўзаро бириктириш ва тортиш учун мўлжалланган маҳкамлаш воситаси.
76. .... – алоҳида юк бирликларини бир юк жойига бирлаштириш учун мўлжаллаган маҳкамлаш воситаси.
77. Тортқич ва боғлагичларни пларформанинг қайси элементида маҳкамлаш мумкин?
78. Тортқич ва боғлагичларни пларформанинг қайси элементида маҳкамлаш мумкин?

79. Тортқич ва боғлагичларни ярим очиқ вагоннинг қайси элементига маҳкамлаш мумкин?
80. Вагон полига юкни таяниш майдонини ошириш, юк штабелини оғишдан эҳтиётлаш, юкларни ортиш ва туширишни механизациялаш учун қандай маҳкамлаш воситаси ишлатилади?
81. Юкларни вагонни бўйига ва энига илгариланма силжишидан маҳкамлаш учун ҳамда инерция кучларини вагон кузови элементларига узатиш учун нималардан фойдаланилади?
82. Вагон кузовини этак тўсини ҳадидан юкни энг чекка нуқтасини бўйлама йўналишда чиқиши ..... зиёд бўлмаслиги керак.
83. Вагонга жойлаштириладиган юк массаси, уни маҳкамлаш элементларини массасини билан биргаликда ..... ортиқ бўлмаслиги керак.
84. Вагондаги юкларни умумий оғирлик марказини бўйланма йўналишда жоиз силжишни қиймати нимага боғлиқ?
85. Вагондаги юкларни умумий оғирлик марказини кўндаланг йўналишда жоиз силжишни қиймати нимага боғлиқ?
86.  $l_c = 0,5 \cdot L - (Q_1 \cdot l_1 + Q_2 \cdot l_2 + \dots + Q_n \cdot l_n) / (Q_1 + Q_2 + \dots + Q_n)$ , мм формула ёрдамида нимани қиймати аниқланади?
87.  $b_c = 0,5 \cdot B - (Q_1 \cdot b_1 + Q_2 \cdot b_2 + \dots + Q_n \cdot b_n) / (Q_1 + Q_2 + \dots + Q_n)$ , мм формула ёрдамида нимани қиймати аниқланади?
88. Қайси кучлар поезднинг ҳаракатланишида тезланиш ва тормозланиш жараёнида, маневр ишлари пайтида ва саралаш тепалигидан ташлашда вагонларни уришишида пайдо бўлади?
89. Қайси кучлар поезднинг ҳаракати пайтида ва у темир йўлининг эгри бурилиш ва ўтиш участкаларида ҳаракатланиб бораётганида пайдо бўлади?
90. Қайси кучларни ҳаракатланиб бораётган вагоннинг тебранишлари пайтида тезланишлар келтириб чиқаради?
91. Инерция кучларини қўйилган нуқта ..... ҳисобланади?
92. Поезднинг ҳаракатланишида тезланиш ва тормозланиш жараёнида пайдо бўладиган кучлар қайси формула ёрдамида аниқланади?
93. Маневр ишлари пайтида ва саралаш тепалигидан ташлашда вагонларни уришишида пайдо бўладиган кучлар қайси формула ёрдамида аниқланади?
94. Вагоннинг ҳаракати пайтида ва у темир йўлининг эгри бурилиш ва ўтиш участкаларида ҳаракатланиб бораётганида пайдо бўладиган кучлар қайси формула ёрдамида аниқланади?
95. Ҳаракатланиб бораётган вагоннинг тебранишлари пайтида тезланишлар келтириб чиқарган кучлар қайси формула ёрдамида аниқланади?
96. 1 т юк массасини солиштирама бўйлама инерция кучини қиймати битта вагонга юк ортилганда аниқ юк массаси учун қайси формула орқали аниқланади?
97. 1 т юк массасини солиштирама бўйлама инерция кучини қиймати иккита юк кўтарувчи вагонли тиркалмага юк ортилганда аниқ юк массаси учун қайси формула орқали аниқланади?
98. 1 т юк массасини солиштирама кўндаланг инерция кучини қиймати иккита юк кўтарувчи вагонли тиркалмага юк ортилганда аниқ юк массаси учун қайси формула орқали аниқланади?
99.  $H_{y.o.m.} = (Q_1 \cdot h_1 + Q_2 \cdot h_2 + Q_3 \cdot h_3 + \dots + Q_n \cdot h_n + Q_T \cdot H_{B.M.}) / (Q_{\text{юк.в}} + Q_T)$ , мм формуласи ёрдамида нима аниқланади?
100. Қачон вагонни юк билан умумий оғирлик маркази аниқланади ?

## **18- маъруза. Транспорт пакетларида юкларни ташиш**

**Режа:**

- 1. Транспорт пакетининг тушинчаси;**
- 2. Пакетлаш воситаларини таснифи ва конструкцияси;**
- 3. Юкларни пакетлаш усуллари;**
- 4. Пакетлаб юк ташишнинг иқтисодий самарадорлиги;**
- 5. Транспорт пакетлари билан юк ва тижорат операцияларини бажариш технологияси;**
- 6. Транспорт пакетларини вагонларга жойлаштириш ва маҳкамлаш.**

### **1. Транспорт пакетининг тушинчаси**

**Идиш-ўровли ва донали юклар** жуда кўп номдаги саноат маҳсулотларини ва халқ истеъмол товарларини ўз ичига олади. Бу юклар талай турли-туман идиш ва ўровлари, шакллари ҳамда алоҳида жойлари-

нинг ҳажмий-масса тавсифномалари билан ажралиб турадилар. Идиш-ўровли ва донали юкларга алоҳида жойдаги (ўриндаги) юк массаси 500 кг дан кам бўлган юклар мансуб бўладилар. *Идиш - ўровли юклар асосан ёпиқ вагонларда, донали юклар эса ёпиқ ва очик ҳаракатдаги состав (платформа ва ярим очик вагон) ларда **вагонланган** (повагонным) **жўнатма** ва **майда** (мелкий) **жўнатма** (отправка) тартибда ташилади. Ташиши учун алоҳида вагон берилишини талаб қилувчи, битта юкхатида ташишига тақдим этиладиган юк партияси **вагонланган** (вагонлаб) **жўнатма** деб ҳисобланади. Ташиши учун алоҳида вагон берилишини талаб қилмайдиган битта юк партияси эса **майда жўнатма** деб ҳисобланади.* Майда жўнатмалар ортилган вагон **терма вагон** деб аталади. *Терма вагонда бир нечта юк жўнатувчиларнинг, бир нечта тайинланган станциялардаги юк олувчиларга ортган майда жўнатмалари ташилади, бу эса терма вагонни йўл сафаридаги бир нечта станцияларда майда жўнатмаларни **саралаш ишларини** келтириб чиқаради.*

Ёпиқ вагонларга кенг номенклатурадаги идиш-ўровли ва донали юкларни ортишда ва туширишда **механик** (электр ва авто) **юклагичлар** тагликлар ва турли илиб ва қамраб олиш мосламалари билан биргаликда ҳозиргача асосий механизация воситаси бўлиб қолмоқда. Ортиш-тушириш ишларининг ёрдамчи операцияларни катта улуши ҳали-хануз қўл кучида бажарилмоқда. Юк айланмаси кичик бўлган қатор станцияларда эса ёпиқ вагонлардан кенг номенклатурадаги идиш ўровли ва донали юкларни ортиш ва тушириш асосан дастаки усулда, оддий мосламалар-дастаки аравачалар, кўчма дастаки кўтаргичлар, роликли занжирлар, роликли металл таёқлардан фойдаланиб, бажарилмоқда.

Илмий изланишлар ҳамда идиш - ўровли ва донали юклар билан амалиётда тажриба тартибда ўтказилган ташишлар - уларни пакетлаб ташиш энг самарали усул эканлигини кўрсатди. Шу ўринда пакет атамасига изоҳ бериш лозим бўлади.

*Идишда ёки идишсиз, алоҳида майда жойлардан йиғилган (шаклланган), ўзаро универсал ёки махсус, бир мартаба фойдаланиладиган ёки кўп айланадиган пакетлаш воситалари – тагликларда ёки уларсиз йириклаштирилган юк жойлари **транспорт пакети** деб тушинилади, ҳамда улар юкларни транспортда ташиши ва сақлаш жараёнида:*

- а) вилкали юклагичларда, кранларда ва бошқа кўтариш транспорт машиналарида механизациялашган ортиш ва тушириш имкониятини;*
- б) пакетлар яхлит (бут) лигини;*
- в) юкларни асрашни;*
- г) транспорт, омбор ва ортиш–тушириш ишларини бажарувчи ишчиларни хавфсизлигини;*

д) ёпиқ вагон ва контейнерларни юк кўтаришидан (сизимидан) максимал фойдаланишини, очиқ ҳаракатдаги составларда юк ташилганда эса юк ортиш габаритидан тўлиқроқ фойдаланишини;

е) поездлар ҳаракати хавфсизлигини, таъминланиши лозим.


Идиш ўровли ва донали юкларни пакетлаб ташиш учун турли хилдаги пакетлаш воситаларига зарурият пайдо бўлади.

## 2. Пакетлаш воситаларини таснифи ва конструкцияси

Пакетлаш воситаларига юкларни йирик юк бирликларига шакллаш ва бирлаштириш учун мўлжалланган техник воситалар мансуб бўладилар. Пакетлаш воситалари **ясси, синчли ва яшикли тагликлардан, кассеталардан, сиртмоқлардан** ва бошқалардан иборат. **Муомала кўлами** бўйича пакетлаш воситалари бир маротабалик (бир марта фойдаланиладиган) ва кўп айланадиган (кўп марта фойдаланиладиган), **конструкциясига** мувофиқ эса қисмларга ажраладиган, қисмларга ажралмайдиган ва тахланадиган, **механик юкламага бардошлилигига ва деформацияланиш** хусусияти бўйича қаттиқ, ярим қаттиқ ва юмшоқ пакетлаш воситаларига бўлинадилар.

*Тагликлар, юклар учун майдончали ва уст қурилмали ёки уларсиз пакетлаш воситаси бўлиб ортиш - тушириш ишларини, ва омбор операцияларини механизациялашни, комплекс механизациялашни ва автоматизациялашни таъминлайди.* Тагликлар конструкциясига мувофиқ ясси, синчли ва яшикли турларга ва уларни ҳар бири эса турли хос ўлчамларга бўлинадилар. Ясси таглик (1-расм) текис майдончали (ёнбош тўсиқларсиз) асосдан иборат.

Ясси тагликлардан идиш - ўровли ва донали юкларни ҳамда шакли ва ўлчамлари таглик тўшамасига барқарор жойлашишини таъминловчи буюмларни сақлашда, ортиш-тушириш ишларида ва омбор операцияларида ҳамда уларни ташишда кенг фойдаланилади. *Ясси тагликда майда жойлардан (қоплардан, яшиклардан, коробкалардан ва ҳ. к.) шаклланган пакетларни омбор ичида бир - бирларини устига бир неча қават қилиб устма-уст тахланганда (штабелланганида), ортиш-тушириш ишларини ва омбор операцияларини бажаришда турғунлиги таъминланиши* лозим. Агар ясси тагликларнинг конструкцияси ва юкларнинг хусусиятлари бир неча қават қилиб штабеллаш имкониятини бермаса, у ҳолда пакетлар **тахмон** (стеллаж) ларда сақланади. *Ясси тагликлар бир тўшама (қат) ли ва икки тўшамали, икки тарафидан ёки тўрт тарафидан кириладиган (икки тирқишли ёки тўрт тирқишли) бўлиши мумкин.* Икки тирқишли тагликлар ўймасига юклагич вилкаси икки қарама - қарши тарафидан киритилади, тўрт тирқишли тагликлар ўймасига эса юклагич вилкаси ҳамма тарафидан киритилиши мумкин.




1 - расм. Ясси тагликлар:

а - ёғочдан ясалган икки тўшамали, тўрт тирқишли - 2П4; б - ёғочдан ясалган бир тўшамали, икки тирқишли - П2; в - ёғочдан ясалган икки тўшамали, икки тирқишли четлари чиққан - 2ПВ2; г - ёғочдан ясалган икки тўшамали, тўрт тирқишли, ости дарчали - 2ПО4; д - металлдан ясалган бир тўшамали, икки тирқишли - П2; е - металлдан ясалган икки тўшамали, тўрт тирқишли - 2П4; ж - пластмассада ясалган икки тўшамали, тўрт тирқишли - 2П4; з - прессланган картон (қалин қоғоз)дан ясалган бир тўшамали, икки тирқишли - П2.

Тарх (план) даги ўлчамлари 800 x 1200 мм ва юк кўтариши 1,0 т бўлган тагликлар темир йўл, автомобиль транспортида ва халқ хўжалигида энг кенг тарқалган. Тархдаги ўлчамлари 1200 x 1600 мм ва 1200 x 1800 мм, юк кўтариши 2,0 т бўлган тагликлар сув транспортларида юк ташишларда хизмат қилади.


Синчли тагликда эса текис майдончани тўрт бурчагида тўртта синч ўрнатилаган бўлади. Синчли тагликлар осон шикастланувчи идиш ёки ўровлардаги мўрт юкларни ҳамда шакли ва габарит ўлчамлари пакетлашда барқарор жойлашишни таъминламайдиган буюм, товар ва материалларни сақлашда, ортиш-тушириш ишларида ва омбор операцияларида ҳамда уларни ташишда кенг фойдаланилади.



**2-расм. Синчли тагликлар:**  
 а - боғлагичсиз; б - боғлагичли;  
 в, г - ажраладиган устунчали.

2-расмда турли хил синчли тагликлар кўрсатилган. 4С туридаги синчли таглик (2-расм, а) пайвандланган конструкцияли бўлиб металл лист тўшамадан ва боғлагичсиз тўртта ажралмайдиган металл бурчакли устунчалардан иборат. Металл бурчакли устунчаларнинг юқори қисми фиксатор (қайдлагич) лар билан жиҳозланган. 4ССО турдаги синчли таглик (2-расм, б) пайвандланган конструкцияли бўлиб, металл панжарали тўшамадан ва тўртта ажралмайдиган металл бурчакли устунчалардан иборат, улар бир-бирлари билан бўйининг уч жойидан, муайян масофаларда металл таёқчалар билан бирлаштирилганлар. Синчли тагликнинг металл тўшамаси оёқчаларга ўрнатилган. Устунчаларнинг юқори қисми металл таёқчалар билан бирлаштирилган жойлари қайдлагич (фиксатор) лар ҳосил этади. Юқли тагликлар устма-уст қилиб тахланганида қуйи таглик фиксаторларига юқоридаги таглик оёқчалари билан ўрнашиб ўтради.

Яшикли тагликларни эса тўрт томони ёнбош деворлар ва уларнинг устидан қопқоқ ўрнатилган. Яшикли тагликлар асосан майда детал ва буюмларни ҳамда осон шикастланувчан юкларни ва турли майда қадокланган маҳсулотларни транспорт идишисиз сақлашда, ортиш-туширишда ва омбор операцияларида ҳамда уларни ташишда ишлатилади. 3-расмда турли хил яшикли тагликлар кўрсатилган.



**3 - расм. Яшикли тагликлар:**


а, б - ёғоч ва металлдан ясалган, ажраладиган; в, г - металлдан ясалган ажралмайдиган; д - металлдан ясалган тахланадиган; е - панжарали; 1 - тўшама; 2 - калта устунчалар; 3 - металл бурчакча; 4 - ёнбош деворлар; 5 - қопқоқ; 6 - беркитиш мосламаси; 7 - фиксатор; 8 - қайтариб қўйиладиган деворча.

Синчли ва яшикли тагликлар қисмларга ажраладиган ва ажралмайдиган, ҳамда тахланадиган бўлиши мумкин. Тахланадиган тагликлар қисмларга ажраладиган тагликларга нисбатан анча қулай бўлиб, унинг алоҳида элементлари қисмларга ажратилганида йўқолиб қолмайди ва бошқа тагликларни элементлари билан аралашиб кетмайди. Қисмларга ажраладиган ва тахланадиган тагликлар бўш ҳолатда йиғилиб ёки тахланиб юк жўнатувчиларга қайтарилади, бу эса ҳаракатдаги составларни сиғимидан самарали фойдаланиш имкониятини яратади. Синчли ва яшикли тагликлар, пакетлар барқарорлигини яхшигина таъминлайди. Ясси тагликдаги пакетлар барқарорлигини таъминлаш учун эса қўшимча маҳкамлаш материаллари талаб этилади.

### **3. Юкларни пакетлаш усуллари**

Ясси тагликларга тахлаб қўйилган юкларни маҳкамлаш учун пўлатдан, матодан, пластмассадан ясалган тасмалардан, юмшоқ пўлат симлардан, тўрлардан, киришишадиган полимер плёнкалардан ва пакетларни барқарорлигини ҳамда юкларни асрашни таъминловчи бошқа материаллардан ва мосламалардан фойдаанилади. 4-расмда айрим юкларни ясси тагликларга тахлаб пакетлаш чизмалари ва маҳкамлаш усуллари кўрсатилган.





**4 - расм. Ясси тагликларга юкларни жойлаштириш ва маҳкамлаш усулларининг чизмаси.**

4 - расм, *а* да айрим юклар ўртасидаги чокларини бостириб (боғлаб) маҳкамланган **блоки тахлаш** кўрсатилган. Лекин бу усулда тахланган, айниқса қоплардан ёки картон қоробкалардан пакетланган юкларни барқарор (мустаҳкам) лиги ортиш-тушириш ишларидаги ва транспортда ташишдаги динамик кучлар таъсирида бузилиб (йиқилиб) кетиши мумкин. Бундай пакетларни маҳкамлашни оддий ва арзон усули юк қаватлари ўртасидаги (орасидаги) чокларни қоғоз варақлар билан елимлаб қўйишдир, бунда кўпинча юқоридаги икки қаватдаги юкларни елимлаб қўйса ҳам етарли бўлади. Кўпчилик ҳолатларда пакетдаги юк жойлари бир-бирларига қоғоз варақларисиз ҳам елимлаб қўйилади. Бу мақсадлар учун тез ёпишадиган ва кейинчалик кристалланиш хусусиятига эга бўлган елимлардан фойдаланилади. Бундай усулда маҳкамланган пакетларни ажратиш учун ишчилар юк жойларига унча кўп бўлмаган куч ишлатсалар етарли, мўрт елим қатлами синиб кетади ва юк жойлари бир-биридан осонликча ажралади. Бунда қоғоз ва картон идишлар бутунлигича қолади. Пакетларни янада юқори мустаҳкамлигига эришиш учун, фойдаланилаётган маҳкамлаш воситаларидан қатъий назар, юк жойларини **боғлаштириб (чокини бостириб)** тахлаш яхши натижа беради.

4-расм *б, в, г* ларда айрим юклар ўртасидаги чокларини бостирмай, аммо **тарангловчи қулфли пўлат тасмалардан, металл бурчаклар** ҳамда **пўлат тасмалардан** ва **мустаҳкам матоли камарлардан** фойдаланиб юкларни боғлаб, блоки тахланган пакетлар кўрсатилган. 4-расм *д, е, ж* ларда эса цилиндрсимон юкларни тарангловчи қулфли пўлат тасмалардан ва **шаклдор ёғоч рамалардан** фойдаланиб блоки тахлаш усули кўрсатилган. Баъзи бир юкларни ясси ва синчли тагликларга тахлаб пакетлаш имконияти бўлмаганида, шунингдек қимматбаҳо юкларни ташишда яшикли тагликлардан (4-расм, *з*) фойдаланилади.

Кейинги пайтларда ясси тагликларга блоккли тахлаб пакетланган юкларни маҳкамлаш (ўраш) учун **иссиқликдан киришишадиган полимер пленкалардан** кенг фойдаланилмоқда. Полимер пленкалар ёрдамида ўраб маҳкамланган юклар пакетда анча мустаҳкам ўрнашиб намликдан, чангдан, ифлос нарсалардан холи бўлади, уларни очик майдонларда сақлаш ва очик ҳаракатдаги составларда ташиш ҳам мумкин. Юкларни назорат ва ҳисоб қилиш бир қадар енгиллашади, тиниқ (шаффоф) пленка остига қўйилган юк хужжатлари йўл сафарида яхши сақланиб қолади ва осон ўқилади. Иссиқликдан киришишадиган полимер пленкалар ёрдамида ясси тагликларга барча турдаги идиш - ўровли юкларни тахлаб пакетлаш мумкин. Ҳозирда **полиэтиленли** ва **поливинилхлоридли** полимер пленкалардан амалиётда кенг фойдаланилмоқда. Полиэтиленли пленка анча яхши физик - механик хусусиятга эга, тайёрлаш технологияси оддий ва баҳоси арзон бўлганлиги боис нисбатан анча кенг ишлатилади. Поливинилхлоридли пленка полиэтилен пленкага қараганда 2 барабар мустаҳкамроқ, кам **киришиш ҳароратини** талаб қилади ва янада тиниқроқ. Иссиқликдан киришишадиган пленкалар ҳарорат таъсирида қисқаради. Максимал қисқариш  $115-120^{\circ} C$  ҳароратда бошланади. Полиэтиленли пленкада ўралган пакетларни  $+60^{\circ} C$  дан  $-40^{\circ} C$  гача бўлган ҳароратда омборда сақлаш, транспортда ташиш ва улар билан ортиш-тушириш ишларини бажариш мумкин.

#### **4. Пакетлаб юк ташишнинг иқтисодий самарадорлиги**


Пакетлаб юк ташиш усулига ўтиш қўл меҳнатини камайтиришни таъминлайди, ортиш-тушириш ва қайта юклаш операциялари жараёнларини жадаллаштиради, транспорт воситаларини юк операцияларида тўхтаб туришини қисқартиради. Пакетлаб юк ташишда маҳсулотни сифатини пасайиши истисно этилади, уларнинг бузилиши ва шикастланиши (айниқса ғишт, оташбардош керамик буюмлар, ойна, картошка, сабзавот ва бошқа шу каби юклар) камайади.

Жуда кўп оммовий юкларни **транспорт пакетларида ташишда**, худди шу юкларни пакетсиз ташишга нисбатан: *вагонларнинг статик юкламаси 2 тоннадан 15 тоннагача ошади; тахлаш баландлигини ўсиши ҳисобига омбор майдонларидан фойдаланиши 1,5-2 мартабагача яхшиланади; ортиш-тушириш жойларининг қайта ишлаш қобилияти 20-25 % га ошади; юкларни етказиб бериш муддати жадаллашади; идиш ва ўровларни ясаш учун материалларга бўлган талаб камайади; меҳнат унумдорлиги 3-4 мартабагача ўсади; ортиш-тушириш ва омбор ишларида меҳнат машаққати (трудоемкость) ва таннархи 1,5-2 мартабагача камайади. Юкларни транспорт пакетларида ташишда ишлаб чиқариш маданияти юксалади, маҳсулотларнинг товар кўриниши*

*(бозор иқтисодиёти шароитида жиддий аҳамиятга молик) яхшиланади, юкларни қабул қилиб олиши ва топширишни, уларни ҳисоботи егиллашади, янги информационалашган технологияларга ҳамда омбор ва ортиштириши операцияларини автоматизациялашга ўтишига кўмаклашади.*

Ҳозирда идиш-ўровли ва донали юклар **халқаро қатновларда** асосан транспорт пакетларида ташилмоқда. Бунинг учун ривожланган давлатларда турли хил пакет қолипловчи машиналар ва қурилмалар ишлаб чиқарилмоқда ва эксплуатация қилинмоқда. Бу машиналар асосан автоматлаштирилган бўлиб, баъзилари эса аввалдан берилган дастур асосида компьютерлар ёрдамида бошқарилади ва турли хил идиш - ўровли ва донали юкларни бир неча турдаги тагликларга қоплайди. 5-расмда автоматик пакет қолипловчи линиянинг чизмаси кўрсатилган.

Бу линия массаси 50 кг гача бўлган 800 хос ўлчамдаги яшиқ ва коробкаларни учта турдаги: ўлчамлари 800x1200; 1000x1000; 1000x1200 мм ли тагликларга шакллайди ҳамда иссиқдан киришишадиган пленкалар билан ўраб маҳкамлайди. Бу линияларнинг унумдорлиги соатига 3000 та яшиқни ташкил этади. Кичик габаритли вилкали юклагичлар ёрдамида бўш тагликлар пакет қолипловчи машинанинг махсус магазинларига етказилиб бериб турилади. Магазиндан бўш тагликлар автоматик тарзда, кўтарилувчи майдончага узатилади. Узатувчи конвейер 1 орқали етиб келган яшиқлардаги ёки коробкалардаги юкларни қолипловчи машина автоматик тарзда, аввалдан берилган дастур асосида уларнинг ўлчамларига мувофиқ кўтарилувчи майдончадаги бўш тагликка мақбул (оптимал) чизмада жойлаштиради. Бўш тагликка юк жойлари қаватма - қават тахлаб пакетланади. Дастлаб биринчи қават тахланади, сўнг кўтарилувчи майдонча таглик билан бир қават пастга тушади ва иккинчи қават тахланади ва ҳ.к. Тагликка юк жойлари тахланиб бўлинганидан сўнг пакет, кўтарилувчи майдончадан гравитацион конвейер 3 га суриб чиқарилади ва уни ўрнига навбатдаги бўш таглик узатилади. Гравитацион конвейерда пакетлар полиэтилен пленкалар ўраш қурилмаси 5 га етиб келади. Пакет полиэтилен пленкалари билан ўралганидан сўнг термо (иссиқлик) камераси 6 га кириб келади ва бу камера ичида пакет термик ишловдан ўтади, натижада полиэтилен пленка киришишади ва пакет маҳкамланиб термокамерадан чиқиб устма-уст тахлаш (штабеллаш) қурилмаси 7 га етиб келади. Штабелланган тайёр пакетлар юкловчи ғалтакли конвейерларда йиғилиб тахт бўлганидан сўнг, катта тоннажли контейнер 9 га ортилади. **Машинанинг унумдорлиги 30 кишининг меҳнат унумдорлигига тенг. Машинага уч киши хизмат кўрсатади.**



5 - расм. Автоматик қолипловчи линия чизмаси:

1 - узатувчи конвейер; 2 - қамраш қурилмаси; 3, 4 - гравитацион конвейер;  
 5 - пленка ўраш қурилмаси; 6 - термокамера; 7 - штабеллаш ускунаси;  
 8 - юкловчи роликли конвейерлар; 9 - катта тоннажли контейнер.

## 5. Транспорт пакетлари билан юк ва тижорат операцияларини бажариш технологияси

Транспорт пакетларидаги юклар умумий ва ноумумий фойдаланиш жойларида ташишга қабул қилиб олинади. Қабул қилиб олиш ва топшириш шарти бўйича транспорт пакети алоҳида юк жойларига тенглаштирилади. *Транспорт пакетининг массасини (пакетлаш воситаси билан юк массаси биргаликда) юк жўнатувчи аниқлайди ва юкхатини тегишли графасида кўрсатади.* Умумий фойдаланиш жойларида транспорт пакетидаги юкни темир йўли транспорт пакетидаги юклар миқдорини текширмай ташишга қабул қилади.

Транспорт пакетларида ташишга тақдим этилган юкларга ташиш ҳужжатларини тўлдиришда, юк жўнатувчи ва темир йўли юкхатининг, йўл қайдномасининг, йўл қайдномасини корешогининг ва юкни қабул қилиб олиш ҳақидаги паттасининг тегишли графаларида:

- *“Количество мест” графасида суръатида - пакетлар сони, махражида - битта пакетдаги юк жойларини сони;*
- *“Упаковка” графасида – “тр. пакет”;*
- *“Масса груза” графасида – юкнинг масса бруттоси, тагликларда шаклланган транспорт пакетлари учун эса, бундан ташқари каср орқали транспорт пакети массасини неттоси кўрсатилади.*

Терма вагонларда майда жўнатмалар транспорт пакетларида ташилганида транспорт пакетидаги ҳар бир номдаги юк ҳақида маълумотлар (жойлар сони, массаси) кўрсатилади. Юкхатининг орқа томонидаги **“Особые заявления и отметки отправителя”** графасида юк жўнатувчи вагонга юкланган пакетлаш воситасини турини ва сонини кўрсатиб қўйади. Масалан **“2П4 Тагликлари – 60 дона”**, **“ПС-05 сиртмоқлари – 6 дона”**. Транспорт пакетларидаги юкларни қабул қилиб олишда **қабул қилувчи топширувчи ташқи кўрикда:** *пакетларни, пакетлаш воситаларини бутлигини ва мавжудлигини ҳамда уларни юкхатидаги маълумотларга мувофиқлигини; махсус ва темир йўли тамгаларини (вагонланган жўнатмага) мавжудлигини; пакетлаш воситаларини ва пакетлар параметрларини стандартларга ва техник шартларга мувофиқлигини текшириши шарт.*

Пакетларни платформа ва ярим очик вагонларда ташишларда **Техник шартларига** мувофиқ пакетларни тўғри шаклланганлигини ҳамда очик ҳаракатдаги составга жойлаштирилганлигини ва маҳкамланганлигини текширилади.

*Транспорт пакетларидаги юкларни топшириши, агар улар тижорий муносабатда бешикаст бўлсалар, юклар миқдори текширилмасдан пакетлар сонини санаши бўйича амалга оширилади. Тайинланган станцияда шикастланган пакетлар аниқланса, станция пакетни ичидаги юк жойларини, шикастланганлиги жойлардаги юкларни эса – ҳисоб фактура бўйича сонини, массасини ва ҳолатини текшириши шарт.*

Пакетлаш воситаларидан фойдаланиш тартиби ва қайтариш муддатлари **юк жўнатувчилар** ва **юк олувчилар** ўртасида тартибга солинади. Юк жўнатувчилар ва юк олувчилар тасарруфидаги пакетлаш воситаларини ташиш вагонланган ва майда жўнатмаларда умумий асосларда тўлиқ юк ташиш ҳужжатларида тариф бўйича кира ҳақларини тўлаб амалга оширилади.

## **6. Транспорт пакетларини вагонларга жойлаштириш ва маҳкамлаш**

Транспорт пакетларини вагонларга ва контейнерларга жойлаштириш ва маҳкамлаш **Техник шартларига** ва тегишли юкларнинг ташиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ёпиқ ва изотермик вагонларнинг эшик ўртаси майдонида транспорт пакетлари шундай жойлаштирилиши кераки, токи уларни механизациялашган тушириш имконияти ҳар қайси эшикдан осонликча амалга оширилсин. Эшик ўртаси майдонига транспорт пакетлари шундай жойлаштириш кераки эшикдан камида 250 мм ташлаб амалга оширилади.


Агар транспорт пакетларини очик ҳаракатдаги составга жойлаштириш ва маҳкамлаш **Техник шартларда назарда турилмаган бўлса**, юк жўнатувчи бундай транспорт пакетларини очик ҳаракатдаги составга жойлаштириш ва маҳкамлаш усулини ишлаб чиқиши керак ва уни Техник шартларнинг 1-бўлимида кўрсатилган тартибларда тасдиқлатиши керак. Пакетларнинг транспорт воситаларига жойлаштириш ва маҳкамлаш ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда уларнинг юк кўтаришидан ва сиғимидан тўлароқ фойдаланиш талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Транспорт пакетларини вагонларга ортиш-тушириш ишларини манипуляция тирқишларисиз амалга оширишни имконияти мавжуд бўлмаса бу манипуляция тирқишлари эса 60 мм дан зиёд бўлмаслиги керак. Муайян шарт-шароитларда манипуляция тирқишларининг йиғиндиси ижозат этилган қийматлардан ортиқ бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда транспорт пакетлари ташиш жараёнида силжиши мумкин (агар улар маҳкамланмаган бўлсалар). Шунинг учун пакетлаб юк ташишда уларни маҳкамлашга алоҳида аҳамият берилади. Ёпиқ вагонларга 800 x 1200 мм модулли пакетларни икки қават ортиш энг самарали ҳисобланади. 120 м<sup>3</sup> ли ёпиқ вагонлар учун пакетнинг максимал баландлиги 1350 мм ни ташкил этади.

*Тўрт ўқли ёпиқ вагонга 60 та яшикли тагликларни (икки қават қилиб) жойлаштириши мумкин (6-расм).* Ясси тагликли пакетларни тарҳ (план) даги ўлчамлари яшчикли тагликларни ўлчамлари билан бир хил бўлганлиги боис, уларни ҳам тўрт ўқли ёпиқ вагонда 6-расмда кўрсатилгандек жойлаштириш мумкин.

6-расмда тўрт ўқли ёпиқ вагонда яшикли тагликларни (пакетларни) жойлаштириш ўринларини тарҳи кўрсатилган бўлиб, бу ҳар бир ўринга иккитадан пакет устма-уст қилиб жойлаштирилади. Ёпиқ вагонга пакетланган юкларни ортиш учун аввало уни эшиклари очилади, сўнгра омбор рампасидан вагон ичига ўтиш учун кўприк ўрнатилади ва вилкали юклагич пакетларни омбор ичидан олиб вагон ичига элта бошлайди. 1- ва 2- ўринларга вилкали юклагич биттадан иккита пакетни узун томони билан вагонни эни бўйича қилиб қўяди. Учинчи ва тўртинчи пакетларни эса вилкали юклагич келтириб биринчи ва иккинчи пакетлар устига ўрнаштиради. Бешинчи ва олтинчи пакетларни вилкали юклагич 3- ва 4- ўринларга қўяди ва уларни устига еттинчи ва саккизинчи пакетларни келтириб ўрнаштиради. Шундай тартибда вилкали юклагич вагоннинг этак

деворидан унинг эшик ўймаси (11-ва 12-ўринлари) гача, яъни вагоннинг бир томонига пакетларни жойлаштириб чиқади.



**6 - расм. Тўрт ўқли вагонларга яшикли тагликларни жойлаштириш чизмаси**

Сўнгра вилкали юклагич вагоннинг қарама-қарши этак девори (13-ва 14-ўринлари) дан пакетларни жойлаштириб чиқади ва ниҳоят вагоннинг эшик ўймаси оралиғидаги ўринларга пакетларни тарҳда кўрсатилган тартибда жойлаштириб чиқади. Шунинг эсан чикармаслик лозимки, ҳар бир қаторга пакетлар қўйилганидан сўнг, кейинги қаторга пакет қўймасдан аввал, уларни устига пакетларни жойлаштириб чиқиш лозим бўлади, акс ҳолда юк ортиш жараёнида тўхташлар ва узилишлар содир бўлиши мумкин. Ёпиқ вагонларга пакетларни ортишда бир эмас икки дона вилкали юклагичдан фойдаланса ҳам бўлади. Бунда биринчи юклагич омбордан пакетни олиб вагон томон ҳаракатланса, иккинчи юклагич бўш ҳолда вагондан омбор томон ҳаракатланиши ва биринчи юклагич вагонни ўнг томонига юк ортса, иккинчиси эса вагоннинг чап томонига юк ортиши лозим бўлади. Ана шундай тартибда вилкали юклагичларни иши ташкил этилса улар бир-бирларига ҳалақит бермайдилар.

Ёпиқ ва изотермик вагонларда ташиладиган, ноумумий жойларда ортиб ва тушириладиган ва йўл сафарида қайта юкланмайдиган транспорт пакетларини юк жўнатувчи юкларни йўл сафарида асрашни таъминловчи воситалар (масалан боғлагич, тортқи, тирак ва тиргак тўсинлар ва бошқалар) билан маҳкамлаши мумкин.

### **Назорат саволлари**

101. Ташиш учун алоҳида вагон берилишини талаб қилувчи, битта юкхатида ташишга тақдим этиладиган юк партияси ..... деб ҳисобланади.
102. .... юкларни йирик юк birlikларига шакллаш ва бирлаштириш учун мўлжалланган техник воситалар мансуб бўладилар.
103. Пакетлаш воситаларига нималар мансуб бўлади?
104. Муомала кўлами бўйича қандай пакетлаш воситалари мавжуд?
105. Конструкциясига мувофиқ қандай пакетлаш воситалари мавжуд?

106. ...., юклар учун майдончали ва уст қурилмали ёки уларсиз пакетлаш воситаси бўлиб ортиш - тушириш ишларини, ва омбор операцияларини механизациялашни, комплекс механизациялашни ва автоматизациялашни таъминлайди.
107. Идишда ёки идишсиз, алоҳида майда жойлардан йиғилган, ўзаро универсал ёки махсус, бир маротаба фойдаланиладиган ёки кўп айланадиган пакетлаш воситалари – тагликларда ёки уларсиз йириклаштирилган юк жойлари ..... деб тушинилади.
108. Транспорт пакетларидаги юклар ташишга қабул қилиб олинади?
109. Юк жўнатувчи вагонга юкланган пакетлаш воситасини турини ва сонини қайси ҳужжатнинг қайси графасида кўрсатиб қўйади?
110. Умумий фойдаланиш жойларида транспорт пакетларидаги юкларни қабул қилиб олишда ташқи кўрикда пакетларни, пакетлаш воситаларини бутлигини ва мавжудлигини ким текшириши шарт?
111. Умумий фойдаланиш жойларида транспорт пакетларидаги юкларни қабул қилиб олишда ташқи кўрикда пакетларни юкхатидаги маълумотларга мувофиқлигини; махсус ва темир йўли тамғаларини мавжудлигини ким текшириши шарт?
112. Умумий фойдаланиш жойларида транспорт пакетларидаги юкларни қабул қилиб олишда ташқи кўрикда пакетлаш воситаларини ва пакетлар параметрларини стандартларга ва техник шартларга мувофиқлигини ким текшириши шарт?
113. Умумий фойдаланиш жойларида тижорий муносабатда бешикаст транспорт пакетларидаги юкларни топшириш қандай амалга оширилади?

## **19- маъруза. Контейнерларда юкларни ташиш**

**Режа:**

### **1. Контейнерлар ва контейнерларда юк ташиш ҳақида асосий**



маълумот;

2. Универсал контейнерлар ва уларни ташиш воситалари;
3. Махсус контейнерлар ва уларни ташиш воситалари;
4. Универсал контейнерларда юкларни ташиш Қоидалари;
5. Махсус контейнерларда юкларни ташиш Қоидалари;
6. Очiq ҳаракатдаги составларга контейнерларни ортиш, жойлаштириш ва маҳкамлаш.

## 1. Контейнерлар ва контейнерларда юк ташиш ҳақида асосий маълумот

*Контейнерларда қиммат баҳо ва атмосфера таъсиридан хавфланувчи юклар транспорт идишсиз, бирламчи ўровда ёки енгиллаштирилган идишларда темир йўл, автомобиль, сув ва ҳаво транспортларида ташилади. Контейнерларга юклар жўнатувчиларнинг омборларида ортилади ва улардан юклар олувчиларнинг омборларида туширилади. Темир йўлларда ташилган ва кейинчалик автомобил ёки сув транспортига топшириладиган ёки аксинча топшириладиган контейнерлар очилмасдан, ичидаги юклардан бўшати́лмасдан, бир транспорт турдан иккинчи транспорт турига бевосита ортилади. Контейнерлар билан омборлардаги, темир йўл станцияларидаги, портлардаги ва принстанлардаги барча ортиш-тушириш ва саралаш операциялари тегишли механизация воситалари ёрдамида бажарилади.*

*Контейнерда юк ташиш – юк жўнатувчиларнинг омборларидан юк олувчиларнинг омборларигача ёки бевосита ишлаб чиқариш соҳасидан истеъмол соҳасига контейнерларидан фойдаланиб, қайта юклашларсиз юкларни ташиш усулидир. Контейнерларда юк ташиш:*

- юк жўнатувчиларни юкларни транспорт идишларига жойлаштириш заруриятидан холос қилади;
- юк, омбор ва тижорат операцияларини автоматлаштириш имкониятини яратади ва уларни сонини кескин камайтиради;
- ёпиқ вагонда юк ташиш усулига нисбатан контейнерларда юк ташишда меҳнат унумдорлигини 5-6 мартаба оширади;
- юк операцияларини жадаллаштиради ва орзонлаштиради;
- станцияларда ва темир йўл шохобчаларида ёпиқ омборларга бўлган эҳтиёжни камайтиради;
- ташишда юкларни тўлароқ асрашни таъминлайди;
- ортиш-тушириш жойларини ўтказиш қобилиятини оширади;
- транспорт-экспедиция, топшириш ва бошқа тижорат операцияларини соддалаштиради;
- ортиш - тушириш ишларида меҳнат унумдорлиги 4 - 5 мартабагача ошади ва бу ишларни комплекс механизациялаш ва автоматизациялаш учун реал шароит яратилади.

- турли хил транспортларда аралаш ташишларни кам вақт ва меҳнат харажатлари билан амалга оширишни таъминлайди.

Турли хил транспортларда юк жўнатувчилардан юк олувчиларга юкларни етказиб бериш тизими **контейнер транспорт тизими** деб аталади. **Контейнер транспорт тизими** – юкларни узлуксиз схемада бир ёки бир неча турдаги транспортда ички ва халқаро кўламда жадаллаштириб етказиб беришни таъминловчи ташкилий - техник комплексдан иборат бўлиб, стандарт контейнерларни, муносиб техник воситаларни, юк ташиш буюртманомасини ва уни тартибга солишни келишилган тизимини қўллаш асосида фаолият кўрсатади.

Юк ташишининг контейнер тизими турли контейнерларни ва уларни ортиш-тушириш ҳамда ташиш учун махсус механизациялаш ва ташиш воситаларини ишлаб чиқариш учун катта миқдордаги маблағни талаб қилади. Лекин бу сарф харажатлар тезда ўзини оқлайди ва бу усулда **юк ташишни келтирилган харажатлари** ёпиқ вагонда юк ташишга нисбатан анча кам бўлади.

Юқори самарадорлиги туфайли контейнер транспорт тизими ривожланган давлатларнинг ички юк ташиш тизимидан чиқиб халқаро юк ташиш тизимига айланади. Бундай юк ташишларни меъёрлаш масалалари билан стандартлаш бўйича халқаро ташкilot **ИСО (ISO – International Organisation for standartisation)** шуғулланади. Бу ташкilot юк контейнерларига (кейинчалик контейнер деб юритилади) қуйидаги таърифни берган.

**Юк контейнери – транспортнинг яхлит жиҳози, тўла ёки қисман ёпиқ кўринишдаги идиш бўлиб, уни ичига юкларни жойлаштириш мўлжалланган ва:**

- доимий техник тавсифномага ва кўп маротаба фойдаланиш учун етарли даражадаги мустаҳкамликка;

- бир ёки бир неча турдаги транспортда юкларни уларнинг ўртасида қайта юкламасдан ташишни таъминловчи махсус конструкцияга;

- уни бир турдаги транспортдан бошқа турдаги транспортга механизациялашган ортишни таъминловчи мосламаларга;

- унга юкни ортишни ва юкни туширишни осонликча бажариш имкониятини яратадиган конструкцияга;

- 1 м<sup>3</sup> га тенг ёки ундан ортиқ ички ҳажмга эга.

**Контейнер транспорт тизими:** контейнерларда юк ташишни режалаштириш ягона тизимга; контейнер оқимларини самарали ташкил этишга ва контейнер ҳамда ҳаракатдаги махсус состав паркларини тартибга солиш (ростлаш) га; юк ташишни ягона иқтисодий ва тижорий – ҳуқуқий тартибга солишга; барча техник воситаларни комплекс ривожлантириш (контейнерларни, юкларни пакетлашни, темир йўли, автомобиль, дарё, денгиз ва ҳаво транспортининг ҳаракатдаги

составларини ва ортиш - тушириш ва омбор воситаларини стандартлаш ва унификациялаш) га асосланади. Контейнерларни стандартлаш учун ИСО таркибида **ТК-104 «Юк контейнерлари»** техник комитети мавжуд бўлиб, у барча контейнерларни икки: **универсал ва махсус** гуруҳларга ажратган.

**Универсал контейнер** – тўғри бурчакли шаклдаги контейнер, қаттиқ конструкцияли, ёпиқ, очиладиган ёки олиб қўйиладиган томли, кенг номенклатурадаги идиш – ўровли ва донали юкларни ташиш ҳамда вақтинчалик сақлаш учун мўлжалланган. Универсал контейнерларда барча пакетланган ва доналаб ташиладиган юклар: пачкаланган рангли металллар, металл буюмлар, кимё саноати маҳсулотлари, қурилиш материаллари, эҳтиёт қисмлар, консервалар, қуритилган мевалар, қандолатчилик маҳсулотлари, мебеллар, гиламлар, сунъий ва табиий толадан тайёрланган мато ва газламалар, тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотоари, идиш-товоқлар ва ёпиқ вагонларда майдалаб ва вагонлаб ташиладиган жуда кўп номдаги бошқа юклар ташилади.

**Махсус контейнерлар** - бир турдаги ёки физика-кимёвий хусусияти бўйича бир гуруҳга мансуб бўлган юкларни турли транспортларда ташиш ва уларни муомала жараёнида вақтинчалик сақлаш учун хизмат қилади.

Универсал ва махсус контейнерлар ташувчининг (темир йўл транспортининг, денгиз транспортининг, дарё транспортининг ва ҳ.к.) ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг тасарруфида ёки ижаравий бўлиши мумкин.

**Контейнер транспорт тизимининг техник базаси** универсал ва махсус контейнерлар паркидан, ҳар турли транспортларда уларни ташиш воситаларидан, ортиш-тушириш воситалари билан жиҳозланган контейнер пунктлари ва терминаллари тармоқларидан иборат.

## 2. Универсал контейнерлар

**Универсал контейнер** – максималъ масса бруттоси, конструкциясининг габарит ўлчамлари бўйича стандартлаштирилган, шакли, мазмуни, жойлашиш ўрни бўйича стандартлаштирилган устёзмалар, жадвалчалар билан таъминланган ва ҳар турли транспорт воситаларига маҳкамлаш ва ортиш-тушириш ишларини механизациялаш учун мосламалар билан жиҳозланган, қаттиқ конструкцияли, ёпиқ, очиладиган ёки олиб қўйиладиган томли, паралапепед шакилдаги унификацияланган (бир хиллаштирилган) контейнер бўлиб, кенг номенклатурадаги идишли-ўровли ва донали юкларни ташиш ҳамда вақтинчалик сақлаш учун мўлжалланган. Универсал контейнерларда барча пакетланган ва доналаб ташиладиган юклар: пачкаланган рангли металллар, металл буюмлар, кимё саноати маҳсулотлари, қурилиш материаллари, эҳтиёт қисмлар, консервалар, қуритилган мевалар, қандолатчилик маҳсулотлари, мебеллар,

гиламлар, сунъий ва табиий толадан тайёрланган мато ва газламалар, тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотоари, идиш-товоқлар ва ёпиқ вагонларда майдалаб ва вагонлаб ташиладиган жуда кўп номдаги бошқа юклар ташилади.

Собиқ Иттифоқ темир йўлларида барча турдаги контейнерлар брутто массаси бўйича шартли равишда учта гуруҳга мансуб бўлганлар: **катта тоннажли брутто массаси 10; 20 ва 30 т ли, ўрта тоннажли брутто массаси 5 ва 2,5 (3) т ли универсал унификациялашган контейнерлар ва кичик тоннажли брутто массаси 1,25 ва 0,625 т ли автомобилларнинг унификациялашган контейнерлари.** Хозирда кичик тоннажли контейнерлар муомаладан чиқиб кетган. Лекин катта тоннажли ва ўрта тоннажли контейнерлар МДХ га аъзо давлатлар ва Латвия Республикаси, Литва Республикаси ҳамда Эстония Республикаси темир йўлларида ишлатилмоқда ва бу тушинча амалиётда сақланиб қолган. Ривожланган Европа, Амерка ва Осиё давлатларида бундай тушинча йўқ.

ТК-104 «Юк контейнерлари» техник Комитети контейнерларни асосий параметрларини ва ишлатиш соҳасини белгиловчи **ИСО-668 Стандартини** ишлаб чиққан. Унда контейнернинг ташқи ва ички ўлчамлари, **жоизликлар** (допусklar), брутто массаси ва контейнернинг ўзининг (тарасининг), максимал массаси белгиланган. Шунингдек универсал контейнерларни, контейнер - цистерналарни, тахланадиган контейнерларни, контейнерларни ортиш-тушириш, ташиш ва маҳкамлаш воситаларини синаш услубларига ва техник талабларига ҳам стандартлар ишлаб чиқилган.

ИСО нинг ТК-104 «Юк контейнерлари» техник Комитети брутто массаси 30; 25; 20; 10; 5 ва 2,5 **тоннали** контейнерларни тавсия этади. Энг катта контейнер узунлиги **40 футъ (12192 мм)** га тенг қилиб қабул қилинган. Бошқа контейнерларнинг узунлиги эса **76,2 мм ораликни** ҳисобга олган ҳолда **асосий модуль 5 футъ (1524 мм)** га карраликда қабул қилинган. Халқаро юк ташишлар учун хизмат кўрсатадиган катта тоннажли контейнерларнинг **баландлиги ва эни 2438 мм** га тенг қилиб, - **5 мм жоизлик** билан қабул қилинган. Ўлчамлари карраликда бўлган контейнерларни ўзаро бирлаштириб, катта ўлчамдаги комплект юк бирлигини барпо этиш мумкин. Шунинг учун контейнернинг конструкцион узунлиги, улар ўртасидаги керакли ораликни таъминлаши лозим бўлган ўлчамга қисқартирилган. Ёнма-ён контейнерлар бир-бирларига тўрт дона махсус бириктиргич (фиксатор) лар ёрдамида бирлаштириб қўйилади.

1-жадвалда баъзи бир универсал унификациялашган контейнерларнинг асосий параметрлари берилган.

1-жадвал

### **Универсал унификацияланган контейнерларнинг асосий параметрлари**

Контейнер нишонлари		Контейнерларнинг ташқи ўлчамлари			Ҳажми, м <sup>3</sup>	Ўз мас-саси, т
ГОСТ 18477-79	ИСО-668	L	B	H		
1A	1A	12192	2438	2438	61,5	3,6
1C	1C	6058	2438	2438	30,3	2,1
1D	1D	2991	2438	2438	14,3	1,2
УУК-5	3A	2650	2100	2400	10,3	1,1
УУК-5У	3B	2100	1325	2400	5,4	0,8
УУК-2,5 (3)	3C	2100	1325	2400	5,4	0,542


Изоҳ. 1 – жадвалда: L - контейнернинг узунлиги, B - эни, H - баландлиги.

*Контейнерлар: ўрта тоннажлилар устма-уст уч қават, катта тоннажлилари эса устма-уст олти қават тахланганида пухталиқни ва мустаҳкамликни; механизация ва автоматизация воситаларини қўллаб ортиш-тушириш ишларини, омбор ҳамда транспорт операцияларини хавф-хатарсиз бажаришни; юкларни транспортда ташишда, сақлашда ва ортиш-тушириш ишларини бажаришда асрашни; унинг бутун ва таркибий элементларини ёки уларни алоҳида қисм (полнинг тахталарини, эшикларини, томларини, деворларини ва ҳ,к,) ларини ишкастланиш ёки вайрон бўлишининг кўзга кўринмас изларини қолдирмасдан ажратиб олиш имконияти бўлмаслигини таъминлаши лозим.*

Контейнерларни ясаш учун пўлат листлардан, алюминий листлардан, шиша толалар билан мустаҳкамланиб, пластикалар қопланган, сувга бардошли елимлар билан ёпиштирилган фанералардан фойдаланилади. Шунингдек контейнерларни ясаш учун пластмассадан ва бошқа материаллардан ҳам фойдаланилади. Барча катта тоннажли контейнерларнинг ҳамма юқори ва остки бурчаклари оммавий **бурчак фитинглар** билан жиҳозланган (1-расм). Бу бурчак фитинглар контейнерларни илиб олиш ва контейнерларни бир-бирига ва ҳаракатдаги составларнинг полига маҳкамлаш учун мослама бўлиб хизмат қилади. Контейнерларнинг остки рамасида автоюклагичларни вилкаси учун тирқиш (ўйма) лар ҳам мавжуд. Контейнернинг этак томонларининг бирида резина зичлагичли, икки қанот (табақа) ли контейнернинг бутун эни ва баландлиги бўйича 270 га очиладиган эшик жойлашган. Контейнерларнинг эшиклари қисув (сиқув) чи конструкцияли тамбалаш мосламалари билан жиҳозланган. Баъзи бир контейнерларнинг эшиги ён томонларда жойлашган бўлиши мумкин, лекин бундай жойлашган эшиклар контейнерлар ичига механизациялашган юк ортиш ва туширишда

баъзи бир муаммо ва мушкулликларни келтириб чиқаради. Эшиги этак томонда жойлашган контейнерларда бундай муаммолар ва мушкулликлар бўлмайди, чунки уни эшик қанотлари бутун эни ва баландлиги бўйича очилади ва уни ичига кичик габаритли вилкали юклагичлар пакетланган юклар билан ёки алоҳида юк жойлари билан бемалол кириб ортиш ёки тушириш ишларини бажариши мумкин. Контейнерларнинг эшик ва эшик рама (чорчўп) ларини конструкциялари: барча турдаги ва хос ўлчамдаги контейнерларнинг этак эшикларини 270° га ва катта тоннажли контейнерларнинг ён эшикларини 180° га очилишини; беркитилган ва пломбаланган эшикни ечиб (чиқариб) олишни имкониятини бўлмаслигини таъминлаши лозим. Контейнерларнинг полини периметри бўйича, остки рамага тегиб турган жойлари ва пол тахталари ўзаро туташган жойлари герметик зичланган бўлиши керак.

Контейнерларни ишлаб (ясаб) - чиқарувчи корхоналар, уларни стандарт талабларига мувофиқлигини текшириш учун: **операцион ва қабул - қилиш назоратидан**; контейнерларни тажриба ва бош нусхаларини **дастлабки ва намунавий синовдан**; серияли ишлаб чиқарилаётган барча контейнерларни **қабул қилиш-топшириш синовидан** ва юқорида кўрсатиб ўтилган турдаги назоратдан ўтган контейнерлар ичидан танлаб олинган контейнер нусхаларни **даврий синовдан** ўтказишни таъминлашлари лозим.



**1-расм. 1С катта тоннажли контейнер конструкциясининг умумий кўрниши:**

1-бурчак фитинги; 2-вертикаль бурчак тўсини; 3- юқори бўйлама тўсин; 4- тирқишли остки бўйлама тўсин; 5- юқори ва остки этак тўсинлари; 6-эшик қанотлари; 7-эшикни тамбалаш механизми; 8- ёнбош деворлар.

### 3. Махсус контейнерлар

Махсус катта тоннажли контейнерлар қуйидаги гуруҳларга бўлинадилар: этак ва ён деворларидаги бир ёки бир неча эшик ўймаларидан юк ортиладиган ёпиқ контейнерлар; томсиз очиқ контейнерлар; усти тент билан ёпилган орқа эшикли очиқ контейнерлар;

контейнер-платформалар; оғир юкларни ташиш учун ярим баландликдаги контейнер - платформалар; контейнер - цистерналар; изотермик (рефрижератор) контейнерлар ва бошқа турдаги контейнерлар. Уларнинг барчасини параметрлари ИСО меъёрларига мувофиқ бўладилар.

МДХ давлатларида ва Латвия Республикаси, Литва Республикаси ҳамда Эстония Республикасида сочилувчан, донали, суюқ юкларни, идишсиз, идишда ёки енгил ўралган озиқ - овқат маҳсулотларини платформаларда ёки ярим очик вагонларда, автомобилларда, автопоездларда, дарё ва денгиз кемаларида ташиш ва уларни муомала жараёнида очик майдонларда вақтинчалик сақлаш учун махсулаштирилган гуруҳли контейнер (МК) лар ишлатилади, уларнинг хос ўлчамлари эса стандартларда белгиланган.

Зичлиги  $1,8 \text{ т/м}^3$  гача бўлган қотиб қолмайдиган ва заиф (бўш) қотиб қоладиган, атмосфера ёғингарчиликларидан хавфланувчи сочилувчан юкларни ташиш ва вақтинчалик сақлаш учун **параллелепипед шаклидаги**, ёпиқ, томида ҳамда ён деворларини бирида ёки остида (тубида) қопқоқли туйниклар жойлашган ва **цилиндр** ҳамда бошқа шакллардаги брутто массаси 1,25; 2,5; 3,2; 5,0; 10,0; 15,5 ва 20,0 *тоннали* контейнерлардан фойдаланилади. Кучли қотиб қолувчи ва музлаб қолувчи ҳамда зичлиги  $1,8 \text{ т/м}^3$  дан юқори бўлган қотиб қолмайдиган ёки заиф қотиб қоладиган, атмосфера ёғингарчиликларидан хавфланувчи сочилувчан юкларни ташиш ва вақтинчалик сақлаш учун брутто массаси 3,2; 5,0; 10,0 ва 15,5 *тоннали кесик конус шаклидаги*, очик ва берк, бир қопқоқли туйник билан жиҳозланган ва **аралаш шаклидаги** контейнерлардан фойдаланилади. Бундай юклар учун катта тоннажли контейнерларни баландлиги 1500 - 1900 *мм* ни эни ёки диаметри 1960 - 2800 *мм* ни ва узунлиги эса 2800 *мм* ни, ўрта тоннажли контейнерларни баландлиги 1385 - 1900 *мм* ни эни ёки диаметри 1500 *мм* ни ва узунлиги эса 1630 *мм* ни, ташкил этади.

Қуйилувчан, оқувчан юкларни ташиш ва вақтинчалик сақлаш учун брутто массаси 1,25; 5,0; 10,0; 20,0 ва 30,0 *тоннали* цилиндр ёки аралаш шаклидаги, ёпиқ, томида, тубида ёки ён деворларини бирида қопқоқли туйник жойлашган параллелепипед шаклидаги синч (каркас) ли контейнерлар ишлатилади. Тез бузилувчан озиқ - овқат маҳсулотлар учун брутто массаси 10; 20 ва 30 *тоннали* параллелепипед шаклидаги, ёпиқ изотермик, бир этак томонида эшик ва иккинчи қарама - қарши этак томонида **машина бўлими** жойлашган контейнерлар ишлатилади. Қуюлувчан ва сочилувчан юкларни ташиш ва вақтинчалик сақлаш учун кўпинча юмшоқ эластик, хажми 0,2 дан 10,0  $\text{м}^3$  гача бўлган контейнерлардан ҳам фойдаланилади. Улар узилишга ва эгилишга қарши юқори мустаҳкамликка эга, қуёш нурлари таъсирига барқарор, ейилишга чидамли ва ўзининг массаси эса ниҳоятда кам. Сочилувчан кимё маҳсулотларини турли транспортларда ташиш ва муомала жараёнида




вақтинчалик сақлаш учун брутто массаси 1,5; 2,0; 4,0; *тоннали* ва ўзининг массаси 25; 50 ва 100 *кг* бўлган резинокордли юмшоқ эластик контейнерлардан фойдаланилади.

Машинасозлик ва қурилиш индустрияси саноатининг тайёр донали маҳсулотларини ташиш ва вақтинчалик сақлаш учун брутто массаи 2,5; 5,0; 10,0; 15,5 ва 20,0 *тоннали* параллелепипед шаклдаги ёпиқ, томи очиладиган ёки олиб қўйиладиган ва этак ёки ён деворларида эшиклар ўрнатилган контейнерлардан ҳамда металл бурчаклардан ва швеллерлардан ясалган турли контейнер - кассеталардан фойдаланилади. 1.14-расмда махсус контейнерларнинг баъзи турлари кўрсатилган.

Геологик сочилувчан юкларни ҳамда емирувчи сочилувчан юкларни (масалан, карбон ишқорли реагент) ни транспортда ташиш ва вақтинчалик сақлаш учун КЦМ-5 турдаги махсус контейнерлардан фойдаланилади. Бу контейнер яхлит металл конструкцияли бўлиб, унинг металлдан ясалган каркаси (синчи) пўлат туникалар билан қопланган. Контейнернинг таг қисми ҳалқали шарнир (ошиқ - мошиқ) ёрдамида унинг каркасига маҳкамланган бўлиб, ишчи ҳолатда махсус қулф - чангак билан беркитилиб қўйилади. Контейнернинг таг қисми қобирға бикирлигига эга бўлиб, унинг периметри бўйича резинали зичлагич ўрнатилган. Контейнернинг қопқоғи эса илмоқли шарнирлар билан унинг каркасига маҳкамланган бўлиб, қопқоқнинг марказида қўшимча юклаш тўйниги мавжуд. Тўйникдаги ва тўйнуқ қопқоғидаги резинали зичлагичлар контейнернинг ичига нам ўтказмасликни таъминлайди. Юклаш учун махсус тўйнуқнинг мавжудлиги ва контейнернинг қопқоғини ҳамда унинг таг қисмини бутун периметри бўйича очилиши, контейнерни юк билан тўлдириш ва уни бўшатиш операцияларини анча жадаллаштиради. КЦМ-5 турдаги контейнерни устма - уст қўйиб уч қават тахлаш мумкин. Контейнер каркасидаги махсус фиксатор (қайдлагич) рамалар, контейнерларни устма - уст тахлаш ва ортиш-тушириш ишларини бехатарлик билан бажаришни таъминлайди. КЦМ-5 турдаги контейнернинг габарит ўлчамлари 1400x1360x1400 *мм*, брутто массаси 5 т, ўзининг массаси 0,45 *т*, ва ҳажми 2 *м*<sup>3</sup>.

Физика-киёвий хусусиятлари атмосфера ёғингарчиликлари таъсирида ўзгариб кетувчи, қотиб қоладиган юкларни (масалан, минераль ўғитларни) транспортда ташиш ва вақтинчалик сақлаш учун СК-2-1 турдаги махсус контейнерлардан фойдаланилади.





**2-расм. Махсус контейнерлар.**  
 а) КЦМ-5; б) СК-2-1; в) СК-8-1;  
 г) контейнер кассета

СК-2-1 турдаги махсус контейнер тўрт қиррали кесик пирамида шаклида бўлиб, деярли квадрат асосли ост ва устан иборат. Контейнер корпуси пўлат туникадан ясалган бўлиб, ташқарисига бикир қирралар

пайвандланган. Контейнер корпусининг усти бутун кесими бўйича резина зичлагичли ва иккита пломбаланадиган қулфли қопқоқ билан ёпиб қўйилади. Контейнернинг юқори қисмига, унинг бутун периметри бўйича бурчакли металлдан сарров рама пайвадланган бўлиб, у контейнерни янада мустаҳкам бўлишини таъминлайди. Контейнерни устки қопқоғини очиб уни юк билан тўлдирилади. Бўшатиш эса контейнер ёнида, уни остки қисмига яқин жойлашган туйнук орқали амалга оширилади. СК-2-1 турдаги контейнернинг габарит ўлчамлари 1400x1350x1600 мм, брутто массаси 4 т, ўзининг массаси 0,47 т ва ҳажми 1,9 м<sup>3</sup>.

СК-8-2 турдаги махсус контейнер ойна ва бошқа мўрт лист материалларни транспортда ташиш ва вақтинчалик сақлаш учун ишлатилади. Бу контейнернинг ўзига хослиги шундан иборатки, унинг икки томонидаги икки қанотли эшиклари контейнернинг бутун эни ва баландлиги бўйича 180° га очилади ва контейнер ичидаги махсус тахмон тагликка ойналарни тахлаб қўйишда ва тахмон тагликдан ойналарни олишда қулайлик яратади. СК-8-2 махсус контейнерни ҳаракатдаги составларга ортиш - тушириш ишлари ва омбор операцияларини вилкали юклагич ёрдамида механизациялашган усулда амалга оширилади.


Узун бўйли шиферлар учун мўлжалланган контейнер - кассеталар ажраладиган конструкцияда бўлиб, бурчакли металлдан ясалган иккита рама шаклидаги ярим кассеталар 1 дан, занжирли боғлагичлар 2 дан, махсус қулфлар 3 дан ва бурчак тираклари 4 дан иборат. Иккита остлик устига текис тахлаб чиқилган шифер тўпламининг этак томонидан ярим кассеталар кийдирилиб, бир-бирларига занжирли боғлагич билан тортиб, махсус қулф билан маҳкамлаб қўйилади.

Тўрт ўқли ярим очик вагонга 24 дона юкли контейнер - кассеталар жойлаштирилади. Ҳар бир контейнер - кассетани брутто массаси 2,6 - 2,7 т ни ташкил этади. Контейнер - кассеталар узун томони билан олти қатор ярим очик вагон бўйича, икки қатор энига ва устма - уст икки қават баландликда жойлаштириб чиқилади. Контейнер - кассеталар бўш ҳолатда тахланиб, пакет ҳолатига келтирилади ва юк жўнатувчига қайтариб юборилади.

#### **4. Контейнерларни ташиш учун транспорт воситалари**


*Темир йўл транспортида брутто массаси 5 тоннагача бўлган универсал контейнерлар асосан қайта жиҳозланган ярим очик (контейнер ташувчи) вагонларда ва қисман универсал ярим очик вагонларда ташилади, махсус контейнерлар эса асосан универсал платформаларда ва қисман универсал ярим очик вагонларда ташилади. Брутто массаси 5 тоннагача бўлган универсал ва махсус контейнерлар бошқа турдаги магистрал транспортларда умумий фойдаланишдаги автомобилларда ва кемаларда ташилади. Катта тоннажли контейнерларни ташиши учун уни*

остки бурчак фитингларидан маҳкамлаш учун махсус тутқич (стопр) ли мосламалар билан қайта жиҳозланган универсал тўрт ўқли платформалардан ва узун базали тўрт ўқли махсус контейнер ташувчи платформалардан фойдаланилади. Узун базали тўрт ўқли махсус контейнер ташувчи платформага олтита УУК-10 [1D] ёки учта УУК-20 [1C] ёхуд битта УУК-30 [1A] ва битта УУК-20 [1C] контейнерини жойлаштириш мумкин. Тутқичли мослама билан қайта жиҳозланган универсал тўрт ўқли платформаларга тўрта УУК-10 [1D] ёки иккита УУК-20 [1C] ёхуд битта УУК-30 [1A] контейнерини жойлаштириш мумкин. 1.15-расмда узун базали тўрт ўқли махсус контейнер ташувчи платформа кўрсатилган.




**3-расм. Узун базали тўрт ўқли махсус контейнер ташувчи платформа**

Катта тоннажли контейнерларни автотранспортда ташиш учун махсус ярим тиркама ва тиркамалар мавжуд. Бу тиркама КамАЗ, МАЗ, Mercedes автомобилларига уланади ва бу авто - поездларда катта тоннажли контейнерлар шаҳар ичида, шаҳар атрофида ташилади. Ярим тиркама ва тиркамаларнинг рамаларига айланадиган илгак-тутқичлар ўрнатилган. Уларга катта тоннажли контейнер остки бурчак фитинги билан жойлашганидан сўнг, илгак-тутқични  $90^\circ$  га бураб қотириб қўйилади ва контейнер тиркама рамасига маҳкамланиб қолади. Кўтариш-транспорт машиналари бўлмаган корхоналарга хизмат кўрсатиш учун, контейнерларни ташишда автомобиль - ўзи юклагичлардан фойдаланилади. Портал шаклидаги гидравлик кранли 5911 русумли - ўзи юклагич МАЗ-500 автомобилнинг шассисига ўрнатилган бўлиб ўрта тоннажли контейнерларни ва оғир вазинли юкларни ташишга, ўзига ортишга ва ўзидан туширишга мўлжалланган (1.16-расм).



**4-расм. 5911 русумдаги гидравлик кранли автомобиль -ўзиюклагич**



**5-расм. Катта тоннажли контейнерлар учун ярим тиркама контейнер ташувчи-ўзи юклагич**

Катта тоннажли контейнерлар учун ўзи юклагич юк кўтариши 20 -30 *t* бўлган ярим тиркама контейнер ташувчидан иборат бўлиб (1.17-расм) унинг рамасини олдинги ва этак қисмида юк кўтариш қурилмаси ўрнатилган ва улар ёрдамида контейнерларни ортиши ва тушириши мумкин.

## Назорат саволлари

114. .... – транспортнинг яхлит жиҳози, тўла ёки қис-ман ёпиқ кўринишдаги идиш бўлиб, уни ичига юкларни жойлаштириш мўлжалланган.
115. Контейнерларга юклар қаерларда ортилади?
116. Контейнерлардан юклар қаерларда туширилади?
117. .... – тўғри бурчакли шаклдаги контейнер, қаттиқ конструкцияли, ёпиқ, очиладиган ёки олиб қўйиладиган томли, кенг номенклатурадаги идиш – ўровли ва донали юкларни ташиш ҳамда вақтинчалик сақлаш учун мўлжалланган.
118. .... - бир турдаги ёки физика-кимёвий хусусияти буйича бир гуруҳга мансуб бўлган юкларни турли транспортларда ташиш ва уларни муомала жараёнида вақтинчалик сақлаш учун хизмат қилади.
119. Контейнер транспорт тизимининг техник базаси нималардан иборат эмас?
120. Агар контейнернинг ташқи ўлчамлари  $L=12192$  мм,  $V=2438$  мм ва  $H=2438$  мм га тенг бўлса у қайси нишондаги контейнер?
121. Агар контейнернинг ташқи ўлчамлари  $L=6058$  мм,  $V=2438$  мм ва  $H=2438$  мм га тенг бўлса у қайси нишондаги контейнер?
122. Агар контейнернинг ташқи ўлчамлари  $L=2991$  мм,  $V=2438$  мм ва  $H=2438$  мм га тенг бўлса у қайси нишондаги контейнер?
123. Агар контейнернинг ташқи ўлчамлари  $L=2650$  мм,  $V=2438$  мм ва  $H=2438$  мм га тенг бўлса у қайси нишондаги контейнер?
124. Агар контейнернинг ташқи ўлчамлари  $L=2650$  мм,  $V=2100$  мм ва  $H=2400$  мм га тенг бўлса у қайси нишондаги контейнер?
125. Агар контейнернинг ташқи ўлчамлари  $L=2100$  мм,  $V=1325$  мм ва  $H=2400$  мм га тенг бўлса у қайси нишондаги контейнер?
126. УУК-2,5 (3) контейнерини устма – уст неча қават тахлаш мумкин?
127. 1А контейнерини устма – уст неча қават тахлаш мумкин?
128. УУК-5 контейнерини устма – уст неча қават тахлаш мумкин?
129. 1С контейнерини устма – уст неча қават тахлаш мумкин?
130. Бурчак фитинглар билан қайси турдаги контейнерлар жиҳозланади?

## 20-маъруза. Йўловчилар, багаж, юк багаж ва почталар ташишдаги тижорат операциялари

### 1. Йўловчи ташиш

“Темир йўл транспорти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида йўловчига қуйидагича таъриф берилган: **йўловчи** – йўл ҳужжатларига эга бўлган ва поездда сафар қилувчи фуқаро (жисмоний шахс).

Уставнинг 95-бандида *темир йўли ҳамда йўловчилар ва багажлар ташиши ва хизмат кўрсатишни амалга оширувчи корхона йўловчиларни ташишларда аҳоли эҳтиёжини, темир йўл транспортдан фойдаланишда йўловчилар хавфсизлигини, йўловчилар учун зарур қулайликларни, уларга вокзалларда ва поездларда маданий хизмат кўрсатишни, ўз вақтида ташишни ва йўловчилар багажини асрашни таъминлаши кераклиги* белгилаб қўйилган. Йўловчиларни поездларга чиқиши ва тушиши учун очиқ бўлган барча станциялар ва тўхташ пунктлари ўртасида йўловчилар ташилади. Темир йўли йўловчига сафар ҳужжати (билетини), у кўрсатган йўловчи операциялари учун очиқ бўлган тайинланган темир станциясигача, сотишни таъминлаши шарт.

Темир йўли барча **йўловчи поездларини қатъий жадвал** бўйича ҳаракатланишини таъминлаши, йўловчи ва багаж ташишларни **амалга оширувчи корхона эса** йўловчиларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган йўловчи вагонларни, вокзалларни ва бошқа иншоотларни намунавий техник ҳолатда ва тозаликда ушлаб туришни ва керакли йўловчи ташиш ҳажмини бажаришни таъминлаши ҳамда вокзалларда ва йўловчи поездларда озик – овқат маҳсулотларини сотишни ва маъиший хизмат кўрсатишни ташкил этиши керак. Йўловчиларга қулайликлар яратиш мақсадида вокзал биноларида уларнинг эътиборлари учун, жўнайдиған ва етиб келадиган поездларнинг қатнаш жадвали, йўловчиларни сафар ва багаж ташиш баҳоси жадвали, билет ва багаж кассаларини иш вақти ҳақида, поездлардаги бўш жойлар мавжудлиги ҳақида, шикоят ва таклиф дафтариининг турар жойи ҳақида эълонлар ва вокзал биноларининг жойлашиш кўрсаткичлари осиб қўйилиши керак.

Йўловчиларни ташиш учун мўлжалланган поездлар сафар масофасига мувофиқ – **олис, маҳаллий** ва **шаҳар атрофи** турларга бўлинадилар. Олис йўловчи поездларининг қатновлари бир неча темир йўллар сарҳадларида, маҳаллий йўловчи поездларининг қатновлари бир темир йўли сарҳадида ва шаҳар атрофи йўловчи поездлар қатновлари шаҳар атрофи зонасида ташкил этилади. Олис ва маҳаллий йўловчи поездлари ҳаракат тезлигига мувофиқ – **тезюар ва йўловчи** поездлари бўлиши мумкин. Оммовий йўловчилар ташиш йўналишларида почта – багаж поездларини қатновлари ҳам ташкил этилади.

Йўловчи вагонлари: қаттиқ ўринли, купели (айрим – айрим хонали), юмшоқ тўрт ва икки ўринли купеларга бўлинадилар. **Қаттиқ ўринли** вагонлардан плацкارتли ётиш учун ва умумий ўтириш учун, **купели ва юмшоқ** вагонлардан плацкартали ётиш учун фойдаланилади.

Поезда сафар қилиш ҳуқуқини берувчи асосий ҳужжат темир йўл билети (чиптаси) ҳисобланади. Темир йўлида сафар қилувчи ҳар бир йўловчи муайян поездга берилган ва тегишли эгаллаш ўринлари кўрсатилган сафар ҳужжатига эга бўлиши керак. Сафар ҳужжатларига темир йўл билетлари ва қўшимча тўловлар патталари мансуб бўлади.

Йўловчи билетни сотиб олаётганида юридик актни амалга оширади – темир йўли билан **йўловчи ташиш шартномасини** тузади. Ушбу шартномага мувофиқ *темир йўли ва йўловчига хизмат кўрсатиши бўйича корхона, сотиб олинган сафар ҳужжатига (билетга) мувофиқ поездда йўловчига жой бериб, йўловчини ва уни бағажини тайинланган манзилга етказиб қўйиши мажбуриятини олади, йўловчи эса сафар учун белгиланган тариф бўйича, бағаж топширган бўлса – бағажни ташиши учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.*

Темир йўлларида билетларни сотиш марказлаштирилган бошқарилади. Бу эса йўловчига сафар билетларини ҳар қайси кассадан барча поездларга сотиш, поездлардаги мавжуд ўринлар ҳисобини мужассамлаштириш, олдиндан темир йўл билетларини сотиш бўйича хизматлар кўрсатишни кенг тадбиқ қилиш имкониятини беради ва жўнашни кутиб турган йўловчилар мавжудлигида бўш ўринлар билан поездларни жўнашини истисно этади. Темир йўл транспортида билетларни сотиш, билет – касса операцияларини механизациялаш ва автоматизациялаш воситаларини кенг қўллаш асосида ташкил этилган бўлиб, бу эса ўз навбатида юқори маданиятли хизмат кўрсатиш, билет кассирлари иш унумдорлигини ошириш ва ташиш кира ҳақларини ҳамда қўшимча йиғимларни тўғри ундириш имкониятини беради. Темир йўл транспортида қуйидаги турдаги хизматлар кўрсатиш: маҳаллий ва олис поездларга **олдиндан** билет сотиш, шу жумладан **орқага қайтишга**, бошқа поездларга **қайта ўтириш** (пересадка) пунктларида транзит поездлардаги ўринларга **буюртма бериш**, телефон бўйича буюртма қабул қилиш ва яшаш, иш ва дом олиш жойларига сафар билетларни етказиб бериш назарда тутилган.

Катта миқдорларда йўловчилар жўнатиладиган станцияларда билет кассалари йўналишлар бўйича ихтисослаштирилади, болали йўловчилар, ҳарбий хизматчилар, ўқувчилар учун алоҳида кассалар очиб қўйилади. Кассаларни, кассирларни иш жадвали, кассалар олдида йўловчиларни тўпланиб қолишига йўл қўймай, барча поездларга ўз вақтида билетлар сотилишини таъминлаши керак.

Сафар ҳужжатларини расмийлаштириш ва сотишда билет босиб чиқарадиган машина ва автоматлардан фойдаланилмоқда. Хозирда

билетлар сотишни ва йўловчи поездларидаги ўринларни тартибга солишни комплекс автоматизациялаш учун мўлжалланган “Экспресс-1” ва “Экспресс-2” системалари темир йўл транспортида кенг тарқалган. “Экспресс” системаси қуйидаги операцияларни бажаради: барча турдаги сафар ҳужжатларини (каттик ўринли, купели ва юмшоқ вагонларга) ва қўшимча ҳужжатларни тўғри ва орқага қайтиш сафар йўналишлари бўйича расмийлаштиради ва босиб чиқаради; сафар баҳосини аниқлайди; поездлардаги бўш ўринлар ҳисобини олиб боради ва уларни кассирлар талаби бўйича беради; бўш ўринлар мавжудлиги ва оралик станцияларида йўловчиларни тушиб қолиши ҳақида кассирларга ахборот беради; йўловчилар ташиш бўйича турли статистик ва молиявий ҳисоботларни белгиланган шаклда тўлдириб боради.

Йўловчи билетлари ва бошқа сафар ҳужжатлари иккита асосий турга: **бир маротабалик** сафарга ва **кўп маротабалик** сафарга бўлинади. Бундан ташқари сафар ҳужжатлари **тўлиқ** (катта ёшли йўловчилар сафарига) ва **болалар** сафар ҳужжатларига бўлинадилар. Бир маротабалик сафарга ҳужжатлари **позицияли** (картонли) ва **банкали** бўлиши мумкин. Картонли билетлар катта доимий йўловчи оқимлари мавжуд бўлган иккита станция ўртасидаги сафарларда фойдаланади. Банкали билетлар йўловчи операциялари учун очик бўлган барча станциялар ўртасидаги сафарларда фойдаланилади. Агар жўнаш ва тайинланган станциялар ўртасида картонли билетлардан фойдаланилмаса, банкали билетлар ва уларга қўшимча тўловлар паттаси йўловчига берилади (сотилади). Болалар билети 5 ёшдан 10 ёшгача бўлган болаларни сафарлари учун берилади. 10 ёшдан катта болалар учун катта ёшли йўловчилар билетлари сотиб олинади.

**Кўп маротабалик** сафар ҳужжатлари турлича бўлиши мумкин. *Орқага қайтиш билетлари* шаҳар атрофи йўналишларида йўловчилар сафарлари учун яроқлилиқ муддатида икки томонга (“У томонга” ва “Орқага”) сотилади. *Шаҳар атрофи қатновларининг исмли абонемент билетлари* ойлик, мавсумий (тўрт ойлик), ярим йиллик ва йиллик бўлиши мумкин. Бу ҳақида Уставнинг 100- бандида “*Шаҳарлараро қатновлардаги участкаларда бир сафарга билет сотишдан ташқари:*

*а) орқага қайтиш билетларини, бир сутка давомида йўловчига тайинланган станциягача ва дастлабки жўнаш станциясигача орқага сафар қилиш ҳуқуқини берувчи ҳамда умумий дам олиш ва байрам кунлари билетларни;*

*б) исмли абонемент билетларини (амал қилиш муддати чегарасида сафарлар сонини чекламай) сотиш амалга оширилади”* – деб кўрсатилган.

Шунингдек темир йўлчилар ва уларнинг оила аъзолари учун махсус сафар ҳужжатлари ҳам мавжуд. Билетларнинг **яроқлилиқ муддати** бир маротабалик сафарларга тўғри ва маҳаллий қатновларда йўловчи қайси турдаги поездда (тезарар ёки йўловчи) сафар қилишидан қатъий назар, масофага мувофиқ аниқланиши белгиланган.



Йўловчилар ташиш бўйича темир йўлининг мажбуриятлари ҳамда темир йўли ва йўловчиларнинг ҳуқуқий муносабатлари Ўзбекистон Республикаси темир йўл Уставида ва йўловчи, багаж ва юк багаж ташиш Қоидаларида белгиланган. Темир йўлини йўловчини сафар ҳужжатларини **яроқлилиқ муддатини узайтириш** бўйича мажбуриятлари Уставнинг 99-бандида белгиланган бўлиб, унда темир йўли:

а) *поездда (шаҳарларародан ташқари) йўловчига жой барилмаганида* – галдаги, йўловчига жой бериладиган поезднинг жўнаш вақтигача;

б) *қайта ўтириш пунктларида мувофиқлаштирилган поездлар кечикканида* – транзит йўловчига сафарни давом эттириши имкониятини берилгунга қадар уни барча кечикиш вақтигача;

в) *сафар йўлида йўловчи касал бўлиб қолганида* – даволаш муассасасининг тегишли ҳужжатида тасдиқланган касалликнинг ҳамма вақтигача;

г) *сафар йўлида йўловчи тўхтаганида* – 10 суткадан зиёд бўлмаган муддатгача, сафар ҳужжатларини яроқлилиқ муддатини узайтириши шартлиги белгиланган.

Уставнинг 103-бандида эса йўловчининг ҳуқуқлари баён этилган бўлиб унда:

а) *йўловчи операцияларини бажариши учун очиқ бўлган, йўловчи номини айтган тайинланган темир йўл станциясигача жой мавжуд бўлганида ҳар қандай поездга ва ҳар қандай вагонга, йўловчи поездларини энг қисқа сафар йўналиши бўйича, энг кам қайта ўтиришлар сони ёки маршрутлар бўйича, қулай вақт бўйича, сафар ҳужжатини (билетни) сотиб олиш;*

б) *алоҳида жой берилмасдан ўзи билан бирга 5 ёшдан катта бўлмаган битта фарзандини бепул олиб юриш. Йўловчи билан бирга биттадан ортиқ 5 ёшгача бўлган фарзанди сафар қилганида улардан бири бепул, қолганлари эса алоҳида жой берилиб билетнинг тўлиқ баҳосидан 50 фоизли чегирма билан ташилади;*

в) *ўзи билан бепул 36 килограммдан зиёд бўлмаган ва шаҳарлараро поездларда қўшимча багаж тарифи бўйича ҳақ эвазига 50 килограммдан зиёд бўлмаган қўл юқини ташиб бориш;*

г) *сафар ҳужжати бўйича белгиланган тариф бўйича ҳақ эвазига багажни ташишга топшириш;*

д) *йўл сафарида сафар ҳужжатида (билетда) яроқлилиқ муддатини узайтириб 10 суткагача тўхтаб қолиш;*

е) *йўл сафарида касал бўлиб қолганида касалликни ҳамма вақтига сафар ҳужжатини (билетни) яроқлилиқ муддатини узайтириш;*

ж) *йўл сафарида юқорироқ тоифли вагондаги бўш жойни сафар баҳоси тафовутини тўлаб эгаллаш;*

з) *бўш жой мавжуд бўлганида йўловчи, багаж ва юк багаж ташиши Қоидаларида белгиланган тартибда темир йўл билет кассасида керакли*

белгилар қўйиб олиб, сафар ҳужжати (билет) сотиб олинган поезддан **эртароқ кетадиган поездда жўнаб кетиш**;

и) тегишли ҳужжатларда тасдиқланган касаллиги ёки бахтсиз воқеа туфайли 3 соат давомида поездга (шаҳар атрофидан ташқари) кечикканида – сафар ҳужжати (билет) сотиб олинган поезднинг жўнаган пайдан 3 сутка давомида плацкартадан ташқари қўшимча ҳақ тўламай уни бошқа поездга янгидан бошлаш ёки йўловчи, багаж ва юк багаж ташиш Қоидаларида белгиланган тартибда **сафар баҳосини қайтариб олиш**;

к) поезд жўнашигача 24 соатга қадар сафар ҳужжати (билет) қайтарилганида **тўлиқ сафар баҳосини олиш**, бу муддатдан кечроқ, лекин поезд жўнагунигача сафар ҳужжати (билет) қайтарилганида эса плацкартани баҳосини чегириб ташлаб **сафар баҳосини олиш**;

Орқага жўнаш пунктларида, орқага қайтиш сафар ҳужжати (билет) поезднинг жўнашигача 3 суткадан кечикмай қайтарилганида йўловчига тўлиқ сафар баҳоси, бу муддатдан кечроқ, лекин поезднинг жўнашигача қайтарилганида эса – плацкатра баҳосини чегириб ташлаб сафар баҳосини тўланади.

м) йўл сафари давомида поездлар ҳаракатининг узилиши оқибатида сафар тўхтатилганида, босиб ўтилмаган масофа учун **сафар баҳосини қайтариб олиш** ҳуқуқига эга эканлиги ва барча ҳолатларда сафар ҳужжати қайтарилганида, йўловчиларга хизмат кўрсатишни амалга оширувчи корхона белгилаган ҳақ, йўловчидан ундириб олинishi, кўрсатиб ўтилган.

Йўловчи сафар қилаётган вагонда ўзи билан бирга қўл юки ҳам олиб кетиши мумкин. Уставнинг 3-бандида қўл юкига қуйидагича таъриф берилган. **Қўл юки** – ўровининг тури ва кўринишидан қатъий назар, ўзининг ўлчамлари ва вазни бўйича (уч ўлчами бўйича 180 см дан ва вазни одатда 36 кг дан зиёд бўлмаган) йўловчи вагонларда уларни жойлаштириш учун назарда тутилган ўринлага қийинчиликсиз сизадиган осон ташиладиган предметлар ва буюмлар ҳисобланади. Ташишга вагонни ёки бошқа йўловчиларни буюмларини шикастлантириши ва ифлос қилиши мумкин бўлган ҳамда ўқланган қуроллар, қўланса хидли, оловдан хавфли, осон алангалувчан, захарловчи ва шу каби бошқа хавфли қўл юклари ташишга қабул қилинмайди.

Хизмат кўрсатишни ташкил этишда айрим гуруҳ йўловчиларни (болали аёллар, сайёҳлар ва бошқалар) ўзига хослиги инобатга оlinиши керак. Вокзалларда ва йўловчилар учун биноларда билет кассалари, вестибюллар, транзит йўловчилар учун дам олиш хоналари, қўл юкини омонат сақлаш хоналари, ресторанлар ва буфетлар, йўловчиларга маъданий – маъиший ва санитар – гигиена хизмат кўрсатиш хоналари, маълумотлар бюроси, багажларни қабул қилиш ва топшириш хоналари мавжуд бўлиши керак. Билет кассалари хонасида поездларни жўнаши ва

етиб келиш жадвали, йўловчиларни сафар ва багаж ташиш кира ҳақлари жадвали, билет ва багаж кассаларини иш вақти ва уларни ихтисослаштирилганлиги ҳақидаги эълонлар осиб қўйилиши керак.

Узел станцияларида йўловчиларни бошқа йўналиш поездларига қайта ўтиришлари ва бу билан боғлиқ сафар хужжатларини расмийлаштириш катта ноқулайликлар ва вақт йўқотишларга сабаб бўлади. Шунинг учун темир йўлларда йўловчилар оқимларини изчиллик билан ўрганилмоқда ва **қайта ўтиришларсиз** йўналишлар (тўғри поездлар ва қайта ўтиришларсиз вагонлар) ташкил қилинмоқда. Транзит йўловчиларни сафар хужжатларини расмийлаштириш учун қайта ўтриш пунктларига етиб келаётган поездларга чиқиб қайта ўтриш сафар хужжатларини расмийлаштирувчи билет кассирларини ишини ташкил этилади.

Вагонлардаги барча ётиш ўринлари кўрпа ғлоф – жилидлар билан таъминланади. Вагонлар радио эшиттириш алоқаси билан жиҳозланади. Йўловчиларга чой, кондитер маҳсулотлари сотиш вагон кузатувчиларининг вазифасига киради. Олис йўловчи поездлари составига вагон – ресторанлар қўйилади.

## 2. Йўловчи тарифлари ва йиғимлари

Йўловчилар, багаж ва юк багаж ташишлар учун белгиланган кира ҳақлари ва йиғимлари **темир йўл йўловчи тарифлари** деб ҳисобланади. Темир йўл транспортида барча олис ва маҳаллий қатновлардаги поездлар сафарларга *умумий йўловчи тарифи* ва шаҳар атрофи қатновларидаги поездлар сафарларига *шаҳар атрофи тарифи* қўлланилади.

Шаҳар атрофи тарифи қуйидаги турларга бўлинадилар: *минтақавий тариф* – йирик шаҳарлардаги шаҳар атрофи қатновларида (минтақавий тарифда шаҳар атрофи участкаси тахминан 10 км масофали минтақаларга бўлинадилар ва ҳар бирига сафар баҳоси ягона қилиб белгиланади); *километрлар бўйича тариф* – йирик бўлмаган шаҳар атрофи қатновларида (минтақавий ва километрлар бўйича тарифлар қўлланиладиган шаҳарлар рўйхати № 5 Тариф қўлланмасида келтирилган); *суғурта йиғимсиз умумий тариф* – минтақавий ва километрлар бўйича тариф белгиланган участкаларда; *имтиёзли абонемент тарифи* – ишчилар, хизматчилар ва ўқувчиларга яшаш жойидан иш ва ўқиш жойига, дала ҳовли ва боғларига бориш учун ҳамда нафақахўрларга шахсий эҳтиёжлари бўйича сафарлари учун; *абонементли тариф* – шаҳарлар атрофи қатновларидаги участкаларда барча фуқаролар учун.

Йўловчиларни сафарлари, багаж ва юк багаж ташиш учун кира ҳақлари йўловчи поездларида йўловчи, багаж ва юк багаж босиб ўтадиган ҳақиқий масофа учун ундирилади. Йўловчи тарифлари масофалар бўйича дифференциаллаштирилган бўлиб, масофа ўсиши билан йўловчи –

километр учун тариф ставкаси камайади. Йўловчиларни сафар тариф кира ҳақлари вагон турлари ва поезд тоифалари бўйича ҳам белгиланган. Умумий қаттиқ ўринли вагонларда (ўтириш учун ўрин билан) сафар баҳосига нисбатан бошқа турдаги вагонларда сафар баҳоси тахминан қуйидаги миқдорларда ошиб боради: ётиш учун ўрин қаттиқ вагонда – 25 % га, тўрт ўринли купели қаттиқ вагонда 60 % га, тўрт ўринли купели юмшоқ вагонда – 85 % га, икки ўринли купели юмшоқ вагонда 330 % га. Болалар билетларига тарифлар тўлиқ билет тарифнинг 1/2 миқдорида белгиланган.

Темир йўл транспорти йўловчилари (халқаро ва шаҳар атрофидан ташқари) сафардаги ва вокзал ёки станцияда бўлган вақтида бахтсиз ҳодисалардан мажбурий давлат суғиртасидан ўтказилади. Суғирта йиғими билетнинг баҳосига киритилади ва унинг баҳосига мувофиқ ундирилади. *Йўловчилар поездга ўтириш эълон қилинганидан токи тайинланган вокзалдан ёки станциядан улар чиқиб кетгунларигача суғирталанган ҳисобланадилар.* Темир йўл транспортида суғирталанган йўловчи билан содир бўлган ҳар бир бахтсиз ҳодиса ҳақида темир йўлининг вакили (станция, вокзал, йўловчи поезда бошлиғи ва бошқалар) акт тузиши ва уни йўловчига ёки унинг меросхўрига топшириши шарт.

**Сафар чегирмалари.** Темир йўл транспортида сафар ҳужжатлари йўловчиларга тўлиқ баҳосига сотилади, қонун ҳужжатларида имтиёзли сафар белгиланган фуқаролар бундан мустасно. Амалдаги қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорларига ва МДҲ Ҳукуматлари бошлиқлари 12 март 1993 йилда имзолаган “*Улуғ ватан уриши ногиронларини ва қатнашчиларини ҳамда уларга тенглаштирилган шахсларни имтиёзли сафарга ҳуқуқни ўзаро тан олиш ҳақидаги*” битимига мувофиқ: Совет Иттифоқи Қаҳромонлари ва учала даража Шухрат ордени билан мукофотланган шахслар; ярадор бўлган ҳарбий хизматчилар, ишчилар ва хизматчилар ва уларга тенглаштирилган I- ва II-гурӯҳ уриш ногиронлари; Черобил АЭС сида ҳалокатни бартараф қилиш ногиронлари (Ўзбекистон Республикаси сарҳадларида) йилда бир маротаба (“у томонга” ва “орқага”) темир йўлида бепул сафар қилиш ҳуқуқи берилган.

Улуғ Ватан уришининг III-гурӯҳ ногиронларига; Улуғ Ватан уриши қатнашчиларига ва уларга тенглаштирилган шахсларга йилда бир маротаба талонларга алмаштириб ва гувоҳномасини тақдим қилиш бўйича (“у томонга” ва “орқага”) темир йўлида сафар баҳосини 50 фоизлик чегирма имтиёзи берилган.

Йилда бир маротаба (“у томонга” ва “орқага”) 50 фоизли чегирма билан темир йўлида сафар қилиш мумкин бўлган шахсларга уларнинг ҳоҳиши бўйича икки йиллик талонларни (жорий ва ўтган йилни ёки жорий келгуси йилнинг) алмаштириб икки йилда бир маротаба бепул сафар қилишга рухсат берилади. Тўғри йўналишларда бундай сафарни расмий-

лаштиришда иккита “у томонга” талонини, орқага қайтишда эса – иккита “орқага” талонини алмаштириб амалга оширилади. Бундай тартиб Улуғ Ватан уришининг III-гуруҳ ногиронларига ва уларга тенглаштирилган шахсларга ҳам тааллуқли бўлади.

Улуғ Ватан уришининг I-гуруҳ ногиронларини кузатиб борувчи шахсларга (биттадан зиёд бўлмаган кузатиб борувчига) мавсумий имтиёздан ташқари йилда бир маротаба талонларни (“у томонга” ва “орқага”) алмаштириб сафар баҳосидан 50 фоизлик чегирма берилади.

Имтиёзли сафар ҳужжатини (билетни) олиш учун чегирма олишга ҳуқуқ берилган тегишли ҳужжат: “Улуғ Ватан уриши ногирони Гувоҳномаси”, “Улуғ Ватан уриши қатнашчиси Гувоҳномаси” ёки “Имтиёзларга ҳуқуқ ҳақида Гувоҳнома” кассага тақдим этилиши керак.

Уюштирилган гуруҳларда 10 нафар ва ундан зиёд одамлар бўлганида, **гуруҳ билети** бўйича умумий сафар баҳосидан қуйидаги миқдорда чегирма берилади:

- **умумий сафар масофаси 2000 км гача** (қайта ўтиришларни инобатга олиб) **бўлганида:**

а) гуруҳда 10 тадан 24 нафаргача одамлар бўлганида умумий сафар баҳосидан 10 фоиз;

б) гуруҳда 25 нафар ва ундан зиёд одамлар бўлганида умумий сафар баҳосидан 15 фоиз;

- **умумий сафар масофаси 2000 км дан зиёд** (қайта ўтиришларни инобатга олиб) **бўлганида:**

а) гуруҳда 10 тадан 24 нафаргача одамлар бўлганида умумий сафар баҳосидан 20 фоиз;

б) гуруҳда 25 нафар ва ундан зиёд одамлар бўлганида умумий сафар баҳосидан 25 фоиз.

Экскурсияларга гуруҳ билетлари баҳоси бўйича ҳақ тўлашлар нақд ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

**Ўқувчиларни** маҳаллий ва шаҳар атрофи поездларида якка сафарларида билет кассалари белгиланган шаклдаги **имтиёзли сафар ҳужжатларини** берадилар (сотадилар). Бундай имтиёзли сафар ҳужжатларида тақдим этилган **тегишли ҳужжат** (гувоҳнома) номери кўрсатилади, керакли ҳолатларда эса белгиланган шаклдаги қўшимча тўлов паттаси берилади. Имтиёзли сафар ҳужжати бўйича сафар қилаётган шахс вагонга чиқишда ва сафар пайтида вагон кузатувчиси ёки назоратчи шахс талаби бўйича сафар ҳужжати сотиб олинган тегишли гувоҳномани тақдим этиши керак. Имтиёзли сафар ҳужжатини текширишда тегишли гувоҳномани тақдим этмаган йўловчилар **билетсиз** деб ҳисобланадилар ва белгиланган миқдорда **жарима** тўлашга тортиладилар. Бундан ташқари улардан сафар баҳоси (тўлиқ ва имтиёзли тариф) тафовути ундириб олинади. Имтиёзли тариф бўйича ҳар бир нотўғри сафар ҳужжати бериш ҳолати ҳақида назорат қилувчи шахслар акт тузишлари ва уни сафар

ҳужжатини берган темир йўлининг бухгалтерия ҳисоби ва молия хизматига, чора кўриш учун юборишлари шарт.

Шаҳар атрофи ва маҳаллий поездларда вагон кузатувчилари ғалтакли ўрама билетлар сотганларида, 1-октябрдан 15-майгача имтиёзли сафар ҳуқуқига эга бўлган шахсларга 50 фоизли чегирма билан билет сотишни амалга оширадилар.

Тарифларда вагонларда, оналар ва болалар хоналарида ётиш жиҳозларидан фойдаланганлик, омонат сақлаш хоналарида қўл юкини сақлаш, сафар ҳужжатларини олдиндан сотиш, йўловчи ҳақларини қайтариш ва бошқалар учун йиғимлар ҳам назарда тутилган.

Темир йўлларда багаж ва юк багажларни ташиш кира ҳақларини аниқлаш учун умумий багаж тарифи қўлланилади. Багаж ва юк багажи ташиш масофаси, йўловчилар ташиш учун тариф масофаларини ҳисоблаш қоидалари бўйича аниқланади. Багаж тарифини тузиш тизими, умумий йўловчи тарифи пояслари тизими билан мос тушади. Барча қўшимча йиғимлар, шунингдек ортиш, тушириш ва тортишларни ўз ичига олган багаж тарифи ставкалари ва юк багаж ташиш тарифлари № 5 Тариф қўлланмаси жадвалларида келтирилган.

### **3. Багаж, юк багаж ва почталар ташиш**

Йўловчи қўл юкидан ташқари багаж вагонларида ташиш учун багаж топшириши ҳам мумкин. “Темир йўл транспорти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида багажга қуйидагича таъриф берилган: *багаж – йўловчи олиб кетаётган ва сафар давомида йўловчилар вагониди ва унинг ёнида бўладиган буюмлар, товарлар ва бошқа моддий бойликлар.* Фақат йўловчи сафар билетини тақдим этгандагина багаж ташишга қабул қилинади. Багаж йўловчи ёки почта – багаж вагонларида ташилади.

Багаж ташишга шундай буюмлар ва предметлар қабул қилинадики, қайсики улар ўзларининг ўлчамлари, идиш – ўровлари ва хусусиятлари бўйича қийинчиликларсиз ҳамда бошқа йўловчилар багажларига зарар етказмай багаж вагонига ортиш ва жойлаштириш мумкин бўлса. Багажнинг идиши ва ўрови ташишда буюмларни ва предметларни асрашни таъминлаши керак.

**Багажда ташишга:** *ўқ отар қуроллар, портлайдиган, захарли, қўланса хидли, инфекцион, оловдан хавфли, осон алангаланувчан, ўз – ўзидан ёнадиган ва шу каби (мураббolar, шарбатлар, локлар, мойлар, олифлар, бўёғлар ва ҳ.к. лар) бошқа йўловчиларни багажларига ёки темир йўлининг мулкига зарар етказадиган предметлар ва моддалар тақиқланади.* Ҳужжатларни, нақд пулларни, қимматли қоғозларни ва бошқа қимматбаҳо буюмларни багажда ташишга руҳсат берилмайди. Ўзбекистон Республикаси “Божхона Декларациясида” кўрсатиб ўтилган Ўзбекистон

Республикаси сарҳадларидан ташқарига олиб чиқиб кетиладиган товар моддий бойликларини багажда ташишга қабул қилиш тақиқланади.

Багажни қабул қилиш, топшириш ва ташиш ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнини ҳуқуқий нуқтаий назардан йўловчи ва темир йўли ўртасида тузиладиган ва бажариладиган **ташиш шартномаси** деб қараш керак. Бу шартномада йўловчи ва темир йўли юридик шахс сифатида қаралиб, қайсики улар Уставда ҳамда йўловчи, багаж ва юк багаж ташиш Қоидаларида белгилаб қўйилган багажларни ташишда асраш ва етказиб бериш муддатларига риоя қилишлари керак.

Багаж, йўловчининг жўнаш станциясида ҳам шунингдек поезднинг йўл сафаридаги ҳар қайси станцияларда ҳам, ташишга топширилиши мумкин. Багажнинг тайинланган пункти нафақат йўловчи сафарининг охириги пункти, балки йўл сафаридаги багаж операциялари учун очик бўлган ҳар бир станция бўлиши мумкин. Багажни ташишга қабул қилишда темир йўл станцияси тамғалайди. Ҳар бир багаж жойида жўнатувчи ва тайинланган станция, жўнатма номери ва ундаги жойлар сони кўрсатилади. Жўнатувчи ташишга тақдим этилган ҳамма багажни ёки ҳар бир алоҳида жойни **баҳосини билдириш** ҳуқуқига эга. Багажни баҳоси билдирилганлиги учун йиғим ундирилади.

**Багаж паттаси, йўл багаж қайдномаси ва йўл багаж қайдномасининг корешоги** багаж ташиш ҳужжатлари ҳисобланади. Учта ҳужжатни ҳаммаси бир хил номерга эга бўлиб, типография усулида босилади. Багаж паттаси жўнатувчига берилади, у жўнатувчидан багаж қабул қилиб олинганлиги ва ташиш учун ундан тарифлар бўйича кира ҳақларини ва йиғимларни ундириб олинганлиги тасдиқлайди. Йўл багаж қайдномаси багажнинг барча йўл сафарида багажга ҳамроҳ бўлиб борувчи ҳужжат ҳисобланади. Йўл багаж қайдномасининг корешоги жўнатувчи станцияда қолади ва темир йўли бошқармасига багаж жўнатиш ҳақида ҳисоботларда тақдим этилади.

**Багаж паттасида:** *поезднинг номери, унинг жўнатилган санаси, жўнатувчи станция, тайинланган станция, йўл сафари, тақдим этилган билет номери, ҳамма багажнинг ёки алоҳида жойларнинг билдирилган баҳоси (агар у билдирилган бўлса), багажнинг массаси, жойлар сони ва ўровини тури, ташиш учун ва билдирилган баҳо учун ундирилган ҳақлар суммаси* кўрсатилади.

**Нотариф** (тегишли операциялар учун очик бўлмаган) тўхташ пунктларидан тариф станцияларигача ҳамда тариф станцияларидан нотариф тўхташ пунктларигача багаж ташиш йўл сафарида қайта юкламасдан шаҳар атрофи ва маҳаллий поездларда амалга оширилади. Бундай ташишларни **платформадан багаж ташиш** деб аталади.

Тариф станциясидан йўловчи тўхташ пунктларигача багаж жўнатишда, жўнатувчи станция жўнатувчига (йўловчига) багаж паттасини беради ва унда, қайси пунктида багаж туширилиши кераклигини белгилаб,

тўхташ пунктидан кейинги тариф станцияси багаж тайинланган пункт деб кўрсатилади. Тўхташ пунктида, мазкур поезднинг жадвалда белгиланган тўхтаб туриш пайтида, багаж вагонининг қабул қилувчи топширувчиси йўловчидан багаж паттасини қабул қилиб олади ва бевосита багаж вагонидан багажни йўловчига топширади. Тўхташ пунктида багажни олиш учун багаж вагонига олувчи (йўловчи) келмаганида, олишни рад этганида, багаж бузилганида, шикастланганида ёки қисман кам чиққанида багаж туширилмайди ва багаж паттасида кўрсатилган тариф станциясигача етказиб берилади, у ерда уни умумий асосларда топширилади.

Йўловчи тўхташ пунктидан йўл сафаридаги қайсидир тариф станциясигача багаж жўнатилишида, жўнатувчи (йўловчи) мазкур поезднинг жадвалда белгиланган тўхтаб туриш пайтида багаж вагонига қабул қилувчи топширувчи багажни топширади. Қабул қилувчи топширувчи багажни қабул қилганлигини шаҳодатлаб жўнатувчига (йўловчига) белгиланган шаклдаги **ёрлик** беради ва жўнатиладиган багажга ёрлик талонини ёпиштириб қўйади. Бундай ҳолатларда тайинланган станция хизматчилари ёрлик тақдим этилганда багаж вазнини аниқлаб ва турли йиғимлар паттаси бўйича барча ҳақларни ундириб олиб багажни топширади. Багажни вазнини ва турли йиғимлар паттасини номери станция ёрликда белгилаб қўйади. *Йўловчи тўхташ пунктидан йўловчи тўхташ пунктигача багаж ташиш амалга оширилмайди.* Йўловчи тўхташ пунктидан жўнатиладиган **багажни баҳоси** билдирилмайди.

Багаж қабул қилинган поезд билан багаж етиб келмаганида, йўловчи багаж паттасини ёки ёрликни тайинланган тариф станциясига тақдим этиши керак, у ерда багаж паттасини ёки ёрликнинг орқа томонига тақдим этилган йил, ой ва сана кўрсатилиб станциянинг календар штемпели босилади.

Темир йўлининг айби билан тайинланган тўхташ пунктида багаж туширилмай қолган вазиятларда ва уни тариф станциясигача етказиб берилганида, йўловчининг талаби бўйича багаж тўхташ пунктига бепул қайтарилади.

Багажни етказиб бериш муддатига Уставнинг 109-банди бағишланган бўлиб, унда – *багаж ва юк багажни етказиб бериш муддати, багаж ва юк багаж жўнатилган поездни тайинланган темир йўл станциясига юриб бориш вақти билан аниқланади. Агар багаж маршрут бўйича йўл сафарида қайта юклаб етиб борса, у ҳолда багажни етказиб бериш муддати, ушбу маршрут бўйича келишилган поездларнинг юриб бориш вақтига ҳар бир қайта юклашга бир суткадан қўшиб аниқланади,* деб кўрсатилган.

Тайинланган станцияга етиб келган багаж фақат олувчида багаж паттасини ва сафар ҳужжати мавжуд бўлганидагина топширилади (багаж паттаси станцияда қолади). Олувчида сафар ҳужжати мавжуд бўлмаган



вазиятларда, агар у йўл сафарида қайта ўтириш билан етиб келса ва қайта ўтириш станциясидан тайинланган станциягача сафар хужжати бўлмаса, бундай вазиятларда ундан юк багаж тарифи бўйича қўшимча ҳақ ундириб олинади. Багажни топширишда қабул қилинган багаж паттаси багаж йўл қайдномаси билан биргаликда тайинланган темир йўл бошқармасига жўнатилади.

Багажни вазни ёки жойлар сони кам чиққанида ҳамда багаж шикастланганида тижорат акт тузилади. Шундай ҳолатда багажни олувчи қабул қилиб олишга рози бўлса, багажни олувчига топширилади. Багаж паттаси станцияда қолади, олувчига эса унинг талаби бўйича, жойлар очиб кўрилганидан ва уни ичидаги буюмлар (олувчи тақдим этган баёнга мувофиқ) текширилганидан сўнг тузилган тижорат актининг иккинчи нусхаси берилади. Тижорат актида кам чиқиш ёки шикастланиш маълумотларидан ташқари олувчининг фамилияси, исми, шарфи, адреси, агар кўрсатилган бўлса билдирилган баҳо суммаси кўрсатилади. Бу тижорат акти бўйича йўловчи темир йўли бошқармасига талаб қўйиши ҳамда қидирилаётган кам чиққан жойларни олиши мумкин.

Уставнинг 110-бандида, *агар багаж тайинланган темир йўл станциясига багажни етказиб бериш муддати тугаганидан 10 суткадан кейин етиб келмаса, йўловчи багажни йўқолган деб ҳисоб қилиш ва уни баҳосини қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлишлиги* кўрсатиб ўтилган.

Етиб келган багаж тайинланган станцияда, етиб келган кунни ҳисобга олмасдан бир сутка муддатда бепул сақланиши мумкин. Иккинчи суткадан бошлаб багажни сақлаш учун йиғим ундирилади. Агар йўловчи багаж етиб келганидан сўнг 30 сутка ичида, багажни талаб қилиб олмаса, станция багажни савдо ташкилотларига сотиш учун топширади. Багаж паттасини олти ойлик муддат ичида тақдим этувчи талаб қилиб олинмаган багажни сотишдан тушган суммани, темир йўлига тегишли бўлган ҳақларни қолдириб, темир йўли бошқармасидан олиш ҳуқуқига эга.

“Темир йўл транспорти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида юк багажга қуйидагича таъриф берилган: **юк багажи** – *йўловчилар ва почта – багаж поездларида ташиладиган темир йўл ташиш объекти*. Юк багажлар ташишга фуқароларнинг ёзма аризалари бўйича темир йўл сафар хужжатларини тақдим этмасдан қабул қилинади. Ташкилот, корхона ва муассасалардан эса - имконият мавжуд бўлганида станция бошлиғининг ёки унинг ўринбосарини рухсати билан қабул қилинади. Юк багаж почта – багаж поездларида ташилади, йўловчи поездларини багаж вагонларида эса, қачонки багаж вагонлари йўловчилар багажлари билан тўлиқ юкланмаган бўлсагина, ташилади. Агар юк багажни жўнатувчи ва тайинланган станцияларда поезд 5 дақиқадан зиёд тўхтаб турса, юк багаж ташишга қабул қилинади. Юк багаж жўнатмасининг массаси 10 кг дан кам бўлмаслиги керак.

Биринчи навбатда юк бағажда ташишга газета ва журналлар, даврий матбуот ва ташвиқот адабиётлари, китоблар, радиоактив моддалар (изотоплар), кино фильмлар, кислородли ва бўш балонлар, экспедиция асбоблари, уй буюмлари қабул қилинади. Тез бузилувчан юклар юк бағажда ташишга қоидаларда белгиланган сафар масофаларига, юкнинг тури ва термик тайёргарлиги ва йилнинг фасилларига мувофиқ қабул қилинади. Агар юк ўз муддатида етказиб берилган бўлса ва идиши шикастланмаса темир йўли тез бузилувчан юкни бузилиши учун жавобгар бўлмайди. Бағаж ташишда тақиқланган юклар юк бағажда ҳам ташишга қабул қилинмайди.

Юк бағаж ташиш учун типография усулида босилган бир хил номерли бўлган юк бағаж паттаси, йўл юк бағаж қайдномаси ва йўл юк бағаж қайдномасининг корешоғи тузилади ва улар юк бағаж ташиш ҳужжатлари ҳисобланади. Бағаж ташиш ҳужжатларидан фарқли ўлароқ юк бағаж ташиш ҳужжатларида жўнатувчининг ва олувчининг номи ва юкни тури кўрсатилади.

Бағаж учун белгиланган тартибларда ва шартларда жўнатувчи юк бағаж баҳосини билдириши мумкин. Юк бағаж исмли бўлганлиги боис юк бағаж етиб келганлиги ҳақида станция олувчига хабар бериши ва ҳужжатда кўрсатилган олувчига топшириши шарт. Тайинланган станцияда юк бағаж бир сутка давомида бепул сақланади, туширилган кунини ҳисобламай. Бундан кейинги сақлаш учун ҳақ ундирилади. Хабар юборилганидан кейин 5 сутка ичида талаб қилиб олинмаган юк бағаж, тегишли ташкилотларга белгиланган тартибда бериб юборилади, уй буюмлари бундан мустасно, улар 30 сутка сақланади.

Темир йўлида почта ташишлар алоҳида қоидалар асосида, марказлаштирилган тартибда ташиш ҳақларини ҳисоблаб амалга оширилади. Почта вагонларида темир йўл ташиш ҳужжатларини лозим даражада расмийлаштирмасдан юк ёки бошқа почта бўлмаган жўнатмалар назорат пайтида аниқланса, уларни ташиш ҳақлари ҳақиқий юк массаси ва ҳамма ташиш масофасига юк бағаж тарифи бўйича амалга оширилади.

## 21- маъруза. Актлар, талаблар ва даъволар

Режа:

1. Тижорат акти ва умумий шаклдаги акт
2. Талаб қўйиш ва даъво қўзғотиш ҳуқуқи
3. Талаб қўйиш муддати
4. Талабларни кўриб чиқиш тартиби
5. Даъво қўзғатиш тартиби

### 1. Тижорат акти ва умумий шаклдаги акт

Темир йўл транспортида юк ташишлар юк жўнатувчиларнинг буюртманомалари ҳамда темир йўли ва юк жўнатувчи ўртасида юк олувчи фойдасига тузилган юк ташиш шартномаси асосида амалга оширилади. Қабул қилинган буюртманома ва юк ташиш шартномаси темир йўли, юк жўнатувчи, юк олувчи зиммасига бир қатор мажбуриятларни юклайди. Уларнинг муҳимлари: қабул қилинган буюртманомада кўрсатилган юкни ташиш учун муносиб, шай ва яроқли ташиш воситаларини ўз вақтида қабул қилинган буюртманомада белгиланган миқдорда етказиб бериш, юкни ташишга тақдим этиш, қабул қилинган юкларни ўз муддатида ва тўла асраб етказиб бериш, ташиш воситаларидан самарали фойдаланиш ва шу кабилардир. Қабул қилинган буюртманома ва юк ташиш шартномаси мажбуриятларини темир йўли, юк жўнатувчи ёки юк олувчи бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун уларга нисбатан мулкӣ жавобгарлик қўллашни келтириб чиқаради. Темир йўлини, юк жўнатувчини ёки юк олувчини мулкӣ жавобгарликка тортиш учун тегишли ҳолатларни тасдиқлаш мақсадида станцияларда **тижорат актлари** (ГУ-22 шакл) ва **умумий шакилдаги актлар** (ГУ-23 шакл) тузилади.

Темир йўл Уставининг 146-моддасида тижорат актини ва умумий шаклдаги актни тузиш баён этилган. *“Темир йўлини, юк жўнатувчиларни, юк олувчиларни ва йўловчиларни моддий жавобгарликка тортишга асос бўлувчи ҳолатлар, темир йўли станцияларида тузиладиган тижорат актида ёки умумий шаклдаги актда тасдиқланади.*

*Қуйидаги ҳолатларни тасдиқлаш учун тижорат актлари тузилади:*

*а) юкларни ва багажларни номи, оғирлиги ва жойлар сони аслича ва ташиш ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мувофиқ бўлмаганида;*

*б) юклар ёки багажлар бузилганида ёки шикастланганида;*

*в) юклар ёки багажлар ҳужжатларсиз ва ҳужжатлар юкларсиз ёки багажларсиз аниқланганида;*

*г) темир йўли ўғирланган юкларни ёки багажларни қайтарганида;*

д) товар идорасида (хазинасида) ҳужжатлар бўйича юкларни топшириш расмийлаштирилганидан сўнг 24 соат мобайнида темир йўли юкларни темир йўл шохобчасига олиб кириб бермаганида. Бу ҳолатда тижорат акти юк олувчининг талабига кўра тўлдирилади.

Агарда юқорида қайд этилган ҳолатларни темир йўли ўзи аниқланганида ёки ушбу ҳолатларни биронтасини мавжудлигини юк ёки багаж олувчи, ёки жўнатувчи кўрсатса, темир йўли тижорат актини тузиши шарт.

*Тижорат актларини ва умумий шаклдаги актларини тузиш тартиби Қоидада белгиланган*”.

Тижорат актидаги маълумотлар ташиш ҳужжатлари, тарозида тортишлар, вагон тарозида тортиш китоби ва бошқалар асосида кўрсатилади.

#### **Тижорат актлари:**

- умумий фойдаланиш жойларида юклар туширилганида – юк туширилгани кун, тегишли ҳолатларда – олувчига юк топширилган кун тузилади;

- ноумумий фойдаланиш жойларида юк туширилганида – юк туширилган кун тузилади, бунда юкларни текириш тушириш жараёнида ёки бевосита юк туширилганидан сўнг амалга оширилади.

Юкни тушириш кун, уни тортишда қатнашган қабул қилувчи топширувчидан бошқаси вагон тара массасини текириган ҳолатларда, актнинг “Д” бўлимида қайси қабул қилувчи топширувчи юкни тортишда қатнашганлиги ва қайси бири вагон тара массасини текириганлиги кўрсатилади. Актни вагон тара массасини текириган қабул қилувчи топширувчи имзолайди;

- юкнинг йўл сафарида – тижорат актини расмийлаштириш шарт бўлган ҳолатлар аниқланган кун тузилади.

Кўрсатилган муддатларда тижорат актнинг тузишни имконияти бўлмаганида, ҳар қандай ҳолатларда келаси кундан кеч қолмай актни тузиш керак. **Тижорат акти ҳар бир жўнатмага юк саройини, омборини мудирининг ёки қабул қилувчи топширувчининг ёзма далолатномаси асосида ёзув машинасида ёки сиёҳда аниқ, хатосиз, ифлос қилмай, тозаламай ва ҳеч бир тузатишларсиз белгиланган шаклдаги бланкага тўлғазилади.** Ҳар бир актга станциянинг қаторли (строчный) муҳри босилади. Актнинг **биринчи нусхаси** темир йўлининг контейнерда юк ташиш ва тижорат ишлариш хизматига (ЎТЙ ДАТК да юк ва тижорат ишлари бошқармасига), **иккинчи нусхаси** юк олувчининг талабига кўра унга топширилади, **учинчи нусхаси** эса станциянинг ишларида қолади. Агар тижорат акти жўнатувчи станцияда ёки йўл сафаридаги станцияда тузилган бўлса, у ҳолда **актнинг иккинчи нусхаси** юкхатига ёки багаж йўл қайдномасига қўшиб қўйилади ва тайинланган станциягача боради. **Тижорат акти тузилганлиги ҳақида юкхатини ва**

**йўл қайдномасини орқа томонига тегишли белгилар қайд қилиб қўйилади.**

Тижорат актида, юкни ёки багажни ҳолати ва аниқланган нуқсонлилиқ вазиятлар аниқ ва батафсил баён этилиши керак. Юкни ёки багажни текширишда аниқланган юкни ёки багажни кам чиқишни, бузилишни ёки шикастланишни келиб чиқишига сабаб бўлган вазиятлар ҳам кўрсатилиши керак. Ташишдаги нуқсонлилиқ сабаблари ёки юк жўнатувчининг ва темир йўлининг айбдорлиги ҳақида ҳеч қандай **тахминларни, гумонларни ва хулосаларни** актга киритишга рухсат берилмайди. Акти бланкасининг барча графаларидаги саволларга аниқ жавоб берилиши керак.

Тижорат актида юкларни вагонларга **тўғри ортилганлиги, жойлаштирилганлиги** ва **маҳкамланганлиги** ҳамда очиқ ҳаракатдаги составда ташиладиган юклар учун **ҳимоя тамғалари** мавжудлиги кўрсатилиши керак. Юклар вагонларга нотўғри ортилган, жойлаштирилган ва маҳкамланган бўлса, актда қандай носозликка (бузилишга) йўл қўйилганлиги кўрсатилади. Рефрижиратор вагонларида ташилган тез бузилувчан юклар бузилишига тижорат акти тузилганида актнинг биринчи нусхасига **ҳарорат журналидан** кўчирма қўшиб қўйилади.

**Тижорат актини станция бошлиғи (унинг мовуни), юк саройининг мудури (омбор мудури, катта қабул қилувчи топширувчи) ва станциянинг қабул қилувчи топширувчиси имзолайдилар.** Бундан ташқари заруриятли ҳолатларда юкни текширишга ва актни имзолашга темир йўлининг бошқа хизматчилари ҳам жалб қилиниши мумкин.

Юк олувчининг талабига кўра станция **уч кунлик муддатда** мазкур жўнатмага тузилган тижорат актини унга бериши шарт. Актни олувчига топшириш станция ишида сақланадиган акт нусхасига **тилхат** ёздириб олиш билан амалга оширилади. Ташкилот ва корхона номидан актни топшириш ҳақида талаб қилувчи шахсда, тижорат актини олиш ҳуқуқини ёки юкни олиш ҳуқуқини берувчи, юк жўнатувчини **ишончномаси** бўлиши керак.

**Вагон (контейнер) нинг техник ҳолатининг нуқсонлилиги сабабли юкни сизиб оқиши, бузилиши ёки ҳўлланиши аниқланган вазиятларда тижорат актидан ташқари вагон (контейнер) нинг техник ҳолати ҳақидаги акт тузилади.** Вагон (контейнер) нинг техник ҳолати ҳақидаги актнинг биринчи нусхаси тижорат актининг биринчи нусхасига қўшиб қўшиб қўйилади, иккинчи нусхаси станция ишларида қолдирилади.

**Қўйидаги ҳолатларни тасдиқлаш учун умумий шакилдаги актларлар тузилади:**

- а) юк жўнатувчи юкхатига илова қилган ҳужжатлар йўқолганида;*
- б) тайинланган станцияда юк олувчига боғлиқ бўлган сабабларга кўра туширишга олиб кириб беришни кутиб вагонлар тўхтаб турганида;*

в) юк олувчининг воситаларида туширишдан сўнг вагонлар юк қолдиқларидан ва ахлатлардан тозаланмаганида;

г) қуюш ва тўкишдан сўнг цистерна ва бункерли ярим очиқ вагонларнинг ташқи сиртлари тозаланмаганида;

д) юк жўнатувчилар, портлар, пристанлар воситаларида ортишга тозаланмаган вагонларни темир йўли олиб кириб берганида;

е) вагонда тамбалаш-пломбалаш мосламасини мавжуд эмаслигида, агар вагон вароғида тамбалаш-пломбалаш мосламаси қўйилганлиги ҳақида белги бўлса;

ж) вагон (контейнер) ни шикастланиши, темир йўли тақдим этган олиб қўйиладиган ташиш мосламаларини шикастланиши ёки йўқолиши;

з) багажларни етказиб бериш кечиктирилганида (юк олувчининг талабга кўра тузилади);

и) юк ташиш режасини бажариш ҳисоб карточкасини имзолашдан бош тортилганида ёки бўйин товланганида ;

к) ташилотлар, корхоналар ёки идоралар тасарруфидаги ёки улар ижарага олган вагон ва контейнерларни темир йўли ўзбошимчалик билан эгаллаб олганида;

л) юк жўнатувчилар, юк олувчилар, темир йўл шохобчаси эгалари темир йўлининг рухсатсиз умумтармоқ парк вагонларини ва контейнерларини ўзларининг ички ташишлари учун фойдаланганларида;

м) тарафларнинг моддий жавобгарликка тортиш учун асос бўладиган бошқа ҳолатларни тасдиқлашда, агар бунда тижорат акти ёки бошқа махсус шаклдаги актлар тузиш талаб этилмаса.

Умумий шаклдаги актни, акт тузиш учун асос бўладиган ҳолатларни тасдиқлашда қатнашган, лекин иккитадан кам бўлмаган шахслар имзолайдилар.

Ҳеч бир тараф актларни имзолашни рад этишга ҳақли эмас. Актнинг мазмунига тарафлар рози бўлмаганларида ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини ифода этишга ҳақлидирлар.

**Ҳақиқатга мувофиқ бўлмаган маълумотлар асосида тижорат актини ва умумий шаклдаги актни тузган ва имзолаган шахслар белгиланган қонунга кўра жавобгарликка тортиладилар.**

## **2. Талаб қўйиш ва даъво қўзғотиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 724-моддасида ташувчига нисбатан юк ташишдан келиб чиқадиган даъвони қўзғатишдан олдин унга тегишли транспорт Устави ёки Кодексида назарда тутилган тартибда талаб қўйилган бўлиши шартлиги белгилаб қўйилган. Юклар, йўловчилар багаж ва юк багажни ташиш бўйича мажбуриятлар бузилган тақдирда юк жўнатувчилар ва юкни олувчилар тегишли темир йўл транспорти корхоналарига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва

муддатларда талаб ва даъволар тақдим этишга ҳақли эканликлари ва бу талаблар ва даъволарни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлар темир йўл Уставида белгилаб қўйилганлиги “Темир йўл транспорти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28- моддасида таъкидлаб ўтилган.

Темир йўлига талаб қўйиш ва даъво қўзғатиш Темир йўл Устави, талаб қилиш ва кўриб чиқиш Қоидалари (юкларни ташиш Қоидалари 1 - қисм 38 - бўлим) ва ҳамдўстлик давлати қатнашчилари Латвия Республикаси, Литва Республикаси, Эстония Республикаси темир йўлларида акт - талаб ишлари бўйича Йўриқнома асосида тартибга солинади.

Темир йўл Уставининг 147-моддасига мувофиқ “*Темир йўлига, ушбу Уставдан келиб чиқадиган даъво қўзғатишдан аввал унга албатта талаб қўйилган бўлиши шарт.*

*Темир йўлига талаб қўйиш ҳуқуқига ва тегишли ҳолатларда даъво қўзғатиш ҳуқуқига қуйидагилар эга бўлади:*

*а) юк йўқолганда:*

*юк олувчи – юкни келмаганлиги ҳақида тайинланган станция белгилаб берган юк паттасининг асл нусхасини тақдим этиш шарти билан, юк паттасини тақдим этиш имконияти бўлмаганда эса юкни баҳоси тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат ва юкни жўнатилганлиги ҳақида темир йўли берган, тайинланган станция юкни келмагани ҳақида белгилаб берган маълумотномани тақдим этиш шарти билан;*

*юк жўнатувчи – юк паттасининг асл нусхасини тақдим этиш шарти билан;*

*б) юк кам чиққанида, бузилганида ёки шикастланганида - юк олувчи юкхатининг асл нусхасини ва темир йўли унга берган тижорат актини ёки тижорат акти тузилганлиги ҳақида темир йўли белгилаб берган юкхатининг асл нусхасини (тижорат акти йўқолган ҳолларда) ёки юкхатининг асл нусхасини ва юк ташиш Қоидаларида назарда тутилган тартибда темир йўли тижорат актини тузишни рад этганлигини шикоят қилганлиги ҳақида ҳужжатларни тақдим этиш шарти билан;*

*в) юкни етказиб берилиши кечиктирилганида – юк олувчи юкхатининг асл нусхасини тақдим этиш шарти билан;*

*г) багаж йўқолганида – багаж эгаси, багаж паттасининг асл нусхасини тақдим этиш шарти билан, багаж кам чиққан, бузилган, шикастланган ёки етказиб бериши кечиктирилган пайтда – багаж эгаси багажни кам чиқиши, бузилиши, шикастланиши ёки етказиб бериши кечиктирилганлиги ҳақида темир йўли берган актни тақдим этиш шарти билан;*

*д) темир йўл тарифлари, жарималари ва йигимлари нотўғри ундириб олинганида – юк жўнатувчи ёки юк олувчи тегишли ҳолатларда юкхатини асл нусхасини, вагонларни олиб кириб бериш ва олиб чиқиш қайдномасини, қўшимча йигимлар учун жамғариш карточкасини, умумий*

шаклдаги актни ва тўловни тасдиқловучи ҳужжат тақдим этиш шарти билан;

е) *приват вагонлар шикастланганида ёки йўқолганида – вагон эгаси (собственник) юкхатини асл нусхасини (юкхатини асл нусхаси бўлмаса вагонни ташишга қабул қилиб олинганлиги ҳақидаги патта ёки жўнатиш темир йўл станцияси бошлигининг мазкур вагонни ташишга қабул қилиб олинганлиги ҳақидаги маълумоти тақдим этилади), вагоннинг техник паспорти, шикастланганлик ҳақидаги акт ва зарарнинг ҳисоб китоби тақдим этиш шарти билан. Бундай талабларни қўйиш муддати вагон шикастланган ёки йўқолган пайдан бошлаб 12 ой давомида.*”

Талаб қўйиб хўжалик низоларни ҳал қилишнинг асосий мақсади юк жўнатувчининг ва юк олувчининг бузилган ҳуқуқларини тезроқ тиклаш, ҳамда улар ўртасида хўжалик шартномаларидан келиб чиққан келишмовчиликларни тартибга солишдир. Темир йўл траспортида қўйилган талабларни текшириб чиқиш қабул қилинган буюртманома ва юк ташиш шартномаси мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик сабабларини аниқлаш ва аниқланган камчиликларни тугатишни қатъий чора-тадбирларини белгилашни, ҳамда мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахсларни аниқлаш ва уларни моддий жавобгарликка тортиш имкониятини яратади.

Талаб қўйиш тартиби ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларини низосиз ишларни ҳал қилишга вақт сарфлашдан халос этиб, уларнинг асосий диққатларини хўжалик қонунларини бузилишни олдини олиш профилактикасига жалб қилишга имконият беради.

Темир йўл Уставига мувофиқ керакли ҳужжатлар мавжуд бўлганида юк жўнатувчи ёки юк олувчи талаб қўйиш ҳуқуқига эга бўладилар. Юк жўнатувчидан ва юк олувчидан ташқари ён беришлик уст хати мавжуд бўлганида юк олувчининг ёки юк жўнатувчининг юқори ташкилот органи ёки транспорт - экспедицияси ташкилоти ҳам талаб қўйиши мумкин.

**Талаб қўйиш ва даъво қўзғатиш ҳуқуқини** юк жўнатувчи юк олувчига ёки юк олувчи юк жўнатувчига, ҳамда юк олувчи ёки юк жўнатувчи ўзининг юқори ташкилотига ёки транспорт - экспедицияси ташкилотига **бериши тегишли ҳужжат** (юк паттаси, юкхати ва шу кабилар) **га ён беришлик уст хати ёзиб қўйиш** билан тасдиқланади: **“Талаб қўйиш ва даъво қўзғатиш ҳуқуқи .....**

**берилади”**.  
**Ён беришлик уст хати ташкилот раҳбарининг ва бош ҳисобчининг имзолари ва корхона муҳри билан тасдиқланади.**

Хусусий вагон йўқолганида, вагон эгаси талаб қўйиш ҳуқуқига эга бўлади. Вагон эгаси талабга қўшиб қуйидаги ҳужжатларни: тайинланган станцияга вагон келмаганлиги ҳақида белги қўйилган темир йўл паттасини, вагон унинг тасарруфида эканлигини тасдиқловчи ҳужжатни ва уни қолдиқ баҳосини, вагонни техник паспортини, вагон умумий темир



йўл тармоғида ҳаракатланиши мумкинлиги ҳақидаги рухсатнома нусхасини, вагоннинг трафарети ва ранги ҳақидаги маълумотни ҳам топшириши керак.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексида *"Даъво муддати - шахс ўзининг бузилган ҳақ-ҳуқуқини даъво қўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддатдир"*- дейилган (ФК нинг 149-моддаси) [2]. ФК нинг 154 - моддасида даъво муддатини ўта бошлаши белгиланган *"Даъво муддати шахс ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ўта бошлайди. Бу қоидадан истиснолар ушбу кодекс ва бошқа қонунлар билан белгиланади"*[2].

Муайян ижро муддатига эга бўлган мажбуриятлар бўйича даъво муддати ижро муддати тамом бўлганидан кейин ўта бошлайди.

Ижро этиш муддати белгиланмаган ёки талаб қилиш пайти ижро этиш муддати билан белгиланган мажбуриятлар бўйича даъво муддати кредиторда мажбуриятни бажариш тўғрисида талаб қўйиш ҳуқуқи пайдо бўлган вақтдан ўта бошлайди, борди-ю, қарздорга бундай талабни бажариш учун имтиёзли муддат берилса, даъво муддати имтиёзли муддат тамом бўлганидан кейин ҳисоблана бошлайди.

Регресс мажбуриятлар бўйича даъво муддати асосий мажбурият бажарилган пайтдан ўта бошлайди".

Бундан кўриниб турибдики, Фуқаролик Кодекси бўйича ҳуқуқи бузилган шахсда, ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан, мажбуриятлар бўйича ижро муддати тамом бўлган кундан, ҳамда мажбуриятни бажариш тўғрисида кредиторда талаб қўйиш ҳуқуқи пайдо бўлган вақтдан бошлаб даъво қўзғатиш ҳуқуқи пайдо бўлади.

Темир йўл транспортига даъво қўзғатиш ҳуқуқий муносабатлари бошқачароқ. *Шахс ўзининг юк ташишдан келиб чиққан, ҳуқуқлари бузилганини билган кундан эътиборан, унда фақат юк ташувчига талаб қўйиш ҳуқуқи пайдо бўлади. Юк ташувчига даъво қўзғатиш ҳуқуқи бошланмайди. Ҳуқуқи бузилган шахс талаб қўйиш тартибига риоя қилиши, унда юк ташувчига даъво қўзғатиш ҳуқуқини пайдо бўлишининг зарур шартидир. Темир йўлига қўйилган талаб тўла ёки қисман қондирилмаганида ёки белгиланган муддат ичида темир йўлидан жавоб олинмаганида унга нисбатан юк олувчи ва юк жўнатувчиларда даъво қўзғатиш ҳуқуқи пайдо бўлади.* Агар юк ташишдан келиб чиққан талабда белгиланган муддат ва тартибларга риоя қилинмаган бўлса, темир йўли бундай ишларга тортилмайди. *Даъвогар талаб қўйиш тартибига ва муддатига риоя қилмаганида хўжалик суди даъво аризасини қабул қилишни рад этади.* Хўжалик суди мажлисида бундай муддат ва тартиб бузилишлари аниқланганида, агар талаб қўйиш имконияти тугамаган бўлса, ишни кўриб чиқиш тўхтатилади, агар талаб қўйиб низони тартибга

солиш имконияти тугаган бўлса, хўжалик суди даъвони муҳокамасиз қолдиради.

### **3. Талаб қўйиш муддати**

Талаб қўйиш ва кўриб чиқиш тартиблари ҳақидаги низомда корхоналарга, ташкилотларга ёки муассасаларга талаб қўйиш муддатини бузганликлари учун мулкӣ жавобгарлик (жарима) белгиланган. Темир йўл Устави ва юкларни ташиш Қоидаларида юк жўнатувчиларга, юк олувчиларга ва темир йўлига талаб қўйиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахсларга бунга ўхшаш жавобгарлик белгиланмаган. *Траспорт қонунчилигида юк ташишдан келиб чиққан талаб қўйиш тартибларига ва муддатларига амал қилинмаганида жарима тўлашга қараганда кучлироқ восита белгиланган. Бу ҳуқуққа эга бўлган шахс - ўзини даъво қўзғатиш ҳуқуқини йўқотишидир.*

Қабул қилинган буюртманома ва юк ташиш шартномаси мажбуриятларидан келиб чиқадиган муносабатларнинг характери мурраккаб эканлигини эътиборга олиб, Темир йўл Устави бу умумий меъёрларни равшанлаштиради (детализирует). Унда талаб қўйиш муддати ўта бошланишдаги дастлабки пайтни аниқлаш Қоидаси берилган. Масалан: юкнинг кам чиқишидан юк олувчи ўзига етган зарар ҳақида юкни олган кундан ёки темир йўлидан тижорат актини олган кундан бошлаб билиши мумкин, агар юк олувчи юк ҳақини юкни олган кунгача тўламаган бўлса, юк учун тўлов ҳисоби олганидан кейин ўзига етган зарарни миқдорини ҳисоблаб чиқиши мумкин. Жўнатилган юк йўқолганида эса юк олувчи юк қайси кундан бошлаб йўқолганлигини исботлаши бир мунча мурраккаб бўлади. Шунинг учун темир йўл транспорти қонунчилигида талаб қўйиш муддатлари қайси кундан ўта бошланиши Темир йўл Уставининг 152-моддасида аниқ ва равшан белгиланган.

Ушбу моддага мувофиқ *“Темир йўлига 6 ойлик муддат ичида талаб қўйиш мумкин, жарима тўлаш ҳақида талаблар бўйича эса 45 кунлик муддат ичида.*

*Кўрсатилган муддатлар:*

*а) юк ёки багаж бузилиши, шикастланиши ёки кам чиқишини қоплаш бўйича - юк ёки багаж топширилган кундан;*

*б) юк йўқолишини қоплаш ҳақидаги талаблар бўйича - юкни етказиб бериш муддати тугаган кундан 30 сутка ўтганидан сўнг;*

*в) багаж йўқолишини қоплаш ҳақидаги талаблар бўйича - багажни етказиб бериш муддати тугаган кундан 10 сутка ўтганидан сўнг;*

*г) юкни ва багажни етказиб берилиши кечиктирилганлиги ҳақида талаблар бўйича - юк ва багаж топширилган кундан;*

д) қабул қилинган буюртманомани бажармаганлик учун жарима ундириши ҳақида талаб бўйича - жарима тўлаш учун белгиланган 5 кунлик муддат тугаганидан сўнг;

е) акцентсиз тартибда вагонларни тўхтаб туриши ва контейнерларни ушлаб турганлиги учун ундирилган жаримани қайтариши ҳақидаги талаблар бўйича - талаб қилувчи тўлов сўровномаси нусхасини олган кундан;

ж) бошқа барча вазиятларда - талаб қўйиши учун асос бўладиган ҳолат бошланган кундан ҳисоб этила бошлайди”.

Темир йўл Уставининг 152-моддасида берилган қоида темир йўлига талаб қўйиш муддати қайси кундан бошланишини аниқлашни осонлаштиради.

#### **4. Талабларни кўриб чиқиш тартиби**

**Умумий ҳолат.** Юкларни йўқолиши, кам чиқиши, бузилиши ёки шикастланиши туфайли қилинган талабларни Темир йўл Устави ва юкларни ташиш Қоидалари асосида темир йўлининг юк ва тижорат ишлари хизмати кўриб чиқади (ЎТЙ ДАТК да юк ва тижорат ишлари бошқармаси).

Қачонки талаб қилувчи бир юкхатини ўзида юкни йўқолганлигини, кам чиқишини, бузилишини ёки шикастланишини қопланишини ҳамда ташиш кира ҳақини кўп олинган қисмини қайтаришни, юкни етказиб берилиши кечиктирилганлиги учун жарима тўлашни, юкни кўриқлаш учун олинган йиғимни қайтариб беришни талаб қилса, юк ва тижорат ишлар хизмати юкни йўқолганлиги, кам чиқиши, бузилиши ёки шикастланиши ҳақидаги керакли маълумотларни юкхатидан кўчирма қилиб олади ва бу маълумотлар бўйича талабни кўриб чиқади ва талаб қўювчига жавоб беради.

Юкхати билан талаб аризасинининг кўчирмасини тезликда, талаб келиб тушганидан 10 кундан кечикмай темир йўлининг молия хизматига ташиш кира ҳақини ортиқ олинган қисмини қайтаришни ва юкни етказиб берилишини кечиктирилганлиги учун жарима тўлашни ва ҳарбийлашган соқчилик хизматига кўриқлаш учун олинган йиғимни қайтариб бериш бўйича талабни кўриб чиқиш учун топширади, ҳамда бу ҳақидаги талаб қўювчига хабар қилади.

Юк ва тижорат ишлари хизмати темир йўл Уставининг мувофиқ моддаларида белгиланган муддатларда арз қилинган талабни кўриб чиқиши ва арз қилувчига уни қондирилганлиги ёки рад этилганлиги ҳақида хабар бериши керак.

Талаб келиб тушганида, биринчи навбатда қуйидагилар текширилади:

а) ушбу темир йўли бошқармасига талабни тўғри юборилганлиги (адресование);

б) талаб қўйишга ҳуқуқни мавжудлиги;

в) талаб қўйишда муддатларга риоя қилинганлиги;

г) темир йўл Уставида белгиланган ҳужжатларни талаб аризасида мавжудлиги, ҳамда ҳужжатларни ушбу талабга тегишли эканлиги;

д) темир йўлида мулкӣ жавобгарликни вужудга келтирувчи вазиятни тасдиқлашда асос бўлиб хизмат қилган ҳужжатларни мавжудлиги ва талаб суммасини миқдори;

е) талаб аризасини тўғри расмийлаштирилганлиги.

Талаб қўйиш ва кўриб чиқиш Қондасига мувофиқ ташкилот раҳбари (унинг муовини) имзоламаган, ҳамда айрим фуқаролар имзоламаган талаб аризалари кўриб чиқилмайди ва ҳамма тақдим этилган ҳужжатлар билан биргаликда расмийлаштиришга олинган кундан ўн кунлик муддат ичида қайтариб юборилади.

**Талабни ўз манзилига юбориш.** Темир йўл Уставининг 148-моддасига мувофиқ: “Юк, йўловчи ва багаж ташишлардан вужудга келадиган талаблар темир йўлининг раҳбарига тақдим этилади.

Бевосита тўғри аралаш қатновларда юк ташишдан вужудга келадиган талабларни:

а) агар ташишнинг охириги пункти темир йўл станцияси бўлса, темир йўлига;

б) қолган барча ҳолатларда – бошқа турдаги транспортнинг тегишли корхонасига тақдим этилади.

Юк жўнатувчиларнинг ва юк олувчиларнинг жарималар ҳақидаги талаблари темир йўлининг раҳбарига тақдим этилади.

Темир йўлининг раҳбари бундай талабларни кўриб чиқишни темир йўлининг минтақавий ва бошқа структуравий бўлинмасининг зиммасига юклаши мумкин”.

Демак, темир йўл Уставига мувофиқ юкни йўқолганлиги, кам чиқиши, бузилиши ёки шикастланиши учун қўйилган талаблар тайинланган темир йўл бошқармасига юборилади. Агар келиб тушган ариза ушбу темир йўлига янглиш юборилганлиги аниқланса, бундай талабни кўриб чиқиш рад этилади ва бу ҳақида темир йўл Уставининг мувофиқ моддасига ишорат этилиб талаб қаерга ва кимга юбориш кераклигини кўрсатиб ёзма равишда талаб қўювчига хабар берилади.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар тасарруфидаги ҳаракатдаги составларни йўқолиши учун талабни тайинланган темир йўл бошқармаси кўриб чиқишга қабул қилиши керак. Тайинланган темир йўли ҳаракатдаги составни йўқолиш ҳолатини текшириб чиқиши ва уни қидириши керак, ундан сўнг йўқолган ҳаракатдаги составни ўрнига бошқа ҳаракатдаги составни ажратиб бериши ёки зарар суммасини тўлаш ҳақидаги масалани

ҳал қилиш учун талабни, текширув материалларини ҳаракатдаги состав ёзиб қўйилган темир йўлига юборади, ҳамда бу ҳақида талаб қилувчига маълум этади.

Темир айби билан корхона тасарруфидаги йўқолган ҳаракатдаги состав ўрнига хусусий вагон ёзиб қўйилган темир йўли муносиб ҳаракатдаги составни бепул, вақтинчалик фойдаланишга корхонага бериб туриши керак. Уч ой ўтганидан кейин эса ушбу ҳаракатдаги составни йўқолган ҳаракатдаги состав ўрнига батамом топшириши ёки зарар суммасини жавобгар темир йўли ҳисобидан тўлаши керак.

**Талабни кўриб чиқиш муддати.** Юк ташишлардан келиб чиқадиган талабларни кўриб чиқиш муддатлари талаб қўйиш ва кўриб чиқиш тартиблари ҳақидаги Низомда белгиланган шунга ўхшаш муддатлардан фарқ қилади. Низомда етишмаётган (кам чиққан) маҳсулотни баҳосини қоплаш ҳақидаги талабни, ҳамда сифати лозим даражада бўлмаган ёки комплекtsiz маҳсулот етказиб беришдан келиб чиққан ва, шу жумладан, бундай маҳсулот етказиб бериш учун жарима ундириш ҳақидаги талабларни 1 ой ичида, бошқа сабаблар бўйича келиб чиққан талабларни эса 2 ой ичида кўриб чиқилади.

Юк ташишлардан келиб чиқадиган талабларни кўриб чиқиш муддати темир йўл Уставининг 153-моддасида белгиланган. “Темир йўли талабни олган кунидан бошлаб қуйидаги муддатларда арз қилинган талабларни кўриб чиқиши ва талаб қаноатлантирилганлиги ёки рад этилганлиги ҳақида арз қилувчига хабар бериши керак:

а) 3 ой ичида – темир йўл қатновларида ташишлардан вужудга келган талаблар бўйича;

в) жарима тўлаш ҳақидаги талаблар бўйича 45 кун ичида”.

**Талабни тасдиқловчи ҳужжатлар.** Агар талаб аризасига темир йўл Уставида таъкидлаб ўтилган ҳужжатлардан бошқа, талабни кўриб чиқиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса, бу талабни кўриб чиқмасдан қайтариб юбориш учун асос бўлиб хизмат қила олмайди. Бундай пайтларда талаб қўювчидан муносиб ҳужжатларни қўшимча равишда топширишни сўраш керак.

Агар талабни дастлабки кўриб чиқишда талаб ушбу темир йўлига янглишмасдан тўғри қўйилганлиги ва Темир йўл Уставида назарда тутилган шартларга риоя қилинганлиги аниқланса, у ҳолда бундай талаб мазмунан кўриб чиқилади.

**Талабни мазмунан кўриб чиқиш.** Талабни мазмунан кўриб чиқишда қуйидагиларни амалга ошириш керак:

а) масъул темир йўл бошқармаларига ёки ўз темир йўли станцияларига суриштириб чиқиш учун тижорат актларини жўнатиш керак;

б) масъул темир йўл бошқармалирадан ёки ўз темир йўли станцияларидан суриштирув материалларини олиш. Белгиланган муддатда текширув материаллари етиб келмаганида талаб мавжуд материаллар асосида кўриб чиқилади;

в) юк ташишда ҳақиқатан ва қандай миқдорда юк йўқолиши, кам чиқиши, бузилиши ёки шикастланиши рўй берганини текшириш ва аниқлаш;

г) қандан вазиятда юк йўқолиши, кам чиқиши, бузилиши ёки шикастланиши рўй берганини текшириш, аниқлаш ва зарурият пайдо бўлса, юкни йўқолиши, кам чиқиши, бузилиши ёки шикастланиши сабабларини қўшимча текшириб чиқиш ва масъул темир йўллардан хулоса ва натижаларини сўраш;

д) талаб қўювчининг ҳисоб-китобларини текшириб чиқиш ва юкни йўқолиши, кам чиқиши, бузилиши ёки шикастланишини қоплаш лозим бўлган суммани аниқлаш;

е) талаб аризасига қўшиб тақдим этилган ҳужжатларни ҳақиқий нусхасини (юк паттасини, юкхатини, тижорат актини ва шу кабиларни) текшириб чиқиш ва бу ҳужжатларда белгиланган тартибда тасдиқланмаган қандайдир қўшимча ёзувлар ёки ўзгартиришлар бор - йўқлигини аниқлаш.

**Темир йўлини жавобгарликдан озод қилувчи вазиятларни аниқлаш.** Талаб қўйиш бўйича зарарни қоплаш лозим бўлган сумма миқдорини аниқлашдан аввал қандай ҳолатларда юкни йўқолиши, кам чиқиши, бузилиши ёки шикастланиши содир бўлганлигини текшириб чиқиш ва аниқлаш керак, ҳамда темир йўл Уставига мувофиқ темир йўли ушбу ташиш бўйича зарарни қоплаши мажбурми ёки йўқми деган мулоҳаза юритиш керак.

Ушбу жўнатма бўйича юкни йўқолиши, кам чиқиши, бузилиши ёки шикастланиши темир йўлини юкни йўқолишида, кам чиқишида, бузилишида ёки шикастланишида жавобгарликдан озод қилувчи вазиятларда содир бўлмаганлигига ишонч ҳосил қилиш, чунки бу сабаблардан бири ёки бир нечтаси мавжуд бўлса, агарда талаб қўювчи юкни йўқолиши, кам чиқиши, бузилиши ёки шикастланиши темир йўлининг айби билан содир этилганлигини исбот қилмаса, темир йўлига юкни йўқолиши, кам чиқиши, бузулиши ёки шикастланиши учун жавобгарлик юкланмайди.

Агар юкни йўқолиши, кам чиқиши, бузилиши ёки шикастланиши темир йўли олдини ололмаган ва бартараф этиш унга боғлиқ бўлмаган вазиятлар туфайли рўй берган бўлса, у ҳолда бундай ҳолатларнинг мавжудлигини исбот қилиш чоралари кўрилади.

Тижорат актини ўз ичига олган маълумотларни, юк олувчининг омборга юкни қабул қилиш актларидаги ва экспертиза актларидаги маълумотларга мувофиқлигини, тақдим этилган хужжатларни тўғри тузилганлигини, юкни ўзи, идиши ва ўровлари стандарт талабларига ва Техник шартларга мувофиқлигини, юкни йўқ қилиш ва уни нархини арзонлаштириб сотилганлик актлари мавжудлигини, ҳамда юкни асрамай ташишда юк жўнатувчи ёки юк олувчининг айби ҳақида гувоҳлик берувчи бошқа ҳолатлар мавжудлигини текшириб чиқиш керак.

Агар ушбу жўнатма бўйича темир йўлининг юкни йўқолишида, кам чиқишида, бузилишида ёки шикастланишида айби бор эканлигини иш материаллари тасдиқласа, арз қилувчининг ҳисоблари текширилганидан ва йўқолиши, кам чиқиш, бузилиш ёки шикастланиш миқдори аниқланганидан сўнг талабни қаноатлантириш керак.

**Юк ташишда йўқолишнинг, кам чиқишнинг, бузилишнинг ёки шикастланишнинг ҳақиқий миқдори.** Юк ташишда йўқолиш, кам чиқиш, бузилиш ёки шикастланишнинг ҳақиқий миқдори, ҳамда зарар миқдори Қоида бўйича юкни топшириш пайтида юк олувчи тақдим этган хужжатлар (ҳисоб, фактура ва шу кабилар) га мувофиқ аниқланиши ва тижорат актида кўрсатилиши керак.

Лекин, баъзи бир ҳолатларда юк олувчи ҳисоб ва фактураларни тақдим этмаганлиги туфайли, мавжуд юкни муфассал рўйхатини тижорат актида кўрсатилиб юк олувчига топширилади ва тегишли ҳолларда экспертиза акти тузилади. Шу сабабли юкни ҳақиқий кам чиқишини аниқлаш учун юк жўнатувчининг ҳисоби ёки бошқа хужжатлар бўйича қанча миқдордаги юк ушбу жўнатма бўйича ортиб жўнатилганлиги ва тижорат акти бўйича қанча миқдордаги юкни олувчига топширилганлигини текшириб чиқиш ва бу маълумот асосида йўқолган юк миқдорини аниқлаш керак бўлади.

Агар юкни топширишда мавжуд бўлган юкни муфассал рўйхати тузилмаган бўлса, юк олувчидан олинган юкни ҳақиқий миқдорини тасдиқловчи тегишли хужжатларни (қабул қилиш акти, келув юкхати ва ш.ў.) талаб қилиш ва бу хужжатлар бўйича кам чиқиш миқдорини аниқлаш керак.

**Юкнинг масса неттосини аниқлашда табиий камайиш меъёрини ва тарозида тортиш тафовут чегарасини қўллаш ва ҳисоблаш.** Юклар масса бўйича ҳисоб қилинса ва тўловлар амалга оширилса, темир йўлида юк ташиш бўйича содир бўлган умумий кам чиқишдан, ушбу юк учун белгиланган табиий камайиш меъёри ва масса неттони аниқлаш тафовутининг чегараси бўйича аниқланган қийматни чегириб (айриб) ташлаш керак. Бундан сўнг юк массасини ҳақиқий кам чиқиши аниқланади.

Табиий камайиш меъёрини ҳисоблаш юкхати бўйича юкнинг умумий массасидан келиб чиққан ҳолда бажарилади. Агар юкхати бўйича ташишга ҳар хил номдаги юкларни ва ҳар бир номдаги юкни массаси кўрсатиб қабул қилинган бўлса, у ҳолда табиий камайиш меъёрини, юкхати бўйича, умумий юк массасидан эмас, балки ҳар бир номдаги юк массаси бўйича ҳисобланади.

Қачонки, бир ёки бир неча юк ўринлари шикастланганлиги ва юкни кам чиқиш белгиси мавжуд бўлса, умумий кам чиқиш эса шикастланган юк ўринларидаги кам чиқиш массасидан ортиқ бўлмаса, кам чиқиш массасини табиий камайиш меъёрига киргизиб юбориш мумкин эмас.

**Қопланиши лозим бўлган зарар суммасини аниқлаш.** Юкларни йўқолиши, кам чиқиши, бузилиши ёки шикастланиши учун қопланиши лозим бўлган зарар суммасини аниқлашда темир йўл Уставига амал қилиш керак.

Биринчи навбатда, талаб аризасида йўқолган, кам чиққан, бузилган, ёки шикастланган юкни нархи ва баҳоси тўғри кўрсатилганлигини ва талабдаги умумий сумма тўғри ҳисобланганлигини аниқлаш лозим. Талабга нархи эълон қилинмай топширилган юклар йўқолганида қоплаш миқдорини темир йўли йўқолган юкни ҳақиқий баҳоси бўйича, юкни шикастланганлиги учун эса унинг баҳоси қанчага пасайган (арзонлашган) бўлса, шу миқдорда, лекин юкнинг баҳосидан ортиқ бўлмаган миқдорда амалга оширади.

Шикастланиб ёки эҳтиёт қисмлари, асбоблари, комплектлаш деталлари кам чиқиб келган юкларга юк олувчи юкни тўла баҳосида талаб қўйган ҳолатда, темир йўли 10 кунлик муддат ичида арз қилувчидан юкни таъмирлаш ёки эҳтиёт қисмлари, асбоблари ва бошқа деталлари баҳосини тасдиқловчи ҳужжатларни сўраш керак.

Бундай ҳужжатлар олинмаган тақдирда темир йўл Уставида белгиланган талабни кўриб чиқиш муддатлари доирасида талабни қаноатлантирмасдан қайтариб юборилади.

Кўпчилик ҳолатларда ортиб жўнатилган юкни етказиб берувчи бу жўнатма бўйича ҳисобда ортиб жўнатилган юкни миқдорини, нархини, уни жўнатувчи станциягача ёки тайинланган станциягача етказиб бериш харажатларини, агар улар товарни баҳосига кирмаган бўлса, ҳар хил турдаги чегириб ташлаш ва устма нархларни, ҳамда ҳисоб бўйича умумий суммани ёзиб кўрсатадилар; бу эса юк олувчи учун юкни тайинланган станциягача етказиб бериш билан бўлган ҳақиқий баҳосини ташкил қилади. Шунингдек, ҳисобда юкни улгуржи чакана, эрнин нархларини кўрсатиш мумкин.

**Тайинланган манзилга етказиб берилмаган юкларни баҳосини қоплаш ҳақидаги талабларни кўриб чиқиш.** Агар тайинланган манзилга



етиб келмаган юкларни баҳосини қоплаш ҳақидаги талабларни кўриб чиқишда, юк йўл сафарида темир йўлига боғлиқ бўлмаган сабаблар билан сотилганлиги аниқланса, талабни юкнинг тушимидан темир йўлига тегишли бўлган суммани чегириб ташлагандан кейинги сумма миқдорда қаноатлантириш керак.

Бошқа манзилга юбориш оқибатида биринчи манзилга етиб келмаган юклар учун қилинган талаб рад этилади. Бунда қайси ташкилотнинг аризаси билан юк бошқа манзилга юборилганлиги ва кимга, қачон, қаерда юк топширилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар арз қилувчининг аризасига қўшиб қайтариб жўнатилади.

Етиб келмаган ва қидириб топилмаган юк учун талаб уни кўриб чиқиш муддати ичида юкнинг қаердагилиги ёки у кимга топширилганлиги аниқланмаган бўлса, умумий тартибда тўла йўқолган юк каби қаноатлантирилиши керак.

Қидирув жараёнида, юк ҳақиқатдан йўқолмаган, балки йўл сафарида эканлиги аниқланса, тайинланган темир йўли юкни тезроқ етказиб бериш чораларини кўриши керак ва бу ҳақида талаб қилувчига хабар бериши керак.

Қидириб топилмаган ёки ўз манзилига етказиб берилмаган юк учун талаб қаноатлантирилганида, тайинланган темир йўлининг юк ва тижорат ишлари хизмати тайинланган станциянинг бошлиғини, ушбу юк келиб қолган тақдирда уни юк олувчига темир йўл Уставида белгиланган тартибда топшириши кераклиги ҳақида огоҳлантириб қўйиши керак.

**Инобатга олинган талабни расмийлаштириш.** Инобатга олинган сумма ҳақидаги хулоса тасдиқланганидан сўнг белгиланган шаклдаги иш қоғозга уч нусхада буйруқ ёзилади (буйруқ, хабарнома, корешок). Буйруқнинг биринчи нусхаси темир йўлнинг молия хизматига тўлаш учун топширилади. Хабарнома (буйруқнинг иккинчи нусхаси) талаб қўювчига юборилади, корешок эса талаб ишида сақланади. Темир йўли талаб қилувчига суммани ҳисобдан чиқаришни (ўчиришни) назарда тутилган тартибларни белгилаши мумкин.

Бу ҳолатда талабга жавоб (хабарнома) қуйидаги мазмунда бўлади.

“Сизнинг № ..... дан  
..... сўм сумма  
.....  
..... тўлаш ҳақидаги  
талабингиз мазмунан кўриб чиқилди ва сумма .....  
..... сўм миқдорда тўла (қисман) эътироф этилди.

**Кўрсатилган суммани бизнинг № .....  
.....ҳисоб варағидан .....**

..... **банк бўлиmidан низосиз тартибда ушбу хат асосида ҳисобдан чиқариб олишингиз мумкин”**

Бу жавобни юк ва тижорат ишлари хизмати бошлиғи (муовуни) имзолайди ва муҳр билан тасдиқлайди.

Талаб тўла ёки қисман рад этилганда арз этувчига у тақдим этган талабни эътироф қилувчи ҳужжатлар қайтариб жўнатилади.

Талаб ишида, асрамай юк ташишда темир йўлининг айби йўқлигини тасдиқловчи юкхати ундаги ҳамма мавжуд белгилари билан тижорат акти, экспертиза акти ва нусхалари зарур ҳолатларда эса бошқа ҳужжатларни нусхалари ҳам қолиши керак.

Жавобда темир йўл Уставининг мувофиқ моддасига ёки юк ташиш Қоидасига ишорат этилиб, талабни рад этиш асослари кўрсатилади.

Талаб тўла суммада қаноатлантирилганда, талаб билан бирга тақдим этилган ҳамма ҳужжатлар қайтариб жўнатилмайдими, юк ва тижорат ишлари хизматида қолади.

## **5. Даъво қўзғатиш тартиби**

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексида (ФК нинг 9-ва 10-моддалари) фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш белгиланган. Бунда ҳуқуқни суистеъмол қилишнинг ҳар қандай шаклларига йўл қўймаслик назарда тутилади, чунончи фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини, ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари, иштирокчиларнинг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилишларини назарда тутати [4].

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида иштирок этувчи шахслар ўзларига тегишли ҳуқуқларини ўз хоҳишлари билан амалга оширадидлар. Масалан мулкӣ муносабат иштирокчиларини қарзни ундириш ҳақида бир-бирларига нисбатан даъво қўзғатишга ҳеч ким, жумладан давлат органлари ҳам мажбур қилолмайдими. Иштирокчиларнинг бири томонидан мажбурият бузилган тақдирда, бунинг натижасида етказилган зарарни ундиришни талаб қилиш, иккинчи томоннинг бурчи эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланади. Муносабатларда иштирок этувчи тарафларнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши уларнинг ушбу муносабатлар натижаларига нисбатан моддий ва маънавий манфаатдор бўлиши билан рағбатлантирилади [4].

Фуқаролик ҳуқуқлари процессуал қонунлар ёки шартномада белгилаб қўйилгандек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб суд, хўжалик суди ёки холислар суди томонидан ҳимоя қилинади (ФК нинг 10 - моддаси). ФК нинг 724-моддасига мувофиқ “Ташувчига нисбатан юк ташишдан келиб чиқадиган даъвони қўзғатишдан олдин унга тегишли

транспорт Устави ёки Кодексида назарда тутилган тартибда талаб қўйилган бўлиши шарт.

Агар юк ташувчи талабни қондиришни тўлиқ ёки қисман рад этса ёки ўтгиз кунлик муддат ичида талабга жавоб қайтармаса, юк жўнатувчи ёки юк олувчи ташувчига нисбатан даъво қўзғатиши мумкин”.

**Даъво-манфаатдор шахсинг ўз ҳуқуқини ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш тўғрисида, фуқаролик суд ишларини юргизиш тартибида, судга мурожаат этишида ифодаланувчи юридик ҳаракати.** Судга мурожаат қилиш даъво аризаси даъвони тақдим этиш йўли билан амалга оширилади. **Даъво аризаси - шахсинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш шакли.** Даъво аризаси ёзма шаклда тақдим этилиши шарт. Даъво аризасида қилинаётган даъвонинг мазмуни асослангандиган ҳолда берилиши лозим. **Даъвогар-ўз ҳуқуқини ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этувчи шахс.** Даъвогарлар фуқаролар, юридик шахсларнинг ва давлатнинг вакиллари бўлиши мумкин [6].

Ўзбекистон Республикасида юк ташишдан келиб чиқадиган даъволарни хўжалик судлари кўриб чиқади. Лекин, *юк ташишдан келиб чиқадиган мулкӣ низони ҳал қилишда талаб қўйиш тартибларига ва муддатларига риоя қилмаслик ташишотни юк ташувчига даъво қўзғатиш ҳуқуқидан маҳрум этади. Талаб қўйиш тартибларига ва муддатларига риоя қилинмаганида даъвогардан хўжалик суди даъво аризасини қабул қилиб олишни рад этади. Бундай риоясизликлар хўжалик суди мажлисида аниқланса, ишни кўриб чиқиш тўхтатилади.*

Лекин, даъвогар, юк ташувчининг талаб қўйиш тартиби бузилганлиги боис талаб аризасини мазмунан кўриб чиқишни рад этганлигига рози бўлмаслиги мумкин. Даъвогар бу ҳолатда даъво билан хўжалик судига мурожаат қилишда, талабни кўриб чиқишни рад этилиши ҳаққоний эканлигига норозилик билдиришига ҳақли бўлади. Бундай ҳолатларда хўжалик суди даъво аризасини қабул қилиб олиши керак ва бу масала бўйича пайдо бўлган келишмовчиликларни хўжалик суди мажлисида ҳал қилишлари керак бўлади.

Агар даъвогар талаб қўйиш тартибини бузмаганлигини хўжалик суди эътироф этса, у ҳолда юк ташувчига қилинган даъво аризаси мазмунан кўриб чиқилади. Агар хўжалик суди мажлисида талаб қўйиш тартибини бузилганлиги аниқланса, ишни кўриб чиқиш тўхтатилади.

Юк ташувчи инobatга олган талабни, хатто эътироф этилган суммани даъвогарга ўтказиб бермаган тақдирда ҳам даъво қўзғатишга асос бўла олмайди. Юк ташувчи талаб бўйича инobatга олинган қарзни тўлашдан бўйин товлаган тақдирда, арз қилувчи қонунчиликда белгиланган тартибда қарзни олишга ҳақли бўлади. Ҳамдўстлик давлати қатнашчилари, Латвия Республикаси, Литва Республикаси, Эстония

Республикаси темир йўлларида акт-талаб ишлари буйича Йўриқномада инобатга олинган суммани темир йўли бошқармаси (темир йўли бўлими) тақдим этган хабарнома асосида талаб кўювчи банк бўлимидан низосиз тартибда ҳисобдан чиқариб олиши мумкинлиги, уқтириб ўтилган.

Юк ташувчи қўйилган талабни инобатга олганлигини хўжалик суди аниқласа, даъвогарга даъво аризасини қайтариб беради; агарда бу далил хўжалик суди мажлисида аниқланса, ишни кўриб чиқиш тўхтатилади. Талаб қисман инобатга олинганида хўжалик суди ишни инобатга олинган сумма қисмини кўриб чиқмайди. Темир йўли эмас, балки юк жўнатувчилар инобатга олинган талаблар бўйича даъво аризаларини ҳам хўжалик судлари кўриб чиқмайдилар.

Баъзи корхоналар, қонунчиликда назарда тутилган талабларни кўриб чиқиш муддатларини тугагини кутиб турмасдан, юк ташувчига даъво кўзғатадилар. Хўжалик суди бундай риоясизликни аниқласа, даъво аризасини қабул қилишни рад этади. Агарда риоясизлик мажлисида аниқланса, хўжалик суди даъво аризасини кўриб чиқишни тўхтатади. Талабга жавоб бериш муддатини тугагини кутмасдан, даъво кўзғатиш туфайли, даъвогар давлат божи тўлаш билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатлар тўлашга мажбур бўлиш эҳтимоли бўлади.

Юк ташувчига даъвони муддатидан илгари кўзғатмаслик учун, даъвогар талабни қанча муддатда кўриб чиқишини тўғри ҳисоблаши лозим бўлади. Хусусан, талабни кўриб чиқиш муддатини талаб жўнатиш пайтидан эмас, балки талабни транспорт ташкилоти олган пайитдан бошлаб ҳисобланади. Шунинг учун, агар талаб почта орқали юборилган бўлса, талабни кўриб чиқиш учун, қонунчиликда белгиланган вақтга талабни почтада етказиб бериш вақтини ҳам қўшиш керак бўлади.

Талабга жавоб олинмай қолинган ҳолатларда, талабни кўриб чиқиш муддати тамом бўлганидан кейинги дастлабки кунларидаёқ юк ташувчига даъво кўзғотиш мақсадга мувофиқ эмас. Талабни кўриб чиқиш муддатининг энг охири кунларида талабни қаноатлантиришни эҳтимоли мавжуд бўлади ва юк ташувчининг юборган хабарномаси даъво кўзғатилганидан сўнг етиб келиши мумкин.

*Агар талабни темир йўли рад этса ёки талабга жавоб белгиланган муддатда олинмаган бўлса, арз қилувчи рад жавоби олинган кундан эътиборан ёки жавоб учун белгиланган муддат тугаганидан сўнг икки ойлик муддат ичида даъво кўзғатиши мумкин (ТЙУ нинг 155-моддаси). Темир йўл Уставининг 155-моддасига мувофиқ “Темир йўлига ушбу Уставдан келиб чиққан даъволарни, темир йўли қўйилган талабларни тўлиқ ёки қисман рад этганида ёки ушбу Уставнинг 153-моддасида кўрсатилган муддат ичида темир йўлидан жавоб олинмаганида кўзғатиши мумкин.*

*Кўрсатилган даъволар белгиланган судловга тааллуқлигига мувофиқ талаб тақдим этилган темир йўлининг ижро этувчи органи*

*жойлашган жойдаги хўжалик судига, темир йўлидан жавоб олинган кундан эътиборан ёки жавоб учун белгиланган муддат тугаган кундан эътиборан икки ойлик муддат ичида, тақдим этилади”.*

Шундай қилиб, агарда юк ташувчи талабни кўриб чиқиш учун белгиланган муддатда рад этса, у ҳолда даъво қўзғатиш муддати талабга жавоб олинган кундан эътиборан ҳисоб этила бошлайди. Юк ташувчи талабни кўриб чиқиш муддати тугаганидан сўнг рад этган бўлса, муддат ўта бошлагани ҳисоб қилишга таъсир этмайди. Бу ҳолатда даъво муддати ўта бошлаши талабни кўриб чиқиш муддати тамом бўлгандан, яъни жавоб олинishi керак бўлган кундан эътиборан ҳисобланади.

Қачонки юк ташувчи талабни рад этса ва бу ҳақида арз қилувчини ўз вақтида хабардор этса, ана ундан кейинги юк ташувчи ва арз қилувчи ўртасидаги талаб боис ёзишмалар даъво муддатини ўта бошланишини ҳисоб қилишга таъсир қилмайди.

Ойларда ҳисобланадиган муддат календар санадан кейинги ёки унинг бошланиш куни деб белгиланган воқеа юз берагандан кейинги кундан ўта бошлайди. Бу муддат охирги ойдаги тегишли кунда тугайди. Агар ойлар билан ҳисобланадиган муддатнинг тамом бўлиши тегишли рақам бўлмаган ойга тўғри келса, у ҳолда муддат шу ойнинг охирги кунда тугайди.

Муддатнинг охирги куни дам олиш кунига тўғри келган ҳолатларда муддатнинг охирги куни деб дам олиш кунидан кейинги биринчи иш куни ҳисоб этилади. Муддатнинг охирги кунда соат 24 га қадар алоқа ташкилотларига топширилган ёки бошқа алоқа воситаларида юборилган барча ёзма баёнотлар ва хабарлар муддатида қилинган ҳисобланади.

Даъво қўзғатиш муддатини ўтказиб юбориш, даъво талабларини рад этишни келтириб чиқаради. Аммо лекин, даъво муддатини тарафларнинг аризасидан қатъи назар суд, хўжалик суди ва ҳакамлар суди эътиборга олади.

Юк ташувчига даъво қўзғатиш муддати ташувчига талаб қўйиш муддатидан фарқли ўлароқ узиб ташловчи (пресекательним) эмас. Бу - даъво муддатидир ва шунинг учун унга нисбатан даъво муддатининг тўхтатилиши, узилиши ва тикланиши каби қоидалар қўлланилади. Даъво муддати деб бузилган ҳуқуқни тиклаш учун қонун билан белгиланган муддатга айтилади. Ушбу муддатнинг қўлланиши билан жамиятда қонунчиликнинг таъминлаш учун зарур бўлган шароит яратилади. Даъво муддати ҳуқуқий муносабат тарафларини бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва белгиланган муддат давомида ҳимоя қилишга ундайди ва бу масалада беғам бўлмасликка мажбур қилади. Чунки белгиланган даъво муддати ўтиб кетгач, фуқаро ёки ташкилот ўзига тегишли қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини, агар суд томонидан сабаблар узрли деб тан олинмаса, ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлади.

Қонун бузилган ҳуқуқни муайян муддат давомида ҳимоя қилишни белгилайди. Бундай муддатнинг ўрнатилиши суд амалиёти ва уни тартибга солиш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Умум ваколатли суд, хўжалик суди, ҳакамлар суди даъво ни кўриш учун қабул қилишда даъво муддатга эътибор берадилар, агар ушбу муддат ўтиб кетган бўлса, уни кўриш учун қабул қилишдан расмий равишда бош тортишлари мумкин.

Демак, даъво муддати манфаатдор шахсларни ўз вақтида даъво кўзғатишга ундайди. Даъво муддати фуқаролар, юридик шахслар, тижоратчи бўлган ва бўлмаган ташкилотлар ўртасида мулкӣ муносабатларни тартибга солишга, молиявий интизомни ва шартномаларга оид интизомни мустаҳкамлашга, мажбуриятларни белгиланган вақтда бажарилишини таъминлашга, уларнинг бажарилиши бузилганида белгиланган чораларни ўз вақтида қўллашга ёрдам беради. Даъво муддатига бағишланган қоидалар императив характерга эга. Чунки даъво муддати қонун билан белгиланади, уни ҳисоблаш тартибини тарафларнинг келишуви билан ўзгартириш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасига биноан “Фуқароларнинг Конституция ва Қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари даҳлсиздир, уларни суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас” [1]. Шундай экан, суд даъво муддатини ўтиб кетган бўлишидан қатъи назар фуқаронинг ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган талабини кўриб чиқиш учун қабул қилиши керак (ФК нинг 153-моддаси). Суд даъво муддатининг ўтказиб юборилганлиги сабабини узрли деб топса, даъво ни кўриб чиқиш учун қабул қилади ва бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилади (ФК нинг 159-моддаси) [4]. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик - процессуал кодекси (ХПК) нинг 27-моддасида даъво лар жавобгар жойлашган жойдаги хўжалик судига тақдим этилиши кўрсатилган [3].

Юк ташишдан келиб чиқадиган даъво ни юк ташувчига белгиланган судловга тегишлигига мувофиқ транспорт ташкилотининг органи жойлашган жойдаги хўжалик судига кўзғатилади. ХПК нинг 31-моддасида “Йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномасидан келиб чиқадиган йўловчи, багаж ва юк ташувчига нисбатан даъво лар, шу жумладан йўловчи, багаж ва юк ташувчи жавобгарлардан бири бўлган ҳолларда ҳам, транспорт ташкилотининг органи жойлашган жойда тақдим этилади” – дейилган [3]. Шунинг учун юк ташувчига нисбатан юкларни ташишдан келиб чиққан даъво лар лозим тартибда талаб қўйилган транспорт ташкилотининг органи жойлашган жойдаги хўжалик судига тақдим этилади, яъни юк ташишнинг охириги пункти бўлган транспорт ташкилотининг органига, хатто иш бўйича иккинчи жавобгар бўлиб темир йўли ёки бошқа транспорт ташкилоти жалб этилса ҳам.

Даъво аризаси хўжалик судига ёзма шаклда тақдим этилади. Даъво аризасини корхона, ташкилот ёки муассасанинг раҳбари (унинг муовини) имзолаши шарт.

Даъво аризасида низони ўз вақтида ва ҳаққоний кўриб чиқиш учун керакли бўлган барча маълумотлар бўлиши керак:

- ариза берилаётган хўжалик судининг номи;
- ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, уларнинг почта манзиллари;
- агар даъво баҳоланиши лозим бўлса, даъвонинг баҳоси;
- даъво талабларига асос бўлган ҳолатлар;
- даъво талабларининг асосларини тасдиқловчи далиллар;
  - ундириладиган ёки низолашилаётган сумманинг ҳисоб-китоби;
- даъвогарларнинг қонун ҳужжатларини далил қилиб келтирган талаблари, даъво бир нечта талаблар бўйича тақдим этилганида эса уларнинг ҳар бирига қўйилган талаблар;
  - низони жавобгар билан судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;
    - илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Даъво аризасида агар низони тўғри ҳал қилиш учун зарур бўлса, бошқа маълумотлар, шунингдек, даъвогардаги мавжуд илтимосномалар кўрсатилади (ХПК нинг 112-моддаси).

## Назорат саволлари

131. Темир йўлини моддий жавобгарликка тортишга асос бўлувчи ҳолатларни тасдиқлаш учун темир йўли станцияларида қандай ҳужжат тузилади?
132. Юк жўнатувчини моддий жавобгарликка тортишга асос бўлувчи ҳолатларни тасдиқлаш учун темир йўли станцияларида қандай ҳужжат тузилади?
133. Юк олувчини моддий жавобгарликка тортишга асос бўлувчи ҳолатларни тасдиқлаш учун темир йўли станцияларида қандай ҳужжат тузилади?
34. Қайси ҳолатларни тасдиқлаш учун тижорат акти тузилмайди?
135. Қайси ҳолатларни тасдиқлаш учун тижорат акти тузилмайди?
136. Қайси ҳолатларни тасдиқлаш учун тижорат акти тузилмайди?
137. Қайси ҳолатларни тасдиқлаш учун тижорат акти тузилмайди?
138. Қайси ҳолатларни тасдиқлаш учун тижорат акти тузилмайди?
139. Қайси ҳолатларни тасдиқлаш учун умумий шаклдаги акти тузилмайди?
140. Қайси ҳолатларни тасдиқлаш учун умумий шаклдаги акти тузилмайди?
141. Тижорат актлари умумий фойдаланиш жойларида юклар туширилганида қачон тузилади?
142. Тижорат актлари ноумумий фойдаланиш жойларида юклар туширилганида қачон тузилади?
143. Тижорат актлари юкнинг йўл сафарида қачон тузилади?
144. Тижорат акти тузилганлиги ..... тегишли белгилар қайд қилиб қўйилади.
145. Темир йўлига, темир йўл Уставдан келиб чиқадиган даъво кўзғатишдан аввал ..... шарт.

146. Юк йўқолганида темир йўлига талаб қўйиш ҳуқуқига ва тегишли ҳолатларда даъво қўзғатиш ҳуқуқига ким эга бўлади?
147. Юк йўқолганида темир йўлига талаб қўйиш ҳуқуқига ва тегишли ҳолатларда даъво қўзғатиш ҳуқуқига ким эга бўлади?
148. Юк кам чиққанида темир йўлига талаб қўйиш ҳуқуқига ва тегишли ҳолатларда даъво қўзғатиш ҳуқуқига ким эга бўлади?
140. Юк бузилганида темир йўлига талаб қўйиш ҳуқуқига ва тегишли ҳолатларда даъво қўзғатиш ҳуқуқига ким эга бўлади?
150. Юк шикастланганида темир йўлига талаб қўйиш ҳуқуқига ва тегишли ҳолатларда даъво қўзғатиш ҳуқуқига ким эга бўлади?
151. Юкни етказиб бериш кечиктирилганида темир йўлига талаб қўйиш ҳуқуқига ва тегишли ҳолатларда даъво қўзғатиш ҳуқуқига ким эга бўлади?
152. Юк олувчи темир йўлига талаб қўйиш ҳуқуқини ўзининг юқори ташкилотига бериши қандай тартибда тасдиқланади?
153. Юк олувчи темир йўлига даъво қўзғотиш ҳуқуқини ўзининг юқори ташкилотига бериши қандай тартибда тасдиқланади?
154. Юк олувчи темир йўлига талаб қўйиш ҳуқуқини транспорт-экспедиция ташкилотига бериши қандай тартибда тасдиқланади?
155. Юк олувчи темир йўлига даъво қўзғотиш ҳуқуқини транспорт-экспедиция ташкилотига бериши қандай тартибда тасдиқланади?
156. Юк жўнатувчи темир йўлига талаб қўйиш ҳуқуқини ўзининг юқори ташкилотига бериши қандай тартибда тасдиқланади?
157. Юк жўнатувчи темир йўлига даъво қўзғотиш ҳуқуқини ўзининг юқори ташкилотига бериши қандай тартибда тасдиқланади?
159. Юк жўнатувчи темир йўлига талаб қўйиш ҳуқуқини транспорт-экспедиция ташкилотига бериши қандай тартибда тасдиқланади?
160. Шахс ўзининг юк ташишдан келиб чиққан ҳуқуқлари бузилганини билган кундан эътиборан .....
161. Ҳуқуқи бузилган шахс ..... унда юк ташувчига даъво қўзғатиш ҳуқуқини пайдо бўлишининг зарур шартидир.
162. Темир йўлига ..... унга нисбатан юк олувчи ва юк жўнатувчиларда даъво қўзғатиш ҳуқуқи пайдо бўлади.
163. Темир йўлига ..... унга нисбатан юк олувчи ва юк жўнатувчиларда даъво қўзғатиш ҳуқуқи пайдо бўлади.
164. Темир йўлига ..... унга нисбатан юк олувчи ва юк жўнатувчиларда даъво қўзғатиш ҳуқуқи пайдо бўлади.
165. Темир йўлига қанча муддат ичида талаб қўйиш мумкин?
166. Темир йўлига жарима тўлаш ҳақида қанча муддат ичида талаб қўйиш мумкин ?
167. Юкни йўқолишини қоплаш ҳақидаги талаб муддати қачандан бошлаб ҳисоб этила бошлайди?
168. Юкни кам чиқишини қоплаш ҳақидаги талаб муддати қачандан бошлаб ҳисоб этила бошлайди?
169. Юкни бузилишини қоплаш ҳақидаги талаб муддати қачандан бошлаб ҳисоб этила бошлайди?
170. Юкни шикастланишини қоплаш ҳақидаги талаб муддати қачандан бошлаб ҳисоб этила бошлайди?
171. Юк жўнатувчилар ва юк олувчилар юк ташишдан келиб чиққан талаб қўйиш тартибларига ва муддатларига амал қилинмаганида транспорт қонунчилигида қандай чора белгиланган?



172. Темир йўлида юкларни йўқолиши, кам чиқиши, бузилиши ёки шикастланиши туфайли қилинган талабларни ким кўриб чиқади?
173. Темир йўлининг юк ва тижорат ишлари бошқармасига талаб келиб тушганида нима текширилмайди?
174. Темир йўлининг юк ва тижорат ишлари бошқармасига талаб келиб тушганида нима текширилмайди?
175. Темир йўли қанча муддат ичида темир йўл қатновларида ташишлардан вужудга келган талабларни кўриб чиқиши ва талаб қаноатлантирилганлиги ёки рад этилганлиги ҳақида арз қилувчига хабар бериши керак?
176. Темир йўли қанча муддат ичида жарима тўлаш бўйича талабларни кўриб чиқиши ва талаб қаноатлантирилганлиги ёки рад этилганлиги ҳақида арз қилувчига хабар бериши керак?
177. .... - манфаатдор шахснинг ўз ҳуқуқини ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш тўғрисида, фуқаролик суд ишларини юргизиш тартибида, судга мурожаат этишда ифодаланувчи юридик ҳаракати.
178. .... - шахснинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш шакли.
179. .... - ўз ҳуқуқини ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этувчи шахс.
180. .... роя қилинмаганида даъвогардан хўжалик суди даъво аризасини қабул қилиб олишни рад этади.
181. Агар темир йўлидан талабга белгиланган муддатда жавоб олинмаган бўлса арз қилувчи қайси кунидан ва қанча муддат ичида даъво кўзғотиши мумкин?
182. Агар темир йўли талабни рад этса арз қилувчи қайси кунидан ва қанча муддат ичида даъво кўзғотиши мумкин?

## Адабиётлар рўйхати

### Асосий

1. Управление грузовой и коммерческой работой на железнодорожном транспорте: Учеб. для вузов. Под ред. А.А. Смехова. М.: Транспорт, 1990 ., 352 с.
2. Turdmatov O.S. Yuk va tijorat ishlarini boshqarish. O'quv qo'llanma. Toshkent, - "Aloqachi", 2009 й.-216 б.
3. Турдиматов О.С. Транспорт ҳуқуқи асослари. Олий ўқув юртлари учун дарслик – Т.: “Шарқ” 2004. – 208 б.
4. Перепон В.П. Организация перевозок грузов. М.: Маршрут, 2003 – 613 с.
5. Грузоведение, сохранность и крепление грузов. Под ред. А.А. Смехова. М.: Транспорт, 1989 – 240 с.
6. Белинская Л.М., Сенько Г.А. Грузоведение и складское дело на морском транспорте. М.: Транспорт, 1982 – 240 с.
7. Рахмонбердиев Р.Х. Основы транспортного права. Ташкент.: Изд. «Навруз», 1994., 167 ст.

### Қўшимча

1. “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Т.: - 1999. – 48 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг темир йўл Устави. Т.: “Темирйўлчи”. 2008. – 112 б.
3. Правила перевозок грузов ч.1. М.: Транспорт. 1983 – 472 с.
4. Техническое условия погрузки и крепления грузов. М.: Транспорт, 1990 ., 408 с.
5. Техническая условия размещения и крепления грузов в вагонах и контейнерах. – М.: Юридическая фирма «Юртранс», 2003. – 544 с.
6. Инструкция по перевозке негабаритных и тяжеловесных грузов на железных дорогах СССР колеи 1520 мм М.:Транспорт-1985 ., 128 с.
7. Правила перевозок опасных грузов. М.: Транспорт, 1987, - 104 с.
8. Профилактические меры при перевозке опасных грузов на железнодорожном транспорте. М.: Транспорт, 1985. - 200 с.
9. Обеспечение сохранности грузов при железнодорожных перевозках: Справочник. Под ред. В.К. Бешкетов и Ю.А. Носкова –М.: Транспорт. 1982. – 238 с.
10. Транспортная тара: Справочник - А.И. Телегин, Ю.А. Балберов, Н.И. Денисов, В.Н. Брянцев – М.: Транспорт. 1989. – 216 с.

## Мундарижа

1-маъруза. Мукаддима .....	3
2-маъруза. Юк ва тижорат ишларини бошқариш асослари .....	11
3-маъруза. Ўзбекистон Республикаси темир йўл Устави – юк ва тижорат ишларининг ҳуқуқий асоси .....	26
4-маъруза. Юк ташишларни башоратлаш .....	37
5-маъруза. Ортиш жойларидан юк ташишларни маршрутлаштириш .....	49
6-маъруза. Юк станциялари .....	58
7-маъруза. Темир йўл станцияларининг юк ва тижорат ишлари хўжалигининг техник жиҳозланиши .....	77
8-маъруза. Юкларнинг массасини аниқлаш учун техник воситалар .....	89
9-маъруза. Юкларни ташиш учун ҳаракатдаги составларни танлаш .....	99
10-маъруза. Тарифлар ва ташиш кира ҳақларини аниқлаш .....	113
11-маъруза. Юкларни ташишга тайёрлаш ва қабул қилиш .....	121
12-маъруза. Юкларни ортиш ва жўнатиш бўйича операциялар .....	146
13- маъруза. Юкларнинг йўл сафаридаги операциялар .....	166
14-маъруза. Юкларни етиб келиши ва туширишдаги операциялар .....	180
15-маъруза. Юкларни сақлаш ва топшириш .....	193
16-маъруза. Темир йўл шохобча йўллари ва уларни эксплуатация қилиш қоидалари .....	208
17-маъруза. Юкларни вагонларга жойлаштириш ва маҳкамлаш .....	237
18-маъруза. Транспорт пакетларида юкларни ташиш .....	267
19-маъруза. Контейнерларда юкларни ташиш .....	280
20-маъруза. Йўловчилар, багаж, юк багаж ва почталар ташишдаги тижорат операциялари .....	293
21-маъруза. Актлар, талаблар ва даъволар .....	306
Адабиётлар рўйхати .....	329